



ШАРҚ ЮЛДУЗИ

ŞARK YÜLDÜZİ



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ОЙНОМАСИ

7-8 '1993

62-йил чиқиши

*Бош муҳаррир:*

**Ўткир ҲОШИМОВ**

*Таҳрир ҳайъати:*

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**

*(Танқид ва адабиётшунослик  
бўлими мудири)*

**Тоҳир МАЛИК**

*(Масъул котиб)*

**Мурод МАНСУР**

*(Назар бўлими мудири)*

**Ўмон МУХТОРОВ**

*(Бош муҳаррир ўринбосари)*

**Икром ОТАМУРОД**

*(Назм бўлими мудири)*

**Али Назар ЭҒАМНАЗАРОВ**

*(Мақоланавислик бўлими мудири)*

**Асқар ҲАЙДАРОВ**

*(Мерос ва қадрият бўлими мудири)*

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕХНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА  
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

Қоронғу тун чекиниб, ойдin уфқ кўрингандай бўлди. Кампирнинг жонига кимдир қасд қилгани аниқ. Қизининг айтишига қараганда, онаси тақинчоқни бегона одамга сотишни хоҳламаган. Ҳар томонни ҳисобга олган. Етти ёт бегона харидорнинг яхшилигига, кампирни алдамаслигига ким кафолат бера олади? Ҳозир ўзларини милиционер, электр устаси қилиб кўрсатиб, одамларнинг бор-будини шилиб кетаётган фирибгарлар қанча. Шундай бўлгач, не-не бойвучаларнинг кўксини безаб келган соф олтинни бегона одамга кўрсатиб бўларканми? Харидор қишлоқдан чиқса бежавотир. Қизиқ, Шарофат кампир қишлоқда буюмга харидор қилиб кимни топган экан? Соф олтиндан ишланган зебигардоннинг нархи бозорда фалон пул. Шунча йиллардан бери тишининг қавагида асраб, бегонага дамани ҳам чиқармай сақлаб келган кампир буни яхши билган. Бу атрофда зебигардонни унча-мунча одам сотиб ололмаслигини, деҳқон одам қора қозонидан орттириб бунча пул йиғолмаслигини ҳам яхши билган бўлиши керак. Кампир ҳар томонни тарозига солиб ўзича ўлчаган. Бироқ, унинг охири қандай қарорга келгани, ким билан алоқа қилгани, тақинчоғини қандай кўлдан бой бергани қоронғу.

Ойноманинг шу сонидан эътиборан «Жиноят ва жазо» деган номда янги руки очдик. Бу руки остидаги дастлабки асар — ёш адиб Муҳаммадjon Соиповнинг «Девор ортидаги киши» саргузашт қисасини ўқишингиз мумкин.

Суҳбат давомида Ленинга: «Афғонлар Кветтадан Кандаҳор орқали Россия чегарасидаги Кушкага қадар темирйўл ўтказишни инглизга концессияга бермоқчи. Бунда Россия манфаатига хавф йўқми? Ҳарҳолда, бу темирйўл ўтажак ўлкаларда инглиз ва ҳиндларнинг сиёсий ва маънавий таъсири кучаяди», дедим. Ленин иккиланиб ўтирмасдан: «Кучайса нима қилибди, улар у ерга капитализм олиб келадилар, демак Афғонистон темир йўли пролетариатни майдонга келтиражак. Пролетариат эса, кўп ўтмай бизники бўлажак, капиталистлар локомотивларга кўмирни ўзлари ташимасалар керак, ахир», деб жавоб берди...

Заки Валиди Тўғон хотираларининг давомини ҳам шу сонда ўқийсиз.

*ЖАМОАТ КЕНГАШИ: Неъмат АМИНОВ, Саид АҲМАД, Бўрибой АҲМЕДОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Қодиржон ИБРОҲИМОВ, Хуришид ДАВРОН, Мирзо КЕНЖАБЕК, Салоҳиддин МАМАЖОНОВ, Мурад МУҲАММАД ДУСТ, Тўлан НИЗОМ, Умарали ИОРМАТОВ, Гўлчеҳра НУРИЛЛАЕВА, Эркин САМАНДАР, Жўманазар САЛАЕВ, Ҳайриддин СУЛТОНОВ, Улмас УМАРБЕКОВ, Носир ФОЗИЛОВ, Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Бобоҳон ШАРИПОВ, Ислон ШОҲУЛОМОВ, Азиз КАЮМОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, Раҳмон ҚУЧҚОРОВ.*

© «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» № 7—8, 1993 йил.



Неъмат Арслон

# АДАМ ВОДИЙСИ

Қисса

Онам Мулла Тўрабой қизи  
Нурсатойга бағишлайман.

БИРИНЧИ КИТОБ

Самовий ҳолат

I

Улимга маҳкум этилган шоир ўқ отилгунча ўтган фурсатда ўзининг энг нодир асарини хаёлда қайтадан ёзиб чиққан экан. Бунга ишонаман. Хаёлнинг учқур оти дақиқа ичида ўз соҳибини оламларни кездириб чиқиши, Саҳройи Кабирга етаклаши, Колорадо, Бермуд учбурчаги гирдобларида сарсону саргардон қилиши ҳеч гап эмас.

Жарга қулаб тушаётиб, худди шундай ҳолатни бошдан кечирмоқдаман. Тасаввурга сиғмас даражада қизиқ, телба-тескари ҳиссиётлар, хаёл кўзгусида манзараларнинг шиддат билан алмашинуви... Кўзимга ғоҳ ўлимнинг даҳшатли коми, ғоҳ болаликнинг ёғдуларга тўла ранг-баранг дунёси кўринади. Аммо бирдан чалғиб кетаман: қувончларга тўла нурафшон гўшалар зулумотга ғарқ бўлади, у рутубат ва ғубор бурқираб ётган канъон билан алмашинади. Борлиқ билан хотира беқиёс шиддат ичра ўзгариб бормоқда. Гўё чуқурликка эмас, ўз миямнинг мубҳам қаватларини ортда қолдириб, унинг аллақандай қоронғи ўпқонига шўнғиб боряпман. Балки ўлим қаршисида туриб фикрлаётган ўша шоирдек, юзларимга дам қувонч ифодаси, дам қўрқув, дам ғам шарпаси балқиб чиқаётгандир? Аммо мен буни билмайман, бу билан ишим йўқ. Ногоҳ ҳаётнинг узук-юлуқ лавҳалари, хотиранинг узундан узун олақуроқ дунёси ичидан муҳташам сарой қалқиб чиқади. Ҳайҳот, бу сомонхона-ку! Ўша болалик оламидаги энг баланд ва ҳашаматли бино — сомонхонамиз-ку! Демак, тубсиз жарга эмас, сомонхона ичига сакраётган эканман-да? Ана, том тепасида тандир оғзидан каттароқ тешик, нарвончадан тизилиб юқорига кўтарилаётган болалар... Катталар даладан ташиб келтирилган сомонни аввал эшикдан солишар, сўнгра эшикни беркитиб том тепасидаги тешикдан тўкишарди. Биз ҳам ана шу тешикдан пастга сакрардик. Қўлларимизни олдинга чўзиб, тиззани бироз букканча сал энгашардигу ўзимизни тубсизлик қаърига отардик. Ана у мазани кўринг... Ҳавода тананинг бир муддат муаллақ қолиши, қулоқ остида шамолнинг ғувиллаши, кўйлак-иштонимизнинг елга тўлиб қаппайиши, ҳатто бурқираб ётган аччиқ ғубор ҳам барча яхши нарсалардан яхши. Юрак тепага, том устига қайтмоқчи бўлиб бўғизга тикилади, қорин бўшлиғи ва ичакларда аллақандай енгиллик уйғонади, бироз саросимага солиб, сўнг ҳузур бағишлаб ва яна танани қитиклаб қандайдир кулгу, хурсандлик қўзғалиб кела бошлайди.

II

Ҳайҳот! Тугабман-ку! Тамомман-ку энди!..

Жар лабидаги ўрик устида ўпирилган тупроғу кесакларга қўшилиб, аралаш-қуралаш бўлиб пастга қуларканман, болаликдаги ўша сакрашлар лаззати дам ўтмай даҳшат-

ли кўрқувга айланди. Наҳот шу лаҳзада ҳаммаси тугаса, умр поёнига етса? Аммо шу топда чор-атрофни ларзага солиб даҳшатли қарсиллаш эшитилди. Шохларнинг қасирлаб синиши, бу овозларга суякларимнинг шақирлаб мажақланган товуши кўшилиб кетди-ей... Узим қулоқларимнинг том битиб қолишини кутаман. Фақат, ерга бориб урилгандан кейин ўлим билан ҳаёт ўртасидаги фурсат қанча давом этаркин? Ушанда нималар хаёлга келади? Бошим узилиб тошлар орасида думалаб бораётгани ва танамнинг тариқдек титилиб, ер билан битта бўлиб кетганини тасаввур қилиб, шу абгор вужудни яна қайтадан йиғиб, одам ҳолига келтириш хаёлларига бораман. Эҳ, шўрлик таним...

Тўхта, аввал вужуднинг қайси ери уриларкин? Тиззаларимми ё тирсагимми? Ёхуд елкам билан тушаманми? Оёқларим билан тушсам, балки омон қоларман? Ерга бориб урилишга сўнгги лаҳзалар қолганда тиззаларимни букишни, шу билан зарбни камай-тиришни ўйлайманми-ей. Тавба, жон савил шунчалар ширин эканми?

### III

Бўз тупроқли қизғиш деворлар, қорамтир каваклар, турли даврларда ҳосил бўлган қаватлар — ҳаммаси осмон томон шиддат ила учиб бораётир. Жар деворидаги сув ювган қора ёриқлар илондек тўлғаниб, кўкка қараб ўқдек учади. Манзаралар, воқеалар ҳам ана шу нохуш кўринишлардек хаёлда аралашиб кетган. Умр фаслларининг узук-юлуқ бўлаклари, қуёш чарақлаб турган ёрқин кунлару туманли далалар, қачондир қулоққа чалинган гапларнинг жонли қиёфаларга, суюқликка, шамол ва изғиринга айланган моддий парчалари ичидаман. Борлиқнинг бу хилдаги лаш-лушларига қўшилган ҳолда жар тубига тушиб кетяпман.

Нимадир ваҳшат, солиб гулдирайди. Гулдуроснинг ўзидан эмас, унинг интиҳосизлигидан кўрқаман. Зулумот. Биз ана шундай кечаларда бекинмачоқ ўйнардик. Тўлин ой ёритган тунларда ҳам. Роҳат ҳамиша мен билан бирга яширинарди, унинг илиққина ҳароратини, нафасини, юрагининг дукиллашини сезиб турардим. Роҳат, ў, оламнинг тенгсиз малаги! Эвоҳ, қаранг, у ҳам шу ерда экан-ку! Ана, том тепасида турибди. Сомонли лой билан сувалган томнинг оқиш сатҳида аниқ кўринмоқда. Олдида, оёғи остида — ўша қора тешик. Сакрашга шайланяпти. Унинг тўзиган сочлари бирдан ҳаракатга келди, қалқиб юқорига кўтарилди, оёқлари ердан узилиши ҳамона қора чуқурлик мўъжазгина вужудни комига тортди-кетди. Бўйнидаги мунчоғи ҳавода муаллақ қолиб, ияклари остида тўлганганча кўздан ғойиб бўлди, сўнгра сочлари тутун янглиғ тандир ичига, ўзини бунёд этган олов ортидан югурди. Унинг ортидан мен ўзимни отдим. Мана, шувиллаб, бамисоли яшиндек, ҳавонинг қора қатламларига дарз солиб учиб боряпман...

### IV

Сомонхона томидан ичкарига сакрашдан ҳузурли нарса йўқ. Бундай дамларнинг узоқроқ чўзилишини истардик. Ҳеч қачон ерга етиб бормасак дердик. Юмшоқ жойга, сомон тўдаси устига тушишямизни билганимиз учун кўрқув чекинар, фақат ҳузурнинг ўзи қоларди. Бирин-кетин ўзимизни отардик, нимқоронғи хона тубида оқариб кўринаётган сомон устига олдинма-кейин келиб тушаверардик. Қизлар ҳам ўғил болалардан қолишмасди. Худди биздек қийқиришар, сомонни тўзғитиб юмалашар, юқоридан учиб келаётган боланинг остида қолмасликка уриниб, дарҳол ўзларини четга олишар ва эшик ёнидаги тирқишдан тезроқ далага чиқиш учун талашишарди. Улардан ҳеч бири кўчага чиқмаган кун ҳам Роҳат келарди. Шундайгина кўз ўнгимда унинг қиёфаси: сочларига сомон илашган, оппоқ чанг, лабиниинг икки четида тупук-ла намланган ғуборнинг қорамтир гардиши. Фақат кўнғир кўзлари тоза ва тиник. Киприклари узун-узун. Кўзини юмиб очганда, худди лайлак қор лопиллаб тушаётгандай туюлади.

Қачон бўлмасин, Роҳатдан ё олдин, ё кейин сакрардим. Бир сафар унинг оёқлари томдан узилар-узилмас, мен ҳам ўзимни отдим. Вазним оғирроқ бўлганиданми ёки кенг этаклари шамолга тўлиб қаппайиб бораётганиданми, унга етиб олдим. Ёйилиб кетган сочлари боши узра бетартиб силкиниб, ҳар толаси ўз кўйида ўйноқлаб борарди. Ана шу қоронғу парда орасида қолдим. Юзимга урилиб беаёв савалаётган толалардан қатиқнинг аққимтир ҳиди келарди. Бу бўйнинг тенгсиз жозибасини балки сезмагандирман ўшанда, аммо кейинроқ, бўйдоқликнинг узун тунлари қадрига етдим ва бир умр сархуш бўлиб юрдим. Биз ерга қарийб баробар етиб келдик. Сомон тўзони ичра бирга қўшилиб думаладик. Қуоқ чанг, ҳавода учаётган зарралар кўюни, қизнинг сочлари билан болаликнинг беғубор ва содда интилишлари омухта бўлиб кетди...

### V

Инсон вужуди яккаю ягона ҳукмдор — бош мянанинг измига бўйсуниб яшайди. Ақлнинг овози қулоқларимда жаранглаши билан ўзимга келдим. Жаҳлим чиқди. Олдинда ҳайҳотдек оғиз очиб ўлим кутиб турсаю мен болаликнинг олис кўчаларида қолиб кетган

қизни, сомонхонани ва яна алланарсаларни ўйлатам! Беҳуда хаёл суришни ҳозироқ тўхтатиш керак. Ҳаммадан аввал, соғ қолиш тадоригини кўриш зарур. Менда бундай имконият бор. Вазним енгил, бор-йўғи қирқ уч кило. Ўзим пишиқ, анчагина чайир, фақат пай билан суяқдан иборатман. Аслида, бизнинг аждодларимиз паҳлавонсифат, отга минса оёғи ерда судралиб юрадиган келбатли одамлар бўлишган. Фақат мен шундай бўлиб қолганман. Болаликда бўлагина эдим. Раҳматли аммам тўйиб овқат емагансан, жуда дардчил эдинг, ҳамиша қорнинг оғриб юрарди, деганлари эсимда. Қайта-қайта сариққа чалинардим. Товба, ношудлик ҳам иш бериб қоларкан. Ўрнимда Шона бўлганида борми, ўн жонидан бир жони соғ қолмасди-ёв. Умр бўйи унинг норғул гавдасига ҳавас, балки ҳасад қилиб яшадим. Мактабда ҳам, ишда ҳам, қизлар билан гаплашаётганимда ҳам унинг улкан гавдаси қора қоядек ҳаётимга соя ташлаб турарди. Қўрқардим. Бир марта урган эди-да. Аммо табиат мени Шонадан устун қилиб яратган экан. Унга нисбатан қарийб уч баробар енгилман. Демак, соғ қолиш имкониятим ҳам уч баробар кўп:

Зулмат ичра ёнган шамдек, умид шуъласи милтираб кўриниб, қалбимга қувонч бағишлади. Хаёлимни бир нуқтага жамладим. Энг муҳими нима? «Бош билан йиқилмаслик», овоз берди ақл. Кўзингни оч, қара! Қўрқувдан бир-бирига ёпишиб кетган киприklarим ажралиши ҳамоно қорамтир осмон кўринди. Оқиш хира нуқталар... юлдузлар! Наҳотки, шунча вақтдан бери жарлик тугамаган бўлсал! Ўриққа чиққанимда тушга яқин эди. Шу ҳолатда тўққиз ёки ўн соат йўл босибманми?! Мумкин эмас, жарни тубсиз деб эшитардим, аммо... йўқ, бошқа сир бор. Дарвоқе, кундузи кудуқдан қаралса, осмонда юлдузлар кўринишини эшитганман, шу гап тўғри экан-да. Лекин, нега юлдузларни бундай ҳолатда кўраяпман? Ақл яна ёрдамга келди. Оёғим осмонда, бошим қўйида экан. Юрагимни ваҳм чулғади. Ерга бош билан урилмаслик учун жон талвасасида типирчилашга тушдим. Тиззаларимни букиб елкамни қисганча, қўлим билан ушлаб бо-раётганим шохни ўзимга томон торта бошладим. Гавдамнинг оғирлиги сезилмасди. Бамисоли фазогирману вазнсизлик ҳолатида учиб юрибман. Бундай йиқилиш мумкин эмас. Бош билан харсангларга бориб урилмасдан тезроқ ҳаракат қилиш, миянинг қатиғи чиқиб кетмасдан ўнглиниб олиш керак!

Оёғим нимагадир енгилгина тегди. Шунда белим ва бўйнимни букиб оёқ учини шохга тираганча худди беланчак учаётгандай қулоқларим остида шамолнинг товуши ўзгарди, қўйлагимнинг этаги елкан каби қаппайганини сездим. Юзимни қитиқлаб келаётган сочларим энди бошим узра ўйнарди. Шундай ҳолатда юз қитиқланганини сезганини қаранг, деб ажабланманг, ўзи табиатин шунақаман. Катта муаммолар қолиб, майда, икки-чикирларга кўпроқ эътибор қиламан. Чунки бундай нарсаларни кўриш ва гомоша қилиш, тадқиқ этиш осон, қийналмайсиз, бунинг устига ҳузур қиласиз. Хуллас, энди сочим бошим узра ўйнарди, ўнглиниб олгандим. Балки, ҳолатнинг ўзгаришида менинг заррача хизматим бўлмагандир, ахир дарахтнинг шохларига нисбатан танаси ва томирлари оғирроқ-ку. Ана шу юк ўз ишини қилгани аниқ. Фақат бу ҳаракат менинг интилишим билан бир вақтда юзага келган. Мана энди яхши! Оёғим дарахт айри-сида, тирсагим остида йўғонгина шох. Энди тирик қолиш мумкин!

## VI

Тирик қолиш nasib этадигандай, лекин бу ердан юқорига қайтиб чиқа олармиканман? Оёғим шикастланса-чи? Йўқ, эмаклаб бўлса-да, ёруғ дунёга чиқиш керак. Ахир, у ёқда ғарибгина кулбам, ўқувчиларим қолиб кетишди. Уларга ўрик олиб келаман деб ваъда қилгандим. Қизғалдоқнинг офтобида чанқаб мени кутишаётгандир. Қандай журъат билан чиқдим ўзи бу дарахтга? Хотира ишга тушди. Унинг миллёнлаб майда заррачалардан иборат ойнаси тиниқлаша бошлади ва ўз аксимни аниқ кўрдим. Ана, калта енг кўйлақда, ялангбош, оёғида латта пойабзал, тўркатак матодан шим кийиб олган бир банда майда қадамлар билан қишлоқ томон келмоқда. Олдинда жарлик. Унинг нариги қирғоғида бир туп ўрик. Қишлоқликларнинг тилида зардоли. Бу бетида қишлоққа олиб кирадиган йўл. Жар тумшугини нақ йўлнинг биқинига тираганча тўхтаб қолган. Зардоли томонга бир амаллаб ўтса бўларди. Йўлнинг камбаргина бир бўлаги жарнинг нариги бети бўйлаб зардоли тагидан ўтиб, дарё соҳилига томон энган. Фақат жар лабига яқинлашиш қийин, юрак бетламайди. Шундай бўлса-да, йўлдан ўтадиган ҳар бир киши эҳтиёткорлик билан пастга қараб бирор нарса кўришга ҳаракат қилади. Дунёда энг қўрқинчли нарса — тубсизлик. У жозибали ҳам. Бу жозоба-қўрқинчлигида. Тушга яқин ҳаммаёқ жимиб қолганда, жар бўйига яқинлашиб, эгилиб қулоқ тутсангиз, чуқурлик қаъридан ғалати овозлар келаётгандай туюлади. Ким билсин, балки номаълум сайёралардагидай тирик жонзотлардир, ҳаёт бордир?..

Хаёл кўзгусида бири иккинчисига ўхшамайдиган ва аини пайтда қайсидир жиҳатлари билан ҳайратланарли даражада ўхшаш уч хилқат: инсон, жар ва зардоли. Инсон, яъни ҳалиги тўркатак шим кийган банда аввал жарликка қаради. Гавдасини орқага олганча эҳтиёткорлик билан эгилди, бир нафас шу қўйи қотиб турди, сўнгра аста

орқага тисарилди. Бошини кўтариб, ўриқка кўз ташлади. Дарахт жар бўйида қилт этмай турибди. Новдаларда қахраборанг мевалар маржондек тизилган. Хаёлда енгиб бўлмас бир истак. Ўриқдан кўз узмай ютиниб қўяман. Бу зардолининг мевасини ҳеч қачон еб кўрмаганман, аммо биламан, шарбатга тўла, серсув, ширин! Димоғимда қушбўй хиди. Умуман, зардоллар табиатнинг мўъжизаси. Ҳеч қачон бирининг таъми иккинчисига ўхшамайди. Таъми ўхшаса, хиди бошқача, хиди мос келса, ранги, ширинлиги, қаттиқ-юмшоқлиги фарқ қилади.

Сигарет тутатдим-да, гугуртни чўнтагимга солдим, дарахтга бошдан-оёқ кўз югуртирдим. Кашандалар одатда қандайдир ташвишнинг яқинлашиб келаётганини ҳис этишса, дарҳол чекишади. Ҳатто қорин оч бўлсаюк оват топилмаса, чанқоқлик кучайса, хаёлда бошқа фикрлардан аниқроқ бир ўй бўртиб кўрина бошласа ҳам шундай қилдилар. Тутунни ютоқиб торта бошладим. Бир дам зардолига бўлган интиқлик чекинди, аммо чекиб бўлишим билан аввалгидан ўн чандон кучайиб, чанқоқлик шу даражага бордики, беихтиёр ўрнимдан тўриб, дарахт сари юрдим. Танадан тутишим, унга оёқ қўйишим билан ҳамма нарса унутилди. Ширага тўлиб пишган қахрабо мевалардан бўлак ҳеч нарса кўзга кўринмасди. Болалигимдан шундай: зардоли деса томдан ташлайман.

## VII

Дарахтнинг дағал танаси кўрагимга ботди. Қаранг, баҳайбат аждардек оғзини очиб, танимни қомига тортаётган ўлим олдида ҳам қаердаги хаёлларга шўнғиб кетибман. Юзим, лабларим тананинг дағал пўстлоғига маҳкам ёпишган. Қаттиқ чанқаганман. Чанқаш... бу ҳиссиёт инсон танасининг сув исташи бўлса ҳам, қандайдир бўлақчароқ қийноқлари бор. Шунда зардолни егим келади. Сув ичишни ўйлайман. Ўлимга бораётган кишининг томоқ билан неча пулқин иши бор, дерсиз. Тўғри, ўлим ваҳимаси ҳамма ҳиссиётлардан устун, аммо сўнги бор нафас олаётган киши ҳам қуруқшаган лабларини сувга тутуди-ку. Мен эса, ҳали ҳаётдан умидворман. Дарахтнинг ҳисобсиз томирлари, танаси ва шохлари ерга урилганда зарбни қайтариши, мени кўтариб бораётган шохнинг токи ерга теккунча эгилиши ва синишга қаршилик кўрсатиши, унинг остидаги майда новдалар бунга кўмак беришини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳатто шикастланмасман ҳам? Балки жар тубида сув бордир, ҳа, шундай чуқурликда сув бўлмаслиги мумкин эмас. Ҳаводаги рутубатдан сезилиб турибди. Дарахт эса сувда чўкмайди!

Юқорига қарадим. Одамлар, қишлоқ ва кичкинагина кулбам қолиб кетган у ёқда. Жарнинг оғзи худди узун қорамтир тасмани тишлаб турган афсонавий махлуқдек кўринадди. Унинг бир лабидан чанг кўтарилмоқда. Қизил сақичак тупроқдан иборат «оғиз» торашиб бораётир. Осмон худди жар устига ёпиб қўйилган эски илма-тешик матоҳга ўхшайди. Аммо аниқ биламан, улар тешиқлар эмас, юлдузлар.

## VIII

Қоронғулик тобора қуюқлашиб бормоқда. Дарвоқе, мен қоронғулик деб ўйлаган зулумот қуюқ, ўта кучли қизил ранглар қоришмаси экан. Ҳа, қизил зулумот. Қулоқларим остида шамол ҳуштак чалади. Япроқлар шовуллайди. Чанқоқлик! Аслида бу ҳолат тушга яқин бошланганди. Болаларга кўмаклашиб икки жўяк яғана қилганимдан кейин томоғим қуруқшаб, серсув бирор нарса егим келаверди. Қани энди битта кўкчам, гилосми бўлса! Увв-вв! Бир пайтлар жовпазак олма бўларди. Авжи арпа ўрими палласида пишарди. Бир этак териб келардигу думчасидан ушлаб бутунлигича оғзига солиб данак-панаги билан қарсиллатиб еяверардик. Ўзи шунга мослашган олма, данаги йўқ ҳисоби. Энди тополмайсиз.

Баҳорда, ёзнинг бошларида офтоб нури баданга жазиллаб ўтиб, бир лаҳзада қорайтириб юборади. Қаттиқ чанқайди одам. Мева егингиз келади. Табиат буларнинг ҳаммасини ҳисобга олган. Аммам далада кўп юргани қўймасдилар, қизғалдоқнинг офтоби уриб кетади, дердилар. Аммо ўйинқароқ бола эдим, қочиб кетардим, уйда нима ҳам бор, на бирор ўйинчоқ, на бошқа эрмак топилади. Томнинг ортидаги майдонча эса айни муддао. Ясси қиларга туташиб кетган. Ҳамма ёқда қизғалдоқлар. Шу қадар кўпки, бу қизилликнинг чеки-чегараси йўқ. Тепалик этагидан учигача, ундан нариги сойгача қип-қизил. Осмонга туташиб кетгандай. Тепалик устига чиқиб қарардим, томлар усти алвон рангда. Тупроқкўчадан бир бўлак яшиллик югуриб келяпти. Роҳат! Уни узоқ-узоқлардан танийман, мен томон келмоқда.

Ўзимга келдим. Жар деворларидан титроқ садо қайтди ва бу тебранишлар зум ўтмай ҳавонинг юқори қатламида қолиб кетди. Акс-садонинг бошим устидан учиб ўтиб ҳаволаб бораётгани, бу ҳолат бамисоли денгиз юзасида кучли тўфон турганда ҳам сув тагида тинчлик ва сокинлик ҳукмрон бўлиши, фақат тулқин зарбларидан ҳосил бўлган ожиз тебранишларгина чуқурроқ қаватларни сал-палгина безовта этишига ўхшайди. Англадимки, товушдан ҳам тез учиб бормоқдаман. Болалик хаёллари ўзининг узоқ маконига чекинди. Мен энди ўттиз-қирқ йиллик масофанинг бериги қирғоғида, болалик ва ўсмирлик эса, унинг нариги бетида. Уртада ўтиб бўлмас тубсизлик.

Тубсизлик!

Наҳотки болалигим қолиб кетган оламга сакраб ўтмоқчи бўлдим? Бу ахир жар тубига қулай туриб, юқорига учиб чиқишга интилишдек беимкон иш-ку!

## IX

Чанқаяпман!

Шундайгина тепамдаги новдада зардоллар маржондек тизилган. Уларни кўрмайман, аммо ҳис қиламан. Дарахтга чиқа бошлаганимда пастроқдаги ўша новдани мўлжалга олгандим. Бу омонат дарахтнинг юқорироғига чиқиш хавфли, йиллар ўтиши билан дарахтнинг тагигача емириб келган жар томирларни айланиб ўтиб ярим оролча ҳосил қилган, ҳамма томондан сон-саноксиз ришталар кўринади. Зардоли ҳар лаҳзада жарга қулаб тушиши мумкин. Бир бўлак ерни томирлари билан маҳкам чангалланча тубсизлик устида муаллақ турибди. Гўё осмондан баҳайбат бир парранда ҳозиргина тушиб, жар лабига кўнгану ўлжасини — бир уюм тупроқни чангаллаб олиб, яна кўкка парвоз этишга шайланиб тургандай.

Шу йил қишда қулайди дейишарди одамлар, аммо ўрик омон қолаверарди. Баҳорги селларда йиқилади дейишарди, зардоли бўлса, баҳорда оппоқ гулларди. Бу дарахтнинг мевасини ҳеч ким татиб кўрмаган. Унинг танҳо ҳокими — тубсиз жар инсон зотини яқинлаштирмас, мевадан ёлғиз ўзи баҳраманд бўларди. Гап шундаки, зардоли банди қаттиқ навдан бўлиб, баъзан туршаги кузги ёғингарчиликлар бошлангунга қадар турарди. Одамлар буни ўзларича талқин қилишар, мевасини Қоражарга эмас, қишлоқ кишиларига бергиси келади-да, дейишарди. Жар бўлса туршакка қаноат қилмасдан, дарахтнинг ўзини ҳам ютишга ҳозирланарди.

Билмадим, мени бу дарахт олдига қандай куч етаклаб келди? Тўғри, қаттиқ чанқандим, аммо ҳаётнинг ўзидан-да ширинроқ эмасди-ку, бу зардоли! Мана, унинг мевасидан тотишга улгурмадим, Қоражар шиддат билан комига тортиб бормоқда. Ҳаётимни шу мева учун гаровга қўйган эканман, демак, ундан тотиб кўришим керак. Қарорим қатъий!

## X

Бир неча дона зардоли учун ҳаётни бағишлаш... нақадар аҳмоқона қарор. Қайдам, балки ҳаётим шунга ҳам арзимас? Айтгандай, сиз мени танимайсиз-ку, кимлигимни билмайсиз, қадр кимматимни баҳолай олмайсиз, балки давлат арбобидирман, «ўқувчиларим қолиб кетди», деган гапни шунчаки эрмак учун, сизни чалғитиш ниятида ёки камтарлик қилиб айтаётгандирман? Давлат арбобига вазим тўғри келмайдими? Раҳбарлар басавлат бўлишади, бу тўғри, бизда кўпинча инсоннинг ақлу заковатига қараб эмас, балки гавдасига, хусусан, юзининг япалоқлигига, орқасининг мустаҳкамлигига қараб қабул қилиш ҳоллари учрайди, буларнинг ҳаммасидан кўра инсоннинг қайси фирқага мансублиги кўпроқ тош босади. Бир қарич ёшимдан буён шу фикрдаман. Болаликда Элвой лўли мана бундай деб қулоғимга қуярди:

— Ҳей бола, ақлли бўлма, фирқа бўл. Кўтариласан.

Тушунмасдим.

Кўзимга тикилиб турарди-да, сўрарди:

— Ботирвой ким?

— Подачи...

— Шотирвойчи?

— Райис...

— Ана кўрдингми, — дерди Элвой ва қишлоқнинг қарийб ҳамма фуқароларини бирма-бир санаб чиқарди, ҳамма оддий касбдаги одамларнинг фирқа эмаслигини ўқтирар, бундан хурсанд бўлгандай жилмайиб кўяр, аммо менга бари бир фирқа бўлишим зарурлигини, акс ҳолда, кўтарилолмаслигини тушунтиришга жон куйдириб ҳаракат қиларди. «Кўтарилиш» деганда ҳаёлимга Симантоп исмли жуҳуд бола келарди. Қошу кўзлари қопқора, юзи ойдек оппоқ бу болачани ўзидан ҳам чиройлироқ акаси ҳамиша кўтариб юрарди. Кўтаришни бошқача тасаввур этолмасдим, ўйлайверардим. Кейин у бутунлай бўлак мавзуда гапирар ва ҳамиша битта тўрт қатор шеърни айтиб берарди. Бу шеър ёдимда, уни айтиб бўлгач, лўлининг ҳузур қилиб кулиши ҳам кўз олдимда турибди. Афтидан, Элвой мисралар мазмунидан қизиқ манзарани кузатар ва ўзича маъно чиқариб ғурурланарди:

Ҳангоматалаб бўлсанг,  
Маҳкамага йўрта кўр,  
Афсун ила бир лўли  
Тўрт эчкини ўйнотур.

Хуллас, Элвойнинг истагини, ўғитини бажара олмадим. Оддий муаллимман. Мактабда адабиётдан дарс бераман. Ёшим қирқ учда, бўйдоқман. Кичкина тупроқ томли уй-

ча, тўрт кўзли дераза, ташландиқ ҳовли — бор мулким шу. Аммо бир пайтлар бу ҳовли дунёнинг жаннати эди. Тоғтеракка чирмашиб ўсган бир туп ёввойи лашган тоқ борлиги учун эмас, кимсасиз ва ташландиқлиги сабабли жаннатдек туюларди. Эртадан кечгача шу ерда ўйнардик. Ҳамма ёқда қалдирғочкулчалар тўп-тўп. Уларнинг остида бемалол «яшаш» мумкин. Роҳат қалдирғочкулча тугмачаларидан мунчоқ тизарди. Оппоқ кулчасимон четлари, парраклик уругининг ўртаси юпқагина бўлиб осонгина тешиларди ва ипга тизилса бинойидек маржон бўларди. Бизнинг «уйимиз» ҳам ана шу буталар остида, ўзим қурганман. Роҳат уйни супуриб сидирар, «овқат» пиширар ва мени кутарди. Биз «келин-кўёв» эдик. Роҳат тугма билан супурги чўпидан эркак ва аёлни, сўнгра бир гала бола-чақаларни халқ қилган, яъни вужудга келтирганди. Яратиш, инсонни бунёд этиш унинг учун қийин эмас, тугмага чўпни кўшиб ушларди-да, бир парча оқ сурп билан ўраб, одамнинг юзини ясарди. Сўнгра сурп устида рангдор ипак қатимлари тортар ва «Х» шаклидаги ипаклар чиғи қўғирчоқларга инсон қиёфасини берарди. Шоҳи-атлас қийқимларидан кўйлак-иштон кийдирилганидан кейин қўғирчоқларнинг аёл-эркакни фарқлаш мумкин. Роҳат аввал ўзини ясарди. Унинг қўғирчоқ шаклига ўтган қиёфаси аниқ кўз ўнгимда: эғнида кўк бахмалдан нимча, сариқ шоҳидан этаги узун кўйлак, унинг остидан мисқолгарди деган матоҳдан терлик. Докадек юпқа, чорхона гулли бу матоҳни ўша пайтларда мисқолгарди деб аташарди, балки ҳозир ҳам аёллар лафзида бордир бу сўз, аммо болалигим ва ўсмирлигим ўтгандан кейин улар билан сира мулоқотда бўлмаганлигим сабабли хабарсизман.

Роҳат дунёда энг латофатли «аёл» эди. Унинг қўғирчоқлик ҳаётини кўзда тутяпман. Ҳаётда эса бечорага аёл бўлиш насиб этмади. Хуллас, кичкина-митти ўзи яратган аёлни атлас қийқимларидан тикилган кўрпачага ётқизиб кўярди-да, сўнгра мени «бунёд этарди». «Бу сен бўласан», дерди чўпнинг учидан ушлаб туриб. Нозиккина бармоқларнинг чаққон ҳаракатига қараб турарканман, ўз шаклу шамойилимининг чиройли чиқишини истардим. Менга «тиринка» деган дағал матоҳдан иштон кийгизарди. Оёқларимни ушлаб кўрар, этагимни кўтариб шимимни ип билан маҳкам боғлар ва ётқизиб кўярди. Сўнгра ёнимдан ўзи жой оларди. Келиннинг либослари майин ва чиройли, сочлари кўнғир ва мафтункор. Бошида напармон рўмол, унинг тагида сербар қасава. Роҳат бундай нарсаларни яшашга уста. Бир бўлак латтани икки қатларди-да, ўртасига қаттиқроқ қоғоз парчасини кўйиб, қўғирчоқнинг пешонасига тортиб боғлар ва устидан рўмол ташлаб кўярди. Меҳр билан безанган келиннинг қиёфаси менга Роҳатнинг ўзидан ҳам жозибалироқ кўринар ва унинг ёнига жон-жон деб ётардим. Ўзим ҳам чакки эмасдим. Эғнимда ола тўн, белимда қарс, бошимда кўк матоҳдан салла. Қора тиринка иштоним ҳам бинойидек. Биз юмшоқ тўшақлар устида қўлларимизни икки ёнга ёзганча чалқанча тушиб ётибмиз. Энди Роҳат ҳам, мен ҳам йўқмиз. Фақат қўғирчоқлар бор. Биз уларни ҳаракатга солиб турувчи кучмиз, холос. Қўғирчоқларнинг ҳаёти — ҳақиқий ҳаёт эди.

## XI

Ё парвардигор! Қаердаман ўзи?! Бир умр қўғирчоқ бўлиб қолсам бўлмасмиди? Ахир, менинг бошқа тилагим йўқ-ку. Битта чўп, бир дона тугма ва бир уюм латталар қийқими... бойлик, тожу тахт сўрамаяпман, Элбой уқтирганидек, кўтарилишни орзу қилмайман. Қўғирчоқ бўлишни истайман. Майли, мана шу даҳшатли чоҳнинг тагида бўлса ҳам, ўша болаликдаги ҳаётим керак. Қайтар орқага, ёруғ дунёга! Зим-зиё дунёнинг чек-чегараси борми ўзи, бу йўл қачон тугайди?! Ерда ҳаёт пойдор бўлганидан буён ҳеч бир инсон бу тарзда саёҳатга чиқмагандир. Улар дунёнинг номаълум томонларига, юксакликка интилишган, мен бўлсам ер қаърига тушиб боряпман, улар уммонларда сузишган, мен қора бўшлиққа кириб бормоқдаман. Қаранг, яна қора деяпман, қизил, фақат ўта кизиллигидан қора бўлиб кўринади. Кемаларимиз ҳам мутлақо бўлакча: меникида мачталар ўрнида шохлар, елканлар ўрнида япроқлар. Ана улар ҳар бири шамолда ўзича ҳаракатланиб, ўзича шовулламоқда.

Мен билган сайёҳларнинг барчасини буюк мақсадлар йўлга чорлаган, Ибн Баттута, Колумб, Магеллан... бу гапларни аҳволимга ачинганимдан айтяпман. Қанақасига саёҳатчи бўлай, нафсини жиловлаёлмаган банди оижман. Лаънати чанқоқлик! Мени ҳамон қийнамоқда. Бу дарахтнинг тақиқланган меваси қандай экан ўзи? Ана шу хаёл билан аста чўзилдим. Тепадаги шохнинг бандидан ушладим, оёғимни дарахт айрисидан олганда, кеманинг орқага оға бошлаганини сезиб қолдим. Даҳшатдан вужудимга титроқ кирди. Кеман тўнтарилиб кетиши мумкин. Унда ерга бошим билан бориб урилам. Балки ўлим манзилига етишимга санокли дақиқалар қолгандир. Аммо кўрқув шу заҳотиёқ қувончга айланди: гавдамнинг ҳолатини ўзгартириш билан кемани бошқарсам бўларкан! Бу кашфиёт кўксимни умид ила тўлдирди.

## XII

Омон қолишим шарт. Ҳали қиладиган ишларим кўп. Эҳ, болалар нима бўлди! Ярим соат ичида қайтаман дегандим. Кечгача кутишади. Нима деб ўйлашади-а энди,



ахир, уларга ўрик олиб келаман деб ишонтиргандим. Дастлаб ишонмади, туманимизда боғлар кам қолган, хусусан, бизнинг қишлоқда майдонлар четидаги тут дарахтларини ҳисобга олмаганда, мевали дарахт йўқ. Ҳатто одамларнинг ҳовлисидаям. Ҳамма томор-қасига беда, маккажўхори экади. Мол учун. Бир бош сигирни боқишдан машаққатли иш йўқ. Қизиқ: инсон дегани тоғдек оғирлик бўлса ҳам елкалаб кетавераркан, ҳаётнинг но-чорлиги тўғрисида гап бўлиб қолса, кексаларимиз: «Худога шукр, нон бор», деган бир калимани айтадиларки, энг шаддод киши ҳам нонга шак келтиришдан ўзини тийиб жим қолади. Ҳатто болалар ҳам бу шукронани ўзлаштириб олишган. Умуман, жуда қизиқ-да бу халқ. Баъзан биз — катталарнинг хаёлимизга келмаган кашфиётларни қилишга қодир уларнинг ақли. Масалан, яганани олинг, бу борада шунақаям оддий, аммо антиқа усул-ни кашф этишганки, бу тажриба ҳам вақтдан ютиш, ҳам соғлиқни асраб қолиш, ҳам берилган топшириқни гап тегдирмайдиган қилиб удалаш имконини беради. Бугун ишни сифатли қилинглар, тагин гап эшитиб юрмайлик дегандим, хотиржам бўлинг, маълум, кўзимиз пишиб кетган, дейишди. Синфкомим ҳиринг-ҳиринг кулди. Назаримда бир сирни айтгиси келаётгандай. Секин ёнига бориб, нима гап дегандай юзига тикилдим.

— Шундай, ўзим...— деди жиддий тортиб.

— Айтавер,— далда бердим.

Бола эгилиб яна икки-уч туп атхафни юлиб ташлади. Мен ҳам шундай қилдим.

— Битта саволим бориydi-да...

— Хўш?

— Бизнинг давлатимиз Ўзбекистонми ёки СССР?

— Ҳимм. СССР, албатта.

— Ўзбекистон-чи?

— У жумҳуриятимиз.

— Жумҳурият давлат эмасми?

— Нега давлат бўлмасин, давлат, албатта.

Бола жим қолди, сўнгра шубҳалангандай сўради:

— Бир кишида битта давлат бўлиши керак эмасми? Мен давлатимиз Ўзбекистон де-сам, Ҳаққул йўқ, СССР, дейди.

Ноқулай аҳволда қолдим, қарасам гап чувалашиб кетадиган, «нега ўз тилимизни ўзимиз ялиниб сўраб ўтирибмиз», қаблдаги саволларни беришдан қайтмайди. Гапни ҳазилга бурдим:

— Шунга билки, биз дунёда энг бахтиёр халқимиз, ҳаммада биттадан давлат бўлса, бизда иккитадан. Лекин сен бунга сўрамоқчи эмасдинг, тўғрими?

— Тўғри.

— Унда нима демоқчийдинг?

— Яганалашнинг осон усулини билишимни айтмоқчи эдим. Хавфсирамасангиз ҳам бўлаверади, бизни ҳеч қачон уришишмайди.

Сўнгра тушунтирди. Шунга англадимки, қатордаги гўза тупларидан қанча кўп юлиб ташланса, шунча яхши экан, ўйлаб кўрсам айтган гапи тўғри, туплари қалин қолдирилса, бошқон қайтадан ягана қилдиради, сийрак бўлса раҳмат айтади. Чунки қайта яганалашга эҳтиёж қолмайди. Ортимга ўгирилиб, эгатни кўздан кечирдим. Бирдан юрагимни ваҳм босди, бошқа жўяклар ҳам шундай: ҳар қадамда битта-иккита. Офтоб жазиллаб қизди-рарди. Нурлар миямга ўткир тиг бўлиб қадалаётди. Гўё қуёшдан алоҳида бир даста нур чиқиб келиб, фақат менинг бошимга таъсир қилаётгандай. Бошимни эмас, бош чаноғини тешиб ўтиб, миямни қайнатаётгандай. Шунда одатдан ташқари қаттиқ чанқганимни ҳис қилдим. Ёдимга Қоражар бўйидаги эртапишар ўрик тушди.

Мана ўша дарахт.

Бу ерлар қадимда аслида аммамга қарашли бўлган. Аниқроғи, аммамнинг эри Зарифбойники. Мана шу Қоражар ва унинг атрофидаги қанчадир таноб ер учун у кишини қулоқ қилишган. Зарифбой соддадил, эринчоқ киши бўлган. Ҳозир колхозчилар эллик гектарлаб ер олишяпти, ундан эллик йил, юз йил, балки бир умр фойдаланишлари мумкин. Номи — ижара. Зафарбой ҳам ер ўзимники деб қаттиқ ишонган, аммо қўлдан кетиши аниқ бўлгандан кейин ўзини Қоражарга ташлаган. Уша пайтлар жар унчалик чуқур бўлмаган дейишади, шундай бўлса ҳам ҳукумат уни тополмаган. Ижарага ер олув-чилар гоҳида қулоқ қилиш билан боғлиқ воқеаларни эслаб қолишарди. Ҳеч нарсага ишонч йўқлиги, энг муқаддас деб билган нарсаларимизнинг миси чиқаётгани, меҳр қўй-ган одамларимиз энг пасткаш ва қаллоб деб қораланаётгани туфайли қатъият кўрсатиш-га ботинишмайди. Тўғри-да, масалан, мен фавқулодда жасорат кўрсатиб буюкликка эришганимдан қандай фойда бор...

### XIII

Томоғим қуриб, тилим танглаймга ёпишиб қоляпти. Яна чанқоқлик! Дарахт та-насига қапишганча, қўлимни секин юқорига чўзаман. Новдани пайпаслайман. Мана ўрик! У қадар қаттиқ ҳам, юмшоқ ҳам эмас, ўртача, аммо серсувлиги билиниб турибди. Ёғлама! Эҳ, аммамнинг боғларида бундай мевалар кўп бўларди. Билмадим, у қанақа

боғ эди ўзи. Катта йўлдан дарё бўйигача қарийб икки чақирим масофада қатор ўрик. Ҳар хил: кўкпишар, қизилча, нимтатир, оқпишар, ёғлама... ҳаммасидан кўра пақилдоғи қизиқ. Ерга тушгач, пақ этиб икки бўлинади, гоҳида ичидаги данаги ҳам чақилиб кетиб, мағзи кўриниб қолади. Боғ аслида колхозга қарашлимиди ёки аммамларнинг томорқаси эдими — ҳозиргача аниқ билмайман. Фақат шуниси маълумки, боғ жуда катта эди. Уша қаторнинг ўзида саксон туп ўрик. Пақилдоқ қаторнинг ўртарағида эди чамамда. Унда санашни билмасдим, ёшим бешларда, балки олтида бўлганман. Тонг саҳарда аммам уйғотардилар, тур болам, пақилдоғинг сени чақиряпти, дердилар. Уйқу ширин, кўзимга ҳеч қанақа ўрик-пўрик кўринмасди. Саҳарлар салқинроқ бўларди, жунжикиб, тиззамни қорнимга тортиб, қўлларимни тиззаларим орасига тиқиб оларди-да, ётаверардим.

Едим. Бутун вужудимга ёқимли бир лаззат таралди. Зардоли шунчалик серсув эдики, оғзим шарбатга тўлиб лабларимдан оқар ва мен бу самовий таомнинг бир томчисини ҳам туширмасликка, оқизмасликка интилиб, бошимни юқори кўтарганча лабларимни шимидим. Зардоланинг данаги йўқ эдими ё томоғимдан билинмай ўтиб кетдими, сезмадим. Агар шундай бўлса бутун бошли дарахтни ютиб юборибман. Шундай: тирноқ юзига тенг шу кичкина данада танаси қучоққа сиғмас, шохлари тарвақайлаган, сон-саноксиз япроқлари, чамандек гуллари, қулоч-қулоч томирлари, агар кесиб тахланса, бир қишлик ўтини бор дарахт мужассам. Ҳа, лабларимни шимиб, ялаб бу ҳузурнинг қайталанишини, давомийлигини аввалгидан минг чандон интиқлик ила талаб қиларди вужудим. Қўлимни яна новдалар ва барглар орасига суқдим, титроқ панжаларим билан неки дуч келса пайпасладим, ҳадемай иккала қўлим, бошим, бутун таним ҳаракатга келиб, қаердалигимни унутиб дарахт шохлари орасида типирчилардим. Чарчаб, ҳолдан тойиб дарахт шохига суюнмоқчи бўлдим. Э воҳ, дарахтдан асар ҳам йўқ, ёлғиз ўзим қуюқ ғубор ичида муаллақ турардим. Кўрқиб кетдим. Чанқоқлик йўқолди. Энди пастга томон эмас, юқорига учиб бораётгандайман, йўқ, аксинча экан. Билмадим, ҳеч нарсага тушунмаяпман. Қандайдир сирли ҳолат. Вужудим қизил ғуборга кўшилиб бораётгандай. Уялпман шекилли. Ҳузурбахш ўлим. Рўҳим тетик. Фақат оғир бир ланжлик бор, сархушман. Эйфория! Табобат тилида ўлим олдидаги сархуш ҳолатни эйфория дейилади. Медицина — мададасино. Мадад бер ўзинг, ё Сино! Буюк бобом, мадад бер! «Мадади Сино даркор! Мададасино! Мададасино!...»

#### XIV

Инсон хаёлининг теранлигини, ҳайратланарли даражада тезкорлигини, беқиёс учқурлигини қаранг. Уйлаётгандим-ку, лекин хаёлга келган гапларни эшитинг, ўлатуриб сўнгги нафасда Ибн Синонинг номини абадийлаштирмоқчи бўлибман. Жияним дўхтир. Топган гапи шу: «медицина» сўзи Авиценнадан келиб чиққан, аниқроғи, ўлаётган кишилар сўнгги нафаслари билан Синони ёрдамга чорлашган, «мадади Сино даркор!» дея нола қилганлар. Инсон боласининг шу сўнгги нафаси — мададасино сўзидан медицина келиб чиққан. Мадад — форсча «кўмак» дегани, Сино эса бизнинг бобомиз, ҳамма даврларнинг буюк табиби, дерди. Жиянимнинг хулқи ёмон, баъзан маст бўлиб олиб, «сенлар адабиётчи бўлсанг ҳам ғурур деган нарсадан хабарсизсан, топиб олганинг «Зайнаб ва Омон», бир рисола битиб «медицина» сўзининг ибн Сино билан боғлиқлик томонини исботлаб беролмайсанлар», дея ғавқо кўтарарди, ҳатто коса-товоқ синдиришга тушарди.

Буни қарангки, юрагимда бор экан-да, дилга тугиб қўйган эканман-да! — ўлим олдида «мададасино даркор» деб ҳайқирибман. Шу ҳайқириқдан кейин нима бўлганини билмайман. Ўлганманми-йўқми, номаълум. Кўзимни очганимда, оддийгина икки хонали уйча олдида турардим...

#### XV

Бу ерда ёлғизгина бир қиз яшаркан. Эрсиз, бола-чақасиз, ўз хаёллари олами қизиқроқдек. Балки хаёлида янги бир дунё намоёндир? Уша ўлимга маҳкум этилган шоирдек қувваи тасаввури билан сирли гўшаларда кезиб юргандир? Дарвоқе, бу қиз Роҳатга жуда ўхшарди. Бир неча кундан бери кузатаман. Биз бирга яшаймиз, шунинг учун ҳам виждон азобидаман. Қиз тунлар менинг олдимда ҳеч тап тортмай ҳамма ишни қилади: сочини тарайди, хонада у ёқдан бу ёққа юради, хомуза тортади, хиргойи қилади, ҳатто қаршимда рўй-рост ечинади ҳам. Ишонмайсизми? Майли, хоҳишингиз. Ёлғончи дунёда яшаган бўлсам-да, умримда ёлғон гапирмаганман. Рост сўзлаётганимни исботлаш учун қизнинг ички кўйлақда қолган ҳолатини айтиб беришим мумкин: қаерида холи бор, кўкрагида, бели... Аммо бундай қилмайман: одамгарчиликка тўғри келмайди. Бундан ташқари, ҳеч қачон қизлар тўғрисида гапириб мақтанмаганман. Қайсида бир китобда хотинлар марҳаматига кам сазовор бўлган кишилар аёллар тўғрисида, уларнинг меҳрини қозонганликлари, мулоқотлари ҳақида мақтанишни яхши кўрадилар, деган гапни ўқигандим, лекин мен ундайлар тоифасидан эмасман, аввал айтганимдек, болаликда

Роҳат билан бўлган кўғирчоқ ўйинларимизни ҳисобга олмаганда, аёл зотидан марҳамат кўрмаганман...

Қора ғубор ичида муаллақ қолганда, ўлмаган эканман. Яна шу гап, тилимга «қора» деган сўз айланиб келаверади, миямга эса қизил бўлиб урилади. Вужудим аллақандай енгил, ўзимникига ўхшамасди. Мададисино деб қичқирганимда, эйфория ҳолатига тушганимда одатдан ташқари нимадир юз бергани аниқ. Уша қизиллик миямнинг қават-қаватларига бостириб кириб, унинг сўнги ҳужайрасигага ўз тасарруфига олдимикин, унда бу уйча нега оқ! Ҳа, кўзимни очганимда чиннидек оппоқ қилиб оқланган уй қарши-сида турардим. Бу ҳолат жуда муҳимлиги учун яна такрорлаяпман, чунки бот-бот шу тўғрида уйлаб, хаёлимда юз берган ҳодисанинг тубига етмоқчи бўламан. Мен қаердаман ўзи? Бу қайси қитъа, қайси мамлакат, қандай қишлоқ! Номи нима? Жарга қулаб тушаётганим ҳақиқатмиди ёки тушда кўрдимми? Умуман, ҳозир уйғоқманми ўзи?

Ақлим тиниқлашгач, ҳаммадан аввал қауерга келиб қолганимни аниқлаш мақсадида атрофимга аланглаб, теграмдаги нотаниш оламни «тадқиқ» этишга киришдим. Тоғ қишлоғи. Худди ўзимизнинг жойларга ўхшайди. Тепаликлар, сой, ер ва осмон. Кўкда оппоқ булутлар сузиб юрибди. Соининг иккала соҳилида уйлар, ҳовлилар. Табиатда сокин бир ҳаракат бор: сой ўзанидан шилдираб оқаётган сув, майин шабада, тезак ту-тунининг ҳиди, шитирлаб япроқ тўкаётган дарахтлар... ҳатто ҳаводаги майин титроқларни илғаяпман.

Бирдан пардалар сурилди, лўкидон шикирлади, чорчўплар қисирлаб, дераза очилди. Сўнгра тирсагигача яланғоч оппоққина иккита қўл дераза раҳига таянди ва қиз боланинг боши кўринди. Қичқириб юбордим:

— Роҳа-а-ат!

Қиз пинагини ҳам бузмади. Яна чақирдим, «Роҳат, бу сизмисиз?!» қабилидаги гапларни айтиб, диққатини тортишга, вазиятни аниқлашга ҳаракат қилдим. Қиз мени мутлақо эшитмас, кўрмас, ҳатто мавжудлигимни сезмасди. Шундай бўлиши мумкинми! Ночор қолиб, теграмга кўз югуртирдим. Сойлик назаримда аввалгидан чуқурлашгандай, тепалар юксалиб, яқинроқ келиб қолгандай. Биласизми, дурбинда қаралганда қандай бўлса, теварак-атроф кўзимга ашундай кўринмоқда. Тоғу тошлар, дарахтлар, деворлар титраб турибди. Ё парвардигор, қаердаман ўзи! Бу қандай синоат! Кўрқиб, ҳайратим ошиб, ҳурлигим келиб, ерга беҳол ўтирдим. Қиз ҳамон ўша аллозда туриб, бемалол хаёл сурарди. Нигоҳи узоқларда, ҳуши ўзида эмасдек.

— Роҳат! Роҳат!?

Ерда, хас-хашаклар орасида қумурсқалар қарвони. Кичкина, қўнғир бир жонивор сачратқи ўт танаси бўйлаб юқорига томон ўрмалаб боряпти. Нарироқда, ариқ сувининг нами урган қирғоқда кўм-кўк майса. Ҳамма нарса табиий, ҳаётда қандай бўлса, шундай: фақат, деразадан қараб турган қизгина ғайритабиий. Ўрнимдан туриб, эгнимни қоққан бўлдим, йўталиб томоқ кирдим ва йўлакдан уй томон юрдим. Орамиз ўн кадамча қолганда, юриш оғирлашаётгандай бўлди, хаёлимда кимдир кўринмас қўллари билан кўкрагимдан итариб тургандай. Базўр яна икки кадам қўйдим. Қарши томондан кучли шамол эсарди.

— Роҳат, қўлингни узат!— дедим базўр ва бутун кучимни тўплаб, олдинга интилдим, яна икки-уч кадам қўйгач, шамол зарбидан орқага тисарилиб кетмаслик учун қўлларимни чўзиб таянч қидирарканман, тўсатдан ҳеч қандай шамол эсмаётганини англаб қолдим. Қаршимда, шундайгина йўл бўйида бир туп гул қилт этмай турарди. «Бу нима қилиқ, жодугар!» деган ички бир нидо билан деразага қарадим. Ажабо, қизнинг юзи осойишта, иягини кафтига қўйиб нимагадир қулоқ тутгандай турибди. Орамиз кўпи билан тўрт кадам. Қўнғир кўзларида сокин ўйчанлик. Назаримда, бир-икки қарич силжиш имконим бор, лекин қаршилик кўрсатаётган бу куч нима ўзи, шамол бўлса, атрофдаги ўт-ўланлар, хас-хашаклар, дарахтлар нега осойишта? Унда нега юриш бу қадар оғир? Ёки кўзга кўринмас тўлқинмикин? Бирдан гандирақлаб кетдим, учиб бориб деворга тақалиб қолдим. Саросима ичида нималар бўлаётганига ақлим етмай бошимни кўтардим. Дераза ортида ҳеч ким йўқ. Демак, афсонавий эртақлар оламига кириб қолибман, бу қиз Роҳат эмас, унинг қиёфасидаги жодугар, балки ялмоғиздир, мени ейиш учун ҳолдан тойдираётгандир? Йўқ, ҳийланг ўтмайди. Бизга худо йўқ, жин-ажиналар афсона, инсон ҳаммасидан кучли деб ўргатишган. Болаларимизни эртақларга ишонмаслик руҳида тарбиялаймиз. Даҳрий бундай нарсаларни тан олмайди. Ҳамма ана шундай бир хил фикрласин, деймиз. Мен ҳам худосизман. Ҳа, худосизман! Макру ҳийланг менга бир пул!

## XVI

Энг қора куннинг ҳам ёруғ нуқталари бўлади. Оғир юк остида бораётган одамнинг елкасидан лоақал бир мисқол келадиган нарсани олсангиз, енгиллик сезади. Дераза тагига етиб келганим, энди уй ичига қараб олишим мумкинлиги, қизнинг ва тўлқиннинг ғойиб бўлганлигидан енгил тортдим. Ичқарига мўраладим. Ҳеч ким йўқ, мўъжазгина хона, каравот, ёзув мизи устида китоб-дафтарлар, каравот тепасида, оёқлари томонда

қандайдир расм. Шу, холос. Қанчалик синчковлик билан қарамай, жодугарлик ускуналарини кўрмадим. Хона эшиги очилди. Шиддат билан урилган оқим танимни пастликка улоқтириб ташлашига сал қолди. Дераза рахига ёпишиб олдим.

— Роҳат, нега бундай қиласан?!

Қиз бошини илқис кўтариб, менга қаради. Кўзларимиз тўқнашди. Нигоҳидан майин нур ёғилиб турарди. Яна нимадир дейишимни кутаётгандай.

— Кечирасан, Роҳат, мен... ҳеч нарса тушунмаяпман. Биз қаердамиз ўзи? Бу тўлқин...

Гапимни тугатолмадим, қиз эгилиб ердан ниманидир олди-ю, мен томон юрди. Оқим кучайди, дераза рахига қаттиқроқ ёпишдим. Дилимда дераза тоқчаси қўпорилиб кетмаса эди деган таҳлика бор. Чидаш бериб турибман. Бу ердан жон-жон деб кетган бўлардим, иложим йўқ, қўлимни қўйворишим билан қуриган япроқ каби сойликка томон учиб кетишим тайин. Кетаман. Тўлқин, шу лаънати оқим сусайиши билан жўнаб қоламан. Фақат, тезроқ бўлақолса эди. Нима қилмоқчи ўзи бу жодугар? Тўлқин зарбини камайтириш учун бошимни дераза тоқчасининг пастки қиррасига тираб олдим. Енгил ва силлиқ бир нарса бармоқларимни силаб ўтгандай бўлди, кейин шу нарсанинг оғирлигини ва илиқлигини сездим. Қиз нақ қўлларим турган жойга суяниб олганди. Бу қийноқ ҳаммасидан ўтиб тушди. Буни қаранглик, тўлқин зарби ҳам аввалгидек шиддатли эмас. Қиз енгилгина бир ҳаракат билан билакларим устига ўтириб олиб, дераза шишаларига қўнган чангни арта бошлади. Қўлларимни унинг остидан ололмасдим. Қайдам, балки астойдил уринмаётгандирман? Ноқулай ҳолатда турган бўлсам-да, аёл танининг яқинлигидан бошим айланар, вужудим титрар, тобора бўшашиб борардим. Офтоб нурида эриётган мумга ўхшардим. У деразани артиб бўлиб, пастга сакраб тушди. Қалқиб кетдим, аммо қўлларимни қўйвормадим. Елкамда қизнинг илиққина нафаси, оқим энди орқа томондан урилар ва мен деворга қапишиб борардим. Узим билан ўзим овора бўлиб, жон ҳолатда оқимга қаршилик кўрсатарканман, бўйнимга орқадан нимадир келиб урилди ва бошимни деворга тақаб, қаттиқ қиса бошлади. Кекиртагим тахтага ботиб, ўқчиб юбордим. Исканжадан қутулиш ниятида жон ҳолатда типирчилардим.

— Епилмайди. Эгангни егур, тоб ташлаб қолганми...

Роҳатнинг овози. Уша оҳанг, ўша илиқлик, ўша жарангдорлик...

## XVII

Болалигимизда ҳам худди шундай гапирарди у. Биз қалдирғочкулча мунчоқларини териб юрардик. Бу ўсимликнинг гули яккақат савсан тусда, шафтоли гулига нимаси биландир ўхшаб кетади.. Гулбаргининг учи қиррадор, тубига томон қуюқ чизиқлар тортилган, улар орасида нимранглари ҳам бор. Банди узун япроқлари ҳалқасимон, юрак шаклида десам, балки тўғрироқ бўлар. Энг муҳими, мунчоқлари: оппоқ, қулчасимон, четлари парракдор. Роҳат ана шу мунчоқлардан маржон тизишни яхши кўради.

— Хомларини терма!— дейди у япроқлар орасидан бошини кўтариб, кейин ишимга бир он разм солиб туради.

— А-ҳа,— деб қўймаң.

— Қара, мана бундайларини ол.

— Мана, катта-катта,— дейман кафтимни унга томон чўзиб.

— Қани?— сўрайди у ва ингичка бармоқлари билан мунчоқларни титиб кўради. Том соясида ўтириб, уларни ипга тизади.

— Тақиб қўй!— ялинади ипнинг икки учини қўлимга тутқазиб.

Ерга тиззалаймиз. Шу кўйи унга яқинлашаман. Роҳат кўкрагимга бошини эгади. Ип учини боғлашга уринаман, қўлим ҳеч келишмайди. Сочи қалин, бўйнида ҳам қорамтир ҳарир туклар бор. Қўлим илашиб қолаверади. Балки кўкрагимга иссиқ нафасининг урилиши халақит бераётгандир? Сочи тўзғиб бурнимни қичитади, қўлим банд бўлгани учун бурнимни унинг бошига ишқайман. Қатиқ иси! Ҳалқадан ип учини ўтказиб оламан деганда, бармоқларимга ипнинг бошқа жойи илашиб қалиб тугун ечилиб кетади. У тиззалаб қўлларини икки ёнига тинчгина осилтирганча бош эгиб турибди. Бамисоли сажда қилаётгандай...

Илоҳий сажда!

Тавба қилдим, даҳрийлигим бутунлай ёдимдан кўтарилибди-я.

## XVIII

— Бунча имиллайсиз!

— Ҳозир, мана...

— Бола йиғлаб кетгандир.

— Тўхта, бу ипинг...

— Э, бўлақолинг!

Шошиламан, шу билан бирга қўнглим бир қадар таскин топади: Роҳат «сиз»ламоқда! Одатда, эр-хотинлигимиз хаёлдан кўтарилиб, оддий болага айланганимизда бир-

биримизни сенсираймиз, қолган пайтлар у менинг ҳурматимни жойига қўяди, сизлайди. Бундай одамлар товушида рўзгор кўрган аёлларга хос оҳанглар янграйди. Мен эса эркакларга хос салобатли бўлишга, ҳукмрон товуш билан гапиришга ҳаракат қиламан.

Қиз қўлларини кўкрагимга қўйиб, сабрсизланаётганини англатмоқчи бўлади. Аммо кўксимдан итармайди, бармоқлари кўйлагим устида беқарор ҳаракатланади.

— Бўлақолинг, дадаси!

Ипни аниқроқ кўриш учун кафтим ва билакларим билан салгина ҳимо қилиб, уни ўзимга тортаман. Роҳат бутун оғирлигини ташлайди. Тиззалаб турганида ҳеч қанча залвор тушмаса ҳам, гавданинг салгина ўзгариши мувозанатни бузади, биз ерга думалаб кетамиз, қалдирғочкулча мунчоқлари ўтлар орасига сочилади. Роҳат ёлғондакам аразлайди, иддао билан соч ўримларини кўкрагидан олиб орқасига ташлайди, бошини кескин ўгириб силтанганча тескари қараб олади. Юзи кўринмаса-да, лабининг бир томонга қийшайиб туриши, кўзларида «шу ҳам эркак бўлдим», деган таънанинг борлигини пайқайман. Ҳақиқий аёлларга жуда-жуда ўхшаб кетади.

## XIX

«Эгангни егур, тоб ташлаб қолганми?» Бу сўзнинг жаранги сўнгунга қадар болаликнинг кўчаларида яна бир бор адашиб, поклик ва беғуборлик водийсида сайр этиб чиқдим. Буни қарангки, бўйнимдан маҳкам қисиб турган дераза чорчўпи ҳам монелик қилолмади. Хаёлнинг учқур оти ўз вазифасини бажарди.

Борлиққа қайтдим. Энди дераза ҳам, оқим ҳам мени таъқиб этмасди. Жодугар беҳол танимни ёлғиз ташлаб йўлақдан жадаллаганча борарди. Афтидан, чорчўпни ёки рафни йўниш учун тешами-пичоқми олиб келиш нияти бор. Жуфтакни ростлаш керак.

Уйдан узоқлашарканман, «нега бу жодугар мени пайқамайди, орқамга кўкрагини тираб, бутун оғирлиги билан деворга босиб турганида ҳам, бўйнимни дераза орасига олиб қисаётганида ҳам ўзини ҳеч нарса кўрмаётгандек, додлашларимни эшитмаётгандек тутуди!» деган ўй миямни банд қилиб олган.

Соҳил бўйлаб кетдим. Уйлар, дарвозалар, деразалар... Фақат ҳеч қаерда одамлар кўринишмайди. Атхафга<sup>1</sup> кетишганмикин?

Жарга йиқилиб тушаётганимда баҳор фасли эди. Шунча вақт ўтдими? Ҳа, бу ерда куз, далалар сарғайган, лекин атрофда атхаф кўринмайди. Қирлар, тепаликлар, жарлар. Одамларни пастки минтақаларга олиб кетишган бўлишса керак. Эҳ, бечора одамлар, уйларини соғинишса керак, албатта. Узоқ жойларга бориб, ифлос ва совуқ шийпонларда яшашга маҳкум улар.

Соҳилнинг нариги қирғоғида ойнаванд бино кўринди. Дўкон шекилли. Кўприқдан ўтиб, ўша томон юрдим. Эшикдан мўралашим билан юрагимни олиб қўйган оқимнинг энгилгина эпкин эсаётганини ҳис қилдим. Мудир узун хонанинг нариги учида, пештахта ортида ўтириб пул санар, лаблари шивирлар, кўзи ўйнар, боши эса қўлларининг ҳаракатга мойил бамисоли соат миллирини ҳаракатга келтирувчи бир-бирига туташ қисмлардек лиқилларди. Дўконда деярли ҳеч нарса йўқ. Қорним қаттиқ очиққанидан тезроқ бирор нарса харид қилиб, нафсимни қондиришдан бўлак ҳеч нарса ни ўйламасдим. Пулим борми ўзи? Чўнтагимни кавлаб, ғижимланиб кетган иккита уч сўмлик топдим. Бирини мудирга кўрсатиб нон сўрадим. Токчада, эшикдан кирган жойда рўпарадаги пештахта ортида икки-уч буханка нон турарди. Ички ҳиссиёт билан нонларнинг бугунги эмаслигини, қотиб қолганлигини сездим. Мудир гапимни эшитмадими, ўз ишини қилаверди. Пулни юқорироқ кўтариб баланд овозда кичқирдим. Аммо фойдаси бўлмади. Шунда мудир томон бормоқчи бўлиб бир-икки қадам қўйгандим, ҳалиги жодугар қизнинг тўлқинидан ҳам кучли оқимга дуч келдим. Турган жойимда бор овоз билан кичқириб, ер тепинишга тушдим. Ўзимни ҳар томонга урдим, пештахтани муштладим. Қанча уринмай, мудир пинагини ҳам бузмади. Афтидан, мени кўрмас ва эшитмасди. Очлик жиноят қилишга ундади. Андиша қилиб ўтирмай пештахтадан сакраб ўтиб, нонга чанг солдим. Мудир ўрнидан туриб кетди. Кейин у қандай ҳолатга тушганини билмадим, нонни олдим ташқарига отилдим. Ўйлаганимдек, тош каби қаттиқ экан. Йўл-йўлакай бир четидан келмирганча сой томон юрдим. Ортимдан ҳеч ким таъқиб этмасди. Бошқа борадиган масканим йўқлиги сабабли ўша жодугарнинг уйи томон шошилдим. Тунни ўша ердаги катакка ўхшаган жойда ўтказишни мўлжаллаганман. Ҳозир эса қоринни тўйдириш керак. Сой бўйида ўтириб олиб нонни ушатдим-да, сувда ивितिб ея бошладим. Нафсим ором олди. Эҳ, нон нақадар бебаҳо неъмат.

Қорин тўйгач, кўнглим анча кўтарилди. Ўзимни бахтиёр сезардим. Энг муҳими, омон қолдим, мана, ҳозирча қорин ҳам тўқ, кейини бир гап бўлар. Ҳаво тоза, сув ширин, атроф тинч. Ўнғайроқ жойлашиб олиб бошимни тошга қўйдим. Мудраяпман. Кўзимни очганимда, қуёш уфққа томон оғган, қишлоқ тепалар соясида қолганди. Еруғ куннинг ҳам дами яхши, аммо қуёш ботишини сира ёқтирмайман. Маҳзунлигим ортади. Уй дера-

<sup>1</sup> Атхаф — заҳарли ўсимлик

засиға қараганча, чироқ ёнишини кутиб ётдим. Ҳали бунга эрта, тепалар учида куёшнинг заиф шуъласи ўйнаб турган бўлса-да, тезроқ чироқ ёқилишини орзу қилардим, бу мен учун кўп нарсани ҳал қилиши мумкиндек туюларди.

\* \* \*

Оқшом — бир кунлик умрнинг поёни. Аммо дилгирлигимнинг боиси бу эмас. Азалдан шундай: оқшом кўнгилга нималигини сира англаб етиб бўлмайдиган ғамгинлик солади. Тош устида бир оёғимни тагимга букиб, иккинчисини осилтирганча узок ўтираман. Қоронғуликнинг қуюқлашувини кутаман. Энг ёмони шуки, бу пайтда ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Уқиш-ёзиш мумкин эмас. Бу оиламизнинг қадимий удуми. Раҳматли бувам говғум паллада, яъни куёш ботабошлаганда хатга қарагани қўймасдилар. Бундай паллада оламнинг табиий ёритгичи нурсизланган, инсон ўйлаб топган сунъий ёритгичларнинг эса киши кўнглини нурлантириб юборадиган даражада нур сочишга қурби етмасди. Аммо менга бари бир-ку: на китоб, на дафтарим бор. Тош «курсим»да ўша аллозда ўтирибман. Дилимда бесабаб бир ўксиниш. Сабабсиз оқибат бўлмайди, албатта. Уксиниш оқибат бўлса, унинг сабаби ҳам йўқ эмас. Хаёлимда олам ботаётган куёш ортидан мунгли термулаётир. Ҳали чироқлари ёқилмаган анави уй нақадар ғариб. Ё тавба, нақадар ғариб! Нурсиз деразалар кўр кўзлардай туюлади ва мана бундай мисралар хаёлимга келади:

Менинг отим Мулла Тўрғай,  
Қанотимда хатим бўлғай,  
Менинг гўштимни еганлар,  
Етти юртга етим бўлғай.

Оқшом, куёшнинг кетиши, қоронғуликнинг бостириб келиши ва сурмаранг бўёқлар ичра ёлғиз қолаётган уй билан бу мисралар ўртасида боғлиқлик йўқдир балки, аммо ўхшашлик бор. Инсон хаёлини чеклаб, чегаралаб ва маълум бир қоидаю йўл-йўриқларга солиб бўлмайди. Йўқ, бу ердан узвийлик ахтариш керакмас. Ҳозир оламга қоронғулик шарпа солаётган шу дамда қаердадир — жарнинг нураб тушган деворида томири очилиб қолган ковул бутаси устида ёки қир ёнбағридаги дўлана шохи устида бир қуш ўтирибди. Муштдеккина вужуди тўла ваҳм. Узининг ожиз танидан бўлак ҳамма нарса унинг душмани. Ҳа, ҳамма нарса! Яхшиям, хаёлида сиёсат хавфи йўқ. Яъни у ҳар қандай сиёсатга нисбатан бетараф. Сиёсатни тушунмайди. Ҳаётнинг шунча ташвиш-тахликалари устига сиёсат таҳликаси ҳам бўлганида, бир лаҳза яшолмасди, жонивор.

Сиёсат... Инсон ўзи ўйлаб топган фикрлар мажмуасига ўзи қул бўлиб яшайди. Жар тубидаги бу антиқа дунёда қанақа сиёсат бўлиши мумкин?

## XX

Ана шундай ўйлар билан уни кузатиб ётдим. Шуни пайқадимки, бу қиз ҳам менга ўхшаб, қишлоқнинг янги фуқароси экан. Уйни жиҳозлаш билан овора. Аҳён-аҳёнда дераза олдида пайдо бўлиб қолади. Ана, қўлида тош ушлаб турибди, лаби орасига миҳ қистириб олиб, уни қаерга қоқишни, афтидан, қўлтиғига қисиб турган расмни кўринарлироқ ерга илишни мўлжалламоқда. Хонанинг менга кўринмайдиган томонига ўтди. Тахминим тўғри чиқди. Тошнинг гурсиллаб урилган товушини эшитяпман. Қани энди инсон зоти, хусусан, эркак билан аёл бир-биридан чўчимасаю мен унга ёрдамлашсам, ахир бундай ишларни қиз болага нисбатан яхши бажараман-ку.

Урнимдан қўзғалиб, секин дераза олдига келдим. Лаънати оқим бутунлай эсимдан кўтарилган экан, ичкарига бўйлашим билан забтига олди. Ҳарқалай қиз менга орқа ўгириб тургани сабаблими, аввалгидек шиддатли эмас, сустроқ. Қиз деворга мўъжазгина чорчўпни авайлаб илди. Ипини қўли билан ростлай туриб бошини орқага тортиб қаради, сўнгра яна чорчўпнинг тагидан ушлаб ўннга ва чапга суриб кўрди. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси ён томондаги тош ойнадан яққол кўриниб турарди. Қулоғидаги балдоқ тебранар ва акси ойнада ялт-юлт этарди. Ёғоч курсидан тушиб, ойнага ўгирилди. Қўлида тоши, у билан ойнадаги аксини уриб чил-чил қилмоқчидек салмоқлаб турибди. Ишлатилмай қолган миҳни ҳамон лаблари орасидан олмасдан жимгина кўзгуга текилиб туриши менга кулгили туюлди. Айниқса, лабининг ҳолати нос отиб олган кампирга ўхшайди, аммо жуда чиройли, ўзига ярашиб турибди. Товба, аёл зоти антиқа-да, шу ҳолатини ҳам ойнада кўришга қизиқади. Албатта, ўз қиёфасига эркак кишининг кўзи билан қарайди, шу кўринишда ёқаманми, деб ўйлайди. Эри йўқлиги аниқ, лекин яхши кўрадиган кишиси бўлиши мумкин. Балки, ҳадемай келиб қолар бирортаси. Хаёлимдан ана шу гап ўтиб улгурмай қиз дераза томон ўгирилди ва қўлидаги тошни бор кучи билан улоқтирди. Бошимни тортиб қолишга аранг улгурдим. Акс ҳолда... жардан қулаб тушиб, ўлмаган жоним танимни осонгина тарк этган бўлармиди?

Қиз деразани ёпмоқчи. Ё тавба! «Деразани ёпай» деган ният қандай ҳолатда унинг миёсида зуҳур этган бўлса, менда ҳам шундайлигича аён бўлди. Гапиргани йўқ, финг

деб овоз чиқармади ҳам, ҳатто ўша бир дона мих ҳамон лаблари орасида турибди. Унинг фикрини қандай англадим экан?

— Деразага парда тутиш керак!

Ўйим охирига етмасдан қизнинг шошилини, бир қадар ташвишли ана шу қарори аввалгисидан кўра аниқроқ ва тиниқроқ бир кўринишда зоҳир бўлди.

— Маҳкам, сен ёнимда бўлганимда...

Қиз тўхталиб қолди ва бир неча сўз бараварига миянинг чуқур қатларидан қалқиб чиқди, аммо ҳавога таралмади, бош чаноғи деворларига урилиб, мия билан чаноқ орасидаги бўшлиқда айланаверди ва кўршапалаклардек осилиб қолди. Балки мен қизнинг сирини эшитишни истамаганим, буни одоб доирасидан ташқари бир нарса деб билганим учун шундай бўлгандир, уялгандирман, баъзан инсон ўзининг хаёлига келган бўлмағур гаплардан ўзи хижолат чекади, аччиқланади, шундай хаёлга борганидан ўзига ўзи дашном беради. Бегона кишининг хаёлидан кечаётган гапларни пайқаб туриш жуда ўнғайсиз бўларкан. Мен эса қизнинг фикрларини нафақат эшитиб, балки кўриб турардим. Ҳа, аниқ-тиниқ кўрардим. Уй ва фикрлар, хаёллар майда, ялтироқ заррачалар ичидан қалқиб чиқар ва ойнадек тиниқ, кўкимтир шаффоф парда юзасида тизилаверарди. Парда ва ойнасимон сиртлар шу қадар кўп ва қават-қават, бир кўзгуга иккинчисини тутсангиз, ана шундай ичма-ич кетган чексизлик: бир йўла ўнлаб ва юзлаб манзаралар, одамлар, воқеаларнинг тасвирлари турли тиниқликда бири олдин, бири кейин намоён бўлади. Фақат «бош ойна»да энг асосийларигина акс этарди.

Ақлдан озяпман, шекилли. Тангрим, ўзинг асра! Бу не синоат! Жар бўйидаги ўрикка чиқаётганимда ҳамма нарса рост, мавжуд, моддий ва содда эди. Ҳеч қандай мўъжизани пайқамагандим, кейин жарга қулаётганимни ҳам сезиб турдим. Шиддатли оқим, қизил туманлик, бир лаҳза танга югурган элитувчи роҳат... шундан сўнг мана бу сиру синоатлар. Балки ҳеч қанақа чуқурлик йўқдир, жар бўйида ҳушсиз ётгандирман, чуқурликда бўлишим ҳам мумкин. Йўқ, рўё десам, анави ойна-чи, ярқираб турибди-ку, тош-чи, мих ва девордаги расм-чи? Ана, қизнинг каравоти, тагидан чамадончасининг қопқоғи кўриняпти. Рўмоли каравот бошига ташлаб қўйилган.

Кўз олдим қоронғулашди. Сирғалиб паства тушаётганимни пайқадим. Ўзимга келганимда ерда, дераза тагидаги ариқчада чалқанча ётардим. Хаёлимда ҳеч қанча вақт ўтмагандай. Беҳушлик фақат бир лаҳзагина давом этган кўринади. Чунки қуёш нурлари ҳали тамом сўнмаган, дераза очиқ, чироқ ёқилмаган. Қуёш ботмасдан ҳеч ким чироқ ёқмайди. Шундай бўлса-да, инсон кашф этган нур манбаини тезроқ кўргим келаверади, чироқ ҳам бундай айтганда мўъжиза, бурчак-бурчаклардан ўрмалаб чиқиб, хонани ўз тасарруфига олган қоронғулик лип этиб чироқ ёниши билан чекинади, қора шарпалар ин-инига кириб кетади, уларнинг ўша пана жойларда пойлаб ётишини, чироқ сўниши билан бараварига ҳужумга ўтиб, аввалги сарҳадларни эгаллашини ва чироқнинг ўзини ҳам ўртага олишини ўйлайман. Сиз бунга эътибор қилганмисиз? Чироқ туннинг шафқатсиз қора лашкарларини яқин йўлатмаслик учун жуда катта куч сарфлайди. Бир пайтлар, болаликда ёзган шеърим ёдимга тушади ва уни секин хиргойи қиламан:

«Чароғам хира месўзад,  
Чи айб дорад, намедонам...»  
Шу куйни ғинғиллаб оқшомги фурсат  
Чироқ шишасини артарди онам.  
Тун эса ёярди қоп-қора сочин,  
Хира милтирарди хонада чироқ.  
Онамизга боқиб барчамиз ғамгин,  
Сўзлар мазмунини истардик чақмоқ.  
— Чироқ хира ёнса, балки мойи оз,—  
Хавотир ичида пичирлар укам.  
— Чаноғин кир босган ё пилик носоз,—  
Донишмандлик қилардим мен ҳам.  
«Чароғам хира месўзад,  
Чи айб дорад, намедонам...»  
Улғайиб қўшиғин мағзини чақсак,  
Кўнгил чироғини ўйларкан онам.

Ғинғиллаганча шу шеърни айтиб ўтиравардим. Бундай ўйласам, у дунёдан шундан бўлак ҳеч нарса олиб келмабман. «У дунё» деганим ўлимни бўйнимга олганим эмас, тирикман, фақат бутунлай бошқа оламдаман. Шундай ҳолатдаманки, шу шеър ҳам мададдек туюлади, сўзларга таянаман, ахир, улар ҳамроҳларим-да. Биз бирга келганимиз, шеърни, оҳангни, ундаги сўз ва товушларни миямда олиб келганман. Шеър ҳам мен каби ғариб, балки, чироқ ёнишдан иккаламиниз баравар манфаатдордирмиз? Хуллас, чироқ ёнса гўё бутун жумбоқлар: бу антиқа оламнинг одамларидан таралаётган оқим, ўй ва хаёлларнинг моддий шаклда кўриниши, ғаройиб эврилиш, инсон миясида содир бўладиган жараёнларнинг барчаси ечиладигандай.

Икки кун сандироқлаб юрдим. Қишлоқ теграси сон-саноксиз қирлар силсиласидан иборат. Овқатланиш хаёлимга келмайди, аҳён-аҳёнда ўзимизнинг даштларда ўсадиган дўланага ўхшаш мевалардан териб ейман. Сув ичаман. Дилгирман. Хаёлларим тоғдек залворли. Биринчи кеча ўша сой ичида ётдим. Иккинчи тунни дарахт қавагида ўтказдим. Ҳаво кун сайин эмас, соат сайин совиб бормоқда. Эгнимда калта енг кўйлак. Мени қийноққа солаётган нарса бу эмас, очликка, совуққа, бошқа азобларга чидаш мумкин, аммо ёлғизлик ва бекорчиликка дош бериш мушкул экан. Мулоқот истайман. Ит билан бўлса ҳам гаплашсам, жониворнинг кўзларига тикилсам, ишқилиб, тирик жон билан бўлсам.

Башараси тунд, хафақон одамлар учраб қолади. Уларга яқинлашолмайман, бирор нарса сўрасам, жавоб беришмайди. Қишлоқ кўчаларида тентираб юриб ўша қиз билан учрашганда, қилган тахминим тўғрилигига амин бўлдим. Ҳақиқатан ҳам бу ернинг одами мени кўрмас, эшитмас, умуман, пайқамас экан. Ланж ва бефарқ ҳолатдаман. Ҳатто қилган кашфиётим, яъни кўзга кўринмас одамга айланганимни англаб қолганим билан ҳам қизиқмай қўйдим.

Учинчи кун ланжлик ва дилгирлик ғазабга айланди. Жин чалган макондан кетиш тараддудига тушдим. Балки ўша қирлар орасида тентираб кезиб юришим замирида шу ният бўлгандир? Фақат буни аниқ ҳис қиляпман. Дастлаб кунчиқарга йўл солдим: қирлар, қирлар... Сўнгра кунботишга қараб юрдим: тепалар, тепалар... Биридан иккинчисига ўтаман, ўпкам оғзимга текилиб тепа учригача чиқиб бораман, кўз ташлайман: на бирор қишлоқ, на бирор бўлак маскан бор.

Кечга яқин орқамга қайтдим. Қишлоққа кираверишда оғилхона олдида икки киши ниманингдир устида фикллашиб туришарди. Бир дам тўхтаб қулоқ солдим. Зора, қутулиб кетишимга йўл очилса, деган ўйда бутун вужудим қулоққа айланди:

- Бер!
- Узинг бер!
- Буни топган мен.
- Кўп хурма!
- Узинг хурма!

Билдимки, уларнинг гапига қулоқ солишдан фойда йўқ. Қандайдир тунука қути устида тортишишмоқда. Занглаб, қорни пачоқ бўлиб кетган қути нима керак экан?

- Мен сув солиб қўймоқчиман,— деди чинқириб эркакларнинг бири.
- Мен ун қути қиламан!— дея ўзига тортди иккинчиси.

Кейин улар қутининг икки қулоғидан ушлаганча жим қолишди. Оғил ортидан учинчи киши чиқиб келди. Кийинишидан аёлга ўхшарди. Енгини ҳимарганча келиб қутининг осилиб турган қопқоғига ёпишди. Энди учаласи уч томонга тортишарди ва бетиним ҳақорат сўзларини айтишарди. Аёлнинг товуши ўткирроқ ва оҳангларга бой:

— Оғзигинангга кучук...лар, нима ҳақларинг бор қутини олишга! Эрим бечора ўтган йилги далага борганда олиб келган, энди сенлар эга чиқдингми?

— Тўхта,— қичқирди эркаклардан бири ҳамроҳини сулҳга чақириб,— айтсин-чи, қаердан олиб келган экан?

- Айтман: «Боқимонда»дан.

— Бекор айтибсан, у ерда ўзим ишлаганман. Эринг ё «Қизил заҳар» ё «Қизил пайкаллаш»да ишларди.

— Аҳҳ-ҳа-а!— деган наъра янгради. Сочлари оқарган бир кампир ҳаллослаганча эркаклар орасини ёриб ўтиб, қутига ёпишди. Ҳадемай, юзга яқин одам тўпланди. Еш болалар, ўсмирлар келиб қўшилди. Талотўпда эркаклардан бирининг шими тушиб кетди. Четроқда турган аёл дарҳол уни олиб, қўлтиғига урди-да, уйига равона бўлди. Шовқинсурон кучайганида, бошқа бир гуруҳ пайдо бўлди. Улар оломонни кузатишар ва ўз тилларида чуғурлашарди. Аёллар эрларини қўлтиғидан ушлаганча, талашаётганларга қараб туришар, кулишар ва бош силкиб нималардир дейишарди. Юзларида аччиқ заҳарханда, кўзларида нафрат ва жирканиш. Тилларига тушунмадим. Фақат аллақандай бегона оҳанглар қулоғимда қолди. Кейин улардан бири хотинининг нозик қўлчасини эҳтиром билан билагидан олиб қўйиб, икки қадам олдинга чиқди ва ғужғон ўйнаётган тўдага қараб нимадир деди. Бирдан шовқин тинди. Терлаб-пишиб кетган, юзлари тимдаланган, сочлари тўзғиган оломон тарқала бошлади. Шимини йўқотган эркак теграсига олазарак аланглаганча қўли билан олдини тўсиб бир муддат гарангсиз турди-да, дарҳол белқарсини ечиб, олдида тутди ва шу кўйи ҳалиги олифта, босиқ, салобатли кишилар тўдасига қараб, хиринглаб кула-кула оғил ортига ўтиб кетди. Топталган, тупроғи тўзғиган ерда пачақ қути қолди. Шунда тахта девор тирқишидан кимдир қараб турганини пайқаб қолдим. Енғоқдек келадиган қоп-қора нуқтадан милт-милт сув оқаётганини кўрдим. Дафъатан унинг нималигига сира ақлим етмади. Қуриб чатнаган ёғочда қора нуқта ва сув... Инграганга ўхшаш овоз эшитилди. Демак, девор ортида кимдир бор. Қаердалигимни англаб олиш ва қочиш истаги яна мени ўша ёққа судради. Тирқишдан мўраладим: Озгингина бир одам деворга суюнганча турар ва йиғларди. Лаблари қимирлар, болалардек ингичка овоз чиқариб нималарнидир гапирарди.



Оҳ уриб йиғлаётган бу одам юртнинг шоири эди. Бошқалар каби у ҳам мени кўрмади, ammo назаримда ниманидир пайқади. Ёш тўла кўзларида ҳайрат акси кўринди, тирқишдан эсиб турган билинар-билинемас оқим бутунлай тўхтади.

## XXII—XXIV

Сой бўйлаб юқорига кўтарилдим. Қаршимда яна ўша уй. Бу дунёда бўлак борадиган маскани йўқ. Тунги изғиринлар суяк-суягимдан ўтган, илиқлик истардим. Юртимнинг жазирама куёшини кўмсардим. Деразадан қарадим, ҳеч ким йўқ. Нима қилаётганимни ўйлаб ўтирмай ичкарига кирдим. Вужудим дир-дир титрарди. Иссиқина кўрпа ичига кириб ётгим келарди. Истакнинг тийиқсиз кучини енгиб, ўзимни қўлга олдим. Бу номаълум оламни тадқиқ этиш, ўрганиш зарур! Балки нариги хонада кимдир ўтиргандир, қизнинг ўзи қайда экан? Эшикни аста итариб кўрдим, очилди. Бу томонда торгина ярим қоронғи даҳлиз ва ошхона бор экан. Оддий уй-рўзгор буюмлари: қозон-товоқ, чойнак-пиёла, сузги... Қизнинг ўзи йўқ. Ошхонадан бир бўлак нон топиб едим. Иштаҳам тортмасдан аранг чайнадим. Сўнгра қизнинг ётоқхонасига қайтдим. Китоблар! Миз устида бир даста китоб! Қувониб кетдим. Ана энди қайси мамлакатдалигимни, бу халқ қандай миллатга мансублигини билиб олиш мумкин. Балки қутулиб кетишим учун ҳам бирор йўл очилар!

Китоблардан бирини қўлга олдим, варақладим, шоша-пиша бошқасига кўз югуртирдим. Ҳафсалам пир бўлди, қандайдир ҳалқачалар, шакллар, эгри-бугри илмоқчалар. Ҳеч нарса англамадим. Бу ҳарфлар на араб, на хитой, на ўзимизнинг ёзув эди. Расмларда тасвирланган кишилар эса, ҳалиги темир қути устида талашган кишиларга ўхшамайди. Яхши кийинган, тўқ, басавлат кишилар, юзларидан нур ёғилади, ҳамма расмларда байрамона тус. Танимдаги титроқлар кучайди, тиззамдан мадор кетаётгандай бўлди. Каравот устидаги чойшабни кўтариб ўринга кирдим, таним яйраб кетди. Умримнинг ярмидан кўпи ўтиб, дунёда бундай ҳузур-ҳаловат борлигини ўйламаган эканман. Гўё гўзал бир хилқатнинг қучоғида ётардим. Ёстиқни тўйиб-тўйиб ҳидлайман. Аёл сочларини муаттар бўйи. Кўрпа жиякларидан ўзига хос ҳид таралади. Вужудимда мудраб ётган кучлар уйғониб, безовталигим ошиб борарди. Ташқи эшик очилди. Кимдир шошилишч ўйга кирди. Ошхонада нимадир тақирлади. Пичоқнинг тахтачага бир маромда урилаётган овози, каффирнинг жаранглаши, ёғ ҳиди...

## XXV

Кўзимни очганимда хона ёруғ, чироқ парпираб ёнарди. Қиз ёлғиз ўзи ўтириб, овқат емоқда. Жимгина хаёл суриб, эринчоқлик билан тамадди қилади. Палов! Буни қаранг! Ёруғ дунёнинг энг машҳур, энг лаззатли таомини билишаркан-да булар ҳам. Бир ошам олади-да, токи чайнаб ютгунича нигоҳини деразадан узмайди. Кейинги уч кун ичида илк марта овқат ейиш истаги туғилди, лекин ўрнимдан туришга журъат этмадим. Наҳотки мени сезмаётган бўлса, деган хаёл билан секин каравотга кўз қиримни ташладим. Чойшаб аввалгидек қилиб текислаб қўйилган. Демак, менинг каравотда ётганимни сезмабди. Олдимга шу даражада яқин келган бўлса, нега учиб кетмадим экан? Балки унинг тўлқин кучи кўрпа-тўшакдан ўтмас ёки ухлаб ётганим учун таъсир этмадикикин? Чувалашган ўйлар орасида овқат ейиш истаги кучлироқ эди.

Қиз дастурхонни йиғиштиришга тушди. Дарвоқе, мени ҳайратга солган яна бир ҳолат юз берди. У қўлларини очиб, секингина дуо ўқиди, юзига фотиҳа тортди, хаёлимда бу маросимни кимнингдир кўриб қолишдан чўчиётгандай бир тарзда бажарди. Сўнгра товоқни ошхонага олиб кетди. Эшикдан чиқиши билан ўрнимдан турдим. Кўрпа-чойшабни апил-тапил тўғрилаб қўйиб, хона бурчагига яшириндим. Очиқ қолган эшикдан сирғалиб ўтиб, ошхонага кирдим. Қоронғида пайпаслаб товоқни топдим, палов ҳали илиқина эди, овқатландим, сув ичдим, хуллас, анчагача шу ерда ўтирдим. Қиз боланинг ҳаётига суқилиб кириб олганимдан, унинг сирларини билиш имкониятига эга бўлганимдан хижолат чекардим. Шу билан бирга, бу уйдан кетишим ҳам ўйламастим. Ошхонамизнинг таги кенгина экан, ўзимга шу ерни жой қилиб олдим. Бирор тadbир ўйлаб топиб тепага, ўз мамлақатим сарҳадига чиқиб олгунимча, шу ерда яшайдан бошқа иложим йўқ.

Эрта билан унинг шарпасидан уйғондим. Бир жуфт шиппак ва гулдор қизил пайпоқ тумшугим олдида ўйнаб турарди. Гиламча бўйлаб енгилган ҳаракатларан, оёқларнинг бири ердан узилганда, иккинчисининг бармоқларига оғирлик тушиб, бўғинлари орасида майин чизиқчалар ҳосил бўлар, нафис тирноқлари учидан қон қочиб, ой шаклини оларди. Бошмоқнинг очиқ учидан учта панжаси кўриниб турибди, тўртинчиси ташқарига мўралаб қараётгандек, жимжилоқ юмшоқ матоҳ ичига батамом яшириниб олган. Оёқлар ҳаракатга келганда, бошмоқ устига тикилган майин патлар товушсиз оҳиста силкинади, парпираб учади, гўё қаттиқ шамол бўйлаётгандай, ҳаммаси бир томонга ётиб титрай бошлайди. Сичкон пойлаётган мушук ёдимга тушди. Бошқа эрмагим йўқ, мушукдек, шу бир жуфт оёқнинг ҳаракатини жимгина кузатаман. Гоҳо ўз ҳолатимдан ўзим куламан. Олов устида чойдиш шиғиллайди, сўнгра бу товушда ҳақиқий ҳаётга, ерусти дунё-

сига хос нимадир борлигини пайқайман. Чойдишнинг овози ўзгаради. Ё товба! Бунчалар нола кўп унинг қўшиғида? Ер устида яшаганимда ҳам ҳар кун неча бор чой қайнатганман, олов устида «ўтириб» қақнусдек нола қиладиган бу «жонивор»нинг овозини эшитганман, аммо бу қадар мунгга тўлалигини пайқамаган эканман. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди, нақадар ғамли бу қўшиқ, нимани куйлаяпти, нималар деб бўзлаяпти?!

Гулдор бошмоқ яна ҳаракатга келди. Чойнак қопқоғи шиқирлади. Шу аснода чойдишнинг ноласи тинди, ҳатто ғам-андухларни, вужудининг ўт бўлиб ёнаётганини унутиб шақирлаб кула бошлади. У мақсадига эришди шекилли. Э воҳ, шу ерда ҳам севгимми?! Чойдиш танидаги қайноқликни ўзга бир вужудга қуйди. Чойнак жўмрагидан ерга икки томчи қайноқ сув тўкилди. Бирдан ўзимга келдим, юзимга майда илиқ заррачалар сачраши билан бошимни кескин тортдим. Қизнинг этаги ҳавода ҳилпиради, эшик очилиб ёпилгани заҳоти, ошхонага сукунат чўкди.

## XXVI

Кунлар бир зайлда ўтмоқда. Имкон борича камроқ овқатланишга интиламан. Дарвоқе, қиз ҳар кун эрталаб чиқиб кетади. Хонада ёлғиз қоламан. У ер-бу ерни йиғиштираман. Бир кун коса-товоқларни ювиб қўйдим. Аммо бу ишимдан ўзим пушаймон бўлдим. Қиз ошхонага кирдию одатдан ташқари нималардир бўлаётганини пайқади. Бир неча кундан бери шубҳаланиб юрарди, энди ана шу гумонлари ҳақиқатга айланиб, уни кўрқитди. Балки аллақандай жину ажиналар борлигини ўйлаётгандир? Дарвоқе, мен бундай ҳолатда қизнинг хаёлидан нималар кечаётганини билолмайман. Фақат юзма-юз турганда, унинг кўзларига кўзим тушганда ва маълум бир масофадангина кузатганимда, унинг миясида бўлаётган жараёнларни кўриш имкони туғилади. Ҳозир эса миз остида ётибман. Утирса ҳам бўлади, фақат бел оғрийди, миз пастроқ, шунинг учун кўпинча ерга узала тушаман. Утирганда ҳеч нарса кўринмайди, тахталар, туташган чиқиқлар, улар орасида ўргимчаклар уяси, учи чиқиб турган михлар... Ёд бўлиб кетган «манзара», ҳатто кўзимни юмганимда ҳам аниқ «кўриниб» туради. Рандаланган тахта сиртида усталарнинг қалам билан қўйган белгилари, мойбўёқ томчиларигача хаёлимда ўрнашиб қолган. Шуларга қарамаслик учун ҳам ётаман. Қиз мизга тақалиб келганида фақат тиззасигача кўринади. Мен учун шунинг ўзи ҳам катта бир дунё. Чиқиб кетаётганида бутун вужудим билан ортидан тикиламан. Худди ўзимизнинг қизларга ўхшайди. Чиқиқлар! Чиқиқлар! Лекин биз уларнинг қадрига етмаймиз. Инсон ортида кўм-кўк осмон ёки тап-тақир чексизлик бўлсин, сиз ана шунда унинг гавдасига қаранг,— чиқиқларнинг қанчалик мутаносиблигини пайқайсиз. Айниқса, қиз болада унинг ниҳолдек нозик танини чегараловчи чиқиқларнинг беқиёс заруратни ҳис этиб қайрилган, эгилган ва шакллар ҳосил қилишида, табиатнинг биринчи қонуни зурёд қолдириш вазифасини садоқат ила бажарганини англайсиз.

Кам овқатланишга интиламан дедим, ҳақиқатан ҳам шундай. Ўзимни боқиманда деб ҳис қиламан. Шунинг учун ҳаётнинг барча лаззатларидан тийиламан. Кундузи далага чиқиб кетиб, юқорига йўл излайман. Бу атрофда жарлар ниҳоятда кўп. Ҳар бир чуқурликни, кавакни, ўнгирни синчиклаб қарайман. Ўз изимни, мени пастга олиб тушган лаънати дарахтни қидираман. Ҳеч биридан ному нишона йўқ. Оқшом келиб ошхона мизи тагидан жой оламан. Дастлаб яхши бўлиб туюлган миз остидаги бу ҳаёт аста-секин ўзидан бездирмоқда.

Мулоқот истайман! Бахтга қарши, бирорта сичқон ҳам ўтмайди. Фақат бир кун кичкина кўнғизча топиб олдим. Токи кўзим уйқуга илингунга қадар эрмак бўлди. Олтита оёғининг ҳаммаси бир-бирига ўхшаш, уларни навбат билан босиб жадал ўрмалайди, учи попукли шохи бор. Бўлар-бўлмасга шохини қимирлатаверади. Қанотини ёйиб визиллайди, учмоқчи бўлади, куз ҳавосининг совуқлигидан қарахтлашганми ёки лат еганими, учолмайди.

Қиз чироқни ўчирди.

Очиқ эшиқлардан синиб тушаётган нур дастасининг ёлқини йўқолди. Нариги хонада у, беригисида мен. Ётибмиз. Уртада эни бир қарич девор. Жойим анча совуқ ва ўнғайсиз. Ҳар лаҳзада ўрнимдан туриб қиз ётган хонага қирай, ҳеч бўлмаса ерда гилам устида яйрай дейман. Жойнинг ўнғайсизлигига эмас, бошқа хаёллар ҳам қийнайди. Унинг қай ҳолатда ётганини кўз ўнгимга келтираман. Чалқанча ётибди, аммо юзи девор томонга ўгирилган, шунинг учун ҳам томоғи остидаги чуқурча, елка суяқларининг туташган жойидаги «хамлик» шакли ўзгариб тўлишиб кўринади. Ота-боболаримиз аёл вужудидаги бу чуқурчани чоҳи закан деб аташган. Чоҳ бўлса бордир. Эндиликда биз аждодларимизчалик ҳиссиётларга берилмаймиз. Асримиз шундай. Ҳиссиётсиз яшаш асри деёлмайман-у, ҳар ҳолда шунга олиб борадиган йўлда турибмиз. Аммо мен бошқача эркакман. Ерда аёл зотининг бир тола сочи тушиб ётган бўлса ҳам қардаги хаёлларга бораман. Гўзал хилқатнинг ойна олдида туриши, икки қўлини боши узра кўтариб соч толаларини сийпалаётганда, тароқ ураётганда кўкси кўтарилиб таранглашиши, тананинг бошқа — эркак кўзига яқин узварларида ҳам шаклий ўзгаришларнинг зоҳир бўлишини илғайман ва

бундай нозикликларни бошқа эркалар кўрмайди, кўрса ҳам ундаги латофатни қадрламайди деб ўйлайман.

У кўз олдимида рўй-рост ётибди. Самовий ҳолат.

Бир куни эрталаб қиз чой қўйишга кирганида, сира ўзимни тутиб туrolмадим. Нозиккина бармоқларига, тўпиғига, беқиёс келишган пойчасига қараб туриб, бармоқларининг нақ туташган жойига лабимни босдим. Қиз оёғини тортди ва эгилиб ўша жойини бармоғи билан ишқалади. Сўнгра миз ёпқичини суриб, мен ётган жойга қаради, унга кўринмаслигимни билсам-да, юрагим орқага тортиб кетди, беихтиёр деворга қапишдим. Қиз нариги хонага чиқиб кетди ва ўша менга қадрдон шиппагини кийиб келди. Шундан кейин ошхонага яланг оёқ кирмайдиган бўлди.

## XXVII

Шу алпозда яшаётганимга чамамда икки ҳафталаб бўлди. Бу орада уйимизга ҳеч ким келмади. Қизнинг руҳий оламига кирмаётган бўлсам-да, англадимки, ёлғиз, ҳеч кими йўқ. Чамамда, бизнинг ерусти ҳисоби билан жума оқшоми эди, қиз ишдан қайтишдан олдинроқ унинг жойига кириб ётдим. Ҳаво совуқ ва намчил, бироз исиниб олмоқчман, бунинг бўлак бир сабаби бор-йўқлигини айтолмайман. Бир гап бўлар, ётиб турайчи. Қоришиқ ҳислар, томоғимга тиқилиб келаётган хўрлик алами, ўзимга ва унга бўлган шафқат тўғуси шунга ундади чамамда.

Индамай кутиб ётдим. Бир пайт эшик очилди. Қиз хонага кирди. Бир дам тўхтаб мен томонга тиқилиб қолди. Кўрпачимикан, деган шубҳа ўтди хаёлимдан. Кўзига тиқилиб қараб турган бўлсам-да, нима учундир миясида бўлаётган ҳодисаларни ўқиёлмасдим. Чунки кўзларимиздаги кўриш нурунинг кесисидан бунчаги бунга имкон бермасди. Тик туриб, унинг кўзларига нигоҳни тўғри йўналтириш керак. Лекин бундай қилмадим. Индамай ётавердим. Узоқ чўзилмади бу ҳолат, қиз қўлтўғига қисиб турган жилдани миз устига қўйди, рўмолини ечиб каравот бошига ташлади, эгнидаги жужунчасини ечдию даҳлизга чиқиб кетди. Сувнинг шилдираши эшитилди. Ювинди. Артинди. Ичкарига кирди. Ойна олдига борди.

Кун кечга томон оғган, қуёш сойнинг нариги бетидеги кулбаларни ёритиб турса-да, ғарбий соҳил, кўприк ва тепаликлар этагини кулранг кўланка ўз тасарруфига олган. Террак учида кучсиз шуълалар ўйнаб турибди, қўйида соя. Кўланка пастан юқорига томон ўрмалайди. Ҳадемай қоронғи тушади ва терак кўздан йўқолади. Қишлоқ уйлари ҳам, сою ҳовлилар ҳам. Қиз деразадан ташқарига кўз ташлаб олди-да, шошилганча жомадонини титкилашга тушди. Тахта тўшамда чўккалаб ўтириб, бисотидаги бор бойлигини кат устига битта-битта ёя бошлади. Жомадон кичкина бўлса-да, унда ёлғиз умрнинг эрмаклари мўлгина экан. Қизил атиргул расми солинган сочиқни олиши билан эндиликда ҳеч кимни қизиқтирмай қўйган, урфдан қолган ғижим рўмол, унинг тагидан этагига гул босилган қора нимча ва пойчасига жияк урилган лозим чиқди. Буларни қиз ҳалиги хитойи гулдор сочиқ устига ёйиб ташлайверди. Айтгандай, буларнинг ҳаммасини ўзимизнинг ерусти ақидаларимиз юзасидан талқин қиляпман. Балки сочиқ Хитойники эмасдир, Хитой деган мамлакат борлигини билишмас ҳам. Рўмол эса урфдан қолмагандир?

Қиз бисотини бир-бир олиб кўздан кечираркан, қаршимда ўша — болагимнинг мунис дўсти — Роҳат турганини англадим. Ниҳоят жомадоннинг тубидан бир сидра ички кийим билан кўк шоҳидан тикилган кўйлак чиқди. Ўрнидан туриб, уни бўй-бастига ўлчаб кўрди. Енги калта, этаклари кенг, ўйма ёқали. Хаёлида баҳорнинг илиққина, гуллар атрига тўйинган, ойдину сокин тўни жонланди шекилли, кўйлакни тиззалари устига қўйиб, бир муддат силаб-сийпалаб ўтирди. Матоҳ устидан сирғалаётган қўлнинг ҳаракатларида шунчалик меҳрибонлик, илиқлик бор эдики, қиз шу аснода ўзи эмас, сеvimли ва қадрдон бир кишининг қўллари тафтини ҳис қилаётгандай туюлди менга. Қўлига қайчи оларкан, яна ойна олдига борди. Қайтадан бўйига ўлчаб кўрди. Кўйлак анча кичик келиб қолган, этаги тиззадан қарийб бир ярим қарич юқорида. Шундай бўлса-да, пардабоп бошқа матоҳи йўқлиги сабабли кўйлакни бузишга мажбур бўлаётганига ачинарди. Сира бузгиси келмас, аммо хонани қора тундан, қин-йироқдаги ўзга деразалардан, боғ этагини кесиб ўтадиган йўлдан, умуман, ташқи оламдан тезроқ тўсиш истаги тинчлик ҳам бермасди. Деразага ҳар гал қараганида, тун зулмати ҳадемай шаффоф шишаларни қора ранга бўяб хонага ёпирилиб киргудек залвор билан босишини тасаввур этиб шошиларди. Бу оқшомда бошқа бирор гап, қандайдир яширин ният йўқмикан? Дабдурустан хаёлимга келган ана шу фикр мени ўйлантириб қўйди. Нега шу пайтгача яшаб деразасига парда тутмаган қиз бугун хонани бегона кўзлардан пана қилиш пайига тушиб қолди?..

«Бузаман» деган ўй билан учинчи марта ойнага ўзини ва кўйлагини солиб кўрди. Кўзгудаги қиз шу лаҳза ўзига ҳам бегонадек туюлди. Кўзлари катта-катта, қорачўғлари кенгайган, рангсиз. Юзи ориқ, дардчил. Унда йигирма беш йиллик умрнинг бор изтироблари битилгандай. Бу менинг хулосам, албатта. Балки у ҳали ёшроқдир, йигирмаларда бўлиши ҳам мумкин.

Тўйиб кўкрак сўрган боладек индамайгина ётавердим. Қайчи фирчиллар, матоҳни ва унинг гулларини осонгина қирқар, бармоқлар оҳиста, аммо чаққон ҳаракат қилар,

игна билан ил ўз вазифасини бажарарди. Оила ўчоғига хос бу манзарани томоша қилиш нақадар ҳузурли.

Кўйлақдан деразани бор бўйича бўйлайдиган ва энлайдиган дурустгина парда чиқди. Энди хона тун таъқибидан халос бўлиб, ташқарига кўкиш зиё тараб турарди. Сира кутилмаганда эшик тақиллади. Осмондан юлдузларнинг дув тўкилишини кутгандирман, аммо бундай бўлишини хаёлимга келтирмагандим. Эри келди! Миямга урилган фикр минг хил қоришиқ саволларга тўла. Балки йигити, қайлиғи, танишидир... Аммо қизнинг юзидаги тахлика ва ажабланиш аломатларини кўриб, кўнглим жойига тушди, ташқаридан аёл кишининг овози эшитилди:

— Уйда мисиз, ука?

— Кираверинг!

Эшикдан кириб келган аёл дастурхонга ўралган алланима узатди. Қиз олди.

— Палов қилувдим, айланай. Мана, келганингизга икки ҳафтадан ошаяпти, уйга чақиролмадик. Қизим Садафтошнинг синф раҳбари экансиз. Болагинам ҳар куни сизни мақтаб гапиради. Жуда бошқача, ҳеч кимга ўхшамайдиган муаллима, дейди. Сиз гўё бутунлай ўзга оламдан келгандек кўринармишсиз унга. Гапига кўпам ақлим етмайди.

— Опажон, овра бўлибсиз...

— Уй ҳам одам билан тирик,— деди аёл хона деворларига кўз югуртириб,— ичида ҳеч ким яшамайдиган уйнинг уч-тўрт йилда харобага айланганини кўп кўрганман.

— Утиринг, опа.

— Йўқ, айланай, борай. Кутиб қолишади. Айтгандай, исмингиз ҳам қизимникига ўхшаркан — Мингтош! Жуда яхши, бошингиз тошдан бўлсин.

Аёл кетишга чоғланди. Мингтош ортидан кузатиб чиқди. Орадан икки-уч дақиқа ўтиб, қайтиб кирди. Нимадандир хурсанд. Лаблари кулиб турибди, ёноғида иккита кулгичи ботиқ-ботиқ. Ё товба, бу Роҳатнинг ўзи-ку! Ҳатто кулгичлари ҳам айнан ўзи!

— Роҳат!

Қиз ҳамон жилмайган кўйи менга қаради. Назаримда, энди ўрнимдан туриб унга рўпара бўлсам ҳам тўлқин кучи таъсир этмайдигандай. Шу бир дамлик мулоқот қизга тетиклик ва қувноқлик бахш этди. Одамнинг заҳрини одам олади деб бекорга айтишмайди-да.

## XXVIII

Тунда нимадир юз беради, кўнглим сезмоқда. Само юлдузларга тўлиб бормоқда. Қулогимга минг хил оҳанг эшитилади, гўё қақнус сайрайди. Унинг тумшўғидаги тешиклардан вужудни эритиб, сув қилиб юборадиган наво таралаяпти. Роҳатнинг ҳар бир ҳаракати шу куй оқимиға мос. Оҳанглар тобора тиниқлашиб, уларнинг соҳир қаватларидан менга гўё минг йиллардан бери таниш ва ёқимли куй оқиб чиқа бошлади. Қулоқ тўтиб дилимда такрорляяпман. «Танавор!» Бизнинг «Танавор»нинг ўзи, фақат айрим ўринлари «Дилхирожгами ёки «Алиқамбаргами ўхшаб кетади. Роҳат қўлларини кенг ёйганча майда қадамлар билан юриб каравот олдига келди, бир муддат нигоҳини менга тикманча, кўз сузиб бош тербатиб турди. Нигоҳида мастона бир ғамза. Сўнгра қўлларини бамисоли кўкка парвоз қилаётган оққуш қанотидек бир силкиб олдию югургилаганча эшик олдига борди. Хона тор, аммо беқиёс гўзал оққуш эркин-эркин қанот қоқар, парвоз этар ва тобора ҳаволаниб борарди.

Бирдан куй тинди. Сукунат. Қиз йиғлаяпти, ёноқлари кўз ёшларидан ҳўл, аммо хафа эмас, вужуди ширин бир маҳзунлик кучоғида эриб бораётгандай. Нафис ҳаракатлар билан кўзгу олдиға борди, хаёлчан термулди. Кейин... шошилич ҳаракатлар ила ёқасидаги ва енидаги тугмаларни еча бошлади. Кўйлагини ойна олдидаги илгичга осмоқчи бўлиб интилди-ю, сўнги лаҳзада бунини ортиқча ҳаракат деб билдим, ўша ерга ташлаб қўя қолди. Ортиға ўгирилиб деразаға ва каравотға қаради. Ширин бир ваҳима ва оризқиб билан энтикиб, қаршимда бор бўй-басти билан турган қиздан кўз узолмадим. Қиз яна бир марта ойнаға кўз ташлаб олдию бирдан совқотгандек елкаларини қисганча югургилаб олдимға келди. Кўрпани кўтарди ва жойига кирди. Шунча илоҳий ҳаракат ва мақомлар сўнгидаги бундай рафторини тушунмадим. Тўғриси бунини ўйлаб кўрадиган ҳолатда эмасдим. Бу фикр йўл-йўлакай хаёлимдан лип этиб ўтди-ю, вужудимни қамраб олган ҳиссиётлар орасида йўқ бўлиб кетди.

Қиз жойига кирди!!!

Шундан кейин кутганимдан ҳам ғаройиб ҳолат юз берди. Икки вужуд бир-бирига яқинлашди, тинни ўраб турадиган ва токи инсон ўлгунча уни тарк этмайдиган ҳарорат қавати қуюқлашди, зарралар топишди, уларнинг аралашуви иккала вужудға ҳам ёқди, унинг кучоғида эриб бораётганимни ҳис этдим. Уша илиқлик энди оловдек қизиб-ловуллаб, танимни тобора чуқурроқ тортиб борарди.

Йўқ, ёмон кўнгилга борманг, ҳеч қандай инсоний-ҳайвоний воқеа рўй берган эмас, илоҳий куч таъсирида қизнинг вужудига сингиб борардим. Бу ҳолат қанча давом этганини билмайман, фақат ақл энг сўнги дамда ўз вазифасини садоқат билан бажариб турар

ва таним алоҳида учлик, яъни тан, жон — руҳ сифатида сўнги дақиқаларини яшаётганидан хабар бериб турарди.

Қиз нотинч тўлғана бошлади. Кейин дунёдаги энг ширин сўзларни бамисоли дуодек такрорлайверди.

Мен эса қизнинг оловдек танига сингиб борардим!

Ниҳоят бутун хонани, балки, олам сарҳадларини тўлдириб, бошқа тиниқ бир куй таралди. Мен қизнинг вужудиға бутунлай ўтиб бўлган ва ёруғ дунёда энди бундай одам — алоҳида вужуд сифатида мавжуд эмасдим. Ҳавода муаллақ қолган ва совий бошлаган ақл дафъатан ўзига келиб, ўз вужудини кузатиш тараддудиға тушди. Қизнинг боши узра инсон тасаввурига сиғмайдиган тезликда айлана бошлади ва мен унинг миясига сингиб кетдим...

## ИККИНЧИ КИТОБ

### Тилла жувон

1

Уйқу билан уйғоқлик ўртасида бўладиган бир ҳолат уни ҳам чўчитар, ҳам ўзига жалб этарди. Уринга чўзилиши билан аъзойи баданида ҳорғинлик сезди. Сўнгра, орадан бир пиёла чой ичгулик вақт ўтгандан кейин, вужуди энгиллашгандай бўлди. Сўнг яна ўша ҳолат юз берди. Таниш ва қадрдон овоз уни чорлади:

— Минг-то-ош!

Мингтош ухламаган, девордаги расмни кўриб турарди. Қуюқ сариқ ранг билан бўялган чорчўп ичида мойбўёғи ғадир-будир қилиб ишланган расм. Тепалик, йўл. Йўл бўйида бир туп терак. Унинг оппоқ танасида қорамтир нуқталар, чизиклар, шакллар кўринади. Дарахт улғайиб вояға етган, иморатға ишлатса бўладиган сиёқда. Танада қачонлардир пичоқча билан ўйиб ёзилган ҳарфлар кўриниб турибди. «М-М-М». Терак тепалиқдан анча баланд, унинг энг сўнги япроғи осмон рангига қўшилиб кетган, фақат бандининг оқишлиғи ва япроқ четидаги қиррачаларнинг бироз қуюқроқ рангдалиғи ложувард ҳаво қаватида турган барғни осмон кўкидан ажратишға имкон беради.

Мингтош бошини кўтарди. «Маҳкам-Мингтош-Муҳаббат» — ҳарфлар мазмуни шундай. Ёлғизоёқ йўлнинг тепаликлар ортиға томон қайрилган жойида яна бир дарахт кўзға ташланади, у расмнинг олдинги гўшасида турган теракка ўхшаса-да, бироз нозикроқ, танаси силлиқ, шохлари бир-бириға қапишиб осмонға тик кўтарилгани учун бамисоли сарвдек туюлади. Урнидан туриб, расмға яқинроқ келди. Сўнгра шошилиб дераза олдиға борди. Ҳовлининг бир бурчидаги деворға тақалиб ўсган терак расмдағиға жуда ўхшарди. Қора-қура доғлари ҳам, шохлари ҳам айнан ўзи. Танасида ҳарфларға ўхшаш чизиклар кўринади. Фақат дарахт учиде ажралиб турган ёлғиз япроқни фарқлаш қийин. Ҳовли тўла хас-хашак, шу дарахтдан бўлак ҳеч нарса йўқ, йўл бўйида ўсган бир туп наъматак солланиб турибди.

Мингтош деразаға парда тутган ва самовий ҳолат юз берган ўша тундан кейин унинг ҳаёти билан боғлиқ жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлдим. Баъзан у пайқамайдиган ҳолатларни ҳис этар, муқаррарлик илғардиму фикримни ўтказолмасдим. Кўпинча унинг қайсар ва ҳукмрон ақли маслаҳатларимға қулоқ солишни истамас, энг тўғри фикрға ҳам қаршилиқ кўрсатарди. Дастлабки пайтлар бундан жаҳлим чиқиб, ҳақ-ҳуқуқим учун талашиб, гоҳида араз-аччиқ қилиб юрдим. Болалиқда ўша қалампирмунчоқ тангачалари билан ўйнаган, маржонлар тизган, кўғирчоқ ясаган дамларимизни эсладим. Шунда миядаги ялтироқ заррачаларнинг бир қисми мен томонға оғар, Мингтошнинг руҳи кўтарилиб, бир муддат қайфияти яхшиланарди. Аммо биргалиқда кечирган ҳаётимизда бундай воқеалар кам ва борлари ҳам болалигимиз акс этган тасвирлар устидан жуда кўплай айқаш-уйқаш воқеалар шакли кесишиб ўтгандики, уларни қайта жонлантиришға, пардоз беришға, ғуборларини артиб, доғларини ювишға қанчалик уринмай, бефойда эди. Бундан ташқари ҳуқуқим чегараланган, ижарада турувчи талабадек, хўжайиннинг ҳамма «хона»ларига киришға имконим йўқ.

11

Ана шу ожизона қаршилиқлар, курашлар ва интилишлардан кейин ақлимнинг сусая бошлаганини сездим. Тўғри, курашлар уни бир қадар пешлади, аммо мустақиллигини аввалгидан ҳам кўпроқ чегаралаб қўйди, ана шу таъқиқ туфайли миямнинг фаолияти пасайди, аёл билан олишиб ўтиришни ўзимға эп кўрмайдиган бўлдим. Энди бўлак жабҳадан туриб, унинг ҳаётини кузатардим, холос. Мактабдаги ишларига баҳоли қудрат кўмаклашиб турсам-да, ишларига камроқ аралашардим. Бизнинг ерусти ҳаётимизни унинг ақли жуда қийинчилик билан қабул қиларди.

Кейинги кунлар мактабда иш кўп бўлди. Муаллимлар синфхоналарни безашарди. Урта ёшлардаги, басавлат, лаб-лунжлари худди аразлаган боланикидек осилиб тушган киши Мингтошни бўм-бўш синфхоналардан бирига олиб кирди. Қизнинг бўй-бастига бирров назар солди-да: «мана шу хона сизники, жиҳозлайверинг», деди қуруққина қилиб...

Тез орада ҳамма шовқин-сурон билан чўлга жўнаб кетди.

Соҳибам дастлабки кунданоқ болаларга қаттиқ боғланиб қолди. Айниқса Садафтош исмли нимжонгина, касалманд қизчага шунчалик қаттиқ меҳр кўйдик, бир дам кўрмаса ўзини қўярга жой тополмай қоларди.

Садафтош!

«Исми ўзимникига ўхшаш, уйқаш экан. Ота-онаси кўнса қиз қилиб олардим, камбағал оила, жўжабирдай жон...»— Ширин хаёллар бир-бирига улашиб кетаверади. Мен бунга қарши эмасман. Майли, қизимиз бўлса ёмонми, фақат шундай нимжон боланинг чўлга боришига рози бўлган ота-она нима учун гўдак тақдирига бунчалик бепарво қараркин? Худди шу фикр Соҳибамни янада кўпроқ безовта қилади. Болаларнинг кўпчилиги касалманд, ўсувдан қолган. Садафтош бўлса энг озгин боладан ҳам озгинроқ, атхаф қаторлари орасидан бўйи аранг кўринади, кесакларга қоқиниб, эгатдан дурустроқ юролмайди ҳам. Ўз фарзандларига бепарво ота-оналарни ўйлаб қаттиқ жаҳли чиқади Соҳибамнинг. Кун бўйи уларнинг ортидан юради, ёрдам беради, бошини силайди. Бошқа иложи йўқ, Садафтошни эса, бир лаҳза бўлсин, назаридан четда қолдирмайди. Ана, у эгатдан эгилибгина атхаф теряпти. Бўйни ва бели толиққани учунми, этакнинг икки четидан қўллари билан ушлаб кўтаришга ва шундай қилиб бўйинини қийиб бораётган ипнинг исканжасидан қутулишга беҳуда уринади. Мингтош этакдаги атхафни кўзи билан чамалаб кўрди: ўн килодан кўп. Боланинг ночор ҳолати нима учундир ғазабини кўзгайди. «Эй мурғак жон, бир қарич ёшингдан бунча ташвиш? Келмасанг бўлмасмиди! Қатъий рад этсанг, мактабинг ҳам керак эмас, деб туриб олсанг сени, сени...»— У ёғини айтишга тили бормади. Энди унинг бутун ғазоби яна катталарга қаратилди. Қандай ота-онаки шундай ношуд, касалманд гўдакни чўлга юборишга рози бўлади! Миршаддан кўрқишармикин? Томорқани тортиб олиб бадарға қилишларидан чўчийдиларми ё? Ер юзининг бирор бурчидан жой топилар ахир яшашга? (Кейинги хитоблар менинг ақлим маҳсули). Соҳибамнинг қийнаётганини кўриб, бефарқ қолмасдим. Ўзим маъкул кўрган ғояларни унинг онгига сингдиришга уринаман. Аммо бу жуда қийин, биз бутунлай бошқа-бошқа оламларнинг одамимиз. Мингтош учун жуда кўп ҳолатлар ва сўзлар нотаниш, менинг таъсиримни қачонлардир тушда кўрган бўлсам керак, деган хаёлга боради...

Оналик меҳри, ғазаб ва хўрлик, дилида дод солиб ўзини ҳар ёнга ураётган хитоблар Соҳибамнинг юзу кўзларига шундай бир мубҳам ифодалар тўрини ташлаганки, мурғак қизалоқ буни сезди-ю, тушуниб етмади, муаллимнинг авзойи бузилган, демак... кам теряпман, балки чала, бир чаноқ... Кўзларини олиб қочди, ерга эгилди, чаноққа қўл чўзди. Шу ҳолатда қизча боласини қорин халтасига солиб сакрашга чоғланаётган жажжигина кенгурга ўхшарди. Кенгурунинг ўзи! Фақат қорин халтаси номутаносиб, ҳаддан ташқари катта, ерга тегиб турибди. Унинг ортидаги ношудгина жон ингичка бўйинини чўзиб, чаноққа интилади. Е парвардигор, болаларни нега бунча азоблаймиз?! Гуноҳи нима бу ношуд бандаларнинг?! Мингтош юрагини кемираётган ана шундай изтиробли хаёллар билан банд. Қизча яна бош кўтариб, ҳамон ўша аллозда турган муаллимасига қаради. Мингтош қизалоқнинг бўйнидан этакни ечиб олиб, қилтирикдек вужудни жимгина бағрига босди. Ширага беланиб, чанг-ғубор кўнган сочларини силади. Ерга чўккалаб, гўдакни ўзига тортиди. Бошини тиззалари устига олиб, худди ёш болани ухлатаётгандек елкасини силай бошлади: «Болагинам, болагинам!» деган унсиз нидо майин, сўзсиз, фақат кимнидир, ким бўлса ҳам жуда қадрдон, юракнинг туб-тубига номи яширинган киши оҳангдан иборат бўлган аллага уланиб кетди. Алла оҳангида бахтли онларини кўмсаш, ни чорлаш ва ўша чорланаётган инсонга илтижо бор эди:

...Маҳкам, Алпомишим, навқирон чинорим, ҳовлидаги тунлари шовуллаб дардларини айтиб чиққан терагим! Агар руҳинг ер узра кезиб юрган бўлса унга айт, бизни тарк этмасин, аҳволимизни кўрсин, сенга етказсин. Маҳкам, энди бизнинг боламиз бор. Бепоён чўл ўртасида, кесаклар устида ўтирибмиз. Садафтошни ўзимизга олмоқчиман. У гўё бизнинг боламиз бўлган адашиб бошқа оилага тушиб қолгандай. Бошини тиззаларим устига қўйиб ухляпти. Нафас олишини қара. Сочларини силаб ўтирибман.

Эсингдами, баҳор палласи, жийдалар гуллаган, олам муаттар бўйларга тўлган ўша тун. Ёнма-ён борардик. Сўзсиз, жимгина. Юрагимда алланечук, сенга ёқмаётган бўлсам керак, деб ўйлайман. Қовоғинг солинган. Аввал кўп марта учрашган, суҳбатлашган бўлсак ҳам илк марта ёлғиз қолишимиз. Учрашув соатини белгилаб чиққандик, жиддий гаплар бўлиши кераклигини ўйладим. Кўк шоҳи кўйлагимни кийиб олганман, хаёлимда шу кўйлагим сенга ёқадиғандай. Сен ҳамон жимсан. Балки пушаймон бўлаётгандирсан, ҳа, мен у қадар гўзал эмасман. Буни тан оляпман-у, бошқа қизлардан қайсидир жиҳатдан ортиқлигимни биламан. Дилимда андаккина ғурур ҳам бор. Сабаби: аёл зоти ўзида гў-

заллиқнинг шундай яширин бир оҳанрабои борлигини ва бу сержило тошнинг қайсидир бир қирраси бошқаларда топилмаслигини ҳис қилиб туради. Ана шу ҳиссиёт кучайганида ва ўша яширин жилоларни эркак зоти пайқаманганда, қиз бола ўзини таҳқирланган сезади, ғурур отига миниб олади.

Қадамларимиз сусайди. Тўхтаб, ойга қарадим. Бошини адл кўтариб, сочларини орқага ташлаб орзулар оғушида ойга тикилиб турган қиз ҳамиша чиройли кўринса керак. Менга тикилиб турардинг. Мен эса буни гўё пайқамангандай, қошларимни кериб, кўзларимни катта очганча ойдан нигоҳ узмасдим. Балки оқроқ, чиройлироқ кўринишни истагандирман. Шу қадар ёруғ ва сокин эдики... Бир пайт шеър ўқиётганимни сездим:

Келишган қаддингни, зебо бўйингни

Бир дам кучоғимга босганда, жоним...

Ўқиган шеърингдан ана шу мисраларгина ёдимда қолган. Сўнгра нафасингни юзларимда сездим. «Сен дунёда энг гўзал аёлсан», деб шивирладинг. «Аёл» сўзини эшитиб юрагим сапчиб кетди. Бу ҳақорат. Менга аёл бўлишдек катта бахтни ўзинг ато этарсан, деб ўйлагандим. Сен бўлсанг... биз бир умрга юз кўрмас бўлиб кетардик, лекин лаҳза ўтмай кўнглим бошқа қувончга тўлди. Ахир, сен «Аёл» деб... мени улуғлаётган эдинг-да. Сенинг назарингда аёл ҳали гўдак ҳою ҳаваси билан юрган қиз бола эмас, балки жамики инсониятнинг онаси, ерда ҳаётнинг пойдор бўлиши учун ҳаммадан кўпроқ қайғурадиган, ҳаммадан кўпроқ жабр кўрадиган ва бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмайдиган, ҳатто жонини ҳам қурбон қиладиган қудрат эгаси эди, буни тушундим...»

Мингтош куйлаётган кўшиқнинг мазмуни ана шундай эди. Гўдак эса унинг тиззаси устида ором олиб, ҳеч нарсадан бежавотир, тинчгина ухларди. Бутун борлиқ мудрар, мени ҳам уйқу элитган, назаримда, осмондаги оппоқ булутлар ҳам уфққа ва далага кўшилиб тебранаётгандай эди.

#### IV

Орадан бир ой ўтиб, Соҳибамнинг ўрнига бошқа муаллим келди. Биз қишлоққа қайтдик. Далаларнинг, қирларнинг кузги манзарасига ошиқиб қараймиз. Япроқлари сийраклашиб қолган дарахтлар орасидан оқариб кўринган уй бизники. Уй, тўрт девор, эшик ва дераза... Кўчадан, ишдан, одамлардан орттириб келган ғам юкининг оғир жуббасини ҳам, қувончининг капалак қанотидек енгил либосини ҳам шу ерда, одамлар кўзидан панада ечасан.

Калит шешлинч буралди. Соҳибам зина устидан жомадонини олиб, ичкари кирди. Хонадан офтобда қолган қоғоз ҳиди келарди. Деразани очиб юборди. Ташқарида ўтўланлар қовжираб ётар, ҳатто ковул буталари ҳам сўлиган эди. Чинор япроқлари заъфаранганда.

«Соғиндингми? — сўради шивирлаб. — Ҳозир-ҳозир», деди теграсига қараб ниманидир изларкан. Сўнгра даҳлизга ўтиб, челақни олди. Чинор тагига сув қуя бошлади. Қақраган ер вишиллаб пуфакчалар чиқариб, бир зумда сувни ичиб бўлди. Бу машғулот, токи ёмғирли кунлар бошлангунга қадар давом этди. Соҳибам сув куйиб бўлиб, унинг танасига суянганча ўйга чўмарди. Сунбуланинг сўнги ҳафтасида илк ёмғир ёғди. Йирик-йирик томчилар деразага жаранглаб урилар, қуриган хас-хашаклардан, тупроқдан чанқаган ер ҳиди кўтариларди. Мингтош қувониб кетди. Қўлларини тарновдан шовуллаб қуйилаётган хас-хашак аралаш лойқа сувга тутди. Билақлари ва юзига муздек томчилар сачради. Бироқ шодлик ўрнини бирдан ғам эгаллади. Дала шийпони, хона кунжагида оёқларини кўрпачага ўраганча, иягини тиззасига куйиб қалтираб ўтирган қизча кўзига кўринди. Қизнинг бутун вужуди билан титраётганини, бурнидан сув оқиб узлуксиз аксираётганини аниқ кўриб тургандай. «Э Худо, ишқилиб касал бўлиб қолмаси-да», деган илтижо тилидан тушмай қолди. Етганда ҳам, турганда ҳам шуни тақрорлайверди. Ҳатто бир куни тўртинчи синфда дарс «ўтаётганида деразага, шовуллаб ёғаётган ёмғирга, ариқда лойқаланиб оқаётган сувга, толларнинг ёмғир сувидан оғирлашиб, солланиб туришига қараб-қараб «э Худо...» деб юбордию дарҳол тилини тишлаб қолди. Балки англашмагандир, деган илинж билан синфга кўз югуртирди. Шу пайт «Маълим, Худо борми?» деган овоз келди орқароқдан. Бир бола ўрнидан турди.

— Йўқ, — жавоб қилди муаллим қуруққина қилиб.

— Ҳи-имм...

Бола жойига ўтириб, дафтарига энгашди.

— Худо йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас!

Бўлиб-бўлиб, дона-дона қилиб, худди ёзма иш ёзаётгандай бир оҳангда гапирди Мингтош.

Ёмғир ҳафтанинг охиригача тинмади. Фақат яқшанбага бориб, осмон мусаффо тортди. Куз қуёшининг эринчак нурлари ерни, том бўғотларини, одамларни аста-секин илтирарди. Ҳавода зарра ғубор йўқ. Нимаси биландир ёнғоқ дарахти япроқларининг ачқимтир ҳидини эслатувчи баргиҳазон бўйи оламни тутган.

Соҳибам кифтида қуёш нурларининг ёқимли тафтини ҳис этганча, ўйланиб борарди.

Унинг ўйлари ҳам куз офтобидек эринчоқ. Ёлғиз одам учун, мендек етим қиз учун нақадар зарур бундай ҳарорат, деган хаёл мия маъволаридан сирғалиб ўтиб хиралашаркан, дўкон олдида «чолларнинг муножоти» ҳақида гапирган қария ёдига тушди: «Хўш, ҳар икки гапнинг бирида жумлаи жаҳон халқига тинчлик, соғлик тилаб яхши ниятлар қиладиган ўша қария бир мўъжиза юз берсаю эътиқодидан ажралса, айтайлик, пулга ружуъ қўйса, бетовфиқ кимсадан фарқи қолмасди. Инсоннинг яхши-ёмонлиги кўнглидаги ниятнинг қандайлигига боғлиқ эмасми».

Соҳибамнинг осойишта юзи бирдан ўзгарди. Кўзлари қисилиб икки қоши ўртасидаги чизиқлар чуқурлашди. Нигоҳидаги ҳайрат ўрнини, ўйчанлик ўрнини нафрат ёлқини эгаллади. Мактаб бошқонининг болаларни далага олиб чиқиш ҳақида гапирётган ҳолати ёдига тушди. Одатда лаб-лунжи осилиб ўйчан юрадиган бу киши юқори синфлар учун мактаб ёпилганини эълон қиларкан, хурсандлигини яширолмасди. Афтидан, мавсум мобайнида қанча пул ишлаб олишини ўйлар, шунинг учун ҳам болаларга, муаллимларга панд-насиҳат қилаётганида, гапидан адашиб-адашиб кетарди. «Тўхта,— деди ўзини «зи Мингтош,— дилидаги муҳаббат қалбнинг тозаллигини билдирса, у ҳам яхши киши экан-да ахир, пулни беқиёс меҳр билан севади-ку. Ҳамма муаллимлар шундай фикрда. Ёки сариқ мўйловли товачи-чи, унинг муносабатини, ерга тўкилган бир сиким ҳосилни деб хивич билан аямай савалашини, ўша нарсага бўлган меҳр дейиш мумкинми?»

Ўйга кеч қайтдик. Хонага кириши билан Соҳибам дераза олдига борди. Боғ куз қуёшининг кечки нурларига чўмган, сўнгги япроқларини тўкаётган дарахт афтодаҳол кўринади. На қилт этган шамол, на тик этган товуш бор. Сукунат. Қуёш нурларини четан девор панжаралари, терак шохлари, боғ саҳнини бир текис қоплаб ётган хас-хашак уюмлари устидан йиғиштириб олиб, мағрибга, ибтидоси томонга шиддат ила пастламоқда.

Э воҳ, ёз офтоби кетар узоқлаб,  
Қоронғулик кучоғига ўрмондан ошиб.

Бир пайтлар ўқиганим шу шеърни эсладим, сўнгра яна бир мисра ёдимга тушди:

Мен шўрлик қиз қоладирман бу ерда йиғлаб...

Мен мисраларни эслаб, ўзга дунё руҳини қизга сингдирардим. Унинг хаёлида эса миллион-миллион эгатларда сочилган болалар... Халқнинг оғир юкини нозик, ҳали суюги қотмаган елкаларида кўтариб бораётган болаларни ўзининг титроқ шўълалари билан сўнгги бор чўлғаб, уларни зулумот салтанатига топшириб уфққа ёнбошлаган қуёш, далалар, қирлар, атхафзорлар...

Боғ лаҳза сайин сояларнинг сассиз шарпасига тўлиб бормоқда. Деворлар тагидан, буталар остида хас-хашаклар орасидан чиқиб келаётган кўкимтир соялар бир-бирига қўшилар, кенгаяр, узаяр ва атрофни мусаххар этарди. Бу манзарага жимгина тикилиб тураркан, Соҳибамнинг дилига оғир бир юк зилдек чўкди. Узоқда, поёнсиз чўл бағрида ҳам зулумот салтанати ҳукм юргизар, тирбанд қилиб атхаф тикилган қолларни бошларида, орқаларида, елкаларида кўтариб бораётган болаларнинг қорамтир шарпалари ҳали ёришиб турган уфқ сатҳида узун занжирнинг ҳалқаларидек кўринарди. Ҳаммадан орқада каттакон оқ қоп тагида пилдираб бораётган данакдеккина қизалоқ нигоҳида ваҳима. Шийпонгача анча йўл. Қизалоқ орқадан, қоронғулик бостириб келаётган даладан чўчийди. Ваҳима ҳаракатга келтиради уни, югуртиради.

Э воҳ, ёз офтоби кетар узоқлаб...

Энди шу бир мисра шеър қизнинг, яъни Соҳибамнинг хаёлидан кетмай айланарди.

У эрталаб аллақандай ваҳима ичра юраги ҳапқириб уйғонди. Аъзойи бадани титрарди. Йиғи! Қишлоқнинг қуйи томонидан йиғи овози келмоқда. Ким бўлди экан, қайси оиланинг бошига қора кун тушди? Ўрнидан отилиб туриб дераза олдига борди. Қишлоқ устида булутларнинг оғир карвони оҳиста сузар, ҳаво салқин тортган, намликка тўйинган шамол ҳам ўша пастлаб учаётган булутлардек рутубатли, совуқ.

Мингтош диққат билан қулоқ тутиб, йиғи келаётган ҳовлини чамалаб кўрди. Аёлларнинг дод-фарёди ҳали ўрнидан турмасданоқ юрагини кўрувуга солган тахминнинг тўғрилигини айтиб турар, нолалар Садафтошнинг уйи томонидан кўкка ўрларди. Аслида ярим тунда қишлоққа кириб келган машинани кузатиб тураркан, иккита ёруғ нур дастаси соҳилни, кўприкни паст-баланд уйлари ёритиб ўннга бурилгани, кўп юрмай катта тут олдидаги дарвозанинг тахталари устида титраганча туриб қолганини кўрган, юраги ёмон бир нарсанинг шарпасини сезгандай сиқилганди. Ҳозир йиғи овозидан бутун вужуди ларзага келиб қалтираркан, тунда нималарнидир андиша қилиб ўқувчисиникига бормаганидан қаттиқ изтиробга тушди. Ҳовли олдида одамлар тўплана бошладилар. Соҳибам нима қиларини билмас, гоҳ катга омонатгина ўтириб ўйга толар, гоҳ ўрнидан туриб рўмолини қўлига оларди. Маслаҳат беришга ожизман. Бундай маросимларга кўп аралашмаганман. Фикрларим пароканда. Гужғон ўйнаётган, бесару сомон чопаётган тасвирларга қарайман. Ниҳоят, Садафтошнинг қиёфаси тиниқлашди. Маҳзунгина жилмайиб турибди. Бошида каттакон қоп, гандираклай-гандираклай келяпти. Соҳибам



унга томон отилди, рўмолини унутди, кўйлакчан, сочлари ёйилган кўйи ташқарига чиқди. Соё бўйлаб шамолдек елиб борарди...

## V

Қизча хона ўртасида ётарди. Остига қалин кўрпачалар тўшалган. Эғнида наъматак гули рангидаги нафис кўйлак. Енги бош бармоғининг бўғинигача тушиб тургани учунми, совқотаётгандай туюлади. Бармоқчалари худди бир нима олишга чоғланаётгандек алпозда қотиб қолган. Инсоннинг тириклигига хос бундай ҳолатни юз ифодасида яна ҳам яққол кўриш мумкин. Бамисоли ухляпти, дейсиз. Фақат бурни ва кулоқ солинчиғи бироз оқарган. Киприклари бир-бирига шу қадар омонатгина қовушганки, ҳадемай пирпираб ҳаракатга келадигандай. Юзи сокин, на ташвиш, на изтироб бор. Фақат... Мингтошнинг нигоҳи марҳумнинг лабларида михланиб қолди. Лабларининг бурчакдор, нафис ва қонсиз чизиқларида, бурун остидаги ҳафиф тук билан қопланган «хамлик»да истеҳзоли кулгу зоҳирлигини кўрди. Бу ҳолат тобора кучайиб бораётгандай, қизгина ҳадемай жарангдор овоз билан кулиб юборишдан ўзини базўр тийиб тургандай эди.

Қизнинг отаси тушга яқин етиб келди. Аёллар четланишди, ота хона ўртасида фариштадек ётган гўдакни кўрди. Бир муддат сассиз қотди. Аёллар йиғидан тиниб қолишди. Хонага теран сукунат чўкди.

— Садафто-о-ош!..

Синиқ, шивирлашга яқин овоз билан чорлади ота. Товушида шу қадар эҳтиёткорлик ва шунчалар ҳарорат бор эдики, гўё қиз ўлмаган, тирик, ухламоқдаю ота уни уйғотиш мақсадида эмас, балки гўдак ухляптими-йўқми, шуни аниқлаш, агар уйқуда бўлса, унинг ширин, беғубор болалик тушларини бузмаслик учунгина, уйғониб кетишини истамайгина чорлаётир:

— Садаф-то-ош!

Бу ҳолат бир неча сония давом этди. Она тўпланиб турган аёллар орасини ёриб ўтиб, дод солганча ўртага чиқди. Еқаси очиқ, сочлари ёйилиб тўзғиб кетган. Марҳуманинг тепасига келиб қадди эгилганча турар, шу ҳолатда болу пари тўзиган, яраланган она бургутга ўхшарди. Гўё боласини ҳимоя қилмоқда. Унинг оёқлари остида тинчгина ётган хилқат эса буларнинг ҳеч бирини кўрмас, эшитмас ва қизикмасди.

Ота фарёд ураётган аёлга каловланиб қаради. Афтидан, у ҳам ҳеч нарсани эшитмас ва англамасди. Қизалоқнинг ёнига чўккалади. Сочларини силамоқчи бўлибми, кўларини чўзди. Кейин ундаги беқиёс маъсумликни бузиб қўйишдан қўрққандек эҳтиёткорлик ила қизни кучди. Ота бошини кўтарганида, қизнинг юзлари ҳўл эди. Бу ёшлар отаники эмас, марҳуманинг киприклари орасидан сизиб чиққандай гуюларди. Ота бутун иродасин: тўплаб, қаддини ростлашга уринди, лекин эплломади. Мункиб кетди. Қизнинг ёнига бор бўйича чўзилди. Оғир, босиқ овоз билан ўкириб йиғлаб юборди.

Шу кун тушдан кейин марҳумани дафн этдилар. Қабристонга қараб югура-югура олиб кетишди. Уз уйда лоақал яна бир кунгина, ҳеч бўлмаганда оқшомгача қолишга ҳам ҳуқуқи йўқ эди энди гўдакнинг. Мингтош уйга эзилган қиёфада қайтди, мен ҳам чарчагандим. Бир муддат катга ётдик. Кейин Соҳибам ўрнидан туриб, дераза олдига борди. Теракнинг таги худди заррин гилам тўшаб қўйилгандек. Шохлар шипшийдам, дарахт салобатини йўқотиб, кичрайиб қолган. Бу манзарага кўзларида жиққа ёш билан қараб тураркан, дарахтга раҳми келди. Бу ташландиқ боғда у ҳам мендек ёлғиз, деб ўйлади.

## VI

Қиш охирида қолди. Баҳор яқинлашгани сари муаллимларнинг руҳида енгиллик, кўтаринкилик сездим. Соҳибам ҳам майсалар билан қопланаётган тепаликларга қараб ширин ўйга толар, танаффусда, дарси йўқ соатларда, умуман, фурсат бўлди дегунча далага чиқиб, кўёшга ўзини тобларди. Болаларнинг эса қувончи бир олам. Сира синфга киргилари келмайди. Ҳовлини бошларига кўтариб кичқиришади. Тўп-тўп бўлиб ипдан сакрашади, югуришади, кураш тушишади. Фақат улар орасида Садафтош йўқ. Тўрт ойдирик, партаси бўш. Урни ҳувиллаб турибди. Қизгина бор эди, энди йўқ. Йўқдан эса ҳеч қачон бор бўлмайди. Ҳеч қачон!..

— Дарсингиз йўқми, Мингтош Машойиховна?

Соҳибам ортига ўгирилиб қараб, бошқонни кўрди.

— Кечирасиз, хаёл олиб қочибди.

Бошқон аччиқ кудди. Мингтош қисиниб-қимтиниб ўтаркан, токи эшикдан ичкарига киргунча унинг таъкибли нигоҳини сезиб турди. Муаллимлар хонасига кириб, йўқлама дафтари ўз жойида эмас, миз устида турганини кўрди. Уни бошқон варақлаб қараган шекилли. Қайтиб чиқаркан, синфхона олдида бошқоннинг кутиб турганини кўриб юраги шифиллаб кетди. У нима сабабдандир, дарсга ўзгаларнинг киришини ёқтирмасди. Чунки, «дарс»га кирган кўпчилик муаллимларга унинг «эркин суҳбат усули» ёқмас, дарслик қолиб қаердаги нарсаларни гапириб кетдингиз, болаларни чалғитдингиз, қондага риоя

қилмадингиз, деб роса танқид қилишарди. Шунинг учун ҳам Мингтош бошқоннинг ниятини фаҳмладио ҳатто қайси мавзунини ўтишини ҳам унутди. Йўл-йўлакай, қайдларига қараб олмоқчи бўлди, аммо шунчалик гангидики, зарур варақни излаб тополмади. Бошқон эшик олдида савлат тўкиб, уни кутиб турарди. «Мен буларга нима учун ёқмай қолдим экан». Шундай хаёл билан Соҳибам эшик тутқичдан ушлади.

— Марҳамат!

Бошқоннинг истеҳзоли овозида шунчалик таҳқир бор эдики, гуноҳини бўйнига олиб турган бўлса-да, Мингтошнинг жаҳли чиқиб кетди. Эшикни зарб билан очиб, ичкарига кирди. Болалар гуриллаб ўринларидан туришди. Салом беришди ва бир зумда тинчиб қолишди. Муаллима синфга назар ташлади. Жимгина тикилиб турган нигоҳларда қизиқсиниш, таҳлика шарпаларини кўрди. Эшик ёнидаги биринчи парта бўш. Лекин нима учундир устига бир дона дафтар қўйиб қўйилган. Муаллима синфга яна бир бор савол назари билан қараб чиқди. Ҳамма жой-жойида ўтирарди. Бошқон орқадаги парталардан бирига дафтарини қўйди, каттароқ парта йўқмикан дегандай ёнига қаради, сўнгра бир амаллаб торгина ўтиргичга жойлашди, қорнини кўтариб парта устига чиқариб қўйгандан кейин ўзини эркинроқ сезгандай синфга, муаллимага, ёзувтахтага қараб олди. Дарс бошланди...

Поёнсиз дала, майсазор, ёввойи гуллар барқ уриб очилган. Ўтлоқда қопларини ерга ёйиб ташлаб, бир қиз ўтирибди. У — Садафтош. Мана, дафтарида шундай расм бор. Қизнинг орзуси. Лекин гул теришга имкон бўлмади. Тўғри, ҳаёт фақат гулзорларни сайр қилишдан иборат эмас, меҳнат ҳам қилиш керак, ўқиш, фикрлаш, баъзан қийналиш, азоб ҳам чекиш керак.

Мингтош бошқа гапиролмади. Дафтарни кўксига босганча, миз ёнига борди. Ўтирди, очди. Бу — қизнинг хотира дафтари эди. Садафтош уни ўзича беаган. Хотиралар, шеърлар, улар орасида япроқлари узун-узун сариқ гуллар. Ҳошияда эса қизгалдоқлар... ҳаммасининг бўйи эгик. Гулнинг ичидаги қора доғлар ва гулчанглари кўриниб турар, беўхшов эди. Меҳр билан ширин орзуларга берилиб чизгани кўриниб турибди. Гулларнинг ҳаммаси саккиз япроқли, ҳар қайсисига биттадан ҳарф ёзилган, улардан «Садафтош» сўзини ўқиш мумкин. Болаликнинг эрмакларини... Мингтош дафтарни тезгина ёпиб, дарсни давом эттирмоқчи бўлди, лекин варақлардан бирини очганда кўзи тушган шеър дабудурустдан ёдига келди миясида жаранглаб садо бера бошлади. Шеърни ёдлашга уринмаган, шунчаки кўз югуртирганди. Таажуб, мисралардаги ҳар бир сўз ўзича оҳанг кашф этиб жарангламоқда. Хотирасида ана шу жаранг ва сўзлар тартибидан ўзга ҳеч нарса йўқ:

Бир кун қора ер узра  
Қор ёғар оппоқ-оппоқ...

Бирдан охирги парта қаттиқ қарсиллаб кетди. Болалар пала-партиш ўринларидан турдилар. Бошқон дарснинг муваффақиятсиз чиққанини исботлаш учун худди ана шу шеър ўқиладиган лаҳзада синфдан чиқиб кетишни лозим топди.

## VII

Соҳибам уйга кўнгли чўккан ҳолда қайтди. Кейинги пайтларда тез-тез ана шундай ҳолатга тушар, руҳан қийналар, дардини тўкиб солишга, баъзан шунчаки гаплашиб ўтиришга бирор суҳбатдош кўмсарди. Дераза ёнида узоқ-узоқ ўтириб қоладиган бўлди. Бу ерда туриб хаёл суриш, ўтган хушнуд дамларни эслаш ҳаётининг ажралмас бир бўлагига айланиб қолди. Ҳаётида бахтиёр ва ёруғ кунлар ҳам анчагина бор эди. Айниқса, орзуларга тўла ўша бир ой ва унинг тунини... Кейин Маҳкам ўлди. Унинг умри беҳуда бир иш деб сарф бўлди. Кўчада кирсовун учун бўлган муштлашувга қўшилди. Калтакланаётган бир кишини қутқариб қоламан, деб пичоқ еди. Бор гап шу. Баъзилар, совун учун жанжал атайлаб уюштирилган, аслида йигит қандайдир тўданинг бошлиғи бўлиб, буйруқбозларга қарши иш олиб борган дейишарди, нима бўлганда ҳам, энди Маҳкам дунёда йўқ. Мингтош ўшандан бери ўтган олти йил ичида кўп одамлар билан учрашди, кимларгадир озроқ кўнгили қўйгандай бўлди, аммо қизнинг дилини, ундаги пинҳоний гўзалликни уларнинг ҳеч бири пайқамасди. Ҳеч ким унга Маҳкамдек юракдан чиқариб: «Сен дунёда энг гўзал аёлсан», демади. Йигитлар у билан танишишар, олди-қочди гаплардан айтиб кулишиб ўтиришар, қизнинг ўзини яқин олаётганини сезишлари ҳаммоно билагидан ушлаш, сочини силлаш, ўпиб олиш пайида бўлишарди. Бундай паллада уларнинг кўзидаги телбанамо ҳиссиёт қизни чўчитарди.

Бу қишлоқда яшай бошлаганидан буён ҳам бир неча бор ана шундай мулоқотлар бўлди. Дастлаб Кенжавой ўзини кўрсатди. Аввал уй олдидан дам-бадам ўтадиган, бош ирғаб саломлашадиган йигит кейинроқ боғ тўсиғидан сакраб ўтиб, бир-икки бор гап отиб кўрди ва ниҳоят бир кун Мингтош деразадан қартб ўтирганда, дадил қадамлар билан дераза тагига келди. Яна олди-қочди гаплар айтилди, кулги бўлди. Сўнгра «жа чиройли қиз экансиз», қабилидаги хушомадга ўтди йигит ва қизнинг билагидан тутди. Мингтош индамади, қўлини тортмади ҳам. Фақат кўзига жиддий туриб тикилди. Балки

йигитнинг қалбида нималар борлигини билмоқчи бўлгандир? Кенжавой буни ўзича тушунди, дарҳол ҳовуридан тушди.

Тўғриси, мен буларнинг ҳеч бирини кўрганим йўқ, шу қишлоқда деб айтаётган бўлсам-да, аниқ вақтини ва жойини билмайман. Соҳибам дераза ёнида ўтириб хаёл сураркан, ана шу тасвирлар гоҳ-гоҳида кўзга ташланиб қоларди. Буларни бурчакка биқиниб олиб, жимгина кузатаман. Хотира ойнасида тасвирлар узлуксиз алмашар, хиралашар, тиниқ тортар ва бирдан йўқолиб, ўрнида ҳозиргина бўлиб ўтган воқеага алоқаси йўқ ҳодисалар зоҳир бўларди. Ойна ортида шуълаланаётган заррачалар диққатимни тортди. Бу заррачалар ниҳоятда кўп, бамисоли туманликдай тўзғиб турар, уларни ёритган нур ойнада акс этарди. Болалик... Қиш пайтлари туманли оқшомлар қишлоқнинг қайси бир чеккасида базм бўлиб машъала ёқилса, унинг нури қишлоқни, яқини йироқни ёритиб турарди. Биз, йигитлар кураш тушадиган, ўйинчилар ўйнаб-қўшиқ айтадиган базм томон ошиқар, узоқ-узоқлардан пана-пастқам кўчаларни ҳам нурлантириб турган туман тўйхонага яқинлашганимиз сари у ёруғроқ нур сочар, биз ошиқиб қадам ташлардик...

Ойнада мен аввал сира кўрмаган бир йигитнинг тасвири зоҳир бўлди. У Соҳибам учун бегона эмасга ўхшайди. Нурлар ўйини Хайрихоҳлик манзили томон оқяпти «Эргаш» деган оҳанг эшитилди. Шошилганча Муҳаббат манзилига қарадим. Сурмаранг қоронғулик, ҳеч нарса кўринмайди, Рашк уйининг чироқлари ҳам ёнмаган. Шафқат ва Қувонч марказларида зарралар билинар-билимас яллиғланган. Йигит соддагина, камтар ва меҳнаткаш кўринади. Соҳибамнинг олдига келди-да, икки оғиз ҳол-аҳвол сўрашгач, индамай тураверди. Ноқулай ҳолатдаман. Дилда ғашлик ва қандайдир жумал ҳиссиётлар. Рашк қиялпманми?

Соҳибам:

— Эргаш, айтинг-чи, — деди бироз ўйланқираб, — мамлакатимизнинг номи нега Қизилжар!

— Оқжар ёки Кўкжар бўлганида ҳам бари бир шундай савол туғиларди, — жавоб берди йигит.

— Теграмызда қандай давлатлар бор?

— Билмаймиз, буни айтишмайди.

— Сиз ўзингиз шу ерда туғилганмисиз?

— Ҳа, албатта. Ўзингиз-чи?

Бу сўроқ жавобсиз қолди. Соҳибам ўйга толди. Уларнинг гаплари ҳазилга ўхшаса-да, сўроқлар замирида оғир бир нарса, мубҳамликни англашга интилиш бордек. Кўзгуларга кўз ташладим. Ложувард ранглар ичида оқимтир, эрталабки тарқала бошлаган тумандек ғубор сузиб юрарди. Шу пайт мени ҳайратга солган бир ҳодиса юз берди. Қорлари эрий бошлаган қирда ердан энди ниш ураётган яшиллик, йўл, ташландиқ уй кўринди! Сўнгра Тубсиз жар пайдо бўлди. Кейин... ё тавба! Бу не синоат?! Жар бўйида бир туп зардоли турибди! Ўша, эртапишар ўрик. Жар қирғоғидан кўчиб пастга қулаган ва ёруғ дунё фарзанди Мужримни, яъни каминани зулумот салтанатига, Адам водийсига олиб тушган ўша бадбахт дарахт!

Турган жойимда илондек тўлғанар, қишлоқни, ўша ташландиқ ҳовли тасвирини кучайтиришга, қайтаришга уринардим. Ногоҳ рўпарамда таниш ҳовли пайдо бўлди. Шошилганча дарвозани итардим, ичкари кирдим, хурсандчилигимдан ҳатто яққол кўришиб турган бегона белгиларни пайқаманман. Остона ҳатлаб ҳовлига қадам қўйишим билан юрагим увушиб кетди. Умрим бино бўлиб бу қадар фавқулодда манзарани кўрмаганман.

Ута хунук вужудда кишини ўзига тортиб турувчи қандайдир куч бўлса керак. Усмирлик пайтимда бир таъвияга дуч келгандим. Юзи шу қадар қўрқинчли эдики, ногоҳ кўзим тушиши билан қичқириб юбордим, у бўлса пинагини ҳам бузмади. Ортимга бурилдим ура қочдим. Кейин уни яна кўргим келиб қолди. Пасқам кўчага қайта-қайта бордим, аммо бирор марта ҳам дуч келмадим.

Рўпарамдаги бинога қараб турарканман, ўша воқеани эсладим. Бу уи оилан таъвия ўртасида қандайдир ўхшашлик бор. Дарвоза занжиридан тутганча, остона ёғочи устида тараддуланиб турибман.

— Ким бор?!

Садо чиқмади. Хаёлимда овозим уйнинг ланг очиқ эшигидан кирди-ю, қайтиб чиқолмай қамалиб қолди. Баъзан инсон ўз миясида ҳосил бўлган фикрдан ўзи қўрқади. Ажналар ҳақидаги хаёлдан этим жимирлаб кетди. Шундай бўлса-да, «Ла ҳавла»ни ўқиб эшикдан кирдим. Узундан узоқ даҳлиз, нимқоронғи йўлаклар. Оёқ остида пиллапоярлар ёғирлайди. Зина уч айлангандан сўнг икки табақали эшикка бориб тақаларкан. Ундан кўтарилиб, тутқичга қўл тегишим билан эшик очилиб, қаршимда деворларини қурум босган хона намоён бўлди. Ичкарида икки эшик. Деворларда англаб бўлмайдиган шакллар. Чап тарафдаги эшикни итариб кўрдим, берк. Унгидаги очиқ экан. Бу ерда ҳам юқорига олиб чиқадиган пиллапоярлар. Фақат зина остидаги қора чуқурликни кўриб юрагим орқамга тортиб кетди. Беихтиёр панжарага ёпишдим. Дастлаб бу қоронғуликни пиллапоярлар остига солинган тўшак, деб ўйлаган эканман. Фақат тепадан, нақ шифтнинг тагидан, кичкинагина тўйнуқ хира ёритиб турганлиги сабабли ер қалин қора жунли

матоҳ тўшаб қўйилгандай кўринарди. Пастга қарамасликка ҳаракат қилиб юқорилайвердим. Тепадаги туйнук гоҳ чапга, гоҳ ўнг томонга ўтарди. Бу ҳол ўн марталар такрорланди ҳамки, зина тугамасди. Кўрқув ва қизиқишим кучайиб борар, тобора шиддат билан юқорига интилардим. Ниҳоят, рўпарамда сариқ рангга бўялган чоғроққина дарча пайдо бўлди. Худди гумбаз деразисидай ёки деворга қиялатиб илинган расмдай, усти ерга эгилди турарди. Хаёлимда, у тўппа-тўғри осмонга очиладигандай. Нима қиларимни билмай бир муддат кутиб турдим. Сўнг бир қўлим билан панжарани маҳкам ушлаб туриб, иккинчиси билан эшикчани итариб кўрдим. Ҳеч қандай мўъжиза юз бермади. Осмон кўкига ҳам юзма-юз бўлмадим, бепоён бўшлиққа чиқиб ҳам кетмадим. Кенг ва мўл-кўлгина хона. Эшикча қандай рангга бўлса, деворлар ҳам шундай бўёқ билан бўялган. Киши диққатини тортадиган ҳеч нарса йўқ. Фақат, хона тубсизлик устида муаллақ турганга ўхшайди. Бу ҳиссиёт мени дарҳол ортга қайтишга ундади. Эшикчани ёпарканман, фақат шу ердагина пойдеворидан тепасигача эгри, оғма шаклда қурилган бинонинг ҳолати, ер устида худди мана шу эшикчадек бир томонга қийшайиб, бугун-эрта йиқиладигандай бир алпозда турганлиги ёдимга тушди ва шу лаҳзада том босиб қоладигандай, зина бўйлаб пастга югурдим.

Ташландиқ уй... Дунёда эгасиз қолган бинодан ҳам ғариброқ ва мунглироқ ҳеч нарса йўқ. Шаҳарнинг шимоли-шарқ мавзесидаги аҳоли ёппасига кўчиб кетган уйлар орасида, торгина кўчаларда ва ҳувиллаб қолган хиёбонларда сайр этиб юришни яхши кўрардим. Улик шаҳар деб ном олган бу жойда мени ҳеч нарса чўчитмасди. Оёқ остида йўлақларни кўндалангига кесиб ўтган ёриқлар, деворларни, супа ва ҳовлиларни бор бўйича қоқ ўртасидан бўлиб ўтган дарзлар, карамполярда ҳосил бўлган қора ўпқонлар мавзегга, яъни Улик шаҳарга кираверишдаги «Хавфли минтақа» деган ёзувнинг наинки ҳақиқатга яқинлигини, балки ҳақиқатнинг ўзи эканлигини ва эрта-индин, балки шу лаҳзада ер чўкиши, бинолар, ҳовлилар, кўчалар кўз очиб юмгунча асфаласофилинга кетишини тасдиқлаб турса-да, ўзимни сира тийиб туроолмас ва ўлимга маҳкум этилган шаҳар томон ошиқлаверардим. Тиканли симлар орасидан ўтишим билан қадимий чинорлар қуюқ соя ташлаб турган кўча бошланар ва мен ана шу кимсасиз шаҳарнинг ҳокимидай бемалол сайр этардим.

Зинадан югургилаганча пастга тушарканман, ҳовли девори оша назар ташлаб, тиканли симлар ва уларни тутиб турган бетон устунчаларни кўриб қолдим! Бу қанақаси бўлди? Дарвозадан кираётганимда ниманингдир сояси деворга тўр ташлаб турганини кўргандим, аммо ортимда тиканли симдан тўсиқ борлигини хаёлимга келтирмабман. Наҳотки, Улик шаҳарга келиб қолган бўлсам?!

Шундай: ташландиқ қарийб тўрт метр келадиغان сим девор, қора юлдузчалардек учи ўткир, сон-саноксиз сим тиканчалар, бетон устунчаларнинг учи юқорига қайрилган илгаклари... Барчаси таниш. Биринчи марта бу ерга келганимда шаҳар ичкарасига кириш учун кўп овора бўлганман. Одатда, бизда, ҳамма иш қўлдан кетгунча, эгасига етгунча қабилида қилинарди, буни қарангки, тиканли девор кунт ва ҳафсала билан, бирор жойда тешик-туйнук қолдирмасдан тикланган. Устунларни, илгакчаларни, симтўрнинг туташган жойларини кўп марта пайпаслаб кўриб, ичкарига йўл қидирганим сабабли уларнинг барча белгилари ёдимда қолган. Ҳа, бу ўша еростига жо бўлиши кутиляётган мавзе. Шу атрофда, шаҳардан унчалик узоқ бўлмаган сайҳонликда ер остидан сув сўраётган қудуқлар бор.

Дарвозадан чиқиб катта кўчага ўтиб олдим. Қуёш уфққа оғган, соялар узайган, йўл ва йўлақлар салқин тортган, хуллас, айна сайр қиладиغان палла. Мен биринчи марта худди шундай пайтда шаҳарнинг ғарбий бурчагидан «Сабзозор» кўчаси орқали кириб келгандим. Ҳаммаёқ мустаҳкам беркитилган ва одамларни кўрқитувчи белгилар қўйилган бўлса ҳам чўчимай ўтишга йўл топгандим. Суви қуриган ариқдан ўтиб, бир пайтлар пиво сотиладиган ва пивоҳўрлар чўнқайганча тамаки тутатиб ўтиришадиган зиналардан кўтарилиб, кенгина майдончага чиқиб олгандим. Энди эса кўча бўйлаб борарканман, ўша майдончани топиш, дарахтларнинг қуюқ соясида бир дам ўтириш, сўнгра шаҳарнинг марказий кўчасига тушиб олиб, ташландиқ уйларни томоша қилиш, сукунатга чўмиб ётган маҳаллаларни кезиш мақсадида қадамимни тезлатдим.

Нима сабабдандир, ташландиқ уй олдидан хотиржам ўтиб кетолмайман. Тўхтаймаман. Оқланган, миҳ қоқилган деворларга қарайман. Уларда бинонинг, хоналарнинг узоқ йиллар инсон билан бирга кечган ҳаёти «ўз ҳарорати»ни қолдирган. Жимгина қулоқ тутаман: шивир-шивирлар, ҳайқириқлар, алам билан тортилган оҳлар, қувонч қийқириқлари садоси.

Ташландиқ ҳовлида ёлғиз дарахт ёки бир туп ток мунғайиб туради. Бундай жойда узоқроқ қолгинг келади. Томи бузиб олинган, фақат деворлари қолган уй олдида тўхтаб, унинг соҳиб қандай ҳаёт кечирганини тасаввур этиш ниҳоятда таъсири.

Кўп юрмай, худди шундай манзарага дуч келдим. Эшик-деразалари кўчириб олинган, томи очилган уй. Ҳовли девори нураган. Атрофда ғиштлар, тупроқ уюмлари, латта-путталар, қоғозлар сочилган. Супа ёнида оёғи ва суянчиғи синиқ бўлганлиги учун қолдириб кетилган курсича, унинг устида аёлларнинг сочга қадаб қўядиган эгри тароғи. Дераза раҳида нимадир қорайиб кўринди. Соч. Яқинроқ бориб қарадим. Қуш уячаси

шаклида. Аёллар ҳамиша шундай қилишади. Ойна олдида туриб соч тарашади-да, тароқ тишлари орасида тўпланиб қолган толаларни йиғиб олиб бармоқларига ўрашади ва одатда, девор қавагига тиқиб қўйишади.

Ўзимча соч эгасининг кимлигини ва қиёфасини тасаввур қилишга уриниб кўрдим. Юзи оқ-сарикдан келган, сочлари кўнғир, навниҳол аёл мана шу дераза олдида туриб соч тараган, хаёлчан бир нигоҳ билан кўчани кузатган, анави тоқчага бўй чўзиб, оёқ панжаларининг учида бамисоли раққосалардек кўтарилиб, палов сузиш учун чинни товоқни олган. Ботиний кўз билан қараб, аёлнинг тунда ётадиган тушагини ҳам кўрдим. Ана ойна олдида унинг ўртиги, нафис гулбарги...

Хиёбон бўйлаб бошим оғган томонга кетяпман. Истаган ҳовлига киришим, хоҳлаган уйда меҳмон бўлишим мумкин. Бутун шаҳар меники! Қўлларимни орқага чалиштирганча феълимни кенг қўйиб одимлайман. Хаёлимни ҳузур-ҳаловатга, маишатга бўлган майл қамраб олмоқда. Дарвоқе, аёллар ва уларнинг ички либослари тўғрисидаги фикрларнинг мияга урилиши шундан, аслида. Бошқа жойда ҳеч қачон бундай ўйларга берилмайман. Фақат мана шундай хилват кўчаларда, хароба уйлар олдида ўтаётганда фикрим бузилади. Қайдам, Ўлик шаҳарга интилишимнинг сабаби шу бўлса ҳам ажаб эмас. Кўпқаватли уй деворига ёпиштирилган варақа эътиборимни тортди. Сатрлар орасида нимаси биландир ажралиб турган сўзга кўзим тушди. Ҳа, бу сўз алоҳида қатордан ёзилган ва охирига учта ундов белгиси қўйилган эди. Мана бундай:

«Чўкамиз!!!»

Унинг остида шу сўзни изоҳловчи мазмун:

«Шаҳарни ер ютади. Шимолий деб номланган боғда ўрнатилган қудуқлар, теграси бетон билан ўраб олинган «ВУ»лар ер ости сувини бамисоли баҳайбат аждарлардек сўриб олмоқда. Биз фалокат ёқасидамиз. Уйлар, ҳовлилар қоқ иккига бўлиниб, жарликлар ҳосил бўлмоқда. Булоқлар қуримоқда. Қора ўпқонлар ноласи тунлар уйқу бермайди. Ҳалокат яқин, аммо бу ердан кетмаймиз...»

Хатнинг давоми йўқ, йиртилган. Лекин кўриниб турибдики, ҳукумат бундай талаб-номага қулоқ солмаган. Қудуқларни йўқотишдан кўра, халқни кўчириш маъқул кўринган.

Айланиб юриб, яна ўша оғаётган уй рўпарасидан чиқиб қолдим. Кетиш керак. Бу кўрқинчли жойда тунагим кетмасди. Ана шундай қарор билан бинодан узоқлашарканман, муюлишга борганда ортимга ўгирилиб қарадим қандайдир шарпанинг лип этиб дарвоза ортига ўзини олганини кўриб қолдим. Ё тавба! Бу қандай жой ўзи? Нима мақсадда уйлар ғайритабиий тарзда қурилган, мени кузатиб юрган шарпалар кимлар? Бу ерда катта сир бор. Ўлик шаҳарда ёлғиз ўзи яшаётган киши оддий одам бўлмаслиги керак.

Чувалашган ўйлар тизгини мени остона олдида судраб келди. Зинадан кўтарилиб иккинчи қаватга чиқдим. Барча хоналарни кўздан кечирдим. Яна юқориладим. Ёттинчи қаватнинг энг охириги хонаси олдида тўхтаб эшикни очдим қазратдан тошдек қотиб қолдим. Хона тўрида ҳурпайган бир кампир ўтирарди. Тилим калимага келмай, остонада қараб туравердим. Кампир букчайиб ўтирар, боши иккитага ўхшаб кўринарди. Бир пайт унинг овози эшитилди:

— Шенаканшанда!

Бу сўзнинг қандай мазмунда айтилганини англамадим ва ҳар эҳтимолга қарши салом бердим.

— Кимшан?

— Мужримман.

— Нейа келдинг?

— Адашиб юрибман, моможон.

— Теш кет!

— Кетолмаяпман. Кун ҳам кеч бўлиб қолди.

— Кет! Шаҳар чўқади. Ер ютади,— деди кампир, соқовланмай.

— Сиз-чи, онахон?

Кампир жавоб бермади, афтидан, мендан кўпроқ нарса билиб олишни истарди:

— Нима учун орқамдан пойлайсан?

— Сизни тасодифан кўриб қолдим.

Кампир гап тамом, дегандай тескари ўгирилиб олди. Шунда унинг елкасида тўнқарилган қозончадек букриси борлигини кўриб ачиниб кетдим. Аёл киши учун бу катта бахтсизлик. Демак, кампир бутун умрини ёлғиз ўтказган, Улик шаҳарда яшириниб яшашининг сабаби балки шундадир? Баъзилар ўзининг камчилигидан қаттиқ ор қилишади. Бундай ҳолатни ўзим ҳам бошдан кечирганман. Бўйим кичиклигидан тортиниб, қизларнинг олдида сира бормасдим. Токи жарга қулаб тушганимга қадар жуссамнинг ношудлигини лаънатлаганман, норғул тенгдошларимга ҳасад қилганман. Фақат қизил жаргина менинг ҳам афзаллик томонларим борлигини кўрсатди.

— Бир кечалик жой беринг, онахон,— дедим имкон борича юмшоқ қилиб. Бу билан кампирнинг мавқеини кўтармоқчи эдим. Зора, бечора букри умрида бир мартагина бўлса-да, хушомад эшитса ва ўзини нималаргадир ҳуқуқли, ҳатто бировга яхшилик қилиш имкони борлигидан қувонса, деган умидда шундай қилдим. Хушомадим ва хоки-сорлигим маъқул тушдим, кампир қаддини бироз кўтарди, букриси остидан боши

кўринди, аммо гавдасининг ҳолатини ўзгартирмади:

— Бир ўзингми?

Савол оҳангидан буни билиш кампир учун жуда муҳимлигини пайқадим ва дарҳол жавоб бердим:

— Ёлғизман, онахон.

Нима учундир бу гапга сўққабошлигим тўғрисидаги мазмунни ҳам юклаб юбордим, аммо «онахон» англамади. Ҳамон ўшандай тескари ўтирган кўйи кўйнидан ниманидир олди ва ордидан эргашган итни ҳайдагандек ҳаракат билан олдимга бир дона калитни отиб юборди.

— Олтинчи қаватда, чапдаги хона,— деди сўнгра истар-истамас.

Калитни олиб пастга тушдим. Бино етти қаватли деб сира ўйламагандим. Яна қизиги шундаки, уйни шунча кезиб бирор марта олтинчи қават бўйлаб юрмаган эканман. Бутун бошли қаватда фақат биргина хона борлиги ва йулакнинг одатдан ташқари торлиги шубҳамни оширди. Қизиқ, кампирнинг ўзи қаерда истиқомат қиларкин? Назаримда, гапга солсам жуда кўп сирлар очиладигандай. Балки ер устига чиқиш йўллари билар?

## VIII

Қўлларимни бошим остига чалиштириб ётибман. Дурустгина жиҳозланган хона. Қани энди Соҳибам шу ерда бўлсаю бирга яшасак. Дарвоқе, қандай қилиб ундан айру тушдим? Эргаш ундан «ўзингиз-чи» деб туғилган жойи, яшаган юртини сўраётганди. Иккаласи ёлғиз ўтириб, суҳбат қуришарди. Мен бўлсам, Соҳибамнинг нигоҳи орқали ҳаммасини кўрар, мушоҳада этар ва ҳақиқатни билишни истардим. Хаёлда ўша суҳбатни давом эттира туриб, ўзимни бевафоликда айблар, бечора бир қизни тамоман унутиб қўйганлигимдан ўз-ўзимни койирдим. Нега ундан ажралдим? Қачон, қандай қилиб?!

Қаранг, воқеалар тасмаси худди шу узилган жойидан уланиб кетди. Йигитнинг саволи ва ундан кейинги воқеалар тафсилоти кўз ўнгимда гавдалана бошлади. Теграмга қарадим; ҳамма томонда ялтироқ, шаффоф заррачалар. Соҳибамнинг шуурида, хотира ойнасида ҳаммаси акс этмоқда. Кенг майдоннинг бир бурчида, япроқлари оппоқ дарахт остида бир бўлак туманлик. Диққат қилиб қарасам, ўз нейронларим. Танимдаги пайлар тортишиб, қўл-оёқларим ва мушакларимга куч йиғилди. Энди бемалол фикрлашим ва Соҳибамга кўмак беришим мумкин. Э вох! Букри кампирни қаранг! Сира кутилмаган ҳол, қаердан тасвирга тушиб қолди экан. Хотира ойнасининг ярқироқ сиртида тиканли симлар билан қуршаб олинган шаҳар манзараси намоён бўлди. Соҳибам саволларга жавоб беролмай оғир ўйга ботиб ўтиганида, бемаъни нарсаларни ўйлашни бас қилиб, ёрдамга отландим. Зотан, Мингтошнинг наслу насабини билиш жуда зарур. Агар шуни аниқласам, ўз-ўзимни ҳам англайман. Шу сабабли Йигитнинг «ўзингизчи» деган сўроғи мени ҳам Соҳибам каби ўйлантириб қўйган, афтидан, шу саволга жавоб топиш учун икки ёрти бир бутун бўлиб ҳаракат қилар ва болалик хотираларини тиклашга, қишлоқ, ташландиқ уй, жардан ўтиб чуқурроққа тушишга интилардик. Суҳбат мавзуси жуда қизиқ, мени ҳаяжонга солаётир, қизнинг жавоб беришини хоҳлайман, аммо у аллақандай мубҳам нарсаларни ўйламоқда. Буйруқ бериш керак, деган хаёлга келдим.

— Эсла! Ана, Такия қишлоғи. Жар. Ташландиқ уй...

Бир неча бор такрорланган буйруқдан сўнг хотиранинг ёрдамчи кўзгуларида буйруқда айтилган тасвирлар кўринди.

— Соҳибам, қанчалар оқиласан. Энди ёдингга ол! Биз иккаламиз қалдирғоч кулча мунчоқларини терардик. Эсла, яшил кўйлагинг бўларди, биз сомонхонадан пастга сакрардик, сомонни, чанг-ғуборларни, қулфланган эшик ёнидаги тирқишни, томга олиб чиқадиغان нарвончани... эсла! Ўн ёшларда эдинг, кейинроқ онанг билан бошқа қишлоққа, балки бошқа туманга ёки жумҳуриятга кўчиб кетдинглар. Сени беҳад софинганим туфайли куну тун ўйлар, бирор хабар эшитиш илинжида одамларнинг оғзини пойлардим. Кунлардан бир кун хабарингни эшитдик. Даҳшатга тушдим, йиғладим, касал бўлиб қолдим, аммо сиримни ҳеч кимга айтмадим. Ушанда Лайли ва Мажнун, Фарҳоду Ширин ўтганини билмасдим, севгининг фарқига бормасдим. Кейинчалик, улғайиб Вомиқ ва Узрони ўқидим, Юсуф ва Зулайҳо муҳаббатидан хабар топдим—да, инсон боласи ҳали улғаймай туриб, ўн ёшида ҳам севиб қолиши мумкинлигини англадим.

Сен Роҳатсан!

Сен Роҳатсан!..

## IX

Тун. Жуда узоқдан, балки қишлоқ этагидаги қирлар ордидан найнинг майин садоси келаётир. Балки ундан ҳам узоқроқдан, ернинг устида акс-садодек таралаётган бўлса ажаб эмас. Биламан, бу кеча борлиқни тўлин ой ёритади. Ул само ёритгичи баланд қоя ордидан ювиниб, тараниб, ғуборлардан фориг бўлиб бош кўтаради. Ана, қаердандир жийда гулининг муаттар ҳиди уфурмоқда. Ё парвардигор, бунча ширин! Гулистон қишлоқларида жийда борлигини пайқамагандим. Сен гумроҳ шу қишлоқдан бўлагини кўр-

ганинг йўқ-ку, дерсиз? Соҳибам-чи, у кўрган-ку ҳарҳолда? Аммо тортишиб ўтирмайман. Ҳозирлик кўришим зарур. Ҳадемай ой кўтарилади. Соҳибам жийда гулларининг атридан маст. Яна ўша қайсидир, мен ҳамон аниқлаб ололмаётган шаҳарда юз берган воқеаларни эсламоқда. Хотира кўзгусидаги шаҳар манзарасини тасвирлаб ўтирмайман. Бизда бундай шаҳарлар тўлиб ётибди. Узини кўк шоҳи кўйлақда деб ҳис этаётир. Буни мия қаватларидаги ҳужайраларга қарамасдан ҳам бйлса бўлади, қўллари билан елкаларини силаётир, белини ушлаб кўр्याпти, ажабланиб қошларини кермоқда. Унинг шундай одати борлигини аввал ҳам айтгандим. Ўша кўйлақдан деразага парда тикканди, лекин ҳаёлда менинг гўзал Соҳибам ҳозир худди ўша либосда! Ҳадемай ойна олдига келиши, унга қараб бутун қиёфасини кўздан кечириши мумкин. Балки пардоз-андоз ҳам қилар, гарчи мен Соҳибамнинг упа-элик суртганини сира кўрмаган бўлсам-да, пардоз қилиш аёл зотига хослигини ҳисобга олиб айтяпман. Жийда гулининг атри!.. Биз кумушранг япроқлар орасида юргандаймиз.

## X

Ой кўтариляпти. Ошиқлар маъбудаси ўз музофотини назорат қилиш ниятида битта-битта босиб келаётир. Канизак юлдузлар жамоли Маликанинг беқиёс нуридан хира тортмоқда. Ойнинг қуёшга монанд дубулғаю совутлари йўқ, аксинча, ҳарир либоси бор. Ошиқ аҳлини яъни ўз фуқароларини чўчитмаслик мақсадида ҳатто оёғига бошмоқ ҳам киймаган. Муҳаббат маъбуди оёқяланг келаётир! Оппоқ этаклари қирлар ортида майин судралиб, дўғал харсангларни меҳр ила сийпалаб рафтор айлаяпти... Гиёҳлар унинг нозик тўрларини ўпади, гуллар бош силкиб кўшиқ куйлайди. Жим! Ана, Соҳибам ўрнидан турди. Дераза олдига борди. Ойнинг самовий шуълалари уни ўз бағрига олди ва қўларидан тутиб, далага томон бошламоқчи.

— Тўхта! Ойнага бир қараб олай!

Кўзгу рўпарасига келиб, бир дам тўхтади. Қошлари керилди. Ўз қиёфасига назар ташлади. Қўлида жимжилоқдек шиша идишча пайдо бўлди. Жомадонидан ёкутранг маржон олиб бўйнига тақди. Ич кўйлақда оҳиста юриб ташқарига чикди. Эшик очик қолди. Хас-хашаклар устидан одимлаб бормоқда. Оёқланг. Теракка қарадим. Ё парвардигор! Бундай синоатни инсон зоти кўрмаган. Баҳайбат дарахт Соҳибамни чорлар, унга томон талпинар, ерга теккудек бўлиб эгилар ва яна қад ростлар ди. Ой шу қадар ёруғки, ердаги хаслар орасидан кампир игнасини топиб олиши мумкин. Балки бу Лайлатулқадр кечасидир? Шундай экан, ё алҳазар! Соҳибам ҳозир теракни ушласа, у бутун бошли олтин дарахтга айланиб қолиши мумкин. Унга олтин керак эмас, шовуллаб турган, нафас олаётган, танасидан қудратли ҳаёт шираси қондек оқиб турган терак керак. Шунинг учун алҳазар деяпман. Алҳазар! Алҳазар!

## XI

Биз вақт алламаҳал бўлганида хонага қайтдик. Соҳибам билан боғ тўридаги ул баҳайбат мавжудот ўртасида бўлган воқеаларни айтмоқчи эмасман. Зеро, умрим бино бўлиб бундан жозибалироқ ва бундан қўрқинчлироқ манзарани, ҳодисотни кўрмаган бўлсам-да, мулоқот тўғрисида ҳеч нарса демайман. Сир сақламаганимда ҳам сўзлаб бериш қўлимдан келмасди. Сувратини чизшдан ожизман. Дурустгина рассомлигимни биласиз, Роҳатнинг сувратини, унинг тиз чўкиб турган ҳолатини, самовий илтижо кўринишида оламнинг бор соҳир рангларини ишлатиб чизгандим. Соҳибамнинг тунги мулоқотини чизолмайман. Мусаввир ҳаётнинг бир сониясини акс эттира олади, ҳаракатлар, илтижолар давомийлиги, вужуднинг тўлғаниши, самовий ҳузурнинг изтиробли тўлғоқларини қандай тасвирлай?..

## XII

Мингтош уйқудан кеч уйғонди. Одатда у эрта турар, куннинг ташвишини қишлоқ аҳли қатори барвақт бошлаб юборарди. Фафлат босиб ухлаб қолгани, қуёш деразадан мўралаб унинг кичкинагина хонасини илиқ, жарангдор нурларга тўлдириб юборганини кўриб хиҷолатга тушди. Деразанинг кўзлари ярқирар, хона ҳам, миз устидаги сув тўлдириб қўйилган шиша идиш ҳам, каравотнинг кумуш қўббалари ҳам ялтираб нур сочарди. Бундан кўзлари қамашди. Тезгина ювиниб олиш учун ўрнидан қўзғалди. Алланарсанинг шу яқингина жойдан гулдирётгани, кимнингдир баланд овоз билан кичиқраётганини ширин бир мудроқ ичра эшитмаганида, балки ҳали ухлаб ётган бўлармиди? Ниҳоят, гулдирос бирдан кучайиб, ер титраб кетгандай бўлди. Шундагина кўзлари чарақлаб очилиб кетди. Узоқ ухлаганиданми, боши ғувилларди. Юраги гурсиллаб урарди. Худди шу лаҳзада, ювиниш учун ўрнидан қўзғалаётганида, ҳалиги гулдурос яна кузайди. Ер титраб, дераза ромлари зириллади. Мингтош ўрнидан сапчиб туриб, дераза олдига борди. Терак шоҳлари қаттиқ силкинар, ерга эгилиб, бирдан яна қад ростларди. Соҳибам қандай қилиб ўзини деразадан ташлаганини ва дарахт олдига бориб қолганини

сезмади. Ҳаммасини кўриб-билиб турарди, албатта, лекин буни ғайриихтиёрий тарзда бажарарди. Кейинчалик касалхонада ўзига келганида ва одамлар ундан сўраб-суриштиришганда воқеанинг қандай содир бўлганини, нима сабабдан шундай қилганини айтиб беролмади. Балки истамагандир... Айтиб берганида уни тушунишармиди?

Маҳкам «Совун» ширкати олдида олишган ўша тунда ҳам шундай бўлганди. Йигит ўнгу сўлидан ташланаётган олақуроқ оломон билан мардларча олишар, бемалол қад ростлаб туриб ҳеч нарсадан ҳайиқмай мушт туширар ва мўлжалига тўғри келган кишини бир мушт билан қулатарди. Мингтош бундай улўғвор манзарани ҳеч қачон кўрмаганди. Кўча чироқларининг ёруғ нурида Маҳкам бамисоли қора қоядек юксалиб турар, унинг теграсидагилар эса уваланиб бораётган палахса тошларга ўхшарди. Йигитнинг бўйни, қўллари ва елкалари шундай мутаносиблик билан ишлардики, унда аёл кишининг дилига ҳузур бағишлайдиган бир жозиба бор эди.

Мингтош бутун вужуди билан титрар, илтижо қилар ва йиғларди. Шу билан бирга нимадир қилиши лозимлигини ҳис этар, аммо сеҳрланиб қолгандек ўрнидан қимирлаёлмас, товуш чиқарса ёки ўрнидан жилғудек бўлса нимадир ўзгариб кетиши, мувозанат бузилиши ва машъум хато юз бериши муқаррарлигини англади. Бирдан фонарлар ёруғида ўткир тиғнинг ялтираб кетганини пайқаб қолди. Бўғзидан тун бағрини ларзага келтириб, бир ҳайқириқ отилиб чиқди. Турфатул-айн ичида ўзини тўдага отди. Маҳкам оёқларининг ҳолатини ўзгартирмасдан секин ортига ўгирилди. Шовқин-сурон тишиб қолди. Ким қандай ҳолатда турган бўлса, шу куйи қотди. Сўнгра бу овозсиз ва ҳаракатсиз саҳна бир қалқиб жунбушга келди. Лаҳза ўтмай кўча бўшаб қолди. Энди асфальт йўл устида Маҳкам узала тушиб ётар, теграсида бўшаган совун қутилари тартибсиз сочилганди.

### XIII

Кейинчалик, Мингтош турмушга чиққанидан сўнг, эри ўша куни терак остида бўлган воқеанинг тафсилоти билан қизиқди. Дарвоқе, ўша кундан кейин воқеалар тезлашиб кетди. Касалхонада, кат бошида нотаниш одам ўтирарди. Мингтош ўзига келиб, бу одамни аввалроқ қаердадир кўрганини эслади. Ҳеч нарсага тушунмади. Нималарнидир сўрамоқчи бўлдию тили айланмади. Кўзларида акс этган сўроқларни эса, унинг юзидан кўз узмай ўтирган ҳалиги киши тушунмади. Мингтош яна гапирмоқчи бўлганда, бўғзидан заиф ингроқ отилиб чиқди.

— Сувми?— сўради нотаниш киши.

Бемор яна ингради.

— Сув! Сув!

Эшикда оқ халатли қиз кўринди.

Бемор ҳеч нарса фаҳмламас, кўзлари дарё қумидек рангсиз ва аввалгидан нурсиз кўринарди. Ёноқлари туртиб чиқиб, чўзинчоқ юзи доқадек оқарган. Ранги ўчгани учун қоши ва киприклари ўта қорадек туюлади. Уни уч ҳафтадан кўпроқ даволашди. Уйига жавоб берилган куни яна ўша нотаниш йигит келди. Дарвоқе, энди у нотаниш эмасди. Мингтош ўзига келиб кўзини очган куни йигит бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини бир бошидан ўзига хос ҳаракатлару қичқириқлар билан гапириб берди. Нима сабабдандир, баланд овозда сўзлар, гоҳида бирдан овозини секинлатардию кўп ўтмай, яна қичқиришга тушарди. Мингтош бир-икки бор бунча қаттиқ гапирасиз, дейишдан ўзини тийиб туролмади. Йигит тракторчиларнинг одати шунақа бўлишини айтиб узр сўраган бўлди-ю, лекин хижолат тортиб ўтирмади.

— Деразадан ўзимни ташлаб чинор олдига югуриб борганимни биламан, бошқасини эслолмайман,— деди Мингтош анча ўзига келгач, шундай суҳбатларнинг бирида.

— Э, нега эслолмаяпсиз? Чинор эмас, терак. Менинг шундайгина ёдимда-ку. Педлли бўшатиб орқага қарасам югуриб келяпсиз, сочларингиз тўзғиган, шамолда ёйилиб келаётгани шундайгина кўз ўнгимда турибди.

— Бошяланг эдимми?— сўради қиз секингина.

— Сизни кўрдиму бор кучим билан тормозни босдим.

Қиз унга ётган жойидан таънаомуз қаради.

— Хуллас, шунақа бўлди-да,— деди йигит.

— Ўзиям ёмон мустаҳкам терак экан-да. Шундай йўғон пўлат арқонни узиб юборди!

Кейинги кунларда юз берган бу воқеаларни элас-элас эслардим, холос. Таранг тортилган пўлат арқон узилиб кетиб, Соҳибамни қаттиқ шикастлаган, биз иккаламиз ҳам беҳуш бўлиб қолган эканмиз. Қанчалик жон куйдирмасин, Соҳибам теракни сақлаб қололмади. Касалхонада ётганида, уни кесиб ташлашди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, совчилар келишди. Қиз бундан ранжимади, хурсанд ҳам бўлмади. Уларнинг гапини жимгина бош эгиб, эшитиб ўтирди. Совчилар «сукут-аломати ризо», деб ўринларидан туришди. Тўй Манзар яшайдиган қишлоқда бўлди.



Соҳибам ҳўжайини билан тоғдан қўйи минтақага кўчиб тушганидан буён уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Мингтош ماشойиховна энди донгдор жамоа аъзоси. Ана, тугунчасини кўксига маҳкам босганча далага боряпти. Касалхонада ётиб чиққанидан кейин унга мактабдан дарс беришмади. Дўхтирлар энди ўқитувчилик қилиши мумкин эмас, деган хулосага келишган. Тақдирига тан бериб атхаф теради. Тонг сахар кетиб, қош қорайганда қайтади. Фақат, бугун нима сабабдандир қадам олиши бошқача. Ёнида дугоналари ҳам йўқ. Дала шийпонига олиб борадиган йўл қолиб, бутунлай бошқа томонга қараб кетяпти. Хаёли жойида эмас. Бўтана сув оқиб ётган ариқ бўйлаб бораркан, қаршисидан кўприк чиққунга қадар нариги қирғоққа ўтиш хаёлига келмаганига ажабланди. Кўприк учрамаса кетаверарканман-да, деган фикр ортидан мен қаерга боряпман ўзи, деган савол туғилди. Бутунлай бемақсад ҳолда кетаётган аёл ногоҳ ўзини қушдек эркин сезди. Аммо бу ҳол узоққа чўзилмади. Дабдурустан эрталабки манзара кўз ўнгига келди: «Қизик, демак буни аввалдан мўлжаллаган эканман-да», деди ҳайрат билан. Сўнгра «буни» деб нимани кўзда тутаетгани устида ўйлай кетди ва бирдан даҳшатга тушди, кўрқиб теграсига аланглади. Қадамини тезлатди. Аммо хаёлнинг чувалашган лашкари уяси бузилган арилар каби таъқиб этарди. Шунда қочиб кетаётганини тан олди. Аммо кимдан қочмоқда? Буни билмасди. Ҳаётдан, балки ўз-ўзидан қочаетганини англамасди. Тонг-сахарда уйдан қандай қилиб чиқиб кетгани кўз ўнгига келди. Ҳовли. Олди очик айвон. Бузоқ онасини эмяпти. Эр ҳали уйқудан турмаган. Тонгги салқиндан эти жунжиқаётгани кўриниб турибди. Ғужанак бўлиб, оёқларини қорнига тортиб, қўлларини тиззасининг орасига тикқанча ухламоқда. Йўғон гўштдор бўйни, елкаси оқариб кўринади. Устига ёпилган чойшаб йиғилиб, белига ўралиб қолган. Мингтош эридан кўз узмаган ҳолда қўли билан башарасини пайпаслаб, рўмолини топди-да, бошига боғлади, ўрнидан қўзғалди. Қанча эҳтиёткорлик қилмасин, барибир, тиззаси шиқирлаб кетди. Эри уйғоқ бўлганида бундай пайт ҳамиша ўкрайиб қарар, сўнгра юзини четга буриб, нималарнидир ғудираб қўяр, аммо зум ўтмай маҳзун жилмайганча рўзғор ташвишларига доир бирор нарсани сўрарди. Буни аёл ҳамиша ёдида тутарди ва ўрнидан тураётганда, эрига хавфсираб қараб қўйишни унутмасди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ҳали қадини ростлаб улгурмай, бир лаҳза букчайганча туриб қолди. Эр қимирламади. Эгасининг супадан ташаётганини кўриб, қозикқа боғлаб қўйилган бузоқ ўрнидан қўзғалди. Туни билан очикқан, салгина нарида ётган онасини кўмсаб, сут эмиш умидида тонг оттирган жонивор белини гажак қилганча, бир керишидио ипини узгудек талпинаверди. Сигир ҳам ўрнидан турди. Қариб, ориқлаб қолганидан унинг туёқлари шиқирлар, юрганида сағрисида нимадир қаттиқ қатирлаб кетарди. Қопқора мунг тўла кўзларини соҳибасига тикканча, худди уф тортгандек пишқирди. Ипи бўшалганини сезган бузоқ онаси томон отилди, елинига ёпишиб, чапиллатиб эмишга тушди. Аёл энди ипни тортиши, бузоқни қозикқа боғлаши керак, аммо бундай қилмади. Бузоқнинг шоша-пиша сут эмишига бироз қараб турди-да, айвон деворига қапишганча ухлаётган эридан кўз узмай оёқ учида юриб дарвоза томон ўтди.

#### XIV

Ҳаво салқин. Тоғнинг Сепоя деб номланган учта қиррадор чўққидан иборат тизмаси оппоқ қорга бурканганча, улкан тож каби юксалиб турибди. Кунчиқардан эсаётган салқин шабада худди ана шу қорлар қўйнида тунагану энди қизишиб олиш учун қишлоқ кўчалари бўйлаб зир югураётгандай. Мингтош қишлоқдан узилиб чиқиб очик майдонга ўтиб бораркан, шабада яна кучайди. Аёлнинг тани жунжикди. Ҳеч бўлмаганда, нимчасини кийиб олмаганига ўкинди. Супа устида ғужанак бўлиб ётган эрини ўйлади, қадамлари сусайди, аммо бу кўнгилчанлик ўрнини дарҳол изтироб эгаллади. Очик майдон тугаб, шўра ўт босган, зарпечаклар қуёш нурида қуюқ заъфарон шуъла таратиб ётган экинзор бошланди. Шу ердан ўтаётганида, «Мингто-о-ош» дея чақиргандай бўлди кимдир. Ортига ўгирилиб, ҳеч кимни кўрмади: Бу овоз жуда қадрдон ва таниш эди. Унда умрнинг қизлик дамларини эслатувчи нимадир бор. Шу билан бирга, таъна, ачиниш оҳанглари баралла янграб турарди.

«Дунёга келиб нима кўрдинг», шивирлади аёл. Сўнгра ўша овознинг такрорланишини кутгандай диққат билан қулоқ солиб турди. Овоз такрорланмади, аммо ҳавонинг ҳар бир заррачаси шу овоз билан тўйингандек, эсаётган шабада уни учириб-ўйнаб, қайта-қайта такрорлаётгандек туюлди. Шунда, тунда ҳам бу ҳолат содир бўлгани ёдига тушди.

#### XV

Аёл тунни нотинч ўтказди. Кундузи даладан чарчаб қайтганига қарамасдан алламаҳалгача кўз юммади. Билаклари, елкаси оғрир, бели зирқираг эди. Кўкдаги тўлин ойга, юлдузлар оламига тикилиб ётди. Оқшом рўзгорнинг сон-саоқсиз ишлари, битмас-туганмас ташвишларини бир ёқли қилиб, бош ювиб олишга улгурганди. Кўпдан бери

дурустроқ ювинмагани ёдига тушиб, қозонда сув иситсаму бир чўмилиб олсам деган ўйга борди, аммо ҳафсала қилмади. Сочини қуритиш учун ёстиққа ёйиб ташлаб, яна кўкка тикилди. Тубсизлик, тубсизлик... Бунчалар сирли бу олам? Тиқ этган товушдан юраги ҳаққириб кетади.

Туннинг майин эпкинй ҳам инсон ҳаётидаги жумбоқларни ҳис қилгандай, унинг сочларини оҳиста силайди. Шундай ҳовлининг қайсидир бурчидан, балки том ортидан кимдир майин овоз билан шивирлади:

— Минг-т-о-ош!

Юраги гурсиллаб уриб, вужудини ҳаяжон қоплаб умид ила тинглади, товуш келган томонни аниқлаш мақсадида бошини кўтариб кулоқ солди.

Эр тун ярмидан оғанда, оғир-оғир қадам босиб кириб келди. Кирза этиги шунчалик вазмин садо берардики, бу гурсиллашдан тун осмонида кезиб бораётган курраи арз гўё титраб ва оғир қадамлар унга малол келарди. Гурсиллаш тинди, эр супанинг четига оғир чўкди. Уф тортиди. Утирган кўйи, аввал эғнидаги жомакорини ечди, сўнгра этигини... Аёл уйғоқлигини билдириш учун томоқ қирди. Эр ўрнига ўзини ташладию жимиб қолди. Аёл бошини ёстиқдан кўтариб, ёйилган сочларини йиғди. Эри томонга қаради. Яна томоқ қирди. Ниҳоят, сўради:

— Чой-пой ичмайсизми?

Жавоб бўлмади.

## XVI

Кўёш тепаликлар ва қишлоқ устидан ўтиб, шудгорланган дала тепасида муаллақ туриб қолди. Мингтош ана шу майдон ўртасидаги илонизи йўлдан борарди. Қоқ туш палласи. Эрталабки муздек шабада куннинг жазирамасига тоб беролмай тандир каби қизиган ҳаво қатламларига сингишиб кетган. Эрталаб уйдан чиққанда, ишга бориш ҳаёлида йўқ эди. Узоқ-узоқларга, бегона юртларга кетгиси келарди. Қаердалигини сезиб, бир муддат саросималанди. Оёқ остидаги ўзан ҳаддан ташқари юмшоқ эди.

У баҳор тошқинлари тўплаган қум устида турарди. Қизилаччиқ хиёбони. Ундан кейин баҳорнинг ойдун туни, висолнинг ширин дамлари, олишув. Йўл ўртасида чўзилиб қолган Маҳкам... Мингтош бу ғамнок ҳаёллардан қутулиш учун бошини қаттиқ силкиди. Яна қаршисида жарнинг девори пайдо бўлди...

\* \* \*

Теграси баланд жарлик билан қуршалган бегона манзара юракка ваҳм солади. Мингтош «қаерга келиб қолдим ўзи, адашиб кетдим», деб ўйлади. Бу сўнги хулоса кўнглида қандайдир номаълум ва чучмал қувонч уйғотди. Бирдан адашиб бутунлай бегона мамлакатга бориб қолса! Эҳ, қани энди шундай бўлақолса! У ерда мени қандай кутиб олишаркин? Дастлаб кимга тўқнаш келаркинман? Балки Оҳузур шаҳридагидек, улкан гумбазлари бор жойда қиқиб қоларман? Тўсатдан қаршимда Маҳкам пайдо бўлиб қолса-я... Мингтошнинг юзи ловуллаб ёнди. Худди Маҳкамнинг қаршисида тургандек, лабларини қимтиб, бошини кўйи эгди.

Жар! Бунча баланд! Бундай ваҳимали!

Мингтош осмонга, жарнинг само кўкини тишлаб турган оғзига қаради ва ҳайрат билан нидо қилди:

— Ё парвардигор, нега бундай... қизил?!

...Бирдан ўзимга келдим. Нега Соҳибам қичқиряпти? Кўзимни очиб, атрофимга қарадим. Ҳаммаёқ қизил рангларга бўялган. Хужайралар, хотира кўзгулари, воқеа-ҳодисалар ўйналадиган сахна қизил. Ногоҳ ёдимга келди. Мени комига тортиган жар ҳам шундай қизил, тупроғи, деворлари, ёриқлари қон рангида эди. Нима бало, яна ўша жойга келиб қолдимми? Балки юқорига учиб кетаётгандирман? Қачон, қандай қилиб бу ерга келиб қолдик? Соҳибам ҳовлидаги терак томонга югургани, пўлат арқон узилиб кетгани ёдимда. Кейин-чи?.. Хирагина оқликлар, аллақандай ҳид анқиган макон, ҳамма томони атхафдан иборат қишлоқ, Ҳа, жувоз... жувозхона. Қаерда кўргандим жувозхонани, от ва халифани? «Қанг-қанг» деган овоз. Нега мен буларнинг ҳеч бирига муносабат билдирмадим? Худди тушда кўраётгандай индамай туравердим?

Бутун кучимни тўплаб вужудимни бирдамликка чорлайман. Тарқалиб кетган нейронлар жамланаверади. Э воҳ, энди уларнинг сафи кескин камайган, борлари ҳам жуда суст. Менинг буйруғимдан кўра улар Соҳибамнинг иродасини бажаришга мойил. Эй Мужрим, наҳотки дунёдан беному нишон кетсанг! Йўқ, курашиш керак! Ибн Сино, буюк бобом, сиздан кўмак сўрайман. Мадад беринг. Мадади Сино керак! Мадади Сино керак!

...Чорловлар ўз таъсириин кўрсатди. Ақлим жойида. Биласизки, ўша самовий ҳолат туни вужудимдан айрилган, Мингтош билан, аниқроғи, Роҳат билан қўшилган туним унинг вужудига сингиб кетгандим. Нейронларим, хужайра деб атасам хато қилмасми-канман, бир нуқтага жам бўлдилар. Шунда Соҳибамнинг ақл дунёсини, хотиралар оламини яна қайта бошдан тадқиқ этишга тушдим. Жувозхона... От жонивор бирор ман-

зилга олиб бормайдиган йўлдан айланади. Бир эркак бош эгиб ҳовлидан чиқиб боряпти: Манзар, Соҳибамнинг эри. Раиснинг буйруғи билан теракни йиқитмоқчи бўлган киши. Шу билан бирга Маҳкамни ҳам...

\* \* \*

Бир жуфт калиш. Оёқлар. Аёл оёқлари! Нақадар келишган! Ким ёзганди бу ҳақда, ҳа, Пушкин. Ёдимда:

«Бутун Россияда топилармикин,  
Уч жуфт энг келишган хотин оёғи!»

Соҳибамнинг оёқлари. Калиш ҳам уники. Қани энди бу оёқларга дунёнинг энг чиройли, илоннинг оғзидан тушгандек ихчам бошмоқчасини кийдириб қўйсанг. Тўпиғидан сал юқорида жияк. Кейин лозим... Соҳибам оёғидаги чанг босган эски калишга, тупроққа беланган измагига ва сузилиброқ қолган чит иштонига қаради. Сўнгра эғнидаги кўйлагининг ҳилвираб турганига эътибор қилди. Кўриниши жуда абгор. Бундай ҳолатда Маҳкамга қандай қилиб рўпара бўлади?

\* \* \*

Қушларнинг чуғур-чуғури кучайди. Афтидан улар сой ўртасида осмондан тушгандек ногоҳ пайдо бўлиб қолган одамзодни кўриб, езовталаниб бир-бирларига хабар беришар, қумлоқ устида анчадан бери қимирламай турган «хавф»дан чўчиб, уяларини ва болаларини ҳимоя қилишни ўйлашарди. Мингтош жар юзасидаги минглаб қавакларни энди кўрди. Бу уялар бамисоли кўп қаватли биноларнинг деразаларига ўхшарди. Улардан қушларнинг кўк, сариқ, қорамтир бошчалари кўриниб турар, ҳаммаси мунчоқдек кўзларини рўпараларидаги одамга тикканча, ҳамон ғавғо солишарди. Жар бетидан пастга томон осилиб тушган бир туп ковул оппоқ гуллаган. Гуллаб устида капалаклару арилар айланишмоқда. Ковулнинг ташқарига чиқиб қолган йўғон оч жигарранг танасида ўтирган кўкқарға бўйнини чўзиб-чўзиб қўяди, бошини буриб бир кўзи билан осмонни, иккинчиси билан ерни ва қумлоқ устида турган аёлни кузатади. Қушнинг бу қилиғи Соҳибамнинг кулгисини қистатди:

— Қирр-увв! Қирр-у-ув!

Болалик хотираларини титкилаб кўриб, кўкқарға шундай сайрарди шекилли, деб ўйлади Соҳибам ва қушга боплаб тақлид қилганидан қувониб жар лабига, ўша ковул бутаси тарафга қаради. Қуш сергакланди. Хавф-хатар туғилгудек бўлса уча оламанми дегандек, қанотларини қоқиб қўйди, учмади. Рўзгор ташвиши бошига тушгандан бери, балки ундан аввал ҳам атхазордан, кундалик ғивир-ғивир ташвишлардан ортиб, тўртдевор билан ўраб олинган ҳовлидан бўлак ҳаёт борлиги, нега шунча йил умр кўриб қушларга ва капалакларга сира кўзи тушмаганидан ажабланди.

— Қирр-ув, мени танийсанми?— сўради кўкқарғадан.

Бирдан атроф жимиб қолди. Паррандалар дунёси инсон овозининг майинлигига ва мунглилигига қулоқ тутиб, мушоҳада этаётгандек...

— Мен Мингтошман.

— Ҳўк! Ҳўк!

Соҳибам, пастроқда уясидан бошини чиқариб сайраётган майнага қараб, сўради:

— Нега ҳақорат қиласан?

Майна чўзиб ҳуштак чалди.

— Менсимаганингда ҳам бор. Аслида бу гапни эримдан эшитгансан, жаҳли чиққанда оғзига келганини қайтармайди. Чунки менинг руҳий олашим бор. Буни пойтахтдан келган опа айтганди. Ушанда...

— Қани опа, сиз туринг-чи!— деган буйруқ эшитилди.

Соҳибам шундагина қаршисида турган оғзи қалпоқдек қавакка қаради. Бу товуш худди шу уядан чиқаётгандай. Пойтахтлик аёлнинг товушини таниб сесканиб кетди.

— Менми?

— Ҳа, сиз, сиз.

Ёши ўзидан катта аёлнинг опа деяётганидан соҳибам ранжиди.

— Қани айтинг-чи, ишдан қайтгач, кечқурун эрингиз билан нималар тўғрисида сўхбатлашасиз?

Бу кутилмаган саволдан боши гангиди.

— Гапир, гапиравер!— қисташди ҳангоматалаб аёллар.

— Калишим... эскирганди, ўтган куни шуни айтгандим...

— Мана сизга далил,— деди пойтахтлик аёл раисга қараб қандайдир ҳукмрон тилга яқин талаффуз билан ва давом этди:

— Балки бирорта китоб-митоб ўқигандирсиз, шеър-пеър биларсиз?

Мингтош эслолмади. Муаллимлик пайтида болаларга ўргатган шеърларини, сабоқ-

ларини ёдга олишга уринди, эслолмади. Шунда Соҳибамга ёрдам бериш зарурлигини ҳис қилдим. Фақат бу қийин бўлди. Дала шийпонида бўлиб ўтган воқеа қандай қилиб жар ичида ҳам такрорланаётгани Соҳибамни ҳайратга солар ва берилган саволларга жавоб топишга, хотирасини титкилаб кўришга, умуман, фикрини бир нуқтага тўплашга зўр бериб уринардики, натижада менинг буйруқларимни англамасди. Муаллималигида ёд олган ва болаларга ўқиб берган шеърларидан бирортаси тутқич бермасди. Ниҳоят қаердандир бутунлай бошқа икки мисра ўз-ўзидан тилига кўчди:

Беш кун истарсен фақат гарчи кобун умр эрур,  
Дайр золин тўрт мазҳаб бирла қилғил уч талоқ.

Пойтахтлик меҳмоннинг юзи буришиб кетганиданми ёки раис опанинг ўқрайиб қараб турганиданми чўчиб, давомини айтолмай қолди.

— Талоқ дейдими, — сўради пойтахтлик меҳмон раисдан.

— Учталоқ, ё товба! Ким айтади буни олий маълумотли муаллима бўлган деб, биз жаннатизм қурагимиз деяпмиз бу ҳамон алмисоқдан қолган сарқитни ўйлаб юрибди.

Ғазабим тошди, қани энди Мингтошнинг ўрнида ўзим бўлсам, манқуртларнинг жазосини берсам! Афсуски... барибир чидаб туролмадим, бор кучимни тўплаб Соҳибамнинг миясидан, чуқур қаватлар ортидан туриб овоз бердим:

— Алмисоқдан қолган эмас, бу Ҳазрат Навоийнинг ғазаллари!

— Уртага жимлик чўқди. Соҳибам бу гапларни шу аснода қаердан топиб гапираётгани, гўё кимдир айтиб тургандай бурро гапираётгани тўғрисида фикр юритар, тўрда ўтириб мажлисни бошқараётганлар эса афтидан «ҳазрат» деган сўзнинг маъносини ўйлашарди.

— Бу аёл диндорроқ биров,— деди қумқом котибаси сукунатни бузиб, тоғда бир чинорни йиқитишаётганда дарахтнинг тагида қолганми-ей ёки пўлат арқон узилиб кетганми, ишқилиб, ўшандан кейин биров...

Котиба гапнинг давомини меҳмоннинг қулоғига шивирлади. Салобатхон бош силкиб қўйди (пойтахтлик меҳмоннинг исми шундай) ва қумқом котибасига далда берган бўлди:

— Энди гапнинг очиги, бу аёллар болалигида дуруст тарбия кўрмаган. Ҳаммамизга маълум савдо-ку. Оилаларимизда, хусусан, қишлоқда бола меҳнат билан қарғишдан бўлак нимани кўради. Оилада на фан, на бўлак мавзуда суҳбат қурилади. Шундай бўлгач, уларнинг орзуси ҳам, фикрлаши ҳам ўзига яраша-да. Мана, бас бойлашиб шу аёллардан сўраймиз: «сиз нимани орзу қиласиз», деб, Бир ҳалта ун, калиш ёки латта-путтадан бўлак нарсани тилга олишса мен отимни бошқа кўяман...

Мингтош бу гапнинг тўғрилигини дилдан тан олди. Лекин болаликда унинг орзулари кўп эди. Мактабдан бир тўда бўлиб, дугоналари билан чуғурлашиб қайтишар, касб танлаш ҳақида гап кетганда қизларнинг кўпчилиги оппоқ халат кийиб юришни кўз олдига келтириб, дўхтир бўлиш истагини билдиришарди. «Мен саяҳатчи бўламан», деб туриб оларди Мингтош. Бунинг қандай касб эканини билмас, аммо катта бўлиб албатта Ҳиндистонга бораман, деган истак сира тинчлик бермасди. Кейинчалик Япония билан Францияни ҳам севиб қолди. «Киносаяҳатчилар клуби» деган кўрсатув берилди бошлангандан кейин Миср эҳромлари, Эйфел минораси таъсирида юрди, бироқ ҳеч нарса уни Колорадо каньоничалик ҳайратга солмас, бу буюк жарликни ўз кўзи билан кўришни шунчалик кучли ҳиссиёт билан кўмсардики, ҳатто тушларига кириб чиқарди.

— Ҳар ҳолда халқ орасида бундай гапларни айтиб юрманг,— деди раиса пойтахтлик аёлни фикрини ифодалаб.

Мингтош хаёллар оламидан борлиққа қайтди ва сўради:

— Қандай гапларни?

— Қандай бўларди, ҳазрат, уч талоқ деган сўзларни!..

Йиғилишда айтилган кўп фикрлар қулоғига кирмади, зўр бериб талабалик йиллари хотираларини титкилайверди, шунча йиллар ўтиб, худди қақир-қуқирлар қалашиб ётган ташландиқ омборхонадан йўқотиб юрган ноёб қўлёмаларини топиб олган ёзувчидек ногоҳ хаёлига келиб қолган ўша расм ва теракни эслашга ва калаванинг учини қўйиб юбормасликка интиларди.

## XVII

Жарлик ҳар қадамда чуқурлашиб бормоқда. Деворлар, ниҳоят, қуёшни тўсиб қўйди. Тепада эни тасмадек кўкимтир осмон. Жарнинг тепасини шу рангдаги камбаргина матоҳ билан ёпиб қўйган дейсиз.

— Соҳибам, қаерга боряпсан?! — сўрадим ташвишга тушиб. Миянинг Шубҳалар масканида сал-пал жонланиш сезилгандай бўлди. Дарвоқе, бу қаср тўғрисида аввал гапиргандимми-йўқми, эслолмайман, аммо бошқа салтанатлардан, айтайлик, Гина қасри ёки Нафрат ўлкасидан тубдан фарқи борлигини ҳисобга олиб қўйганман. Сўроқ кўринишидаги сарой деразаларида ҳамиша барқарорлик, зарралар оқими қора ғорлар тубидан оқиб чиқиб чарх уради. Ишонч водийсидаги ёрқин нурлар, беғубор гул-

лар очилиб ётган ўтлоқлар кулги ва шодликлар жарангини дам-бадам босиб тушади.

Шубҳалар қасридаги жонланиш Қўрқув воҳасига етиб бормади. Соҳибам жадаллади. Бирдан қоп-қоронғи ғор ичиға кириб қолдик. Шунда Ваҳима саройининг қора чироқлари лопиглаб ёниб, бамисоли кўршапалак қиёфасидаги жониворлар, даҳшатли гулдурослар, жон ҳолатдаги чинқирикларга омухта бўлиб кетди. Ортаг қочмоқчи бўлдик. Аммо Соҳибамнинг пешонаси деворга бориб урилди. Ўнгга, чапга томон талпинди: ҳаммаёқ девор. Фақат олдинда, ғорнинг узоқ бир четида қизғиш шуъла кўринмоқда. Ўша томонга юришдан бўлак иложимиз қолмади. Менинг Соҳибам тугунчасини маҳкам кўксига босганча бормоқда. Ё парвардигор, биз ғарибларни ўзинг асра энди! Ҳадемай ғор ҳавоси бутунлай бўлакчалигини ҳис этдик. Рутубатли намликдан бизга нотаниш ҳид таралади.

Уйқу босаётгандай. Бу ҳолат қанча давом этганини англаб етмадим, энди ўша қизғиш аланга кўринаётган томонга шиддат ила учиб борардик. Гўё ғор ичида шамолнинг кучли оқими бору бу оқим вужудни бамисоли бир хас янглиғ олиб кетмоқда. Биз қип-қизил гуллар очилиб ётган кенг далага чиқдик. Кўм-кўк ёғду таралиб турган осмон остидан боряпмиз. Само қаватлари ўта зич ва пастдек. Ҳадемай қаршимиздан сон-саноқсиз гумбазлар пайдо бўлди. Улар остида қизил нурлар камаяр, йўлакда яна ҳаммаёқ лолазор каби ловулларди.

Қизил гуллар жуда кўп, сон-саноқсиз, гулзорнинг уч-қири кўринмайди. Ранглар алмашади, энди осмон ҳам, атрофдаги тепаликлар ҳам қизғиш, худди ана шу гулларнинг акси уриб тургандай. Кейинчалик буларнинг ҳаммаси атхаф экани маълум бўлди. Узоқдан кўринган тепаликлар-атхаф хирмонлари. Соҳибамнинг боши айланиб кетди. Дастлаб бу бепоеён қизиллик унга тетиклик бахш этди, ғайрати жўшиб, гулзорни айланмоқчи бўлди, лекин кўп ўтмай кўзлари толиқаётганини, бутун вужуди қизиб, боши оғирлашаётганини ҳис қилди. Беихтиёр кўзларини юмиб олди. Бир лаҳзанинг ўзида алвонранг майдону тепаликлар шу қадар жонига тегдики, кўзларининг кўр бўлиб қолишига ҳам розидек эди.

— Кўйворинглар мени, кетаман! — нола қилди ҳорғинлик билан.

— Сен бизга кераксан! — овоз келди қайсидир гумбаз ичидан.

— Унда, йўқотинглар бу гулларни! — қичқирди Мингтош кўзларини юмиб.

Соҳибам нега исён кўтармай фақат гулларни йўқотишларини сўраяпти? Шундай ўйлар билан теграмга назар солдим. Муҳаббат қасри қизғиш туманликлар ортида юксалиб турибди. Деразаларида нур йўқ, сукунат. Унинг қаршисидаги қаср Нафрат уйи ва улар ўртасида жойлашган турли кўринишдаги Шубҳа, Гина, Ҳазаб ва Уч саройларида ҳам ҳеч қандай жонланиш сезилмайди, фақат Беарволик уйи деразаларида билинар-билиномас шуъла ўйнамоқда.

— Булар гул эмас, атхаф, — жавоб беришди гумбаз томондан.

Соҳибам гандираклаб кетиб, ерга ўтириб қолди.

— Атхаф?

Мен ўрнашиб олган кўприкча ва бошим устидага ёйсимон сирт атрофда ҳужайраларнинг бетартиб ҳаракати кўринди. Нафрат қасрининг дарвозаси очилиб, кескин ва норози қиёфадаги лашкар Бош Кўзгу томон от қўйди. Айрим бўлинмаларда кўзғалиш шу қадар кучли эдики, ҳужайралар дош беролмай лоп этиб алангаланарди.

— Йўқолинглар! Йўқолинглар!!

Соҳибам кўзларини кафти билан ишқалаб, яна далага қаради. Шиша деворни пайпаслаб кўрди. Балки бу шаффоф деворлар далани қизартириб кўрсатаётгандир, деган хаёлга борди

— Сиз ким ўзи? Мен қайдаман?!

Сен Қизил Қурум сайёрасидасан. Биз Қизил Қурумликлармиз.

Ақлдан озяпман шекилли, деб ўйлади Мингтош. Балки ўлаётгандирман, одам ўлиш олдидан шундай ҳолатга тушиши ҳам мумкиндир, агар шундай бўлса тинчроқ ўлай деб уватга чўзилди.

— Роса ялқов бўлишарканми? ;

— Чарчаган жўринади. — Чуғур-чуғур қилишарди Қизил Қурумликлар.

— Бугун кўрсатолмас керак.

Бу гапдан Соҳибам, ҳушёр торти, мен ҳам диққат билан қулоқ тутдим. Қизиқ, нима кўрсатишимиз керак? «Осонроқ бирор юмуш бўлса, балки бажариб бериб қутулиб кетарман», деган хаёлга борди Соҳибам. Дилида умид учқунлари пайдо бўлиб сўради:

— Нимани кўрсатай, айтинглар.

— Тилла жувозни.

— Қанақа жувоз?

Соҳибамнинг овозида истеҳзо, ноиложлик ва ачиқ кулгу сезилиб турарди. Унинг ҳолатини пайқадим. Номмаълум одамларнинг тасаввурга сизмас даражадаги талабига бўлакча жавоб қилиш мумкин ҳам эмас. Гумбазлар шивир-шивирга тўлиб кетди. Қизил Қурум аҳли анча тортишувдан кейин кимнидир кутубхонага юборди. У ердан ўрт буклоғлик қоғоз олиб келишди.

— Тилла жувоз! Тилла жувоз! — қичқиришарди шодлик билан.

Соҳибамнинг эса ҳайрати ошиб борар, бу сира тушга ўхшамасди. Ҳамма нарса кўз ўнгида бўлаётганини билиб турса ҳам ётган жойида ўзининг баданини чимдиб кўрди. Йўқ, бу рўё эмас. Шунга ишонч ҳосил қилиши билан қаршисида росмана одам пайдо бўлди. У ерликлардан фарқ қилмасди. Фақат бўйи сал калтароқ, миқти, чорпаҳил. Соҳибам ўрнидан туриб, ўзини четга олди.

— Ўтиринг, ўтиринг, — мулозамат қилди Чорпаҳил.

— Мени сиз ўғирлаб келдингизми?

— Йўқ, йўқ, бунга ҳаддим сиғармиди?

— Унда ўз ихтиёрим билан келибман-да?

— Йўқ, сизнинг ҳам ҳаддингиз сиғмасди.

— Бундай жумбоқларга тобим йўқ, ишимни ташлаб келганман. Хўжайин нима дейди ҳали.... Кетмоним ҳам далада қолиб кетган, қайтишим керак.

— Овора бўлманг, хоним, барибир кетолмайсиз. Сизни илтимос қилиб олиб қолдик.

— Кимдан? Қандай қилиб? Ахир мен далада эдим. Кейин пастга тушдим, сойга, шундай бир иш билан...

— Унисини билмаймиз. Айтдик-ку, бизга Тилла жувозни топиб берасиз.

— Нима қиласизлар уни?

— Боқимандаликдан қутуламиз.

— Сотасизларми?

— Топшираамиз.

— Ҳаммаёқ атхаф-ку. Наҳотки боқиманда бўлсанглар!

— Гапни чалғитманг, Тилла жувозни топиб бермасангиз, сизни ишга соламиз.

Битта одам кўпайса ҳам ҳарна. Ҳар кун бир-икки тонна...

Соҳибам бу гапга унчалик тушунмади. Булар ҳисоб-китобни яхши билмаса керак, деган ўй билан ўз мулоҳазасини айтди:

— Сизларда бир тонна қанча бўлади?

— Бир тонна бўлади.

— Бир киши қанча теради?

— Икки тоннагача терадиганлар бор.

— Жуда кам-ку. Бизда бир мавсумда ўн тоннагача теришади.

— Нечтадан қўли бор уларнинг?

Соҳибам бу саволни ҳазил деб тушунди ва сўради:

— Сизларда-чи?

— Баъзиларда ўнтагача қўли бор.

Соҳибамнинг ёдига тушди, ахир, бола-чақаси билан чиқиб терган кишиларнинг сонига қараб беш қўл ёки ўн қўл, бир ўзи терса якка қўл дейиларди-ку!

— Бизда ҳам шундай. Ўнта қўли борлар галалашиб ўн-ўн беш тоннагача теришади.

— Кўп экан. Бир кунда ўн беш тонна!

— Нима деяпсиз, бир мавсумда.

— Мавсум деганингиз неча кун бўлади?

— Об-ҳавога қараб-да. Ёғингарчилик бўлмаса тўрт ойга чўзилади. Умуман, ёғингарчилик бўлганда ҳам шу.

Чорпаҳил ўйлиниб қолди. Сўнгра ўзига ўзи гапариётгандай минғирлади:

— Биз Тилла жувозни қўлга киритишимиз керак. Агар топиб бермасангиз, эртадан бошлаб сизни атхафга соламиз. Гавдангиз мос, бўйингиз дароз, елкаларингиз ҳам кенгина экан, ўнтагача қўл чиқаришимиз мумкин.

Мингтош бу гапларни алжираш деб тушунди. Уйлаб туриб, менга ўн киши қўшиб беришлари ҳам мумкин, нима бўпти, терсам теравераман-да, деган хаёлга борди. Сўнгра Чорпаҳилнинг юзига синчиклаб қаради. Ранги заҳил, хафақон, кўзларида мутелик ва ҳорғинлик. Ҳазиллашадиган ҳоли йўқ. «Унда нега бир кунда икки тонна терасиз деяпти...»

— Қандай қилиб бир кунда икки тонна тераман?

— Қизил қурум ичираамиз.

— Нима у?

Соҳибамда юз бераётган ўзгаришдан ажабланардим. Гапларида ҳазилга мойиллик бор. Авваллари сезмаган эканман.

— Сурбошларда шундай дори бор, — жавоб қилди Чорпаҳил.

— Бас қилайлик бу масхарабозликни. Очинг эшигингизни, кетишим керак. Эрим билса, ўлдиради. Яна шўримга шўрва тўкилиб ўтирмасин. Пода келар маҳали ҳам бўлгандир.

— Хоҳишингиз, биз яхшиликча ўз тақлифимизни айтдик, — деди Чорпаҳил ўрнидан тураркан. — Демак, эрта оқшомдаёқ дори ичасиз.

Соҳибам ёмон бир нарсани ҳис қилди. Чорпаҳилнинг овозида дўқ-пўписа ёки таҳдид йўқ бўлса-да, қандайдир ишонтирувчи куч ва муқаррарлик бор эди. Хўш, ўша

дорисидан ичиб атхафни кўп терадиган бўлсам, қайтанга яхши эмасми, мендан нима кетади, тезроқ уйимга жавоб беришса бўлгани, деган хаёлга бориб сўради:

— Аччиқми?

— Ичиб кўрмаганман. Истеъмол қилганлар уч кун ҳушсиз ётишини биламан, холос.

— Сиз ўзингиз қанча терасиз бир кунда?

— Мен термайман, тердираман. Биз тўқсон тўққиз кишимиз, раҳбарлик қиламиз.

Сурбошларга ҳисоб бериб турамыз, қолган ҳамма теради.

— Қани далада ҳеч ким кўринмайди-ку?

— Сиздан уялишяпти.

Яна алжираяпти чоғи, хаёлидан ўтказди Соҳибам.

—Менинг нимадан уялишаркан, — сўради Соҳибам.

— Сиздан эмас, ўзларидан уялишади. Чунки улар Қизил Қурум ичишган.

— Вой ўлмасам, бу дори кишини уятчан қилиб қўяркан-да.

Соҳибам ўнғайсизланди:

— Худо хайрингизни берсин, очинг эшикни, бўлмаса дод соламан. Майли, мени ўша одамлар қошига олиб боринг, бу ерда ёлғиз турмайлик.

Чорпаҳил бироз тарадудлангач, рози бўлди. Чўнтагидан калит олиб, шиша эшикни очди. Далага чиқдик. Шунда бу мамлакатдаги кўп нарса Ердагига ўхшашлигини билдик. Фақат ҳаво жуда тоза, тутуну чанг йўқ. Уйлар ҳам Ердагидек. Бўғотлари, эшигу деразалари бор. Ҳалиги кўк гумбазлар энди ҳеч қаерда кўринмасди. Гўё Чорпаҳилнинг калити нафақат қулфни, балки гумбазларни йиғиштириб, қулф тили кириб турадиган тешигига жойлаштириб юборгандай.

## XVIII

Қишлоққа кираверишда етти-саккиз ёшлардаги қизчага дуч келдик. Соҳибам ҳайратланиб Чорпаҳилга қаради. Боланинг қўли учта! Е парвардигор, бу қандай кўргилик? Бошидаги учинчи қўли ёш филчанинг хартумидек осилиб турарди. Бизда ҳам баъзан шунақа туғма таъвиялар, ногиронлар бўлади-ку, бу ҳам шундайлардандир-да, деган ўй ҳали миясида қарор топиб улгирмасиданоқ дарвозадан бир тўда ўсмирлар чиқиб қолишди. Уларни кўриб, Соҳибам ҳушидан айрилаёзди. Айримларида ўнтагача қўл бор! Ўсмирлар ҳақиқатан уялишардими, кишининг юзига сира тик қарашмас, ўнг томондаги қўлларидан уч-тўрттасини кўкракларига қўйганча саломлашиб, ердан кўз узмай ўтиб боришарди. Соҳибам гангиб, тили калимага келмай қолди, тиззалари қалтирай бошлади.

— Бўлди! Кетайлик!

Чорпаҳил чаққонлик билан Соҳибамнинг қўлтиғидан олди. Шундай қилмаганида, йиқилиб бирор жойимизни шикастлашимиз тайин эди.

— Майли, мени ўша шиша уйларга қаманг, розиман, — минғирлади Соҳибам ранги бўздек оқариб, — аммо қишлоққа кирмайман.

Қадам босишга унинг мадори қолмаганиди. Кўнгли озиб, қайт қилгиси келарди. Орқага қайтдик.

## XIX

Атроф аста-секин қоронғулашиб, тун чўкди. Соҳибам шундагина бу ернинг осмонда қуёшни кўрмаганини эслади. Аммо шу қадар ғамгин эдики, бу ҳақда ўйлашни истамасди. Балки бордир, одам одатда осмонда қуёш бор-йўқлигига эътибор қилмайди. Қишлоғи ва уйи кўз олдидан ўтаверди. Болалар нима бўлдийкин, сигир-чи? Ўтсиз қолди-да, жонивор, соғилмади ҳам. Хўжайиндан бир калтак ейдиган бўлдим-ов. Бунча кечикди, деб дарвоза олдида кутиб тургандир. Кетмон-чи? Далада қолиб кетганди. Эртагача турармикин? Эгатга ётқизиб қўймаган эканман-да. Бундай бўлишини қайдан билай... Уйлар билан тўлган мияси гувиллар, дунёда нималар бўлаётганини, Чорпаҳил ва унинг фуқаролари «99»лар қўмитаси қўлидан қандай қилиб қутулиш мумкинлигига сира ақли етмас, ўз қишлоғининг қайси томондалигини биллолмай хуноб бўларди. Чеку чегараси йўқ мубҳам ўйларнинг адоғида: «мен бу ерга қандай қилиб келиб қолдим ўзи?» деган савол турарди. У эрта тонгданоқ қочиш керак деган қарорга келди. Чорпаҳил жуда содда бўлиб туюлар, уни ҳар қандай йўл билан алдаб кетиш мумкиндек эди.

Тунни чоғроққина гумбаз остида ўтказдик. Чўнқайиб ўтирган Соҳибамга ачинардим. Унинг кўзларига уйқу инмади. Тиқ этган товуш эшитилмаса-да, қўрқувдан дағ-дағ титрарди...

## XX

Туни билан ўйлаб чиқдим. Режаларим турли-туман. Аммо ҳеч бири кўнгилини тўлдирадиган эмас. Ахийри, нима бўлганда ҳам Чорпаҳилни алдаш керак, деган

қарорга келдим. Уша машъум дорини ичмай туриш, Соҳибамни шунга кўндириш, муғамбирлик қилиш зарур. Қочиб кетолмаймиз. Ҳамма томон шиша деворлар билан ўралган.

Соҳибам кунни йўл қараб ўтказди. Ҳеч ким келмади. Бизни унутиб қўйишгандай. Йўқ, ўйловимиз нотўғри экан. Уша кун «99»лар қўмитаси Чорпахил бошчилигида катта йиғилиш ўтказди. Юқоридан кўрсатма келишини кутишди.

## XXI

Яна тун чўқди. Оқшомги қизилликка чулганган туман ўрнини сурранг қоронғулик эгаллади. Соҳибамнинг ўйлари кечагидан ҳам ғамгин. Остонада чўнқайиб ўтирар, кўзларидан шашқатор ёш оқарди. Бир неча бор ўрнидан туриб, шиша қаср ичини айланди. Бирор жойдан тешик-туйнук топилса, чиқиб кетишни мўлжалларди. Бир-бирига торгина йўлақлар орқали туташган гумбаз шаклидаги шиша хоналарда эса бундай йўлдан ному нишон йўқ. Аниқроғи, бир гумбаздан иккинчисига ўтиш билан йўллар ўз-ўзидан ғойиб бўлар, ачиган хамирдек чўзилиб гумбаз деворларига қўшилб кетарди. Хоналар сони тўқсон тўққизта бўлса керак, деб тахмин қилдим. Улар шу қадар тартибсиз қурилганки, ҳеч қандай йўл билан санаш имкони йўқ.

Соҳибам ўйга чўмиб қолди. Юзида ташвиш ва ажабланиш аломатлари, бу ҳолатлар дам ўтмай ғазаб ва нафратга йўғрилади. Шунда хаёлнинг Бош кўзгусига қарадим. Атхафзор, болалар эгатларга сочилган уватда, қатор тутлар остидаги сояда бир киши турибди. Қўлида толхвич. Қаттиқ-қаттиқ сермайди, гиёҳларнинг боши чирт-чирт узилади. Бир дам тўхтаб, сариқ мўйлабини силайди.

— Ҳов, мурғак мошинча!

Сариқ Мўйловнинг қичқирғидан Соҳибам титраб кетади. Уйлар устига ёпилган шиша осмон остидан бораркан, буларнинг ҳаммасидан қутулишни истайди. Тез орада бунинг имкони йўқлигини тушунди. Деворларни пайпаслаб узоқ юрди. Умидсизланиб, шиша кўприкчада оёғини осилтирганча ўтириб, ўйга толди. «Хўш, ўртоқ Машойиховна, аҳволингиз нечук энди, Тилла жувозни топиб бериш қўлингиздан келадими? Йўқ, албатта. Аёл кишиман-ку, эркак бўлганимда ҳам қўлимдан ҳеч иш келмасди. Булар эса тушунишни иташмайди. Демак, бирдан-бир йўл қочиш ёки ўша доридан ичиш»...

— Эй худо, ўзинг ёрдам бер! — нидо қилди Соҳибам кўзларини шиша осмонга тикиб. Шунда аллақандай бир юлдузнинг шиддат билан яқинлашиб келаётганини кўриб қолди. Кимнингдир паймонаси тўлди деб ўйлади. Учар юлдуз ёғдуси тамом сўнгунча ундан кўз узмади. Орадан ўн дақиқалар ўтмай, шиша том устида чироқлари кучли ёғду таратиб турган қандайдир жисм пайдо бўлди. У осмонни ва юлдузларни тўсиб қўйди. Яна бир оздан сўнг шиша қаср эшигининг очилгани эшитилди. Ваҳимага тушиб қолган Соҳибам ўзини панага олди. Уй ёнида ғурум-ғурум бўлиб, худди новдан осилиб тушган музсумалакдек антиқа шаклда қотиб қолган девор жонига ора кирди. Шу ерда туриб шиша сумалак тирқиши орасидан кузата бошлади. Парда кўтарилиб сахна очилгандай, қатор тизилиб ўтирган кишилар кўринди. Ҳаммаси бир хил кийинган, елкадан этак учигача турли шаклдаги ялтироқ маъдан парчалари. Нима қилишяпти ўзи булар? Мен ҳам ана шу саволга жавоб топиш истагидан кузата бошладим. Улар ўнг қўлларини чўнтақларига тикишар, гавдаларини чапга томон сал эгганча нимадир олишар ва сўнгра жуда қизиқ жараён бошланарди. Чўнтақдан чиққан қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари худди қуш тумшугидек бир-бирига қовушганча юзга томон ҳаракатланар ва худди шу ҳаракат чоғида ўша «тумшук» орасидан алланарса пайдо бўларди. Қўл оғзига етиб келмасдан туриб «тумшук» салгина очиларди-да, худди pistaга ўхшаш алланарса ярим доира ясаб учганча оғзига келиб тушарди. Ҳа, бу pista. Албатта, оғиз ҳам бунга тайёр бўлар, лаблар очилиб pistaни илиб оларди. Оғиз бўшлиғида чаққон ҳаракатланаётган тил pistaни тикка қилиб тишлар орасига узатар, қарс этган овоз чиқиши билан оғизда сўлак безлари ишлаб кетиб энг қизиқ, энг кулгили ва энг жазавали ҳолат бошланарди. Дунёда бундан кўра антиқароқ томошани кўрмагандим. Соҳибам ҳам дардларини, ҳатто тутқунлигини унутганча берилиб томоша қилмоқда. Уйғунлик! Оҳ, нақадар жозибали бу уйғунлик!

Бу машғулот томошаси ақлимизни шунчалик олган эканки, хонага кириб келган кишини пайқамай қолибмиз. Қаршимизда узун бўйли, оқсарикдан келган киши турди. «99»лар қўмитаси қалқиб ўрнидан кўзгалди. Чорпахил олдинга чиқди, қолганлар унинг ортидан саф тортишди. Ҳамманинг қўли кўксиди. Нишонларнинг совуқ сирти қўллардан илқилик олиб, ўз совуқлигини бармоқларга улашмоқда. Чорпахил олдинга ўтиб, Сурбош томон юрди, улар самимий кўришдилар.

— Нега кеча атхаф терилмади?

Сурбошнинг улуғвор овози сукунатни бузиб, саройни янграшиб юборди. Чорпахил олдиндан пиштиб қўйган эканми, дарҳол жавоб қайтарди:

— Уртоқ Сурбош! Энди, шундай бўлиб қолди, бугун-эрта икки ҳисса кўпайтирамиз. Режа албатта бажарилади. Мажбуриятни ҳам уддалаймиз. Дарвоқе, халқимиз



қўшимча яна эллик минг тонна мажбурият оламиз, деяпти. Буни эплаймиз. Ўлсак, атхаф ичида ўламиз. Халқимизнинг хохиш-иродаси шундай!

— Ваъда берамиз! — қўмита аъзолари бир овоздан қичқиришди. Товуш кучиданми, ёки гапираётганда, кўкракнинг тўлқинланишиданми нишонлар яна жаранглаб кетди. Чорпаҳилнинг имоси билан сафдан кексароқ бир киши ажралиб чиқди. Кўзлари қорамуғдек, юзи қизил ва ёғлик, энгаги тўрт бурчак, кўринишидан катта давраларда кўп бўлган бу одам Сурбош томон юрди. Чап қўлини кўксига қўйиб, ўнг қўлини узатди, Сурбош унинг қўлини ушлаши ҳамон чап қўл ҳам етиб келиб, Сурбошнинг бармоқларини ўртага олди.

— Сиз пайғамбаримизсиз! — деди қария.

Сурбош мийиғида жилмайди.

— Ҳа, мен бу гапни бутун халойиқ олдида айтаман. Пайғамбар бўлса сизча бўларди. Ризқу рўзимизни бериб турибсиз. Оталарча ғамхўрлигингиз учун раҳмат. Бу яхшилиқни билмаган кишининг кўзи кўр бўлади. Ҳар йил туғилаётган барча гўдакларимизнинг отаси ўзингиз!

Чорпаҳил яна имо қилганди, қўмита аъзоларидан бири дуторга ўхшаб кетадиган мусиқа асбобини кўтариб чиқиб, Сурбош шаънига ҳамон мадҳия ўқиётган шеригига узатди. Торлар жаранглаб кетди:

Юртимизга хуш келмишсан, эй ўғлон,  
Ҳар сўзингга бўлсин жонимиз қурбон,  
Ҳеч нарсага арзимас атхаф олиб,  
Эвазига бермоқдасан ширин нон...  
Дарёлардан сув олиб ичолмаймиз,  
Сен айтмасанг жононни кучолмаймиз,  
Нўноқ халқим тақдирига раҳнамо,  
Қадамингга минг ҳасанот, салламно!

Сурбош бас дегандек қўлини кўтарди. Юзи жиддийлашди.

— Уртоқ Сурбош, халқимиз аҳил, кайфияти тетик. Кеча ҳар икки оиллага бир кулчадан совун бердик. Улар фаровон турмушларидан рози. Фақат бир илтимосимиз бор. Бизга машина керак. Шунда белгиланган режаларни ошириб уддалаган бўлардик.

Сурбошнинг қовоғи уюлди. Вазият қалтислашаётганини пайқаган Чорпаҳил ўртага тушди:

— Уртоқ Сурбош, гап шундаки, ҳалиги ўзингиз «ҳеч балога ярамайди», деб ташлаб кетган аёл атхаф теримига чиқмаяпти. У машина ҳайдашни биладигандай. Озроқ темир бўлса эди... машина ясатиб олардик-да.

Қанчалик лақма бўлмасин, Чорпаҳил Тилла жувоз тўғрисида оғиз очмади. Афтидан, буни сир тутишарди.

Сурбош норози қифада бош тебратди. Темирнинг ўзидангина машина ясаб бўлмаслигини, бунинг учун кўп нарса: бутун бошли корхона ва ишчилар, муҳандислар зарурлигини биларди, шу билан бирга қизил қурумликларнинг фаросати ўзига ярашади ҳам унга маълум. Буларга машина ясаб берилса, халқнинг фикри ўзгариши, яна талаб қилиши, натижада Сурбошлар сайёраси қарийб текин маҳсулотдан ажралиб қолиши, аниқроғи, мошина ва унинг ёнилғиси учун кетадиган маблағ оз бўлса-да, харажатнинг ошувига олиб келишини кўз олдига келтираркан, Чорпаҳилга тикилди. Халқнинг талабига қулоқ солиш, ён бериш уларда эркинликка, фикрлашга, талаб қилишга ва пировардида ишдан бўйин товлаш ва ҳатто озодлик ҳамда иқтисодий мустақиллик талабини уйғотиши мумкинлигини ўйлаб, улуғворлик билан томоқ қирди. Сўнгра чўнтагидан кичкина ялтироқ қўтича олди. Ҳаммага кўрсатди. Ичини очиб, бир бўлак қиррадор маъдан парчасини чиқарди ва Чорпаҳилнинг кўкрагига тақиб қўйди.

— Табриклайман, сиз энди қаҳрамонсиз, Соҳибизуғум, Соҳибиталотум ва Соҳибиятумсиз!

Ҳамма қарсақ чалди.

Сурбош яна чўнтак қавлади. «99»лар қўмитаси аъзолари орасида жонланиш. Шивир-шивир. Отасидан хўрозқанд олиш иштиёқида турган болалардек юзларда умид ва тама. Унлаб кўзлар сабрсизлик билан тикилиб турган қўл чўнтақдан чиқди. Узун сарғиш юнг қоплаган панжаларда нишон эмас, қандайдир қизил тусдаги шиша. Шунда биз шишалар ортдан қараб туриб, қўмита аъзолари юзида даҳшат ифодасини кўрдик.

— Ичсин!

Буйруқ жуда қисқа, аниқ, эътирозга ўрин қолдирмайдиган даражада кескин ва амирона эди. Чорпаҳил титраб-қақшаб унинг қўлидан идишни олди. Сурбош қўмита аъзоларига қўл силкиб жилмайганча хайрлашаркан, Чорпаҳилни бир четга имлади:

— Уртоқ Чорпаҳил, айтиб қўяй, интизом бўшашса, эртага ахтаф кўпаймаса, катта гап бўлади. Унда ўзингизга ҳам анавидан татиб кўришга тўғри келади.

Чорпаҳил қўлида симобдек титраб чайқалиб турган идишдаги суоқликка қараб ёлдиради:

— Ичираман!

Биз бу гапларни аниқ эшитиб турардик.

— Янги туғилганлар борми?— сўради Сурбош эшикка томон юраркан...

— Бор.

Сурбош уларга доридан ичирмай туришни, эрта-индин болалар учун махсус қанд ва кулчалар юборилишини айтиб хайрлашди. Чорпаҳил шиша идишни икки қўллаб маҳкам тутганча ичкари кирди. Хаёлимда у эшикни кулфлашни унутгандай, Соҳибамнинг ҳаяжонланишидан у ҳам буни пайқаб тургандай, юраги гурс-гурс уради. Биз унинг узоқлашишини кутдик. Соҳибам ўрнидан туриб, Чорпаҳилнинг қораси кўздан пана бўлиши билан шиша осмоннинг дала билан туташган уфқи томон югурди. Аммо қаерга бормасин, пешонаси шаффоф осмонга ўхшаш гумбаз деворига урилаверди. Шиша деворларни узоқ пайпаслади. Бор кучи билан итариб, тепиб кўрди, муштлади, ниҳоят, бутунлай умидсизланиб, ҳориб-чарчаб ўзини дуч келган ерга таппа ташлаш ниятида сўнги қадамларни босаётганида хаёлига ярқ этиб бир фикр келди. Халқни кўзғаб, шуларга қарши қўйиб, шиша тўсиқларни бузиб ташласа бўлмасмикин? Бунинг учун халқ орасига кириш керак. Бу фикр яна тутқунлигини ёдига солди.

## XXII

Оқшом. Соҳибам ва Чорпаҳил. Қаердандир жувознинг қоқлама бўлган пайтидаги овозига ўхшаш «қанг-қанг» деган садо келади. Соҳибамнинг хавотирга тўла кўзлари тиззаси устида титраётган бармоқларида.

— Охирги кеча,— дейди Чорпаҳил,— ҳал қилинг.

Соҳибам индамай бошини яна ҳам қуйироқ эгади.

— Икки йўлдан бирини танланг.

— Қандай йўл?

— Сизга айтганмиз.

Миз устида шиша идиш пайдо бўлди.

— Дору муддати уч кун. Кейин ичаман десангиз ҳам...

Соҳибамнинг нигоҳида умид ва қизиқсиниш аломатлари. Мен турган жойимда титрайман. Ишқилиб хатога йўл қўймаса бўлгани. Ичишга рози бўлмаслиги керак. Аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлади, деб эшитгандим, шундай қалтис дамда ҳийла ишлатмай-дими!

— Кейин-чи?

— Шишани эритиб юборади.

Соҳибам ҳайрат билан идишга тикилади.

— Ҳали икки кеча-кундуз боракан-ку.

Унинг овозидаги ўтинч ва шафқат оҳангларини маъқуллайман. Бундан руҳлангандек, Соҳибам қаршисидаги эркакка илтижо билан қарайди.

— Бор, аммо сизга фақат шу оқшом муҳлат бераман. Сурбош яна келиб қолиши мумкин.

Шундай деб эркак бошини кўтарди, Соҳибамга қаради, сўнгра шу лаҳзада Сурбош келиб қолиши мумкиндек нигоҳини кўкка тикди. Торгина пешонасига тушган бир тутам сочи шабодада ёйилиб, таралиб турар, кўзлари қон тусида қизариб кўринарди. Қалин, дўрдоқ лаблари ҳолдан тойиб бораётган кишиникидек ярим очиқ. Чорпаҳилнинг анчайин жозибали киши эканини пайқамай юрганлигимга ажабландим.

— Эшитяпсизми? — деб қолди бир пайт Соҳибам.

— Нимани? — сўради Чорпаҳил аллақандай хавотир ичида.

— Қаердадир жувоз ҳайдашяпти.

— Қўрқитиб юбордингиз, — тан олди Чорпаҳил. — Жувоз эмас, манави.

— Наҳотки!

— Ҳали ҳеч нима эмас, учинчи кеча чунонам нола қиладики, тош ҳам эриб кетиши ҳеч гап эмас.

Бирдан хаёлимга ялт этиб бир фикр келди. Ё танграм, ўзинг мадад бер! Озодлик яқинга ўхшайди. Соҳибам, янглишма энди. Дорини олиб қол, ичишга ваъда қил!

Ваъда қил! Ичасан! Ичасан!

— Шу дори чинқиряптими ҳали?

Эркак кулди. Аёл эгилиб қулоқ тутди. Шунда унинг ҳалқа-ҳалқа сочлари миз устига ёйилиб тушди. Эркак талпиниб, қўлларини чўзди. Билмадим, дорини олмоқчи бўлдим ёки Соҳибамнинг сочларини... титроқ бармоқлар аёлнинг боши устида бир дам ҳавода муаллақ қотди. Соҳибам қаддини ростлади. Бошини кўтараётганида, эркакнинг бармоқлари сочига теккандай сесканди.

Сўнг деди:

— Ичаман!

Чорпаҳилнинг бутун вужуди билан титраётганини сездим.

— Ичаман! — деди қатъият билан Соҳибам.

— Соҳиб... ўйлаб кўр, соҳибжамол!

— Ичаман!

— Зебо қоматингдан кечасанми?!

Начора.

— Ахир, сен дунёда энг гўзал аёлсан!!!

Соҳибам тошдек қотиб қолди. Гапирмоқчи бўлар, ич-ичидан бир овоз «Маҳкам! Маҳкам!» дея нидо берар, аммо ташқарига чиқмасди. Жуда мушкул аҳволда қолдим. Наҳотки, шу одам Маҳкам бўлса! Балки у ҳалиги гапни тасодифан айтиб юборгандир?

— Йўқ, ўйлаб кўр, вақт бор, ўйлаб кўр!

Шундай дея Чорпахил ўзини Соҳибамнинг оёқлари остига ташлади. У хўнграб йиғларкан «Мени хазон қилма, сен энг гўзал аёлсан», дер эди. Бундай бўлишини сира кутмагандим. Нима, бу севгими? Нега «мени хазон қилма», деяпти? Ташқаридан қадам товушлари эшитилди. Чорпахил дарҳол ўзига келди. Урнидан қақсон туриб, кўкрагидаги нишонни тўғрилади, эгнини қоқди ва расмий оҳангда деди:

— Уйлаб кўринг, ё Қизил Қурум ё... Бўлак йўл йўқ!

Эшик ёпилди. Хонага сукунат чўкди. Фақат ўша узоқдан келаётган жувоз овозидек «қанг-қанг» деган овоз ҳукмронлик қиларди.

### XXIII

Биз ёлғиз қолдик. Миз устида ўша машъум дори. Соҳибам унга кўрқув билан тикилади. Назарида, шиша идиш титраётгандай. Ҳа, аслида ҳам шундай, бу титроқ ҳатто мизга ўтиб, унинг сатҳида сезилар-сезилмас қалтираш ҳосил қилмоқда. Соҳибам бу фалокатдан чўчиб, хона бурчагига тикилди. Унга ёрдам беролмайман. Нима қилиш керак. Дарвоқе, дорини олиб қолишга мен даъват этгандим-ку. Мана, ният амалга ошай деб турибди...

Шу пайт Соҳибам даҳшат ичра қичқириб юборди. Дод солиб, қўли билан кўзларини тўсганча бурчакка тикилди. Мен ҳам даҳшатдан тошдек қотдим. Шишадаги титроқлар кучайган, миз сатҳи денгиздек мавжланар, оёқлари тахта полга тақирлаб урилганча қалтирарди.

Эшик тақиллади. Шиша девор ортида аллақандай шарпа кўринди. Ноаниқ шакли сабабли одамми ёки бирор ҳайвонми билиб бўлмасди. Соҳибам дорини унутиб, шарпага қулоқ тутди. Ташқаридан овоз келди:

— Эй, ҳурилиқо!..

— Кимсиз?

— Қўмитаданман.

— Ҳали ичмадим.

— Йўқ, мен бошқа масала?

— Қандай масала?..

— Сени севиш масаласи.

Жимлик.

— Сени севаман.

Дилида умид учкунлари уйғонган аёл шошқалоқлик билан сўради:

— Бу ердан мени қутқара оласизми?

— Қутқараман.

— Тезроқ бўла қолмайсизми унда!

Сабри чидамай Соҳибам деворни итаришга тушди.

— Йўқ, аввал ваъда бер.

— Нима дейин, ахир?

— Севаман де.

— Майли, айтганингизча бўлақолсин.

— Йўқ, севаман демадинг.

— Майли деяпман-ку, бўлди, очинг эшикни.

— Йўқ, севаман де.

— Севаман! Ана бўлдими?

— Йўқ, «ана бўлдими» сини олиб ташлаб айт.

— Вой худойим-эй, бу қандай одам ўзи. Севаман.

— Бўлмади. Севаман десанг қутқазаман.

— Севаман.

Ташқарида шовқин кучайди. Кимдир қочди, бошқаси қувди. Сўнгра шиша том устига нимадир ёпилар. Яна ҳаммаёқ тинчиб қолди. Соҳибам ерга беҳол чўккалади. Оҳ уриб йиғлашга тушди. Шу кўйи ухлаб қолди. Бундай пайт мен ҳам уйқуда бўлардим. Бош мияда сокинлик бошланар, хотира кўзгуларини артиш, минглаб сўз ва тасвирлар, воқеаю ҳодисалар қалашиб ётган «кутубхона»ни йиғиштириш

бошланарди. Фикр сандиқлари ёпиларди. Фақат орқа мия йўлақларида соқчи хужайралар уйғоқ, айрим керак-нокерак ҳаракатларини бажаришади...

## XXIV

Чўчиб уйғондим. Ҳаммаёқ тўс-тўполон. Қиёмат деганлари шумикин? Даҳшатли шамол эсар, қутурган бўрон уввос солиб қасрларга, сарою водийларга ҳужум қиларди. Хужайралар тўс-тўсига қочмоқда. Улар паноҳ истаб ўзларини дуч келган сарой эшигига урадилар. Бўрон қутура бориб шу даражага етдики, Соҳибамнинг танасини кўтариб, хона ичида чирпирак қилиб айлантира бошлади.

Нима воқеа юз берди ўзи? Бирор нарсани кўриш имкони йўқ. Бир лаҳза кўз ўнгим ёришди. Вазиятни баҳолаш учун шунинг ўзи етарди. Ичибди! Соҳибам дорини ичибди! Бўшаб қолган шиша ерда ётарди. Э воҳ! Энди ҳолимиз нима кечади?! Бир пайт қутурган бўрон мени орқа мия тарафга суриб кетди. Бу ерда Ихтиёрсиз ҳаракат соқчилари бетартиб югуришарди. Бир амаллаб тирмаша-тирмаша юқорига чиқиб олдим. Шундай кучли бўрон бўлаётганига қарамай, бир гуруҳ хужайралар орқа мия соқчиларини ушлаб келиб, сўроққа тутишмоқда. Сайл ўтгандан кейин деганларидек энди суд қилишдан не наф?

Ахийри ҳорғинлик вужудимни ўз бағрига олди. Ухлаяпман. Ухлаяпман...

## XXV

Ақл лашкарларини чорлай бошлаганимда бўроннинг сусайиб қолганини пайқаганим. Кейин қанча ухламаганим номаълум. Балки бир тун, балки бир аср. Фақат уйқу орасида учиб бораётганимни, шиддат билан ҳаволаётганимни ҳис қиламан. Кейин совқота бошладим. Назаримда ҳамма-ёғим ҳўл. Уйқусираб илиқ ҳарорат келаётган томон силжийман. Роҳат! Унинг қучоғида ётибман! Дастлаб, туш бўлса керак, деб ўйладим. Унинг юзини, сочларини силаб кўрдим. Уша, Роҳат! Уни маҳкам бағримга босдим. Самовий ҳолат!

## XXVI

Биз тутқун эдик-ку! Ногоҳ шиша қасрлар, Сурбош, «99»лар кўмитаси ва Чорпахил ёдимга тушди. Ғайритабиий бир куч билан ўрнимдан отилиб турдим. Роҳат тинчгина ухларди. Хона ғира-шира ёруғ. Ерда шиша идиш. Қалт-қалт титраганча уни қўлга олдим. Чорпахил айтган гапни эсладим.

«Қизил Қурум шишани эритади!» деганди. Идишни ёруққа тутиб қарадим. Бор! Бир бармоқ бўғинича суюқлик титраб турибди. Шиша идишнинг тузилиши, қаватлари бўлакча қорни катта ва аксинча оғзи тор бўлгани сабабли анчагина суюқлик ичилмай қолганди. Дорини шиша қаср деворига сепдим. Лаҳза ўтмай қаср дарз кетди. Қулоқни қар қилар даражада кучли қарсиллаш эшитилди.

Роҳат кучли ёруғликка дош беролмай кўзларини юмиб олди. Уфқда нимадир ёруғ нур таратиб порларди. Худди шиша осмон тешигига ўхшаш бу нарсанинг кувёш эканини дафъатан пайқамади. Бир муддатдан кейин ёшланган кўзларини очиб, атрофга қаради.

Жарлик!

Тик деворлар, қушларнинг сон-саноқсиз инлари.

Роҳат қўлтиғига тугунчасини маҳкам қисганча жарлик ичида ҳамон ўша алпозда турарди. Ё парвардигор, бу не синоат! — Хитоб қилди у, — шайтон йўлдан оздирдимми? Кўрганларим ҳушимми ё тушимми? Наҳот тик туриб ухлаган бўлсам! Йўқ, асло мумкин эмас, бу қумлоқдан ўтиб кетгандим, қандайдир ёрга кириб ҳавода учгандим, қизил далаларми, шу рангдаги ўсимликларни, шиша уйларни кўргандим. Чорпахил-чи? Сурбош, «99лар кўмитаси-чи?» Менга Қизил Қурум ичиришмоқчи эди. Ё алҳазар, қутулганим чин бўлсин!

Роҳат кўзларига ишонмай тегарасига аланглади. Қўлтиғидаги тугунчасини пайпаслаб кўрди. Оёғида ўша калиш, ҳатто даланинг тупроғи ҳам ўша-ўша. Сўнгра ёқасидан қўл солиб, гавдаси билан жар девори томонга ўрилганча нимадир пайпаслаб кўрди-ю, ҳовликиб қолди. Бу ердан тезроқ кетиш кераклигини тушунди.

Тезроқ!

Тезроқ!

Тошлоқ ўзан бўйлаб югуриб бораркан, тинимсиз ана шундай деб такрорларди. Ўзан тобора саёзлашиб бораверди. Мен ҳам қадамимни тезлатдим, югурдим:

— Роҳат, Роҳат! Тўхта! Биз энди бирга бўлишимиз керак!

Аёл ортига қарашга юраги дов бермагандек чорловларимга эътибор қилмас, ёки яна қўлга тушиб қолишдан қўрқарди. Жарлик девори пасая бориб, қуриган хашақлар билан қопланган сойга қўшилиб кетди. Худди шу ердан аёл юқорига кўтарилди. Қарши-сида тиканли симлар билан қуршалган мавзе намоён бўлди. Аёл «99лар кўмитаси»дан шу даражада қўрқиб қолгандики, қутулиш учун ўзини жон ҳолатда сим тўсиққа урди.

Неча кундирки, хароба уйлар орасида кезиб юрибман. Тасаввуримнинг мубҳам оламига қанчалик мафтун бўлмай, Соҳибамни унутганим йўқ.

Сокин хиёбон. Елғиз ўзим хаёлларга берилиб юрибман. «99 лар қўмитаси»га раҳмат айтгим келади. Ушаларнинг лаънати дориси Соҳибамга қаттиқ азоб берган бўлса-да, мен учун доялик вазифасини ўтади. Қайта туғилдим гўё. Ерусти мамлакатига чиқиб олсам ва Соҳибамни ҳам олиб кетолсам, марра меники. Балки, кампирнинг ўзини ҳам ташлаб кетмасмиз?

Уйкуга кетиш олдидан қилган қарорим ўз таъсирини кўрсатди. Тонгда, атроф эндигина ёришаётганда ўрнимдан туриб, бадантарбия қилдим. Тетик руҳ билан юқорига кўтарилдим-да, сариқ эшикчани очиб, ичкарига мўраладим. Ҳеч ким йўқ. Бошқа қаватларни кўздан кечирдим. Уйнинг хоналари қай тартибда жойлашганини сира тушуниб бўлмасди. Сарик эшикчали хонадан қуйида олтинчи қават қолиб бирдан бешинчи бошланар, тўртинчи қават эса учунчининг остида эди. Рақамлар бўйича ҳисобланса ҳаммаси тўғри, гап шундаки, зиналар махсус лойиҳа бўйича ишланган бўлиб, кишини адаштирар экан. У ёқдан-бу ёққа зир югуравериш, биринчи қаватдан бошланганим пиллапоё иккинчи қаватни четлаб ўтиб бирдан учинчига олиб чиқишини ёки аксинча, учинчи қават зинаси бешинчига олиб боришини, тушишда эса бунинг тескариси бўлишини аниқладим. Аммо кампирдан дарак йўқ. Изқуварлик қилиш учун айрим воситалар кераклиги учун, бундан ташқари, тирикчиликка зарур бўладиган майда-чуйдалар зарурати боис, шаҳарга тушишга қарор қилдим. Ўлик шаҳарга эмас, албатта. Бизнинг қароргоҳимиздан етти чақирим нарида янги шаҳар қад кўтарган. Катта бозори бор, дўконлари кўп, маҳаллалари гавжум. Ўлик шаҳар аҳолисининг бир қисми ўша ерга жойлаштирилгани сабабли, кўчаларда ҳамиша одам тирбанд.

«Оловбардор» деб номланган кўчадан ўнг тарафга қайрилиб, чоғроққина майдончадан ўтдим-да, бозор томон юрдим. Коба мадрасасидан бозор дарвозасигача қатор тиланчилар. Ҳаммадан олдинда қўлтиқтаёққа суюнган ўртайшар бир киши дўпписини тутиб турарди. Ундан нарида қопдек шишиб кетган ёшгина қиз ҳаракатсиз, қотиб ўтирибди. Ортида эса чоллар, кампирлар, гўдаклар. Нимжонгина бир бола қўлчасини чўзганча «Гулистон шаҳрига бориб етим қилган онажоним» деб нола қилмоқда. Унинг ёнида, ўн қадамча берида тиззасига бир тўп латталар уюмини қўйган бир аёл. Олдидан ўтаётиб зеҳн солсам, мен латталар уюми деб ўйлаган нарса бола экан. Шўрлик қизгина қуруқ ерда, бошини онасининг тиззасига қўйиб ухлаяпти. Она эса қўлини чўзганча тебраниб ўтирибди.

Аёлнинг кафтига танга ташлаб, қад ростлашим биланоқ девор кунжагида букчайиб турган кампирни кўриб қолдим. Қадди дол, юзи кўринмайди. Эгилиб турганлиги сабабли, қўлидаги ҳассаси худди байроқ дастасидек туюлади. Букриси бўлмаганида зап бўйчан аёл эканми, деган хаёлга бордим. Нарироқ бориб, ўгирилиб қарадим: Кампир садақага қўл чўзган қўйи, ортимдан кузатиб турарди. Балки, менга шундай туюлгандир. Шу кампирга ҳам садақа берай, худо мушқулимни зора осон қилса деб ёнига келдим-да, чўнтагимдан танга олиб узатдим. Кампирнинг енги узунлигидан бармоқлари кўринмасди. Нимасидир ўлик шаҳар маликасини, яъни мен билан бир уйда истиқомат қилаётган тиланчи кампирни эслатарди. Балки, ўшанинг ўзими?..

## XXVIII

Уйга келганимда ҳам шу хаёл мени тарк этмади. Сабрсизлик ила ўрнимдан туриб кетар, хонада кезинар ва яна ётиб мушоҳадага берилардим. Гўё шу кимсасиз уйда Соҳибамнинг руҳи кезиб юргандай. Фақат ўликларнинг эмас, балки тирикларнинг ҳам руҳи кишига аён бўлиши, кўриниш бериши мумкин. Ногоҳ девор ортидан шарпа эшитилди. Ҳушёр тортиб, қулоқ тутдим. Товуш бошқа такрорланмади. Уйлаб кўриб, ичи кавак чўян ўғирчага ўхшаш идишининг ерга тушиб кетишидан шундай овоз ҳосил бўлади деган хулосага келдим. Уйнинг мен яшайдиган қаватида ўзимникидан бошқа яна бирорта хона борлигини пайқамандим. Даҳлизга чиқиб, нимқоронғи йўлакнинг охиригача бориб қайтдим. На эшик, на дераза бор. Хонага кириб, деворларни синчковлик билан кўздан кечирдим-да, бурчакка тақаб қўйилган курсини хона ўртасига томон суриб қўйиб мўлжал олдим. Худди шу жойда деворга тикилганча узоқ ўтирдим. Гилямнинг ортида гулқоғоз, унинг тағида оҳак қавати, кейин лойсувоқ. Агар шулар кўчириб олинса, қизил пишиқ гишт ва бетон қотишмасидан иборат девор кўринади. Вақт ўтиши билан гулқоғознинг ранги ўчган, йиртилган жойларида сарғайган оҳак кўриниб турарди. Гилям ортидаги қоғоз ранглари тиниқроқ, чорхона шакллари ичида бинафшаранг япроқлар дастаси. Узоқ тикилганимдан кўзларим толиқдимми, чорхона шакллари қорайиб, тиниқ тортиди. Гилямнинг нақшлари ойнадек шаффоф. Қўшни хона мен турган жойдан қоронғироғ-у, девор тешигидан ана шу қоронғулик сизиб ўтиб, гилям сатҳига таралаётгандай. Қоронғуликнинг тиниқ тортиши ғайритабиий туюлади. Шу ҳолат мени шу қадар ром этдики, ўрнимдан туриб девор ёлдига бордим, бармоқларим билан гилям сатҳини ушлаб, сийпалаб

кўргим келарди, аммо ҳолатнинг ўзгариб кетишини истамаганлигимдан нигоҳим ила деворни «пайпаслаш»да давом этдим.

Нариги томондан аввал каравотнинг ғижирлаши, сўнгра электр чироқ тугмачасининг «чирқ» этиб босилгани эшитилди. Девор ортида кимдир бор. Аёл! Қўшнимнинг аёллиги аниқ!

Тўшақка кирарканман, қўшнимнинг каравоти ҳам худди шу жойда деворга тақаб қўйилганини, ўртамизда бир қаричгина ғишт қатламидан бошқа ҳеч нарса йўқлигини, агар гиламга қапишиб ётсам, ўша аёл билан қарийб бир тўшақда, унинг кучоғида ётиши мумкинлигини ҳис қилдим. Чироқни ўчирдим. Зулумот пардасига бурканган хона. Ташқарида момақалдиروқ гулдурсию ёмғир шарроси. Ногоҳ кўкимтир ёғду дераза пардасини кесиб ўтиб, деворни ёритди. Шунда сира кутилмаган ҳол юз берди. Гилам юнглари ва унинг ортидаги гулқоғоз рангсизланди, девор шаффоф тортиди. Нариги хона деворига илинган гилам ва унга тақаб қўйилган каравотнинг бир чети кўзимга яққол кўринди. Аммо бу жараён поёнига етмади, чироқ сўниши билан хона яна зим-зиё бўлди-қолди. Шунда ўзимга келдиму эшик томон отилдим. Чироқ ёнди. Кўзларимга ишонмай, гиламни қўлим билан ушлаб кўрдим, сийпаладим. Бу қандай синоат! Минг турли ўй сўнгида, бу кўзнинг алданиши, чарчоқ миянинг вужудга қарши исёни» демак, дам олишим керак деган хулосага келдим.

Қанчалик уринмай, сира ухлолмадим. Қандайдир куч мени ташқарига ундарди. Даҳлизга чиқиб, пастга олиб тушадиган зинадан сал берида, баландлиги бир одам бўйидай келадиған оқликка кўзим тушди. Бунинг нималигини ҳали идрок этиб улгурмасимдан, ўша оқлик лип этиб сунди ва яна пайдо бўлди. Қалт-қалт титраётганимни сездим. Урнимдан кўзғалишга мажолим йўқ. Шу қўрқув ичида оқлик деразадан тушиб турган ой ёғдуси эканлигини англадим. Уни кимдир кесиб ўтди. Бу ерда мени кузатаётган биров бор. Ҳа, лаҳза ўтмай зиналар ғижирлади, қадам товуши узоқлашди. Мен оёқ учида юриб зинадан тушдим. Қоронғулик. Шундай бўлса-да, даҳлиз бўйлаб шарпасиз силжиётган кимсани кўриб қолдим. Нафасимни ичга ютиб ортидан бордим. Шарпа ёнма-ён жойлашган хоналар оралигидаги торгина йўлакка ўтди. Деразадан тушиб турган хира ёруғликда шарпанинг аёл кишилигини пайқадим. Букриси йўқ, қадди ҳам тикроқдай. Қадам олиши чаққон. Қизиқ, бу томонда йўл ҳам, бошқа даҳлизга ёки хонага олиб кирадиган йўлак, эшик-туйнук ҳам йўқ эди назаримда. Бир-икки ўтиб қайтганда кўз ташлагандим. Таваккал қилиб ортидан кирдим. Ногоҳ қия ҳолда турган тўсинга дуч келдим. Зина! Ё тавба! Бунча сирли бу бино. Икки-уч пиллапоя кўтарилганимдан сўнг юқорига бемаллол югура кетдим. Бу ёғи ёруғроқ эди. Узун даҳлизнинг қаеридадир эшик очилиб-ёпилди.

## XXIX

Орадан икки ойлар ўтди. Мен энди ҳаёт тарзимга бир қадар кўниккан, тақдирга тан бера бошлагандим. Ҳар жума кuni шаҳарга тушаман. Кўнглимда таниш-билишлардан бирортасини учратиб қолармикинман деган илинж. Утган-қайтганга синчиклаб қарайман. Одамлар орасидан фақат бири кишини, Соҳибамни қидираётганимни англайман. Букри кампирга кўпам эътибор бермай қўйдим. Ҳушим тутса, енгига беш-тўрт танга ташлайман, бўлмаса, индамай ўтиб кетавераман. Аммо, кампири тушмагур назаримда менга қизиқиб қолгандай. Ортимдан кузатиб туради. Қайси тарафдан қачон келишимни билади. Яқинлашганимда ғужанак бўлиб олади. Дастлаб кампирда кўп сир бор деб ўйлагандим, кейинчалик оддий тиланчининг қўлидан нима ҳам келади деган қарорга келдим.

Кун иссиқ. Тугунчамни орқалаганимча қоқ туш маҳали уйга қайтйпман. Ҳамишаги йўл: қачонлардир қуриб қолган дарё ўзани, тошлоқ соҳил. Дарёни кесиб ўтгандан кейин «одам юрса оёғи, куш учса қаноти куядиган» яйдоқ дала бошланади. Улик шаҳарга яқинлашилганда манзара ўзгаради. Икки-уч чақиримча келадиған жарлик баҳайбат чинорлар соя ташлаб турган йўлга бориб туташади. Сал четроқда қабристон ва ташландиқ хонақоҳ бор. Тезроқ ана шу масканга етиб бориб, ҳовуз бўйида бироз салқинлашни ўйлаб, қадимини тезлатдим.

Томининг орқаси чўкиб харобага айланган хонақоҳга яқинлашарканман, ҳайратдан донг қотиб қолдим. Йўл бўйида тамаки қолдиғи тутаб турарди. Бирдан ҳушёр тортиб теграмга алангладим. Ҳеч ким йўқ. Йўл тошлоқ бўлгани сабабли излар кўринмасди. Юрагимга титроқ солаётган кўрқувни енгиб бино томон юрдим. Орқа томондан бориб қулоқ тутдим. Бу ерда ёнма-ён ўсган икки туп терак бор. Девор сурилиб ана шу дарахтларга тақалиб қолган. Чорчўпи қийшайиб, босиб тушган том залворига тоб беролмай, ташқарига осилиб қолган деразадан ғўлдираш эшитилди. Сўзларни англаш қийин. Овоз оҳангидан бир киши иккичи кишига ҳисоб бераётгандай. Дафъатан бошқа бир овоз қулоғимга урилди:

— Букри кампир-чи?

— Аниқлаганман.

— Уша уйдами?

— Ҳа, ораликдаги зинадан еттинчи қаватга чиқилади-да, шарқ тарафдаги даҳлиз-

дан икки қават пастга тушилади. Уч кеча пойладим. Менимча, кампир ҳеч нарса билмайди. Оддий тиланчи-да.

— Тўғриси айтсам, унчалик ишонгим келмайди шу гапларга.

— Менинг ҳам.

— Деразани илма-тешиқ қилиб ташладик ўша тўрт қатор шеърни деб.

— «Заргароннинг дараси» деб бошладими?

— Балки кўш чиқиш пайтини йил фаслига қараб муқојяса қилиш керакдир, — деди сирли суҳбатдошлардан бири, шеър ҳақидаги саволни жавобсиз қолдириб.

— Унда йил бўйи ер кавлашга тўғри келади.

Орага жимлик чўқди.

— Яхшиям Шефнинг хаёлига шу фикр келмаяпти, — деди яна ўша овоз.

— Э, гап Тилла жувозда ҳам эмас. Тўғриси, Шефимиз ўша аёлни яхши кўриб қолганди, шунинг учун қидиртирапти.

— Гапинг тўғри, лекин ерлик аёл уни эмас, мени севарди. «Сени севаман», деганди.

— Харитани кимда деб ўйлайсан?

— Шу аёлда.

— Ҳа, уни топишимиз керак.

— Менимча, ўлган. Сурбошларнинг дорисига фақат бизнинг аёллар дош беришади.

— Ичганми?

— Ичган. Шиша бўш эди.

— Барибир, топмагунимизча Шеф қўймайди.

Суҳбат мазмунидан англадимки, булар Соҳибамни қидиришмоқда. Эҳтиёткорлик билан ўрнимдан кўзғалиб, беркинган жойимдан чиқдим-да, дарахтни паналай, йўлга тушдим.

Ўлик шаҳар ўз фуқаросини ҳамишагидай оғир сукунат билан кутиб олди. Бузилган бинолар, хароба ҳовлилар, қимсасиз хиёбонлардан ўтиб ўз масканимиз — оғаётган уйга яқинлашдим. Тош деворлар ўз асосини аниқроқ кўрмоқчи бўлаётгандай ерга эгилган. Ичкарига киришим билан зинадан кўтарилаётган кампирни кўриб, ансам қотди. Сира кутмагандим. Шаҳар кўчасида тиланиб ўтирган қариянинг мендан олдин келгани, йўлда учрашмаганимиз ажабланарди бўлиб, бундан ҳам таажжубланарлиси, у мени кутиб турган эди. Ҳа, назаримда, у мени кутиб турган ва ичкарига қадам қўйишим билан, унга нигоҳим тушганидан кейингина зинадан кўтарила бошлаган. Ортдан юрдим. Кампир ҳассасига таянганча имиллаб қадам ташларди.

— Қалайсиз, моможон? — сўрадим ёнидан ўта туриб:

— Бир нави...

— Бир уйда яшаймизу-сира учрашмаймиз ҳам.

— Ҳар нарсанинг ўз мавриди бор...

— Овозингиз менга танишдек туюлади, — дедим таваккал қилиб. Барибир гапиришим, ниманидир аниқлашим керак. Хонақоҳда бўлган гапдан огоҳ қилиб қўйсам балки ёмон бўлмас. Кампирдан садо чиқмади.

— Бу уйда икковимиздан бўлак ҳеч ким яшамайдими?

— Яшаса кўрардингиз-да.

— Баъзан шарпаларга дуч келаман.

— Бу уй ҳадемай қулайди, — деди кампир, афтидан гапни чалғитиш мақсадида.

— Тақдирда борини кўрамиз.

— Майли, бораверинг ўғлим. Бироз нафасимни ростлаб олай.

— Сизни олиб бориб қўяман, моможон.

— Овора бўласиз.

Кампирнинг бу гапида ўтинчдан кўра таҳдид бордек туюлди.

— Э, овораси бораканми, — дедим уни қўйвормасликка ҳаракат қилиб.

— Оддий тиланчиман, айтмабман. Уйда ҳеч вақом йўқ.

— Моможон!

— Шундай, болам.

— Наҳотки мени талончи деб ўйласангиз?

— Унда бораверинг!

— Сизга ёрдам бермоқчийдим, холос, — дедим зинадан юқорига кўтариларканман. Кўнглимда аразга ўхшаш нимадир пайдо бўлди. Қадамимни тезлатдим. «Бадтар бўлмайсанми» дедим ичимда. Хонага кириб тўшакка ўзимни ташладим, аммо кўнглим тинчмади. Ташқарига чиқиб бир муддат кезиб юрдим. Вақтни ўтказиш учун пастга тушдим, юқорига чиқдим. Ичкари кирдим дегунча қўшни хонадаги аёл шарпаси мени таъқиб этаверарди.

### XXX

Уч кун уйдан чиқмадим. Бугун тўртинчи кун. Осмон садоларига қулоқ тутиб ётибман. Ҳар куни ёмғир, момақалдирик, чақин. Кеч киришини орзиқиб кутаман,

чўийман. Қўрқув ҳиссиётнинг зўрлиги, тунлар содир бўлаётган лаззат азобининг ҳосиласидир. Шу лаззатни кўмсайман, қўрқаман.

Аввалги оқшомлар нима бўлганини айтиб ўтирмайман. Шуни аниқ биламанки, тобора кучайиб бораётган соҳир ҳолат бу кеча ҳам ташриф буюради. Бутун вужудим ила титраяпман. Истаклар шу қадар бир-бирига зид ва қарама-қаршики, бундан бошим айланади, вужуд чўғдек қизийди, томирлар лўқиллайди. Розиман, мени тенг иккига бўлиб ол, руҳимдаги зиддият! Хаёлан шундай деб ҳайқираман, аммо бутун қолишимни истайман. Бусиз лаззат азобини тотиш насиб этмайди. Энг муҳими, шу йўл билан ҳақиқатга етмоқчиман.

Соат ўнлар чамаси чироқни сўндириб, жойга кирдим. Дераза пардалари очиқ. Болишим деворга тақаб қўйилган. Лаҳзалар гувиллаб учиб ўтмоқда. Уларнинг майин қанотлари юзимни шабададек сийпалаётганини сезаман. Гиламнинг патлари майин, борган сари деворга қапишаман. Ногоҳ еру осмон ларзага келди, дераза кўзларидан мисли кўрилмаган шиддат ила оқиб кирган кўкимтир ёғду хонани тўлдирди-да, титраганча туриб қолди. Хаёлимда мени қидириб келди, топди. Энди вужудимнинг тўлғанишлари билан кечадиган самовий ҳолатни кутмоқда.

Худди шу лаҳзада гилам ва гулқоғоз сатҳидаги ранглар йўқолиб, лойсувоқ суюлиб оқа бошлади, гиштар кўринди. Улар ҳам рангсизланди, осмондаги ҳаво қатламлари каби кўкиш тусга кирди. Фақат гиштарнинг чорқирра четларигина тўқроқ чизиклар, қизғиш гардиш билан чегараланган. Ана шу нуқталарда, хусусан, гиштарнинг баландлиги, ёни ва энини бирлаштирувчи нуқталар туташган ўринларда, яъни гиштарнинг бурчакларида кўклик билан қизиллик аралашиб, бир-бирига қўшилиб бормоқда.

Тебраниб турган нур оқими орасида қора туманлик пайдо бўлди. Ана шу туманликдан илиқ ҳарорат таралаётганини ҳис қилдим. Борлиққа ҳаёт бахш этувчи куёшнинг нурига ёки олов яллиғига ўхшамасди бу ҳарорат. Инсон баданидаги ҳужайраларга таъсир этиб, теридан гўшт ва ёғ қаватларига, суякларга, иликка ўтиб, сониялар ичида вужудни қамраб олиш қуввати бор эди унда...

Эрталаб ўша «қора туманлик»ни кўрдим. Далада куёш чарақлаб ётар, сим торда эса аёлларнинг терлиги, ёқаси ва этагига жимжимадор ҳошия тутилган қора гулбарг осилиб турарди. Ҳали қуримаган, суви сизғириб томчиламоқда. Ўз-ўзимдан уялиб кетдим. Терликка қарашга юзим чидамади. Аммо чимилдиқдан чиққан куёвдек мамнун эдим.

### XXXI

Шундан кейин воқеалар тезлашиб кетди. Ювиниб ичкарига кирсам, кампир эшигим олдида кутиб турган экан. Муҳим гап бўлишни пайқадим. Кампир юзига қора чиммат тутиб олган бўлса ҳам менинг тўшагимга ва девордаги гиламга диққат қилаётганини сездим. Наҳотки кўшним бўлса! Хижолат ичида уни ўтиришга таклиф қилдим. Йўқ, йўқ, аниқ эсимда, кўз олдимда турибди. Девор ортидаги аёл қадди қомати расо, кўкси ва елкаларида ёш вужуднинг қайноқ ҳарорати гупириб турган хилқат эди.

Тўғри, ўшанда мен хонани бор бўйича кўролмадим. Эшик очилди, кимдир хонада юрди, ноаниқ шарпалар ҳосил бўлди. Кейин қоронғулик ичида қуюқлашаётган зарралар оқимини кўрдим. У қаравотга тақалиб келганда қора терлик қиёфасини олди, фақат тўшакка ётгандагина росмана аёлга айланди. Қўнғир сочлари ҳавода елпиниб ястиқ узра ёйилиб тушди. Менга тўшакнинг девор тарафдаги бир қисми ва аёл гавдасининг ҳам ярми кўринарди. Кейин у деворга тақалиброқ келди...

Кампирни иккинчи бор ўтиришга таклиф этдим. Уртамизда гинахонликка ўхшаб кетадиган суҳбат бошланди:

— Улик шаҳарга келганингизга икки ойдан ошди, ҳолинг қандай деб сўрамадингиз ҳам. Бечора тиланчи кампирдан ҳазар қиласиз-да.

— Моможон, ахир ўзингиз рўйхушлик бермайсиз-ку. Яхши жойингизни ҳам билмайман.

Кампир боши билан деворга имо қилди ва деди:

— Мана шу девор ортида яшайман.

— Сира ўйламагандим... мен... кимдир яшашини билардим, фақат...

Гапимни охиригача айтолмадим. Хижолат чекардим. Кампирнинг букриси силкинаётганини кўриб баттар изза бўлдим. Қўшним кулмоқда эди. Шу пайт нимадир қаттиқ тарақлаб кетди. Кампир ўрнидан отилиб туриб ташқарига йўл оларкан, «беркининг» дейишга улгурди. Гурсиллаган товушлар эшитилиб шовқин кучайди. Қандайдир хавф-хатар бостириб келаётганини ҳис этиб турган бўлсам-да, кампирнинг бунчалик чаққонлиги, ҳассасига таянишни ҳам унутиб пилдираб кетаётганлиги эътиборимдан четда қолмади. Аммо буни ўйлаб турадиган пайт эмасди. Узимни девор панасига олишим билан, пала-партиш босилаётган қадам товушлари эшитила бошлади. Ун чоғли киши қутиларда оғир нарсаларни кўтариб ўтишди. Беркинган жойимдан чиқиб, бу нотаниш ва хавfli кишиларга қарашга чоғланаётганимда, яна қадам товушлари



эшитилди. Узимни зина остига олдим. Икки киши нақ бошим устида тўхтади. Уларнинг гапига қулоқ тутдим:

— Сиз шу ерга яширинган деб ўйлайсизми?

— Улик шаҳардаги ҳамма уйларга кириб чиқдик.

— Бу ерда букри кампир туришини биламан, аммо бошқа бирор жонзотга кўзим тушмаган.

— Ҳар лаҳзада қулаши мумкин бўлган бу лаънати бинода ўша букридан бошқа ким ҳам яшашга юрак қиларди.

— Харитани ўша аёл олиб қочгани аниқми ўзи?

— Ҳа.

Гап мазмунидан англадимки, булар ҳам «99 лар кўмитаси»дан. Балки йўлда хонақоҳда суҳбатлашганлар шулардир. Топиб келишибди-я, номардлар. Наҳотки, Соҳибам шу бинода бўлса?!

Бу фикрдан ҳам қувондим, ҳам изтиробга тушдим. Кўмита бизни қидираётгани аниқ. Тепада турганлар ўшалар. Ана, писта чақишни бошлаб юборишди. Зиналарга пўчоқлар учиб туша бошлади.

— Тош етарлими?

— Қайда, яна бир ҳафта ташиймиз.

— Шеф қаердан билади қанча ташиганимизни? Бажардик деймиз-қўямиз-да.

— Йў-ўқ. Уй кун сайин оғяпти. Уни тўхтатиш учун кўп тош керак. Посанги бўлмаса, ер остига қулаймиз.

Бу аҳмоқона фикрни эшитиб, кулиб юборишимга сал қолди. Улар уйни сақлаб қолиш учун оғаятган томоннинг тескарасига тош тўкишмоқда!

— Бугунга етар, йигитлар! — қичқирди улардан бири.

— Ҳа, кеч бўлиб қолди, — маъқуллади иккинчиси.

Улар кетишди. Беркинган жойимдан чиқиб, эҳтиёткорлик билан юқорига кўтарилдим. Хонамга кириб, эшикни ичкаридан беркитдим-да, фикрларимни тўплаб олиш учун курсига ўтирдим. Яна бир ҳафта тош ташишади, лақмалар. Бу яхши муддат. Худо ҳам дунёни бир ҳафтада яратган дейишади. Биринчи навбатда Соҳибам шу ердами-йўқми, шунини аниқлашим зарур. Иккинчи навбатда уни ва ўзимни қутқазимиз керак. Тиланчи кампирни ҳам бирга олиб кетсам, ёмон бўлмасди. Демак, ишни Соҳибамни топишдан бошлаш керак.

Ўрнимдан дадил қўзғалиб, ишга киришдим. Курсини хона ўртасига қўйиб, жойлашиб ўтириб олдим. Қўлларимни тиззамга қўйиб, тананинг бутун оғирлиги ҳар бир аъзонини ўзига тушадиган ҳолатга келтирдим ва деворни тешишга жиддий ҳозирлик кўра бошладим. Бўлак имконим йўқ. Қанчалик изламай, қўшни хонанинг эшигини тополмайман. Кўп кездим, кўп қидирдим, ҳаммаси беҳуда. Осони шу. Бу борада тажрибам бор. Бир вақтлар касал бўлиб, шифохонага тушганимда дўхтир афтимга қараб туриб «тунда алаҳлайсизми», деб сўради. «Ҳа», дедим. Уч хил дори берди. Улардан бири «Декарис», бошқаларининг номи ёдимда йўқ. Аралаштириб ичиб юбордим. Тунда жуда нотинч ухладим. Кўзимни юмдим дегунча фақат қон кўрилади. Ҳамма ёғи қонга бутган қаҳрли кишилар. Бошларидаги соябонли қалпоқларининг хошияси ҳам қон рангида. Биттаси қўлидаги қоғозини силкиб, кимнингдир исмини айтиб қичқиради, Назарметов дейдими-ей...

Қувиб келишяпти. Энди товушларни аниқ эшитяпман. Аммо улар айтган исму шарифни тилга олишдан қўрқаман, ҳазар қиламан. Қувишмоқда. Қўлларида кишан. Худойим, ўзинг асра. Фақиру ҳақир бир банданга кўмак бер! Илтижо қиламан, танграм, кўмак бер!

Энди қутулдим деганда, қаршимда баланд девор пайдо бўлди. Ошиб ўтолмадим, бор кучимни тўплаб сўнгги нажот деб деворга қаттиқ тикилгандим, иккита тешик кўринди. Сўнг қорачўғларимни ўша тешиклардан узмасдан аста-секин айлантира бошладим. Нигоҳим тешиклар атрофини пармалаб борар, қирилган тупроқ уваланиб, шовуллаб ерга тўкиларди. Суръатни йўқотмаслик учун ортимга қарамадим, қарасам, нафақат суръат сусайиши, балки тешиклар қайтадан битиб қолишидан қўрқардим. Қувиб келаётганлар тобора яқинлашар, ҳадемай елкамга пичоқ қадалишини ҳис қилганим сари бошимни тезроқ ва қаттиқроқ айлантирардим.

Қанчалик уринмай, барибир тешикдан ўтишга улгурмадим. Тутиб олиб, қаттиқ силкиб бошлашди. Кўзимни очиб тепада навбатчи дўхтир билан ҳамшира қиз турганини кўрдим.

— Нима қиялсиз? — сўради дўхтир жаҳл билан.

— Деворни тешаётгандим.

— Қайси деворни? Нима учун?

Кўз қирим билан деворга имо қилдим. Дўхтир елка қисди.

— Қувишди, қочдим.

— Кимлар?

— Миршаблар. Улар қирқтадан кўпроқ эди чамамда.

Деворга синчиклаб қарадим. Қилган ишимнинг рўё эмаслигига ишонар ва ўша

тешиклар нишонанини қидирардим. Кейинги кунларда ҳам «Декарис» ичиб ётганимдан шу ҳолат такрорланадиган бўлди. Шифохонадан чиққанимдан кейин бу дорининг кучини яна бир бор синаб кўришга аҳд қилдим. Тунда ўша синоатни кўрдим. Яна қон, пичоқ ва кишан кўтарган одамлар, девор...

Хуллас, бугун яна шунинг мавриди келди. Ишни чала қилган эканман, ўрнимдан туриб жавондан дорини олдим, бир йўла икки донасини ютдим, курсига худди аввалгидек ўтириб, бутун кучимни қорачўғларимга тўпладим-да, деворнинг қоқ ўртасидаги катакчага тикилдим. Қўла-оёқларимдан, ҳатто бармоқларимнинг учидан, тирноқлар остидан оқиб келаётган кучнинг бир нуқтага, пешонам, бурун атрофлари ва кўзларимда тўпланаётганини ҳис қилдим. Бунга соғинч ва интиқлик, Соҳибамни кўриш, умуман, девор ортидаги сирни билишга бўлган тийиқсиз қизиқиш, душмандан қутулиш ваҳимаси ва бошқа жуда кўп эҳтиёжлар қўшилиб борарди. Аммо деворда тешик пайдо бўлмади. Дақиқалар, соатлар ўтди назаримда, қаттиқ уринишлардан сўнг девор бамисоли дока қаватларидак ўзидан хира нур ўтказиш даражасигача шаффофланди. Афсуски, бу ҳолат узоқ чўзилмади. Кўзим толиқиб, бир киприк қоқишим билан нимшаффоф парда ортидаги шакллар ҳаракатдан таққа тўхтаб, чизиқлар қалин тортди, яна девор ҳосил бўлди. Кўзимни очиб, ўзимни курсида кўрдим. Вақт алламаҳал бўлганди. Тиқ этган товуш эшитилмади, жимжит. Бошим ғувиллар, белим билан оёқларим оғрирди. Деразадан тушаётган қуёш нурига қараб зил кетдим. Шошқинч бир ҳаракат билан ўрнимдан кўзғалдим, оёқ босишим ҳамано бошим айланиб кетиб, гандираклаганча ўтириб қолдим. Бир муддат нималар бўлаётганига ақлим етмай, ён-веримга қараб олдим ва яна ўрнимдан туришга уриниб кўрдим. Мадорим етмагач қўлларим билан тўшакка таяниб, бир амаллаб ўринга чиқиб ётдим. Бошим ёстиққа тегиши билан ухлаб қолдим, балки ҳушимдан кетгандирман? Шу алпозда қанча ётганимни айтолмайман, бир пайт кўзимни очсам, каравотнинг оёқ тарафида тирсагидан узилган қўл ҳавода муаллақ турибди. Бир бўлак хамирни кафтига олиб аста-аста мижигляпти. Бу хамир ўзимнинг вужудим эканлигини англадим. Унинг эзгилаганидан ҳеч қандай оғриқ туймасам-да, юрагимни ваҳм чулғади. Қўлнинг шафқатсиз панжалари орасидан вужудимнинг кўпчиб тирқираб чиқаётганини кўриб турардим. Сўнгра кўз ўнгимда бармоқлар очилди, панжаларнинг шакли, кафт чизиқларининг изи, бўғинларнинг ботиқ ва қабарик ўрин изи тушиб антиқа кўриниш олган хамир ҳеч қандай шарпасиз, хасдек енгил учиб тўшакка тушди. Фикрим тиниқ тортди. Ҳавода муаллақ турган қўл йўқолди.

Ташқарида кимдир эшикни тақиллатарди. Ниҳоят, остонада хира туманликка чўлғаниб нимадир пайдо бўлди. Аста-секин туманлик тарқалди, ичидан аёл киши чиқиб келди.

— Ҳамсоя, не бўлди сизга?

Бутун вужудим билан талпиндим, ўрнимдан турмоқчи бўлдим, қўлларимни чўздим, аёлга миннатдорчилик билдиришга уриндим. Аёл чўчиб ортига тисарилди. Кўзларимдан икки томчи қайноқ ва шўр сув сизиб чиқди. Ёш ҳалқаси орасида қалқиб турган аёлнинг эгнида шохими, атласми, қизғиш тусдаги кўйлак, қўлида коса. Ўзимни гуноҳдор сезиб, яна ўрнимдан туришга уриндим. Аёл зоти ҳузурда чўзилиб ётиш одобдан эмас. Тирсақларимга таяниб бошимни кўтармоқчи бўлдим, курак суюкларим тўшакка ботди.

— Ичинг, иссиқина мастава, — деди аёл, косани тўшагим ёнига қўяркан.

Юрагим кўкрак қафасининг тор ва зах ҳужрасини тарк этиб, эшикдан чиқиб бораётган аёл ортидан потирлади, қўлларим тароватсиз хонага бир лаҳзагина илиқлик бағишлаган ҳилқат ортидан чўзилди, сўзларим ҳавога бесас сингиб кетди. Кўзлар танадан силқиб келган икки томчи қайноқ ёшни оламнинг совуқ ҳукмига ҳавола этди. Эшик ёпилиши ҳамано ҳавода яна ўша муаллақ қўл пайдо бўлди. Шунда ундан нигоҳимни олиб қочиб пастга қарадим: чуқур жар! Жар эмас, тупроғи кўк, қизил, сариқ йўллардан иборат канъон. Унга қулаб тушмаслик учун ўзимни четга тортар ва тубсизлик қаърига қарамасликка уринар эдим.

## XXXII

Кечга яқин ўзимга келдим. Ботаётган қуёшнинг заррин нурлари дераза ромларида ўйнар, деворларнинг боши, дарахтларнинг учида илашиб қолган сариқ ипакдек нур толалари Ўлик Шаҳар қиёфасига ҳазинлик бахш этарди. Бу дилгир манзарани ортиқ кўрмаслик ниятида кўзларимни олиб қочдим, аммо кўнглимнинг тубида зил чуқиб ётган ўйлар ўша ҳазинликка қоришиб кетган, сарғиш нурлар кўйнидан кимнидир изларди. Шаҳарнинг ғариб қиёфаси мени яна курашга отлантирди. Ўрнимдан туриб, деразадан қарадим. Шаҳар уйлари нурсиз кўзлари билан кимларнидир лаънатлар, кимлардан нажот кутгандай жавдирарди.

«Мақсадга эришмагунча қўймайман!» Кўтаринки руҳ ила ишга киришдим. Аввалги сафар юз берган жараёнлар кўз ўнгимдан лип-лип ўта бошлади, тасвирлар тезлашиб, қаршимда яккақат дока пардаси кўринди. Бирдан жўз олдим ярқ этиб кетди. Худди ойнаи жаҳонда кўринаётгандай кенгу ёруғ хона намоён бўлди. Деразаларда

оғир пуштиранг шоҳи пардалар, шифтда қимматбаҳо биллур қандил, ерда гулдор эрон гилами. Хона рангларга тўла. Дераза тагида ойнома мизи ва иккита юмшоқ курси. Эшикдан кираверишда, ўнг томонда қимматбаҳо қизил ёғочдан ишланган жавон. Унинг олтин балдоқчали тутқичлари ва зарҳал қирралари ярқираб турибди. Ҳаммаси тоза, озода. Қани энди, шундай жойда севган кишинг билан суҳбат қурсанг.

Бирдан хаёлим ҳурккан қушлар каби тўзғиди. Эшик очилиб, хонага... Ё алҳазар! Ўша мункайган букри кампир кириб келди. Таёғини бурчакка суяб қўйди. Қанчалар бир-бирига зид манзара: калишини ечиб остона олдига ташлади. Унинг эски латталарга ўралган беўшох гавдаси гўё хонадаги бор ёрқин бўёқларни ютиб юборди. Бу ердаги шинам жиҳозлар ва хонадаги муҳит унинг қиёфасига тамоман бегона эди.

Кампир эҳтиёткорликни унутмади. Эшик илгагини илди, оғир лўкидонни суриб беркитди. Сўнг шошиб нимчасининг тугмаларини еча бошлади. Унинг юзи менга кўринмас, тескари қараганча туриб ечинарди. Охири нима бўларкин, деб қараб туравердим. Шу пайт қаддини ростлади, худди шундай чақонлик билан кўйлагини ҳам ечиб, остона томон улоқтирди. Шунда қаршимда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳолат намоён бўлди. Хона бамисоли сувда сузиб бораётган қайиқдек чайқала бошлади. Англадимки, аҳволим танг. Кўз ўнгим қоронғулашиб кетди. Урнимдан қандай туриб кетганимни ва бор шиддатим ила ўзимни ўша хона томон отганимни пайқамай қолдим. Бошим нимагадир қаттиқ урилди. Катга йиқилиб тушдим. Кейин нима бўлганини билмайман. Бир пайт хонанинг аллақеридан чивиннинг гингиллагани эшитилди. Бошимни буриб қарамоқчи бўлдим-у, удалай олмадим. Кўзимни бир юмиб яна очганимда каравот қуббасининг устида миттигина одамча ўтирарди. Худди ўша жойга қуёш тушиб турар, нур қуббанинг қирраларида синиб ялтирар ва кўзни қамаштирарди. Жимжилоқдек келадиған одамча эса, ана шу нурда исинмоқда. Оёқчаларини қуббанинг ботиқ гардишига қўйиб олган, қўллари билан ёруғлик қаватларини титиб нур зарраларини бамисоли сувни сачратган каби отиб ўйнайди. Оқ зарраларни бир жойга тўплайди, қизил ва бинафша рангларни алоҳида-алоҳида хирмончаларга уяди. Зарралар тўдага тушаркан, майда кумуш қўнғироқчалар янглиғ овоз беради.

— Кимсан?! — сўрадим бу антиқа одамчанинг сийрати ва сувратидан ҳамда унинг соҳир машғулотидан ҳайратга тушиб.

— Жонингман, — деди у.

— Унда нега танамдан ташқаридасан?

— Кетаман.

— Нега?

— Ношудсан.

### XXXIII

Ташқарига чиқиб бошимни муздек сувда ювдим-да, майса устига ўтириб, юз берган воқеаларни қайта бошдан мушоҳада қилишга киришдим. Ҳаммаси аниқ-тиниқ кўз олдимда турибди: кампир кўйлагини ечиб остона томонга ирғитаркан, унинг буғдойранг баданида, тоза ва нафис ёшликнинг нафосати гупириб турган елкасидан бироз қуйроқда, яъни иккала курагининг қоқ ўртасида ип билан маҳкам чандиб ташланган бир уюм увада бўталоқнинг ўрқачидек юксалиб турарди. Кампирнинг вужудини ўраб турган латталар уюми орасидан қўл-оёқлари узун, хипчабел, қадду қомаги алифдек, ёш ва соғлом аёл чиқиб келди. Кўкракларини қийиб турган тугунни ечганда орқасидан «букри»си тўп этиб гилам устига тушди.

— Ё парвардигор! Шундай гўзал ҳилқат нега ўзини шу қўйга солди экан?

Хаёлимга селдек қўйилиб келаётган саволлар ва хитоблар ечимини излардим, мени тунда ўша ҳодиса юз берган томонга судраётган тасаввур сира тинчлик бермасди. Ҳаммасини кўзим билан аниқ-тиниқ кўрган бўлсам-да, кўнглимда кампир кўзимга қиз бўлиб кўринмадимикан, деган шубҳа ҳам бор эди. Уйлаган режамни амалга ошириш учун қатъий қарор билан ҳовлига олиб чиқадиған эшик ортида яшириниб турдим. Қадам товушлари, ҳассанинг ерга дўқиллаб урилиши эшитилди. Келяпти! Кўриниши шу қадар абгор ва аянчлики, унга қараб, ўз қароримдан ўзим ваҳимага тушдим. Наҳот, ҳаммаси рўё бўлса! Аммо ўйлаб туришга, иккиланишга фурсат йўқ. Кампир яшикка яқинлашди. Орамиз шу қадар яқинки, нафас олишини эшитиб турибман. Беркинган жойимдан отилиб чиқдим-да, икки елкасидан маҳкам ушладим. Кампир сўник овоз билан чинқириб юбориб, ихтиёрсиз равишда қаддини ростлади. Кескин бир ҳаракат билан ортига ўгирилди. Ҳеч нарса демай, кучоғимга маҳкам босиб туравердим. Тинчланди. Жимгина юқорига кўтарилдик. Қўлф ширқ этиб очиларкан, нима учундир хона тўридаги каравот, ён деворга тақаб қўйилган диван кўз олдимдан ўтди. Юрагим гурсиллаб урарди. Хаёлимда эшик очилмай қоладигандай. Биз ичкарига кирдик. Қўлф яна ширқ этиб беркилди. Аёл титроқ товуш билан нимадир деди. Англамадим. Қўйворсам йўқолиб қоладигандай.

Сўнгра... Назаримда ҳамма нарса ўз ўрнига тушган, барча тугунлар ечилган, менинг сарсон ҳаётимга хотима ясалган ва энди кучоғимда ётиб эркаланаётган,

илиққина кафти ва узун-узун бармоқлари билан курагимни силаб, ўзичанималарнидир ўйлаётган аёл билан ҳузур-ҳаловатда ўтадигандай.

Узимдан мамнун ҳолатда ётибман. Хаёлда ҳаётнинг заррача ташвиши йўқ. Аёлнинг майингина бармоқлари ҳамон ҳаракатда. Афсуски, бу лаҳзалар узоқ чўзилмади. Бинонинг аллақайси қаватида таҳдидли гурсиллаш эшитила бошлади. Аёл қаддини кўтариб ҳавотир тўла кўзларини менга тикди. Бундай пайт эр киши кескин чоралар кўриши керак. Ўрнимдан сакраб туриб, кийиндим.

— Мен-чи?

— Кийин.

— Қочамизми?

— Қўлимиздан бошқа нима келади?

Аёл хонада зир югурар, гоҳ жавондан кўйлақларини олар, гоҳ бурчакда ҳамон тўда бўлиб турган тиланчилик либосини титкиларди.

— Кўй уларни! — дедим кескин оҳангда, яна букри қиёфасига киришидан чўчиб.

— Сиз чиқаверинг, — деди у бошқа бир жавонни кавлаштираркан.

— Бирга чиқамиз.

— Йўқ, сиз юқорига кўтарилинг, еттинчи қаватга, ҳу, мен калит берган хонага. Ҳозир орқангиздан етиб бораман.

Уни ёлғиз қолдириб даҳлизга чиқдим. Айтган жойига бориб кутиб турдим. Ҳарқалай, йўлда ҳеч ким тўқнаш келмади. Паст қаватларда бўлаётган шовқин ҳам эшитилмасди бу ердан. Хаял ўтмай, хонага бутунлай оврупоча кийинган аёл кириб келди. Бошида четлари қайрилган қора шляпа, эгнида ҳам шу рангдаги костюм. Шляпа гардишига тутилган хол-хол қора тўрнинг нафис ҳошияси пешонасига тушиб турибди.

— Роҳат! Бунча жозибалисиз! — нидо қилдим ҳайратимни яширолмай.

— Ким у Роҳат деганингиз? — сўради аёл кўзларини сузиб.

Гарчи шошилиб турган бўлсак-да, унинг кўзларида ғамза, лабларида фақат аёлларга хос маккорона табассум ўйнаб турарди. Аёл зоти ўзи шундай яратилган, ҳар қандай қалтис вазиятда, айтиш мумкинки, ҳатто ўлим олдида ҳам ўзидаги гўзалликни намойиш этиш имкони туғилиб қолса, ундан фойдаланмай кўймайди.

— Роҳатми?.. Роҳат — бу Мингтош, — дедим унинг латофатли чеҳрасидан кўз узмай.

Аёлнинг кўзлари энди катта-катта очилиб, қорачўғларида ҳайрат ифодаси кўринди. Бу ҳам ҳалиги ғамзанинг давоми эди аслида. Кейин лабларини буриб шундай деди:

— Айтган қизларингизни танимайман. Менинг исмим Донахол.

Унинг овозидаги ўйноқи оҳангни илғаб мен ҳам оврупоча удум билан ўзимни таништирдим;

— Мужрим!

— Танишганимдан ғоят миннатдорман, — деди аёл ва у ҳам оврупоча таъзим бажо келтирди. Бармоқларини кўйлагининг барига тегизди, бош эгди ва ёш қизчалардек ўйноқлаб тиззасини букди. Нима учундир ҳеч нарсадан кўрқмас, кўнглимиз ҳазилу шўхликка мойил эди. Кўрсаткич бармоғим билан иягининг остидан безоргина кўтардим. Шунда унинг кўзлари юмилди, узун киприклари бир-бирига чатишиб кетди. Бошини орқага олиб, гўё юзини менга эмас, қуёшга тутиб тургандай...

— ... бўлди!

Чуқур энтикиб нафас оларкан, шундай деди аёл. Икки қадам орқага чекинди ва бир нафас мени бошдан-оёқ кузатди. Сўнгра бош тебратиб ўша сўзнинг тескарсини айтди:

— Бўлмади.

Мен елка қисдим.

— Қайтамиз.

Шундай деб қўлимдан тортқилаганча яна ҳалиги маконимизга олиб борди. Кичкина калитча билан жавон эшигини очди ва турли рангдаги оврупоча кийимларни кўрсатиб, «танланг» деди.

Чорак соатдан сўнг Ўлик шаҳарнинг шарқий минтақасидаги кўчалардан бирида кетиб борардик. Энг сўнги уй ҳам ортада қолганда, тўхтаб шаҳарга қарадик. Нурлар, соялар, қорайиб турган деразалар... Қуриб қолган, яшнаб турган дарахтлар, кимсасиз хиёбонлар. Аёлнинг кўзларидан оқаётган ёшни кўриб, кўнглим бузилди. Ўз шоҳи ва ўз фуқаросини мунг тўла бир қиёфада кузатаётган шаҳар билан хаёлан хайрлашдим.

— Кетдик, хоним.

Бир-биримизга суянганча йўлга тушдик. Анча юргандан сўнг орқада бўғиқ гулдурос эшитилди. Биз бу пайтда унча баланд бўлмаган тепалик устида турардик. Шаҳарнинг қайсидир маҳалласидан осмонга қуюқ чанг кўтарилди. Балки биз яша-

ган уй қулагандир? Дилимга оғир ва ғамнок туйғу чўқди. Донахолнинг елкасига қўлимни қўйиб йўлга бошларканман, жон ҳолатда югуриб келаётган жониворга кўзим тушиб, доврираб қолдим.

— Қитмир!!! — қичқирди Донахол.

Жонивор унинг оёғи остига ётиб эркалана бошлади.

— Шаҳар чўқади, — дедим узоқда қорайиб турган уйларга қараб.

Қитмир тумшугини осмонга чўзиб ув тортиди. Биз бу маросимни жимгина кузатиб турдик. Етти марта ғамгин нола қилгандан сўнг ортига ўгирилиб, бош эгиб турди. Жуда ғамгин, хатто юракка ваҳм солар даражада мунгли эди унинг «ибодати». Менинг хаёлимдан «нега етти марта?» деган гап ўтди. Балки етти қават осмоннинг ҳар бир қавати учун нола қилгандир?

Кечга яқин қандайдир дўкон олдида тўхтадик. Пештахталар тўла. Чўнтагимда ҳемири йўқлигидан афсусланиб, Донахолга қарадим. Кўзларини оҳиста юмиб, бош тебратиб қўйди у. Сўнгра дўкондордан деворда осийлиқ турган сафархалтани олиб беришини сўради. Нон, пишлоқ, балиқдан халтага сиққанича жойладик. Икки шиша арақ ҳам олдик. Бирор кори ҳолга яраб қолар...

### XXXV

Уч кунлик машаққатли йўл бизни юксак тоғ этагига олиб борди. Дара. Унинг оғзидан катта бир дарё суви гулдурос солиб отилиб чиқиб турибди. Торгина йўлдан ичкарилаб боравердик. Қоқ туш маҳали шохлари ер бағирлаб ётган арчалар орасидан ўтиб, салқин ғорга қадам қўйдик. Донахол жой ҳозирлади, тош устига дастурхон ёйиб, бирпасда ҳамма нарсани муҳайё қилди. Ғор бурчакларини кўздан кечиргандим, тош ўчоқ ва унинг ёнида териб қуйилган қозон, чойдиш ва товоқларни топдим...

Дарҳол ўчоққа ўт ёқиб, чойдишни қўйдим. Хонимнинг рўпарасига ўтириб олиб, иккаламизга оз-озгинадан арақ қўйдим. Дудланган колбаса ҳиди иштаҳани қитиқларди. Умрим бино бўлиб бунақанги шоҳона базмни кўрмагандим. Нон билан колбасани мазза қилиб чайнай туриб, сабрсизлик ила қўлимга қадаҳни олдим. Уни баланд кўтариб ғазал айта кетдим:

Ғар жафо қил, ғар вафоқим, дилистоним сен менинг,  
Ғар мени ўлтур ва ғар тургузки, жоним сен менинг.

Ғазалнинг кейинги мисраларини ҳам ҳаяжон ичида айтдим. Энди сўзлар оҳангга кириб борар ва ғазал ўқишдан қониқмай қўшиқ айтардим:

Ўлди меҳрингдин Навоий, бевафо дебсен ани,  
Эртаги нозик мижози бадғумоним сен менинг.

Кўтардик. Сўнгра Қитмирга ҳам нон ва бир бўлак колбаса ташладим. Хоним кўзларимга тикилиб қаради. Афтидан жуда муҳим бир гапни айтишга чоғланарди. Унга томон сурилдим, бўйнидан кучдим ва қулоғига шивирладим:

— Сени севаман, Донахол!

Унинг кўзлари сузилиб борарди. Эринчоқлик билан жилмайди ва ён томонга ўгирилиб, кўксини мендан паналатиб ўртиги ичидан ниманидир олди. Менга узатди. Кичкинагина қоғоз тахлами.

— Эҳтиёт қилинг!

Шундай деб, ёнгинамга чўзилди. Қоғоз тахлами ичига агар дунёнинг бор бойлиги сиғдирилган бўлса ҳам, шу лаҳза кўзимга кўринмасди. Болаликда Роҳат билан ўйнаган ўйинларимиз ёдимга тушди. Қўғирчоқ ўйини!

Ит ғордан чиқиб кетди.

Чойдиш тагига ёқилган олов аллақачон ўчиб қолганди.

\* \* \*

Донахол узоқ ухлади. Ит ҳам ғор оғзида, ташқарини кузатиб ётибди. Қоғоз эсимга тушиб, чўнтагимни кавладим. Сув ўтказмайдиган қават ичидан қадимий пишиқ Самарқанд қоғози чиқди. Унда қуйидаги тўрт мисра шеър бор эди:

Заргароннинг дараси,  
Икки тоғнинг ораси,  
Қуёш зарангга текканда,  
Зарга тушар сояси.

Донахол асраб юрган хазинанинг оддийгина, мактаб ўқувчисининг машқидек ёки нўноқ шоирнинг қофия учун битган шеъридек аҳамиятсиз нарсалигини кўриб, кулгим қистади. Ажабланиб, у ётган томонга қарадим.

Дарвоқе, шеър... уни қайта ўқиб, Заргароннинг «99 лар қўмитаси» томонидан илма-тешик қилиб ташланган дарасини кўз ўнгимга келтиришга уриниб кўрдим. Ол-

тин васвасаси. Менга эса ёнимда ётган мана шу хилқатдан бўлак ҳеч нарса керак эмас.

Дарёга тушиб муздек сувга бир-икки шўнғиб олдим. Рўҳим тетик. Йўл-йўлакай бир кучоқ ўтин териб, ўчоққа қаладим. Ут ловуллаб ёнади.

Чой ичишга ўтирдик. Шунда Донахол билан икковимизнинг ўртамизда биринчи марта норозилик бўй чўзди.

— Бу нима? — деди у ерда ётган қоғозни кўрсатиб.

— Қоғоз.

— Эҳтиёт қилинг демабмидим.

— Нимасини эҳтиёт қиламан, тўрт қатор шеър...

— Бу оддий қоғоз эмас, хазина! — қичқирди Донахол. — Заргарон дарасида бир туп заранг бор, қуёш чиқиши ҳамон унинг нури ана шу дарахтга тегади, дарахт сояси эса хазинага тушади.

— Қайси кун, йилнинг қайси фасли? — сўрадим қўмитачиларнинг гапи ёдимга келиб.

— Ҳамма сир ана шунда, — деди Донахол қоғоздан кўз узмай, — аввало шуни билиш керак.

— Сиз буларни қаердан биласиз, — дедим Донахолнинг ўтмиши ёдимга тушиб. Ахир, соддагина қишлоқ қизи-ку?

— Ҳозир бунинг мавриди эмас. Фурсат ғанимат. Тилла жувозни топишимиз керак.

— Шу шеър орқалими?

— Йўқ, назаримда, бу бошқа хазина. Мисралардаги ҳарфлар ва сўзлар аввало буғдой бошоғининг тузилиши шаклида ўқирилиши, сўнгра ҳисоби абжадга солиниши керак. Шунда қайси йил, қайси ой ва қайси кунлиги аниқ бўлади.

— Хазина кўмилганидан буён ўша заранг ўсмадимми, қуримадимми... балки кимдир кесиб, аллақачон ўтин қилиб олгандир?

— Бўлиши мумкин, лекин сиз хазина дуч келган дарага кўмиб кетилаверади деб ўйлайсизми? Ҳаммаси ҳисобга олинади. Аввало, ўша дарани топиш, унга бориш оддий иш эмас, ҳамманинг қўлидан келавермайди. Ундан кейин дарахтнинг неча йил яшаши, тоғ шароитида зарангнинг ҳар йил, ҳар ой қанча ўсиши, бошқа дарахтларга нисбатан мустаҳкамлиги ҳисобга олинади. Ўз номи билан заранг ахир у.

Тўрт қаторда бунча катта сир борлигидан ҳайратга тушдим. Қоғозни қўлимга олиб мисраларга кўз югуртирдим.

Манзаранинг соҳирлигини қаранг: чўққи ортидан қуёш парпарон бўлиб чиқади, баҳайбат заранг дарахти ва унинг шоҳларига қўнган илк нурлар товланади. Ерда чўзилиб ётган соя, майин сув зарраларига тўйинган ҳавонинг кўкимтир туман бўлиб ёйилиши... Таъсирланиб кетдим-да, «менга ўзингдан бўлак хазина керак эмас», дедим Донахолга қараб. Кейин шошилганча илова қилдим.

— Майли, Тилла жувозни топаман, аммо «Заргарон»ига тишим ўтмайди.

Донахол юзимга бир нафас тикилиб қолди. Унинг нигоҳида «наҳотки янглишган бўлсам», деган шубҳа бор эди. Ҳадемай бу фикр тилига кўчди:

— Сизни кутгандим, сизга ишонгандим, Мужрим! Шу қоғоз деб эшакнинг тўқимидек жандани кийиб юришга мажбур бўлдим. Таъқибдан қутулиш учун букри қиёфасига кирдим, тиланчилик қилдим. Орқамдаги ўша сиз жирканиб қараган букрим мана шу бойликни сақлаб келаётган «тилла тепача» эди. Қоғозни мана шундай майда буклаб унинг қоқ ўртасига тикиб қўйгандим. Етти ой шундай қилиб асрадим. Ниҳоят, Ўлик шаҳарда сиз пайдо бўлдингиз...

— Мен англамабман. Оддий шеър деб ўйлабман, — деб сочларини силадим. Тўғриси, ҳамон ҳеч нарсани тушунмас ва Донахолнинг бунчалик куйиб-пишаётганига ажабланардим.

— Биз хазинани топишимиз керак! — деди Донахол кескин оҳангда.

— Топамиз.

— Қўйинг энди шу ҳазилни.

Аёлнинг овозидаги илтижонинг кучидан жиддий тортдим.

— Мана, қаранг.

Қарадим. Унинг бармоқлари қоғоз устида югура кетди. Чизиқлар, белгилар ва яна аллақандай шакллар. Бу пайтда хона қоронғилаша бошлаганди. Ўчоққа яқинроқ бордик. Аланга шуъласида аввал сезилмаган нарсаларни аниқ кўрдим. Харита! Донахолнинг юзида қизғиш шуълалар ўйнар ва унинг буғдойранга мойил ёноқларини янада қизилроқ қилиб кўрсатарди.

— Мана бу чизиқлар йўл, мана дарё. Мана бу манзилгоҳлар. Мана буниси эса ўша хазина! Тилла жувоз!

— Тилла жувоз?!

Донахол жимгина бош силкиди ва хавотирланиб ғор оғзига қараб қўйди.

— Тилла жувоз! Эшитгандайман...

Бу гапга Донахол эътибор бермади. Тушунтириб ўтирмадим, фойдаси йўқ. Хо-

тинингизга қараб «мен бир пайтлар сенинг миянга яшаган эдим» дег, қани ишонармикин? Биз белгиларни ўрганишда давом этдик. Пировардида тонг сахарда туриб йўлга тушишга қарор қилдик.

Хас-хашаклардан ясалган тўшак юмшоқ ва хушбўй эди.

### XXXVI

Дара аёлларнинг ҳарир рўмоли каби кўкимтир туманга чулғанган. Юсак қоя устида туриб, теграси мустаҳкам тизмалар билан қуршалган водийни кузатаман. Йўлга чиққанимизга етти кун бўлди. Етти кундирки, Донахолни кўмсайман. Ишқилиб, соғайиб кетган бўлсин. Қатағон дарасидан ўтиб, Замҳарир водийсига етганимизда тоби қочиб қолди. Уни ўн беш қулочча баланддаги бир ёрга олиб кириб ётқиздим. Сув, озиқ-овқатини ғамлаб, хайрлашдим. Узимга қолса, ёнидан бир қадам жилмасдимку-я, тилла жувонни топиб халққа маълум қилишимни қаттиқ ўтиниби сўради. «Ўз улушингни ҳам айриб ол», деди. Кўп орзулар қилди. Айтишича, бу ниҳоятда катта кон эмиш, у халқни боқимандаликдан қутқазар, неча асрлар бой-бадавлат яшашини таъминлар эмиш.

Мана, Қитмир билан икковимиз неча кундирки, оч-наҳор йўл босамиз. Баъзан йўлаб туриб, ўзимнинг матонатимга қойил қоламан. Қитмирнинг чидами ва садоқатига таҳсин айтаман. Бундан ҳам кўра Донахолнинг иродаси мени ҳайратга солади. Оғир аҳволда ётишига қарамасдан, ўн беш қулочлик нарвонни биз ёрдан тушгандан кейин тортиб юқорига чиқариб олди.

Шундай хаёллар билан чўнтагимдан қоғозни олиб, ҳар бир чизиққа синчиклаб қарайман. Кунчиқарда бири-биридан юсак учта чўққи, унинг рўпарасида дарага тик тушган қора қоя. Шимол тарафда нима бору дара қаерда тугашини белгилашга имкон бермайдиган тизмалар силсиласи...

Наҳот излаб оёғим остидаги харсангдан сал пастга тушдим. Унгирни айланиб саросар кездим: йўл йўқ. Тош ёриқидан ўсиб чиққан арча шохларидан маҳкам ушлаб пастга эгилиб қарадим у юрагим орқамга тортиб кетди. Тубсизлик. Қитмир ҳам дам менга, дам чуқурликка қараб безовталанарди.

Қоғоздаги белги шимол томонни кўрсатиб турибди. Юришда давом этиб, икки чақиримча йўл босдик. Сўқмоқ тобора пастлаб борарди. Демак, шу томонда дарага олиб тушадиган йўл бўлиши керак. Яна икки чақиримча юргандик, олдимизни темирчилар сандонидек антиқа шаклдаги харсанг кесиб қўйди. Атрофни зийралик билан кузатиб бораётган ит тош олдига боргач, таққа тўхтаб мени кутди. Сандон ортига қарарканман, боши берк кўчага келиб қолганимизни англадим. Тоғдаги ҳар бир сўқмоқ маълум бир манзилга олиб бормагунча тугамайди. Боши берк йўл бўлиши мумкин эмас. Асли тоғлик бўлганим учун тош ортига диққат билан қараб, йўлнинг икки учини туташтириб турувчи кўприк бўлганини, тоғдан қулаган тош уни зов тубига итқитиб юборганини аниқладим. Аламдан йиғлаб юбораёздим, гурс этиб ўзимни ерга ташлаб, «сен учун шу кўйларга тушдимми», деб нидо қилдим.

— Пулим йўқ, бола-чақам йўқ, фақат Донахолу сен борсан, Қитмир! — дедим юрагим тўлиб. Ит яқинроқ сурилиб, бошини тиззамга қўйди. Иккаламиз ҳам ўз ўйимиз билан банд эдик. Ногоҳ ит сакраб қўзғалди. Ҳушим бошимдан учиб, ордан қичқирдим:

— Қитмир, қайт!

Ит тулкини қувишда давом этди. Аммо ов муваффақиятсиз чиқди. Ўрнимдан туриб қарадим. Улар дара тубидаги камбаргина йўлдан югуриб боришмоқда. Сафархалта устига ёнбошлаб ҳаётимда юз бераётган воқеаларни англашга, тоғу тошларда улоқиб юришимга мажбур этаётган кучлар ибтидосини топишга уринардим. Шунинг учун ҳам итнинг қайтиб келганини пайқамадим.

— Ҳаф!

Хаёлим бўлинди. Қитмир ўзини гуноҳкор сезиб, яқин келишга ва эрқаланишга ботинмай, ҳукмимни кутиб турарди.

— Ҳаф! Ҳаф!

— Нима гап?

Қитмир думини қимирлатди ва ғингшиди.

— Ҳа, қуруқ қайтдингми?

Ит ўйноқлаганча пинжимга тиқилди, ҳидлади, ҳатто юзимни ялашга уринди.

— Бўлди! Бўлди! Тутолмадингми? Бизга тулкининг кераги ҳам йўқ, барибир гўштини еб бўлмайди.

Қитмир зов лабига борди-да, тулки қочиб беркинган томонга қараб бир-икки ҳуриб, ғингшиганча қайтиб келди.

— Уша томонга кетдимми? Нима бўпти, биз ҳам борамиз. Тулки ўтган жойдан биз ўтолмаймизми? — шундай дедиму хаёлимга ярқ этиб бир фикр келди: «Тўхта, балки Қитмир мени ўша йўлдан бошлар». Ҳақиқатан ҳам сафархалтани елкамга олишим билан ит зипиллаб олдимга ўтиб олди. Сўқмоқ у қадар хавфли эмас-

ди. От-эшак бемалол юриши мумкин. Фақат зирк буталари, қарғанак ва чаканда туллари қалин ўсган жойларда сўқмоқ кўринмай қолади.

## XXXVII

Дара тубида кичкинагина дарё оқиб ётибди. Узани тор, тошдан-тошга сакраб нариги қиргоққа ўтиб олдик. Ғоят баланд ва тик қоялар қуршовидаги шу ўзани ва шу йўл зарур манзилга олиб боришини ҳис этдим, фақат дара тепасида бами-соли зангори тасмадек чўзилган осмонни қора булутлар галаси кесиб ўтаётгани дилни ғаш қилади. Мабодо ёмғир ёғиб қолса, паналаш учун жой қидириб теграмга алангларканман, даҳшатдан эсим чиқиб кетаёзди. Узанга тик тушган қоя девори сиртида яқин ўртада келган селнинг изи. Тегирмон новига ўхшаб кетадиган бу оралиқ нақ ўлимнинг коми эканлиги, сел келгудек бўлса қутулиб қолишнинг сира имкони йўқлигини кўриб таҳликага тушдим. Табиий офат юз берса, ит қайси тарафга қараб қочиши кераклигини билиши керак-ку деган илинж билан жадалларканман, шатирлаб ёмғир қуя бошлади. Йирик-йирик, оғир ва муздек томчилар ўт-ўланларни ва даранинг яккаю ягона йўловчиларини беаёв савалай кетди. Ит тезлаб борар, мен ортидан югурардим. Икки чақиримча йўл босганимиздан сўнг тош деворлар ўзани сиқиб келди. Дарё лойқаланиб қаттиқ шовуллай бошлади, сув чалпиб сўқмоққа чиқмоқда. Яна бир чақиримлар йўл босмай сув тўпиққа чиқди. Ит таққа тўхтаб ангиллай бошлади.

Булутлар дара устини увадаси тўзғиган оғир, ҳўл кўрпадек қоплаб олган. Бирорта жонивор кўринмайди. Ёмғир тобора кучаяр, зум ўтмай яшин чақнар, мома-қалдиरोқ қояларга урилиб акс-садо таратар, даҳшатли гумбурлашдан ер титрарди. Жонивор ғингшиб, думини қисганча қоялар деворига қарар ва типирчиларди. Демак, олдинда нажот йўли йўқ.

Умид билан атрофга қарадим. Қоялар сирти шу қадар силлиқки, моҳир сувоқчи сира эринмай, бор санъатини ишга солиб андава урган дейсиз. Чорасиз қолиб олға интилдим ва кўп юрмай бошим устида, уч қулочча чамаси баландликда, қоянинг дарз кетган жойида яшнаб турган бир туп арчани кўриб қолдим. Қани энди қушга айлансагу ўша бутага қўнсақ. Ногоҳ халтамда арғамчи борлиги ёдимга тушди. Оёғимни қояга тираб тиззам устига халтани қўйдим-да, тугунини ечиб арғамчини олдим. Нажот арғамчиси! Сув ичини пайпаслаб узунчоқ тош топдим, арғамчининг учига боғлаб отдим. Тош тарақлаб қояга урилганча сирғалиб сувга тушди. Яна отдим. Бута силкинди. Шу пайт тўғон очилиб кетгандек кучли гувиллаш эшитила бошлади, сув тиззагача кўтарилди. Ит ғингшиб, қоя сиртига тирмашди. Бутага илашган ип учини силкитиб, унинг тош боғланган томонини пастга тушириб олдим-да, икки учини тугиб боғларканман, кўзим ғаройиб бир манзарага тушди. Қитмир билан ҳалиги сарик тулкича қояга маҳкам ёпишганча ёнма-ён туришарди. Бу атрофда фақат Қитмир танлаган ўша жойдагина жон сақлаб қолиш имкони борга ўхшар, аммо улар сув сатҳидан бор-йўғи бор қулочча баландда эдилар, холос.

Сафархалтанинг ипини арқонга боғлаб юқори кўтардим ва ўзим ҳам тирмашиб чиқа бошладим. Урнашиб олгач, жониворларга қарадим. Улар бир-бирларига қапишиб туришар, Қитмирнинг панжаси ботиб турган тош қавагига тулкича ҳам «қўлчаси»ни тикиб олганди. Тепада эса булутлар ўкиради. Яшин ҳар чақнаганда қояларга қарайман.

Дарё яна бир қулочча юқори кўтарилди. Энди унинг сатҳи Қитмирнинг оёқларидан салгина пастда турар, фақат тўлқинлар сапчиганда итнинг тўпиғича сув босарди. Тулки бир иложини қилиб юқорироқ кўтарилган, энди унинг тумшуғи Қитмирники билан тенглашган, ивиб оғирлашган думини Қитмирнинг устига ташлаб олган. Сув яна кўтариладиган бўлса, жониворларни олиб кетиши аниқ.

Ёмғир қандай бошлаган бўлса, шундай суръат билан тинди. Осмон ёришди. Тепада бургут парвоз қиларди. Сел қайта бошлади. Қитмир ва унинг «ўлжаси» ҳамон қояга ёпишганча туришибди. Дарё сатҳи тез пасайиб, қизил лойқа билан қопланган сўқмоқ кўринди. Тулкича биринчи бўлиб пастга сакради-ю, хайр-маъзурни насия қилиб, сўқмоқдан юқорига йўрғалай кетди. Қитмир ҳам ўзини пастга отди-да, ипга осилганча ерга тушаётган соҳибининг олдига келди. Қаттиқ силкиниб, юнглиридаги сувни сачратди. Сўнгра тулкининг ортидан қараб, хотиржамгина ҳеч қандай ғазаб ва «аҳтироссиз» ҳуриб қўйди. Барибир жониворнинг овозида хавfli дамда ёнма-ён турган дўстларнинг хайрлашув ғамгинлиги, айрилиқнинг оғир юки борлигини пайқадим.

Тулкича ортидан йўлга тушдик. Қизил сақичак лойда унинг излари аниқ кўриниб турибди. Бироздан сўнг дара яна кенгая бошлади. Қоя деворидан туртиб чиқиб турган узун палахса тошдан ўтгандан кейин, Қитмир югура кетди. Кўзим ердан ниманидир олиб еяётган тулкичага тушди. У итни сезиб нарироққа борди, аммо узоқлашиб кетмади. Қитмир йўлакда чувалиб қолган балиқ ичакларини ҳидлаганча тумшуғини ердан узмай ҳид олиб кезинаверди. Етиб бориб, дарё ўзани билан йўл



ўртасидаги тошқалоқ жойда табиий ҳовузча борлигини ва унинг ичида кўзи лойқага тўлган балиқлар типирчилаб ётганини кўриб қувониб кетдим. Англадимки, тулки шу жойда туриб селни кутар ва хавф ўтиб кетгач, ҳузур билан балиқхўрлик қиларкан. Демак, у сел бўлишини сезган ва атайлаб дарадан чиқиб кетмаган.

Ерга чўнкайганча балиқларни териб, халтага солдим. Тулки кўзлари ёнганча бизларни кузатар ва кетишимизни тоқатсизланиб кутарди. Унинг насибасини қолдириб, йўлга тушдик. Тезроқ олов ёқиш, исиниш ва тамадди қилиб олиш истагида қоя остидаги тош айвончага кирдик. Балиқларни чўпга ўтказиб оловга тутаман. Хушбўй ҳид иштаҳани кўзғайди. Бечора Донахол нима қилаётган экан!..

### XXXVIII

Етти кунлик оворагарчиликдан сўнг, атрофи юксак қоялар силсиласи билан қуршалган ям-яшил водийга тушдик. Қуёш чарақлайди, майсалар қатида шабнам ёнади, арчаларнинг муаттар бўйи оламни тутиб кетган. Шунча вақтдан бери бизни бетиним чорлаган макон худди шу ердалигини англадим. Кунгирадор чўққилар, икки тоғ орасидаги текислик қандайдир кўзга кўринмас қудратнинг мавжудлигига гувоҳлик бериб турибди. Шу қадар таъсирланиб кетдимки, нима қиларимни билмай қоялар пойига тиз чўкдим ва дуо ўқий кетдим: «Аъвзубиллаҳи минаш-шайтонир рожийм...»

Воҳа ўртасида қаққайиб турган тепаликка яқинлашарканман, теграсида беҳисоб ғалдирлар борлигини кўрдим. Сув ювган ўпқонлар қоп-қора оғзини очиб осмонга нола қилаётгандай. Ярим доира кўринишидаги чуқурлик тепалик асосини қоялардан узиб қўйган. Синчиклаб қараб, Тилла жувоз худди шунинг ўзи эканлигига шубҳам қолмади. Бир терак бўйича келадиган бу антиқа хилқат йиқилган, сурилган ва ён бағирлари нураган жар ичида жойлашганди. Харобот ичида танҳо ўзи бор гўзаллиги билан ажралиб турибди. Тепаси дарвешлар кулоҳидек ингичка ва гўё бахмалдан текилиб майда қавилган каби йўл-йўл. Ана шу ариқчалар тугаган жойдан қалин белбоғ ўтган бўлиб, унинг четлари тунука товоқлар гардишидек юқорига қайрилган. Кулоҳ тепасидаги уч қиррали кичкина чўққи шоҳлар тожига ўхшайди. Белбоғ остида худди одам боши шаклида оқ ва қора тошлар бирикмасидан тузилган гумбаз; айланасимон чизиқлар ичкарига кичрая бориб, ягона кўз ҳосил қилган. Энг пастда, тепаликнинг ер билан туташган жойида еттита тош устун. Тепаси қирқилган учбурчак шаклидаги асосий қисм ана шу устунлар устида жойлашган.

Ҳайратдан лол қолиб, дарҳол ерга ўтирдим-да яна дуога қўл очдим, Ўзим билган барча калималарни бир бошдан ўқишга киришдим. Сўнгра «Ла ҳавла ва ла қуввата», деганча ўрнимдан турдим. Шу дуони тилдан қўймай яқинлашавердим. Назаримда, бу қўрқинчли жойда қандайдир жараён давом этар ва унинг ниҳояси жуда яқинга ўхшарди. Шунча кун азоб-уқубат ила йўл босиб манзилга етиб келганимда, энди нима қиларимни билмай индамай туравердим. Ит безовталаниб, тумшугини дам елкамга, дам биқинимга суйқар, турган жойида типирчиларди. Дара устида эса оғир булутлар карвони. Ҳаво совуб, қаттиқ шамол эса бошлади. Нураган жарлар юзасидан тупроқ кўчиб, чанг-тўзон кўтарилаётир. Жарнинг узоқ бир бурчагидан ер силжиди. Рўпарадаги қора палахса тошлар қаторидан иборат чўққи жар тубига ҳар лаҳзада қум ва майда тошлар аралашмасини ағдарар, гўё тубсизликни шу билан тўлдириб, ўз вужудини сақлаб қолмоқчи бўларди.

Қитмир енгимдан тишлаб, орқага торта бошлади. Сўнг тепаликка қараб улишга тушди. Бу пайтда дарани қизғиш ғубор қоплаб олган, тупроқ ҳиди келар, чанг қаватлари орасидан ўтаётган қуёш нури ҳам қуюқ сақичак лой тусида кўринадди.

Чақмоқ чақнаб, булутлар наъраси янгради. Яна қайсидир қоя жар оғзига ўз «қурбонлигини» ташлади ва гулдурос солиб, буни чўққилар ҳайъатига маълум қилди. Дақиқалар ўтган сайин канъон қоронгулашмоқда. Булутлар пастлаб келиб, дара устига қопқоқдек ёпилди. Тепанинг боши устидаги тожсимон қисми, сўнгра кулоҳи ҳам кўринмай қолди.

Худди шу пайт осмонда кескир шамшир каби тортилган чақмоқ дара устидаги булутлар кўрпасини парчалаб ўтиб, тепаликни оловли тиллари билан ўраб олди, лов этиб яшил аланга кўтарилди. Аланга ҳали сўниб улгурмай, уст-устига яна уч марта яшин чақнади ва тепалик бошидаги тождан унинг асосидаги устунларгача ўраб турган қобиқ йиртилди. Тош ҳирқа ичидан димиқиб ётган улкан аланга ловуллаб осмонга интилди. Кўзни қамаштирувчи нур канъонни кундузгидек ёритиб юборди.

Кўзимни очиб шишадек тиниқ, ложувард осмонни кўрдим. Тубсизлик. Гўё мен юқорида-ю, осмон пастда. Бу қандай ҳолат? Нега кўк бўшлиғига қулаб тушмаётганимни мушоҳада қилиб кўрдим, аммо ақлим етмади. Бошим қаттиқ оғир, аъзойи баданим зирқарарди, вужудим зилдек.

Ит ҳурди.

Шундагина хотирамда саёхатнинг узук-юлуқ бўлаклари узоқ ўтмишдаги тушдек айлана бошлади. Тилим калимага келди:

— Қитмир!

— Воф! Воф!

Итнинг овози аранг чиқарди. Жонивор шоша-пиша юзимни, кўзларимни ялай кетди, атрофимдан айланди, икки оёғини кўкрагимга қўйди, устимдан сакраб ўтди. Бу тадбирлар фойдасизлигини, бир ўзим ўримдан туролмаслигимни кўриб, елкамдан тишлаб тортаверди. Оғриқдан инграб юбордим, бўйним узилиб кетгандек бўлди. Қаерда ётганимни билиш учун қанчалик уринмай, ҳеч иш чиқара олмадим. Ит елкамдан тортиб ёнбошимга ағдараркан, тубсиз осмон улкан шамсиядек кўтарилиб ўз жойига борди. Ерга юзтубан тушиб, ҳушдан кетдим.

Эрта тонгда бўйнимга ишқаланаётган иссиқ нарсадан ўзимга келдим. Қитмир экан. Ақлим тиниқлашди. Димоғимга кийик ўти билан ялпизнинг ҳиди урилди. Гиёҳ шундайгина лабларимга тегиб турарди. Қимтиндим. Тишларим орасида қандайдир серсув бир нарса қитилиб эзилди. Қаттиқ чанқаганимни ҳис этиб, лабимдан оқаётган шарбатни шимий бошладим. Жар бўйидаги ўрик ёдимга тушди. Тубсизлик қаърига кулаб тушаётиб, худди шундай чанқокни ва шундай лаззатни туйгандим. Бироқ лаззатли туюлган шира томоғимни чунон куйдирдики, ичим ловуллаб, кўзларимдан ёш оқа бошлади.

Орадан бир неча дақиқа ўтмай қўлларимга куч келганини пайқадим. Бармоқларим, қўл ва оёқларимни қимирлатиб кўрдим. Сўнгра ўрнимдан даст туриб, атрофга қарадим. Уша дара, ўша нураган қоялар, чўққи салтанати. Оёқ остида чуқур ғалдириллар, ўпқонлар. Нарироқда Қитмир ётибди. Қимирламайди. Мўлтираган кўзларни менга тикиб, инграйди. Ерга чўккалаб бошини силадим, Бўйнидан кучдим, ўрнимдан туришга даъват этдим. Шунда жонивор кўзларини юмиб, бор бўйича чўзилди.

— Қитмир! Нима бўлди сенга?!

Уни қучиб бағримга босдим.

— Наҳотки шунчалар оч қолган бўлсанг?

Мен бу ерда қарийб бир ҳафта, балки бундан ҳам кўпроқ ҳушсиз ётганимни билмасдим. Бирдан ўзимнинг тобора кучга тўлиб бораётганимни ва бунинг сабабини ўйлаб кўриб қувониб кетдим. Уша гиёҳ! Албатта ўша-да! Ётган жойимга бориб излай бошладим. Қизиқ ҳол: сарғайган ва ипдек ингичка бўлиб ўсган ўтлар одам гавдасининг шаклу шамойилини ҳосил қилган. Нарироқда, сафархалтам теграсидаги гиёҳлар ҳам ўсиб уни ўраб олишибди. Халтани кўтариб остига қарадим. Бу ерда ҳам шу ҳол: кўкатлар қуёш тегмагани оқибатида оппоқ ингичка таналарини чўзиб туришибди.

Топдим!

Қалам йўғонлигидаги ўтнинг узилган жойидан оппоқ сут чиқариб турибди. Халтадан тунука косача олдим-да, уни эзгиладим. Гиёҳни эза туриб теграмга қарайман. Тилла жувоз тепалиги аввалгисидек қад ростлаб турибди. Шарбат тайёр бўлгач, итнинг жағини йириб охириги томчисини оғзига қўйиб юбордим. Жонивор ғингшиб ўрнимдан турди, ўз думини тишламоқчи бўлгандек чир айланаверди. Сўнгра тирноқларини ерга чуқур ботирганча бир нафас қотиб қолди. Яна бир лаҳзадан кейин қаттиқ силкинди, жовдираган кўзларини менга тикди. Бошини силаб эркалатдим. Ит ўйноқлаб оёқларини елкамга қўйди, кўзларимга тикилди. Тилла жувоз томонга қараб вовуллади-да, нарироқдаги харсанг олдига бориб, унга белги қўйди. Бу ерлар Қитмирга қарашли эканлигини барча жонзотлар билиши керак-да.

Қитмир ҳам, мен ҳам энди бутунлай соғ ва бақувватмиз. Тўрган жойим билан Тилла жувоз орасидаги масофани чамалаб кўрдим. Икки юз қадамлар бор. Кейин тепа томон юрдим. Тепалик атрофини чуқур жарлик ҳалқа каби ўраб олганини кўриб юрагим орқамга тортиб кетди.

— Раҳмат сенга, дўстим!

Итни астойдил бағримга босиб эркаладим. Ит тепаликка олиб борадиган яккаю ягона йўл чуқурликка кулаб улгурмасидан, мени судраб «Катта ер»га олиб ўтганди.

— Сенинг ўрнингда одам боласи бўлганида ташлаб кетармиди!

Ит думини силкиганча ўйноқлаб йўлга тушди.

— Кетамизми?

— Ҳаф! Ҳаф!

— Ҳазина-чи?! Тилла жувоз-чи?!

Қитмир тепаликка қараб ғазаб билан акиллади. Унинг овозида бетоқатлик сезилиб турарди. Аммо мен қуруқ қўл билан қайтишни истамасдим. Жойимдан жилгим келмай ўз-ўзимга гапираётгандай дедим:

— Донахолга-чи?... Ҳеч бўлмаса Донахолга бир ҳалқалик ололмадинг-а?

Қитмир бу сафар астойдил ғингшиди. Ҳатто ириллай бошлади.

— Бўлди! Бўлди! — дедим мурасага келиб.

Ҳайё ҳўйт деб йўлга тушдик. Анчадан кейин ўгирилиб ортимга қарадим. Тилла жувоз бутун салобати ва бор гўзаллиги билан юксалиб турарди.

Шаҳарнинг қибла тарафидаги мавзесида ташландиқ ҳовлилар кўп. Бир йилдирки шу ерда, хароба уйлардан бирида яшаймиз. Кун бўйи йўл қарайман. Хаёлимда, эшик ланг очилиб Донахол кириб келгандай. Қитмир ҳам остонага бош қўйиб ётиб кимнидир кутади. Тунлар уни қўмсаб шундай улийдики... Яхшиямки, атрофда қўни-қўшни йўқ. Дарвоқе, ҳовлида кўпинча Қитмирнинг ёлғиз ўзи қолади. Шу ойнанинг бошида ҳам ўн беш кун уйда бўлмадим, қамоқда эдим. Нима учун дейсизми? Гап шундаки, ўша биз топган Тилла жувоз ишга туширилган.

Донахолнинг васиятини... тавба қилдим, худойим, балки у ҳаётдир ҳали? Хуллас, унинг топшириғини десамми, ўтинчини десамми, бажаролмадим. Шундай катта қондан бизга заррача наф йўқ. Бир кун рўзномада босилган хабарни ўқиб чидаб туролмадим. Отилиб кўчага чиқдим-да, ҳайқиравердим. Енимга шаҳарнинг беш ўн чоғли йигитлари келиб қўшилишди. Уларга жаҳонда энг йирик Тилла жувоз олтин қонидан маъдан қазиб олиш уч баробар кўпайтирилганини тушунтирдим.

Конни Қитмир билан мен топганимни, бунга Донахол исмли зукко, жасур аёл давват этгани ва бошчилик қилганини, қон жойлашган мавзе харитасини тоғдан қайтишим билан тегишли идорага ўзим олиб бориб топширганимни гапириб бердим. Тоғда Донахолдан ажралиб қолганимни, дараларда тентираб юриб неча кун уни қидирганимни айтиб кўз ёши қилдим. Бу менинг навбатдаги хатоим эди. Шу кундан бошлаб уни қидириш учун махсус гуруҳ ишга тушди.


Кеча тунда ўйлаб ётиб қатъий қарорга келдим. Токи тирик эканман, уларнинг шум ниятлари амалга ошмайди. Аввал ҳам бу ҳақда кўп фикр юритгандим. Тун билан режа тузиб чиқдим. Адам водийсига бораман! Донахол ўша ерда. Фақат буни айтишдан, ҳатто хаёлга келтиришдан қўрқаман. Билиб қолишмасин дейман. Донахол Адам водийсида!


Тонгда туриб, Қитмир билан хайрлашдим. Соҳибасининг қаердалигини фақат унгагина айтганман. Садоқатли дўстим уйни қўриқлаб қолишга кўнди. Ортимдан дарвозагача келди. Кўзларида шунчалик ғам, беадад мўйғ бор эдики, раҳмим келиб қароримдан қайтишимга сал қолди.

Кечга яқин туғилган қишлоғим ҳудудига қадам қўйдим. Уша сертупроқ кўча, лойсувоқ уйлар, сомонхона... Юрагим ҳаприқяпти. Мана, ўша жар!!! Тубсизлик устида кафтдеккинә кесакка оёқ қўйиб пастга қарадим. Э воҳ, бунчалар қўрқинчли. Зулмат қават-қават. Қоронғулик шу қадар қуюқки, устига ўзимни ташласам, кўтарадигандай...

Болаликда сомонхона тепасидаги тўйнуқдан сакрардик. Оҳ, нақадар ҳузурбахш эди ҳавода учиб. Тиззани салгина букиб, қўлларни олдинга чўзиб кўзни юмардик-да, шувиллаб учиб кетаверардик. Мен ҳамиша Роҳатдан ё олдин, ёки кейин сакрардим. Роҳат... Донахол... Бу сафар у мендан анча олдин сакраган. Мени кутган, келавермаганимдан кейин бир ўзи сакраган. Балки, етиб оларман?!

Тиззаларимни букиб қўлимни олдинга чўздим, кўзимни юмиб, зулмат бағрига отилдим. Юрагим шувиллаб кетди. Тубсизлик қаърига шиддат билан учиб борардим...





Қутлибека

## ҚАТТИҚ УШЛАР ЮРАҚДАГИ КУЧ

### Қасида

Лолазор, чўлларим — Сиз,  
Деворим, йўлларим — Сиз.

Кўзларимнинг намлари,  
Юрагимнинг шамлари,

Елғонларим, чинларим,  
Қарғалар, лочинларим,

Соқовларим, бахшим — Сиз,  
Чандиқларим, нақшим — Сиз.

(Барингизга чидарман —  
Бахтим, бахтсизлигим — шу.)

Ўзимнинг ёмонларим,  
Ҳам ўзимнинг яхшим — Сиз.

### Соғинч хатим

Фарғоналик муаллима  
дўстларимга

Соғинчимнинг ранги бинафша,  
Соғинчимнинг оҳанги маҳзун.  
Сизлар ҳамон Кумушсиз — ўша,  
Ҳаммангизнинг сочингиз узун.

Менинг муҳаббатим куш — кучсиз,  
Учиб-учиб бирдан тўхтади.  
Сизга «Қаро кўзим» деган сўз,  
Ватан деган сўзга ўхшайди.

Менинг орзум қартайган чаман,  
Қиров еган гулларим сўлган.  
Сиз болани «сиз»лайсиз ҳамон,  
Сизга ҳамон болалар улкан.

Илинжларим — эгизи кузнинг  
Чўғларимга «пуф»лайди гоҳо.  
Сизча бугун қутқарар бизни  
Меҳр отлиқ буюк бир даҳо.

Соғинчимнинг ранги бинафша,  
Қорайтирган бировлар доғи.  
Сизлар ҳамон Кумушсиз — ўша,  
Ўргатасиз ҳурлик сабоғин.

## Қизим... сўнг ўғлимга

Тўлқин-тўлқин гулли кийгизни  
Орзу эълон қилар «дарё» деб.  
Балиқ бўлиб сузарлар кейин  
Тирсақлари шилингунича.

Майда-майда гулли кийгизни  
Орзу эълон қилар «чўплик» деб.  
Сўнг иккови куёнча бўлиб...

Япроқ-япроқ гулли кийгизни  
Орзу эълон қилар «ўрмон» деб.  
Йўлбарс бўлиб олишарлар сўнг  
Оёқ-қўли тилингунича.

Томошани тўхтат, Орзужон,  
Нажот, сен-да бошқа ўйин топ.  
Бу кийгиздир — сиёсат эмас,  
Сиз жўн халқсиз — сиёсатбозмас!

## Достонга мактуб

Шоҳсанам-у тоқ санам,  
Кўзсиз кеча ҳилоли.  
Йўқ, давлатдир Шоҳсанам —  
Сандиқлари жилоли.

Мен айтарман: кўрқмасман,  
Ғариб, бўлмагин кўнглинг.  
Сенга қасдларга қасдман,  
Мен сенинг содиқ синглинг.

Давлатини бермас шоҳ,  
Ғариб, рангинг сарғайтма.  
Йўлингда савоб-гуноҳ,  
Севиб кийналдинг, қайтма.

Шоҳсанам-у тоқ санам,  
Кўзсиз кечалар моҳи.  
Йўқ, ҳақ экан Шоҳсанам —  
Минг юракнинг бир «оҳ»и.

Кунчиқарда кунботар  
Нурсизликми, ўксинма.  
Қондошларинг тош отар,  
Тошлар синсин, сен синма.


Шоҳсанам — у тоқ санам,  
Кўзсиз кечалар ойи.  
Ватан экан Шоҳсанам —  
Дарднинг энг оғриқ жойи.

Сен ҳамиша форуқсан,  
Ҳали айланади чарх.  
Шу санамга лойиқсан,  
Шоҳдан кўрқар: айтмас халқ.

Шоҳсанам — у тоқ санам,  
Кўзсиз кеча қамари.  
Ҳурлик экан Шоҳсанам —  
Жоҳил ота қамали.

Санамини бермас шоҳ,  
Ғариб, рангинг сарғайтма.  
Гадони суймас Оллоҳ,  
Кураш, ўлимдан қайтма.





Дилфуза Кўзиева

# САЖДАГОҲ

Ҳикоя

I

Юрагим — зангор,  
юрагим — тун...

(А. Д.)

Мен билмасдим ўша, кузнинг чирик кунда рамақижон кампир ўзининг кўҳна сандиғидан келинчаклик чоғи кийгани ва шу ҳолда ҳатто оҳори ҳам тўкилмай турган шойи кўйлагини тўсатдан топиб олгач, бу мўъжизадан эсанкираган кўйи, хотиротлар ҳиди уфурган ўшал оқ-оппоқ либосини қўтир кўнгли суст кетибми, ҳалвиллаган танасига хуфёна илиб кўргани каби, қақшаган ёғочдангина иборат ёлғиз олма дарахти пўрсиллатиб куртак чиқара бошлаганини. Таассуфки, ул илоҳий лаҳзаларни сен-да пайқамадинг ва бу



мумкин ҳам эмасди. Илло, Оллоҳ сенинг-да кўзларингни нуридан бенасиб этмаганди. Шунинг каби, асл туғилган кунинг бугун эканлигидан ҳам беҳабар эдим. Худди ўша тонгда, кузнинг қовжираган сариқ кўз ёшларию ёндирилган ҳазонлардан ўрлаётган дуддангина иборат вироҳида саҳарида эшигининг интиқ-интизор тақиллаши юрагингни нечукдир ҳаприқтириб юборди. Сени азонлаб йўқлагувчи ким бўлишини ўйламаёқ эшикни очганингда, юзларингга шапалоқ бўлиб урилган недандир ҳушинг учиб, кўзларингни чирт юмиб олдинг. Ниҳоят, ўзингга келгач, кўрдингни, пойингда ҳозиргина илон шиддати-ла сенга ташланган ва охир-оқибат ҳалокатга юз тутган бир жуфт пажмурда оқ чиннигул ётарди.

Туғилган кун кишини ўз назарида беқанот фариштага айлантириб қўймайдими, сен ҳам ул суиқасдчи гулларни афу этиб, ердан олдинг, ичкарига опкириб, не ажабки, сувга солдинг-да, бир муқаддас санам янглиғ, мусаффо нигоҳингни аламдан титраётган оқ гулбарглардан узолмай қолдинг. Бу дабабаю асъасадан шундоқ ҳам абгор хиёнатчи чиннигуллар баттар бужмайдилар, баттар сўлдилар ва тавбаю тавалло қилдиларки: «биз... бахтиқаро маҳқумалармиз».

Сен уларга ишонмадинг, улар-да сенга ишонмасдилар.

Сенинг ким эканлигингга яккаю ёлғиз гувоҳ — ёстигинг остидаги, кўзларининг ботиқ-ботиқ ўрнигина қолиб, қошу киприклари ва бир пайтлардаги гўзал (бу аниқ, ҳа!) чеҳраси вақт таъсирида адоий тамом бўлаётган бир парча сарғайган суврат ҳам ожиз эди бир калом демакка.

Дарвоқе, бу сувратни сен ўзингга тегишли деб ҳисоблай бошлаган ўша тунда ҳам ер юзидаги жамики дарахлар ҳазон қусгандилар, шохларини беаёв синдириб отгандилар... Ва ўша тунда ёлғиз сенингина хонангда шам ёниб турган ва сен у шамнинг ёруғида бурчаклари куйган бир парча сувратдаги чириб бораётган мурда янглиғ, фақат гунгурт қора сочларию кўзларининг ботиқ ўрнигина сақлаиб қолган, лек шунда-да ўз виқорию гўзаллиги-ла кишининг қалбига илоҳий шуъла янглиғ кириб борадиган ул чеҳрага, туман парда тортган синаот рухсорига термулиб, сувратдаги сиймо бора-бора ўз аксингга айланаётганини хаёлингга ҳам келтирмай юм-юм йиғлаганинг.

Сен мажнун, сен телбанинг ўлим излаб изғиб, ўша ёмғирли, аёзли, ҳазонли тунда йўлиққанинг, учратганинг, топганинг — У эди!

(Бундан ҳам ортиқ хўрлик бўлиши мумкинми? Сен унинг арвоҳлигини туйгандинг-ку кўрган онинггоқ? Йўқ, бунга сабаб Унинг айнан ўлимнигина излаб тентганинг чоғ, бунинг устига ҳали-да қотиб улгурмаган хиёнатлар сирқитган қонлар ҳидини куйлабон, ув тортган шамоллар ҳазонларни жодугарлар уладасидек чор ёғингда чирпирак қилиб айлантираётган ўша сервахм паллада қаршингдан чиққанлиги ҳам, мурданики янглиғ оппоқ қўллар ва тош қотган юзи ҳам, ҳали-ҳамон эзилиб ёғаетган ёмғирга қарамай, неғадир клуп-куруқ ёмғирпўши ҳам эмасди, йўқ... Хуллас, бу қандай содир бўлганини барибир эслолмайсан, фақат билганинг: у билан хиёбонни айландинг, замину кўк ўзлигини йўқотди, у сўзлади, сен сўзладинг, ҳазонлар эса чирпирак бўлиб айланавердилар... Фақат бунинг бари энди мусиқага, мунглик сариқ мусиқага эврилганди... Ниҳоят, сенинг совуқдан кўкариб кетганингни кўриб, уйингача кузатиб қўйишни тақлиф қилганидан кейингина унинг арвоҳлиги даҳшатини туйдинг ва шу ондан бошлаб уни мангуга йўқотишингни ҳис этиб «оҳ» тортиб юбордингу ҳушингдан кетдинг!..)

...У хат ўрнига мана шу сувратнигина қолдириб кетганди. Бу суврат у севган ва эҳтимолки, ҳали-ҳамон севадиган аёлники бўлгани боис, муҳаббатга чайинган кўз ёшларингни ул кўзлар узра тўкаверардинг, тўкаверардинг... Ахир...

Муқаррар эди бари...

«Дарвоқе, менинг безабон дугоналарим, оқ чиннигулларим, бугун тунда сизлар қовжирамайсизлар ва мен-да кетаман, яна нечанчи бор қайтмоқ учун. Аянчли! Аммо ёзугим шу балким, ҳеч қурса сизлар ишонинглар (асли, барибир, нимагадир ишонгансизлар ҳам). Хуллас, бу кун меники! Ҳозир сиз безабон, сиз абгор, сиз бокира, сиз бандиларга айтадиган сўзининг ҳақлигига муқаддас само олдида, ёстигим остидаги муқаддас суврат ҳаққи қасам ичаман: рост дунёга ёлғоним, ёлғон дунёга ростим — шу...»

(Изоҳ: Бунинг бари менга қисматнинг таҳқиромуз ҳазили ва ҳатто эрмаги ҳам бўлиб туюлади. Гап шундаки, марҳум зотли-насабли оиланинг фарзанди (эшитишимча, унинг отаси бир пайтлар машҳур амалдор ўтган. Ҳозирга қадар унинг номи нафақат ўз вилояти, балким Тошкентда ҳам казо-казолар жамиятида анчайин доврўқли) бўлганлиги боис, бунинг устига марҳуманинг ўз жонига қасд қилгани-ю, бунга қадар бизда ётганлиги, ҳарчанд сир тутишга ҳаракат қилинганлигига қарамай, барибир миш-мишлар аллақачон урчиб кетганлиги боис қўлёзмани қандай бўлса, шундайлигича чоп эттириш ўлганинг устидан тепгандек, унинг бутун уруғ-аймоғини иснодга қўйиши турган гап.

Лекин бир нарса мен учун ҳамон мавҳумлигича қолмоқда: ҳарҳолда, у ҳақиқатан ҳам руҳий касалга чалинганмиди, ҳақиқатан ҳам унинг ўлими қатли нафсмиди, ҳақиқатан ўлганмиди ва ниҳоят, бўлганмиди?)

КУНДАЛИҚДАН:

4/Х1 — 91 й.

Бу вақтга келиб, қоғозни сичқонлар кемириб, бефаҳм сувараклар ахлатини чаплаб

кетишган эса-да, ҳукм ҳукмлигича қолган, бундайин «жулдурвоқи» фармойишни бекор қилиш учун иккинчи, навқирон ва бақувват ҳукм керак эди. Аммо биринчи ҳукмнинг ҳали-ҳамон ўша афсонавий қудрати беқиёс бўлса-чи, айтайлик...

— Мен отамни кўрмоқчиман, — деди Малика ниҳоят ва яна таъкидлади: — кўришим керак!

— Ув, болам-а, — яна изилламоққа бошлади тинка-мадори қуриб, зиндоннинг зах деворига суяниб қолган онаси, — зинҳор отангдан паноҳ кутмагин-а! У... сенга лутф айлади, болам, марҳамат қилди, — хотин яна ўпқасини босолмай, сассиз ҳўнграй бошлади, — ахир у сени, кўзининг зиёси бўлмиш сен бахти қарони ўзи... ўз қўллари билан бўғизлаб ташлаши аниқ, ҳа!!! Ўз падарининг қўлларида қатл этилмоқдин ёхуд дилбандининг қотили бўлишдан... — она айтган сўзларининг маъносини энди англади чоғи, ингради. Яна елкалари силкина бошлади.

Маликанинг бу дийдиёдан энсаси қотиб, у ёқдан-бу ёққа бориб-келди, сўз демоққа лаб ҳам жуфтлади-ю, аммо, «болам» деб бари қоровулу зиндонларнинг оғзини тилла-ла қопқоқлаб, жонини хатарга қўйиб эса-да, қиблагохидан яшириқча бу шайтонларга дугона бўлмиш манглайи шўр қизини кўрмоқ, видолашмоқ учун келган ва тонгда ижро этилиши лозим бўлган кўргуликни бошдан ўтказмаслик учун мана шу зиндондаёқ, қизининг пойгинасида жон бермоққа-да тайёр аёл — волидасига боқиб, лоқайд нигоҳ ила ғамдан қовжираган йиғлоқи бир хотиннигина кўрди. Ва ўша хотин кўз ёшларини қуриб битгунча тўкишга онт ичган янглиғ яна ҳиқиллаганча кимнидир қарғади, сени туққандан кўра илон туғсам авломасмиди, деганча қизини яна бағрига босиб, ўлимга эмас, куёвга узатаётган янглиғ унинг қип-қизил сочларидан ҳидлай-ҳидлай шивирлай бошладик: ниманки бўлмасин дуоларингни қанда қилмагин, кўзларингни чирт юмгину фақат ибодат эт ва тоат қил... Сени менга Оллоҳнинг ўзи берганди, ўзи қайтиб олаётир. Ёлғиз ўтинчим: жонинг бўғзингдан куш янглиғ учиб чиққанини кўрмасам, талваса ичида «Онажон!» деган чинқиринингни эшитмасам, сени... мени сендан жудо этганларига ишонмасам, бас!.. Иймон келтир, иймон келтиргил ҳеч қурса ўшанда...

«Дарҳақиқат, худо узун соч ато этган бу бандаларининг ишонч ва эътиқодлари тақинчоқлари камиб кўп ва шу туфайли мўрт ҳам эмасми, уларни мустаҳкам ипга қанчайин маржондек тизманг, барибир, вақт ҳиссиётларига тоб беролмай сочилиб кетмоқ ёхуд янги зийнатга эга бўлиш илинжида ўз хўжаларининг нафис қўлчалари томонидан чиртта узиб ташламоққагина маҳкумлигини инкор этиб бўладими? Ахир, қачон бирор оғриқ, туйғу ёхуд эҳтирос мангу бўлган уларда? Шундай экан, ғам одамни ейди, аммо унинг қолдиқларини ўзидан кейинги қувончлар, даҳшат, роҳат ва ўкинчлар учун ҳам қолдиради, — ўйлади Малика киноа билан, хун бўлган онасига кетмоққа изн бераркан, дедик, магар отам мени сўнги гал кўришни истамас эканлар, шуни етказингни, Тавқи Лаънат барибир яшайди... Мен эса... мен унга ўз жисмимдан иссиқ жой бергандим, холос. У Тавқ — менинг поклигим эди, энди борлигимдир...»

## 11

...Кейин, аниқроғи, энг аввал, сенга марҳумлар битган мактубларни битта-битта ёқа бошладинг ва шу зайл ҳеч қачон жавоб ёзилмаган, ёзилмайдиган номаларни шамнинг митти бошчаси очофатларча ямлайверди. Муҳаббат атрин уфурган ҳарфлар эса бир-биридан паноҳ топадиган янглиғ тиришиб, жипслашмоқчи бўлалар, аммо барибир юзларига қора чапланганидан қовжираб жон берадилар. Эсингдами, хув ўшанда, сенга бу дунёсининг муҳаббатю нафрати дажжол турқлилар шаклида рўй кўрсата бошлаган ва сен улардан қўрққанингдан эмас, йўқ, жирканганингдан ҳам эмас, шунчаки бунинг баридан азбаройи силланг қуриганидан, тушларингда юм-юм йиғлаб чиқадиған ўша тунларингнинг биридан сўнг ёстиғинг тагидан марҳумлар томонидан битилган илк мактубни топиб олгандинг.

«Сени севмоқнинг манзили ягона, — дейилганди хатда, — Сендан ўзинг томон қочмоқ ва нафратланмоқ керак! Лекин, эвоҳки, нафрат ҳам буюк муҳаббатдир. Унга сен сиғмасан, сиғдирмасан ҳам. Муҳаббат учун ўлим туҳфа этмоқ керак сенга — Қуръони шаккоклик, пайғамбари дажжол бўлмиш сен — гуноҳлар роҳибасига...»

Ва ул мактубнинг эгаси ўз сўзидан қайтмасдан қаршингда ҳозир бўлгач, сен барибарига шак келтириб кулиб юборгансан, кулиб! Биласанки, эндиликда у ҳеч кимга: на тириклар ва на ўликларга хат ёзар. У дунёнинг бу дунёнинг дарбозалари қарсиллаб ёпилган ва у, эндиликда икки очун оралиғидаги йўлакнинг қўриқчиси янглиғ сенинг севганинг — мангу сукунатгагина айланажак... Аммо. не тонгки, кетаётиб, кулимсибми, йиғламосибми, у шўрликнинг мева жодусисан сен, деган гапи... Таҳқирмиди бу, ё...

КУНДАЛИКДАН:

5.XI. — 91 й.

«Энасининг айтишича, у ақрабнинг йигирма учинчи куни... шом чоғи дунёга келган экан. Бу кунни одамлар яхши эслаб қолганлар, чунки ўшанда юз берган зилзиладан мамлакат анча-мунча талафот кўрганди. Тўсатдан ҳаёлига келган бу гапдан Маликанинг кулгиси қистади. Ахир ўладиган кунинг бу дунёга келган пайтингни эсламоқ таъмадан



бошқа нима ҳам бўлиши мумкин? Бунинг устига бугун ақрабнинг ўн тўрти эса-да, дарахтларнинг олтинранг ясан-тусани аёздан дарак этмиш кўкдаги тош қотган қора булутларга шу қадар номутаносиб эдики, ғирт мяхарабозликнинг ўзгинаси! Ва шу лаҳзада унинг дилида уйғонган қурт руҳини ғажимокқа тушганди. «Қанийди, — орзу қила бошлади у, — мана шу — сариқ жулдурларини ҳамон папалаб ўтиришган қариқиз дарахтлар қип-қизил оловга айланиб, ёна бошласалар!.. Аммо бунинг аввалги ҳолатдан нима фарқи бор, бор-йўғи жозибadorликнинг кучлилигимми?.. Барибир ҳаммаси эриш, ҳатто мана шу, муқаррарлашган сайин ўз даҳшатини йўқотаётган маросим ҳам!..»

Дарвоқе, Малика эндиликда бутун шакл-шамойили-ла, юқорида — қатлгоҳ супаси устида турар ва уни бу майдонга қамчинлар зарби остида сазойи айлашиб, пойи яланг келтиргунларига қадар етти йиллик қамалдан буткул ҳолдан тойиб, қатлдек эрмаклар кўнгилга сиғмайдиган чоғ эса-да, майдонни босган тумонат одам ҳамлага шайланиб ириллаётган қари арслон янглиғ гувиллар, чеки кўринмас қирғин ва очликнинг ягона айбдори қатл этилажагига ишонар, зеро, шу чоққача ичганлариям қон, қон, қон бўлган бу мамлакатда яратганга илтижо ва У томондан бўладиган марҳаматга илинж тарзида эркагу аёл ҳурлик қабул айлаган чоғда, ким-ким, фоҳишалар қолиб, айнан амрифармон пуштикамари — Маликанинг одамлар кўз ўнгида бўғоз бўлиши ва бунинг учун ҳатто тавба-тазарру этишни-да ўзига лозим кўрмаганлиги кутилмаган ҳўрлик ва таҳқир эдики, ҳамма бир-биридан яшириқча Маликанинг гумонаси душман лашкарбошисидан ва ҳатто...дан ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида бижирлар ва у ҳаромзода сабаб дунёни босажак наҳсдан даҳшатга тушар; худди шу лаҳзанинг ўзида эркагу аёл, ёшу қари ҳамиша, яшил мохлар тагида яширин биқирлаган сассиқ ботқоқ янглиғ фаҳшга бўғизларига қадар ботиб келганларини юракларининг тасодифан сақланиб қолган энг пок нуқталари билан-да инкор этар эдилар. Илло, буни тан олган тақдирларида ҳам уларда не айб, ахир, уруш ҳам вабо, ундан омон қолмоқдан кўра ўлмоқликка кўпроқ ишонади одам ва, бас, шундай экан, худбинлик аталмиш ўзлик ўзини дуч келган неъматга (у хоҳ оғу бўлсин, хоҳ ҳаром-ҳариш) уриб, бари-бир, оғизга олмай қўймас, қолаверса, бундай фармоннинг ўзи аҳмоқона эканлигини ҳеч ким тан олишни истамас, балки уларни шу қонун, шу қасамёд, шу ёлғон сақлаб қолишига ишонардилар ва уни шаккоқларча бузган аёл қатлини ҳақли тарзда бетоқат кутардилар.

Малика тўданинг энг олдида ер муштлаб қарғанаётган хотин-халаж орасида кўз ёшлари кўкайини ҳўл қилган сочлари ёйиқ онасини кўриши ҳамоно кўзини шу ердан ҳам кўриниб турган сарой гумбазига олди. «Мен қудратлиман, — ўйлади у, — чунки, ўзимни ишонтиролдим». Ва шу чоғ гумбазнинг ярмини қоплаган қўйқа ноҳос ғимирлади-ю, тепага кўтарилиб, қора қуюн янглиғ кўк юзига ёпирилди... Шундагина Малика булар қарға галаси эканлигини англади: «Мен ожизман... чунки, ишондим!..» Ва афсусланмоққа арзирли ягона нарсаси — отасини сўнги дафъа кўролмагани, юрагидаги ўкинчли нафрат ила парчалаб ташлолмагани бўлди. Ахир, Малика истамасди меҳр, муҳаббат ва армон аталмиш таҳқир билан ўлмоқликни, илло, «дўзахдан қувилганларга жаннат эшиклари ҳам берк, фақат менинг юрагим очиқ ва сўнг сўзим ҳам шу маним: сажда қилгум, буюк ёвузлик, тунларимнинг мағрур МАҲБУБИ, кўзларимдан ёш бўлиб қуйил, мангу чирит, увала мени...»

(Изоҳ: Бундан кейинги бир неча саҳифани ўқиб, ҳеч бир маъно англай олмадим, қолаверса, унда жумла тугул сўзнинг ўзи ҳам йўқ, назаримда, марҳумани воқеалар силсиласи ўзига шунчалик ғарқ қилиб юборганки, охир унинг шуурию кўзи-да сўқирлашган ҳолда ҳам қоғоз бетида қаламни телбаларча юритаверган, юритаверган... Шундай деб ўйлашим ҳамоно, марҳума ҳам ўтмиш, ҳам ҳозирда бир пайтнинг ўзида яшамаганмикан деган бир ўй хаёлимга келдию ҳафсалам пир бўлди. Ахир, мен аллақачон ўша ўтмиш ёхуд келажакдан бизнинг орамизда пайдо бўлиб қолиб, яхшилиқ қилувчи, одамларнинг қабиҳликларидан ҳайрат-ла даҳшатланмиш «меҳмон»лар ҳақидаги фантастик китобчалар билан биргаликда кашшофлик даврини аллақачонлар топталиб, эскирган йилларимга насия қилворгандим-ку? Аммо шунга қарамай, кундаликни кўлёмаларни ўрганувчи маҳкамалардан бирида ишловчи собиқ синфдошимдан, азбаройи қизиқишимни қондириш ва ўз устимдан қулиш (лекин, қанийди шунгача бориб етмаса!) учун ҳам текшириб беришини илтимос қилганимда ва у оз эмас-кўп эмас, икки кундан сўнг кўлимга бу ёзувлар... даврига тегишлиги ҳақидаги ҳужжатни тутқазганида, жоним товонимга тушиб кетгандек бўлди. Ҳаммасидан ажабланарлиси, ҳошим четидаги... Х1—91 й. деган белги ҳам худди ўша вақтга оидмиш.

Мен эса ишонмадим.

Илло...)

### III

Эсингдами, марҳумлардан ўша илк хатни олган кунингоқ бутун кўч-кўронингни йиғиб, ётоқдан чиқиб кетганинг? Сени севгувчиларнинг бу шаштингдан қанчалар довдираб қолганлари-чи:

— Қаёққа? Қаёққа?

— Нера? Нера?

— Унинг олдига, — дединг сен, тунов кунигина сабоқдош қизларга «анақароқ бўл қолгандай худди, кечаси у билан бир хонада ухлашга ҳам кўрқаяпман» деган гапимни битта-яримтадан эшитдимикан, деган таҳликада ўзининг бу ерда мутлақо бегуноҳлигини хаёлига келтирмай кўзлари ўйноқлаб қолган ҳамхонангнинг ланг очик оғзини изоҳга тўлдириб. Ва яна масхара қилибми, қўшиб қўйдинг: — фақат ва фақат севганим учун!

Кейин, эсингдадир, янги «қўналғанг» хўжайкаси — тотор момо ашқол-дашқолларингни жойлаштираётган чоғинг худо сендек қизни юборганидан хурсанд бўлибми, ҳамма ижарагир кампирлар каби, аввал бу ерда яшаган аллақандай йигитдан нолий кетганди:

— Инъом бўлмай кетсин у! Ҳаром экан-а, ҳаром... Колбаса ейди, худойим, яна-чи, кечалари калта иштонда ухлайди... Кўзим тушиб қолди бир гал, ай-й-й, шарманда! Бор, дедим эртасигаёқ, бор, бола, бошқа квартир топ, дедим, йўқса бу дуволлар сени-да, мени-да босиб қолажак...

«Нечук, бабуля» дейди тагин, ҳайратланиб: «ахир, икков шундоқ иноқ яшаяпмиз-ку, бунинг устига... ўртоқларим йўқлашмаса, аёл опкемасам...»

Ий-бо, унга қандай дей, бир гал тунда эшикка чиқаётиб, шир яланғоч оёқларига кўзим тушиб қолганини қандай айтай? Асли бошдан бекор этибман шуни квартир қўйиб, бир бечора мусофир деб кўнглим бўшапти-да...

Эртасига собиқ ҳамхонанг ярим яширин, ярим ҳавасу ижирғанишла сўраб қолди: қалай У?

— Ким? — тушунмадинг дафъатан.

— Анавда-а-а, — эзилди қизиқувчан «собиқ», сўнг яна тап этказиб «таппи» ташлади: — ўзи, ЗАГС-пагсдан ўтганмисизлар, ё...

Шундагина гап нимадалигини англаб, кулгинг қистади, аммо галдаги бу ўйинга ҳам нуқта қўйишга ройишинг бўлмай, қўл силтадинг: бир гап бўлар.

Уша бир гап бўлишидан олдин, ҳа, аниқ, уч кун олдин кампиршо тўсатдан яна «ҳаром Инъомини» эслаб минғирлаганди:

— Сендан-ку, пок эди-я болагина...

Ва шу гапнинг захрин сақлаб қолган сен, ўша — ўзини ўлдирган марҳум қаршингда зоҳир бўлгач, унинг кўзларига тикилиб туриб, таъкидладингки: энди исминг Инъом, Инъом, Инъом...

**КУНДАЛИКДАН:** (чошгоҳ)

Олам кўзларини чирт юмди, ки унинг устидан олов қўйиб юборганлари янглиғ бошдан рўмоли юлқиб олиниши асносида шовуллаб, товонларига қадар қўйилиб тушган қип-қизил сочлари лахтак-лахтак йиртилиб, оқ мрамар янглиғ баданини беркитмоққа ортиқ қурби етмай қолган либосини вужуд бирла қўшиб-ямлаб, суқли кўзларга парда тортган каби Қўёшнинг ўзи нечукдир кўриниш бермаётган эса-да, унинг эринчоқ шуъалари керишиб, кўк томон ва ер узра чўзила бошлаганди.

Худди ана шу чоғда жаллод қиличи қўллари ортига қайриб боғланган Маликанинг кундага қўйилган боши узра азод кўтарилган, оломон-да гирибонига тиг тиралган янглиғ унини ўчирган... Ва шу тоб қўёш нурларидан «ярқ» этиб кетган шамшир кутилмаган чинқириқдан кўкда муаллақ осилиб қолди бир зум!.. Бу фарёд — азобдан тилини чайнаб ташлаган Малика бўғзидан отиларди. Шу аснода у акашакка айланган оёқларини силкидию...

Борлиқ мисли аста-секин, асрлар давомида узилиб тушаётган қуюқ ва оғир томчи янглиғ илқиллаб қолгандек бўлди. Қандайдир вақт оралиғида ноҳос чақалоқнинг йиғисига ўхшаш овоз жаранглади-ю, қилич «қарс» этиб кундага тушди. Шундагина Маликанинг бошсиз танаси ҳали ҳам илондек биланглаётганини, этагида эса... ниманингдир ғимирлаб чинқираётганини англадилар. Табиийки, не ҳол рўй берганини кундага ҳаммадан яқин турган жаллод биринчи бўлиб тушунди ва фақат шу етмай турувди деган янглиғ, кайфи бузилганидан пешонасидан тер чиқиб кетди, аммо тўсатдан келган хаёлдан кўзлари ёниб, ҳеч тап тортмасдан матога чалқшиб ётган ирганч жонзотни қўлига олди-да, ўша қонли қиличнинг учи билан унинг киндигини чирт кесиб... аллақандай сониялар оралиғида «бу ҳаромзодани ҳозир, ирқит латта каби тигга қадаб, оломонга намойиш этсамми», деб ҳам ўйлади, аммо унга фақат Маликанинг бошини чопишгина буюрилмаганми... Афсус... Ва у, ҳамон чириллаётган бир парча этни чалқанчасига ағдариб, кўзларига қаради-ю... Во дариг!

Ул қатлгоҳда, бошсиз аёлдан бунёд бўлган иблисваччанинг юзидан бир ёғду таралдики, жаллод беихтиёр наъра тортиб юборди ва шу ондаёқ унинг кўзлари тошган сўт янглиғ оқиб тушди...

Ва бу ҳолда оломоннинг-да кўзлари тош янглиғ қотди...

Ва кўк юзини мўр-малаҳдек босган қарғалар-да қағиллаб юбордилар — худонинг қарғишга қолган қарғалар...

Ва бу тўс-тўполонда шаҳар дарбозаси томондан елган чопар душман қалъани йиқиб, бу ёққа, ичкарига бостириб келаётганини айтиб бақирганинию тўсатдан «Кўрма-япман! Кўрма-япман!» деб бўкирганча отдан кулаб тушганини, аламдан уни-да гуноҳлар-

дан асрай олмаган ерни, туфроқни муштлай бошлаганини билмади, эшитмади, кўрмади ҳеч зот».

(Изоҳ): — «Ўзинг асра», деб юбордим бейхитиёр, йиғламай-нетмай, ақиқ тош янглиғ қип-қизил кўзларини кўкка қадаган кўйи оёқ-қўллари тиришиб қолган чақалоқнинг киндигини кесарканман, боланинг ғайриоддий кўзлари нечудан бунчалик ўткир кўринаётганидан ҳайратланиб. Унинг мохов туғилганини анчадан кейин, илиқ сувда ювиб, чойшабга ўраётганимдагина пайқадиму сесканиб кетдим. Гўдак ана шундагина инғалай бошлади, худди менинг ирганганимдан оғринган янглиғ...

У эса (мархума назарда тутилаётир) кўзлари юмуқ ҳолда: «эшикдаги олма гуллаб-димми», деди. Ваҳоланки, ташқарида қор ёғаётганди.

Алҳазар! Тавбалар этдим: қандай билмайин, кўрмайин қолдим-а, бир мусулмоннинг боласи мани уйимда юриб, шунча гуноҳни қўптирибди, шунча!.. (ижарачи тотор момонинг айтганлари).

...Ушанда қароғон хонадонга мўралаб, у ерда юзиб юрган ранго-ранг туркларни кўрдинг. Энг даҳшатлиси, уларнинг ҳар бирининг қорачиғида сенинг сувратинг қотганди!

— Агар мен ўлсам, — деб ўйлабсан, хушвақтлик-ла, — ҳеч ким бу кўргуликка чи-долмайди, ҳеч ким! Ахир, мени қандай севмаслик мумкин?

КУНДАЛИКДАН:

6.XI — 91 й.

Ғолиб амирзода, ниҳоят, бориб азоб-уқубатларнинг ортда қолганидан масрур, ҳорғин лашкари ғалаба базму жамшидидан етти очунни-да унутгунларига қадар ғалати фармойиш берганди: юртда бирорта ҳам кўзи очиқ одамни қолдирмасинлар, кўрларнинг эса бошидаги бирор тола сочга-да тегмасинлар...

— Амрим бажо бўлди деб ҳисоблашингиз мумкин, қиблагоҳ, илло, бунда бирорта ҳам кўзи очиқ одамнинг ўзи йўқ...

— Соз. Бугун Оллоҳ зиёдан маҳрум этибдим, эртага улар ўзларини дунёдан жудо этгайлар, чунки ожизлар ўлимгагина маҳкумлигини тан олишни истамагандилар ва, билинги, эндиликда бу эл йўқдир!

Ва тонгда... тун бўйи эзиб ёлган ёмғир қорга айланиб; вазмин эланган кўйи ярим телба; ярим маст, фиғону қаҳқаҳа, маю қондан баттар исқиртлашган юрт узра тўшала бошлаганда, чала ўлик бу шаҳар бўйлаб жулдур кийимли бир чол қатлгоҳ томон одимлай бошлади. Унинг қорачиқлари тубидаги кўз ёшлари минг йиллик бандиликка маҳкум этилган харсангтошлар янглиғ қайнаганидан, чолнинг соғу басирлигини билиб бўлмасди. Ниҳоят, у жимжит қатлгоҳ майдонига етганида, ноҳос ненингдир чакиллаши ва шунга ҳамоҳанг яна алланиманинг чилпиллашига ўхшаш сас... у томон ўрмалаб келаётгани эшитилди ва бу ожиз сас жимжитликда шу қадар жаранг бердики, мисли олам фақат мана шу икки садодангина иборатдек... Ва чол етди уларга, етдики, кўрдик, қатл супаси устида бошсиз аёл майити абгор ётар ва... бўйнидан ҳамон силқиб оқар эди қон... қон... ва бир жонсиз, жонзотки, шохи йўқ, думи, туёғи ҳам йўқ, бунинг устига туксиз бадани... Аммо... очкўзлик-ла эмар эди... бошсиз аёл кўкрагини!..

Чолнинг оёқларини тарк этган мадор қайтмади. Митти даҳшатга қандай яқинлашганини ҳам билмади. Шунда кўрдик, бу кўзлари ақиқдек гўдак нари борса кеча тонгда туғилган ва қорачиқларнинг бу ақиқлиги оқу қорадан кучли эди. Дарвоқе... унинг юзи? Бу, унга айтишганидек, ҳеч қандай «кўк ёғдуси» эмас, йўқ, ўзгача эди. Аёлнинг бошини эса ҳарчанд қидирмасин, тополмади, афтидан душман сипоҳлари бу бошни тигга қадаб, эрмак учун бир-бирларига отиб ўйнаганлар ва у шу асно йўқолиб кетган чоғи. Бир дам кўз ўнгига қизининг чеҳраси келиб турди, эти жимирлади, аммо юрагини чангаллаб олган қаҳр бари-бир ёйилмади. Чол, юзи тобора қорайганча, ўзи билан келтирган олмос кўзли барқут хуржунга болани мушукваччадек бўйнидан олиб солаётган чоғ гўдак миқ этмади, фақат мурданинг муздек кўксидан узилган лабларини қимирлатди ва чолнинг кўзларига тикка боқди: «...биз бахтиқаро маҳкумлармиз!..»

Чолнинг оппоқ кипригидан «йилт» этган нимадир жаранглаб тушиб кетди».

(Изоҳ): Очиғи, бу қўлёмани кундалик деб ҳисоблашга ҳам иккиланиб қолдим. Аммо бу хотира бўлмаса, туш ҳам эмас, талваса ҳам... Кейин ижарагир тотор момонинг гаплари ҳам мени анча ўйлантириб қўйди (унга ўзимни мархуманинг сирдоши сифатида таништиргандим ва бу «мавқеим» унга маъкул келиб қолди чоғи, қулфи дили очилиб, ҳатто сўрамаган нарсаларим ҳақида ҳам гапириб берди). Хуллас, кейинги воқеа тахминан шундай бўлган...

... — Мунигди отаси ким? — сўрадим у ўзига келиши ҳамоно. Аммо у шипга қараб кулди. Улай агар, тепамда ёлғиз худойим бор, биринчи марта тишининг оқини кўришим эди. У шунчалар сулув бўп кетгандики ўша пайтда...

— Ё отасини топиб, бор гапни айтасан, ё эртасигаёқ болангга дакумент тўғрилата-сан. Э олло, бу шармандаликни ҳали ота-онанг эшитсалар на бўлгайкин-а, на!..

Эртаси уни ўша, ҳалиги жой бор-ку, маҳкама-да, ўшанга киритиб юбордим-у, ўзим эшиқ олдида қолдим. Аммо, ана кутаман чиқма-я, мана кутаман чиқма-я... Ахийир ўзим кирдим ва кўрдимки, у ерда, усталда ўтирган амалдор хотуннинг авзойи бузук.

— Унда ёзинг, — деб, олдига қоғоз-қалам ташлади хотун зарда билан, — «боладан

воз кечаман» денг, — деди яна, сўнг менга юзланиб, шанғиллай кетди, — бу расволарнинг низаконний бола орттириб, бизга ташлаб қочганларига ўлайми, хола? Боласи мунақа... — хотуннинг бурни жийрилди, — бўлмаганда ҳам гўрга эди, ўлмай каттарса, кунини кўриб кетаверарди...

Мен не деярим билмай бошимни эгдим.

У бўлса тез-тез ёзиб берди:

«Воз кечаман...»)

КУНДАЛИКДАН:

(ўша бет)

«...ва тик қоя устидан учган олмос кўзлик барқут хуржун ичидаги йенингдир шайтоний чинқириғи тоғу тошни сескантириб юборган чоғда, унга томон бу оламнинг мингминг йиллик нажасу қусуқлари ўз қароргоҳлари бўлмиш ернинг тўққизинчи қаъридан мўр-малахдек юқорига, сассиқ, ёпишқоқ, шилимшиқ зулумот бўлиб кўкка, пастга қулаётган ва тонгнинг этакларидан ранги қум ўчиб мўралашган юлдузлару ойни калака этган янглиғ, олмос кўзларини ялт-юлт қилаётган хуржун — митти ёруғлик сари ўзининг бадбўй қучоғини очиб талпиндилар, ва...»

#### IV

КУНДАЛИКДАН:

(охирги бет, сана кўрсатилмаган)

«На эркакка ўхшар эди у, на аёлга. Ҳижоби остидан чиқиб турган тукдор қирғий бурнини олдинга чўзган тарзда, ўзига йўлни искаб топган каби борар, гоҳо эса, елкасини босиб тушган кўш букриси билан шошқин одамларнинг тиззаларига «қарс-қарс» урилиблар кетарди. Ниҳоят, метрополитенга кираверишдаги серқатнов жойда тўхтади-да, қўйнидан титилган бўйра чиқариб, ерга ташлади. Утирди. Бўйнини ичкарига тортолди-да, оҳиста тебрана бошлади. Шу туришда у ўлжасини пойлаётган йиртқични эслатар, янаям аниқроғи, икки курагидаги букрлари йиғилган қанотга ухшамайдим, қора фариштаннинг ўзгинаси эди. У оғзи катталигидан кимнингдир устидан ўша, кўқарган тишларини иржайтириб кулаётганга ўхшар ва магар, дунёдаги бари одамлар букр бўлиб, тўғрилиқ айб саналганида борми, шаксиз бу ажина бизнинг кўзимизга фавқулудда гўзал кўринарди. Мана шу оддийгина жирканишда эди унинг «буюк»лиги ва бу у тасқаранинг биздан кўра олий насаблигиними... исботлар эдики, охир-оқибат ўткинчилар табиатнинг бу яратмишига ачинганларидан эмас, ҳайиқиб, ҳа, айнан кўрқиб, бўйсун бошладилар ҳамда унинг олдидаги сирни кўчган ликопга жаранглаб биринчи чақа тушди, кейин иккинчиси, сўнг «жаранг-журунг»лаб қолганлари тушавердилар, тўкилавердилар. «Тиланчи»нинг ақиқдек кўзлари эса кўкка қадалган кўйи қотганди...

Намозгарда, ниҳоят, у тўплаган чақаларини қўлтиғидаги барқут хуржунчага жиринглатиб солди-да, ҳозиргина ўзи одамлардан марҳамат тилаб ўтирган жойинг шундоқ ўзига бўшанди... ва ўз қилиғидан масрур қиқирлаганча ўзоқлашди. Шунда... у ўтирган ерда яратганнинг ўзига-да ноаён бир ўпқон ҳосил бўлди-ю, у ердан исқиртдан исқирт, бадбўйдан бадбўй отийўқлар қайнаб-тошиб чиқа бошладиларки, на эркак ва на аёл у қўшқанот — букри жонзот қирқ газ йўл босгунига қадар у қолдирган излардан яна-да урчиб, кўпайган отийўқлар эндиликда шаҳарликлар билан бирга метрополитенга кириб-чиқар, емиш излаб ўзларини дўконларга урар, тиқилинч ва дим уловларга осилар эдилар...

Кечда эса, ҳар доимгидай, эркаклар лаби учган косалардаги хўракни паққос туширишаркан, борлиқни унутиб ойнаи жаҳонга термулгандилар: унда мамлакат арбобининг марказий учоқ жойида ақобир отийўқни қучоқлаб, ўпиб ётганини намойиш этишаётганди. Бу лаҳзада осмонўпар бинолардан бирининг ертўласида ўша — қўшбукрли ножинс тиланчи ҳамон лабларини нафратли кулгудан йиғолмай, бугунги даромади — одамларнинг карахт кўз соққаларини санар, саноғига ета олмасди...

Ва... тонгда, у мамнун бош кўтаргани чоғ, тепасида турган рўёдан қотди бир дам!

Унинг қаршисида кўзларига бу оламнинг жамики изтиробларини мужассам этган бир аёл... боши танидан жудо, кўксидан сут ва қон тошган кўйи турар, сочларига, оловдек қизил сочларига эса... қор аралаш олма гуллари кўнганди...

Букрининг ранги оқарди: ё ёғдуга чўмди, ёхуд...

— Мен, — деди ниҳоят аёл, деярли пичирлаб, — ҳеч қурса энди билмоқчиман: Кимсан, айт менга?!

— Мен... ҳеч нарсанинг қулимен, — жавоб бўлди.

— Ҳеч нарса нима?

— У — буюк ҳақ...

Ва аёл қатл этилди...

(Сўнги изоҳ): Уни бизга олиб келишганда, чанга, ек қотган қўлларида бу дафтарни мен олиб қўйдим ва у шу кўйи тортмамда қолиб кетди. Бироқ, орадан уч кун ўтгач, яъни йигирма биринчи ноябрь тонгида у оламдан ўтди. Аниқроғи...

Балким ҳаммасига айбдор ўзимдирман?

Ахир ўша тун менинг навбатчилигим эди-да. Уни ҳам бошқа беморлар каби ҳабдори бериб, ухлатувдик. Бироқ у тун бўйи қандайдир олма гуллари, куз ва яна тунги йўловчи ҳақидами-ей, бидирлаб ётганди уйқусида ҳам. Бунинг хавотирли жойи йўқ эди, бизда даволанаётганларнинг деярли ҳаммаси фақат уйқудагина асл ҳаётларига қайтадилар, уйғонгач эса, қаршиларидеги ўзга оламдан даҳшатга тушиб, талвасада қоладилар...

Мен ҳаммаёқ тинч бўлганлиги боис, жиндай мизғиб олмоқчи бўлибми, бошимни кўлимга қўйибман-у, тошдек қотибман. Недандир жунжикиб уйғониб кетганимда, тонг отай деб қолганди. Уйқули кўзларимни ишқалаб, ҳамма палатага бирма-бир бош суқиб чиқа бошладим. Деярли барча беморлар тинч эдилар. Ниҳоят, тўртинчи палата эшигини ҳам очдим. Бу ерда бошқа хоналарга нисбатан жудаям қоронғу туюлди, «чирик» этказиб чироқни ёқдим-у бир муддат ҳеч нарсани англолмай турдим ва дафъатан додлаб юборибман!

Унинг... боши танасидан айри эди, худо ҳаққи!

Кейин маълум бўлишича (яна ким билади дейсиз), яъни мен бу ҳодисадан уч кунча ўзимга келолмай, ниҳоят ишга чиққан куним, дўхтиримизнинг айтишича, марҳума тўмба-си тагида келган кунидан буён ойнанинг каттагина синиқ бўлагини яшириб сақлаган экан ва пайт топиб, унинг олмосдек қирраси билан ўзини бўғизлайверган, токи жони чиқиб кетгунга қадар... Аммо унинг бунга, шу даражага етиб боргунча... қандай қурби етдий-чин-а? Ҳаммаси қандайдир... Бўлмағур тушнинг ўзгинаси!

Орадан роппа-роса бир ҳафта ўтгачгина ҳамон тортмамда ётган дафтарга кўзим тушди ва беихтиёр... У ёғи ўзингизга маълум.

Хуллас, ўшанда тотор момо билан хайрлашаётиб, ундан — марҳумадан мабодо хат-пат қолмаганмикин деб сўрадим, бунга деярли умид бўлмаса-да. Кампир дарров бир нарса демасдан, негадир марҳуманинг «фавқулудда бообрў» ота-онаси унинг ҳамма нарсасини олиб кетишувди чамамда деб, чайналиб турди. Аммо менинг ҳафса-лам пир бўлганини сезиб қолди шекилли, қани, шошмай тур-чи, ман ҳозир, деб ичкари-га кириб кетгани бўйи нақ ярим соат деганда чиқди.

— У, — деди кампир, гарчи ҳовлида икковимиздан бошқа ҳеч зоғ бўлмаса-да, шивирлаб, — аввал ёзарди, сўнг тонггача мана шу сувратга термулиб юм-юм йиғлаб чиқарди.

Мен сувратни кампирнинг айниб қолишидан кўрқиб, шартта қопчиғимга солдим-да, бека билан хўшлашдим...

Уйга келибоқ, эшикни кулфладим, ҳатто дарпардани ҳам тушириб қўйдим, ўзимда-ги хавотирдан эса кулгум қистади: афтидан, кампирнинг бояги сакталиги менга ҳам юқибди... Ва энг аввал сувратнинг ортидаги ёзувни ҳижжаладим:

«Энг бегуноҳ фаришта — шайтон».


Гарчи ҳеч вақога тушунмаган эсам-да, ҳарҳолда, бир муддат сувратга қарашга юрагим бетламайроқ қолди ва, ниҳоят, уни ағдариб боқдим-у... даҳшатдан чинқириб юбордим!


Сувратдаги... гунгурт қора сочларию кўзларининг ботиқ-ботиқ ўрнигина сақланиб қолган кўхна сиймо — бу — МЕН эдим.

Ва не тонгки, ташқарида, тўсатдан, қор аралаш дув-дув тўкилаётган олма гуллари-да энди сира ҳайратлантиролмасди, илло...

«...биз—бахтиқаро маҳкумалармиз!...»

Тошкент, 1990 йил, декабрь





Маъруф Жалил

## СОҲИБҚИРОН

Амир Темур қиссаси

Кўринишлар<sup>1</sup>

ЎН ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

*Пулисангин. Тоғ тепаси. Текис майдонда чодирлар. Атрофда навкарлар ўз иши билан банд. Пастликдаги ҳамма нарса кафтдагидай кўринади. Амир Темур ўзи учун тикланаётган чодир қаршисида ағёнлари билан турибди.*

### Амир Темур (Тамукага)

Йигитларинг жуда қулай жойни танлабди.  
Ёғий пастда, биз тепада. Жуда маъқул жой.  
Муҳораба учун мудом жой танлаганда  
Бизга қулай бўлмоғини таъминлаш даркор.  
Пулисангин ёнидаги пистирма қўйган  
Амир Мусо фавжлари ҳам кўриниб турар.  
Маҳоратинг ошаётир, амир Тамука.

**[Ҳамма маъқуллайди. Амир Темур мулозимларга ўгирилади.]**

Энди, бундоқ. Ҳар бўлукдан ўнтадан одам  
Жалб қилингиз бутазордан ўтин ғамлашга.  
Кейин уни олиб чиқиб тоғ ёқасига  
Ҳар йигирма қадамга бир ғарам тўпласин.

**Амир Довуд.** Нима, базм қиламизми, гулханлар ёқиб,  
Ёки душман тепасидан ўқ отамизми?

**Амир Темур.** Парво қилманг, аввал ўтин ғамлаб келсинлар,  
Ёғий хафа, сизлар эса мамнун бўлурсиз.

**[Амир Темур ва амир Довуддан бошқа ҳамма чиқади. Чопар киради.]**

**Чопар.** Сизга салом йўлладилар амир Ҳусайн,  
Дарёнинг у бетидаги, кун ботардаги  
Чинорли тоғ этагини манзил этдилар.

Мени юбордилар сизни излаб топишга.

**Амир Темур.** Хуш келибсан! Бизга қандай топшириқлар бор?

**Чопар.** Ҳужум вақтин аниқ билмоқ истайди амир.

**Амир Темур.** Жанг майдони совимасдан бошлардик, аммо,  
Қўшин ҳорди. Жуда олис йўл босиб келдик.  
Бориб айтки, кутилмаган сабаб чиқмаса,  
Эрталабки намоздан сўнг ҳужум қилгаймиз.

<sup>1</sup>Охири. Бошланиши ўтган сонда.

**Чопар.** Қош қорайиб қолди, менга рухсат берсалар.  
**Амир Темур.** Биздан амир Ҳусайнга кўпдан-кўп салом.

[Чопар чиқади.]

**Амир Довуд.** Биз тепадан ҳужум қилсак, пастдан Ҳусайн,  
Ён томондан камончилар ўқ ёғдирсалар...

Илёсхўжа аҳволига ким йиғлар экан?

**Амир Темур.** Амир, сиз ҳам кези келса оласиз гапни,  
Илёс осон жон бермайди. Бизда бор-йўғи  
Етти мингта сипоҳий бор. Илёсда эса  
Ўттиз мингта уруш кўрган, ўлжани севган,  
Ўлимдан тап тортмайдиган баҳодир мавжуд.

[Ики Темур, Тамука баҳодир, Муборакшоҳ,  
Тубак баҳодир ва бошқалар қайтиб келади.]

**Ики Темур.** Соҳибқирон, бажарилди топширигингиз.

**Тамука.** Утин ғарам қилинмоқда тоғ бўйларига.

**Амир Темур.** Кўпроқ бўлсин. Бир соатда тугаб қолмасин.

**Муборакшоҳ.** «Тоққа ўт қўямизми?» дер битта юзбоши.

**Амир Темур** (Кулади.) Тоққа эмас. Илёсхўжа хону монига.

[Ҳамма кулади.]

Энди сизгэ бу жумбоқнинг сирини очай:

Эллик жойга, айтдингизми ғарам қилишни?

Хуфтон намозидан кейин гулхан ёқилсин,

Сўнгра сурнай, дойра, танбур, ноғора чалиб

Базм қилсин, чарчамаган йигитларимиз.

Қолганлари ҳордиқ олсин тонг ёришгунча,

Айтиб қўйинг, бироқ гулхан ўчиб қолмасин.

**Амир Довуд.** Бу бир ҳийла эканин ёв билиб қолса-чи?

**Амир Темур.** Шунинг учун гоҳ тухтатиб ўйин, базмни,

Тўртта-бешта бўлиб, бирдан шовқин кўтариб,

У гулхандан-бу гулханга югуриб борсин.

Сўнгра бироз сукут сақлаб, ҳордиқ чиқариб,

Давра куриб, базмларин эттирсин давом.

Ҳа, айтгандай... Қоровуллар ҳушёр турсинлар.

**Тамука.** Мен ишончли йигитларни тайин қилганман.

**Амир Темур.** Жайхун бўйидаги аҳвол такрор бўлмасин.

Қоровуллар ухлаб қолиб, Олчин баҳодир —

Олдиндаги чодирларни талаган эди.

Айтиб қўйинг, ўша ҳолат бўлмасин такрор.

## ЎН САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

*Илёсхўжа қароргоҳи. Қўшин орасида саросима. Биров отига югурган, биров қурол-  
проғини кўтарган, сўкинган. Илёсхўжа мулозимлари билан чодирдан чиқади. Саросима-  
га тушганини сездирмасликка ҳаракат қилади. Тоғдаги ёй шаклида тизилган гулхан-  
ларга тикилади.*

**Илёсхўжа.** Фармон беринг. Дарҳол ҳамма отларга минсин.

Қайтаришга тайёр турсин ёғий ҳужумин.

Кимдир булар? Амир Темур галаларими?

Ё Ҳусайн ўрнашдими тоғ тепасига?

Улар тоққа қайдан ўтди? Нега кўрмадик,

Агар улар Тошкўприкдан ўтган бўлсалар?

**Ҳамид.** Назаримда улар ўтган Кўлак орқали,

Қаранг, гулхан кўринмоқда Тошкўприкда ҳам.

**Илёсхўжа** (Ўғирлиб қарайди.) Улар бизни уч тарафдан ўраб олибди.

Бу гулханлар Тошкўприкнинг у ёғидами,

Ё дарёдан бу ёқдами?

**Ҳамид.** У ёқда чоғи,

Агар мушкул ҳолга тушиб қолгудай бўлсак,

Мўлжал олиб қўйиш лозим чекиниш йўлин.

**Илёсхўжа.** (Ноғора, сурнай, дойра садоси эшитилади.)

Булар сафга тизмоқдами навқарларини?

Ёки базм қурмоқдами? Сопқончига айт.

Беш-ўн зўлдир отиб қўйсин гулханга қараб.

**Ҳамид.** Гулхан яқин кўринади, аммо ҳазратим,  
Унга етиб боролмайди палахмон тоши.

**Илёсхўжа.** Етиб борса зўр бўларди. Бу зулмат кеча  
Бизга қандай неъматларни раво кўраркин?

**Ҳамид.** Ҳамма жангга тайёр турса хавфу хатар кам.  
Бу тун бизга энг кучли ёв — ғафлатдир, хоқон.

**[Бикижак пайдо бўлади.]**

**Бикижак.** Аълоҳазрат, чап томонга соқчи қўйсинлар.

Қоровуллар ўлиб ётар. Битта навкарни

Икки йигит отга босиб олганин кўриб,

Орқасидан қувиб бордим Тошкўприккача.

Унда менга камончилар ҳужум қилдилар,

Отим чакқон эди, жонвўр қутқариб қолди.

**Илёсхўжа.** Қоровулни кўпайтиринг! Барчага айтинг!

Ўз жойида ҳамма жангга шай бўлиб турсин!

**[Илёсхўжа, Ҳамид, Бикижакдан бошқа ҳамма аъёнлар чиқиб кетади.]**

Термиз дарёси бўйида мағлуб бўлибсан.

Амир лашкар, ишонганим сен бўлсанг, агар

Бошқалардан нима кутай? Кимга ишонай?

**Ҳамид.** Давлатпаноҳ, ҳозир жазо фурсати эмас,

Бу гулханлар даҳшатидан руҳлари тушиб,

Саросима бўлиб турган қўшинни қўллаб,

Далда бермоқ иложини топсакми, дейман.

**Илёсхўжа.** Нега боқдим мен буларни, ёвни кўрганда

Қўйни кўрган бўри каби ҳужум қилмасе?

Нега булар тулкига дуч келган қуёндай

Жуфтагини ростлаб қолар ёвни кўрганда?

**Бикижак.** Давлатпаноҳ, тавба қилдим, қонимдан кечинг,

Қўшин беринг, ҳозир жангга бошлаб бораёйин.

**Илёсхўжа.** Балли, шундай жавобингни эшитмоқчийдим,

Кара, улар не қилмоқда ноғора чалиб?..

Ҳужум қилиб қолмасмикан ой ёруғида?

**Ҳамид.** Бу урушдир, хоқон, ёвга ишониб бўлмас.

**Бикижак.** Менга қўшин беринг, хоқон, ҳужум қилаёйин.

**Илёсхўжа.** Улар тоғда, биз пастдамиз. Ҳужум бефойда.

Енгмоқ учун ёвни пастга туширмоқ керак.

Чорамиз йўқ, тушишини кутмоқдан ўзга.

**Ҳамид.** Ҳужум қилиб улар бизни янчмасин десак,

Қўшин жангга тайёр бўлиб турмоғи керак.

**Бикижак.** Унда менга рухсат беринг, қўшин айланиб,

Бирга бўлиб, навкарларга далда бераёйин.

**Илёсхўжа.** Майли, рухсат. Аммо айт-чи, Искандар ўғлон

Қайда қолди? Бизга шундай зарур фурсатда?

**Бикижак.** Тошариққа кетди қўшин тўпламоқ учун,

Мен борини олиб, сизга ёрдамга келдим.

**Илёсхўжа.** Бу гулханга қара, энди унисига боқ,

Ҳар бир гулхан атрофида қанча одам бор?

Ўрта, юзта, икки юзми, бизга номаълум,

Аммо ўн минг навкардан ҳам ваҳшати кўпроқ.

Тун сингари қоронғудир бизга мақсади,

Бунисининг ваҳимаси ундан ҳам баттар.

Шунинг учун эҳтиёт бўл. Бирон-бир навкар

Отда ёки отдан тушиб ухлаб қолмасин.

**[Тун сокинлигида тепадан чувиллаган овозлар  
эшитилади, ҳаракатдаги одамлар шарпаси элас-элас  
кўзга ташланади.]**

**Бикижак.** Ҳаракатга келди улар. Ҳужум қилмоқчи.

Бизни ухлаб ётибди деб ўйлаган чиқар.

Кўрар кимни ким ғафлатда қолдирганини,

Тайёрланинг! Камонларни ўқлаб турингиз!



*Амир Темур қароргоҳи. Тоғ ёришиб келмоқда. Амир Темур намоз ўқиб бўлган, лекин жойнамоз бошида ўтириб, Тангрига муножот қилмоқда.*

**Амир Темур.** Тангрим, сенинг даргоҳингга илтижо қилиб,  
Маҳшар куни дийдорингдан умидвор бўлиб,  
Савоб ишлар қилмоқ учун неча бор ўлиб,  
Бугун яна йўлга тушдим, мадад бер, Тангрим!  
Юрт бошига офат келди, роҳат келмади,  
Мен диёнат кутдим, ёғий инсоф қилмади,  
Муродимни сен бермасанг, банда билмади,  
Бугун яна йўлга тушдим, мадад бер, Тангрим!  
Ёғий сира эл бўлмади, мудом берди панд,  
Хароб бўлди Бухорою Хўжанд, Самарқанд,  
Жангга кирдим, юзим ёруғ, қўлим эт баланд,  
Илтижомни қабул қилгин, мадад бер, Тангрим!

**(Ичида дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортиб турганда овоз янграйди.)**

**Овоз.** Темур, сенга фатҳу зафар муборак бўлсин!

**(Амир Темур атрофга аланглайди. Ҳеч ким кўринмайди.)**

**Амир Темур.** Биров келдими, Мубашшир?

**(Мубашшир киради.)**

**Мубашшир.** Йўқ, соҳибқирон.

**Амир Темур.** Овоз эшитдингми сен ҳам?

**Мубашшир.** Кимнинг овозин?

**Амир Темур.** Ҳозир кимдир, «фатҳу зафар муборак», деди.

**Мубашшир.** Эшитмадим. Балки келмиш ғойибдан хабар.

**Амир Темур.** Шундоқ бўлса керак. Бу ҳам қувватдир бизга.

**(Амир Довуд, Ики Темур, амир Сайфиддин, Тамука ва бошқалар киради.)**

**Амир Довуд.** Соҳибқирон, пастга бир кўз ташладингизми?

Тун бўйи Илёс қўшини отдан тушмади.

**Тамука.** От устида мудрашмоқда. Баъзи бирлари  
Ухламоқда аравага суяниб туриб.

**Амир Темур.** Тунда гулхан ёқтиришдан мақсад шу эди.

Ёв кучларин бир манзилда тутиб турмоқ ва

Ҳар лаҳзада ҳужум бўлиб қолишин кутиб,

От устида бедор этиб ҳолдан тойдирмоқ...

Мақсадимиз аввал қисми ошди амалга.

**(Муборакшоҳ киради.)**

**Муборакшоҳ.** Илёсхўжа навкарлари фавж-фавж бўлишиб

Жўнамоқда... Соҳибқирон, ҳужум бошлайлик.

**Амир Сайфиддин.** Рухсат беринг, соҳибқирон.

**Амир Темур.** **(Жўнаб кетаётганларга қараб туради.)**

Шошилманг, Амир.

Бу жангда мағлуб бўлмоғин фаҳмладими?

Ёки ҳийла ишлатмоқчи? Аниқлаш даркор.

**Ики Темур.** Улар кетиб қолади-ку. Шунча замзама,

Тунда қилган меҳнатимиз бекор бўлмасму?

**Тамука.** Йўлда амир Ҳусайн ила Шер Баҳромлар бор.

Бу қопқондан омон чиқиб кетолмас ғаним.

**Амир Сайфиддин.** Соҳибқирон, рухсат беринг, олислаб қолди.

От қўяйлик орқасидан кечроқ бўлса ҳам.

**Амир Темур.** Ана қаранг, тўхтадимми? Нега тўхтади?

Орқасига бурилмоқда. Аён бўлдики,

Чекингандай кўрсатишиб гўё ўзини,

Бизни пастга туширмоқни ўйлаган эди.

Орқасидан тушсак эди уларни қувиб,

Қўрғон каби тоғ бағрига бизларни қамаб,

Мумкин эди ҳолимизни хароб этмоғи.

**Тамука.** Сиз Илёснинг ҳийласини қандай билдингиз?

**Амир Темур.** Шунини яхши билиб қўйки, ҳарбий ҳийлага

Қанча моҳир бўлса агар жангда саркарда,

Қанча янги, кутилмаган ҳийла топса у,  
Ғалабага шунча осон дохил бўлғуси.

**Амир Довуд.** Ҳарбий санъат дерлар буни, Тамука полвон.  
**Амир Темур.** Қуръондан фол очиб кўрай, нима чиқаркин?

**[Кўйнидан жажжи китобни чиқариб, кўзини юмади. Китобни очиб бармоғини қўяди. Кейин кўзини очиб ўқийди.]**

«Инна жаъалнақа халифатан фил арз».

(Биз сени ер юзида халифа қилдик.)

Истиқболнинг хайрли ва муборак фоли,

Эҳтимол, бу парвардигор кароматидир!..

**Амир Довуд.** Иншоолло! Энди ҳужум бошланса керак.

**Амир Темур.** Сал пастроққа туширайлик қўшинни чаққон.

Ёнбағирни эгаллайлик улар келмасдан.

Сўнгра қалин ўқ ёғдириб қарши олайлик...

### **ЙИГИРМАНЧИ КЎРИНИШ**

*Жигдалик мавзеси, Амир Темур қароргоҳи. Чодирда амир Темур, амир Довуд. Тамука, амир Жоку, амир Сайфиддин ва бошқалар.*

**Амир Темур.** Нима бўлди, Кеш ва Ҳузор сипоҳийлари  
Йиғилсин деб фармон бериб юборган эдим?

**Амир Жоку.** Бари шунда, соҳибқирон, хизматингизда.

**Амир Темур.** Балли сизга, амир Жоку! Сайфиддинга ҳам!

Ҳабарим бор Кешни қандай олганингиздан.

**Амир Сайфиддин.** Бу усулни, соҳибқирон, сиздан ўргандик.

Бухородан, Самарқанддан одамлар келди,

Ҳаққингизга дуо қилди, умрингиз тилаб.

Термиз билан Пулисангин ёқасидаги

Зафар барча қишлоқларга етиб борибди.

Барча мазлум элатдошлар мамнун эмишлар.

**Амир Темур.** Мамнун бўлсин бечора эл, қадди тиклансин,

Кўкайи кўп қийилди-ку меҳнат остида.

**[Мубашшир киради.]**

**Мубашшир.** Шайх Муҳаммад етти қўшин навқари билан,  
Соҳибқирон, етиб келди хизматингизга.

**Амир Темур.** Яша, ўғлон. Саломимни айт ва тайин қил,

Жалолиддин туманига қўшилсин бориб.

**[Мубашшир чиқади.]**

«Еткизаман деда кўзу қароқдин

Етиб келар қувват олис Ироқдин».

Деган гап бор. Баён сулдуз Илёсга яқин.

Ўғли эса бизга келмиш мулозим бўлиб,

Бу ҳам бизга Тангрининг бир марҳаматидир.

**Амир Довуд.** Агар кулфат ёғилса бир, кетма-кет ёғар,

Омад келса, бир-бирини келар етаклаб.

Амир, тақдирингиз шундай фаслга кирди.

**Амир Темур.** Кошки эди шундоқ бўлса, азобга тўйдик.

**[Шер Баҳром киради.]**

**Шер Баҳром.** Бу жангда ҳам зафар сизга ёр бўлсин, амир!

**Амир Темур.** Шер Баҳромми? Қайга тағин йўқ бўлиб кетдинг?

**[Қучоқлашиб кўришади.]**

**Шер Баҳром.** Соҳибқирон, йўқолганим сабабин айтсам,  
Мендан оғриб қолмасмикан тағин дилингиз...

**Амир Темур.** Қандай гуноҳ қилиб сени ранжитдим экан?

**Шер Баҳром.** Йўқ, сиз эмас. Ҳамиятим тупроққа қорган

Оғзи шалоқ қайноғангиз амир Ҳусайн.

Кўлак даштида онамни ҳақорат қилди,

Аччиқ ичра кетган эдим Хатлонга қайтиб...

Бу ердаги жангдан қуруқ қолмай деб келдим.

Соҳибқирон, ёнингизда бўлмоқ истагим.

**Амир Темур.** Мени кечир. Унга ёрдам қўлини чўзиб,

Кучайсин, деб қаватига юборган эдим.

Афсус-афсус. Тангрига сол, дилинган чиқар.  
Мард йигитсан. Мундан сира озаймас қадринг.

**(Мубашшир киради.)**

**Мубашшир.** Қаҳалкада қолганлар ҳам етиб келдилар.

**(Чиқади.)**

**Амир Темур.** Ана-ана, мулло Баҳром, бераман, деса  
Тангри марҳамати улуғ. Қўшқўллаб берар.  
Эрталабки намоздан сўнг ҳазрат Яссавий  
Ҳикматлари юрагимни нурга тўлдирди.  
Қуръон ўқиб у кишининг арвоҳларига,  
Сўнгра ушбу рубоийни етмиш бор айтдим:  
«Ялдо кечани шаъми шабистон эткон,  
Бир лаҳзада оламни гулистон эткон,  
Бас, мушкул ишим тушубдир, осон эткил,  
Эй барчанинг мушкулини осон эткон».

**Амир Довуд.** Насиб қилса, мушкулимиз осон бўладир.

**Шер Баҳром.** Унча осон бўлмас, Илёс қўшинлари кўп.

Ҳозир йўлда келатуриб, Тошариқда мен  
Илёсхўжа қароргоҳи устидан чиқдим.  
Қароргоҳда зоғ учмайди. Овоз бергандим,  
Илёсхўжа чодирдан бир мўғул чиқди.  
Туғлуқхоннинг вазирига ўшар келбати.  
«Эгаси йўқ бу чодирга меҳмонман», дейди.  
Демак, Илёс отасидан кўмак сўраган,  
Аммо мадад ҳали етиб келмаган чоғи.

Ҳаракатни бошлаш керак улардан аввал.

**Амир Темур.** Тўри айтдинг. Ҳаракатни бошламоқ даркор.

Қолдирмасин, десак улар бизни ғафлатда.

Биз ғафлатда қолдирайлик. Мубашшир қани?!

**(Мубашшир киради.)**

**Мубашшир.** Лаббай, соҳибқирон!

**Амир Темур.** Бориб Ҳусайнга айт:

Унг қанотдан ҳужум қилсин душман устига.

Чап қанотдан қўшинларим бошлагайман, мен.

Ҳар гал менга ҳужумларни Илёс бошлаган,

Мен бошлайман унга қарши ҳужумни бу гал!

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ КҮРИНИШ

*Самарқанд. Шаҳар ташқариси. Қунчиқар тараф. Олисдан омор қолган қалъа девори, миноралар кўринади. Афросиёб, Кўҳак тепалигида байрам. Болаларнинг шиклдоғи, карнайчалари тинимсиз чалинади. Майдонда, шаҳарга кирадиган кўчаларда одам кўп. Ҳамма амир Темур ва амир Ҳусайн бошлиқ зафар билан қайтаётган қаҳрамон турк қўшинларини кутиб олиш учун кўчаларга чиққан.*

*Музаффар қўшин олдида отлиқ амир Темур билан амир Ҳусайн кўринади. «Зафар муборак!», «Умрларинг зиёда бўлсин!», «Тангри сизни қўлласин!», «Доим зафар ёр бўлсин!» каби хитоблар янграйди. Қаландарлар исриқ тугатиб, улар ёнига боришади. Дуо қилиб навкарлар томон йтиб кетишади. Мавлонзода билан Абубакир олдинга чиқишади.*

**Мавлонзода.** Фатҳу зафар қутлуғ бўлсин, мавлоно амир!

**Амир Темур.** Ишлар нечук? Омонмисиз, сарбадор дўстим?!

**Мавлонзода.** Минг бор қуллуқ!

**Абубакир.** Қабул этинг қутловимизни.

Сиз зулматни бошимиздан фориг қилдингиз.

Халоскорсиз: Хонимиз деб атаймиз сизни.

**(Бу гапни эшитиб амир Ҳусайннинг туси ўзгаради. Лаблари кинояли қимтинади. Мавлонзода билан Абубакир чеккага чиқишади. Кампир пайдо бўлади. Юғуриб бориб Темурнинг узангисига бош уради.)**

**Кампир.** Жаноб Темур, ҳазрат Темур. Ҳоқон ўғлоним,

Балогардон ўғлим менинг. Баҳодир ўғлим.

Сизни тавоф қилмоқ учун ижозат беринг;

Шу халоскор кўлларингиз кўзимга сурай.

**Амир Темур.** (Таъсирланади.)

Онаҳон, сиз Эргаш ботир волидаси-ку!

Омонмисиз? Уғлингизни кўрасиз ҳозир!

**Кампир.** Баҳодирим борми шунда? Келар... Халойиқ  
Дуо қилинг, амир Темур омон бўлсинлар!..

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ КҮРИНИШ

*Самарқанд. Хон саройи. Нуфузли мулозимлар, амирлар, дин пешволари, ҳокимлар, бекарар шу ерда. Амир Ҳусайн билан Малик саломхонага киради.*

**Малик.** Мўғул хони бу диёрдан бадарға бўлди,  
Бошсиз бўлмас салтанат. Хўш, тахтга ким чиқар?  
**Амир Ҳусайн.** (кулимсираб)  
Амир Темур билан гапни бир жойга қўйиб,  
Эрта-индин шу саройда қурултой йиғсак,  
Улар кимни лойиқ кўрса, ўша бўлади.

**[Амир Довуд киради.]**

**Амир Довуд.** Не дерсизлар хон кўтарсак амир Темурни?  
**Амир Ҳусайн.** (жаҳли чиқиб)  
Қарқуноқдан ҳеч замонда булбул чиққанму,  
Амир Темур қайси хоннинг урвоғи экан?  
Бу салтанат низомига хилофдир мутлоқ.  
**Амир Довуд.** Суҳбатингиз қулоғимга чалинган эди,  
Шунинг учун фикрингизни сўрадим, холос.  
Уэр, амир, нега бундан жаҳлингиз чиқди?  
**Амир Ҳусайн.** Ҳали куним қолгани йўқ сизга, биродар,  
Халал берманг, маслаҳатли гапларимиз бор.  
(Амир Довуд хижолат ила чиқади.)

Булар қизиқ. Кўчадаги қаландарни ҳам  
Хон кўтарса бўлади, деб ўйлайди. Аҳмоқ.  
**Малик.** Хафа бўлманг, балки сизга икки сўйгандан,  
Ё сиздан гап олмоқ бўлиб гапиргандир-да.  
**Амир Ҳусайн.** Ҳа, биламан, уни бунга Темур юборган.  
**Малик.** Сиз биласиз ер тагида илон ўрласа...  
Узи журъат қилолмасди бундай гапларга.  
Шубҳангиз рост.

**Амир Ҳусайн.** Булар дарахт шэхида юрса,  
Мен баргида юрадирман. Анойи зотлар...  
«Зотим ким?» деб ўйламасми Темурнинг ўзи?  
Мен-ку хоннинг куёвима, алоқам бордир,  
Унинг тожу тахтга қандай алоқаси бор?  
**Малик.** Кўргандирсиз. Кўчаларга чиққан оломон  
«Фатҳу зафар муборақ?» деб уни қутлади.  
Уни дуо қилди ҳамма қўлини очиб,  
«Темур бизнинг хонимиз», деб қичқирди кўплар.  
Шунинг учун тожу тахт ҳам бўшаб қолди деб,  
Ўз кўнгулда «хон бўлдим», деб ўйлаётгандир.  
**Амир Ҳусайн.** Кўнгулга келган ҳар ишни қиламан десанг,  
Нималарни истамайди ноъавон кўнгул...  
Аммо инсоф, андиша бор дунёда, ахир!  
**Малик.** Булар қуруқ гаплигини биласиз, амир,  
Булар содда одамларга дастмоя, холос.  
Амир Темур маккор одам. Кечиринг мени...  
Кўёвингиз...

**Амир Ҳусайн.** (Кўлини кўтариб, унинг гапини бўлади. Унг ва сўлга  
аланглаб кўз ташлайди. Кейин Маликка яқинлашиб, овозини пасайтириб  
сўзлайди.)

Сенга муҳим топшириқ бор.  
Қайин иним Кобулшоҳни яхши кийдириб  
Келтириб қўй саройнинг бир хилват жойига.  
Бундан Темур одамлари огоҳ бўлмасин.  
Тушундингми?  
**Малик.** Ҳа, тушундим.  
**Амир Ҳусайн.** Бажар, бўлмаса...

**[Малик чиқади. Ҳусайн ёлғиз.]**

Темур отни қамчилабди. Тарафдори кўп,  
Демак, менга насиб қилмас тахтга ўтирмақ.  
Аммо сен ҳам бўлолмайсан унга мушарраф...

(Қувноқ кайфиятда Амир Темур киради.)

**Амир Темур.** Қаранг, амир, бу саройга юрак ҳовучлаб,  
Рухсат сўраб, навбат кутиб кирардик аввал.

**Амир Ҳусайн.** Шундай-шундай. Насиб қилди бемалол юриш.

**Амир Темур.** Торингиз суст кўринмоқда. Не бўлди, амир?  
Фатҳу зафар нашъалари жонга тегдими?

Ёки биров ранжитдими билиб-билмасдан,  
Ё асирлар аҳволдан хабар келдими?

**Амир Ҳусайн.** Ўзим шундоқ. Кайфиятим жойида, амир.

Тантаналар, базмлардан ҳордим, шекилли.

Нима дейсиз, қурултойда кенгашиб олсак?

**Амир Темур.** Мен ҳам худди шу ҳусусда гаплашмоқ учун,  
Фикр олмоқ учун келдим ҳузурингизга.

**Амир Ҳусайн.** (ичида.) Ҳозир менга ташлаб кўрар гап илмоғини,  
Сўнгра «мени хон кўтар», деб илтижо қилар.

[Овоз чиқариб ]

Қурултойда қилар ишни ўйлаб қўйганман.

Айтинг, агар сизда муҳим таклифлар бўлса.

**Амир Темур.** Покладик юрт тупроғини ёв оёғидан,

Энди маҳкам бир салтанат тикламоқ лозим.

Бунинг учун барча беку ҳокимлар бошин

Бириктирмоқ лозим аввал бир туғ остига.

Токи бизга қарши ҳужум уюштирган ёв

Иккинчи бор фатҳ этишга журъат қилмасин.

Дарёларга кўприк қуриб, йўллар очайлик,

Тозалайлик манзилларни қароқчилардан.

Илёсхўжа аъёнлари жорий этган ул

Турли-туман солиқларни бекор қилайлик.

Бу мазлум эл кўксига ҳам шабада тегсин,

Энди эркин бўлганини ҳис қилсин бари...

Йўл очайлик савдогарлар, тадбирлиларга —

Имтиёзлар, сармоялар ташкил этайлик.

Ўйлаб қўйган гапларим кўп. Айтаверайми?..

Вайрон бўлган мадрасалар, хонақоларни

Тиклаш, сўнгра, тўғон қуриш, ариқлар очиш,

Ишдан чиққан далаларга ҳаёт келтириш.

**Амир Ҳусайн.** Бўлди-бўлди. Гапингиздан ғовлади миям,

Шу гапларни қурултойда айтмоқчимисиз?

**Амир Темур.** Айтмоқчиман. Элбошилар билмоғи керак.

Қандай яшаш лузумини тушуниб олсин...

Бундан буён ҳеч ким бизга ҳўжайин эмас,

Ўзимиз ҳал қиламиз ўз тақдиримизни.

**Амир Ҳусайн.** (ичида)

Ҳавоси кўп баланд мунинг, ҳавоси баланд.

[Овоз чиқариб, киноя қилади.]

Бошингизда тож йўқ ҳали. Қурултой индин...

Ундан кейин хон тахтига даъвогар бўлак,

Бобом амир Қозоғон ҳам «хонман» демаган.

**Амир Темур.** Мен ўзимни хон деб эълон қилмадим ҳали,

Ким жанг билан тожу тахтни қўлга киритса,

Тахтга ўша эга бўлган одатда, амир!

**Амир Ҳусайн.** Чиғатойхон наслари бунда ҳали кўп,

Хон наслидан бўлмаганлар муносиб эмас.

**Амир Темур.** Нега менга бу гапларни айтаётирсиз?

**Амир Ҳусайн.** Чунки пинҳон ниятингиз билиб турибман.

**Амир Темур.** Нима, мен хон бўламан деб айтдимми сизга?

**Амир Ҳусайн.** Амир Довуд айтди сизнинг мақсадингизни.

**Амир Темур.** Амир Довуд? Нима деди?

**Амир Ҳусайн.** Айёрлик қилманг,

Сиз тайинлаб айтган гапни гапирди, холос.

**Амир Темур.** Мен нимани тайинлабман амир Довудга?  
**Амир Ҳусайн.** «Мени хон деб қурултойда овоза қилсин»,  
Деб хуфёна ҳузуримга элчи қилибсиз.  
**Амир Темур.** Танграм ўзинг асра мени қуруқ тухматдан.  
Тавба-тавба! Амир Довуд, ҳой, амир Довуд!  
Ким бор? Бунда чақиринглар амир Довудни!..

**(Амир Довуд киради.)**

**Амир Довуд.** Лаббай, соҳибқирон, мени чақирдингизми?  
**Амир Темур.** Амир Ҳусайнга хуфёна бориб айтгин деб,  
Сизга қандай сир тайинлаб юборган эдим?  
**Амир Довуд.** Қанақа сир? Соҳибқирон, очикроқ айтинг,  
Бунда не гап ўтганига тушунмаяпман?!

**(Амир Темур амир Ҳусайнга қарайди. Амир Ҳусайн булар муғамбир-лик қилмоқда, деган хаёлда мийиғида аччиқ жилмаяди.)**

**Амир Ҳусайн.** Тушунолмай турибсанми? Еки фош бўлиб  
Хўжайиним хижолатга қолмасин дейсан?..

**Амир Довуд.** Соҳибқирон шаъни азиз мен учун ғоят,  
Асрор йўқдир у кишига соя солгудай.

**Амир Ҳусайн.** Малик билан суҳбат қуриб турганимизда  
Амир Довуд ёнимизга оҳиста келиб  
Томдан тараша тушгандай шақиллаб деди:  
«Не дерсизлар хон кўтарсак амир Темурни?!»  
Шу гапни сен айтганмидинг?

**Амир Довуд.** Ҳа, айтган эдим.

**Амир Темур.** Бу гапни мен ўргатдимми, бориб айтгил деб?

**Амир Довуд.** Мени маъзур тутинг, амир. Гап бундоқ бўлган:  
Ўтаётган эдим шошмай ўз йўлим билан,  
«Қурултойда», «хон кўтариш», деган жумлалар  
Қулогимга етиб келди. Хонлик ҳақида  
Сўзлашмоқда эди булар. Енига бориб,  
Кўчадаги халойиқнинг гапини айтдим.  
Буларга ҳам маъқулдир, деб қилгандим хаёл.

**Амир Темур.** (Қаттиқ кулади. Амир Довуд жилмаяди.  
Амир Ҳусайн эса тунд.)

Кўча гапи саройга мос келмайди, гарчи...

Арқон кўриб аждарми деб чўчиманг, амир!

## **ЙИГИРМА УЧИНЧИ КЎРИНИШ**

*Уша сарой. Бугун унинг кўриниш хонасида маросим ўтказилмоқда. Амир Ҳусайн бошлиқ уламолар, кекса саркардалар Кобулушоҳни тахтга ўтқиздилар. Қадимги турк султонлари удумига биноан энг нуфузли ва ҳурматли зот сифатида хон бошига олтин тожни амир Ҳусайн кийдирди.*

*Маросимдан кейин амир Темур сарой ҳовлисида тантанали зиёфат ташкил қилиб, меҳмонларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатди. Амир Ҳусайнга зарбоф чопон кийдириб, қимматли совғалар инъом қилди. Зиёфат, базм тарқаб, меҳмонлар оёғи тингач, амир Темур саломхонага, амир Ҳусайн ёнига киради.*

**Амир Темур.** Қурултой соз ўтди, амир, ҳормадингизми?

**Амир Ҳусайн.** Зиёфат зўр бўлди, дўстим, қурултойдан ҳам,  
Барча ташвиш ҳордиқларим тарқалиб кетди.

**Амир Темур.** Сиздан битта тилагим бор маъқул кўрсангиз.

**Амир Ҳусайн.** Тилай беринг, тилагингиз, ижобат бўлғай.

**Амир Темур.** Қўлингизда асирлар кўп. Шулар ичидан  
Икки асир гуноҳини тиласам, дерман.

Хабарингиз борми-йўқми, амир Ҳамиднинг

Отаси-ла падаримиз қалин дўст эди.

Отам дўсти ҳурматига сиздан сўрардим,

Шу дўстимни тутқунликдан озод қилмоқни.

**Амир Ҳусайн.** Яхши, амир Ҳамид бугун озод бўлади.  
Иккинчиси кимлигини...

**Амир Темур.** Айтаман ҳозир.

Униси Искандар ўғлон. Баҳодир йигит.

**Амир Ҳусайн.** Майли, амир Жалойирга одам юборинг,  
Фармон бўлса имзо, муҳрим босиб берурман.

**Амир Темур.** Унда амир Сайфиддинга, амир Довудга  
Хабар берай, олиб келсин дўстларимизни.

**{Чиқади. Кўп ўтмай қайтиб келади.}**

Мана фармон.

**{Узатади. Амир Ҳусайн олиб муҳр босиб қайтариб беради. Амир Темур  
эшик ёнида турган амир Довудга топширади.}**

**Амир Ҳусайн.** Асир сизда мўл бўлса керак?

**Амир Темур.** Кўп, жуда кўп. Мўғуллардан асир олмаган  
Кўшинимда бирор чаққон навкар қолмаган.

**Амир Ҳусайн.** Мунча нонхўр асирларни не қилмоқчисиз?

**Амир Темур.** Узингиз-чи?

**Амир Ҳусайн.** Мен қул қилиб соттираман ё,  
Ё бошини олдираман. Боқиб юрмайман.

**Амир Темур.** Рози бўлса, қўшинимда хизмат қилмоққа  
Қурол-яроғ бераман-да, бошин силайман.

Гар йўқ деса, жўнатаман келган юртига,

Ота-она, бола-бақра қошига борсин.

**Амир Ҳусайн.** Сиз душманга шафқат билан қарамоқчисиз.

**Амир Темур.** Душман эмас, улар оддий навкарлар, холос.

**{Малик киради.}**

**Малик.** (Темурга) Амир, сизни битта кампир кўрмоқчи эмиш.

**{Амир Темур чиқади.}**

Доғда қолди, лекин сизни яхши сийлади,

Эл олдида қадрингизни кўтарди жуда.

**Амир Ҳусайн.** Темур қўли очик йигит. Кўнгул ҳам шундоқ.

Тожу давлат илинжидан холи бўлсайди.

**Малик.** «Ариқдаги қурбақа ой бўламан, дермиш

Кўча кезган гадолар бой бўламан, дермиш».

Шу қўшиқни эшитганман болалигимда,

Хотирамда муҳр бўлиб ўрнашиб қолган.

Темурнинг хом хаёлини эслаганимда

Нимагадир ўша қўшиқ тушар ёдимга.

**Амир Ҳусайн.** «Ариқдаги қурбақа ой бўламан, дермиш...»

Жуда тағдор қўшиқ экан. Ой — кўкдаги ой,

Қурбақа ким? Ариқдаги қурбақа, ҳа-ҳа!..

**{Кулади. Яйраб кулади.}**

Қурбақа ҳам ўхшар экан куёвимизга.

Сен — қурбақа қаёқда-ю, кўкда ой қайда,

Шу ўйларга борармиди нодон бўлмаса?

**Малик.** Кўнгул кўчаси шунчалик бепоён экан,

Бу кўчага кирган сарсон-саргардон экан.

**Амир Ҳусайн.** Қандай кампир экан уни сўроқлаб келган?

**Малик.** Танимайман, самарқандлик бир авомдир-да.

У кишимнинг авомлардан мухлислари кўп.

**Амир Ҳусайн.** Авом уни ардоқлайди. Жангдан қайтишда

Кўрмадингни, уни қандай олқишлади эл.

**Малик.** Авом уни олқишлади, аммо Кобулшоҳ

Тожу тахтга эга бўлди. У қолди қуруқ.

**Амир Ҳусайн.** Бизни куёвни бунчалар масхара қилманг,

Гапингизни билиб қолса, қилич суғурса,

Сизни унинг чангалидан қутқаролмайман.

Бир зарбаси минг зарбага татийди унинг.

**{Амир Темур хурсанд ҳолда киради.}**

**Амир Темур.** Онадаин меҳрибон йўқ бола зотига.

Жангдан келган зурриётин кўргани учун

Шундай хурсанд-шундай хурсанд она бечора...

Келинини икки мўғул нобуд қилганди.

**Амир Ҳусайн.** Ҳа, ростдан ҳам она каби меҳрибон йўқдир.

**Амир Темур.** Пулисангин урушида эшитган эдим  
Кўз остига олган экан кампир бир қизни,  
Уғли жангдан қайтса келин қилмоқчи экан.  
Она шўрлик совчи қўйса не умид билан  
Қиз отаси рози бўлмай ўтирган эмиш.  
Бир маслаҳат беринг, дейди она бечора.  
**Амир Ҳусайн.** Нима, сиздан ўзга одам топилмабдими?  
Қандай журъат қилди экан шундай бемаъни  
Таклиф билан бузмоқликка роҳатингизни?  
**Амир Темур.** Сизча, балки бемаънидир кампир журъати,  
Аммо менга маъқул тушди. Совчи бўламан.  
Қиз отасин кўндираман. Қалин бераман.  
Узим бориб бош бўламан тўйларига ҳам.

**[Амир Довуд киради.]**

Келдингизми? Келишдими менинг дўстларим?  
Олиб киринг, олиб киринг, бағримга босай.

**[Боши эгик, ғамгин.]**

**Амир Довуд.** Узр, амир! Кечикибмиз. Қутқаролмадик.  
Амир Жалойир Ҳамиднинг бошини кесмиш.  
**Амир Темур.** Ё раб, дўстим қутқаришдан ожиз қолдимми?!  
**Амир Ҳусайн.** Ким буйруқ берибди уни қатл этмоққа?  
**Амир Довуд.** Улар қатл этмоқ учун фармон келар деб,  
Йўлга қараб, элчи кутиб туришган экан.  
Бизнинг қорамизни кўриб олисдан шошиб,  
Ўлдирмоққа фармон олиб келишмоқда деб,  
Бири қилич солиб, бири гурзи-ла уриб,  
Адо қилиб қўйишибди амир Ҳамидни.  
**Амир Темур** (кўзларидан ёш оқиб.)  
Номард фалак, номард фалак! Армонда қолдим!  
Қутқаролмай доғда қолдим қадрдонимни!..  
**Амир Ҳусайн.** Ҳеч ким қочиб қутулолмас тақдир ҳукмидан!

#### **ИИГИРМА ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ**

*Кеш. Амир Темур саройи. Соҳибқирон билан бирга амир Довуд, амир Жоку, Кайхусрав ва бошқалар гаплашиб ўтиришибди.*

**Кайхусрав.** Энди қайтсам, соҳибқирон, Хатлон юртимга.  
Бари кундай равшан бўлди. Аперди келмас.  
**Амир Темур.** Уч кун кутдик. Қанча беклар, амирлар келиб,  
Салтанатга содиқмиз деб аҳду паймонни  
Маҳкам қилиб кетди. Аммо, баъзи амирлар  
Амримизга бош эгишдан қочаётирлар.  
**Кайхусрав.** Қурултойда аҳду паймон қилганимизни,  
Барча гапни унга айтдим. У бўлса кулиб  
«Ҳеч бир хонга бош эгмаган найман уруғи,  
Биз ўзимиз хонмиз бунда, соямиз майдон.  
Темур яхши одам, лекин уруғи бўлак,  
Не истаса қилсин, бизга тегмасин», деди.  
**Амир Темур.** Унда сенга бир гап айтсам, бажарасанми?  
**Кайхусрав.** Бажараман, соҳибқирон, ўт десангиз ўт,  
Сув десангиз сувга сўзсиз кираман, айтинг.  
**Амир Темур.** Унда сенга мадад кучи қўшиб бераман.  
Апердининг мулкини ол. Узингга бердим.  
**Кайхусрав.** Миннатдорман. Соҳибқирон, йўлга чиқайми?  
**Амир Темур.** Майли. Қўшин билан бирга борар Сайфиддин.

**[Кайхусрав чиқади. Мубашшир киради.]**

**Мубашшир.** Соҳибқирон, Шайх Муҳаммад қазо қилибди.

**[Юзига фотиҳа тортиб.]**

**Амир Темур.** Охирати обод бўлсин. Мард йигит эди.  
Шароб уни олиб кетди. Мана, оқибат.  
**Мубашшир.** Маъзур тутинг, яна бир гап: бир гуруҳ одам  
Хўжанд ҳокимини боғлаб олиб келмишлар.  
**Амир Темур.** Кимлар экан? Нега олиб келмишлар боғлаб?



**Мубашшир.** Уша Хўжанд одамлари. Беклар, сардорлар...

[Темур туриб, «Сизлар ўтиринг» ишорасини қилиб ташқари чиқади.]

**Амир Довуд.** (Мубашширга)

Нима экан?

**Мубашшир** (кулиб.)

Уша амир Боязиднинг бир

Моҳипайкар, моҳиталъат ёри бор экан.

Амир Ҳусайннинг унга ишқи тушибди

Кўшин тортиб келибди шу жононни бер деб.

**Амир Довуд.** Ҳа, ўйламай иш қилгувчи одатлари бор.

Хўш, кейин-чи?

**Мубашшир.** Унга қарши амир Боязид

Жанг қилмоқчи бўлган экан, амир беклари

Исён қилиб, Боязиднинг қўлларин боғлаб

Соҳибқирон ҳузурига олиб келибди.

**Амир Довуд.** Моҳипайкар Ҳусайнга хуштор эканми?

**Мубашшир.** Билолмадим, амирларим, эшитганим шу.

Менга рухсат.

[Чиқади.]

**Амир Довуд.** Майли-майли. Ғалати ишлар.

Соҳибқирон куйиб-пишиб юрибди бунда,

Салтанатни мустаҳкамлаш чорасин излаб.

Ҳусайн эса биров билан аёл талашиб,

Нима дейсиз қўшин тортиб юрганлигига.

**Амир Жоку.** У бировнинг никоҳдаги хотини бўлса,

Қўлда шунча дову даска, хизматкор туриб,

Боши очиқ бир жононни топиш ўрнига,

Синиқ чинни идиш учун жанг қилса... Тавба...

**Амир Довуд.** Ҳокимники, бу жанжалда қўллаш ўрнига

Ўз беклари қўл-оёғин боғлаб келибди.

Бунда бир гап борга ўхшар... Шундайми, амир?

**Амир Жоку.** Ундоқ бўлса, Ҳусайнга топширмай, нечун

Соҳибқирон ҳузурига олиб келганлар?

**Амир Довуд.** Ҳусайнга топширсалар, бошин оларди,

Бунда келиб, ҳаётини сақлаб қолдилар.

**Амир Жоку.** Садоқатли экан унда сардор, беклари.

[Амир Темур киради.]

**Амир Темур.** Қайноғамнинг кўп ғалати атворлари бор.

Бир аёл деб Боязидга қўшин тортибди.

Хайриятки, беклар қирғин олдини олиб,

Боязидни боғлаб бизга келтирибдилар.

Далда бериб, ширин сўз-ла кўнглун кўтариб,

Лашкар қўшиб ўз юртига қайтардим. Унда

Юртни талаб, мақсадига етган Ҳусайн,

Булар етиб борганича шаҳардан кетар.

**Амир Довуд.** Битта қамчи озлик қилар Боязидга ҳам.

Шунча беклар остонага бош уриб келди,

У келмади. Салтанатга яқдил бўлишни,

Бирикишни таслим бўлиш, ор деб тушунди.

**Амир Темур.** Ҳаёт шундай муаллимки, ўрганиш учун

Лаёқатинг, фаҳминг бўлса тилагинг берар.

Ўзинг доно, бошқаларни нодон деб билсанг,

Кузларингни мошдай очиб қўяди бир кун...

[Саҳна ўзгаради. Уша жой. Кеч кирмоқда. Амир Темур суҳбатлашиб ўтирганда Аперди киради.]

**Аперди.** Соҳибқирон! Соҳибқирон! Уйгинам куйди!

Сиздан мадад талаб келдим! Юкиниб келдим.

**Амир Темур.** Шошма-шошма, нима бўлди? Шошилмай гапир!

**Аперди.** Туман-туман лашкар тўплаб бошимга борди,

Мулким талаб, вайрон қилди Кайхусрав тентак.

**Амир Темур.** Нима? Қачон? Ҳали сенга озор бердимми?

Кўшничилик андишасин йўқотди, наҳот?  
Балки бунинг бошқа бирор сабаби бордир,  
Балки бирор гап-мап ўтган ораларингда?  
**Аперди.** Курултойдан қайтгач, йўқлаб борди уйимга,  
Кучок очиб кутиб олдим. Ҳурмат кўрсатдим.  
Бир отимни кўриб, жуда ҳаваси келди,  
Сотгин, деди. Туриб олди. Елворди роса,  
У атрофда бундай от йўқ. Кўзим қиймади.  
Балки шу от сабаб бўлган...

**Амир Темур.** Балки у эмас.  
Апердивой, мендан фармон олгандинг чоғи?

**Аперди.** Олган эдим, соҳибқирон.

**Амир Темур.** Нега келмадинг?

Ўша пайтда келиб, бунда ҳамма қатори  
Салтанатга садоқатинг ошкор қилсайдинг,  
Оғир кунда сени ёлғиз қолдирмас эдик.

**Аперди.** Афу этинг. Мен нодонлик қилибман, амир.  
Менга кўшин беринг, мулким қайтиб олайин.  
Ёрдам беринг, соҳибқирон, қулингиз бўлай.

**Амир Темур.** Менга қуллар даркор эмас, салтанатимга  
Таянч бўла оладиган ҳамкорлар керак.

**Аперди.** Қулми, ҳамкор... Ит сингари содиқ бўлайин,  
Фақат қувманг. Соҳибқирон, эшигингиздан...

**Амир Темур.** Майли, кўнглумни юмшатдинг. Кўшин бераман,  
Аммо бизга мункир келиб, сўнгра алдасанг,  
Ўзингдан кўр...

**Аперди.** Майли, унда бошимни олинг.

**Амир Темур.** (Қарсақ уради.)

Ким бор! Бизга Мубашширни чорлаб юборинг.

(Мубашшир, ортидан Кайхусрав кўринади.)

Ана-ана, ўзи келди гуноҳкорнинг ҳам,  
Кел, Кайхусрав! Апердини нега қийнадинг?

#### [Мубашширга]

Сенга рухсат. Ишимизни тангри ўнглади.

#### [Мубашшир чиқади.]

**Кайхусрав.** Келибди-да қилмоқ учун сизга шикоят.

#### [Апердига дакки бериб]

Кўшничилик — иноқчилик, дўстлик дегани,

Булар бўлса гоҳ ўғирлар қўйларимизни,

Ов қилади сўрамай гоҳ тўқайимизда.

Бизнинг яйловда йилқисин боқади гоҳи...

«Ҳой, Аперди, чора кўр», деб неча бор айтдим.

**Амир Темур.** Кайхусрав, қўй, ўзингни бос. Аперди билан

Ҳамма гапни сен келгунча гаплашиб олди.

Уят бўлар икки кўшни жанг қилиб юрса.

Кел, иккаланг яраш энди. Душман эмассиз.

Кайхусрав баҳодир, аввал сен бошла, қани?!]

#### [Кайхусрав бош эгиб Аперди ёнига боради.]

**Кайхусрав.** Мени кечир, юрагингдан чиқар аламни.

**Аперди.** Сен ҳам кечир, биродарим, хафа эмасман...

#### ЙИГИРМА БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

*Солисарой қалъаси. Амир Ҳусайн қасри. Базм. Хонандалар соз чалишиб, раққосалар хиром қилмоқда. Уйин-кулги авж олади. Кейин амир Ҳусайн бўлди ишорасини қилади. Улар чиқади. Машшоқлар нағмаси эшитилиб туради.*

**Амир Ҳусайн.** Ўз элини орқа қилиб амир Боязид

Аввалгидай яшайман деб ўйлади чоғи.

Шу туфайли шерик бўлиб амир Темурга

Ва бош эгиб боришликни лойиқ кўрмади.

Шундай дамни кутар эдим анчадан буён,

Яна шундай қулай фурсат бўладими, йўқ,

Фойдаланиш керак, дедим. Унинг беклари  
Қўшин тортиб борганимда, ҳокимни боғлаб,  
Менга олиб чиқмоқ учун сўз берган эди.  
**Фарҳод.** Қайдан хабар топди экан, амир Боязид?  
Билган чиқар. Билмаганда қочолмас эди.  
**Пўлот.** Беклари ҳам чиқмади-ку. Боязид билиб,  
Хабар топиб бекларининг қилмишларидан,  
Барин гумдон қилганмикан? Сўнгра ўзи ҳам  
Паноҳ излаб кетганмикан қалъадан чиқиб!  
**Малик.** Балки овга чиққан эрур дарё бўйига,  
Ўрдак отиб, балиқ овлаб юргандир балки.  
**Амир Ҳусайн.** Қўйинг уни. Не бўлса ҳам муродга етдик.  
Элин талаб, ўлжа билан бой бўлиб қайтдик.  
Шаробдан қуй, амир Малик! Бошқа гапни қуй,  
Майшатдан гапир, қизиқ ишлардан гапир!..  
**Малик.** Агар кўнглумни шод этса, ўшал турки суҳандони,  
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони...

**[Кулишади. Шу пайт амир Темур киради.]**

**Амир Темур.** Хушвақт бўлинг. Давра зўр-ку. Самарқанд билан  
Бухорони кимга, нечун топширмоқдасиз?  
**Амир Ҳусайн.** **[Кўришмоқчи бўлади. Чайқалиб кетади. Анча кайфи  
ошиб қолган. Ҳамма ўрнидан туради.]**  
Турк жононнинг лабидаги қора хол учун  
Бутун дунёни бермоққа тайёрман бугун.  
**Амир Темур.** **[Ҳусайн билан қучоқлашиб кўришатуриб.]**  
Ахир, нима шарафига бунча саховат?  
**Амир Ҳусайн.** Бугун ажиб бир гўзални қўлга киритдим,  
Шаҳрини ҳам қўшиб олдим тасарруфимга.  
**Амир Темур.** Уша гўзал Боязиднинг заифасими?  
**Амир Ҳусайн.** Сиз ҳам унинг таърифини эшитганмисиз?  
**Амир Темур.** Боши очик ундан барно қизлар оз эмас.  
**Амир Ҳусайн.** Тўғри, ундан дилбар қизлар оз эмас, лекин,  
Кўнгул деган, ғурур деган гаплар бор, амир!  
**Амир Темур.** Элчи Бўға тортиб олиб мерос мулкингиз,  
Балхда салтанат туғини кўтарганида,  
Қайтиб олиш ўрнига сиз бир аёл учун  
Бошқа вилоятга қараб қўшин тортсангиз,  
Бу ишингиз тўғри келар қайси қонунга?  
**Амир Ҳусайн.** Амир, бизни тергамоққа келдингизми ё?  
**Амир Темур.** Бир марта ҳам мени йўқлаб борганингиз йўқ,  
Дийдор ғанимат деб келдим даргоҳингизга.  
Сиз тергашга келдингми, деб пичинг қиласиз.  
**Амир Ҳусайн.** Хуш келибсиз, амир Темур, тўрга марҳамат!..

**[Чайқалиб, мункиб кетади. Мулозимлар уни сўяйди.]**

**Амир Темур.** Аммо кўриб турибманки, мавруди эмас.  
Агар Балхни истасангиз қайтиб олмоқни  
Қўшин билан сизга кўмак бермоқчи эдим.  
**Амир Ҳусайн.** Қуллук, аммо, ўзимда ҳам қўшин етарли.  
**Малик.** Давлатпаноҳ, дам олсангиз бўларми, дейман.

**[Қўлтиғидан сўяб, олиб чиқа бошлайди.]**

**Амир Темур.** Яхши қолинг, майли, амир. Бевақт келибман,  
Маслаҳатли гап бор эди.  
**Амир Ҳусайн.** Кетмангиз, Темур.  
Бир дам мизғиб олай, бир дам. Ундан кўп эмас.

**[Кетади.]**

**Фарҳод.** Утинг, амир, тўрга ўтинг. Отамлашайлик.  
**Амир Темур.** Қуллук-куллук. Фурсатим йўқ, Ташвишларим кўп.  
**Пўлот.** Келинг, амир, бу дунёда ташвиш тугамас,  
Дам ғанимат, роҳатижон шаробдан олинг.

**[Темур чиқиб кетади.]**

Тошкент билан Чиноз ораси. Амир Ҳусайн ўнг қанотни, Амир Темур сўл қанотни бошлаб бормоқда. Олисдан ёғий қўшинининг манглайи кўринади.

Осмонда паға-паға сузиб юрган оқ ва қора булут парчалари бирлашиб, чақмоқ чақди, ёмғир томчилай бошлайди. Жалага айланади.

**Амир Темур.** Ё раб!.. Жавзо ойида-я. Куз ё баҳорда Бундай жала куйганига ажабланмасдим.

**Амир Ҳусайн.** Илёсхўжа қаватида жадачиси бор, Жада қилиб бу жалани ўша чақирган.

Ўша жодугарни тутиб ўлдирмоқ даркор, Акс ҳолда оғир бўлар бизнинг ҳолимиз.

**Амир Темур.** Қаямитан, Пулисангин сўғишларида Илёсхўжа томонида қўшин кўп эди.

Бу гал унинг қўшини кам, бизники ортиқ.

Шунинг учун бундоқ қилсак, рози бўлсангиз,

Биз иккига бўлинсак-да, сиз у биқиндан,

Мен бу биқиндан бир йўла ҳужумга ўтсак.

Ёвни кунпаякун қилсак ўртага олиб...

**Амир Ҳусайн.** Йўқ, у ҳолда кучларимиз бўлиниб кетар,

Сиз чапдан, мен ўнг қанотдан ҳужум бошлаймиз.

**Амир Темур.** Отлиқлару пиёдалар усти ҳўл бўлиб,

Кийимлари оғирлашган, бунинг устига,

Ҳаммаёқ лой, ботқоқ бўлиб кетган далада,

Агар ҳийла ишлатмасак, жанг қилиш мушкул.

**Амир Ҳусайн.** Сиз чапдан, мен ўнг қанотдан ҳужум бошлаймиз.

[Темур норози, аммо бошқа иложи йўқ. Амир Ҳусайн қўшинлари томон кетади. Мўғул навкарлари ҳужумга ўтади. Камон ўқлари визиллайди. Қиличлар шарақлаб урилади. Отлар сирганиб йиқилади. Пиёда қиличбозлик жанги бошланади. Мўғул навкарлари қисиб кела бошлайди. Амир Ҳусайн қўшинининг танг аҳволга тушиб, пароканда бўлиб қочганини кўрган амир Темур Мубашширни чақиради. Мубашшир киради.]

**Амир Темур.** Оёғингни қўлингга ол, Ҳусайнга чоп.

Алоҳида жанг қилгани фойда бермайди.

Қўшинини йиғиб тезроқ биз томон келсин,

Бирга бўлиб душманларни мағлуб этгаймиз.

[Мубашшир кетади. Амир Темур жанг майдонини кузатиб туриб, суюниб кетади.]

Ким экан бу ботир ўғлон? Амир Шамсиддин —

Бўлуғини қувиб кетган азамат ўғлон?

Эргаш ботир! Эргаш ботир! Куёв йигит-ку,

Унга бермоқ даркор амир мартабасини.

Амир Довуд бориб унга қўшилди. Яхши.

Ана шундай бир-бирини жангда қўлласа,

Бир-бирига кўмак берса амиру навкар

Қўшин бундан кучланади. Яша, бургутлар!

Бориб қолди Илёсхўжа қароргоҳига.

Яна битта ҳамла қилсак, биз енгар эдик.

Қани Ҳусайн? Қўшин билан тезроқ келсайди.

[Мубашшир киради. Қовоғи солиқ. Хафа.]

Нега қовоқ-тумшўғингни осиб олибсан?

**Мубашшир.** Гапингизни айтган эдим, амир Ҳусайн

Бир тарсаки туширдик, қулоқ чаккамга,

Кўзимдан ўт чиқиб кетди.

**Амир Темур.** Жаҳли чиқдимми?

**Мубашшир.** Ночорликдан аламини кимдан олишни,

Ҳазабин кимга сочишни билмай турибди.

**Амир Темур.** Биз томонга келишни ҳеч истамайдими?

**Мубашшир.** «Менга дакки берманг, дейди, амир Темур ҳам

Ўз ҳаддини билсин, дейди. Қочмадим», дейди.

[Илёсхўжа қўшинига мадад етиб келади. Пароканда бўлиб қочаётган мўғуллар эсларини йиғиб, тўпланади ва ҳужумга ўтади.]

**Амир Темур.** Афсус, афсус! Қулай фурсат қўлдан кетди-я,

Амир Ҳусайн, сендан буни кутмаган эдим.

**[Мубашширга]**

Чақир Аҳмад билан Тобон ботирни бунда,  
Эгасининг феълин улар яхши билади.

**[Мубашшир чиқади. Икки паҳлавонни бошлаб киради.]**

Бориб амир Ҳусайнга айтинг, полвонлар,  
Унинг аҳволи ночордир. Бизнинг қўлимиз  
Ёвдан анча баланд эди. Қаранг майдонга,  
Кўмак қўшин етиб келди Илёсхўжага,  
Аммо қаттиқ олишмоқда йигитларимиз.  
Гар Ҳусайн биз томонга етиб келмаса,  
Қўрқаманки, бу қаршилиқ узоққа бормас.

**[Мубашшир бошлиқ йигитлар чиқиб кетади.]**

Амир Сайфиддин, жавонғор фавжларин олинг,  
Амир Довудга кўмакка шошилинг, тезроқ.

**[Амир Сайфиддин чиқади.]**

Ёмғир тинди. Хайрият-э. Ўзингга шукур.  
Энди қиттай шамол келса сергир эди ер.

**[Майдонга қарайди.]**

Эргаш қилич-қалқонини қўлига олиб,  
Уч мўғулга битта ўзи бас келаётир.  
Қани сендай бўлса эди барча йигитлар,  
Мўғулларни қувиб кетган қайси мард экан?

**[Мубашшир қайтиб келади.]**

**Мубашшир.** Соҳибқирон, қайноғангиз келмоқчи эмас,  
Ҳақоратлаб сўкиб берди полвонларни ҳам.

«Нима, мен жанг майдонидан қочиб кетдимми,  
Нега мени ундаяпсиз олға юрмоққа?

Сиз ғалаба қиласизми, душман енгарми,  
Менинг интиқом қўлимдан қутулмас», дейди.  
Узр айтиб қайтиб келдик.

**Амир Темур.** Шундоқ дедими?

**[Ўйланиб туради, хаёлчан.]**

Менга аччиқ қиладими, ёмғиргами ё,  
Еки Илёсхўжагами иддао қилар?  
Ҳозир зарда қиладиган пайт эмас, ахир,  
Жанг тақдири қил устида турган замон бу.  
Наҳот шуни тушунмоққа фаросати йўк.

**[Жанг майдонига қараб туриб «оҳ» уриб юборади.]**

Нима бўлди, нега улар майдонни ташлаб,  
Кўчаётган лўлилардай жўнамоқдалар?  
Чекинмоққа фармон берган бўлса Ҳусайн,  
Нега бизни чопар билан огоҳ этмади?  
Бор, Мубашшир, билиб кел-чи, нима бўлмоқда?

**[Мубашшир чиқади. Ҳусайн бошчилигида мулозим ва аъёнлар қароргоҳдан чиқиб, Самарқанд томон от қўяди.]**

Мўғуллардан енгилиб чекинаётган қўшин майдонни ташлаб, Ҳусайн ортидан эргашади. Бир неча бўлук мўғул қўшини уларни тўқиб қилади.)

**ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ**

*Кеш. Амир Темур саройи. Амир Темур билан амир Ҳусайн.*

**Амир Ҳусайн.** Ғоят қаттиқ зарба берди бу жала бизга,  
Ҳаво бизга пинҳон ёвдай панд берди разил.

Амир, нима бўлар экан энди бу ёғи?

**Амир Темур.** Жала — Тангри иродаси. Дарғазаб бўлиб,  
Тангрига дашном бермоқлик жасорат эмас.

Машойхлар демиш: «Кўкда агарда икки  
Тангри бўлса бузилади, ердаги ишлар».

Қўшинга ҳам бир бош зарур енгмоқлик учун.

**Амир Ҳусайн.** Менга тўнкаяпсиз чоғи мағлубиятни.

**Амир Темур.** Емғир сабабми, сизми ё ўзим сабабми,  
Не бўлса ҳам, эл тинчини йўқотдик тагин.  
Аммо яна бурунгидай салтанат тузиб,  
Яшамоқдан эл умиди узилмагандир.

**Амир Ҳусайн.** Элни қўйинг! Илёсхўжа лашкари босиб,  
Ортимиздан келаётир. Не қилмоқчисиз?  
Мен ҳарамим, элатимни Жайхун сувидан  
Утказтирдим. Узим Соли саройга бориб,  
Ундан Шибартуга қараб йўл олмоқчиман.

**Амир Темур.** Мен шу ерда қолмоқчиман. Қўшин йиғаман.  
Токи душман оёғида топталмасин эл.

**Амир Ҳусайн.** Амир Малик! Амир Малик! Ҳой, амир Малик!..

**[Малик киради.]**

**Малик.** Аълоҳазрат, шу ердан. Қулоғим сизда.

**Амир Ҳусайн.** Барча сафар жабдуқлари йўлга тайёрму?

**Малик.** Тайёр-тайёр...

**Амир Ҳусайн.** Илёсхўжа қўшини келиб,  
Бизни таъқиб этар бўлса, хабар бермоққа  
Ун-ўн бешта навқарингни шу ерда қолдир.

**[Малик чиқади.]**

Илёсхўжа ортимиздан келса мабодо  
Мен Ҳинд сори йўл оламан. Сиз ҳам эргашинг.

**Амир Темур.** Менга ҳаёт, неъмат берган она заминни,  
Мазлум элни ёвга ташлаб кетмасман, амир!

**Амир Ҳусайн.** Уйлаб кўринг, ҳарамингиз, болаларингиз  
Ёв қўлида хор бўлмасин.

**Амир Темур.** Уларни мен ҳам  
Сайхундан ўтказиб қўйдим хатарсиз жойга.

**[Абубакир киради.]**

**Абубакир.** Соҳибқирон, омонмисиз?! Саргардон бўлиб,  
Сизни зўрға топиб келдим.

**[Кўришадилар. Амир Ҳусайн ижирғанади.]**

**Амир Ҳусайн.** Хуш қолинг, амир.

Уйлаб кўринг. Шибартуда кутаман сизни.

**[Чиқиб кетади.]**

**Абубакир.** Кетди. Саломимга ҳатто алиқ олмади.

**Амир Темур.** Хуш келибсиз. Келинг, усто! Марҳамат қилинг!

**Абубакир.** Сарбадорлар мени сизга вакил қилдилар.

**Амир Темур.** Айтаберинг не гап бўлса, қулоғим сизда.

**Абубакир.** Самарқанд эгасиз қолди. Душман келмоқда.

Ҳусайн унда бирон қўшин қолдиргани йўқ.

Жомега эл йиғилганди. Мавлонзода

Нутқ ирод қилди шаҳар ҳимоясига

Элни чорлаб. Барча унга ризолик берди.

Сизни барча ҳурмат қилар, ўзимиздан деб,

Шу сабабли умид қилиб ҳимматингиздан,

Ишонч билан мени бунга вакил қилдилар.

**Амир Темур.** Ҳозир қўшин тўпламоқдаман,

Афросиёб салтанатин маркази бўлган

Самарқандни асраш керак хароб бўлишдан.

Дородан, ҳам Искандардан қолган замин бу,

Бу эл не-не босқинларнинг жабрини кўриб,

Не-не қудратли подшолар шохин синдирган,

Не-не улуғ зотлар ўтган муборак замин.

Чингизхонга ўтган эди хиёнат сабаб,

Шу хиёнат доғин энди бизлар ювгаймиз.

Мустақил ва мустаҳкам бир салтанат бўлар,

Унга пойтахт бўлиб қолар Самарқанд бир кун.

Шуни уйлаб яна қўшин тўпламоқдаман.

**Абубакир.** Омон бўлинг. Элнинг барча умиди сиздан

Менга рухсат. Жавобингиз бориб айтайин.

**Амир Темур.** Яхши-яхши. Бўш келмангиз. Қўшин боради.

[Абубакир чиқади.]

Мубашшир, ҳой Мубашшир!

[Мубашшир киради.]

**Мубашшир.** Қулоғим сизда.

**Амир Темур.** Ҳиндушоҳни, Жовурчини чакир бу ерга.

Тўрт кўшинни Самарқандга оёқлантирсин.

Амир Довуд, амир Жоку, Сайфиддин келса,

Тагин борар учта кўшин улар ортидан.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

*Илёсхўжа қароргоҳи. Самарқанд тепалари олисдан кўриниб туради. Илёсхўжа, Тўқтемир, Бикижак.*

**Тўқтемир.** Изғиринни қаранг, хоқон. Совуқни қаранг.

Қиши қаттиқ бўларкан-да бу ерларнинг ҳам.

**Бикижак.** Жета дашти совуғидан қолишмас экан,

Бултурги қиш бунча совуқ эмасди чоғи.

**Илёсхўжа.** Қишлагансиз, амир, бултур иссиқ саройда,

Бу йил — илон йили дерлар. Ўз номи ила...

**Тўқтемир.** Самарқанд аҳлида мадор қолмади, дейман,

Тўққиз ойдан бери қамал ҳолида яшаб?

Аълоҳазрат, рухсат бўлса, босқин ясасак.

**Илёсхўжа.** Ташқаридан озиқ кирмас. Заҳира тугаб,

Оч қолгандир, тавбасига таянгандир эл.

Аммо, агар олса йўлдан тўсиқларини

Қамалчилар бизга хабар етказар эди.

Илк ҳужумда қурбон бериб, чекинган кўшин

Шу совуқда қандай босқин қилиши мумкин?

**Бикижак.** Темур шаҳарни қамалдан қутқармоқ учун

Неча карра бизга қарши кўшин юборди.

Айғоқчилар хабар бериб вақтида бизга,

Пароканда қилдик, аммо Темур тинчимас.

Ҳийлага кўп моҳир, бунда бепарво бўлиб

Қўрқаманки, қолмаймизми тагин ғафлатда.

Бирор одам ёлласак-чи, яқинларидан,

У Темурни тутиб келса, ёки ўлдирса...

**Илёсхўжа.** Ҳамма ишни қилиб кўрдик. Аммо фойдасиз,

Билмам хабар етадимми унга ғойибдан,

Биз ўйлаган режа ҳали пишмасдан туриб,

Унга бари ками-кўстсиз бўлади аён.

**Бикижак.** Гапингиз рост. Ўзим бунга бўлганман гувоҳ,

Ҳозир бунда не гаплашиб турганимиз ҳам

Унга етиб турган бўлса ажабланмайман.

**Тўқтемир.** Аммо Лой жангида тоза таъзирин еди.

**Илёсхўжа.** Ўша жангда бевафолик қилди Ҳусайн,

Бизга фойда берди унинг бевафолиги.

Бир гап ўтган бўлса керак ораларидан,

Шу рост бўлса, ундан фойда чиқармоқ лозим.

Айғоқчилар юборингиз икковига ҳам,

Учқундан пуфлаб аланга чиқармоқ учун.

**Тўқтемир.** Бекор ўтиргандан кўра бекор ишла, деб

Беҳудага айтмаганлар.

**Илёсхўжа.** Қани, Бикижак,

Одам танланг. У одамлар шу ерлик бўлсин.

Икковига таниш бўлсин ҳам бизга содик.

**Бикижак.** Хўп бўлади, давлатпаноҳ. Менга рухсатми?

(Илёсхўжа рухсат ишорасини қилади. Бикижак чиқади.)

**Илёсхўжа.** Мени асир олиб, кейин қочирган йигит

Қайда экан? Ё ўлдими кечаги жангда?

**Тўқтемир.** Эслайсизми, турк эдимиз ёки мўғулми?

**Илёсхўжа.** Мўғул эмас. Турк ўғлони. Аниқ биламан.

Айғоқчилар агар уни излаб топсалар,

Биз ўйлаган ишни ўша қилиши мумкин.

Содда, аммо жуда кучли, паҳлавон йигит.

(Искандар киради.)

**Искандар.** Олампаноҳ, бугун яна беш от ўлибди.

**Тўқтемир.** Бу совуқдан одам ўлар, от нима бўпти.  
**Искандар.** Кунда бешта-олтитадан от ўлаверса,  
 Бутун қўшин отсиз қолса нетамиз кейин?  
 Темурдан от сўраймизми?  
**Тўқтемир.** Сени Хусайндан  
 Хунинг сўраб, асирликдан озод қилган-ку,  
 Ажаб эмас, от сўрасанг, совға қилиши.  
**Илёсхўжа.** Емиш борми? Нимадан от ўлмоқда экан?  
**Искандар.** Емиш бисёр. Емон эмас отхоналар ҳам,  
 Билолмадим. Ихраб-ихраб ўлиб қолмоқда.  
**Илёсхўжа.** Табиб борми, нима дейди?  
**Искандар.** Номаълум бир дард,  
 Қандайдир бир оғир касал тарқаган, дейди.  
**Илёсхўжа.** Одамларга ўтмасмикан ўша касаллик?  
**Искандар.** Маълум эмас.  
**Илёсхўжа.** Шу жиҳати баридан ёмон.

#### ЙИГИРМА ТУҶҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

*Қарши. Амир Темур саройи. Соҳибқирон амир Довуд, амир Жову, амир Сайфиддин каби аъёнлар билан.*

**Амир Темур.** Уша майпараст, Жовурчи ишни бузмаса,  
 Самарқандда бунча азоб чекмас эди эл.  
**Амир Довуд.** Амирларга қутқу солиб айтган эмишки:  
 «Биласизми Самарқандга нечун юборди?  
 Сарбадорлар галасига ёрдам берди, деб  
 Сизни тутиб Хусайнга топширмоқ учун.  
 Хусайн эса шу ондаёқ бошингиз олар».  
 Бу гапдан сўнг улар кўрқув, ваҳима ичра  
 Қочиб жон сақламоқликни шior айлабди.  
 Аммо сувдан қочиб ўтга дучор бўлдилар,  
 Мўғулларга дуч келдилар кутмаган жойда.  
**Амир Темур.** Аттанг-аттанг. Фитнанинг гапига учиб,  
 Бекор қурбон бўлиб кетмиш неча ўғлонлар.  
**Амир Довуд.** Амир Сайфиддин билан мен — уч қўшин бориб,  
 Бирлашмоғи даркор эди айтилган жойда.  
 Сўнгра етти қўшин бўлиб жанг бошлашимиз  
 Лозим эди. Барбод бўлди буткул режамиз.  
**Амир Темур.** Эҳ, Жовурчи, эҳ Жовурчи! Наҳот янглишдим?!  
 Мен одам танир эдим-ку, сенга келганда  
 Синчилигим панд бердими? Шошилдимми ё,  
 Тезроқ жафокаш шаҳарга мадад берай деб?  
**Амир Довуд.** Ҳа, у майхўр ҳаммамизга панд берди, нокас.  
**Амир Темур.** Агар шароб ўлдирмаса, кўлимга тушар,  
 Мени алдаш нелигини кўрар ўшанда.

#### [Бирдан ўзгариб, юмшоқ оҳангда]

Қарши қалъа девори ҳам битай деб қолди,  
 Беш-ўн иморат қурармиз ёзгача, дейман.  
**Амир Довуд.** Умрида бир дарахт экиб, боғ ўстирмаган,  
 Бино қуриш заҳматини билмаган нодон —  
 Бутун қалъа деворларин бузиб ташлади.  
 Самарқанд ҳам шунинг жабрин чекмоқда бугун.  
**Амир Темур.** Балли, худди шунинг учун Қаршини биз ҳам  
 Мустаҳкам бир қалъа қилиб тикламоқчимиз.  
**Амир Довуд.** Усталар кўп. Ёрдамчилар етарли бизда.

#### [Мубашшир киради.]

**Мубашшир.** Асир тутиб келишибди Жета томондан.  
**Амир Темур.** Олиб кириг.

#### [Соқчи қўли боғлиқ йигитни олиб киради.]

Туркман йигит, сенмисан, ҳа, сен,  
 Алибекнинг зиндонида соқчи эдинг-а?  
**Асир.** Ҳа, эсладим. Сиз ўшасиз. Амир Темурсиз,  
 Бир кўришда танидингиз. Мен танимабман.



**Амир Темур.** Бу ерларда нима қилиб юрибсан, йигит,  
Ё отангдай менга навкар бўлмақчимисан?

**Асир.** Минг розиман агарда сиз қабул қилсангиз,  
Аммо, ўзга хизмат билан келган эдим, мен.

**Амир Темур.** Қандай хизмат экан?

**Асир.** Агар айтсам сиримни  
Мени тирик қолдирмайсиз. Лекин на чора.  
Сизни алдаш нораводир. Иқроор бўлайин.  
Моҳондаги менга қилган яхшилигингиз,  
Ҳам отамга ҳурматингиз туфайли сизни  
Бир балодан асраш учун юборилганман.

**Амир Темур.** Вожаб!.. Ҳеч қулоғимга ишонгим келмас,  
Мени балодан асрашга? Очқроқ гапир.  
Қандай бало кўз тикибди яна Темурга?

**Асир.** Илёсхўжа, яна бири амир Бикижак.

**Амир Темур.** Улар «бизга йўл очилди Самарқандга», деб  
Ишонч билан келган эди. Лекин бошлари,  
Эл ғазоби деворига қаттиқ урилди.

**Асир.** Девор билан ўралмаган бўлса ҳам шаҳар  
Киролмади қўшин шунча, дабдаба билан.  
Лекин, амир — соҳибқирон, бу ерга қандай,  
Не мақсадда келганимни айтайми аввал?  
Ё мўғулга қандай қилиб қўшилганимни?

**Амир Темур.** Аҳволингни тушунаман. Лўнда қил гапни.

**Асир.** Тўқал баҳодир Моҳонга босқин қилганда,  
Мен юзбоши эдим. Бизлар ғафлатда қолдик.  
Алибек ўлди, чоғимда. Биз асир тушдик.  
Илёсхўжа «қўшин тўплаб, етиб келгин», деб  
Фармон қилди Тўқалбекка. Қаямитанда  
Биринчи бор жангга кирдик. Сизни шу ерда  
Эшитдим сиз томонга ўтмоқчи бўлдим.  
Йигитларга айтган эдим, рози бўлмади.

Илёсхўжа қўшинлари тору мор бўлиб  
Қочган эди, биз ҳам қочдик. Жета томонга...  
Хуллас калом, Илёсхўжа ўзини ўнглаб,  
Яна қўшин тортиб келди. Бодом сувида,  
Лой жангида не бўлганин айтмай қўяйин.  
Самарқандни қамал қилиб ёзни ўтказдик,  
Совуқ кунлар бошланганда бизни тўплашди.  
Биз йигирма йигит эдик. Бари туронлик.  
Икки-учта тожик ҳам бор. Бадахшонданми,  
Хатлонданми, шу ёқлардан экани аён.

Бикижак сўзлашди. «Хоннинг фармони», деди.

Темур билан Ҳусайинни тутиб келтириш,  
Ё хуфёна гумдон қилиш амр этилди.

Мен бир ойга яқин яшаб қўшин ичида,  
Эргаш мингбошига аста очдим сиримни.  
Бошимни шарт оларми деб чўчиган эдим,  
«Соҳибқирон олдига юр, айғоқчи», деди.  
Сизни қаттиқ севар экан навкарларингиз,  
Шунинг учун Туронда сиз машҳур экансиз.  
Ҳамма гап шу. Ихтиёрим сизда, амирим.

**Амир Темур.** Бу даврага сен ноилож тушиб қолгансан.

Гуноҳингни кечирамиз. Эргаш қўлида  
Юзбошилиқ хизматингни қилавер, йигит.  
Қўлин ечинг. Агар кўрсанг шерикларингни  
Ўзингга эл қилиб олгин, душман бўлмаса,  
Душман бўлса жаҳаннамга йўл олар мангу.

**Асир.** Миннатдорман, армонимни тинглаганингиз,  
Суриштириб, одил ҳукм қилганингиздан.

Яна бир гап чиқай дебди эсимдан. Унда  
Ўлат келди чоғи мўғул от-уловига.  
Ҳар кун беш-ўн от ўлмоқда. Навкарлар хуноб.  
Тўрт одамга биттадан от қолди чамамда.

**Амир Темур.** Амир Довуд, маълум қилинг. Ҳамма отлансин,  
Тўрт томондан Самарқандга қўшин тортамыз.

Қамалдан халос қиламиз жафокаш элни.

Самарканд. Регистон. Мачит ҳужраси. Қилич таққан сарбадорлар, талаба ва ҳунармандлар.

**Мавлонзода.** Баҳор яқин келиб қолди. Қамал битмади.  
 Ҳаво совук, одамлар оч. Нажот йўқ ҳамон.  
 Бойлар бўлса ўз қавмидан нонин аяйди,  
 Савоб нима, гуноҳ нима ўйламас, ё раб!  
 Ё раб, гуноҳимиз нима? Номус-оримиз,  
 Шаҳримизни ёвдан омон сақлаганимиз,  
 Эл хору зор бўлмасин деб курашганимиз?  
 Қадримизни оёқ ости қилмасинлар деб,  
 Бир мушт бўлиб ёвга қарши турганимизми?

[Абубакир киради.]

**Абубакир.** Очлик, совук эл тинкасин курутди жуда,  
 Бу тун яна бешта одам очликдан ўлмиш.  
**Мавлонзода.** Охирати обод бўлсин бечораларнинг.

[Ҳамма юзига фотиҳа тортади.]

Мўғулми, турк — барча бойлар уйига боринг,  
 Мусодара қилинг ортиқ ғалласи бўлса.  
**Абубакир.** Утган сафар борганимда бир мўғул бойи,  
 Бутун хизматкори билан ташланган эди.  
 Хайриятки, бўш келмади йигитларимиз,  
 Боши кетди. Мулки қолди бизга хасиснинг.  
**Мавлонзода.** У мўғулнинг мулки эмас. Бизники асли.  
**Абубакир.** Ўн қоп буғдой, қанча арпа, қанча жўхори,  
 Қанча туршак, майиз, жийда тўплаган экан.  
 Бўлиб бердик ҳаммасини камбағалларга.  
 Аммо катта шаҳар учун не бўларди бу.  
**Мавлонзода.** Қўшниси очдан ўлса ҳам парво қилмайди.  
 Инсофи йўқ. Диёнатсиз. Бағри қаттиқлар.  
 Ҳамма бойлар, аъёнларга аҳволни айтинг.  
 Аввал инсофга чақиринг. Рози бўлмаса  
 Қўл-оёғин боғлаб бунда келтиринг.  
**Абубакир.** Яхши.  
 Бошқалар ҳам борсин бошқа маҳаллаларга.  
 Акс ҳолда нобуд бўлар очликдан кўплар  
 Ва уларнинг гуноҳлари бизга тушади.

[Чиқади. Дарвиш йигит киради.]

**Дарвиш.** Мусодара қилдик. Сарик бойнинг мулкани,  
 Аравага юклаб келдик.  
**Мавлонзода.** Салмоғи борми?  
**Дарвиш.** Юз кишига уч-тўрт кунлик озуқа бўлар.  
**Мавлонзода.** Сен Темурни тунда пойлаб, айғоқчи бўлиб  
 Илёсхонга хизмат қилган қаландармисан?  
**Дарвиш.** Худди ўзи. Лекин энди ўтиб кетган гап,  
 Утган ишга салавот денг. Майлими, ҳазрат?!  
**Мавлонзода.** Майли-майли. Ушамисан, янглишдимми деб,  
 Сўраб турган жойим эди. Кўнглунгга олма,  
 Шаҳар ҳимояси учун яхши ишладинг.  
**Дарвиш.** Очдан ўлган одамларни кўрмаган эдим,  
 Алам юрак-юрагимни ўртаб юборди.  
 Бош кўтардим инсофи йўқ бойларга қарши.  
**Мавлонзода.** Қўлдан берганга қуш тўймас, деганлари рост.  
 Лекин буям ҳарна, дўстим, тарқатавер тез.  
 Одамларни маҳтал қилма.  
**Дарвиш.** Жоним билан. Хўп.

[Чиқади. Камончи киради.]

**Камончи.** Шодиёна хабар, дўстлар, суюнчи беринг,  
 Амир Темур тўрт томондан ҳужум бошлади!  
 Камал қилган мўғул бари ер тишлаб қолди.  
**Мавлонзода.** Оҳ, тилингдан ўргилайин, камончи жўра,

Кел, бағримга босай сени, хуморим кетсин!  
Кулоқларим муштоқ эди шундай хабарга.

**[Қучоқлашиб кўришади. Ҳамма хурсанд.]**

Демак, қамал адо бўлди. Ҳуррият келди.

**Камончи.** Амир Темур омон бўлсин!

**Мавлонзода.** Ўзи қаерда?

**Камончи.** Мўғулларни қувиб кетди Тошкент томонга.

**Мавлонзода.** Ундоқ бўлса эрта-индин қайтиб келмайди.

Жангдан кейин ов қилади ҳордиқ чиқариб,

Жиззах ёки Олмалиқнинг тўқайзорида.

Сен йўлга чик. Темурни топ қайдан бўлса ҳам,

Самарқандга қадам қўйиб мунаввар қилсин,

Маълум айла биз интизор кутганимизни.

**Камончи.** Фармонингиз бош устига.

**[Чиқади.]**

**Мавлонзода.** Энди, дўстларим,

Томда, тўсиқ ёнларида турган барчага

Маълум қилинг, қамал адо бўлганлигини.

Уй-уйига, бола-чақа ёнига қайтсин...

### УТТИЗ БИРИНЧИ КЎРИНИШ

*Кеш. Амир Темур саройи. Шер Баҳром, амир Довуд, амир Жоку, амир Мусо ва бошиқлар.*

**Кайхусрав киради. Кайфияти бузуқ.**

**Кайхусрав.** Узр, амир, гапингизга халал бердимми?

**Амир Темур.** Келинг, амир, зиёни йўқ. Салтанат ишин

Муҳокама қилдик кичик бир кенгаш тузиб.

Нима бўлди? Ташвишлидир кўринишингиз?

**Кайхусрав.** Қайноғангиз амир Ҳусайн не сабаб билан

Жигаримиз Кайкубодни қатл этмишдир?

**Амир Темур.** Нима? Амир Кайкубодни қатл этмишдир?

Қандай журъат қилди экан, божангиз, ахир?

**[Ўрнидан туриб Кайхусрав ёнига боради.**

**Елкасига қўлини қўйиб, юпатмоқчи бўлади.]**

**Кайхусрав.** Мен инимнинг ундан хунин талаб қилурман.

**Амир Темур.** Шўрли йигит, унга қандай ёмонлик қилди.

Бизни ёлғиз қолдиринглар...

**[Ҳамма чиқа бошлайди.]**

**Кайхусрав.** Шер Баҳром билан

Амир Мусо қолсин, агар рози бўлсангиз.

**[Амир Темур розилигини билдиради. Шер Баҳром билан амир Мусо қолади.]**

**Шер Баҳром.** Ҳусайн кўнглу тўғри эмас ҳар биримизга.

Агар имкон топа олса, шунга аминман,

Қиличдан ўтказар эди иккиланмасдан.

**Кайхусрав.** Якка ўзи Хуросону Мовароуннаҳрда

Ҳукмдор бўлмоқ истайди, барчамиз қириб.

**Амир Темур.** Аммо бунга етмас, дейман, унинг қудрати.

**Кайхусрав.** Қудрат-ку етар, аммо, фаросати кам.

Очкўзлиги, ғайирлиги бошига етгай.

Шунинг учун бир таклифни ўртага қўйиб,

Сизлар билан кенгашиб иш қилсамми, дейман.

Амир Темур, амир Мусо, Шер Баҳром ва мен

Амир Ҳусайнга қарши иттифоқ тузсак.

Бирга қўшин тортсак сўнгра унинг устига.

**Шер Баҳром.** Амир Темур бунга рози бўлармиканлар?..

**Амир Темур.** Ҳисор ўлкасини мендан фирромлик қилиб,

Тортиб олиб, орқасидан кечирим сўраб,

Қасам ичиб, юборганда Қуръон каримни,

Қариндошлиқ андишасин захрини ютиб,

Дардимни кимга айтишни билмай юрганда

Нега бу таклифга рози бўлмас эканман.

**Кайхусрав.** Аввал ҳам кўп қасам ичиб, қасамни бузган,

Қуръон ургур. Сув ичгандай қасам ичади.

**Амир Темур.** Қаямитан жангидан сўнг, Илёсни қувгач,

Уни Шамсиддин кулолнинг сағанасига

Бошлаб бордим. Қасам ичди. Қуръонни ўпиб,

«Ножоиш қадам босмайман, иш қилмайман», деб.

Ундан сўнг ҳам неча карра қасамёд қилди,

Қасам таъсир қилмас экан бевурд одамга.

**Шер Баҳром.** Тўғри одам қасам ичиб, қасамни бузса,

Тезда бирор фалокатга йўлиқмай қолмас.

Балки қасам ҳазар қилар разил одамдан.

**Кайхусрав.** Қасамхўрнинг жазосини бермоқлик учун

Аҳду паймон қиламизми?

**Амир Темур.** Сўздан қайтиш йўқ.

Ким аҳдини бузса тўнғиз қавмида кетсин.

**Кайхусрав.** Омин! Тангри шаънимизни юксак кўтариб,

Ёв шаънини қаро қилсин, Оллоҳу акбар!

**[Ҳамма юзига фотиҳа тортади.]**

**Амир Темур.** Шер Баҳром, сиз юртингизда кўшин йиғасиз,

Келишилган дамда йўлга чиқасиз. Бирга

Тўрт тарафдан Балх устига кўшин тортамыз.

**[Шер Баҳром чиқади.]**

**Кайхусрав.** Мен ҳам одам жўнатаман. Хатлон томонга

Қўшимча куч тўплаш учун. Сиз, амир Мусо?

**Амир Мусо.** Яқин уч минг кўшиним бор. Зарурат бўлса...

**[Мубашшир киради. Хат бериб, чиқади. Амир Темур ўқиб туриб, ўйланиб қолади.]**

**Кайхусрав.** Нима бўлди, амир, ҳайрон бўлиб қолдингиз?

**Амир Темур.** Ўз рафиқам Ҳусайнга хабар йўллабди.

Улжой Туркон ёзган бўлса наҳотки шуни?!

**Амир Мусо.** (ўзгаради.)

Нима дебди, соҳибқирон? Нима ёзибди?

**Амир Темур.** (ўқийди.)

«Темур сизга жанг қилмоқни ўйлаб юрибди.

Бўйсунмаслик, мустақиллик отига минган.

Кўнгул қаттиқ малол топмиш қилмишингиздан.

Машғул эрур кўшин йиғмоқ юмуши билан.

Сизни ўлдирмоққа қилган қарори қатъий».

**Кайхусрав.** Тўғри ёзибди-ку. Бизнинг қароримизни

Олдан билган кароматчи доно ким экан?

**Амир Темур.** Заифам деб айтдим чоғи. Тағин билмадим.

Аммо унинг ёзганига ишонгим келмас.

Ҳусайн одам юборганмиш чин-ёлғонлигин

Текшириб, аниқлаш учун барча гапларни.

**[Амир Мусо секин чиқиб кетади.]**

**Кайхусрав.** Худо қайдан инсоф бериб ҳовлиқмаларга,  
Ҳақиқатни аниқламоқ ўйига келмиш.

**Амир Темур.** Ҳа, дарвоқе. Буни ўзи қилмаганмикан?

**Кайхусрав.** Мен ҳам шундай хаёлдаман.

**Амир Темур.** Амир Мусо, сиз...

**[Амир Мусо йўқлигини кўриб]**

Амир Мусо қайга кетди?

**Кайхусрав.** Шунда эди-ку.

Балки чиққан бирор ерга зарурат билан.

**Амир Темур.** Мубашшир!

**[Мубашшир киради.]**

Дарҳол менга бекангни чақир.

**[Мубашшир чиқади.]**

Ҳозир келар, кўрсатамиз хатни ўзига

Ажабланса керак агар ёзмаган бўлса,  
Ёзган бўлса, не аҳволга тушаркин ҳозир.

**[Улжой Туркон Бегим киради.]**

**Улжой Туркон Бегим.** Йўқлатибсиз, бегим, мени.

**Амир Темур.** Яқинроқ келинг.

Буни кўринг. Таниш хатми, нотанишмикан?!

**Улжой Туркон Бегим.** **[Яқинлашади. Хатни олиб ўқийди.]**

Вожаб! Тухматингдан асрагин, Тангрим!

Не гапларни тўқимайди ифвогар зоти,  
Улимдан хабарим бору буни билмайман.

**Амир Темур.** Ана, ўзим билган эдим шундайлигини.

Сизга рухсат. Бекам, мени маъзур тутингиз.

**Улжой Туркон Бегим.** Тавба-тавба... Имонсизлар... Уйинг куйгурлар.

*(Чиқиб кетади.)*

**Амир Темур.** Мубашшир!

**[Мубашшир киради.]**

Чақириб қўй, амир Мусо қаерда экан?

**Мубашшир.** Амир Мусо ёнингиздан шошиб чиқдию.

Али Дарвишни сўради. Кўрсатиб қўйдим.

Сиз бекамни чақирганда улар от қўйиб,

Қаергадир жўнаб кетди.

**Амир Темур.** Кайхусрав, қаранг.

Индамасдан жўнаб кетди. Нега? Қаерга?

Хатни шулар ёзганми деб шубҳа қиламан.

Амир Ҳусайн айғоқчиси экан чоғимда,

Иттифоқ тузганимизни бориб айтади.

**Кайхусрав.** Орқасидан тушсин чаққон, ёвқур йигитлар,

Тутмоқ керак. Улар омон қочиб кетмасин...

#### УТТИЗ ИККИНЧИ ҚУРИНИШ

*Балх. Амир Ҳусайн саройи. Амир Ҳусайн билан амир Малик.*

**Амир Ҳусайн.** Темур мен ўйлагандан ҳам маккорроқ экан,

Бутун Турон ўлкасини қўлига олди.

Тобун бўлган ҳокимларнинг бошини силаб,

Бўйин эгиб келмаганга усуллар топди.

Мўғул бекларини эса барча қалъадан

Этак қоқиб чиқишликка мажбур айлади.

Ҳаммасини қон тўкмасдан бажарди, номард.

**Малик.** Турондаги сизга боқим бўлган қалъалар

Кўздаги чипқон мисоли тегар ғашига.

**Амир Ҳусайн.** Кўз олайтиб кўрсин қани менинг мулкимга.

Уша тўймас кўзларини ўйиб олурман.

**Малик.** Хатни олиб, ўзин қайга қўйишин билмай,

Оёғи куйган товукдай шошиб қолгандир.

Ё дилида ғазаб ўти шафқатни ёқиб,

Хотинин бир бало қилиб қўймадимикан?

**Амир Ҳусайн.** Темур — қаҳри қаттиқ, лекин бесабр эмас.

Нима дейсиз, Фарҳод етиб бордимми экан?

Шер Баҳромни топиб, бизга эл қилолдимми?

**Малик.** Уйлайманки, етиб борди аллақачонлар,

Ҳатто уни йўлга солиб қайтаётгандир.

**Амир Ҳусайн.** Хўжанд билан Ҳисор мулки ҳокимлигини

Унга инъом қилдик деган фармон берганмиз.

Бундай катта совғадан бош тортмас ҳеч кимса.

**Малик.** Бундан ҳатто бош тортмайди амир Темур ҳам.

**Амир Ҳусайн.** Булар бари ўз мулки-ку, амир Темурнинг.

**Малик.** Сиз бу мулкни Шер Баҳромга тухфа қилдингиз.

Бинобарин, энди Темур мулки эмасдир.

**Амир Ҳусайн.** Менга қарши курашмоққа қўшин йиғибди,

Э, хомкалла. Менга қарши курашмоққа-я?!

Акасини орқа қилиб, исён кўтарган

Кайқубоднинг куни тушар аҳмоқ бошингга.

## (Амир Мусо киради.)

**Амир Мусо.** Омонмисиз, аълоҳазрат? Хат бориб етди.

Темур ўқиб, ёниб кетди алам, кўрқувдан.

Хотинини чақирганда, билдирмай чиқиб,  
Отга миниб, қамчи босдим дам ғанимат, деб.

**Амир Ҳусайн.** Бир ўзингми?

**Амир Мусо.** Али Дарвиш отни эгарлаб

Турган экан. Имо қилдим: «Тез бўл, кетдик», деб.

Эсон-омон етиб келдик.

**Амир Ҳусайн.** Қувишмадимми?

**Амир Мусо.** Йўқлигимни анча довури сезмаган чоғи.

**Амир Ҳусайн.** Ҳозир дам ол. Кейин сенга бир вазифа бор.

**Амир Мусо.** Бош устига. Айтаверинг. Қабул этгайман!

**Амир Ҳусайн.** Майли, айта қолай сени интизор қилмай;

Қўшин берсам, оласанми Қарши қалъасин?

**Амир Мусо.** У мустаҳкам қалъа ғоят. Олмоқ кўп мушкул.

**Амир Ҳусайн.** Етти мингта навкар берсам, ололмайсанми?

**Амир Мусо.** Олиш мумкин етти минглик қўшиним бўлса,

Агар Темур қўшин билан келмаса олдин.

**Амир Ҳусайн.** Ҳозир Темур Бухорода. Сен Кешдан чиқиб,

Аканг Боязидникида меҳмонда бўлиб,

Балхга келиб етганингга қанча вақт ўтди.

**Амир Мусо.** Тўғри-тўғри. Икки ҳафта муддат ўтибди.

**Амир Ҳусайн.** Темурнинг ҳар қадамини кузатмоқдаман.

**Амир Мусо.** Ундоқ бўлса, мен ҳозирман йўлга чиқишга.

**Амир Ҳусайн.** Амир Малик, маълум қилинг фармонимни тез,

Етти мингта навкар дарҳол оёққа турсин,

Амир Мусо етагида отлансин йўлга.

## (Амир Малик чиқади. Шер Баҳром киради.)

Э, Шер Баҳром, кел, биродар. Омон бормисан?!

**Шер Баҳром.** (Амир Мусога шубҳали қараб қўяди.)

Шукур-шукур. Йўқлатибсиз. Лаббай деб келдим.

**Амир Ҳусайн.** Шундай қилиш керак эди аввалроқ, амир,  
Мартабалар берар эдик сизни эъзозлаб.

**Амир Мусо.** (Киноя, пичинг қилади.)

Фитна қолиб кетар эди аввалроқ келса...

**Шер Баҳром.** Нима дедингиз, амирим? Қанақа фитна?

**Амир Мусо.** Амир Темур, Кайхусрав-ла иттифоқ тузиб,

Балхга қўшин тортмоқ учун тузган фитнангиз,

Айтаберинг, яхши маълум ҳазратимизга.

**Шер Баҳром.** Сиз айғоқчи бўлиб, демак, юргансиз унда.

**Амир Мусо.** Худди шундай. Ҳазратимнинг топшириғидир.

**Шер Баҳром.** (Аҳволни, ўзининг ҳам алданганини англаб қолади.)

Доно Темур, эсли Темур, покиза Темур!

Мен алданиб, юзингизга оёқ қўйдимми?

Нима қилиб қўйдим! Афсус-афсус! Хомкалла!

Майли энди, бўлганича бўлди. На чора.

(Қиличини суғуриб, амир Мусога ташланади. Амир Мусо қилич суғуриб,  
ўзини ҳамоя қилади.)

**Амир Ҳусайн.** Соқчилар, ҳой, соқчилар! Шер Баҳром, тўхта!

Нима, жинни бўлдингизми? Бас қилинг, дарҳол!..

(Қиличбозлар қулоқ солмайди. Соқчилар узун найзалар билан кириб уларни  
ажратади. Малик киради.)

**Малик.** Аълоҳазрат, қўшин тайёр. Э, нима бўлди?!

**Амир Ҳусайн.** Икки хўроз бир-бирига ташланиб қолди.

## (Шер Баҳромга)

Сен Темурга садоқатли экансан. Билдик.

## (Амир Мусога)

Сен йўлга чиқ. Агар олсанг, қалъа сеники.

(Амир Мусо чиқади. Шер Баҳром ғазаб билан  
қараб қўяди. Фарҳод киради.)

**Фарҳод.** Амир Темур заифаси қазо қилибди.  
**Амир Ҳусайн.** Қайси бири? Иккаласи бирдан ўлганми?  
**Фарҳод.** Маъзур тутинг, амир. Камол оламдан ўтмиш.  
**Амир Ҳусайн.** Водариғ! Синглимни нокас Темур ўлдирган.  
**Малик.** Наҳот шундай... йўғ-е, амир. Ажал бедаво...  
**Амир Ҳусайн.** Темур Бухорода. Доим Улжой Турконни Сафарларда бирга олиб юргувчи эди.  
**Синглим** Бухорода ажал топдими экан?  
**Фарҳод.** Бухорога келган экан Жаҳонгир билан, Улжой Туркон бегим Кешда қолган эканлар.  
**Соғлиқлари** кўтармаган йўлни, эҳтимол.  
**Малик.** Жанозага борамизми, маълум қилайми?  
**Амир Ҳусайн.** Биз у ерга боролмаймиз. Майли, аёллар Бориб қондошлик бурчини ўтаб келсинлар...

## ЎТТИЗ УЧИНЧИ КҮРИНИШ

*Кеш. Темур саройи. Жанозадан кейин бир неча кун ўтган. Одамлар кириб-чиқиб турибди. Тиловат садоси эшитилади. Жаҳонгир киради.*

**Жаҳонгир.** Онам сизни кўп сўрабди касал чоғида:

«Чақиринглар, айтадиган гапим бор», дебди.

«Эҳтиёт бўлсинлар», дебди сўнгги нафасда,  
 Мени ҳам кўп йўқлабдилар онам раҳматли.

**Амир Темур.** Онанг сени уйлантириб яхши бир қизга.

Набирасин ўзи катта қилмоқчи эди.

Тўйингни ҳам кўриш унга насиб этмади,

Юрак тўла армон билан кетди бечора.

Катта йигит бўлиб қолдинг. Ҳадемай ўзим

Бир палаги тоза қизни олиб бергайман.

Хонлар авлодидан бўлгай рафиқанг, ўғлим!

**[Ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги Жаҳонгир уялиб нари кетади. Мубашшир киради.]**

**Мубашшир.** Соҳибқирон, нохуш хабар.

**Амир Темур.** Нима гап тагин?

Шунча кулфат кам эдимиз битта бошимга?!

**Мубашшир.** Амир Мусо кеча Қарши қалъасин олмиш.

**Амир Темур.** Одам шаклидаги тулки. Муғамбир иблис.

Дўст ниқобин кийган хоин. Маккор айғоқчи.

Сенга сирим очганмидим нодонлик қилиб?!

Ногоҳ кулфат кўл-оёғим боғлаб қўйганда,

Кўнгул сўрамоқ ўрнига ҳамла қилдингми?!

Мендан кўра Ҳусайнни афзал кўрдингми?!

**Мубашшир.** Бир у эмас. Шер Баҳром ҳам қўшини билан

Ҳусайнга қўшилибди алдовга учиб...

**Амир Темур.** Шер Баҳром-ку азалдан ҳам беқарор эди,

Боши оғиб, қайларгадир санқиб кетарди.

Яна қайтиб келар эди тазарру айтиб...

Мен Мусога катта умид боғлаган эдим,

Оғир дамлар зардобини тотгандик бирга.

Бизни деб кечувди Илёс илтифотидан,

Дўстга итдай содиқ эди. Қачон Ҳусайн

Тузоғига илинтирди шундай одамни?

Номард шундай панд беради нозик фурсатда,

Синглисининг ўлимини кутиб тургандай

Қарши қалъасин Мусога ишғол қилдириб,

Мотам куни заҳар солди Ҳусайн-илон.

**[Амир Довуд киради.]**

**Амир Довуд.** Амир Аббос, амир Маҳмуд, амир Жалойир...

Ҳусайдан юз ўгириб, биз томон келмиш.

**Амир Темур.** Икки амир кетса бизга хиёнат қилиб,

Тангри бизга раво кўрди учта амирни.

Иззат-икром кўрсатингиз қадрдонлардай.

Мотам аро қорайган дил кулбаси яна

Равшан бўлди олисидаги дўстларим келиб.  
Мубашшир, сен меҳмонлардан хабар ол, бориб.

**(Мубашшир чиқади.)**

**Амир Довуд.** Хусайн ўз қилмишидан хижилдир дейман,  
Шу туфайли келолмаган маъракага ҳам.  
**Амир Темур.** Хижолатни биладими ғаламис одам...  
Бир-биримиз билан бизни боғлаган иплар  
Камолойнинг вафоти-ла узилди тамом.  
Энди бизни иноқ қилган андишалар йўқ,  
Ниқоблар йўқ хусуматни ёпиб тургувчи.  
Энди очик душмандирмиз бир-биримизга.

**(Малик киради.)**

**Малик.** Амир, қабул қилинг бизнинг таъзиямизни.  
Ҳеч бир банда бу дунёда абадий эмас,  
Биров олдин, биров кейин кетади бир кун.  
**Амир Темур.** Бошимизга қайғу тушган мотам кунда  
Ҳамдард бўлиш, ёнимизда туриш ўрнига,  
Қайноғамиз қалъамизни тортиб олдилар —  
Орқамиздан ханжар урган номард мисоли.  
**Малик.** Амир Хусайн сизга душман эмаслигига,  
Нолойиқ иш бўлганига ишонтирмоққа  
Мени вақил қилди Қуръон ила онт ичиб.  
Мана, олиб келдим, амир, ўша Қуръонни.  
**Амир Темур.** Ишонаман, қайноғамнинг онт ичганига,  
Қасам ичиш унга асло янгилик эмас.  
Гинахонлик қилиш, нолиш менга бегона,  
Аммо унга бориб айтинг ранжиганимни.  
Элчи Буға сулдуз ундан Балх қалъасини  
Тортиб олиб, тиклаганда ўз салтанатин,  
Қўшин тортиб, вилоятдан Элчи сулдузин  
Мосуво қилганим, амир, эсингиздами?  
Шунда қайноғам кўнглуга таскин бўлсин деб,  
Тухфа қилган эдим сийлаб Балх вилоятин.  
Шуни ҳам билмади, буни ношукурликми,  
Нонкўрликми демоқ лозим? Айтингиз, амир?!  
**Малик.** Тўғри. Хафа бўлиш учун сизда асос бор,  
Бироқ унинг аҳволини тушунинг сиз ҳам...  
Ҳар томондан фитна-фасод тўрини тўқиб,  
Амиримнинг юрагига шубҳа солганлар.  
Ҳаммамиздан шубҳаланиб қолган шу кунда,  
Душман дея гумон қилар ҳар биримиздан.  
**Амир Темур.** Барчасига ўзи сабаб, ўзидан кўрсин.  
**Малик.** «Темур — бағри кенг одам», деб шафқатингиздан  
Умид қилиб, «Мени сўнг бор кечирсин», деди.  
«Агар ишонмаса, келсин Чакчак дарага,  
Тангри китоби Қуръон-ла қасам ичаман,  
Қуръон урсин, деди, сўнгра қасамни бузсам...»  
**Амир Темур.** Андижондан, Фарғонадан, яна Пайкентдан  
Уламолар келган эди. Хусайн билан  
Мени яраштирмоқ учун насиҳат қилиб,  
Мен орада ўтган гапни сўйлаган эдим,  
Улар тўғри тушундилар. «Бизлар бошқача  
Талқин билан эшитгандик. Сиз ҳақ экансиз.  
Бизни маъзур тутингиз», деб қайтиб кетдилар.  
**Малик.** Нима дейсиз? Борасизми Чакчак дарага?  
**Амир Темур.** У синглиси азасига қўрқиб келмади,  
Мен бораман. Ўйламасин кўрқоқ экан, деб.  
**Амир Довуд.** Соҳибқирон, яна уни кечирдингизми?  
Шунча қилмишлари дарров чиқдими эсан?  
**Амир Темур.** Унутмайман, амир Довуд, бу кирдикорлар,  
Дарров битиб кетадиган жароҳат эмас.  
Аммо унга аталган дил сўзларим бордир,  
Шунинг учун ўзи билан кўришмоғим шарт.  
**Малик.** Қайси кун, қайси соатда етиб боргайсиз?  
**Амир Темур.** Пайшанба кун, пешинларда.



**Малик.** Бизларга рухсат.

**Амир Темур.** Яхши боринг. Сафарингиз бехатар бўлсин.

[Малик чиқади.]

**Амир Довуд.** Соҳибқирон, ишонмангиз мунофиқларга,  
Улар сизга панд беради. Кўнглу тўғримас.

**Амир Темур.** У ҳам мусулмон-ку, ахир, лафзида турар.  
Қуръон билан онт ичибди. Қўрқар Тангридан.

**Амир Довуд.** Ҳеч ишонгим келмаяпти. Бу қасам — ҳийла,  
Тайин қилган жойларига бормангиз зинҳор...

**Амир Темур.** Бориш-бормаслик ўзимнинг ихтиёримда,  
Бормасам ҳам ҳеч ким олмас ёқамдан, лекин,  
Айтилган сўз — отилган ўқ. Қайтариб бўлмас.

Сўз бердимми, бажармоғим зарур, вассалом!

**Амир Довуд.** Борасизми, соҳибқирон?

**Амир Темур.** Мунча эзмасиз.

Сўйладим-ку, сўз бердимми, бажараман деб.

**Амир Довуд.** Қўшин билан борасизми?

**Амир Темур.** Беш-ўнта навкар

Йўлдош бўлиб борса бўлар. Қўшин шарт эмас.

**Амир Довуд.** Улар пистирмадан чиқиб ҳужум қилса-чи?

**Амир Темур.** Биз ҳам унинг чорасини кўрамиз. Тўғри,  
Ул мунофиқ Ҳусайнга ишонмоқ мушкул.

Аммо бормоқ керак, амир.

**Амир Довуд.** Эҳтиёт бўлинг.

[Мубашшир киради.]

**Мубашшир.** Соҳибқирон, сизга мактуб.

**Амир Темур.** (ўқийди.) Ким берди буни?

**Мубашшир.** Амир Малик ҳамроҳлари ичидан бири  
«Хўжайинга бериб қўй», деб қўйнимга тикди.

**Амир Темур.** Шер Баҳромни даққи десам, фидойи экан:

«Ҳусайнга бовар қилманг, ваъдаси ёлғон,

Нияти шум, бошингизни олмоқчи», дебди.

**Амир Довуд.** Бировга чоҳ қазган одам ўзи тушгандай

Фирибгар ҳам ўз фириби қурбони бўлар.

#### УТТИЗ ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

*Чакчак дараси. Амир Темур яқин мулозимлари амир Сайфиддин, амир Жоку, амир Эргаш, амир Тамука, амир ики Темур, Мубашшир ва бошқалар билан келиб, дара ичига киради. Виқор билан юксалиб турган икки томондаги қояларга шубҳа ва синчковлик билан назар ташлайди.*

**Эргаш.** Одам борга ўхшар анов бута остида.

**Амир Жоку.** Соҳибқирон, сизга тағи зиён етмасин.

[Енига ўтади.]

**Сайфиддин.** Уч-тўрт навкар бутазорни текшириб келсин.

**Тамука.** Хавотирга тушманг, амир. Бизнинг одамлар.

Кеча барча тадорикни кўриб қўйганман.

**Амир Жоку.** Балли. Аммо айтмайсизми шуни олдинроқ.

[Тамука, наҳот шуни тушунмайсиз, деган оҳангда унга қарайди.]

Ҳа, англадим, узр.

[Камончи киради.]

**Камончи.** Кеча оқшомда

Шер Баҳромни қатл қилди амир Ҳусайн.

**Сайфиддин.** Қонхўрлашди ёвуз. Тунов кунни Кайкубод,

Кеча эса Шер Баҳромнинг қонин тўкибди.

**Амир Темур.** Бекор кетмас шўрликларнинг тўкилган қони,

Амин бўлинг, бир кун унинг бўғзидан олар.

[Камончига]

Қачон йўлга чиққан эдинг?

**Камончи.** Саҳар мардонда.

Амир Ҳусайн навкарлари уйкуда эди.

**Амир Темур.** Хусайн ҳам келмоқдами?  
**Камончи.** [Дара оғзига тикилиб.]  
Қаранг, навкарлар!  
[Ҳамма қарайди. Олисдаги тепаликда отлиқлар қораси кўринади.]

**Тамука.** Эрта йўлга чиққан экан улар ҳам, демак.  
**Амир Жоку.** Мудофаа қилмоқ учун шайланмоқ зарур.  
**Амир Темур.** Хусайн ўз қасамига қилса рию,  
Холис бўлса ярашмоқлик нияти агар  
Келади хос мулозимлар, беклари билан,  
Устимизга катта кўшин олиб келмайди.  
**Сайфиддин.** Соясидан кўрқадиган беқарор одам  
Ўз сўзида турмоғига шубҳам бор, амир.  
Унинг сўзига ишониб, қутқуга учиб  
Борган Шер Баҳром аҳволи сабоқ эмасму?  
**Амир Темур.** Хусайннинг, Шер Баҳромнинг ўлчови бўлак  
Тоифаси бўлак-бўлак икки амирнинг,  
Мос келмайди улар сизнинг ўлчовингизга.  
**Тамука** [олисга тикилиб.]

Чоғимда минг навкар билан келмиш Хусайн.  
Тепаликдан шунча отлиқ ошиб ўтдию  
Қаранг, чиқиб келаётир яна ортидан.  
**Амир Жоку.** Биз икки юз чоғлимизми?  
**Сайфиддин.** Икки юз чоғли.  
**Амир Темур.** Ҳа, қасамхўр, тулки! Унинг нияти бузук.  
**Амир Жоку.** Кўшин боши етиб қолди дара оғзига.  
Соҳибқирон, бирор чора кўрмоқ лозимдур.  
Ногоҳ ҳужум қилса тағи доғда қолмайлик.  
**Амир Темур.** Амир Жоку, кўрқоқлардан эмассиз чоғи.  
**Амир Жоку.** Соҳибқирон, ўзим учун кўрқмайман сира,  
Сизга боғлиқ умидларнинг, шунча заҳматнинг  
Сароб бўлиб қолмоғидан чўчийман рости.  
**Амир Темур.** Нима, мендан ихлосингиз қайтдими, амир?  
**Амир Жоку.** Сиздан эмас, Хусайндан ихлосим қайтган...  
Аммо Турон эли, мазлум Турон замини  
Сизга бутун умид кўзин тикиб турганда,  
Худо кўрсатмасин, сиздан жудо бўлмоқлик  
Қандай фалокат эканин ўйласам агар,  
Қоним қайнаб, этим музлаб кетади, амир!  
**Амир Темур.** Куллуқ сизга! Садоқатли дўстларим, куллуқ!

[Амир Хусайн навкарлари дара оғзида сафланиб, амир Темур мулозимлари билан турган жойга қилич яланғочлаб кела бошлайди. Шу пайт дара ичкари-сидан ва ташқарисидан сурон солганча қилич яланғочлаб, найза ўқталган одамлар ўраб келади. Амир Хусайн кўшинлари қамалда қолади. Улар қаршилик кўрсатади. Енгилади.]

«Аҳдимизни янгилаймиз», деб қасам ичиб,  
«Музокара қиламиз», деб бизни чорлаган.  
Аммо шунча кўшин билан бостириб келган  
Қасамхўр Хусайн қани?  
**Фарҳод.** Қароргоҳдалар...  
**Амир Темур.** Нима, ўзи келмадими?  
**Фарҳод.** Йўқ, келмадилар.  
Банди қилиб, сизни олиб бормоғимизни  
Қароргоҳда кутмоқдалар.  
**Амир Темур.** Панд бериб, бизни  
Ҳалок қилмоқ экан, демак, унинг нияти.  
Ниятига етолмади фирибгар махлуқ.  
Энди уни салтанатдан, омонат мулки,  
Фириб тўла калласидан жудо этгаймиз.  
**Амир Жоку.** Аллақачон шундай қилмоқ лозим эди-ю,  
Қариндошлик андишаси кўймади сизни.  
**Эргаш.** Эл кўксига шамол тегсин, энди, амирим,  
Балхга ҳужум қилмоқ учун фатво берингиз.  
Турон эли халос бўлсин газандалардан.  
**Амир Темур.** Майли, дўстлар, таскин топсин кўнгулларингиз.  
«Темирни бос қизиғида», деган ҳақиқат —

Асил ҳақиқатдир. Шунга амал қилайлик.  
Дилда нафрат ўти сўнмай тушайлик йўлга.

**[Тамукага]**

Кайхусравга одам юбор.

**[Эргашга]**

Амир Довудга  
Маълум қилинг, кўшин тортсин, Балхга юзланиб.

**[Мубашширга]**

Амир Жалолиддин билан ики Темурга,  
Бошқаларга чопар йўлла, етиб келсин, деб.

**[Улар чиқишади.]**

Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдир манға,  
Қилди эрса кимга макрин, қайтадир бир кун анға<sup>1</sup>.

**[Фарҳодга шу байтни узатади.]**

Тўрт томонинг қибла. Сени озод этаман,  
Фақат бир шарт. Шу байтимни топширгин унга.  
**Фарҳод.** Бош устига, соҳибқирон.

**Амир Темур.** Йўлни бўшатиног.  
Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдир манға,  
Қилди эрса кимга макрин, қайтадир бир кун анға.

#### ЎТТИЗ БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

*Балх ташқарисидаги майдон. Олисдан қалъа деворлари кўриниб туради.  
Амир Темур қароргоҳи. Амир Темур, Жаҳонгир, Умаршайх, амир Довуд,  
амир Сайфиддин, Кайхусрав, амир Жоку, амир ики Темур, Эргаш, Тамука  
ва бошқалар. Мубашшир киради.*

**Мубашшир. [Амир Темурга]**

Сизни йўқлаб машойихлар келмиш Маккадан.

**Амир Темур.** Чақир, кирсин. Меҳмонларни интизор қилма.

**[Ногора, туғ, хирқа ва кулоҳ кўтарган машойихлар киради.]**

Хуш келдингиз. Носоз кунда учрашдик, аммо,  
Иншооллоҳ, қадамингиз муборак келгай!  
**Саид Барака.** Номим қисқа қилиб айтсам, Саид Барака,  
Янглишмасам, Темурхонсиз, соҳибқиронсиз.  
**Амир Темур.** Пирим, келиног, бош устига.

**[Саид Барака олдида тиз чўкади. У қўлини амир Темурнинг елкасига қўяди.  
Сўног ўрнидан турғазиб, дуо қилади.]**

**Саид Барака.** Сизнинг жасоратингиз,  
Макка, Мадинага етиб, тилларга тушди.  
Исломо аҳкомлари яна қувват олар деб,  
Сизга улкан умид билан қарамоқдамиз.  
Шунинг учун Маккадаги барча уламо  
Мени вакил қилди сизга топширмоқ учун.  
Бу табаррук хирқа бирла кулоҳни, амир.

**[Хирқани Темурга кийдириб, кулоҳни қўлига беради.]**

Муборак бўлсин!

**Ҳамма.** Муборак ва қутлуғ бўлсин!

**Амир Темур.** Раҳмат! Ҳаммангизни Тангри зиеда қилсин!

**Саид Барака.** Сиз тариқат нарвонининг зиналарини  
Босиб ўтиб, ҳақиқатга етиб қолган зот.

Шунинг учун сизга булар лойиқ кўрилди.  
Пайғамбардан кейин Тангри сўзларин ёйиб,  
Чаҳор ёрлар берган бўлса динга куч-қувват.

<sup>1</sup> Бу байт Амир Темурники.

Саккизинчи юз йилликда бу вазифани  
Сиз зиммага олишингиз каромат бўлган.  
Шу тугайли мени бунга вакил қилдилар,  
Ноғора ва тугни сизга топширмак учун.

**[Ноғора ва тугни топширади. Темур қабул қилиб, тугни ўгли Жаҳонгирга, ноғорани Умаршайхга беради.]**

Муборак бўлсин!

**Ҳамма.** Муборак ва қутлуғ бўлсин!

**Амир Темур.** Ҳаммангизни азиз қилсин Тангри таоло!  
Камол топсин тож-тахтимиз шу туғ остида,  
Зафарларга чорлаб турсин жангар ноғора...

### ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

*Амир Темур қароргоҳи. Олисдан Балх шаҳри, миноралар кўришиб туради. Тонг ёришиб келмоқда. Амир Темур ёлғиз. Юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан туради. Жойнамозни йиғиб, чеккага қўяди.*

**Амир Темур.** Тангрим, ҳар бир нафас учун минг қатла шукур,  
Минг бор шукрона айтаман ҳимматинг учун.  
Чеккан жабру жафоларим, саргардонлигим,  
Дўстларимнинг сотқинлиги, душманларимнинг  
Барча макру ҳийласини енгмоқлик учун,  
Сабр бердинг, тоқат бердинг, ирода бердинг,  
Барча оғир кунларимда мадаккор бўлдинг,  
Дилим равшан қилдинг шубҳа зулматин ҳайдаб.  
Шукронамни қабул қилгин ҳаммаси учун,  
Мени узоқ қилма, Тангрим, марҳаматингдан!

**[Мубашшир киради.]**

**Мубашшир.** Соҳибқирон, қочиб кетмиш амир Ҳусайн.  
**Амир Темур.** Ҳиндувон қалъаси қаттиқ қамалда бўлса,  
Қандай қочибди? Қуш бўлиб учиб кетганми?  
**Мубашшир.** Оддий навкар кийимини кийиб қочгандир,  
Бўлмаса навкарлар уни тутиб оларди.  
**Амир Темур.** Кўнгул эгри ҳаммани ҳам ўзидай ўйлар,  
Демак, бизнинг аҳдимизга бовар қилмаган.  
«Қонимдан кечинг», деб кеча одам юборди.  
«Каъба зиёрати томон юзланмоқчиман,  
Эсон-омон чиқиб кетай, йўл беринг», деди.  
Инобатга олиб унинг тилақларини:  
«Бир туки ҳам тўкилмасин. Омон қолсин» деб,  
Амирларга эълон қилдим, аммо барибир,  
Сўзимизга ишонмабди. Қочибди номард.

**[Эргаш киради.]**

**Эргаш.** Соҳибқирон, кулгили ҳол, қизиқ хангома.  
**Амир Темур.** Қандаи кулгили ҳолатнинг гувоҳи бўлдинг?  
**Эргаш.** Бир навкар отин йўқотиб, излаб юраркан,  
Тополмасдан сарсон бўлиб Эски шаҳарда  
Мачит ёнидан ўтаркан, минорга чиқиб  
Қарайин-чи, зора отим кўринса дебди.  
Минорага чиқаётса, унда бекиниб  
Турган одам тўхтатибди илтижо қилиб,  
Бир ҳовуч дур, жавоҳирлар тутибди унга:  
«Буни олгин, ёрдам бергин, мени қутқаргин,  
Мен ҳукмдор Ҳусайнман. Агар қутқарсанг,  
Сени ҳоким тайинлайман бир вилоятга  
Қанча давлат, мартабалар бераман», дебди.  
**Амир Темур.** Бир овчига ёки жангда мардлик кўрсатган  
Баҳодирга бирор чақа ҳадя қилмаган  
Ҳасис одам, бир ҳовуч дур берибдими-а?!

**[Кулади.]**

**Эргаш.** Жон ширин-да. Ўз жонини бир ҳовуч дурга  
Алмаштирмак истаган-да, хасис бўлса ҳам.

**[Кулишади.]**

**Амир Темур.** Биз қонидан кечган эдик. Тонгни кутганда  
Эсон-омон кетар эди Маккатуллога.

**Эргаш.** Уша навкар воқеани келиб айтди-ю,

Ҳамма ўша мачит томон югуриб кетди.

Бир лаҳзада мачит қамал ҳолига тушди,

Юқорида, муаззиннинг азон айтгучи

Хилкатида, турар эди титраб Ҳусайн,

Умидини узиб жону, молу мулкидан.

Қўлларини боғлаб уни олиб тушдилар.

**Амир Темур.** Бу хомкалла ўйламаган бундоқ бўлишин,

Ҳақиқатан кулгили ҳол, фожиали ҳол.

[Амир Довуд, Улжойту, Кайхусрав ва бошқалар қўллари боғланган амир Ҳусайнни олиб киришади.]

**Кайхусрав.** Соҳибқирон, қайтармассиз шахдимни бугун.

Бу нокаسدан укам хунин қилурман талаб

**Амир Темур.** Аммо, амир, сиз хун талаб қилмасангиз ҳам,

Инингизнинг қони уни тинч қўймас эди.

[Улжойту ташвишланиб Кайхусрав билан амир Жокуга қарайди. Улар ҳам.]

Эсингизда бордир, амир, кеча Ҳусайн

Қонидан кечишни сўраб элчи йўллади.

Биз қонидан кечсак агар қалъани ташлаб,

Жўнамоқчи эди Каъба зиёратига.

Биз қонидан кечамиз, деб сўз берган эдик.

Аммо бу зот сўзимизга бовар қилмасдан,

Тунда қочди бизга берган ваъдани бузиб.

#### [Ҳусайнга қараб]

Биз билардик сизнинг очкўз, хасислигингиз,  
Бурдингиз йўқлигидан ҳам хабардор эдик.

**Кайхусрав.** Амир, буни менга беринг!

**Амир Темур.** Шошманг, амир!

Мен бу зотга Улжой Туркон бегим туфайли

Кўп ишларда садоқатим исбот қилгандим.

Мўғулларга қарши жангда собитлиги-чун

Икки карра ортиқ уни ҳурматлар эдим.

Йўлимиз бир эди бизнинг, дилларимиз ҳам,

Уша кураш йўллариди ҳамоҳанг эди.

Шунинг учун бу одамни кечирсам бўлар.

Аммо диллар қайси чокдан узоқлашдию

Қай манзилда йўлларимиз айрилиб кетди?!

Элу юртни тозалаймиз босқинчидан деб,

Бошимиздан не кулфатлар, ғамлар ўтмади.

Не-не муҳтожликлар кўрдик, не-не хўрликлар

Не-не маломатга дучор бўлмадик, дўстлар?!

#### [Кўзлари ёшланади.]

Юртни ёвдан халос қилиб, салтанат тузиб,

Шодиёна кунда бирга бўлармиз девдик.

Бирга бўлдик. Аммо содиқ дўст бўлиб эмас,

Душман бўлиб етиб келдик муборак кунга.

Ё раб, бу не кўргиликдир! Кечаги сафдош,

Кечаги дўст, бугун душман! Истаганда ҳам,

Энди содиқ дўст бўлмаймиз ёшликдагидай.

Уша софлик, самимият чилпарчин бўлди.

**Эргаш.** Соҳибқирон, бир дам ҳордиқ олсангизмикан,

Неча кунки, кўзларингиз уйқу кўрмади.

Юрагингиз эзилмоқда. Ҳолингиз кўриб

Қон бўлмоқда бизларнинг ҳам юраklarимиз.

**Амир Темур.** Амир Эргаш, раҳмат сизга. Ҳориганим йўқ.

Мен чарчоқни унутганман, фароғатни ҳам.

[Улжойту, Аперди, амир Жоку билан Кайхусравни имлаб четга олиб чиқади.]

**Аперди.** Соҳибқирон ёш йигитлик чоғларин эслаб,

Кўнгулу юмшаб, адоватни унутиб қўйди.

Шу ҳолида Ҳусайнга омонлик бериб,

Озод қилиб юбориши аниқдир.

**Кайхусрав.** Унда,

Тезроқ олиб чиқмоқ лозим қасамхўр зотни.  
**Аперди.** Шошмай туринг. Соҳибқирон рухсатин олай,  
Агар Ҳусайн омон қолса тинчлик бўлмайди.  
Уруш, қирғин бошланади тагин ўлкада,  
Сизлар чиқиб, ташқарида кутиб турингиз.  
**[Улар чиқади. Улжойту Темур ёнига боради.]**  
Соҳибқирон, асирларни нетамиз энди?  
**Амир Темур.** Олиб чиқинг. Тақдир ҳукмин кутсин Тангридан.

**(Ҳусайнни олиб чиқишади.)**

**Аперди.** Соҳибқирон, Холиқ Тангри инояти ва,  
Ўзингизнинг жасорату тадбирингиз-ла,  
Салтанатни тўлиқ қўлга киритганингиз  
Муборакбод қилмоқ учун ижозат беринг.

**Ҳамма.** Муборак бўлсин! Муборак!

**Амир Темур.** [Ўзини қўлга олиб]

Раҳмат, азизлар!

Амир Довуд, нима дейсиз, биз билан бирга

Салтанат учун курашда молу жонини

Аямаган уч юз ўн уч сафдошимизнинг

Барчасига берсак амир мартабасини?

**Амир Довуд.** Маъқул, ғоят маъқул фикр.

**Амир Темур.** Саидлар ичра

Диёнатли бир кишини садр тайин этсак,

Мутавалли, муфти, кози, мухтасибларни

Жорий қилиб, ислом йўлини тўғри ушласа,

Сизлар бунга нима дейсиз?

**Ҳамма.** Офарин, амир!

**Амир Темур.** Салтанат ишларин тўғри юритмоқ учун,

Инсоф, диёнатга содиқ вазирлар керак.

Улар кек сақламайдиган, оқу қорани

Аниқ фарқига боргувчи, зоти покиза,

Фаросатли, эл ҳолидан огоҳ, сабрли,

Барча ишдан салтанатни афзал билгувчи

Оқил ҳамда фозил зотлар бўлмоғи даркор.

Ҳозирча тўрт вазирликни жорий қилурмиз.

Уларга сиз,

**(Амир Довудга)**

Девонбеги, бошлиқ бўлурсиз.

Самарқандга қайтгандан сўнг қурултой тўплаб,

Кенгашиб олурмиз барча муаммоларни.

**(Кайхусрав қиличини артиб киради. Сўнг қинига солиб)**

**Кайхусрав.** Ҳасад қилиб, сизга қарши фитналар тузиб,

Пайингиз қирқмоқчи бўлган газанда ўлди.

Мен инимнинг хунин олдим, маъзур тутгайсиз.

Журъат қилиб салтанатни қўлга олдингиз,

Ўзингизни хон кўтарсак энди, Темурбек.

**Амир Темур.** Чиғатойхон наслидан бир хон кўтаргаймиз,

Аммо салтанатга ўзим жило бергайман.

Биз «Ёсоқ»ни эътибордан соқит қилмаймиз,

Тузажакмиз лекин янги тузугимизни.





Мирмуҳсин

# Мовароуннаҳр

Тарихий роман

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин шу номдаги янги тарихий романини ёзиб тугатди. Асар X—XI асрларни, буюк Хоразмшоҳ Ануштакин Гарчойи ва унинг фарзандлари Қутбиддин Муҳаммад, Аълоиддин Муҳаммад Отсиз даврини ўз ичига олиб (Темур Малик, Жалолиддинлар давридан икки юз йилча илгариги), унда Мовароуннаҳр ҳамда Хоразм мамлакати салжуқийларга — султон Санжарга тобеликдан қутулиши воқеалари тасвирланади. Қуйида ана шу янги романдан бир неча ҳикоялар чоп этилмоқда.

## Паҳлавонлар беллашуви

Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Отсиз<sup>1</sup> ҳазрати олийларининг музаффар қўшини кўп вақт Гурганжнинг шарқи шимолида, Аёзқалъа харобалари яқинидаги кенгликда — буюк Ануштакин Гарчойи<sup>2</sup> замонидан қолган кўҳна майдонда ҳарбий машқлар ўтказарди. Бунда эрта тонгдан ноғораларнинг кучли так-туми, пурвиқор жез карнайларнинг қалъаларга етгувчи ға-а-ат, ғо-о-о-т ўкириши, отларнинг сўлиқ узиб кишнаши, дукур-дукур юришлари атроф-жавонибни ларзага солиб, жунбушга келтирарди. Шу атрофдаги қишлоқлар ҳам бу «қонсиз жанг» дабдабасидан чўчимай, кўпдан кўникиб қолган эдилар. Ҳарбий машқ икки-уч ойда бир маротаба бўлиб, уч кунга чўзилар, қора соқол, қадду қомати пурвиқор подшоҳ ҳазратларининг шахсан ўзлари ҳам баланд дўнгликда, Қарчиғай лақабли қорабайир отида туриб машқни кузатарди. Отларга, навкарларга дам бериш чоғида ҳазрат тепасига туғ ўрнатилган ола чодирига кириб, саркардаларни ёнига чорлар, нозу неъматлар тўла дастурхонга таклиф этар, навозиш кўрсатиб, «жанг»да матонат кўрсатганларга инъомлар ҳадя этарди.

Лекин бу гал кўрқинчли Марвдан, султон саройидан Гурганжга ноиб келиши олий ҳазратнинг ҳарбий машқни кузатиб, бунда уч кун бўлишлигига йўл бермади. Очикроғи, шоҳ бу ҳарбий машқни султон ноибидан сир тутди. Машқ майдонига шаҳзодалардан Отлиқшоҳ, Сулаймоншоҳлар ўз кишилари билан келишди. Улар сафида амир Алп Арслон ва яна бир неча мансабдор

<sup>1</sup> Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Отсиз. Шу лақаб билан машҳур бўлиб, мелодий ҳисобда 1127 дан 1156 йилларгача Хоразм, кейинчалик Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлган.

<sup>2</sup> Ануштакин Гарчойи, унинг бобоси, милодий 1077 дан 1097 йилларгача Хоразм давлати тахтини эгаллаган.

шахслар ҳам бор эди. Сарбозларга улуфа<sup>1</sup> берувчи, молия ишларини бошқарувчи муставфий Саидхожа ҳам бор эди. Шоҳнинг ўзи сипоҳсолар<sup>2</sup> эканлиги сабабли машқ даврида унинг бўлмағи ғоятда зарур, агар у бўлмаганида валиаҳд шахзода тепада турмоқлиги шарт. Шу сабабли ҳам отда ғудайиб ўтирган рангпар, касалвон Сулаймоншоҳ негадир сардор Алп Арслондан кўра ҳам муставфийни ўз ёнига яқинроқ чорлаб, буйруқни у орқали қўшинга етказарди. У анчадан буён амир Алп Арслонни ёқтирмас, у билан номига, шунчаки омонлашар эди. Бу гал ҳам ўша совуқлик унинг юзида зоҳир, шахзоданинг илтимосига кўра, машқ бошлангунча қўшин ичидаги яғриндор полвонлар амир хоҳиши билан, одатга кўра, майдон ўртасида доира ясаб, ўттиз чоғлиқ забардаст йигит кураш хилъати — юпқа тўн кийиб, камару қилични бир ёнга қўйиб, белларига белбоғ боғладилар. Эрталабки изғиринда бироз қизийиб олиш ҳамда анчадан буён кураш бўлмагани, совриндорлардан дарак йўқлиги сабаблими, кўпчилик навкарлар курашга талабгор бўлиб қолишган эди. Аммо подшоҳнинг шахсан иштирок этмаётганликлари полвонлар юрагини хижил қилди — қўли очик шоҳ, шахзодалардан кўра минг бор яхши.

Амир Алп Арслон майдон ўртасидаги кичик ҳалқани ўраган, атрофдаги мингга яқин суворийларга овози етганча нидо урди:

— Ҳазрати олийлари, улуғ подшоҳимиз топшириғи билан валиаҳд шахзодамиз Сулаймоншоҳ ҳазратлари буюрдилар — йиқитқанга қўчқор! Ана у! — Сардор майдон четида анча нарида боғлоғлиқ қўчқорни қўли билан кўрсатди, — яна бошқа совринлар ҳам бор. Қани, ким майдонга тушади?

Ҳар галгидек, йўғон бир йигит битта-битта қадам ташлаб ўртага тушди. У Қуззот паҳлавон бўлиб, тепадек елкаси ер кўрмаган, биронта йигит ҳадди сиғиб, у билан бел олишишга журъат этмаган эди. Ҳар қандай полвонни бир-икки айлантриб, «ҳадисини олиб», ўкириб, кучаниб, йиртқиқлардек хунук бир овоз чиқариб, оёғини ердан узиб осмонга кўтарар, бир-икки айлантриб, чунонам урардики, гурсиллаб тушганида тупроқ чангиб кетарди. Биронта йигит Қуззот полвонни йиқитолмаган. У полвонлар доираси ичида бургутнамо виқор билан йигитлар кўзларига тикилиб, «Қани, қайси биринг тушасан?» дегандек айланарди. Доирада турган иккинчи полвон — Гарданкашон амир Алп Арслоннинг имоси сабаб бўлдими, ортиқ чидаб туролмай, майдонга тушди. Йигит оғаси — шоп мўйлаблик бир одам (кекса паҳлавонлардан) уларнинг белбоғларини тортиб кўриб, бир-бирларига яқин олиб келиб, фотиҳа ўқиди: «Аллоҳу акбар! Қани, бошланглар!» Икки полвон бел олишиб, бир-бирини синаб, майдонда кичик доира яшашди. Бир неча дақиқадан сўнг, Қуззот паҳлавон «ҳадисини олиб» қадам босишни тўхтатди-да, бирдан йўлбарсона ўкириб, рақибини кучиб, оёғини ердан узди. Шу бақирганча ҳавода бир-икки айлантриб гумбурлатиб ерга урди. Кейин йиқилган сафдошини қўлидан тортиб, ўрнидан турғазди. Мағлуб полвон этагини қоқиб, даврадан чиқиб кетди. Қуззот полвон нафасини ростлаб, яна бургутдек виқор билан қадам ташлаб, янги талабгорни сўради. Узоқда боғлоқлиқ қўчқорга ҳам бир қараб қўйди. Бу воқеани кўриб турган амир Алп Арслоннинг ўзи ғайрат отига миниб, камарини ечиб, белини боғлаётган эди, навкарлар оломони ичида қийқириқ бошланди; бу саркардага нисбатан бениҳоя ҳурмату унинг куч-қудратига ишончни ифодалар эди. Навкарлар оломони даврани яна ҳам тор қилиб, ҳамма ўз сардори курашини кўришга интиларди. Алп Арслон кекса полвон — йигит оғаси ёнига бораётган эди, полвонлар сафида турган Муҳаммад Али ал-Мисрий (у занжиларга ўхшар, басавлат, яғриндор бир йигит эди, шу боис кўплар «Қора дев» деб аташарди) дарҳол ўртага тушиб, амирнинг йўлини тўсди:

— Ҳазрат, менинг галим! Мен тушамен!

— Мен-чи?

— Қўшин сардори ўз навқари билан курашга тушмайди...

— Мумкин, — деди Алп Арслон таажоубланиб, — бу ўйин. Ўйин бўлганидан кейин сардор ҳам курашга тушиши мумкин.

— Менинг галим, мўътабар саркарда. Мен йиқилгандан сўнг, майли, ихтиёр ўзингизда...

<sup>1</sup> Маош ва отига ем-хашак пули.

<sup>2</sup> Сипоҳсолар — Олий бош қўмондон.



— «Қора дев» тушсин, рухсат этинг, саркарда! — деди йигит оғаси — шоп мўйлаблик сарбоз.

— Ал-Мисрий тушсин рухсат этинг саркарда! — дейишди отлиқлар. Улар негадир бу янги келган сарбознинг йиқилишини, Қуззот паҳлавон бунинг ҳам бир додини бериб қўйишини ишташарди.

Амир Алп Арслон белбоғини ечмай икки қадам орқага тисарилиб, «Қора дев»га рухсат этди. Йигит оғаси бошқа бир белбоғу тўнни унга кийгизиб, Қуззот паҳлавон ёнига олиб борди. Майдонда қийқириқ бошланди — бирлари йўғон, елкалари кенг, оқ-сарикдан келган ола ҳўкизга ўхшаш Қуззот паҳлавон (унинг лақаби «Ола ҳўкиз» эди), иккинчиси Мисрдан келган, бесўнақай, қора филдек улкан Муҳаммад Али ал-Мисрий томонида эдилар. «Аллоҳу акбар!»дан сўнг улар бел олишиб, даврани бир-икки айланишди. Навкар йигитлар оломони доирани яна ҳам сиқиб келиб, икки улкан паҳлавонни завқ билан томоша қилишарди. Қийқириқ, шовқин-сурон кўтарилди. «Дев» билан «Хўкиз» елкалари елкада, бир-бирининг белбоғларидан маҳкам ушлаб, даврани яна бир айланиб, куч синашиб кўришгач, қулай пайтни пойлаб, бир-бирларини кўтариб, ерга гурсиллатиб уришга чоғландилар. Дўнгликдан анча яқинга келиб турган икки шаҳзодаю амир ва бошқа юқори мансабдорларнинг кўзи уларда эди. «Дев» «Хўкиз»ни фавқулодда бир куч билан ўз кучоғига тортди-да, «Ё ҳазрати Али!» деб оёғини ердан узиб, кўкраги устига олди. Яна бир куч билан «Хўкиз»нинг маҳкам ёпишиб олганига ҳам қарамай, осмонга кўтарди. Атрофдагилар оғизларини очиб, қилт этмай кузатишарди. Давангир Қуззот паҳлавоннинг чангак бўлиб ёпишган оёқлари тарвақайлаб, осмонда айлана бошлади. Оломон жим, икки шаҳзодаю ноиблар, Алп Арслон ҳам «Хўкиз»нинг ўзини эпполмай, ал-Мисрий боши устида айланаётганини кўриб, ҳайратга тушдилар. Шаҳзода Сулаймоншоҳ ўз полвонининг бу аҳволга тушганидан ғазаб-ла юрагини чангаллади. Бошқа мансабдорлар ҳам яқинда Гурганжда пайдо бўлган бу кимсадан кўра ватандошлари Қуззот паҳлавонга ишонардилар. Шаҳзодаларнинг руҳи тушиб кетаётганини пайқаган Алп Арслон «Дев»га тикилганича қотиб қолди. Муҳаммад Али ал-Мисрий Қуззот паҳлавонни чунонам гурсиллатиб ерга урдик, эски ривоятларда ёзилишча, «замину замон, макину макон» ларзага келди. Бир неча ёш навкарлар қора полвоннинг қудратига тасанно айтиб, қийқириб юборишди. Шаҳзодалар жим, мансабдорлар жим... Ал-Мисрий ерда ётган «Хўкиз»ни секин ўрнидан турғазди. У этагини қоқиб, майдондан чиқа бошлади: «Баъзан ундоқ, баъзан бундоқ...» Йигит оғаси гап қотиб, титраб: «Хафа бўлма, паҳлавон, ҳали у билан яна беллашасан. Мен сенга унинг ожиз томонини айтиб бераман. Сездим... Қўй, хафа бўлма...» деди. Лекин Қуззот паҳлавон шаҳзодалар турган ернинг қарши томонига кетди.

Курашни тугатиб, энди ҳарбий машқ бошламоққа фармон бўлаётган эди, Алп Арслон оддан тушаётган шаҳзода Сулаймоншоҳга мурожаат этди:

— Ҳазрат, мен ҳам бел боғлаб, тайёр турибман, рухсатингиз билан майдонга тушиб, «Қора дев»нинг таъзирини бериб қўяйми?

Шаҳзода Сулаймоншоҳ кулди. У Алп Арслонга яқин келиб, илжайди:

— «Қора дев» сизни мушук боладек эзғилаб ташлайди, амир! — Уларнинг бир-бирларига мутлақо тоқатлари йўқ эди-ю, лекин ўз полвонининг йиқилганидан руҳи тушган шаҳзода амирга сохта илжаярди.

— Бу «мушук бола»нинг умри курашда ўтган, жисми пай бўлиб кетган. Иккиламчи, беллашганда йўғон гавдадан кўра маҳорат муҳим...

— Рухсат бермоқ осон, аммо сизнинг амир деган номингиз бор, салтанат обрўсини ҳам ўйламоқ лозим.

— Унчалик бўлмас, ахир «мушук» жониворни пайғамбаримиз ҳам сийлаб, сиртини силаганлар...

— Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи... Ундоқ бўлса, рухсат! «Қора дев»ни йиқитинг, қора кўчқор яна ўзимизда, саройда қолади...

Алп Арслон ўртага тушди. Майдонда яна ким тушади, деб айланиб юрган филқомат Муҳаммад Али ал-Мисрий ўз соҳиби амир Алп Арслонни кўриб, юраги шиғиллаб кетди: «Нима кераги бор эди! Шунча паҳлавон йигитлар оломонни ўраб турганда, шулар ичидан биронтаси тушақолса бўлмасмиди!..» деди ичида ғижиниб. Рўбарўсига амирнинг жиддий бир тусда келаётганини кўриб, тепаликда оддан тушиб турган бошқа мартабадор шахсларга ҳам

кўз ташлади. Ҳаммасининг диққати амирда. У йигит оғаси билан бирга келиб, ал-Мисрийга муқобил бўлди. Улкан «Қора дев» олдида у дарҳақиқат, мушукка ўхшарди.

— Ҳазрат, мен сиз билан курашга тушмаймен! — деди ал-Мисрий қатъий эътироз билдириб.

— Нега тушмас экансен?! Тушасен!

— Мен сизнинг қулингизмен, кул ўз эгаси билан курашга тушса охирати хароб бўлади. Мени сиз, муҳтарам зот, ёмон одамлар қўлидан қутқариб, сотиб олгансиз. Мен ота-онамнинг сўзини бузмаймен, мени одам деб тан олган бир ҳазрат билан бел ушлашиб олишмоқлик — кўрнамаклик, сиз оёқдаги занжирни узиб, қутқаргансиз, инсонлар қаторига қўшгансиз.

— Яхшилиқни билганинг, бу мақбул одоб! Лекин раъйимни қайтарма! Бу — ўйин!.. Уйинда соҳибликнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Қани, белбоғни ушла! Шаҳзода ҳазратлари қараб турибдилар. Агар мен билан астойдил курашмасанг, сен ўз хўжангни камситган бўласан. Ахир мен ҳам беллашувда, қилич машқида ҳеч кимдан енгилган эмасмен. Сен мени ким деб ҳисоблайсен? Қани, белбоғимни ушла!

Давангир ал-Мисрий амир белбоғини ушлади. «Фил» билан «От» анча вақтгача даврани айланиб, оломонни ҳайратга солиб юришди. Мингларча навкарларнинг, юқорида турган шаҳзодалару мансабдорларнинг кўзи икки полвонда. Енгилган полвон Қуззот — «Хўкиз» четроқда, ошналари даврасида туриб, майдонга тушган амир билан «Дев»ни кузатар, сопол кўзада олиб келиб қўйилган шарбатдан ичар, лекин чанқови босилмас эди. Шу аснода амир Алп Арслон «Дев»ни ўзига тортиб, оёғини ердан узмоқчи бўлди, аммо бу давангир оёғини ердан узмоқлик Аёлқалъа қўргонини ердан узмоқ билан баробар эди. Чалиб йиқитмоқ — номардлик. Бир неча усталик қилиб, эски машқу ҳунарларини ишга солиб, «Ё Али!» деб уни ёнбошига олмоқчи бўлди, бу ҳам бўлмади. Узоқда шарбат ичиб турган Қуззот паҳлавон кулди: «Бу ярамас Қора фил экан, филнинг умуртқа суягини букиб бўлмайди...»

Бу қора полвоннинг Хоразм тупроғида пайдо бўлгани фақат Қуззотга эмас, бошқа полвонларга ҳам ёқмай қолган эди. Уни топиб келиб, парвариш қилган амирдан ҳам хафа эдилар. Лекин, ҳозир майдон ичида ўз эгасини ерга уриб, шарманда қилишлигини кўплар, айниқса шаҳзода Сулаймоншоҳ жуда-жуда истарди ва бундай манзарани жон-дили билан кутиб турарди.

Амир Алп Арслон ал-Мисрийга нисбатан анча жуссаси кичик бўлгани билан шаҳзодага нисбатан дуркун, қомати келишган, турган-битгани пай, отга минганида от билан бир тану бир жон бўлиб кетарди.

Бир муддатдан кейин амир жунбушга келиб, бор кучини ишлатиб давангирни ўзига тортган эди, бесўнақай «фил» ўзини бўш тутди. Ўзининг оғирлигини, уни ердан узиб, кўкрагигача кўтариб бўлмаслигини фаҳмлаган давангир ҳадеб бел ушлаб, доирани айланабермай, тўсатдан амир оёғи остига орқаси билан қулади. Оломоннинг кулгисини кўтариб, йиқилган полвон «Хўкиз»га ўхшаб чалқанча ётди.

Бирдан оломон орасида қийқириқ кўтарилди, мингларча ёш навкарлар амирнинг чайирлиги, гап гавдада эмаслиги, тажрибаю маҳоратда эканини айтиб қийқиришди. Ҳатто баъзи хоразмликлар ўз ватандоши амир ғалабасидан қарсак уриб, «Қора дев»ни масхара қилдилар. Лекин йигит оғаси икки шаҳзода, ноиблар Муҳаммад Али ал-Мисрий — қора паҳлавоннинг ўз хўжасига атайин йиқилиб берганини тушуниб турардилар.

— Уйин шартини буздинг! — деди амир ерда ағанаб ётган қора паҳлавонга дарғазаб боқиб.

— Бузганим йўқ, чарчадим... Толдим... Йиқилдим... Сиз ғолиб келдингиз! Наҳотки шу гапни менга айтасиз, ҳазрат!

— Ишонмаймен! Сен чарчайдиган эмассен!

— Амир ҳазратлари, гап кучда эмас, маҳоратда. Худо ҳаққи, рост сўзлаймен, мен енгилдим.

— Тур энди! Туққан хотунга ўхшаб ағаниб ётма!

— Мана, турамен, — у ўрнидан туриб этагини қоқди.

Йигит оғаси — шоп мўйлаблик полвон хурсанд, чақнаб келиб, амирни табриқлади:

— Йиқитдингиз, амир, мен шундай бўлишни билардим!

Амир индамади. Улар майдондан чиқиб, дўнгликка — шаҳзодалар ёнига боришаётган эди, шаҳзода Сулаймоншоҳ турган еридан бир неча қадам олдинга юриб келиб, амирни навозиш этди. Гарчи бу кураш унча ҳалол бўлмагани, ўз қули хўжасига йиқилиб берганини фаҳмласа ҳам, рўпарасида эл қатори бир мансабдор кимса эмас, жангари ва доно амир, бу шахс билан шоҳ ҳам ҳисоблашадиган Алп Арслон турганини кўриб, унга тавозе кўрсатди.

— Боя айтганимдек, қора қўчқор салтанатдан узоқ кетмайдиган бўлди, — деди шаҳзода, — яхши бўлди, мисрликнинг таъзирини бердингиз!

Амир индамай итоат этиб турди.

— Кураш тамом, энди гўс ноғоралар чалинсин, қиличлар ғилофдан суғурилсин, машқни бошлаймиз! — деб ингичка овозда фармон берди шаҳзода Сулаймоншоҳ.

Карнаю ноғоралар гумбурлаб, кенг далани жунбушга келтирди. Йигитларнинг ҳар бири шер бўлиб, шарақа-шуруқ қиличбозлик бошланиб кетди.

Шу пайт мағлуб Қуззот паҳлавон атрофидаги кимсадан бири кураш тўнини ечиб, машққа киришга ҳозирланаётган Муҳаммад Али ал-Мисрий полвон ёнига келиб, чинни косада салқин шарбат тутди. Шарбатни аввал хожага суниб, кейин хизматкор ичмоғи одат эканлиги дарҳол ёдига тушган амир Алп Арслон қора полвон қўлидаги чинни косани олиб, бояги рангсиз шахснинг хўжаси Қуззотга узатди. Қуззот ичмади. Амир унинг қўлидан олиб, рангсиз ўша одамга тутди.

— Ич! Шарбат сунган одам аввал ўзи ичади. Агар ичмасанг, бошингни узиб ташлаймен! — У дарҳол қиличини қинидан суғуриб олди.

Лекин ранги захил кимса қиличдан чўчиб кетгандек косани ерга ташлаб юборди. Шарбат тўкилиб, коса синди.

— Муҳтарам амир, бу шахсга тегманг, — деди дарҳол Муҳаммад Али ал-Мисрий саркарда қўлини ушлаб. — Бир қошиқ қонимдан кечинг, унинг болачақаси кўп. Менинг учун маҳв этилмасин, худо бор, бизга қасд қилган бўлса худонинг ўзи унга жазо берсин!

Амир Алп Арслоннинг ранги оқариб, кўзлари ола-кула бўлиб турарди. Паҳлавоннинг ёлбориб қилган илтижосидан сўнг у қиличини қинига тиқиб, ал-Мисрий билан ёнма-ён ҳарбий машққа кириб кетди. Кета туриб у Қуззотга тикилди-да, «Ҳе, номард!» деган гапни эшитар-эшитмас айтди.

## Оёқда кишан, юракда ишонч...

536 йил, ҳижрия. Сафар ойининг бешинчи куни<sup>1</sup> Самарқанд яқинидаги Катвон даштида Хуросон ҳокими султон Санжарнинг юз минг нафар қўшини билан юз минг сонли қўшинга эга бўлган Қора Хитой ҳокими Ғаюрхон<sup>2</sup> тўқнашиб, мисли кўрилмаган жанг бошланди. Мовароуннаҳрдаги катта қарлуқ уруғи ўзининг беқлари билан бирга Ғаюрхонга қўшилиб кетганликлари султон Санжарни ғоятда дарғазаб қиларди. Тенгсиз муҳорабада султон Санжар мағлубиятга учраб, салжуқийлар батамом тор-мор этилиб, султоннинг ўзи бир неча навқари билан даштга қочди.<sup>3</sup>

Салжуқийлар мағлубияти, айниқса, султон Санжарнинг қочганидан фойдаланган Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ-Отсиз Хоразмнинг қирқ йилдан буён султонга қарамлигидан қутқариб, мустақил давлат этмоқ мақсадида Қатвон жангидан бир ой кейин ўз қўшинини Хуросон сари сурди. Раббиал аввал, 536 ҳижрия, дастлабки ҳужумдаёқ Сарахс шаҳрини босиб олди. Имом Абу Муҳаммад аз-Зиёдий Муҳаммад Хоразмшоҳни тантанавор кутиб олди. Раббиал аввалнинг ўн еттинчи куни Хоразмшоҳ султон Санжар пойтахти Марвни ҳам жанг билан эгаллаб, султонга содиқ мансабдорларни ўлдириб, унинг тахтига ўтирди. Хазинадаги муҳрланган сандиқни очдириб, бебаҳо гавҳару ёқуту зумрадларни, тиллоларни... Хоразмга жўнатди. Бу, Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг тахтга ўтиргандан кейинги энг катта ғалабаси эди.

<sup>1</sup> 9 сентябрь, 1141 йил, мелодий.

<sup>2</sup> Ғаюрхон — Чин ва Олтой заминидан у Елюй Та Ши номи билан машҳур ҳукмдор.

<sup>3</sup> Академик Зиё Бунёдов. «Государство Хорезмшахов — Ануштегинцов» (14-бет).

Имом Аҳмад ал-Баҳарзий Хоразмшоҳ истиқболига чиқиб, Марв аҳлига омонлиқ талаб қилди. Хоразмшоҳ Марв аҳлидан машҳур Ҳанафия фақиҳи имом Абдулфадл ал-Кермонийни гаровга ушлаб қолишни сўради. Бироқ фуқаро Ғалаён кўтариб, шоҳнинг бир неча одамини ўлдириб, Марв дарбозларини беркитди. Дарғазаб шоҳ қўшинни қайтадан Марвга киритиб, ҳаммаёқни вайрон қилди ҳамда Хуросоннинг машҳур кишиларидан аҳли уламо шафий фақиҳи Иброҳим ал-Марвозий, қомусий олим Вали ибн Муҳаммад ибн Арслон, исёнчи Али Ибн Исҳоқ ал-Мусавийни қатл этди, ал-Кермоний, Абу Мансур ал-Аббодий, Кади ал-Хусайн ибн Муҳаммад ал-Арсобандий, шоир Рашидуддин ал-Ватвот, файласуф Абу Муҳаммад ал-Ҳиравийларни Хоразм шаън-шавкатини кўтариш мақсадида ўз юртига жўнатди. Ўзи Нишопурни забт этмоқ учун йўлга тушди.

Шу тариқа Хоразмни салжуқийлар тобелигидан қутқариб, мустақил давлат, мустақил салтанат тузишга киришди.

Марв жангида Хоразмшоҳ ал-Малик Абу Музаффар Аълоиддин Отсиз ўз фарзанди шаҳзода Отликни йўқотгани юрагига беҳудуд изтироб солди. Гарчи бошқа шаҳзодалар: Сулаймоншоҳ, Абдулфатҳ ал-Арслон, Хитойихонлар атрофида турганига қарамай, валиаҳд ҳалок бўлди. Салжуқийлар билан ҳаёт-мамонт жангида ўз уруғидан бўлган амирзода Алп Арслон ва унинг навкарлари орасида «Қора дев» — паҳлавон Муҳаммад Али ал-Мисрий шундай жанг қилдики, биронта ғаним унинг қўлидан омон чиқиб кетолмади. Тўғри келганига қилич солиб, дупора этар, баъзан наъра тортиб, сипори билан рақиб бошига урар, оғзидан кўпик сачратиб ҳайқирганида отлар ҳуркиб, орқага қочарди. Бирон салжуқий навкар қилич тўғрилаб унга яқин келолмасди. Юз қадамча ортада, тепаликда ўз Қарчиғайида турган Хоразмшоҳ бу паҳлавоннинг юракдан наъраи раъдивор тортиб, чинакам арслондек ўкириб ҳамла қилаётганини кўриб ҳайратга тушарди, баҳодирлигига тасаннолар айтарди... Рўпарасидан келган рақиб биринчи ҳамладаёқ ер тишларди. Пешонасига тегиб кетган тигдан қон оқиб, иягига тушар, гўё манглайдан тер оқиб тушаётир, деб қонни туфлаб ташлар, лабларидан оппоқ кўпик чиқариб ёвга ташланарди. Тепадек кенг яғринлари терлаган, унинг тани чўяндек тиг ўтмас — рўйинтан, оёқ, биллак, пайлари сапчадек бўртиб чиққан, дам қилич солар, дам гурзи ҳавола қилиб, рўбарў келган рақибни қулатарди.

Завқу ҳайрат билан кузатиб турган шоҳ ўз ёнига амир Алп Арслонни чорлади. Дарҳол отга қамчи босиб, югуриб келган амир шоҳга таъзим қилди:

— Бу паҳлавон сенинг навкарларингданми?

— Шундай, ҳазрати олийлари.

— Салжуқийларни я-мо-о-н урмоқда! — подшоҳ сўл томонида, орқароқда, от устида бир олақарғадек турган митти одамга боқди. — Мавлоно, бу гапга не деюрлар?

— Офарин дейман, Ҳазрат, бу бир шер! Еки Афросиёб, ёки Сиёвуш... Рустам деса ҳам бўлади...

— Бирини айтинг-да, мавлоно!

— Биринчидан, агар ҳақиқатни айтсам, етмиш минг навкарнинг олампа ноҳи подшоҳи жаноби олийларига ўхшайди! Иккинчидан, бу ожиз қулингиз, ватвот — кўршапалакка, яъни менга ўхшайди...

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-о-о-о! — подшоҳнинг от устида туриб пурвиқор кулиши жанг қилаётган навкарларга таъсир кўрсатдимми, яна «тарақа-туруқ, амуда герон, санги осмон...» авжига минди. Қиличлар офтоб нурида чақмоқдек ярқираб, отлар сўлуқ чайнаб кишнар, паҳлавонлар юракдан наърайи раъдивор тортиб, беомон саваш кучга кирди.

— Амир, бу қора йигитни жангдан сўнг ёнимга олиб келинг. Жанг тугади ҳисоб... Султон салтанати тор-мор этилди! Тобеликдан қутулдик. Отам Кутбиддин Хоразмшоҳ ўттиз йил қоплаб тилла танга тўладилар. Бўйинтуруқдан фориг бўлдик.

— Зафар муборак бўлсин, подшоҳ ҳазратлари!

Хоразмшоҳ бош ирғаб, амир Алп Арслонга табассум ила боқди. Лекин унинг нигоҳи ҳамон талотум жанг олатўполонида, навкарлар ичра икки газдан зиёдроқ қиличини ҳавода ярқиратиб селпиётган қорача паҳлавонда эди.

— У билан машқ вақтида кураш тушганингизни Сулаймоншоҳдан эшитган эдим... Номи нима?

— Муҳаммад Али ал-Мисрий. Ошнолари «Барзангий», «Жангий», «Ҳангий»... деюрлар, нима десанглар денглар, аммо «Ҳангий» деманглар, деб хафа бўлади, азамат.

— Ҳов-ва, — деди шоҳ кулумсираб, — бу «Ҳангий» эмас, чинакам «Жангий». Жанг майдонида жавлон ураётган паҳлавонларимизнинг бири-ку!

— «Дулдул» деб атамоқ жоиз, — деди шоир Рашидуддин ал-Ватвот, — камина ҳазратнинг тунда учадурғон кўршапалаги бўлганида яна бир дулдули ҳам бўлмоғи муддао. Кўршапалак шоҳимга озор бергувчи ғаним чивинларни йўқотадур, «Дулдул» шоҳим душманларини қуритадур; мисоли гавҳару баҳр, яъни дулдулу шаппарак ҳар ду даркор аст!

— Офарин! — шоҳ ал-Ватвотнинг хунук башарасига қараб илжайди. Шундоқ бадбашара, жиккак одамдан ҳам шоир чиқарканми, деб таажжубланди. Султон Санжар бу мавлонони жуда хурмат қилган, Марвда у факиҳ Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд аз-Замаҳшарийлар юртини орзу қилиб, бу заминдаги «Байтул илм» шону шуҳрати дунёни тутгани ҳам сабаб бўлиб, Гурганжга келган эди. У Бағдоддаги «Байтул-ҳикма»га эмас, Гурганждаги «Байтул-илм-га — юксалаётган Хоразм салтанатига келиб, бунда ижод этмоқни орзу қилган эди.

Жангдан сўнг кичик сардорлар ўз боргоҳларига кирдилар, саркардалар шошилиб, машваратга тўпландилар. Подшоҳ айғоқчилари, одатдагидек, жангоҳ четида навкарлар орасида бўлишди, бир нечаси ўз сафдошлари билан бўз чодирга кириб, пешонасидаги жароҳатни ювиб, латта билан боғлаб олган ал-Мисрий тепасига келдилар. У қилич, қалқони, гурзисини ёнига қўйиб, қаттиқ чарчаганидан ёнбошлаб, тезда уйқуга кетибди. У ётишдан аввал хуржундаги оғир темир кишанини шақиллатмай олиб, атрофдаги сафдошларига сездирмай икки оёғига ўрайди. Занжирлик яна бир кишанни қўлига ҳам ўраб, тезда ухлаб қолади. Подшоҳ айғоқчилари ҳайрон, нега у ўзини-ўзи кишанлайди? Улар ниҳоятда таажжубланишди. Ухлаб қолган ал-Мисрий тепасида чўнқайиб ўтириб, кишанларни ушлаб кўришди: оғир, чинакам мустаҳкам пўлат кишанлар... Ҳозироқ бир фавқулодда тўқнашув бўлиб қолса, у ўрнидан туриб кишандан чиқолмаслигини хаёлларидан ўтказишди.

— Уни уйғотамизми-йўқми? — биринчи айғоқчи иккинчисидан сўради.

— Уйғотиб нима қиламиз? — деди иккинчиси. — Бу тарихда бўлмаган ғаройиб хабарни олий ҳазратга етказайлик. Уйғотмоқ осон...

— Хоинлик бўлмайдимми?

— Нечун?

— Қолган-қутган салжуқийлар тунда бостириб келса, уни қўлга оладилар, хоразмликларнинг маҳбуси бўлиб, уни озод этадилар ҳамда ўз сафларига қўшадилар.

— Бу тўғри эмас. Агар у ичимизга кирган илон бўлса, бунчалик мардондор жанг қилмасди, иккиламчи, олий ҳазрат эйтиборини қозонмасди. Бунда бир сир бор...

— Сир йўқ! — кескин жавоб қилди шериги. — Ифриқиёдан тутиб келтирилган ҳамма занжилар сотқин, уларга яхшилаб хўрак берсалар, ўша томонда туриб жанг қилаберади, — у ёш боладек пишиллаб ухлаб ётган давангирнинг қадду қоматига тикилди, ўнг томондан тушиб турган тўлин ой нурида унинг яғринлари тўлалигича кўринарди. Бу одам эмас, Ҳиндистон филига ўхшайди. Унинг ёнида бирон навкарнинг ётиши ҳам хавфли, бир томонга ағанаса, мушук болани босгандай эзиб ўлдириб қўя қолади. Аммо бу «фил»нинг занжирбандлиги таажжуб!

— Унинг наслу насаби бизга номаълум, аммо номи Муҳаммад Али экан... мусулмон... Эҳтимол Нили муборак ёқасида яшайдиган қавмлардандур?

Икки айғоқчи паҳлавонни уйғотиб, безовта қилгилари келмади, аммо бу қизиқ ҳақиқатни подшоҳга тезда етказишга қарор қилдилар. Шу лаҳза Олий Ҳазрат боргоҳи томон югурдилар. Йўллардаги ясовуллар икки бешафқат айғоқчини кўришлари биланоқ уларга тўсиқ бўлмадилар. Бу айғоқчилар соқол-мўйлаб ёпиштириб, бошқача қиёфада юрганларида ҳам подшоҳ муҳрини кўриб, дарҳол қўйиб юборардилар.

Икки айғоқчи тили оғзига сиғмай, бу антиқа хабарни ясовулбошига, ясовулбоши вазири аъзамга етказди. Улар таажжубланишди. Кулишди. Ўз сардори Алп Арслон буни билармикан, деб ундан сўрашга жазм этишди. Подшоҳни безовта қилмай (у шу аснода чодир ичидаги ўз тўшагида мағлуб султон Санжарнинг қўлга тушган маликаси билан ётарди. Бундан бир кун аввал ниқоҳ ўқиттирганди), қаердадир дам олаётган амирни қидириб ўтирмай, ясовулбоши ва вазири аъзам лашкар ичига кириб кетишди. Тезда бўз чодир ёнига етиб, ичкарида филдек, чодирнинг ярмисини эгаллаб пишиллаб ухлаб ётган паҳлавон тепасига келишди. Айғоқчилар шам ёқиб, вазири аъзам яхшироқ кўриши учун устига ёпган малла матони кўтариб, оёқларига, қўлларига урилган оғир занжирларни кўрсатди.

— Ё тавба! — вазири аъзам ад-Давла ҳазратлари ўз кўзига ишонмай, занжирларни ушлаб кўрди. — Аъло ҳазратнинг музаффар қўшинида кишанда ётмоқ таажжуб! Биз уни жиноятчи эмас, паҳлавон деб эъзозламоқчи эдик, бу не ҳол? Унинг рақиблари бу ишни қилмадилармикан? Унинг паҳлавонлиги ёмон одамларни ҳасадга солмадимикан? Унга доруйи беҳуш бериб, ухлатиб ўлдириб юбормоқ қасдида эмасмиканлар?

— Ақл бовар қилмайди, — деди ясовулбоши шивирлаб.

Уларнинг ҳаммалари ҳам шивирлаб гаплашишарди.

— Майли, тегманглар, ухлайберсин, — деди вазири аъзам, кейин айғоқчиларга мурожаат этди. — Лекин сенлар тонг отгунча уни қўриқлаб турасанлар! Қиличингиз қўлда яланғоч турсин! Кимки бўлмасин, ёнига қўймайсенлар! Мен бориб Олий Ҳазратга хабар қилурмен.

Вазири аъзам ад-Давла ҳазратлари ясовулбоши ва икки навкар ихотасида Олий ҳазрат боргоҳи томон йўл олди. Икки айғоқчи кишанда ётган «Қора дев» ал-Мисрийни «ёмон ниятли кимсалар»дан қўриқлаб, бунда қолдилар.

Эрта билан ғуслу ходим, ундан сўнг «нонушта» қилган подшоҳ ёнига биринчи бўлиб вазири аъзам ад-Давла кирди. Музаффар подшоҳ Аълоиддин Муҳаммад Отсиз ҳазрати олийларига тунги ғаройиб воқеа — паҳлавоннинг кишанда ётгани хусусида хабар қилдилар. Малика каноридан мамнун чиққан шоҳга бу хабар ғоятда ғалати туюлди. Уни кечаги жангда баҳодирлик кўрсатган навкарнинг тунда оёқ-қўлига кишан урилгани таажжубга солди. Кайфи чоғ шоҳ ҳузурига дарҳол паҳлавонни ҳамда амир Алп Арслонни олиб келдилар. Таъзим бажо келтириб, шоҳга бош эгиб турган «Қора дев» — Муҳаммад Али ал-Мисрийга шоҳ таажжуб билан боқди.

— Эй паҳлавон, сенинг Хоразм салтанатининг мустақиллиги йўлидаги матонатинг бизни мамнун этди. Мардлигингни юксак баҳолаймиз.

Атрофда турган сарой аъёнлари бош ирғаб, шоҳ сўзларини тасдиқлаб, баҳодирга табассум билан қарашарди. Муҳаммад Али ал-Мисрий подшоҳга таъзим этди.

— Менинг музаффар қўшиним қалъаларни султон тутқунидан озод этган бир аснода нечун сенинг оёқ-қўлингга кишан тушди?

Муҳаммад Али ал-Мисрий саросимада у ёқ-бу ёққа қаради, оёқ-қўллари эркин, занжир йўқлигини маълум қилмоқчи бўлди. Лекин подшоҳни ёлғон гапириб, алдаб бўлмаслигини билди. Подшоҳ ўзининг зукколигидан кўп вақт мамнун бўлиб турарди. У айғоқчилар сардорига ишора қилди, қуроллик, доимо шай турадиган шоп мўйлов соҳиби, оёғи остида турган қопни кўтариб келиб, ичидаги оғир занжирли кишанни баҳодир оёғи остига ташлади. Ал-Мисрий ўз кишанини кўриб, бироз саросимага тушди. Лекин бир нима демай, маълулу лол, подшоҳга мурожаат этди:

— Подшоҳ ҳазратлари, мени авф этинг. Шу кишанимни оёғимга солмасам, ухлай ололмаймен...

Подшоҳ кулиб юборди. Атрофда тик турган барча мансабдорлар ҳам кулиб юборишди.

Лекин амир Алп Арслон шоҳга яқин келиб, таъзим қилди. Кишанда ётишга одатланган Муҳаммад Али ал-Мисрий воқеасини паст овозда секин гапириб берди.

...Бундан бир неча йиллар аввал амир Алп Арслон подшоҳ топшириғи билан жума ва чоршанбаи муродбахш кунлари амирлик хилқатини ечиб, фуқаро қиёфасида бозор кезган. Баъзан уни-буни харид қилган, лекин унинг

асосий иши нарх-навони суриштирмак, фуқаро шоҳдан ризоми ёки норизоми— шуни билмак бўлган эди. Буғдою ун каппонда бир қадоғи неча динор бўлгани, ёғу гўшт қанчадан сотилаётгани, кийим-кечак, матолар нархи қанчалиги билан шоҳ ғоятда қизиқарди. Хитойдан келган ипак матолар карвонининг Гурганжга кириши тўй бўлиб кетарди. Баъзи кунлари от-улов, қўй бозорларига ҳам одам юбориб, тевадан тортиб эчкигача, яхшиларининг нархи қанча, ўртача от, ўртача сигирнинг нархи, айниқса, қумда яхши чопадиган ёвмут ва така, отларнинг нархи илгариги йиллардан ортиқми ёки ўша нарху наво ҳамон барқарорми, Хоразмшоҳ синчковлик билан кузатиб туриши сарой аъёнларини таажжубга солар эди. Нархнинг ошмаслиги, бир меъёрда туришидан ташқари, кийим-кечакдаги сифат, эгар-жабдуқларнинг пишиқлиги, мошда тош, гуручда курмак бўлмаслиги, сотилаётган бедаларнинг сояда қуритилгани, буғдою маканинг тозалиги, каппондаги шипга осифлик ботмон тарозунинг «ҳалоллиги» гача кузатарди. Чопонбозорда кейинги пайтда чопонлар тор тикилиб, қўнғир жун чакмон камайиб кетганидан ҳам хабардор эди. Алп Арслон шоҳнинг яширин кишиси сифатида бир неча бор бозорда бўлди.

Кунлардан бир куни бозорда янги бир савдогар кимса пайдо бўлиб, ўзининг молларини бошқалардан ўн динор ортиққа сотаётгани хабари келибди. Бу нохуш хабарни эшитган шоҳ ҳам, Алп Арслон ҳам ўйланиб қолишибди: «Нечун бу савдогар қонунни бузар экан?..» Калласи кетишидан қўрқмаган савдогар кимса шоҳнинг диққатини тортган. Вазиру вузароларнинг ҳам боши қотиб, «калласи кетадиган» савдогар хаёлларини олиб, юраклари орқага тортиб кетган. Лекин Хоразмшоҳ жаллодга фармон бермай, вазири аъзам ад-Давлага боқиб «ўша савдогарнинг устига заррин тўн ёпинглар», дейди. Мансабдорлар ҳайрон, аммо шоҳ фармонини бажардилар. Янги келган савдогарга шоҳ заррин чопор ёпганини кўрган бозордаги бошқа савдогарлар ҳам аввал ҳайрон бўлиб, кейин ўз молларини ниҳоятда сифатли қилмоққа, зинҳор мошу гуручга тош қўшмоқлик мусулмон фарзандига номуносиб экани, тўну чакмонлар пишиқ тикилиб, гарчи нархнинг озгина ошишида эмас, сифатида эканини фаҳмлаб, Гурганж бозори яна ҳам авж олиб, Бағдоду Нишопур, Марву Ҳирот бозоридан ҳам гавжум бўлиб кетибди...

Кунлардан бир кун шундай жума бозорида, ғужғон урган одамлар орасида юрган амир Алп Арслоннинг кўзи беш-олти қоп гуруч ортилган эскигина бир эшак аравага тушди. Эшак ўрнида бир барваста, елкадор, қора барзанги йигит аравани тортиб келарди. Девқомат барзанги йигитнинг оёқлари очик бўлгани билан бир қўлига кишан урилиб, араванинг қўш ходчасидаги ҳалқага солиб қўйилган эди. Одамлар эшак ўрнида қўшилган қора йигитга боқишиб кулишарди, кексагина савдогар қўлидаги қамчинга ҳам кўз ташлаб, қўлнинг аҳволи ачинарли эканини фаҳмлашар эди. Бу қамчин баъзан қўл елкасига ҳам шартта тушарди.

Одамлар ичидаги амир Алп Арслон ҳам қора қўлга яқинроқ бориб, унга бошдан-оёқ тикилди. Қўл ерга ўтириб, пешонасидаги терларни артаётган-да амир атайин унга мурожаат этди:

— Қоплардаги мошми, гурунчми?

— Гурунч, — деди қўл истар-истамас. Йўлда тошга қоқилиб, тўпиғи қонагани, латта билан артиб, боғлашга ҳам қўли тегмагани учун қўл диққат бўлиб жавоб қиларди.

— Қопи неча пул?

Қора барзанги жавоб қилмади, харидорга бир қараб қўйди-да, нарироқда қамчин ушлаб турган эгасига ишора қилди.

— Сен нечун гапирмайсен, тилинг йўқми?

— Соҳиб, менга савдо қилмоқ ман этилган, мен аравани тортиб келган қўлмен, — деди араб урғусида, туркий тилда. — Ана у турган менинг хўжамга мурожаат этинг...

— Туркий тил билар экансан, яхши. Ҳей, бунда келинг! Гурунчининг нархи қанча? — деди Алп Арслон оқ-сарикдан келган, чўққи соқол савдогарга мурожаат этиб.

— Ўзинг мунда кел!

— Мана келдим, — деди Алп Арслон беш-ўн қадам ташлаб, савдогарга яқинлашиб, — гурунчининг нархи қанча?

— Бале, ана энди ўзингга келдинг. Сен бориб қул занжи билан савдолашасенми? Мана, унинг хўжаси — мен турибмен! Мен билан савдо қил! Эшагим касал бўлиб қолди, ўрнига қулни қўшдим. Сен савдогарлик аҳдини бузмай, мен билан гаплаш.

— Ул ҳам худонинг бандаси, қулни ҳайвон билан тенгламоқ муқаддас Ҳадисда йўқ...

— Сенга гурунч керакми ёки мен билан гуфтугў қилурмисен? Мана бу қамчин билан гарданингга тушуриб қолмай!

Амир Алп Арслон кулди, бу чол унинг амир ҳазратлари эканини билса, юраги ёрилиб ўларди. Бу бир ақлсиз, тўнка одамлигини фаҳмлаб, ишни бошқача қилди.

— Менга кўп гурунч керак, — деди амир, — қопи неча динор?

— Бу бошқа гап. Қопи ўттиз динор! Эҳтимол ҳаммасини оларсен?

— Оламен!

— Ҳа, ол!

— Неча қоп?

— Етти қоп...

— Араваси билан оламен, сотурмисен?

— Майли, ол! Арава икки юз динор.

— Икки юз динорга янги арава беради-ку?

— Хоҳласанг шу!

— Аравани анави «улови» билан оламен!

— Майли, ол. Уша «улов»нинг емишига чидармикансен? У таомни хўп яхши ейди. Қулнинг баҳоси минг динор! Қани, кучинг етармикан?

— Етади! — деди амир белбоғидан тилло тангалар солинган чарм халтачани олиб савдогар билан «бор-барака» қилди. Савдогарнинг кўзлари зағчаникидек чақчайиб кетди. Бир-бирларининг қўлларини уриб, олди-сотди гўё «муҳрланди». Чўнқайиб ўтирган қул бу олди-сотдидан ҳайрон бўлиб, қараб турди. Амир Алп Арслон чўққи соқол, тўнка савдогарга тилла тангаларни санаб бериб, қул йигитга мурожаат этди.

— Тур ўрнингдан! — у савдогардан кишан калитини олди, — қани кетдик! — у қул қўлидаги кишанни ечиб, мол бозоригача аравани тортиб боришни, ундан от-улов сотиб олиб, аравага қўшажагини маълум қилди.

Бу воқеани кўриб, шоҳиди бўлган аҳли бозор ҳайрон бўлиб қолди. Баъзан улов ўрнига аравага қул қўшиб келадиган ҳолларни кўрган кишилар бу бир одатий ҳол деб кўзлари ўрганиб кетган бўлса ҳам, лекин амирнинг бу қилиғи ғоятда ғайритабиий эди.

Улар мол бозоридан аравага қўшиладиган от сотиб олиб, ҳовлига жўнадилар. Қора йигит соҳиби Али Арслон сўзига кўра икки кишанни қопга солиб, гуруч тўла қоплар ёнига қўйди.

— Сен қул эмассан энди, — деди амир Алп Арслон қора йигитга. — Хоҳласанг бўшатиб юборамен, хоҳласанг менинг хонадонимда хизмат қиласен, сенга ҳақ тўлаймен.

— Соҳиб, менинг борадиган жойим йўқ, сиз адолатли соҳибга бир умр хизмат қилишга тайёрмен. Ҳар доим Аллоҳ сизга ёр бўлсин! Менга ақча керак эмас. Мени инсон деб билсангиз, шунинг ўзи кифоя! — деди ўнг қўли кўксида, ярим яланғоч қул.

— Сенга мен ҳарб ўргатамен. Сен Хоразм салтанати учун жуда зарурсен!..

Қора йигит таъзим билан бош эгди.

Шу куни амир унга ўзининг ташқари ҳовлиси бурчагидаги бир ҳужрани кўрсатди.

— Ҳозирча вақтда мана шу ҳужрани тозалаб, бордону бўйраларни қоқиб, кўрпа-тўшак қилиб оласен, иним. Айтамен, хизматкорлар тайёрлаб беради. Эрта-индин шаҳар чеккасига чиқиб кетамиз. Менинг минг нафар отлиғу пиёда навкарларим бор, улар ичида бўласен. Отда югуришни, пиёда ҳамла қилишни сенга ўргатуримен...

— Розимен, — деди барзанги қул бош эгиб. У рўпарасида турган кимса подшоҳдан кейинги буюк саркардалардан эканини оз-моз фаҳмлади. Бу саркарданинг ҳовлиси катта, бинолари кўркам, юраги ҳам покиза, одампарвар-



лигини ҳам сезди. «Иним» деганидан жуда хижолат бўлди, қандай қилиб у катта мансабдор кимсанинг иниси бўлсин? Лекин ўзига яқин тутиб бу гапни айтганини ҳам фаҳмлади. Анани тўнка савдогар уни эшак ўрнида аравага қўшиб, бозорга олиб келгани қанчалик пасткашлик эканини билсайди! Қулчи зобитлар уни Нил бўйидан ўғирлаб олиб кетганларида икки яшар бола эканини билсайди! Гавдасининг дуркунлиги сабаб бўлиб, ўғирлашган. Эҳтимол, у ҳам тузук оиланинг фарзандидир, онаси чирқираб қолганини кўз олдига келтирарди. У туркий тилда гаплашадиган бир бой хонадонда хизмат қилиб ўсди, араб тилидан узоқ, туркий забон бўлиб вояга етди...

...Амир Алп Арслон бу гаплардан подшоҳни огоҳ этди. Унинг ёшлиги қул ўтган, оёқ-қўлидан темир кишан аримаган, шу сабабли ҳам кишанлар унинг танидаги бир жонли аъзодай бўлиб кетган эди. Улар кишан тақмасалар яхши фикр қилолмайдилар ва ҳатто яхши ухлолмайдилар ҳам. Шу сабабли Муҳаммад Али ал-Мисрий темир кишанни доимо ортмоқлаб ўзи билан бирга олиб юради.

## Илонлар ғори

Жинойат ғоятда оғир бўлганлиги сабабли на мулоҳазакор Йинол-Такин ҳазратлари, на қози калон ва на Шайхулислом ҳазратлари бир сўз деёлмадилар. Дарғазаб подшоҳнинг эрталабдан буён авзойи бузук, қовоқ солиб ўтириши сертантана Доруссалтанани хуфтон этиб, хизмат қилиб юрган бирон мансабдор ва шоҳ авлодидан бўлган бирон кимса, ҳатто олий ҳазратнинг тоға ва амакивачалари ҳам «бу суиқасд»дан воқиф эмас, лекин зоҳиран бир кўрқувда эдилар. Аслида суиқасд эмас, подшоҳ келини Шоҳсанам бека билан яширин алоқа тутгани, ёшликларида бир-бирларига ошиқ-мошиқ бўлганликлари сабаб эди. Ҳукмдор бу гўзал қизни ўз ўғли шаҳзода Сулаймон шоҳга олиб берган, лекин шаҳзоданинг келинга нисбатан унча ҳуши йўқлиги сабабли бу икки аслзода ёш қайтадан топишиб, сирли учрашувлари, шарият қоидаларини бузувлари подшоҳга маълум бўлиб, у ғоятда дарғазаб эди. Шоҳнинг дарғазаб бўлувга ҳаққи бор эди... Вафот этган ўз амакисининг ёлғиз ўғли бўлишига қарамай, амир Алп Арслонга нисбатан қаттиқ жазо қўллашни юрагига тугди. Бу иснодга асло чидаб бўлмас эди.

Сарой аъёнлари қадамларини қараб босишар, бир-бирлари билан қисқа гаплашишар, бир-бирларидан ҳайқишар, иложи бўлса «суиқасд» воқеасини тилга олмасликка ҳаракат қилардилар. Ҳеч ким бир-бирига ишонмас, айғоқчилар шу атрофда, «оёқ остида» эканини билашар, деворнинг ҳам қулоғи бор, деган нақл уларни доимо ҳушёр тутиб турарди. Бу ўзи суиқасдми, суиқасд эмасми, ҳеч кимда аниқ бир тасаввур йўқ эди. Саройда хизмат қилмоқдан кўра жазирама далада ер ҳайдамоқ минг бор осон! Подшоҳга тиғ кўтарган амир Алп Арслон орқасида одамлар борлиги, у кимнингдир сўзи, айниқса, тожу тахтга даъвогар экани, бу ишга журъат этиб, қўл ургани, бу ҳаёт ва мамот иши эканини билгани ҳолда, шоҳ жонига қасд қилгани маълум эди. Лекин Амир Алп Арслон «шериклари хусусида бир нима демаётгани, ёлғиз ўзи бу суиқасдни ихтиёр этганини» тан олиб, жароҳатланган ўнг биқинини маҳкам боғлаб, вазири аъзам, сипоҳсолар, қози ва шайхулислом, давлат пешволари олдида қаддини ҳам этмай, тик турарди.

— Сен аслзодалардансен, ота-боболаринг салтанат учун хизмат қилган кимсалар... — деди вазири аъзам ўз рўпарасида қонга беланиб турган Алп Арслонга ўқрайиб, дўриллаган овозда, салобат билан. — Олий ҳазратдан не ёмонлик кўрдингки, бундай бадният ила ўз шоҳингга тиғ кўтардинг?! Агар мансабдорлардан кимлар ила тил бириктирган бўлсанг, уни айт, жонинг омон қолади! Ваъда берамен... Бу ёмон ишга сен бир ўзинг саъй этмагансен. Сенга кўп ақча ваъда этганлар, биламен. Шерикларинг ким? Айтсанг, жонинг омон қолади.

— Айт, манглайи қора, — деди жеркиб сипоҳсолар Калта Ҳусайн — Ноғора қорин, — сени ўлдирмаймиз, ақча бериб, Хуросонга юборамиз. Улуғ ҳазрат бу гапни менга айтдилар, — деди ўрнидан туриб Алп Арслонга яқин келиб, — сенинг аждодларинг, падари бузрукворинг Хоразмнинг буюк кишилари, аслзода. Сен ҳам подшоҳимиздек улуғ Ануштакин Гарчойи ҳазрати олийлари уруғидансен, салтанатга яхши хизмат қилгансен; Самарқанд жангида иш

кўрсатдинг. Биз ҳаммасини биламиз. Аммо ҳозир айбингни бўйнингга ол, бошингни олмаймиз. Айт, нега сен бундай шариат қоралаган ишга саъй этдинг?! Бор ҳақиқатни айтсанг, такрор айтамен, гуноҳингни олий ҳазратдан сўраб, жонинг омон қолади. Машҳад кетасен...

Алп-Арслон лом-мим демади, бўзрайганча тураберди.

Вазири аъзам ишораси билан уни яна зиндонга қайтариб олиб кетдилар. Атрофлари баланд кўрғонлар билан ўралган пойтахт Гурганждан бир чақиримча нари, Хивақ йўлида кўҳна бир кўрғон ваҳшатли қад кўтармиш. Зиндон ҳовлиси четидаги қоронғу ва чуқур хоналардан бирида ўра бор — ўранинг тепаси уч-тўрт газ чамаси доира бўлиб, таги кенг, беш-ўн чоғлиқ маҳбус ўтирадиган қоронғу бир чоҳ эди. Бунга маҳбусларнинг белига арқон боғлаб туширишар, тахминан бир ой ичида тафтиш кетиб, жиноят сабаблари аниқлангач, маҳбусни олиб чиқиб, бошини узар эдилар. Калла олиш Хоразмда кенг тарқалган жазо бўлиб, кўп маҳбуслар чуқур чоҳнинг сассиқ тубида битлаб ётгандан кўра, ўлим афзал, дердилар. Амир Алп Арслон ҳам шу фикрга келган. Қўй жонивор жаннатдан чиққан, у фақат сўйилмоқ учун яратилгандай, вақти етгач, унинг томоғи қичир экан, пичоқ тортилишини ўзи истагандай бўлар экан. Қора кўрғон зиндонида маҳбуслар бир неча ойдан кейин бошини кундага қўйишга талабгор бўлиб қоларди. Бу бир лаҳзалик оғриғу азоб бечора маҳбусни ойлар мобайнида чеккан дўзахий уқубатдан халос этарди. Ҳар ким пешонасига ёзуғлиғини кўради, дерди кекса маҳбус тақдирга тан бериб, қатл олдидан ҳам Оллоҳдан гуноҳларимизни сўрамоғимиз даркор, токи маҳшар куни Оллоҳ жамолини кўрайлик, бу умид-орзумиздир.

Қўли орқасига боғлиқ, оёқяланг амир Алп Арслонни икки отлиқ сипоҳи дала оша Қорақўрғонга олиб келишди. Унинг қўлларига, бўйнига арқон солиб, олдинги сувори арқон учини эгар қошига боғлаб олган эди.

— Эй, оғалар, мени қўйиб юборинглар, минг тилло танга бераман, — деди кимсасиз дашт йўлида Амир Алп Арслон.

— Минг тилло танга учовимизга-я? — олдиндаги отлиқ бирдан садо чиқарган маҳбусга қайрилиб боқди, — иштонингиздан бўлак ҳеч вақоингиз йўқ-ку, амир, бунча ақчани қайдан оласиз?

— Қўйиб юборинглар, Оллоҳ ҳаққи, бу ақчани сизлар албатта оласизлар. Ёлғон айтмаймен. Бир одаминг уйингизга келтириб беради. Муслмон муслмонга ишонмоғи даркор, ота-онам ҳурмати қўлингизга минг тилло танга тегади! Қочди, чопиб ташладик, деб айтасизлар. Зиндон атрофидаги отизда кўмиб ташланган маҳбуслар қанча! Келинлар, бола-чақаларингдан буюрсин, мени қўйиб юборинглар! Сизларга бир ёмон кори ҳол бўлмайди. Мени ҳозир бир итчалик қадрим йўқ, ўлсам ўлиб кетабераман. Аммо тирик қолишимга сабабчи бўлсангизлар, кейинчалик ҳар бирингиз бир арбоб бўласиз, бой бўласиз...

— Отавали, бу нима дейди? — орқадаги отда келаётган навкар олдингига савол тарзида гап қотди.

— Қулоқ солма унинг гапига! Бизни лақиллатаётир, бу ўзи тунда саройга кириб, хазинага ўғирлиққа тушган кимса, деб айтдилар. Хазинабонни ўлдириб, тилло тангаларни ўғирлаб қочаётганда қўлга тушган. Шу гап бизга маълум. Минг тилло тангани қаёқдан олади бўлмаса! Эҳтимол, ўғрилар тўдасидандир... Ясовулбоши уни қўли боғлиқ ҳолда саройдан олиб чиқди. Зиндон ичидаги ўрага солинлар, деб буюрди.

— Бу ўғрига ўхшамайди! — деди яна орқадаги отлиқ.

— Мен ўғри эмасмен! Яратган Оллоҳ ҳаққи, сизга тўғри сўзни айтамен, мен ўғри эмасмен!

— Унда сен кимсен?

— Мен амир Али Арслонмен, марҳум Қутбиддин шоҳнинг ўғли. Наҳотки отам номини эшитмаган бўлсангиз? Мени подшоҳ ҳазратларига суиқасд қилди, деб ушладилар. Бундай эмас, мен Мажнунмен, шу йўлда хато қилдим, шариат қондасини бузиб қўйдим... Бор гуноҳим шу! Беихтиёр қилган гуноҳимни катта жиноят, деб подшоҳга етказдилар. Менинг бу ишимдан душманларим, отамнинг душманлари фойдаланмоқдалар. Бу сир бир куни албатта очилади. Унда мен қатл этилган бўламен. Сиз, ясовул биродарларим, мени ўғри деб тушунманглар, мен ўғри эмасмен! Отамдан қолган давлат кўп, наинки минг

тилло, ундан ҳам кўп ақча, мол берурман. Фақат мени қўйиб юборинглар. Мен Хоразмдан чиқиб, Хуросон кетурмен. Оға-иниларим Бағдодда, карвон ила тез-тез Хоразмга келадилар, иншоолло, жонимни саломат сақлаб қолганларингиз ҳаққи учун улардан ҳам сизга кўп инъом етажак...

— Ўғри бўлмасанг, унда айт-чи, вазири аъзам ҳазратлари ким?

— Ҳумомиддин Хусам ад-Давла.

— Лашкарбоши ким?

— Ақлиддин Хусайн — Ноғора қорин. Уни Тувалоқ деб ҳам аташади.

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳо-о-о! Билар экан. Хотинини ҳам биласенми?

— Ҳа, биламан.

— Ясовулбоши ким?

— Ашурбек.

— Подшоҳимизнинг кичик оғалари ким?

— Йинол-такин ҳазрати олийлари. У зот ғоятда мўътабар кимса.

— Ўғиллари ким?

— Шаҳзода Сулаймоншоҳ.

— Соҳиб, бу ҳамма улуғ ҳазратларимизни биладур, бу ўғри эмас!

— Ясовулбоши менга уни ўғри деб айтди, у барибир ўғри! Мен ўғрининг сўзига ишонайми ёки ясовулбошининг сўзига! Агар у ўғри бўлмаганида ҳам мен қўйиб юбормаймен, чунки ясовулбошига не деб жавоб қилурмен?

— Уни қўйиб юбориш лозим! Шундоқ бир аслзода инсон маҳв этилма-син! Фикри очиқ, кўп нарсани билар экан.

— Ярамас! Манглайи қора! Сенга минг тилло танга керакми?

— Йўқ, тилло тангаси керак эмас! Биз ҳам махлуқ эмасмиз, инсоф қилмоқ даркор. У ўғри-муттахам эмас. Бир олийзот ватандошни зиндонда маҳв этмайлик. Вазири аъзам ўзига зид келган кўп кимсаларни ўғри деб йўқотиб юбораётганини эшитганмен. Умримизда бир савоб иш қилайлик...

— Нафасингни ўчир, чопиб ташлайман! — қиличи дастасини маҳкам ушлаб, филофидан суғурмоқчи бўлди униси.

— Йўлда «Ғори морон»га тушиб кетди, деймиз. Ёки қашқирлар тўдаси қувлади, биз отда қочдик, уни бурда-бурда қилиб еб қўйдилар, деймиз...

— Яна бир сўз десанг, каллангни олиб, ўзим ёлғиз уни Қорақўрғонга етказаман!

Доимо туртки ва ҳақорат эшитиб келган ёш навкар дарғазаб, оти биқинига ниқтаб, олдинда кетаётган шеригига етиб бориб, тўсатдан унга қилич солди. Шериги отдан қулади. Ерда ётган ясовулга жон ҳолатда ўшқирди: «Сенга минг лаънат! Бўрилар сени еб кетсин!» деди-да, белидаги қиличини суғуриб, амир Алп Арслонга узатди:

— Отига миниб қоч, иним! Мен сўққабошман, бир кунимни кўрамен. Гурганжга қайтмаймен, асли Ҳамадон музофотиданмен, дарё ёқалаб ўша томонга кетамен. Бир ҳафтада она элимга етиб борурмен.

— Оға, сизга Худо ёр бўлсин. Гурлон, Хивак томонларга яширин одам юбориб, амир хонадонига йўлиқиш иложи бўлса, менинг номимни айтиш билан минг тилло танга берурлар. Албатта шундай қилинг, одам юборинг. Омон бўлсам, сизни Ҳамадонда топиб, яхшилиқлар қилурмен.

Ясовул ерда оҳ-воҳлаб қолиб кетди. Унга иккинчи бор қилич урмадилар. Амир Алп Арслон билан ёш навкар икки томонга — маҳбус одамзод юрмайдиган қуму ботқоқликлар — Сарикамиш пасттекислиги томон, ясовул йигит Жайхун ёқалаб Ҳазорасп томон от чоптириб кетдилар. Бу томонларда бирон ҳафта юриб, кейин Хуросонга жўнашни кўзда тутди. Ишлари яхши бўлиб кетишига умид боғлади.

Лекин минг афсус, Алп Арслон куни бўйи от чоптириб, Қўнғиртош яйловида бир чўпон оромгоҳида дам олди, отини суғорди. Оқбайтал қишлоғига етай деб қолганида орқадан от чоптириб келган ўн чоғлик, бошига қора жулдур чўгирма кийган қуролли суворийлар уни ўраб олиб, аввал қамчилаб уриб, кейин қўлларини маҳкам боғлаб, отга ўнгариб, Қорақўрғон зиндони томон олиб кетишди. У калтаклангандан кўра ҳам Сарикамиш томон қочганини қандай билишгани хаёлини қамраб олди. Кўп маҳбуслар бу томон қочиб, қутулиб кетганини эшитган эди. Иккиламчи, отдан қулаб, ярадор ерда ётган ясовул уларнинг қай томон от чоптириб кетганини кўриб қолган бўлса, эҳ-

тимол. Чунки бу дашту биёбонда у билмайдиган маскан йўқ.

Амир Алп Арслон «жиноят»ини эшитган сароз аъёнлари ичида унча шовшув гап тарқалмади. Подшоҳ уни дарҳол ўлдиришни ҳам лозим топмади; икки мўътабар мансабдорнинг бу хусусдаги маълумотига ишонди-ю, аммо қандайдир бир шубҳа юрагининг бир чеккасида собит турди. Амир Алп Арслоннинг қочиши вазири аъзамни ўйлатиб қўйди; ашаддий душмани, Гурланнинг марҳум беги фарзанди Алп Арслон бошини кундага қўйиб, қонга белашдан чўчиди. Подшоҳга ўлим жазосини фақат подшоҳ бермоғи, фармон чиқармоғи шарт. Шу сабабли вазири аъзам бошқача, маккорона йўл топди.

— Ҳазрати олийлари! Нобакор амирга йўл либоси кийгазиб, бозорга олиб бормоқ лозим. Маккатуллога кетишга, ўз гуноҳини ибодат ила ювиш, қолган умрини шундай ўтказишга рухсат этилди, деб, унинг ўзи йўлга баъзи нарсалар харид қилсин. Эрта тонгда уни ярим яланғоч этиб, Илонлар ғорига («Ғори морон») чуқурлиғига ташлаб келамиз. Заҳри олудани тўкмоқ учун жонлиқ тополмай ётган қум илонлари чакиб, минг азоб ила ўлдирсин. «Ғори морон»да қанчалаб одамларнинг устихонлари ётибди, кўрганмиз... Тахту тож, салтанат душманига бундан муносиб жазо йўқ! Агар унинг бошини олсак, бир лаҳзада йўқ бўлади. Заҳарли илонлар ичидаги кўрқув, вишиллаб тилини чиқариб қилинган ҳужум, дод солишликлар бу хонига нисбатан етарли жазо! Иккиламчи, фуқаро унинг ўлимидан огоҳ бўлмайди, унинг «жасоратли амир» аталмиш мавқеи ҳам кўтарилмайди. Икки тирноқ орасида бир бургани қирс этиб, эзиб ўлдирамыз қўямиз...

— Маъқул, — деди қовоғи солиқ, руҳи паст подшоҳ калласини андак силкиб.

Вазири аъзам Ҳумомиддин ад-Давла мамнун бош кўтарди. Откалла, кўзлари ҳам отниқига ўхшарди. Лаблари қалин, овқатни ҳам беда еяёткан отдек курсиллатиб, иштаҳа билан тановул этади.

Вазири аъзам ташқарига чиқиб кетди. У бу «доно режа»ни ясовулбошига фармон деб маълум қилди; «хавfli маҳбус»ни шу бугуноқ кийинтириб бозорга олиб боришини, «Ҳажга кетаётгани сабабли мол харид қилаётгани»ни авом кўришини таъкидлади. Уни қайтадан Қорақўрғонга олиб бориб, яхшилаб овқат едириб, эрта тонгда, офтоб ёйилганида Илонлар ғорига олиб бориб, чуқурликка итариб юборишларини буюрди. Ута заҳарли қум илонлари офтоб ёйилиб, кун қизиши билан инларидан чиқиб, жонлиқ қидирадилар. Юмрону қум сичқонлари, чўл бақаси, каламушлар, қушлар ва ҳатто тулки болалари ҳам уларнинг емишлари бўлади. Қуёш тик келиб, қумликлар қизиганда, ўлка излаб чақмоқдек тез ҳаракат қиладилар. Ўлжасини тутиб, ўраб олиб ютаётган катта илонлар саҳро ўртасида қад кўтариб турган эски бир кўрғон сари силжиб тепалик атрофидаги чуқур ҳандақдан «Ғори морон» — Илонлар ғори томон келадилар, баъзи кичик сарғиш, чипор илонлар кўрғон деворлари ёриғига, азалий масканлари — кавакларига кириб кетадилар. Ҳарқалай, чуқур хандақ — ғорнинг озгина соя тушадиган жойида юзлаб илонлар ётади. Баъзан от-аравада ўтиб кетаётган йўловчи Илонлар ғори хандақларига яқин борганда пастликка кўз ташлаб, чирмашиб, баъзан кулча бўлиб ётган ғиж-ғиж бу даҳшатли махлуқларни кўриб, беихтиёр сесканади. Узоқдан келаётган от-араваларни бу жонзотлар бошқалардан аввал сезади, ерга бағрини бериб ётган катта чипор илонлар юмрону каламушларни эллик газ наридан пайқайди ва айри тилларини чиқариб, ҳужумга ҳозирланади. Бир ривоятга кўра, зилзилани ҳам илон анча аввал сезиб, ўз инини тарк этиб, саҳрога ёйиларкан — илонларнинг безовта бўлиб, қочиб кетаётганини кўрганлар бор...

Қумликлар ичидаги жар — Илонлар ғорида, ўн-ўн бир газ пастликда бижир-бижир жонзотлар кўзга ташланарди, уларнинг ҳам ўз уруғлари — «қавмлари» бордирки, ҳатто бегона, ожизроқ илонни боши учбурчак, уч газлик чипор кўлвор илон бақадек ютиб юборарди. Нотинч бўлиб ғабланганда бошини ердан кўтариб, бақбақаларини ёйиб, қора айри тилларини тез-тез чиқариб турадиган, заҳри олуд<sup>1</sup> (биз уни кўзойнакли илон деймиз) тилларини

<sup>1</sup> Бақбақадор илон. Газанда. Қадимги Миср фиръавнлари бу илон шаклини ўз тилло тожларига ўрнатган эдилар. Қудратли, заҳри бекиёс омад берувчи деб эътиқод қўйганлар.

тез-тез чиқариб турадиган, узоқни яхши кўролмаसा ҳам, тили билан сезиб пайқайдиган бу илон дунёга машҳур. Унинг заҳри шу даражада ўткирки, дамашқий ханжарлар тиғи ҳеч гап эмас, биринчи ҳамладаёқ жонзотни маҳв этади. Ўз ўлжаси — чўл бақасига, тўрғайга, юмронга тикилганида унинг ўткир мунчоқ кўзлари жонзотни сеҳрлаб, авраб қўяди. Кокили бор, сакраб юрадиган қум сичқони эса илоннинг очилиб турган қизил оғзига тўппа-тўғри кириб кетади. Бақбақадорларнинг йилтираб турган қора кўзлари, дамодам ўйнаб чиқиб турган айри тиллари, умуман, бениҳоя совуқ башараси жонзотни аврайди, эчкизмардан мустасно ҳар қандай жонзод ҳам бу даҳшатли башарага кўзи тушиши билан ихтиёри ўзидан кетади, мувозанатини ҳам йўқотади. Инсонни таъқиб этиб қувлайдиган илонлар ҳам мавжуд. Чуқурлик — илонлар ғори остида бир неча жойда инсон бош чаноғи, қовурға суяклари, қўл-оёқлар кўпдан сочилиб ётарди, бу — қачонлардир хандаққа ташланиб, илон чақиб ўлдирган кимсаларнинг устихонлари.

Яхши кийинган, аммо қўли боғлиқ амир Алп Арслонни аравада етти ясовул илонлар ғори тепалигига олиб келиб, пастликдаги жарга тикилишди.

— Мени бу ерга не мақсадда олиб келганингизни тушуниб турибмен, — деди амир Алп Арслон, қилич яланғочлаб турган ясовулларга тик боқиб, — худодан кўрқмайсизларми?! Подшоҳ мени Маккага йўлламоқчи бўлди, ақчаю либослар берди. Сизлар бу ақчаларни олиб, унинг фармонини адо этмай, бу жарликка итариб юбормоқчисизлар! Подшоҳ фармонини бузиб, жиноят қилишда Оллоҳдан кўрқмайсизларми? Жиноятчилар!

— Жиноят қилғон бизми ёки сенми? — қаҳ-қаҳ уриб кулди ясовулбоши Ашир чўтир, — сен манглайи қора, бир маротаба қўлимдан чиқдинг, энди чиқолмайсен! Сен амир эмассен, подшоҳимиз қариндоши ҳам эмассен, ёлғон сўз демоқдасен. Жароҳатландим... Бунинг учун юз тилло танга тўланди... Сен ҳатто мени ўлдирмоқчи бўлдинг.

— Мени «сенлама», мен амирмен!

— Йўқ, сен амир эмас, ўғрисен! — деди Ашур чўтир титраб, қақроқ лаблари ёпишиб, — сени вазири аъзамнинг ўзлари Илонлар ғорига итариб келинглар, дедилар, итариб юборамен. Сен бақбақдорлар чақиб ўлдиришига ҳукм этилгансен! Фаҳми-фаросати йўқлар сени ҳажга кетди, деб юраберадилар. Аммо сен, манглайи қора, бунда илонларга ем бўласен! Сенинг тилингни ёмон дедилар, сен улуф ҳазратни чақдинг, энди сени илонлар чақади! Мен маликамизга кўз олайтирибсен, бу — жиноят-ку! Дунёга келганингга минг пушаймон бўласен! Ҳей, сен, унинг устидаги либосларни ечиб ол! — деди Ашур чўтир.

— Қўлимни ечинглар, — деди амир Алп Арслон, — мен ўзим либосларни ечиб берамен. Илонлар ёнига тушадиган бўлганимдан кейин қўлимнинг ечи ёки боғлиқ бўлишининг нима аҳамияти бор! Ечинглар! Қўлимни ечсаларинг, бир лаҳза бўлса ҳам илонлар билан жанг қилиб, кейин ўламен... Сизлар юқоридан туриб томоша қиласизлар. Ечинглар. Мен қаёққа ҳам қочардим. Номард бўлманглар!

— Ечақол, илонлар билан «жанг»ни томоша қиламиз, — деди чўтир.

— Ечиб ўтирма, қўлингдаги тиғ билан кес! — деди зарда билан амир Али Арслон ясовулга ўқрайиб.

— У қўлидаги арқонни қирқиб, илонлар билан олишмоқчи. Нодон! Бир ерга ниш урди-тамом! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа! Илонлар билан олишмоқчи бу! Кўрамиз, олишасен. Заҳарли илонлар сен билан олишишни кутиб ётишибди.

Қўлидаги арқон қирқилгач, Алп Арслон устидаги либосларни ўзи ечиб, ерга ташлади. Лекин шу лаҳза ясовуллар қиличларининг учини Алп Арслонга тўғрилаб, уни жар ёқасига суриб бордилар. Шу лаҳза жарлик ёқасидан аллақандай бир катта сариқ илон вишиллаб ўтиб кетди. Отлар ҳуркиб, депсинди. Ясовулларнинг ҳам эти жимирлашиб кетди: бу атрофда одамзод юрмас, жарлик — Илонлар ғори хусусида турли қўрқинчли ривоятлар ҳам тўқилган эди!

— Тезроқ жарга итариб юборинглар! Ана, оёқ остида заҳарли илонлар пайдо бўлди. Бу гурсиллаб жарга тушиши ҳамон баъзи илонлар чиқиб бизни қувлаши мумкин. Отнинг оёғига чирмашиб олганини ҳам эшитганмен! Тез бўлинглар, итариб юборинглар! Кейин қочамиз.

Шамшир учини амир Алп Арслоннинг яланғоч танига тўғрилаб, сиқик би-

лан жар ёқасига итараётган ясовуллар олдида жанг қилиш, қочишнинг иложи бўлмай сурилаётган Алп Арслоннинг кўзлари ола-кула бўлиб, бешафқат жаллодларга тикилди. Бир лаҳзадан сўнг жарга қулаб тушди. Озгина чанг кўтарилиб, тапирлаган овоз эшитилди. Ҳидо чиқмай, жим бўлиб қолди. Дарҳақиқат, бир неча катта-кичик илонлар жардан қочиб чиқиб, янтоқлар орасига яширинди. Яна кетма-кет узун-қисқа бўлиб чиқишларидан қўрққан ясовуллар отларига миниб, Қорақўрғон томон югуришди. Улар от устида Оллоҳу акбар, деб юзларига фотиҳа тортдилар. Тахту тож учун курашган подшоҳ душманларидан яна бири маҳв этилганини тезроқ вазири аъзамга хабар қилмоқ учун Ашур чўтир отига пайдар-пай қамчи босиб, Гурганж сари югурди.

Жарга қулаган амир Алп Арслон аввал бирон нарсани ушлаб қолиш, янтоқ илдизими, тешикми, қиррами, жон ҳолатда қўли билан бирон нарсага ёпишиб қолиш мақсадида қияликка суйкалди, лекин эпломмади, Шувиллаганча орқаси билан чуқурликка тушди: хайрият, офтоб тушиб турган бир бўйра энича ерда илон кўринмади. Ўрнидан оҳиста туриб, кескин ҳаракат қилмай, бирон нимани босиб олмаслик учун жойида қотди. Инсонга кўзи тушган бир илоннинг икки қадамча нарида, ердан бир газча бош кўтариб, бўйнини шишириб, вишиллаб тез-тез айри тилини чиқариб турганига кўзи тушди. Илон бир-икки бош урди, лекин оёғига яқин келолмади. Ғўдаиганича тураберди. Унинг рўпарасида Алп Арслон ҳам тошдек қотиб тураберди. Бир лаҳзадан сўнг илон бошини пастга тушириб, қаёққадир лапанглаб судралиб, кўздан ғойиб бўлди. Тепадаги ясовуллар жўнаганини, отларнинг дукурлаб юриб кетганини сезгандан сўнг икки томон душманнинг биридан қутулганлигига ҳам шукр қилди. Газандалар билан рўбарў келганда кескин ҳаракат қилмаслик лозимлигини отасидан эшитган эди, қотди, деярли ҳаракат қилмади.

Амир Алп Арслон атрофига кўз ташлади, жарлик девори баландликдаги кавакларда беҳисоб илонлар бир-бирига чирмашиб ётгани, уч-тўрт қадам нарида инсон устихонлари, бош чаноқлари сочилиб ётганига ҳам кўзи тушди. Ҳа, демак вазири аъзам ўз душманларини бу ерга келтириб ташлашини, ўз рақибларидан қаттиқ ўч олишини пайқади. «Гуноҳини Оллодан тилаб, Маккага кетди...» баҳонаси билан илонлар ичига ташлашар экан. Бу — дўзахнинг ўзгинаси. Ниҳоятда қўрқинчли. Бу ерга ташланган инсон ўз инсонлигидан ҳам пушаймон ейди. Илонлар ҳам ўрганганми, вақти-вақти билан бу жарликка ташланадиган бахтсиз кимсаларни келиб чақишар ва ҳатто шу ерда эчкиэмарлар билан илонлар жанги жам бўларди. Эчкиэмар жонзод этини тишлаб, узиб олиб ютар, аммо илонда бундай хусусият йўқ, у инсон этини узиб еёлмас, чақиб ўлдириб кетарди. Улакса эт ҳидини сезган эчкиэмарлар қаёққандир пайдо бўлиб, вишиллаб юрган бу жарлик эгалари билан узоқ олишишарди. Баъзан эчкиэмарларни илон бўғиб ўлдирар, аммо кўп вақт эчкиэмарлар илонларни ғажиб еб кетарди...

Алп Арслон ўзини қўлга олиб, атроф ёққа обдан тикилди — ғорнинг ўнг томонида тепадаги қадимий ташландиқ қўрғон деворлари томон икки қулочдан мўлроқ келадиган сарғиш илон лапанглаб оҳиста тепаликка кўтарилаётганига кўзи тушди. Оёқ қўйса бўладиган қандайдир бир йўл борлигини сезди. Лекин у ерда, тешигу қатлам орасидаги ёриқларда ўзини кузатиб турган кўпгина илонларни чўчитиб юбормаслик учун сал бўлса ҳам қимирламай, қотиб тураберди. Дунёдаги даррандаю газандалар кескин ҳаракат, бехос тегиб кетиш, чўчитиш оқибатида инсонга ташланади, осудалик даркор. Ҳатто йўлбарсу бўридан тортиб газанда илонгача мулойимликни ёқтиради. Улар ҳеч қачон биринчи бўлиб ҳужум қилмайдилар. Қутурган жонивор ҳам тегмаганга тегмайди. Шу фикрни юрагига жо этиб олган Алп Арслон бир оёқда тошдек қотиб тураберди. Чарчаб, бетоқат бўлганида ҳам ўзини тутди. Бир муддатдан кейин секин-секин қаддини ростлаб, рўпарасида турган бақбақадор илонга боқди. Ердан бир газча бош кўтариб турган илон секин-аста бошини ерга қўйиб, қабариб, япалоқ бўлиб турган бақбақалари ҳам йўқ бўлиб, дарғазабликдан тушди. У Алп Арслон оёғи тагидан лапанглаб нарига кетди. Бу, сенга ҳужум қилмайман, чақмайман дегани эди.

Алп Арслон катта илон — аждаар борми деб секин чап томонига қаради. Илонлар ёпирилиб келиб ҳужум бошлагудай бўлса, ожизлик қилмай, ҳарқалай ўтиш ниятида устихонлар орасида занглаб ётган бир исфихонни секин

ердан кўтариб қўлига олди. Гурганжда тарқалган гап — Илонлар ғорида катта аждар борлиги, у одамга даф этиб, бир лаҳзада ютиб юборишини эшитган эди. Аждар кўринмади, аммо атрофида ғиж-ғиж катта-кичик илонларнинг, баъзилари тинимсиз айри тилларини чиқариб уни кузатиб ётганликларини шундай сезиб турарди. Аждар афсона эканини фаҳмлади, лекин бу илонлардан биронтаси ташлангудай бўлса тамом, бир лаҳзадаёқ ўлдиради.

Алп Арслон секин-аста ўнг томонга қиялик томон қадам ташлади; икки қадамча нарида ётган яна бир илон вишиллаб ердан бошини кўтарди. Алп Арслон турган ерида яна қотди. Қўлидаги занглаган қилични ҳам қимирлатмай, ерга тиради. Илон ҳам, Алп Арслон ҳам бир-бирларидан кўз узмай тураберишди. Илон тилларини чиқарди. Агар шу лаҳза кескин бир ҳаракат қилиб, қочгудай бўлса оёғи остида ўнларча илонлар пайдо бўлиши аниқ. Шу сабабли Алп Арслон тақдирга тан бериб, уларнинг биронтасини босиб олмаслик, чўчитиб юбормасликка тиришар, улардан асло кўз узмасди. Олдинда оёқ босадиган ер йўқ, кавакдан тушган икки қорамтир илон ерда ястаниб, кейин кулча бўлди. Қорамтир илоннинг кулча бўлиши ҳам ҳужумга тайёрланиш деган гап. Уларнинг устидан ҳатлаб ўтиб кетиши ҳам мумкин эмас, илон «Мени мажақламоқчи», — деб яшин тезлигида бош уради. Алп Арслон бир оёғини кўтарганча, яна бир оёқда қотиб қолди. Рўпара келган илон ҳам қотиб дамо-дам тилини чиқариб, дам чийратма қамчинга ўхшаб тураберди. Бу қора ва айри тиллар остидаги заҳар қанчалик даҳшат эканини Алп Арслон сезиб турарди. Унинг тишлари ботди дегунча инсон шу лаҳза тил тортмай маҳв этилгуси! Вазири аъзамнинг аччиқ тилларини ҳам кимдир илон тилига ўхшатган эди. Кўп ўтмай ташқаридан тушган уч қулочдан узунроқ қандайдир бир сарғиш катта илон хандақ ичида лапанглаб, сирғалиб келди-да, бир оёқда қотиб турган Алп Арслонга қайрилиб ҳам қарамай, оёғи тагидан ўтиб ўн қадамча наридаги ўзининг ғорига кириб кетди. Унинг бемалол келишидан бу ерда ундан кучлироқ жонзод йўқдек, йўлида чўзилиб ётган бир илоннинг устидан сирғалиб ўтиб ҳам кетди. Ерда ётган илон худди ўз оғоси келаётгандай, ҳатто уни устидан босиб, сирғалиб ўтаётганидан мамнундек бамайлихотир ётаберди. Алп Арслоннинг аъзойи бадани жимирлашиб кетди; у турган ерида яна қотиб тураберди. Рўпарадаги улкан кавакда сариқ, қора олачипор илонлар ғужғон ўйнар, хайрият, уларнинг Алп Арслон билан иши йўқ кўринарди. Уларнинг ҳар бири бир жаллод. Агар улар қаҳр-ғазабга мингудай бўлса, юзта Алп Арслоннинг бир оёқлаб, жим, қотиб туриши ҳам бефойда, тиғи паррондек отилиб келиб, инсон жонини сўғуриб оладилар.

Алп Арслон бир оёқда қотиб туриб, танидан дармон кетди. У секин иккинчи оёғини ерга тушириб, ғор-хандақ четининг қия томони сари сурила бошлади. Бу қиялик илонларнинг асосий йўли, бошқа томон тик бўлиб, осилиб чиқишнинг иложи йўқ, оёқ қўядиган, ушлайдиган бир нима кўринмасди. Унда-мунда кулча бўлиб ёки чўзилиб ётган илончаларнинг биронтасига тегиб кетиш, босиб олишдан эҳтиёт бўларди. Қиялик томон аста-секин сурила бошлади. Ясовуллар тепиб, итариб юборганда оёғи қайилиб, елка-кифтлари тилиниб, қонаган эди. Илонлар рўпарасида бу оғриқлар ҳам сезилмай қолди.

Қуёш тик келиб, жарлик ичидаги соя ҳам йўқолди. Кун қизий бошлади, илонлар кавакларига тикилиб кириб, ғор сиртида чўзилиб ётганлари ҳам ўз кавакларига кириб, кўздан йўқолди. Алп Арслон яна атрофга бир кўз ташлагач, қияликка бориб, тирмашиб, юқорига кўтарилишга интилди. Лекин унинг икки кўзи ғор ичида, атроф кавакларда ўзини таъқиб этиб ётган илонларда эди. Ишқилиб тойиб кетмаслик керак-да, агар иккинчи бор ғорга йиқилгудай бўлса, биронта илонни босиб олиши аниқ. Йигирма газча баланд бу қияликдан секин-аста кўтарилиб, қўлидаги занглаган қилични баъзан тупроққа қадаб, баъзан оёқ қўйиш учун чуқурча кавлаб, юқорига интиларди. У не машаққатлар билан тепаликка чиқиб, атроф-жавонибга кўз ташлади, толгани, бир қултум сувга зор бўлиб чанқагани ҳам сезилмай, тезда бу ердан нарироққа кетишга интиларди. У юқорига интилатуриб, пастга, жарликка кўз ташлади; бояги улкан сарғиш илон изидан келиб, қияликка кўтарилиб, Алп-Арслон ёнидан виқор билан вишиллаб ўтиб кетди. У негадир инсондан ҳайиқмади, инсон унинг эътиборини тортмади ҳам. Уч қулочдан узун бу илоннинг ўзига ярашур «ғурури» бордек. У ҳеч нарсадан ҳайиқмай, бу ерлар меники, дегандай тепаликлар оша саҳ-

ронинг кунботар томонига кетди. Жонзодлар оламининг ҳам ўзига ярашур сир-ру асрори бор — жарликка келган бу катта илон бир муддатдан сўнг яна саҳро оша қаёққадир равона бўлгани, нима ниятда экани, инсонга шикаст етказмагани Алп Арслонни ўйлантириб қўйди. У таажжубга ҳам тушди. Бу даҳшатли жонзодлар, назарида, унчалик ёмон йиртқишларга ўхшамайди, чақирилмаган меҳмон бўлиб, уларнинг маконида бир неча муддат тургани, зиён етказмаганликлари ҳам Алп Арслонни чуқур хаёлга чўмдирди.

Жайхун бу ердан икки чақиримча узоқдалигини биларди, унинг қирғоқларига етиб олмак — ҳаёт қолди демак. Шунинг учун ҳам гужум дарахти тагида нафасни ростлаб, тунаб, кейин Жайхун томон юрса бўлади. Ёки илдиз кавлаб емоқ лозиммикан? Қандай бўлмасин, тезда Қоратоғ томон йўл олмоқлик зарур.

Зўр-базўр гужум тагига етиб бориб, андак ҳордиқ олмоқчи бўлган Алп Арслоннинг кўзи сояда кулча бўлиб ётган икки илонга тушди, ҳайрон бўлиб қолди. Бу Хоразм ерлари илонга тўлиб кетибди, деди ўзига ўзи. Сояга инсон келганини кўрган иккала чипор илон ҳам секин чўзилиб, бу ердан жўнаб қолишди. Гужум дарахти шоҳида осилиб турган яна бир илон ҳам секин сирғалиб ерга тушиб, ошнолари кетидан биланглаб кетди. Илонлар ғори атрофидаги чўл ҳам, гужум дарахтию янтоқлар, саксовуллар ҳам уларга қароргоҳ, уларники эканини фаҳмлагандек бўлди. Алп Арслон ҳарқалай ҳориб келганини, андак ҳордиқ чиқаришини пайқашди шекилли, меҳмонга «хурматсизлик» кўрсатишмади. Алп Арслон гужум шохларини обдан кузатгач, яна бошқа бири осилиб ётмаганини билгач, сояда дарахтга суяниб кўзи илинди, худди шу лаҳза бир ниманинг ўткир чийиллагани эшитилиб, у беихтиёр кўзини очди.

Рўпарада севикли Шоҳсанам турарди. Унинг бошида оқ рўмол, қўлида гул, бу қизил гулни Алп Арслонга узатгандай бўларди: «Олинг, оға, бу гулни олинг! Бизни жудо қилдилар, рақиблар устун келди. Сиз паҳлавонимни бундай азобларга қўйдилар. Аммо, мен фақат сизни севамен, сизга садоқат ила бу дунёдан ўтиб кетамен. Агар биз бу дунёда висол кўрмасак, Оллоҳдан тилаймен, маҳшар куни юз кўришармиз. Оғажон, паҳлавон амирим, мен сизни севамен, бу муҳаббат оташи доимо юрагимда ёниб туради...» Бу сўзларни тинглаб турган Алп Арслон саҳро ўртасидаги севиклисига шундай дёрди: «Бебаҳо маликам, мени йўқлаб бу ёқларга келганингдан хурсандмен. Мен сени жонимдан ҳам азиз севамен. Рақиблар бизларни бир-биримиздан жудо этди, то қиёмат муҳаббатинг юрагимда. Қаерда бўлмай, сенинг муҳаббатинг менга ёру ҳамроҳ. Муҳаббатли юракни даррандалар, газандалар ҳам сезаркан, муҳаббатли юракка улар оғу солмас экан. Фақат ўзимизнинг мансабдорлар газанда бўлиб кетибди. Менга на тاختу тож керак, менга, азизам, фақат сен ва яна сен керак эдинг. Бутун орзу умидларим фақат сен билан эди. На қилайки, рақиблар макри ғолиб қикди. Агар очиқ майдонда шамшир солишганимда, жангда мен уларга ўз қудратимни кўрсатиб қўярдим. На қилайки, макру ҳийла мени сендан йироқ қилди...»

Бир лаҳзадан сўнг рўпарада турган малика Шоҳсанам кўздан ғойиб бўлди. Ўзидан унча узоқ бўлмаган баланд янтоқ остида каттагина бир чипор илон чўл сичқонини тишлаб турарди. Алп Арслон илондан кўз узмади, у секин-аста сичқонни чийиллатиб ютиб юборди. Ҳатто сичқон унинг томоғидан ўтиб қорнига етганигача сирғалиб борганини аниқ кўрди. Қани энди, шу илон ноғорақорин Ҳусайн жанобларини ҳам шундай ютса. Ўзининг ҳам очлиги ёдига тушиб, бу ерда ортиқ туролмай Жайхун томон юра кетди. У ғоятда бемадор эди. Қош қорайгунча саҳрода юрди, тинкаси қуриб, йиқилай-йиқилай дерди, лекин ўзини маҳкам тутарди: йиқилиб қолгудай бўлса, тунда чиябўрилар ҳид олиб, ёпирилиб келишлари мумкин. Қандай бўлмасин, оқшом қоронғусига қолмай дарё ёқасига етиб олиши лозим! Йиқилиб қолса, эҳтимол чиябўрилар эмас, изидан тушган ясовуллар топиб олиб, энди қилич билан бўйнини узиб ташлашлари аниқ.

Жайхун ёқасига етмай, у бир сўқмоқ йўлда ҳолдан тойиб йиқилиб қолди. Атрофда ҳеч бир тирик жон йўқ, ҳаммаёқ жимжитлик, бутун бир Қиёт эли унинг назарида жимжит гўристонга ўхшарди. Бағдод сари кетган Мусо ал-Хоразмий «Байтул Ҳикма»ни тузди, у ҳазрат ҳам мансабдорлардан ризо бўлиб кетган эмас. «Мовароуннаҳр — Мамолика Қасри фараҳ авзойдек, Саройи Дилкушо-



дек жаннатий маъволар ила тўла, ва лекин эзгу Мовароуннахр — она заминим бепоён дашту биёбонларга ҳам тўлади. Жайхун бўйларидаги қамишзорларга боққан киши ичида қанча йўлбарслару жайронлар юрганини кўрмайди. Ҳар битта йўлбарс ўз қудрату шижоати ила бутун бир қўшинга тенгдир» демишлар. Мана ўша сариқ қамишлар ичида юрган йўлбарслардан бири парча нонга зор, беҳолу бемадор қадам ташлаб, сарнигун, йўл ёқасида йиқилди. Унинг кўнгли оздими ёки чарчаб, оёқлари толиб қуладими, билиб бўлмасди.

Эшагига ўтин ортиб, хиҳ-хиҳлаб келаётган кекса бир одам йўл четида ётган ярим яланғоч кимса ёнида тўхтаб, унинг юз-кўзига қаради: йигирма беш ёшлар атрофидаги навқирон, яғринлари кенг, билаклари пай, келишган бир йигит. Қўлида занглаган қилич. Бу ким бўлди? Сипоҳими ёки машқдан қочган кўрқоқми? Йигитнинг нафас олаётганини, саҳрода адашиб, очликдан қулаганини пайқади. Чол йигитнинг елкасига қўл текизди, йигит кўз очмади. Эгарга осиб олган қовоқдаги сувни ечиб, беҳол ётган йигит оғзига қуйди. Шу лаҳза Алп Арслон кўзини очиб, тамшана бошлади.

— Ма, ол, болам, сувсаб қолибсан. Ичиб ол!

Алп Арслон хўқачадаги сувни қулт-қулт ича бошлади.

— На бўлди санга, болам? Адашдингми?

— Ҳа...

— Қай томона борурсен? Йўлинг қайга?

— Қоратоғ томонга. Унда иним бор...

— Устингда кийимларинг йўқ, на қилдинг? Бу иссиқда каبوب бўлибсан-ку, болам?

— Кийимларимни «Илонлар ғори» тепасида ечиб олдилар...

— Қароқчиларми?

— Ҳа.

— Сенга жабр бўлибди. Юр, мен сени эшакка миндириб, қишлоққа олиб кетамен,— чол қўнидан кулча нон чиқариб, узатди:

— Ол, буни е!

— Ташаккур!— Алп Арслон нонни олиб, бир бурда ушатди-да, шоша-пиша ея бошлади.

Шундан сўнг бемажол йигитни эшакка миндириб, ўзи пиёда, қишлоқ томон йўл олди.

## Шоҳсанамнинг қўлга тушуви

Эрта тонгдан бошланган қуршов қош қорайганда тугади. Оғир жанг, кўп қон тўкилиши натижасида пайкандликлар Гурганж қалъасини қўлга киритдилар. Йўсифшоҳ фармони билан пойтахт икки кеча икки кундуз таланди; қаршилик кўрсатган ҳар бир кимса — мансабдорми, фуқароми, сипоҳийми-аёвсиз қиличдан ўтказилиб, уйларига ўт қўйилди. Жанг тўполони тугаб, қўшин Гурганжни батамом тинчитганида оқ оғда кўрғонга кириб, тахтиравонга ўтиришга қарор қилган Йўсифшоҳ, агар яна қаршилик бўлса, бутун пойтахтни остин-устун қилмоққа тайёр эди. У ҳатто босқинчилик ишларини қилишга ҳам атайин рухсат этиб, бу билан ўз сардорларини мамнун этмоқчи бўлди. Ўз оға-инисига тажовуз қилган кимса кофирдир, охиратда жавоб беради, деган хатиб имомнинг ҳам бошини олди...

Шаҳарда қиёмат-қойим. Доруссалтана атрофидаги баъзи уйлар ёнар, баъзи одамларнинг қўлини орқасига боғлаб, тўда-тўда этиб, қўйдек ҳайдаб қаёққадир олиб кетишарди. Баъзи отлиқ суворилар қоп орқалаб, хонадонлардан чиқишар, ўзини ғолибмен деб атаган шоп мўйлабли совуқ башаралар хонадонларга кириб, тилла тақинчоқлар, гавҳар кўзлик узук-сирғалар, ипак матоларни дарҳол беришиklarини талаб этардилар. Кимларнидир кўчага судраб олиб чиқиб калтаклашар, бекитган олтинларингни топиб бермасанг, қизингни шундоқ кўз олдингга босамиз, деб дағдаға қилишарди.

Шоҳсанам бека қилич яланғочлаган эллик чоғли отлиқлар қуршовида қолиб кетиб, кучи етмай қўлга тушди. Қуршовни ёриб ўтган амир аллақачон Гурлан дарвозасидан чиқиб кетган эди. Бошидан дубулғаси учиб кетган «ёш навкар»нинг сири очилиб, бу кимса аёл эканини пайқаган душман отлиқлари уни дарҳол ўраб олиб, орқасига ёйилган қора сочига, кўзларига тикилишарди. Шоҳ-

санамнинг қўлида яланғоч қилич, яқин келган отлиқ бўйнига солишга чоғланарди. Суворилар аёл қўлидаги олтин соп қиличга кўзлари тушгач, бир сувори дарҳол орқага чопиб кетди. Майдон четида, отлиқлар ихотасида турган шаҳзода Йўсифшоҳга бу хабарни етказгач, у от чоптириб, суворий йигит билан бирга бу жойга келди. Узоқдан қуршовдаги гўзал маликага кўз ташлаб, донг қотди: қилични қинга тиқинглар, малика бекам билан ҳеч ким қиличбозлик қилмасун, рухсат этмаймен, деди. У тикилиб, отда турган гўзални таниди, биргина Гурганжни эмас, икки қалъани бирдан қўлга киритгандек, хурсанд бўлиб кетди. Гўзал маликага гап отди:

— Олий ҳазрат шикордалар... Саркардалари тумтарақай... Мамлакат мудофааси сизга қолибди-да, муҳтарама маликам? Эрингиз шаҳзода Сулаймон Гурланга қочди... Ҳолингизга ачинамен...

Шоҳсанам индамади. Қани, бирортанг яқинлашсанг бўйнингни узиб ташлайман, дегандек қилич ушлаб, титраб, шай турарди.

— Сен кимсен?

— ...

— Мен Йўсифшоҳмен! Хоразм тахтининг чинакам вориси! Мени эшитгансен! Биласен! Ота юртимни эгаллаб, мени қувғин қилган акам Аълоиддинни энгиб, ғалаба қилдим. Ҳақ йўлига қарор топди...

— ...

— Гапир! Бўлмаса чопиб, бурда-бурда қилиб ташлаймен!

— ...

— Бу соқов! Шоҳ ўзи шикорга кетиб, соқов аёлларни мамлакат мудофаасига қўйибди! (Отлиқлар бирдан «Хо-хо-хо-хо-о!» деб кулиб юборишди.) Абдулжаъфар Ҳусайн, Ҳумомиддин ад-Давла ҳазратларига ҳайронмен! Амир Алп Арслон — саройнинг устунни қани?! Қочган!

Шоҳсанам бу масхараларга чидаб, қиличи учини ўзи томон келаётган сарбозга ўқталиб, қотиб, тилини тишлаб, ўзини маҳкам тутиб турарди.

— Қўлидаги қилич олтин сопли,— деди сарбозлардан бири,— отининг узангиси, эгар-жабдуқлар ҳам саройга тааллуқли.

— Айтдим-ку сенларга, бу — Сулаймоншоҳнинг хотини,— деди Йўсифшоҳ.— Тўйига келмаган бўлсам ҳам эшитганмен. Номард акам мени унинг тўйига чақирмаган... Аразлаб, Марвга кетганмен. Хоразм гўзали у. Унга тегманглар! Тириклайин қўлга тушириш керак! Улдирсангиз, бошингиз кетади!

Бош ирғашиб, хўп ишорасини қилишди.

— Ҳой, малика, ўз уйингга, Доруссалтананага бор, устингдаги эркаклар либосини еч, қилични қозикча ил, улуғ малика ёнларига бориб, онанг ёнида ўтир! Қани, кетдик бу ердан! Хотинлар билан қиличбозлик қилмаймиз. Подшоҳу мансабдорларингга лаънат! Сенга тегмаймиз, аммо ҳаддидан ошиб кетган, ўз оғам — тахтни эгаллаб олган Аълоиддин Муҳаммад Отсизнинг жазосини берамиз!

Шоҳсанам бир лаҳза уларга жавдираб турди-да, кейин қиличини қинга тиқмаган ҳолда қалъанинг шимолий Гурлан дарбозаси томон кета бошлади. Лекин бу дарбозани ҳам эгаллаб олган душман отлиқлари шаҳардан чиқиб кетишига йўл қўймадилар. Унинг кўз олдида ярадор Алп Арслон турарди,— амир ҳазратлари қалъадан чиқиб кетолдими ёки ғанимлар қўлига тушиб, ҳалок бўлдими,— билолмади. Улуғ малика, шаҳзода ва бошқаларнинг аллақачон Гурланга етганликларини тахминлади. Подшоҳга ҳам чопар етиб бориб, шикорни тўхташиб орқага қайтаётгани хаёлидан ўтди.

Қалъадан чиқиб кетишга йўл бермаётганликлари сабабли, дарҳол оддан тушиб, ҳарбий анжомларини ташлаб, ичкари кўча, қадимий маҳаллаларга ўзини уриб, бирон хонадонда яширинишни ўйлади. Аммо орқасидан таъқиб этган икки отлиқ бу ҳолга ҳам қўймади — либосини ечиб, қиличини қинга тиққани замон югуриб келиб, босиб олиб кетишлари аниқ эди. Белидаги ханжар билан ўзини ўзи ўлдириб қўймасин, деб Йўсифшоҳ сарбозларга тайинлаган эди.

Шоҳсанам отда қалъа кўчаларини айланиб юриб, гурганжликларнинг ининларига кириб кетганини сездди. Баъзан одамларнинг оҳу ноласи, бақирик ва йиғи овози эшитиларди, баъзи уйлардан аланга билан тутун кўтариларди, баъзан ўн-йигирма отлиқ дукур-дукур чопиб, кўчаларда чанг кўтарардилар,

кимнидир қамчин билан савалардилар. Шаҳар нотинч, кўчалару майдонлар отлиқларга тўлиб кетган.

Бундан уч-тўрт кун аввал сокин ва файзли бу кўчалар аро одамлар подшоҳни шикорга йўллашган эди. Энди... Йигирма қадамча орқада, икки суворий таъқибда Шоҳсанам кўчаю майдонларни айланиб, охир бориб сарой дарбозасига яқинлашди; ўша кекса хизматкор — Абдурауф боғбон яна уни кутиб олиб, отдан туширди. Лекин сарой атрофи, ичкари ҳовлилар ҳам ғанимлар билан тўлиб кетган, улар бугун кечга яқин Йўсифшоҳни кутиб олиш учун тайёргарлик кўришарди. Абдурауф ота Шоҳсанамга мунгли боқиб, «маликам, ўз уйингиз, ўз хонангизга кириб, жим ўтиришдан бошқа илож йўқ...» деди шивирлаб:

— Ишқилиб, улар юрагига Аллоҳ шафқат солсин! — юзига фотиҳа тортди кекса хизматкор.

— Йўлда вазири аъзам ҳазратларига кўзим тушди... Нима гап?

— Билмаймен...

— Абдулжаъфар Ҳусайн ҳам отда юрибдилар... Нега уларни босқинчилар тутиб, чопиб ташлашмади?

— Ҳеч нарса билмаймен, қизим, менга бошқа савол берманг. Анавилар қулоқ осиб туришмоқда.

— Амир ҳазратларини кўрмадингизми?

— Йўқ.

Шоҳсанам ичкарига кириб кетатуриб, отни, қилични, дубулғани кекса хизматкорга берди. Шу лаҳзада қандайдир бир аёл Шоҳсанам орқасидан кириб, унга хизмат қилишини айтди. Шоҳсанам заҳар ичиб кўймасин деб бу аёлни Йўсифшоҳ одамлари ёллашган эди.

### Амир билан шаҳзода учрашуви

Ярадор амир Алп Арслон отига ёпишганча шаҳардан ташқарига чиқиб кетди. Уни қувиб тутолмадилар. Ҳатто Абдулжаъфар «ноғорақорин» йўллаган ўн суворийга ҳам панд берди. «Тутиб олиб келинглар, амир эс-ҳушидан озган, унинг ҳар замонда кўзғайдиган ёмон бир дарди бор», деб сарбозларни лақиллатган эдилар. Орқадан чопиб келган отлиқлар уни эплаб қўлга олишолмади. Етиб борганлардан бири:

— Амир ҳазратлари, ўзингизникимиз, бизлар билан бирга юринг, — деди.

— Йўқ, сизлар хоинсизлар! — деди амир отини тўхтатмай кетатуриб, уларга тик қараб.

— Биз сипоҳсолар амрини сизга маълум қилаётирмиз.

— У саркарда эмас, хоин! — деди кескин. — Олий ҳазрат қайтиб келгач, у малъун жавоб беради! Сизлар ҳам!.. — Ўн отлиққа бас келолмаслигини сезган амир Алп Арслон устма-уст отга қамчи босиб, кенг дала томон югурди. У отини бир лаҳза ҳам тўхтатмай, янтоқзорлар, қумликлар аро чопиб кетаберди. Бир оздан сўнг, «Ғори морон» («Илонлар ғори») ёнидан югурганча ўтиб кетди. От жонивор оғзидан оқ кўпик сачраб, чанқаб, мадори кетганига қарамай, устидаги хўжасини ёвдан эҳтиёт қилиб, тинимсиз чопарди. У амирининг ярадор бўлганини, ҳолдан тойганини, душманлар таъқиб этаётганини ҳам сезарди.

Амир Гурланга қарамай, тўппа-тўғри Жайҳун ёқасига борди, бунда отни таниш балиқчиларга топшириб, боғлоқ турган қайиқларнинг бирида дарёнинг нариги томонига сузиб ўтиб, Қоратоғ этаклари томон йўл олди. Ўз отига яхши қараб туришларини тайинлади. Балиқчилардан подшоҳ Қоратоғ этакларидан қайтмагани, дарёдан ўтмаганини билгач, у билан тезда учрашишга жазм этди. Гурлан кўшини ичида ўтириб, шоҳни кутса, вақтни қўлдан бериши ва бунинг устига, салтанату тахту тожга хиёнат қилганлар Гурланга одам юборишлари, подшоҳни чалғитиб, уни қўлга тушириб беришлари ҳам мумкин эди. Саройда, катта мансабдорлар ичида мамлакатни сотган хоинлар борлиги ҳаммадан кўра ҳам унга аниқ бўлиб қолди. Улар кимлар? Мана буни аниқлаш керак. Подшоҳнинг шикорга кетгани Пайканд қўшинидаги деярли барча сардорларга маълум экан. Қандай қилиб? Ким бу гапни етказди? Ким юқори дарбозаларни душманга очиб берди? Ким Хоразм қўшинини уч бўлакка бўлиб, подшоҳни айшу ишратга итарди? Ким?!

Амир Алп Арслон дарёдан ўтгач, бундаги қоровулхона чопарининг отини

олиб, Қоратоғ этаклари томон тезда етиб олишни кўзлади. Хайрият, шанба куни амир юборган биринчи чопар Қоратоғ этакларига етиб келиб, пойтахтга Пайканд қўшини ҳужум қилганини Хоразмшоҳга етказган экан. Бун қоровулхона соҳибидан билди. Бошқалар эмас, шахсан амир йўллаганини айтгани кўп яхши иш бўлган. Амир Қоратоғ этакларига етиб келмасданоқ, Очиқ дала кенглигида подшоҳнинг бир тўп отлиқлари билан учрашиб, ов либосида, асабий ва саросимада юрган подшоҳга рўбарў келди.

— Амир, нима гап?!

— Ассалому алайкум, Олий Ҳазрат! Аҳвол ниҳоятда танг... Малъун Йўсифшоҳ ногаҳон ҳужум қилиб, пойтахтни эгаллади. Вазири аъзам ад-Давла билан Абулжаъфар хиёнат қилдилар. Олий ҳазрат, сизга яна шуни маълум қиламенки, бу ҳужум тасодиф эмас. Ҳамма гап шу!

Подшоҳнинг боши қотди. Ярадор амирни авайлаб отдан туширдилар.

— Шаҳзода ҳазратлари қаердалар?— амир подшоҳдан сўради.

— Гурланга, қўшин ичига йўллаганмен.

Подшоҳ Аълоиддин Муҳаммад Отсиз ўз атрофидаги юзга яқин сувориларга, интизомни бузмай, шай бўлиб дарёдан ўтиш лозимлигини буюрди ҳамда шитоб билан юриб, Гурланга дохил бўлмоқ зарур, деди. Отлиқлар ичида турган давангир Муҳаммад Али ал-Мисрий дарҳол амир тепасига келиб, ҳол-аҳвол сўради. Шоҳ табиби сувга бўктирилган латта билан амир манглайидаги қонни арди, қиздирилган ёғ суртиб жароҳатни боғлади. Шоп мўйловли йигит оғоси билан ал-Мисрий амир атрофидан кетмади, у ўлдирилган катта, баҳайбат йўлбарснинг терисини кўтариб келиб, амир остига солди. Бу шоҳга мўлжалланган эди, лекин йигит оғоси амирга илтифот кўрсатди. Тахт қўлдан кетган, руҳан сўнган подшоҳ хомуш турарди, қандай бўлмасин, амирга ёрдам кўрсатишларини истарди, чунки ҳозирги дақиқада амирдан бўлак унинг бир яқин саркардаси қолмаган эди.

— Амир ҳазратлари, вазири аъзам хусусида бир сўз айтолмайсизми? Ахир мен салтанатни унга ишониб, топшириб келган эдим?

— Бизни сотди!

— Абдулжаъфар-чи?

— У ҳам.

— Ё алҳазар! Наҳотки мен уларга шунчалик ишонганмен? Наҳотки зимдан одам қўймадим? Ё алҳазар!

— Шаҳзода ҳазратлари қаёқдалар?— бир неча дақиқалик сукутдан сўнг амир шу савол билан подшоҳга яна мурожаат этди.

— Гурланда... Улуғ малика билан шаҳзодани араваларда у ёққа йўллаган эдим. Омон-эсон боришгани ҳақида менга хабар етди.

— Абул Музаффар Тамғоч ҳазратлари-чи?

— Мутлақо хабарим йўқ.

— Биз ҳаммага ишониб юрган эканмиз... Марв айғоқчилари Пайкандни босиб кетганини билардим, аммо Гурганжга таҳдид солишини...— деди амир Алп Арслон.— Инингиз Йўсифшоҳнинг ўз элига қарши ҳужум бошлашига мутлақо ақлим бовар қилмайди! Улуғ ҳазрат, биз кўп ишлардан ғофил қолганмиз; бу таҳдид бугун бошланган эмас.

Ерда ётган ярадор амир тепасида турган подшоҳ аввал унинг пешонасига кафтини босиб, эъозлади, ҳароратини кўргандек бўлди, кейин йигит оғосига ишора қилиб, тезда бу ердан қўзғалиш кераклигини буюрди. Амир ёнига овда юрган баҳодир Муҳаммад Али ал-Мисрий келиб ўтириб, оғир дақиқада унинг ёнида бўлолмай, узоқда, шикорда юрганига пушаймон бўлди. Подшоҳ отга миниб, йўлга тушгач, амир ётқизилган арава ёнида ал-Мисрий пиёда кетди. Йўл-йўлакай бўлган воқеаларни эшитди. Амирнинг юрагини эзаётган нарса — қўлида ўткир қилич, навкар кийимида келиб, жангга кирган Шоҳсанам эди. Унинг қисмати нима бўлди, билмасди. Малика ҳақида қадрдонни Муҳаммад Али ал-Мисрийга ачиниб гапирди, шу гапларни подшоҳ ҳазратларига бунчалик ҳаяжон билан айтмоғи мумкин эмас эди. Подшоҳнинг гўзал келини Шоҳсанам қисмати не бўлганини билолмай, амирнинг бағри ёнарди. Йўл-йўлакай унинг қонли либосларини ўзгартиришиб, тоза хилъат кийдиришди, подшоҳ амри ила бунда — Қоратоғ этакларида кўп туриб, вақтни ўтказмаслик учун от-араваларни

жадаллаштирдилар. Оқшом Жайхунга етиб олиб, ойдинда дарёдан ўтиб, тонготарда Гурланга кириб боришни мўлжалладилар.

Амирнинг топшириғи билан олдинда қилич яланғочлаган «Қора дев» кўзлари ёниб, дарғазаб борарди, у биринчи галда подшоҳни, амирни ва бошқаларни ҳимоя қилмоқ учун ўзини ҳар қандай кескин тўқнашувга тайёр тутарди. Жангга кирмай, шикорда юрганига жуда ачинаётгани сезиларди.

Вазири аъзамга чув тушганига ғоятда пушаймон бўлган подшоҳ юз чоғлик сарбозлари билан тун бўйи юриб, тонготарда Гурланга кириб келди. Қалъадан ўн чақиримча нари, дала йўлида биринчи галда шаҳзода Сулаймоншоҳ подшоҳни кутиб олди. Аравадаги амирга ал-Мисрий ва яна бир неча сардорлар ёпирилиб келиб, ҳурмат изҳор этиб туришди. Аммо ёнига келган шаҳзода Сулаймоншоҳга ярим овозда, бирон киши эшитиб қолишини истамагани ҳолда, малика Шоҳсанам қўлига қурол ушлаб, жангга кирганини, қонли жанг олатўполонида бин неча душман отличларини қулатганини ва охир, эллик чоғли отличлар ўраб олгач, унинг тақдири нима бўлганини билмаслигини маълум қилди.

— Нодон!— деди кескин бир тарзда шаҳзода.

— Билмадим, ҳазрат, бу нодонликми ёки...

— Ёки? Нега «ёки»?

— Сизга ёрдам бериш учун изингиздан кетган бўлмоғи мумкин. Эркаклар либосини кийган, сизнинг қиличгинизни қўлга олган... Салтанатни мудофаа этиб, ўзини жангга урган...

— Бу нотўғри! Мен хотун ёрдамига муҳтож эмасмен!

— Эҳтимол...— деди амир Алп Арслон, гапни мухтасар этиб. Чунки ортиқча гапга ўрин йўқ эди. Сиртдан шаҳзодага ҳурмату тавозе кўрсатиб тургани билан, ичдан бу қўрқоқ ва худбин кимсадан нафратланиб турарди. Гўзал ва доно Шоҳсанам шу номарднинг тўшагида ётиши уни ич-ичидан ачинтирарди.

### **Шоҳсанам асирликда заҳар талаб этди...**

Йўсифшоҳ Гурганжга тантанавор, қора отда кириб келди. Унинг устида олачопон, бошида қаламча бўрк, шамолда учиб кетмаслиги учун унинг четини қизил мато билан ўраб олган. Султон Санжар Мовароуннаҳр қалъалари Хўқанд, Шош, Бинокент, кейинчалик Утрор ва Хўжандга хужум қилганида шундай либосда ва қора отда борган эди. Йўсифшоҳ атрофида Марвнинг бир неча саркардалари ҳам бор, Пайканд қўшинининг таркибида ўнга яқин салжуқий мингбоши ва элликбошилар ҳам бор эди. Бу, султон билан келишилган ҳолда уюштирилган бўлиб, Гурганж қалъаси қўлга киритилгач, талон-тарож ишларини асосан хуросонликлар амалга ошириб, Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Отсиз ҳазратларининг хазинасини Марвга элтмоқ уларга топширилганди. Йўсифшоҳ қалъага тантанавор равишда кираман деб ўйлаган эди, бирдан руҳи сўнди; шаҳар таланган, фуқаролар йўқ, ҳеч кимса уни кутиб олмади. Баъзи уйлар ёниб, тутуни кўкка ўрларди.

Гурганж унинг ота шаҳри-ку! Мақсад уни вайрон этмоқ эмас, тахтни эгалламоқ-ку! «Хоразмшоҳ» деган юксак ном олмоқ-ку! Мамлакатда адолат ўрнатиб, ота бир, она бошқа Аълоиддиндан ўч олмоқ-ку!

У сарой ҳовлисида отдан тушиб, отаси Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ қурган кенг ва нақшиндор, уч юз олий мансабдорларга мўлжалланган хона юқорисидаги тахти равонга борди, атрофидаги ўз саркардаларининг лаганбардорлиги — илтимоси билан тахтга ўтирди. Кўркам хонадаги сардору мансабдорлар уни муборакбод этишди. Тахтдан унча узоқ бўлмаган курсида Аълоиддин Хоразмшоҳнинг вазири аъзами — «супрақулоқ» Ҳумоиддин ад-Давла, унинг ёнида «ноғорақорин» Абулжаъфар Ҳусайн ўтирардилар.

Пойканддан келган бир имом фотиҳа бериб, музаффар «янги Хоразмшоҳ»ни қутлади. Шундан сўнг тахтда ғўдайиб ўтирган Йўсифшоҳ Гурганж тахтини эгаллашда жонбозлик кўрсатган саркардаларга инъому иқтоълар улашди. Йигирма чоғлик «қаҳрамонлар»дан сўнг собиқ бош вазир ад-Давла билан «ноғорақорин» устига заррин чопон ёпилиб, навозиш этилди. Шу лаҳза Йўсифшоҳ имо билан собиқ бош вазирни чорлаб, қулоғига нималардир пичирлади: «Хизматларингиз наинки бунда, Марвда ҳам муносиб тақдирланади. Хоҳлаган вақтингизда улуғ султон ҳузурида сиз жанобга мансаб тайёр!» Ад-Давла бош эгиб, ташаккур айтди. Тахт ёнидан узоқлашиб, ўз жойига келиб турди.

— Янги шоҳимиз нима дедилар?— Абулжаъфар сўради.

— Ҳамма ишлар яхши бўлади, дедилар.

— Мени ҳам тилга олдиларми?

— Йўқ.

— Ий-я, сиз билан биз бўлмаганимизда Гурганжни қандай қилиб олардилар?— ингичка, хотинчалиш овоз чиқди.

— Ўз кучлари билан.

— Қандай қилиб?

— Шундай қилиб!

— Хоразм кўшинини уч-тўрт ерга бўлиб қўйдингиз-ку?! Бу ишни қилмаганимизда, қалъага киролмасдилар... Наҳотки шуни билмасалар? Сизнинг яширин номаларингизда булар айтилган-ку?

— Камроқ гапиринг, овозингизни баланд чиқарманг! Ҳаммаси кейин маълум бўлади. Йўсифшоҳнинг ҳозир бундай хуфия гапларни ўйлашга имконияти йўқ. Ҳар қалай, ё Ҳазорасп, ё Пайканд сизга берилади... Менинг тилагим — Самарқанд!

Йўсифшоҳнинг кўзи бир-бирлари билан шивирлашаётган икки собиқ мансабдорга тушгач, ад-Давла билан Абулжаъфар жим бўлиб қолишди.

Эртасига эрта билан уч-тўрт катта мансабдорлар янги Хоразмшоҳга саломга киришди. Маликшоҳдан хабар топгани муносабати билан Йўсифшоҳ Шоҳсанамни саломга олиб қиринглар, деб буюрди. Лекин у саломга киришдан бош торганини маълум қилди.

— Кирмаса, судраб олиб қиринглар!— деди Йўсифшоҳ дарғазаб бўлиб.

Маликшоҳ ва бошқа юқори мансабли кишилар шинам ва гўзал хона гиламларини этик билан босиб, хонада ўтирган Шоҳсанамга ёпишшаётган эди, у босқинчилар важоҳатини сезиб, деди:

— Хўп, борамен! Саломга эмас, у босқинчи амакига сўроқ бериш учун борамен!— деди ўрнидан туриб, сўнг тоқчадаги ўткир ханжарини энги ичига яширди. Аммо бу ҳолни кузатиб турган Маликшоҳ Шоҳсанам энгидаги ханжарни зарда билан тортиб олиб, этиги қўнжигга тикди.

— Хотин кишига бу не қилиқ?

— Уни эркак либосида қўлга туширганмиз, жаноб! У бир неча навқарни шаҳодат топтирди. У жангари макиён!

— Бас! — деди Маликшоҳ хизматқорига қайрилиб боқиб, кейин Шоҳсанамга мурожаат этди.— Қани, юринг, малика, сиз шаҳзода Сулаймоншоҳнинг хотинисиз. (У Шоҳсанам юзига тикилиб қаради. Кейин қадду қомаига, ингичка белига, «эгарига»...) Гурганждаги хотунлар ичида энг кўркамисен. Жонини қаерга қўярни билмайдиган жангари хотунга жангари эр керак. Латта Сулаймоншоҳдан сенга фойда йўқ!— У мўйлабини бураб, томоқ қирди.

Шоҳсанам рўмолини ўраб, юзини ярим бекитиб, катта хонада, тахти равонда ўтирган янги ҳоким ёнига борди. Тахтга яқин ерда тўхтади, «шоҳ»га ўқрайиб, кейин ерга қараб тураберди. Катта хонада Маликшоҳдан бошқа ҳеч кимса йўқ эди. Ҳар жума кун сарой аёллари малика бошчилигида бу хонага — подшоҳга саломга киришарди. Салом бир тўйга айланиб кетарди. Тўхфалар бериларди...

— Салом қани?

Шоҳсанам миқ этмади.

— Сенга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, барини биласен! Мен қайнотанг билан азалий душманмен! У тахтни қонунсиз эгаллаган! Мен ҳам Қутбиддин Хоразмшоҳ ўғлимен! Адолат бор, Оллоҳ бор, мана, куч билан отам тожу тахтини эгалладим. Шариат йўли билан никоҳ ўқитиб, сени ўз никоҳимга оламен! Эринг жангдан қочди, сен уни хуш кўрмаслигини биламен... Пайкандда туриб ҳамма гапни эшитганмен... Қайнотанг шикорда ўлди, уни мен эмас, тўқайдан чиққан йўлбарс ўлдирди... Эски салтанат тугади! Энди янги салтанат бошланади. Хоразм мустақил бўлади, султон уни менга инъом этди. Хоразм гуллайдиган, инсонлар бахту омад топади. Тақдирга тан бермоқ лозим. Оғангни Гурланга ҳоким этамен...

— ...

— Ўйлаб кўр, йўқса жувонмарг бўлиб кетасен!

— ...

— Сенга жавоб. Хонага кириб, бу гапимни танингга чуқур ўйла. Эртан менга жавоб қиласен. Ер билан яксон бўлган Аълоиддин салтанати энди қайтиб келмайди. Сен яшашинг керак...

Шоҳсанам ташқарига чиқиб кетди. У ўз хонасига кириб, бор бўйи билан тўшакка ташлади. Эри — шаҳзоданинг қочгани рост, аммо қайнотаси — подшоҳни «йўлбарс ғажиб ўлдиргани»га ишонмади. Нега у амир Алп Арслон тақдирни хусусида гапирмади? Бу қисмат уни ғоятда қизиқтирарди. Амир ҳибсдамин?

Шоҳсанамнинг атрофида Мисқол бека деган хизматкор аёл пайдо бўлиб қолди; у ўз номини айтиб таништириб, Абулжаъфар ҳазратнинг уруғларидан экани, бундан буён янги ҳоким даргоҳида хизмат қилишини маълум қилди. Шоҳсанам ўзига нонушта олиб киришни, ҳали эрта билан нонушта қилмаганини айтди. Хизматкор аёл чиқиб кетаётган эди, «эшик оғаси» — Абдурауф отани бунда чақиришни илтимос қилди. Чол киргач, Шоҳсанам ғўдайиб турган Мисқол бекага чиқиб кетишини айтди. Хизматкор хотин бурнини қийшайтириб, норози ҳолда ташқарига чиқиб кетди. Шоҳсанам чолни ўзига яқинроқ чақириб, ярим овозда сўради.

— Уша куни жангга чиқиб кетаётганимда: «амир ҳазратлари ёнига борган эдим», дедингиз. Ҳазратнинг қисмати хусусида бир нима деёлмайсизми?

— Амир ҳазратлари саломатлар. Бошқалар ҳам... — (Шаҳзода ва подшоҳни кўзда тутаётганини Шоҳсанам дарҳол сезди). Чол кўзини юмди. Кейин баландроқ овозда жавоб қилди, чунки эшик орқасида турган, жосуслик қилаётган хизматкор аёл қулоқ осиб турарди. — Маликам, хаста бўлсангиз, — мен табибни чақириб келамен, — бу гапни айтган чол тезда орқасига қайтиб чиқаётган эди, дарҳақиқат, эшик орқасида турган Мисқолга кўзи тушди. У Абдурауф отага дўқурди:

— Табибни ўзим чақириб келамен!

— Майли, — деди чол.

— Сен ҳужрангга кириб ётабер, иккинчи бу ерга келма!

— Мен Шоҳсанамнинг тоғаваччаси бўламен... Шунин биласанми?

— Тоғаси? Қандай қилиб? У малика-ку?

— Мен ҳам гурланликмен, нодон. У амир Насриддин шоҳнинг қизи. Она томондан мен қариндошмен. Бўлмаса, саройда боғбон бўлармидим. Мен — Абдурауф отамен...

— Барибир бу хонага яқин келма! Бу иш менга топширилган!

— Сўзингга қулоқ осамён. Нега қулоқ осмас эканмен, сенлар ҳоким. Мен анча йилдан буён сарой хизматкоримен. Сен нима десанг шунин адо этамен... Майли, тақдирга тан берамен... Тушундим... — деди маккор Мисқолга ёлвориб.

— Табибни чақириб кел, ўзим олиб кирамен!

Чол ҳаллослаганча табибникига кетди. Тахтнинг қўлдан кетуви, пойтахт алғов-далғов бўлаётгани, баъзи одамларнинг қўли боғланиб, ҳибс этилаётгани, зиндон одамга тўлиб кетганидан қўрққан ота атайин паст келиб, Мисқолга ёлборди.

Абдурауф ота сарой дарвозасидан чиқиб, тор кўчалар бўйлаб табиб ҳовлисига келди. Беркиниб ўтирган Шаҳобиддин Масъуд эшикни қия очди:

— Келинг, боғбон.

— Ассалому алайкум!

— Нега келдингиз?

— Маликамиз хаста. Сизни чақирадурлар.

— Бир кори ҳол бўлмайдурми? Саройда пайкандликлар ҳукмрон. Қўрқамен...

— Ёмонлиқ бўлмайди, жаноб, мен бормен...

— Сиз ҳам пайкандликлар томонига ўтиб кетдингизми?

— Бир сўз деёлмайман, жаноб. Илгари қандай бўлсам, ҳозир ҳам шундоқмен. Мен қари одаммен, қилич ушлолмаймен. Ҳар қалай наслу насабим беклардан... Мен ҳозир ҳеч кимга керак эмасмен. Юринг, жаноб, маликам хаста.

— Хўп, азизим. Сиз келибсиз, борамен. Оёғимни ерга теккизмай олиб кетишлари ҳам мумкин.

Табиб Шаҳобиддин Масъуд жаноблари эшакда, хизматкор пиёда, сарой то-

мон жадал кетишди. Дарбозага етмасданоқ бир неча навкарлар қаёққа ва нима иш билан кетаётганликларини суриштирдилар.

Кекса табиб етиб келгач, Мисқол бека уни Шоҳсанам хонасига олиб кирди. Лекин шу лаҳза Шоҳсанам хизматкор аёлга чиқиб кетишни буюрди. У чиқиб кетмай, сурбет бўлиб турган эди, Шоҳсанам ўрнидан туриб бориб, пешмати ёнидан кичик, ярқираган яна бир ханжарни суғуриб олиб, аёл томон юрди. У эсанкираб, нима қиларини билмай эшик томон қоча бошлади.

— Сен жосусни шу ерда ўлдирамен! Қўрқадиган жойим йўқ! Сенинг янги ҳокимингга п... кўямен! Эшик орқасида туриб, гапимни эшитар экансен, югуриб чиқиб, биқинингга ханжар урамен! Мен табиб ҳазратлари билан гаплашамен! Мен бу зот билан тахтни қайтариб олиш хусусида гаплашаётганим йўқ-ку, ярамас хотун!

Мисқол бека бу гапларни эшитиб, қўрққанидан ҳовлига чиқиб кетди. Бунда ўтирган хизматкор чолга титраб гап қотди. Шоҳсанам жосуснинг таъзирини берганини пайқаган табиб илтифот кўрсатди.

— Табиб ҳазратлари, мен хаста эмасмен,

— Лаббай, малика?

— Менга жуда ўткир заҳар беринг,— Шоҳсанам табиб олдига қўлидаги ғоят қимматбаҳо гавҳар нигинини қўйди.

— Бу нима деганингиз? Ё, алҳазар!

— Сизни қайнотам, буюк Хоразмшоҳ ғоятда ҳурмат қилганлар. Подшоҳ ҳазратлари, улуғ малика ҳам сиз ҳақингизда яхши гаплар айтганларини тинглаганмен. Агар сиз чинакам тахт эгасига, илгариги салтанатга садоқатли бўлсангиз, менга бир лаҳзада ўлдирадиган кучли заҳар олиб келиб беринг! Иложи бўлса шу бугун! Мабодо янги ҳоким — қони бузуқ амаким, бир ёмон ният билан иш тутмоқчи бўлса, заҳарни ичамен... Сиз менга заҳар келтириб берганингизни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Саройда бундай нарса борлигини фақат подшоҳ ҳазратлари билардилар. Мен тополмадим. Сиз менинг сотқин бўлишимни, Хоразм қизининг беномус бўлишини истамайсиз-ку.

— Узукни олмаймен, лекин заҳарни олиб келиб берамен... Бу ишим учун Аллоҳ олдида гуноҳкор бўламен.

— Аллоҳ ўзи кечирсин! Начора!

— Отангиз буюк шоҳ Ануштакин Гарчоий ҳазрати олийлари авлоди, амир, Гурланнинг номдор беги. Наслу насабингиз юксак, баҳодир авлодисиз. Нечун ўз жонингизга қасд қиладурсиз, маликам?

— Эҳтимол, заҳар даркор бўлмас, подшоҳу амирим етиб келиб, Гурганжни озод этар? Оллоҳга ёлворамен... Эй, муҳтарам табиб, эҳтимол, яна илгариги шаън-шавкатимиз қайтар, Хоразм тупроғи нопоклар оёғи остида қолмас! Оллоҳга сиғинамен. Тонг отгунча бир минг бир маротаба Қуръони каримдан «Ёсин» сурасини ўқидим. Оллоҳга ёлвордим...

— Иншоолло!— табиб Шоҳсанам билагини олиб, томир ушлади, тилини кўрсатишни сўради. Шоҳсанам атайин бир-икки ўхчиди.

Дарҳақиқат, жосус аёл секин оёқ учида юриб, эшик орқасига келиб турган эди.

— Малика, мен эртага яна келиб кўрамен,— деди овозини баландроқ кўтариб табиб,— дардингиз анча оғир. Тезда бунинг олдини олмоқ даркор.

Табиб чиқиб кетди. Шоҳсанам гилам устидаги гавҳар узугини қайтадан бармоғига тақиб олди.

Эртасига кекса табиб келиб, Шоҳсанам томирини ушлади. Қоғозга ўроғлик заҳарни берди. Бармоғидаги гавҳар кўзлик узугини табибга узатди: «Олинг, йўқса, ризо бўлмаймен», деди Шоҳсанам. Табиб узукни олиб, чўнтагига солди. У ниманидир ўйлади чоғи, кейин хайр-хўшлашиб, ўрнидан турди-да, ташқарига чиқа туриб, Шоҳсанамни дуо қилди:

— Э, худо, меҳрибон маликам дардига шифо бер. Э, худо! «Дорини» ичманг! Ёлворамен!

Табиб Шамсиддин Масъуд хомуш бир кайфиятда саройдан чиқиб кетди. Эҳтимол, Хоразмни, Ватаним шаън-шавкати, ор-номусини сақлаб қолиш учун бу даводир, деди ўзига ўзи.



Малика Шоҳсанам зиндондан қутқарилиб, ўн чоғли сардорлар ҳам озод этилиб, шитоб билан йўлга тушган мўрдак арава далама-дала жадал борарди. Тонг ғира-ширасида Гурганждан чиқиб, ҳеч қаёққа бурилмай катта йўлда қалдираб, шитоб билан кетаётган арава Гурланга икки-уч фарсанг қолганда йўл устида тўхтади. Арава ёнида қилич яланғочлаб отда кетаётган амир Алп Арслон дарҳол аравакаш — сарбоз йигитга «Нима гап?» дегандай боқди. Сарбоз ҳам қилич осиб олган эди.. Орқароқда оти белини букиб келаётган давангир Муҳаммад Али ал-Мисрий ҳам от жоловини тортиб тўхтади.

— Малика безовта бўлаётирлар,— деди аравага қўшилган от устидаги сарбоз,— сув-сув, деган овозни эшитаётирман. Шу сабабдан тўхтадим.

Амир дарҳол отининг бошини буриб, арава ёнига келди-да, орқадаги пардани кўтариб, Шоҳсанамга мурожаат этди:

— Маликам, бир нима тилайсизми? Сув дедингизми?

— Амир ҳазратлари, мен ортиқ боролмайман... Юрагим куядир. Ҳушим ўзимда эмас. Дунё чарх айланиб кетаётир. Томоғим қақраб кетди... Мен Гурланга етиб боролмаймен...

— Ё, алҳазар!— деди амир дарҳол ёнига ал-Мисрийни чорлаб.— Сув келтир! Маликам чанқаган. Беҳузур бўлмоқда... Сув келтир!— У ал-Мисрийга қаради.— Югур, анави қишлоққа бор! Қайнаган сув, совуқ сув... барибир! Тез бор, паҳлавоним!

Шоҳсанам беҳол ётар, баъзан тўлғанар, инграр, оҳ урар, лаблари қуриб, кўкариб энтикарди. Бу амирнинг капалагини учириб юборди. Икки ҳафта зиндонда ётмоқ осонми?

Шу лаҳзанинг ўзидаёқ ал-Мисрий от чоптириб, узоқдаги қишлоққа югурди. Амир нима қилишини билмасди, малика билан гаплашмоқ, уни чарчатмоқни лозим топмасди. Унинг ёнига ўтиб гапга солмоқни ўзига эп кўрмасди. Номаҳрам ёнига ўтмоқ, қўлини ушламоққа шариат йўл бермайди!

Беҳол ётган Шоҳсанам барча истехзоларни фаҳм ётар, амирнинг ниҳоятда одобли, шариат йўлини бузмаслигини ҳам биларди. Лекин юракда аланга олиб, туғён ураётган муҳаббат ҳамма қоида «қўрғонларини» бузиб юборишга қодир! Унсиз бир нидо Шоҳсанам юрагидан фавворадек отиларди. Лекин зиндон захи жонини суғириб олгани ва бунинг устига араванинг қалдир-қулдури юракни бетоқат қилиб, ҳозироқ жони узилишини сезиб турган Шоҳсанам арава тўхтаганидан фойдаланиб, ётган ерида бош кўтарди:

— Амир ҳазратлари!

— Лаббай!

— Отдан тушиб, менинг ёнимга чиқинг!

— Ҳўп бўлади.

— Бир табиб сифатида чиқинг. Ахир табиблар номаҳрам ёнига кирадилар-ку. Шариат бунга йўл беради. Сиз менинг ҳам табибим, ҳам халоскорим-сиз. Тортинмай ёнимга келинг! Йўлдошларингиз менинг аҳволимни қўриб турибдилар-ку! Агар кўнгилларига бир нима келса, айтинг, ёмонлуқни ўйла-масунлар. Менинг умрим тугамоқда. Сиз ҳазратнинг қўлингизда жон берсам, дейман. Келинг, тез келинг!

Амир Алп Арслоннинг юраги шиғиллаб кетди, шу лаҳза отдан сакраб тушиб, жоловини йўлдошларидан бирига тутқазди-да, ўзи лип этиб арава ичига кирди. Беҳол ётган Шоҳсанамнинг бошини тиззасига олди. Қўлларидан ушлади, дарҳақиқат, табиблардек билагини ушлаб, томир уришини кўрди. Бармоқлари совиган... Ташналик, сарой жаннатиде яшаган бу фариштаннинг зах ертўла — зиндонга тушиб қолиши бир ҳафта ичидаёқ куч-қувватини сўриб олган эди. Унинг жонидан умиди йўқ, мабодо Йўсифшоҳ одамлари кўриб қолгудай бўлса, нимча чўнтагидаги заҳарни оғзига тўкиб, зиндонда ҳалок бўлишни мўлжаллаб ётган эди.

Амир Алп Арслон Шоҳсанам пешонасига кафтини босди, дарҳақиқат, иссиқлик ўрнини совуқлик босган... У қўлини олаётган эди, Шоҳсанам амир кафти устидан ўз кафтини босиб, секин: «Ҳазрат, пешонамдан қўлингизни

олманг. Онажоним шундай қилар эдилар, мен ўшанда тузалиб кетардим...» деди.

— Хўп, маликам,— у анча вақтгача Шоҳсанамнинг гўзал пешонасига йўғон ва қадоқ кафтини босиб турди. Кейин сочларини, икки қалдирғоч қошларини ҳам силаб қўйди. «Табиб сифатида» пешонасидан ўпди. Бу эркалаш Шоҳсанамга ёқдими, унинг лабларида табассум аломатлари пайдо бўлди. Тирилаётгандай бўлди.

Шу лаҳза ал-Мисрий от чоптириб, далалардан далаларга ўтиб, ўқдек учиб келди. У қўлидаги хумчани узатди, унда булоқ суви бор эди. Ундан сўнг дарҳол бир хурмача қатиқни ҳам узатди, бир сиқим тўғралган пиёзни ҳам.

— Амир ҳазратлари, аввал қатиқни ҳўплатар экансиз. Пиёзни ҳам чайнаб ютсунлар. Менга буни берган хонадон эгаси шундай деб тайинлади. Мен ул кишига зиндондан одам олиб келаётирмиз, дедим. У муҳтарам зот бу гапни эшитганч, бир қўлтум сув ичиринг, сўнгра хурмачадаги қатиқдан, сўнг пиёз беринг, дедилар. Иложи бўлса, сувдан кўра ҳам қатиқни ичиринглар, деди. Қатиқ инсон вужудидаги барча иллатни йўқотади, қатиғу пиёз бебаҳо дори дедилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, маликага қатиқ ҳўплатиш керакдир.

— Сенга ташаккур, паҳлавон! Сен инимдан ҳам аълосан!— деди амир, кўрпачага тўкилганига ҳам эътибор бермай, Шоҳсанамга қатиқ ҳўплатаркан. Ундан сўнг, ёнидаги ханжарини суғуриб, тезда пиёзни арчиб, тўғраб, Шоҳсанамга едирди. У ижирғаниб, пиёзни ёқтирмаслигини айтганига қарамай, оғзига тикди. Устидан яна қатиқ ҳўплаттирди.

Бир муддатдан сўнг, ал-Мисрий ва от устида ўтирган йигитларга атроф-жавонибдан кўз узмасликни, мабодо отлиқлар кўриниб қолса, жангга тайёр туришни буюрди.

То Шоҳсанам ўзига келгунча аравани юргизишга рухсат этмади. Бир до-нишманд табибнинг, киши беҳол бўлганида, дарҳақиқат қатиқ ичиришни таъкидлаганини эслади. Пиёз ҳушга келтиришини биларди. У ора-чора арчилган пиёзни Шоҳсанам бурнига ҳам суркаб, ҳушига келтиришга уринарди.

— Жаноб, сиз нима қилаётирсиз?— деди кулиб беҳол Шоҳсанам, иссиғи чиқиб турганига қарамай,— мен пиёзни жуда ёмон кўрамен!

— Ҳозир ёмон кўрамен, яхши кўрамен, дейдиган пайт эмас, маликам! Сизнинг саломатлигингиз ҳамма нарсадан муҳим! Инжиқлик қилмай, айтганим-ни қилинг! Қатиқдан яна ҳўпланг!

— Хўп.

— Чанқов бироз тўхтадимми?

— Ҳа.

— Яна ҳўпланг.

— Йўқ.

— Илтимос қиламен, ҳўпланг!

— Хўп,— у ёш гўдакдек инжиқлик қилар, эркаланар эди.— Амир ҳазратлари, мени бу кўрпачадан тиззангизга олинг, бир табиб сифатида. Арава юриши билан юрак безовта бўлади.

— Хўп,— амир Шоҳсанамни кўрпачадан кўтариб, ўтирган жойида тиззалари устига олди. Оҳиста қучди. Араванинг олдидаги пардани қия очиб, аравакашга: «Ҳайда! Кетдик!» деди. Арава қалдираса-да, амир бағридаги Шоҳсанам унча беҳузур бўлмади. Бу ҳолга кўзи тушган ал-Мисрий дарҳол юзини ўгириб, отига қамчи босиб, олдинга ўтиб кетди. Беҳол маликани то Гурланга қадар шундоқ олиб бормаса, арава қалдир-қулдурида жони узилишига кўзи етди. Зарурат туғилганида номаҳрамга бундай илтифот — ёрдам этилишига шариат йўл беради, деб ўйлади. Шоҳсанам амир қучоғида беозор борарди. Лекин улар ломим дейишмасди. Шоҳсанам она қучоғида кетаётгандек эди. Нафаслари нафасларига пайваст эди.

Аммо шариат қоидалари бузилди, бир муддатдан сўнг амир Шоҳсанамнинг қош-кўзларидан ўпиб, эркалаб, бағрига босди. Худди шундай эҳтирос билан Шоҳсанам ҳам унинг бўйнидан қучди. Улик танда жон пайдо бўлди.

Арава Гурланга яқинлашганда амир Шоҳсанамга мурожаат этди:

— Бироз тузукмисен?

— Тузукмен.

— Қатиқ ичирайми?

— Ҳазрат, Гурланга етиб қолдикми?  
— Озгина қолди.  
— Унда мени кўрпачага ётқизиб қўйинг. Худо гуноҳимни кечирсин.  
— Маликам...  
— Энди ўлсам армоним йўқ...  
— Ундай дема. Мен сени жонимдан ортиқ севаман. Жасоратли бўлмоқ лозим. Сен от миниб, Хоразм салтанати учун жангга кирган ёлғиз аёлсен, жасоратли бўл!

— Мен салтанатдан кўра ҳам сиз ҳазратнинг ёнингизда бўлишни, ҳимоя қилишни, енгилсак бирга ҳалок бўлишни кўзлаб жангга кирганмен. Ғолиб чиқсак, бирга ғолиб чиқишни умид қилдим. Баъзиларнинг жангдан қочишини билардим...

Улар икковлари бир лаҳза жим бўлиб қолишди. Мўрдак арава ва беш қуролланган суворий кенг дала ўртасидаги йўлда Гурлан томон жадаллик билан боришарди.

Куннинг ўрталарида улар Гурланга кириб келишди. Қалъадан анча берироқда, йўлнинг икки томонидаги пистирмаларда яшириниб, туну кун кўриқчилик қилаётган пиёдалар кўзи араваю отлиқларга тушди. Паналикдан от суриб, отилиб чиққан суворий-элликбоши (амир кўшинидаги энг зўр сарбозлардан Отажон Бўтакўз келиб, амир ҳазратларига таъзим этди; бу ишлардан хабардор эди, лашкарбошини қутлади. Агар улар яна бир кун кечикканларида Бўтакўз элликбоши ўзининг гала сарбозлари билан ярим тунда орқама-орқа бориб, зиндон атрофидаги ясовулларни чолиб, маликани, бошқа сардорларни қутқариб келишга шоҳ фармонини олган эди. Аммо ўз сарбози билан қўл олишиб, омонлашди. Оллоҳга шукр, бу ишда Оллоҳнинг ўзи ёр бўлди, деб от устида юзларига фотиҳа тортдилар.

Сарбоз Бўтакўз уларни Гурлан дарбозасигача кузатиб, яна орқасига қайтди. Арава ва отлиқлар қалъа беги ҳовлисига кирди. Атрофи девор билан ўралган бу кўркам ҳовлида Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Отсиз ўз аҳли оиласи билан истиқомат қиларди. Қалъа ичидаги бошқа номдор кишилар ҳовлиларида ҳам подшоҳга содиқ бир неча мансабдорлар истиқомат қилишарди. Мўрдак арава дарбоза олдида тўхтади, ичкаридан чиққан хизматкор хотинлар курси олиб чиқиб, малика Шоҳсанамни эҳтиёткорлик билан аравадан тушириб, ичкарига олиб кирдилар. Илиқ сув келтирдилар. Маликанинг юз-кўзини ювишди, кийим-кечакларини ечиб олиб, ўзга либос кийгазишди. Илиқ сувга оёқларини солишди, ювишди... Яна пиёз тўғралган бир коса қатиқ олиб кириб, зўрлаб ичиришди. У «якши ҳамки, улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино, мен ўлсам, бу дунёда қатиқ қолади-ку, қатиқни ичаберинглар, деган эканлар. Қатиқ ичабериб юрагим тўлиб кетди-ку», деб куларди.

Шоҳсанам зиндондан қутқарилиб, йўлга чиққани хабари аллақачон шоҳга, шаҳзода Сулаймоншоҳга етиб, «аркони давлат» тинчиган эди. Бир муддатдан сўнг Шоҳсанам мурғ шўрва ичиб, бироз ўзига келди. Сочларини сандал ёғочидан ясалган тароқларда тараб, олтин ва зумрад тақинчоқларини тақиб, либосларига атру ифор сепиб, беҳоллигига қарамай, анча ўзига пардоз бериб, парёстиқларда ётди. Унинг хонасига подшоҳ, улуғ малика Суюк хотун, шаҳзода Сулаймоншоҳ кириб келишди. Хона даҳлизиде шаҳзода виқор билан ўз онасига (Шоҳсанамга ишора қилиб) «Аёл киши отга миниб, қилич ушлаши тўғри эмас-да! Мана, қанча овораю сарсонлик...», деди. Бу гап отага ҳам, онага ҳам унча ёқмади, улар индашмади. «Сен ўзинг нега Гурганжни ташлаб, бунда келдинг? Хотинчалик ҳам бўлмадинг, қўлингга қилич тутмадинг?» деган гап ота юрагидан ўтди. Лекин шу иш бўлганида ўғлининг мўри-малаҳдек ёпирилиб келган пайкандликлар оёғи остида қолиб, ҳалок бўлишини ҳам кўз олдида келтирди.

Авал шоҳ ҳазрати олийлари, ундан сўнг малика ва шаҳзода Шоҳсанам ёнига киришди. Шоҳсанам дарҳол ўрнидан туриб, Олий ҳазратга салом берди. Ҳазрат қўли билан ишора қилиб, унинг жойида ўтираберишини сўради.

— Ассалому алайкум, Ҳазрати олийлари,— ўрнидан туриб, бош эгди Шоҳсанам.

— Ваалайкум ассалом!— деди подшоҳ, тайёрланган курсига ўтириб.— Қизим, кўргулик экан, анча азоб чекдинг... Қани (подшоҳ, малика, шаҳзода ва

Шоҳсанам қўлларини фотиҳага очдилар), бисмиллоҳир раҳмонир раҳим...

Дуодан сўнг подшоҳ келинига савол тариқасида бир неча гап айтди:

— Қизим, табиб чақиртирдик. Иншоолло, тузалиб кетасан. Худо хоҳласа, ғанимлардан пойтахтни озод этамиз, ҳақ йўлига қарор топади!

— Айтганингиз келсин, улуғ ҳазрат! Сиз салтанатимиз отасисиз, пушти паноҳимизсиз, Оллоҳдан сиҳат-саломатлик тилаймен, Хоразм ерларидан ёмонлар ҳайдаб чиқарилишига ишонамен. Доимо сизга Худо ёр бўлсин!

Подшоҳ Шоҳсанам билан илиқ хайр-хўшлашиб чиқиб кетгач, қайнонаси — улуғ малика ҳам келини пешонасини ушлаб, силаб, дуо қилди. Унинг ёнида эри — шаҳзода Сулаймоншоҳ мўлжайиб, ёлғиз қолди.

— Номард амаким сени зиндонга ташладими? Қандай ярамас инсон! Унинг қони бузуқ, у тарсо хотиндан бўлган... Унинг ёмонлиғи ёшлигидан маълум эди... Ахлоқи бузуқлигини билган бувам — Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳазрати олийлари унга салтанатни қолдириб бўлмаслигини билганлар. Зиндондаги зах ертўлага жосуслар, хоинлар ташланарди, сен ўша ерда ётдингми?

Шоҳсанам эрининг бу гапларига тамоман оғзи очилиб қолди. У ҳатто ўпиш у ёқда турсин, қўлини ушлашга ҳам йиргангандек бўлди. Совуқ юзига тикилиб туриб, тасдиқ ишорасини қилди. Эҳтирослар, ширин сўзлар йўқ, муҳаббат йўқ, совуқ бир ҳайкал, тошга ўхшаб кўринди. Бу мижғов шаҳзодага қандай қилиб текканини ўзи ҳам билмасди. «Сўлжайган ўғлига Хоразмнинг энг гўзал қизини олиб берган...»

— Майли, тузалиб ол, кейин гаплашамиз,— деди Сулаймоншоҳ хайрлашиб, ташқарига чиқиб кетаркан. У яна қайрилиб, Шоҳсанамга боқди,— ҳозир табиб келиб қолади. Эҳтимол, келиб айвонда ўтиргандир?— У чиқиб кетди.

Эрининг совуқ муомаласи юрагига ханжардек ботди. Унинг кўнгли беҳузур бўла бошлади, тезроқ ўша табибнинг келишини истади.

Наҳотки эр бўлиб, жуда бўлмаганда қўлидан ушламаса! Жуда бўлмаганда қайнонасичалик пешонасига кафтини босмаса! Ундан иргангандек узоқроқда туриб гаплашгани, ўша зах зиндонни эслатгани ақлан заифлигиданмикан ёки амир билан ораларидаги муҳаббатни сезиб қолдимикан? Шоҳсанам хаёлу изтироблар қуршовида қолди. У эридан норизо — ҳали шу маҳалгача қучмагани, ўпмагани... бир томон, айни вақтда унинг олдида ўзини гуноҳкор одамдек ҳис этиб, хижолат тортарди. Бир ёстиққа бош қўйган кимса, наҳотки ўшандай жойдан соғ-саломат келсаю навозиш этмаса? Кўнгул учун ҳам...

Шоҳсанамнинг юраги сиқилди. Оҳ уриб, ёстиққа бош қўйди. Шу лаҳза, дарҳақиқат, айвонда кутиб турган табиб ва яна бир хизматкор хотин унинг ёнига югуриб киришди..


Ҳовлида шоҳ билан амир бақамти суҳбатлашишарди:

— Жулдур девона қиёфасида бордим. Улуғ ҳазрат, шу одамнинг тарихидан хабардормисиз?

— Ҳа,— деди шоҳ, бироз хаёлга кетиб,— хабарим бор. Уни Мажнун дейдилар. Қисмати оғир бўлган. Анави ярамас ад-Давлага икки бор фармон этиб, уни ватанлик қилиб қўйинг, кийим-кечак бериб, кўмак этинг, дедим. Икки бор ҳам бизнинг ионани қабул қилмабди. Узга бева-бечораларга бериб юборибди. У ғаройиб инсон. Келинимни қутқариб келганингиз, мардлигингизга тасанно айтаман, ташаккуримни қабул қилинг, амир ҳазратлари! Юртни босқинчидан озод этгач, иншоолло, ҳурматингиз яна ҳам ошур.

Доимо Оллоҳ ёр бўлсин!

1993 йил, Тошкент



Фулом Мирзо

## СЕНИ КУТЯПМАН...

\* \* \*

Ботаётган кундек қайғули,  
Ботаётган кун каби қайтмас,  
Кетиб бораётир суйгилим,  
Наҳот ишқ абас? Ишқ абас?! Ишқ абас?!

Тўхта,  
Ботаётган кун мисол  
Шафақ кунда қўяр бошимга,  
Тўхта,  
Уч кун чархланган ҳилол  
Ўткирроқ бўлгайми қошингдан?!

Кетдинг,  
Қорачиғим қадар кичрайди  
Қоронғулик ичра коинот.  
Энди,  
Юлдуз-юлдуз бўлиб сачрайди —  
Хотирот, хотирот, хотирот!

Фалак,  
Нега бунча ўзгарди рангинг?  
Юрак —  
Ботаётган кун каби ғамгин.  
Демак,

Куним тугабди демак,  
Демак, тамоm бўлибди эртак,  
Мангу...

\* \* \*

Қадинг нечук ниҳолдур,  
Юзимга соя солди?  
Хаёлимга қабодек  
Ёдинг кийилиб қолди.

Сочилур севгим сабил,  
Кокилинг не шамолдур?  
Осилиб сарғарди дил,  
Қадинг нечук ниҳолдур?

Юзинг — олма, лаб — олу,  
Қабоқ — бодом мисолдур.  
Қароқларинг — қаролу,  
Қадинг нечук ниҳолдур?

Кўзим ёшдан кўл бўлди,  
Ҳар киприк битта солдур.  
На бир баргинг ҳўл бўлди,  
Қадинг нечук ниҳолдур?

Рух ҳам гулдек сўлурму  
Агар қотил висолдур?  
Ўлсам тобут бўлурму,  
Қадинг нечук ниҳолдур?!.

\* \* \*

Мени қўйвормас Қарши,  
Осмон чекар фироғлар.  
Арқони аршин-аршин  
Ёмғир йўлимни боғлар.

Мени қўйвормас Қарши,  
Шоҳбекатларда ҳориб,  
Айрилиқларни ташир  
Булултарнинг қатори.

Қирқмиш йўл тасмасини  
Учоқ — занглаган қайчи.  
Кўнглимдай синиб-синиб  
Бошимдан ёғар Қарши...

## Елғизлик. Кун тартиби

Авалло соғиниш афтода.  
Кейин... кейин тақвимни йиртиш.  
Сўнг (зарур топсангиз мабодо,) —  
Чой дамлаш ва ... совиғач... тукиш.

Итоат этмоқлик тоқатга  
Ва ақлдан озган соатга  
Ақлдан озгунча ўргатмоқлик тил:  
— «Чиқ» эмас, «Кел», «Кел», «Кел»...

## Марсия

Япроқдай умрлар узилар — ерда,  
Осмонда — офтобнинг униққан расми.  
— Дарак бўлмайд қолди нечук шоирдан?—  
Йўллар соғинади Чори Авазни.

Қорпарчалар учар елда айланиб,  
Ҳар бири — бегуноҳ бир руҳнинг вазни.  
— Қади шамшод ўшал навқирон қани?—  
Еллар соғинади Чори Авазни.

Ҳасратлар чиқади куртакларидан,  
Фурқатлар чекади тайрлар базми.  
Шудринглар томчилар гулбаргларидан  
Гуллар соғинади Чори Авазни.

Йиллар соғинади Чори Авазни...

## Учликлар

Узв-узвидан узилди у-м-и-д.  
Айрилиқ шу қадар  
чўзилди.

\* \* \*

...Овутади шишада чоғир...  
...Аллалайди бешикдаги сас...  
...Ишқ — маст. Ишқ — сағир...

\* \* \*

Тонг. Лифтларда қамалиб қолар —  
уйқусираб боғчага кетган  
болаларнинг сарсон тушлари.

\* \* \*  
Машшота Тун  
бунча ясантирибди Ойни?!  
Ёдга тушди ойдек Олисим!

\* \* \*  
Шикан-шикан кишандай —  
шалдирар шабистонда  
шажар шигуфалари.

\* \* \*  
Ошиқона сўзлай бошласам,  
сочларингни силайсан сархуш,  
менинг қўлларимнинг номидан.

\* \* \*  
Қизғалдоқнинг синиғи  
кесиб кетган дилимга  
Тиллақўнғизлар қўнар.

\* \* \*  
Тўнка —  
ўзим яратиб,  
ўзим азобланган хотира.

\* \* \*  
Бир қопқоқ осмонни  
юлдузлардан қарз олди  
қудук.

\* \* \*  
Ёмғир сутумларин қучиб ўйлайман:  
— Шу зангори ҳубобдан ўзга  
холисроқ бир бошпанам борми?!

\* \* \*  
Туман қоплаётир борлиқни,  
қопига  
фақат мен сиғмайман.

### Тилак Жўрага

\* \* \*  
Тонг сахар.  
Чойнақлардек чумдугин чўзиб,  
кабутарлар кимга термулар?!

\* \* \*  
Ёмғир  
минглаб игнада қавир  
ер кўрпасини.

\* \* \*  
Човгумни теракнинг учига осиб,  
сени кутяпман.  
Қуёш ўчиб борар човгум остида.

\* \* \*  
Қўрқув туғилмайди.  
У одамни туғар  
қайтадан.

\* \* \*  
Дунё — шаппар.  
Олти қирраси  
биратўла тушар бошингдан.


\* \* \*  
Хаёлпарастроқ эди, холос.  
Остонаси ўт босган эшикни тортса,  
одамлар жиннига йўйишди уни.

\* \* \*  
Мўрикаш  
шоҳ бўлгани дам,  
қора ёғади қор ҳам.

\* \* \*  
Сенсиз  
бир кам дунё  
менга ортиқча.

\* \* \*  
Ёлғизлик қилдингни,  
ҳаво етмадимми,  
кўнгул ҳовузида ўлаётган севгим?!





Иброҳим Раҳим

# ИШБИЛАРМОН ҚИСМАТИ

**К**

увада бир ажойиб одвм бор. Андак оқсоқланиб, ҳасссага таяниб юради. Унинг бировга олайиб қарагани ёки дағдаға билан гапирганини кўрмайсиз. Бу одамни Қувада ҳамма танийди, вилоятда ҳам билганлар кўп. Бу сипо киши ҳақида антиқа гаплар эшитганман: «Утирган жойида иш юритиб, кесакдан олов, сувдан аланга чиқаради.

Иуқни йўндиради, аммо борни йўқ қилганини билмаймиз». «Бир қўлида товўққа дон бериб, иккинчи қўлида тухумини олади-да, фойдасига сотади». «Кўчада ўтиб бораётган кимсанинг қадам ташлашига қараб, белида неча сўм пули борлигини билади» ва ҳоказо.

Бу гапларга дам ишониб, дам ишонмай юрардим. Яқинда Фарғонага йўлим тушганида қувалик қадрдоним, замонавий деҳқончиликнинг устаси Мусажон Шербўтаев билан учрашиб, шу ҳақда сўз юритдим.

У:

— Иброҳимжон Каримовни сўраяспизми?...— деди.— Яхши биламан уни. Бу киши ҳозирги ишбилармонларнинг отаси бўладилар. Кўрган кўргиликлари-ю, тортган азоб-уқубатлари ҳам бир дунё! Асли жамият тегирмонини ана шундай кишилар юргиза олади. Уларнинг даври мана энди келди... Сиз унинг қўнига қўл солиб кўринг, ичи тўла гап.

Шу даъват баҳона бўлдию мен Қува матлубот жамиятининг раиси Иброҳимжон Каримов билан бир учрашиб, суҳбатлашишга аҳд қилдим.

Унинг идораси Қува шаҳри маркази билан темирйўл бекати ўртасида, тош йўл бўйидаги майдонга қошона қилиб қурилган. Узоқдан худди денгиздаги кемадай кўринади. Олди гулзор, орқаси пахтазор.

Дарвоза олдида беқасам тўн, марғилон дўппи, хиром этик кийган йигит икки қўли кўксига табассум билан келди-кетдига парвона. У менга ҳам таъзим бажо қилиб, «хўжаси» ҳузурига бошлаб кирди.

Раиснинг хонасида юмуш билан келган одамлар анча эди. Аммо у ерда ҳеч қандай гап-сўзсиз иш битаяпти. Қоғоз узатилади. Қўл қўйилади.

Хонага ёшгина, келишган, башанг йигит кирдию қўл қовуштирди. Раис «бўпти» деди. Шу билан бу йигитнинг ҳам иши битди. Нима иш, қандай ҳал қилиши — ўзлари билишади. Яна бир киши кирди-да, кўз уриштиргач, ниманидир кутиб жим турди. Бошлиқ жавоб ўрнига деразага қараб қўйди. Ҳалиги одам имо-ишоранинг маъносини тушунди шекилли, «раҳмат» айтиб, «хўжаси» ишора қилган томонга кетди. Телефондаги гапи ҳам қисқа: «Ҳа... йўқ...» «Кечроқ хабарлашайлик». «Ўзим кўнғироқ қиламан».

Дам олиш хонасини босиб ўтиб, мажлислар залига кирганимизда раис котибасига: «Биров сўраса мен хонамда ҳам, телефонда ҳам йўқман», деди. Ичидан қулфланган залда иккимиз қолдик.

— Шу ерда хотиржам гаплашайлик...

Каримов хона девори ёнига қатор териб қўйилган усталларнинг бирданига иккитасини банд қилиб, оқсоқ оёғини синоқта ҳассасига тиради. (У оғриқ оёғига дам бериш учун шундай қиларди). Бир қўлида дўпписини бошига қулайроқ ўрнаштириб босиб қўйди-да, майин овозда гапини бошлади:

— Ақлимни танибманки, тиним йўқ. Тинчлик йўқ. Ҳозир айниқса қийинлашиб кетди.

— Нега бундай деяспиз?

Суҳбатдошим қошини чимирди.

— Э, сиз, сўраманг, мен айтмайин. Айтсам адо бўлмайди...

Каримов бошидан дўпписини олиб ёнидаги усталга қўйди ва ҳали қоп-қора бўлса ҳам анача сийраклашиб қолган сочларини кафти билан силади. Уни тинглашга шай турганлигимга ишонгач, ҳикоясини бошлади.

— Одам боши тошдан қаттиқ деганларича бор экан. Уз қисматимда синадим бунни. Нималарни кўрмади бу бош... Аввало ота-онам ҳақида гапирай. Дадам камбағал бўлса ҳам уч хотин олган, шўхлигидан эмас, заруратдан уйланган. Аввалги икки хотини бевақт оламдан ўтгач, Тожбиби деган аёлга — менинг онамга уйланган. Отам эллик уч ёшга тўлиб, онам қирққа кирганларида — 1927 йилнинг қаттиқ қишда мен дунёга келибман. Уч ёшимда терлама дардига мубтало бўлибман. У вақтдаги тиббиётнинг аҳволини яхши биласиз, мени эзиб ички билан доволадилар. Шифо топмадим. Охири шол бўлиб қолдим. Улғайгач, бир оёғим тузалди-ю, иккинчисини ногирон бўлиб қолди.

**М**

актаб ёшига тўлган пайтларим ҳеч эсимдан чиқмайди. Тенгқурларим китоб, дафтар қўлтиқлаб мактабга қатнаптилар. Уларга ҳавасим келади, орқаларидан эргашаман, аммо юролмайман. Аҳийри дадам бечора кап-катта болани опичлаб мактабга олиб бориб, дарс тугагач, яна олиб келадиган бўлдилар. Кейинроқ



эшак сотиб олиб беришди, мактабга эшакда қатнай бошладим. Мактабда эшагимни синфхонам деразаси тагига боғлаб қўярдим. Шум болалар баъзан эшагимни ечиб юборишарди. Бир куни муаллим мени доскага чиқарган пайтда эшагимга қараёлмай қолдим. Доскадаги масалани ечиб бўлиб, ташқарига қарасам, эшагим йўқ. Уввос солиб йиғлаб юбордим. Болалар қийчувлашиб ҳар томонга югурдилар. Бир маҳал эшак топилди.

— Эшагинг бозорда юрган экан...— деди синфдошим Турсунчахон эгардан тушмай туриб. Турсунчахон бийрон ва шўх қизча эди. Эшагимни топиб берганидан кейин уни мингаштириб юрадиган бўлдим. Шу зайлда ўртамизда муҳаббат пайдо бўлди...

1943 йилда отам мени Хўжамберди этикдўзга шогирдликка бердилар. Хўжамберди этикдўз яхши уста бўлгани билан шогирдларга бепарво экан. Орадан бирмунча вақт ўтгач, отам буни пайқаб, «умринг бекор ўтаётган экан-ку», дедилар-да, мени бошқа устага — Ҳожимуҳаммад маҳсиддўзга топширдилар.

Ҳожимуҳаммад қаттиққўл, талабчан устоз эди. Бигизидан қон томар эди, десамо лоф эмас. У мени биринчи кунданоқ, этикдўзлар тили билан айтганда, қолипга солиб қўйди. Утир, деса ўтираман, тур, деса тураман. Тиккан чокларимни битталаб, синчиклаб кўриб чиқади. Чокингиз қийшиқ бўлса, тамом, балога қоласиз. У чақирса «лаббай», иш буорса «бажонидил», сўкса «қуллук» деб турардим. Бир кун тиккан маҳсимнинг кўнжи билан юзимга урган. Чидашга мажбурман, қорин тўйғазиш керак. Мен тенги йигитлар ота бўла бошладилар. Уйла-ниш ниятим ҳам йўқ эмасди.

1945 йилнинг кузида, пишиқчилик пайтида бир амаллаб мени ҳам Турсунчахонга уйлантириб қўйдилар. Бехаҳд хурсандман. Иккинчи томондан, ташвиш кўпайди. Елкамга рўзгор хуржуни илинди-да! Сал ўтмай онам вафот этдилар. Елкамдаги хуржун яна оғирлашди. Онам раҳматли эпчил аёл эдилар. Дадамнинг топиб келганини тежаб сарфлаб, қора қозонимизни бир амаллаб қайнатиб турар эдилар. Онамнинг ўлиmidан кейин қозонимиз қайнамай қолди. Топган-тутганимизнинг асосий қисми тўйга кетган эди. Қолганини онамнинг таъзисига сарфладик. Бунинг устига, дадам ҳам бетоб бўлиб, ётиб қолдилар. Рўзгор ташвиши бир ўзимга қолди. Болали опам, сингилларим, кекса бувим — оиламиздагиларнинг ҳаммаси менга қарам. Урушдан кейинги нон десангиз кесак ғувиллайдиган оғир йиллар. Кўп ўтмай отам ҳам вафот этди. Моддий аҳволимиз баттар ёмонлашди.

Аммо дунё фақат бағри тошлардан иборат эмас экан, раҳмдиллар ҳам бор экан. Оҳим худога етдими, бир раҳмдил одамни учратдим.

Қуванинг биқинида Қалинпўстин деган маҳалла бор. Шу маҳаллада Мамадали кулолчи исмли одам яшарди. У раҳматли дадамни танир эди. Айтишларича, дадам билан борди-келди-си ҳам йўқ эди, улфатчилик ҳам қилган эмас, аммо бир вақтлар кулолчиларга қандайдир яхшилиги билан ёкиб қолган экан. Яхшилик биридан қайтмаса, биридан қайтади, деган нақл тўғри. Баногоҳ бизни Хизр йўқлагандай бўлди. Остонамиздан Мамадали кулолчи кириб келишини биз ана шундай баҳоладик.

— Олдимга туш, бўтам, ишимни сенга бераман, ўрнимга самовар қўясан. Нонинг бутун бўлади,— деди Мамадали кулолчи.

Бутун нон ҳақидаги гап кўзимни ўйнатди. Олдига тушиб Қалинпўстинга бордим. Жулдурвоқи кийим билан самовар қўйиб бўлармиди. Аввало насияга яқтак-лозим олиб беришди. Ҳафсала билан иш бошладим. Оқсоқлигим ҳам сезилмаётгандай, гўё оёғим олтига бўлиб қолгандай югуриб-елиб ишладим.

Қалинпўстин баҳаво, сўлим жой эмасми, чойхонаси ҳаммиша гавжум бўларди. Чунки Фарғонаю Марғилон, ҳатто Бағдоду Олтиариқ томондан Қува бозорига келувчилар ёки Андижону Ушга борадиган йўловчилар шу чойхонада тўхтаб ўтардилар. Баъзи кунлари чойхўрларга чой ташиб силлам қурир эди.



муман, савдода муомала маданияти, одамларнинг хоҳишини билиш, уларга мослашиш фазилатлари биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини кейинроқ тушундим. Лекин ўзимдаги бу фазилатларни самоварчилик пайтларимда шакллантирдим, десамо бўлади. Яхшилик яхши-да, айниқса хушмуомалалик. Мен шу хислатларим орқали мижозлар орттирдим, айримлари билан дўстлашиб кетдим. Чойхонада орттирган дўстларимдан бири ҳақида алоҳида лутф қилмоқчиман. Чунки у киши менинг тақдиримда муҳим ўрин тутган.

Кунларнинг бирида келишган бир киши чойхонага гердайиб кириб, кичик сўрига ўтирди. Мен ҳамма қатори уни ҳам хушфёъл кутиб олдим. Узи сўрамаса-да патнис тузаб, бир пиёла қаймоқ ҳам келтириб қўйдим. Чиройли чойнакка антиқа чой дамлаб, чиройли пиёла билан олдига қўйдим. У йигит менга бир қараб қўйди. Чойни ичиб бўлгач, пулини пиёлага ташлаб кетаверди.

Эртасига, индинига ҳам шу такрор бўлди. Менга бу одамнинг салобатли юриши, ўзини вазмин, сипо тутуши ёқди. Танишиб олдик, Фарғона вилоят маҳаллий саноат бошқармасида ишлар экан, Қува артелига раис бўлиб келибди.

Ўзини Эргаш Қурбонов деб таништирган шу киши бир куни чойхонага олти арава қовун юбориб, «пуллаб беринг», деди. Хизматимга янги юмуш қўшилди.

Умримда қовун сотмаганман, бу мен учун ҳали ўзлаштирилмаган ҳунар. Аммо дадам бетоб бўлиб ётган пайтда ҳовлимиздаги қандак ўриқни бозорга олиб борганим бор. Ушанда қовунфурушларнинг муомаласига озгина эътибор берганман. Мен ҳам ўшаларнинг ишини қилиб, қора толнинг тагига кўкат тўшаб, қовунларни чиройли қилиб тердим. Қовунлар шундай ажойиб эдики, ўтган-кетган йўловчи уларга қарамай ўтолмас, чойхўрлар ҳам кўз узолмасди. Қовунга харидор келса, югуриб олдига борардим:

— Марҳамат, танлаганингизни олинг, ҳаммаси асалдай, шираси тилингизни ёради.

Харидор танлаган қовунини икки қўллаб салмоқлаб:

— Неча пул!— деб сўради.

— Берганингизни беринг.

Инсофли кишилар мени ранжитмас эдилар.

Қовунларни хўжайин мўлжаллаганидан кўра кўпроққа пуллабман шекилли, Эргаш ака сотувдан

тушган ақчаларни санаб олиб, эллик сўмини менга берди. Эллик сўм ўша даврда катта пул бўлмаса-да, мен учун бир одам бойлик эди.

Эргаш ака тадбиркор одам экан, пулимнинг ўттиз сўмига арзон нархда гўшт-ёғ, ун сотиб олиб берди. Қолган йигирма сўмига чит кўйлак сотиб олдим. Шу куни уйимизда байрам бўлиб кетди. Кейин яна етти-саккиз арава қовун сотдим.

Дастлабки муваффақиятим мени пул топишга рағбатлантирди, чойхонани тарк этдим. Негаки, кеча-кундуз тиним билмай югуриб-елиб, чойхўрларга пой-патак бўлиб, зўрға қорин тўйғазар эдим, савдодг эса қўлингга пул ўйнар экан. Пулни пулга уриштира билган киши бадавлат бўлиб кетиши ҳеч гап эмас экан...

Олди-сотдига мойиллигимни, шу соҳага озгина лаёқатим борлигини сезган Эргаш ака мени мева тайёрловчи вазифасига тайин қилди.

— Иброҳимжон, энди сен коммерсант бўлдинг,— деди у жилмайиб.— Юз сўмдан уч сўми ўзингники!

Қарабсизки, қишлоқма-қишлоқ юриб мева харид қила бошладим.

Авжи мева пишиги пайти эди, ишим юришиб кетди. Тайёрлаш режаси артелимиз бўйича бир неча баравар орттириб бажарилди. Ой охирида қўлимга теккан пулни кўриб қўрқиб кетдим. Тур-сунчахон ҳам хайрон бўлиб:

— Шунча пулни қаердан олдингиз?!— деди.

— Артелда меҳнат қилиб топдим.

— Ундай бўлса майли-я, ҳар бандага худо ҳалолдан берсин,— деди суюниб. Кейин қўшимча қилди:

— Бу пулингизнинг бир қисмига уст-бош олинг, кўча-кўйда юриб, катта-кичик билан муомала қиладиган одамсиз.

Турсунчахон айтганини қилдим. Шундан кейин каттароқ, серпулроқ ишни кўзладим. Бахтимданми, бахтсизлигимданми, менга саноат моллари магазинини топшириб қўйишди. Дўконга ўзим якка хўжайин бўлиб қолдим. Сотувчиси ҳам, мудир ҳам, экспедитор ҳам ўзим. Ошна-оғайниларим кўпайиб кетди. «Бер, бер», дегувчиларни айтмайсизми. Насияга олувчилар ҳам мендан қуруқ кетишмасди. Минг афсуски, у пайтда ҳали ёш, тажрибасиз эдим, «Ҳой бола, кўзингни оч!» дегувчи меҳрибоним бўлмади. Ҳаёт шундай экан, деб уйлабман. Бироқ бу эррайимлигим узокка бормади. Пешонам тақ этиб деворга урилди.



сми эсимда йўқ, фамилияси ёдимда — Ходич... Шу одам дўконимга келиб ҳужжатларни, дўкондаги жама пулни олди-да, калитни чўнтагига солиб, ишларимни тафтиш қила бошлади. Уч кунда дўконни алғов-далғов қилиб ташлади. Ходич илгари дўконимга келганида доимо ҳурмат қилар эдим, ундан ҳеч нарсани аямасдим. Одамни унга ишинг тушганда билар экансан. Ходич тил билмас, гап уқмас тунд одам бўлиб чиқди. На гап сўрайди, на сўзингга қулоқ солади, хуноб қилиб юборди.

Ниҳоят, унинг тили чиқди.

— Камомад!— деди у қовоғини қора булутдай осилтириб.

Товонимгача музлаб, пешонамга совуқ тер чиқди. Камомад мудҳиш гап. Камомад деб не-не савдо ходимларини хонавайрон қилишган.

— Қанақасига камомад бўлар экан, тушунтириб беринг!

— Ун беш минг сўми тезда келтириб берсанг бердинг, йўқса авахтага марш!— дейди занғар ўрсича ғужурлаб.

Худо урди сени, Иброҳим, дедим-да, идорама-идора югура бошладим. Ҳеч бир жойда арзимга қулоқ соладиган одамни топмадим. Менга «бер», деб очиқ таъмағир бўлганлар ҳам, «бериб юбор», деб амри фармон қилганлар ҳам, насиячилар ҳам сувга уриб кетишди.

Қовун сотган, мева тайёрлаган давримда қўлимга тушган чой чақалверим, дўконда ишлаб олган маошларим Ходич айтган камомадга гард ҳам бўлмасди. Ун беш минг айтмоққа осон, холос, тўламоққа эса дўзах!

Уйдаги бор бисотни пулладим. Жамлаганим камомадга «ямоқ» ҳам бўлмади.



айриятки, қариндошларим жонимга оро киришди. Ходичнинг тузоғига илинганимни эшитган уруғ-аймоғим кўнгил сўрагани келиши, қарзинми тўлашга ҳолиқудрат ҳисса қўшмоққа шошилишди. Кўплашиб қарзни уздик. Дўконни тарк этдим. Бироқ Ходичдан шундан кейин ҳам қутулмадим... У «атайлаб камомад қилган Каримов қамалиши керак», деган давво билан маъмурий идораларга хат ёза бошлади. Тергов беравериб тинкам қуриди, шукрки, авахтага тушмадим. Бу орада қарзим кўпайиб, оиланинг моддий аҳволи ниҳоятда танглашди. Шунда яна бир яхши одамга йўлиқдим.

Қувада кўрлар жамияти бор эди. Аминжон Отажонов ана шу жамиятнинг раиси эди. Уларга ҳеч ишим тушмаган. Аминжон Отажоновни ҳам кўрмаганман, таниш эмасман. У ёғини сўрасангиз, мен бу одамни излаганим ҳам йўқ. У кишининг ўзи мени излаб келди.

— Бежорчиликдан зериккандирсан, сенбоп иш бор,— деди бу меҳрибон одам.

Бу гапдан аввалига суюниб, кейин бироз ўйланиб қолдим.

Ўша пайтда ҳамма жойда бўлганидек, Қувада ҳам товарак атрофдаги кўзи ожиз кишиларнинг бошини қовуштириб, артель тузган эдилар. Бу ҳақда орқаваротда ҳар хил гаплар юрар эди. Баъзан «кўрларни эшакдай ишлатиб, ҳақ бермаяптилар, уларнинг нонини туя қиладиганлар бор экан», деган таъналар ҳам қулоғимга чалинган.

— Уларнинг яримта нонига мен ҳам шерик бўламанми?— дедим беихтиёр Аминжон акага.

— Балки уларнинг нони бутун бўлишига ёрдамнинг тегар, иккиланма, укам.

Не хаёллар билан бўлса-да, иш топилганига суюниб, артелга бордим. Номи «Кўрлар артели» бўлгани билан раҳбарлари кўзи очиқ одамлар экан.

— Сен артелимизга экспедитор бўласан. Ишчиларимиз тўқиётган арқонларни пуллаш қўлингдан келар эмиш.

— Ҳаракат қиламан.

— Олдиндан айтиб қўяй, катта боссанг катта оласан, яъни сотганинга қараб чақа оласан, шунини унутмагин.

Ожизлар арқон ўриш хўнанини яхши эгаллаб олишди. Автомат нимаю, уларнинг қўллари нима, бир ўтирганда қулоч-қулоч арқон тайёрлашарди, азаматлар. Омборга кириб ҳайрон бўлиб қолдим, ҳаммаёқ ердан шифтга етгудек қилиб тахланган арқон ўрамлари.

— Нега сотмадиларинг буларни?

— Бозори касод,— деди омборчи.

Мени ғам босди. Ҳақиқатда ҳам Қувада арқон бозори касод эди. Негаки, уруш вақтида аҳолининг боғлаб боқадиган қорамоли камайиб кетди. Кўплар сотиб юбордилар ёки сўйиб едилар. Урушдан кейинги йилларда эса пахта экиладиган майдонлар кенгайиб, яйловлар камайиб, аҳолининг мол боқиши қийинлашди.

Қисқаси, арқонни Қувада пуллаб бўлмади. Ташқаридан бозор қидирдим. Артелнинг бирдан-бир маҳсулоти арқон эди. У сотилмаса, ишчиларга маош ҳам бўлмайди. Шунинг учун ожизлар ҳам менга тинчлик бермас эдилар.

— Арқон сотилдими?

— Сотилади.

— Қачон сотилади? Маошни нега олаяпсан? Бир тишлам нонимизга шерик бўлгани келганми-сан ё?

Олдимда икки йўл бор эди: ёки бозори касод арқонни сотишим, ёки ариза бериб ишдан кетишим керак. Хизматни тарк этиш мен учун оғир эди. Аввало оз бўлса ҳам олиб турган маошимдан айриламан. Оч қолиш ҳеч гап эмас.



ундан кейин мен арқон учун бозор қидира бошладим. Икки юз кило арқонни эшакка ортиб, Ушга бордим. Уш — қадимий ўзбек шаҳри. У ерда ўзбеклар қадим-қадим замонлардан буён сигир-бузоқсиз яшамайдилар. Чорва бор жойда эса арқонга зарурат бўлади. Афсуски, Ушда ҳам арқонга эҳтиёж камайиб қолибди. Шундан кейин Қорасувга, ундан Аравонга ўтдим. Бу ерда бироз ишим юришди. Чаканалаб, газлаб, метрлаб сотдим, аммо ҳаммасини пуллаб олмадим. Қишлоқ матлубот жамияти билан олди-сотди шартномасини тузиб, муҳр бостириб Қувага қайтдим. Бошлиқларга сотиб улгурган арқонимнинг пулини, насияга бериладиган маҳсулот шартномасини топширдим. «Нега ҳаммасини пуллаб келмадинг?» деб уришармиканлар, деган хавфда эдим, ҳар қалай ундай қилмадилар.

— Бориға барака,— деди Отажонов.

Қўлларига оз бўлса-да нақд пул тушганидан ва бироз сабр қилишса, шартнома ақчаси ҳам униб қолишидан мамнун бўлган артель ишчилари орасида менга ишонч пайдо бўлди. Менга ҳам раис қатори салом бера бошладилар.

Ожиз кишиларнинг дуоси ижобатга ўтдими, кўп ўтмай ишим юришиб кетди. Улгуржи ва чакана савдодан артель катта даромад ола бошлади. Ишчилар ўртасидаги обрўйим ўсди, маошим эса икки ярим баравар ошди. Дастлаб ишга келганимда 70 сўм ойлик белгилашган эди. Бир йил ўтмай ўртача маошим 180 сўмга етди. Чўнтакка пул туша бошлагандан кейин чарчоқ ҳам тез тарқаб, кишининг бутун хаёли ишда бўлиб қолар экан. Раис ҳузурига янгидан-янги ташаббуслар билан кира бошладим.

— Бозорларда ҳозир супурги пул,— дедим бир куни Отажоновга.

— Супургимиз йўқ-ку.

— Топса бўлади.

— Таклифингни айт.

— Адир тўла бурган, текин хом ашё. Супурги цехи очсак, пулнинг тагида қоламиз.

— Бўлди, цех очамиз.

Уш, Аравон, Қорасув йўлларига бепоён бурганзорларни кўргандим. Уларнинг бекор ётганига ажабланганман. Бошлиқдан оқ фотиҳа олгач, бир нечта ўсмирни ўша жойларга бошлаб бордим-да, бурган юлишга солдим. Қисқа вақтда улар ғарам-ғарам бурган юлдилар.

Супуги цехи учун маҳсус жой ҳам қуриш керак бўлмади. Артель ҳовлисининг бир қисмини супурги боғланадиган майдонга айлантирдик. Ҳадемай, биз тайёрлаган супургилар Қува бозорига чиқарилди. Кейин қўшни шаҳарларнинг бозорларига ҳам олиб бордик.

— Бурганни кўпайтир,— деди Отажонов,— супургининг бозори чаққон бўлиб қолди. Марғилондан буюртма бор.

— Ушликлар ҳам сўраяптилар,— дедим севиниб.

— Жуда соз-да!

— Аммо ҳозир буюртмаларнинг учдан биринигина бажариш имконига эгамиз. Цехни кенгайтириш керак.

— Бу иш осон эмас-да.

— Йўли бор.

— Қани, айт-чи.

— Касаначиликни (уйда ишлашни) йўлга қўямиз.

— Сенинг калланг калла эмас, академия!— деди Отажонов суюниб.— Бўпти, бошлайвер, азамат!

Шундай қилиб, уйма-уй бурган улашадиган бўлдик. Бугун уйма-уй юриб бурган улашсак, орадан бир кун ўтгач, тайёр супургиларни йиғиб, бозорга йўллаб бошладик.

Тез орада артель бойиб қолди. Сарф-харажатдан ортан соф даромадни қаёққа қўйиш муаммоси пайдо бўлди. Раисимиз шу хусусда гап очганида:

— Ожизларимизнинг кўпи бошпанасиз, уй-жой қурсак қандай бўларкин!— дедим.

Бу таклифим ҳам раисга маъқул бўлди.

— Кўнглимдаги гапни айтдинг, Урайим. Мен ҳам шуни мўлжаллаб турувдим. Бўпти, уй қурамиз.

30 квартиралари уйни ўзимиз қурдик. Фақат дурадгор усталарнигина четдан ёлладик. Уй битгач, ожизларнинг оилалари кўчиб ўтиб улгурмай, Аминжон Отажонов Қувадаги энг катта «Меҳнат» артелига раис бўлиб кўтарилиб кетди.

— Мен билан юр, бирга ишлаймиз,— деди у киши.

— Ишларим чала қолади-да.

— Яна нимаси чала?

— Қамишдан бўйра тайёрлашни ташкил этмоқчиман.

Уша пайтлар Катта Фарғона каналли бўйлари қамишзор эди. Қамиш жуда пишиқ қурилиш материали саналади. Ундан ҳар нарса қилса бўлади.

Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидай, шундай бебаҳо қурилиш материали исроф бўлиб ётарди, уни ҳатто ўт қўйиб ёқиб юборардилар.

Биз артелда супурги цехи ёнида қамишдан бўйра тўқийдиган цех очдик. Қамишни ўриш бурган юлишдан мураккаброқ, бўйра тайёрлаш эса, бурган супурги боғлашдан қийинроқ. Лекин одамнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Биз бўйра тайёрлашни ўрганиб олдик. Харидорлар ҳам топилди. Кўзи ожизлар артели янада бадавлат бўлиб, обрўли корхонага айланди.

Иштиёқимиз ҳам зўрайди, шекилли, катта ишларни кўзлаб қолдик. Лекин кичик хўжалик билан катта қадам ташлаб бўлмасди. Қувадаги кичик артелларни бирлаштириб, битта қудратли маҳаллий sanoat корхонасига айлантириш зарур бўлиб қолди. Умуман, ўша пайтда хўжаликларни йириклаштириш сиёсати амалга оширилаётган эди. Шунда Қувадаги артеллар ҳам бирлаштирилиб, йирик «1-Май» артели тузилди, унга мени раис қилиб сайлашди. Эндиликда бу каттагина корхонада супургидан тортиб, қурилиш материаллари, кийим-кечаккача ишлаб чиқарилар эди.



ундан кейин менинг югуришимни кўрсангиз эди. Катта хўжаликнинг рўзғори ўзига яраша бўлар экан, анча-мунча нарсани кўрдим демас экан. Сизга ёлғон, худога чин, тонна-тонна хом ашёни ямламай ютар эди. Кечалари уйқум ўчиб кетиб, «Е худо, девонанинг ишини ўзинг ўнгла», деб илтижо қилардим. Оллоҳ ҳам сендан — ҳаракат, мендан — баракат, деган. Аммо қуруқ югуриб-елган билан ҳам иш битмайди, ишнинг кўзини билиш керак. Яъни, олдинда муаммо пайдо бўлганда ўзингни пашшадай деразага ура-вермай, дарчани қидириш керак.

Орадан кўп ўтмай янги лавозимнинг ҳам ҳадисини олдим. Корхона режаларини бажара бошлади, маҳсулот турлари ҳам кўпайди. Шундан кейин қарасангиз, мен ўтирган курсига ола кўзини тикадиганлар пайдо бўлди. «Бу даргоҳнинг дарғаси мана, мен бўлишим керак», дегувчилар райком турумини теша бошладилар.

Кўзи ожизлар артелида экспедитор бўлиб юрган пайтларимда, назаримда артель раиси энг катта лавозимдай туюларди. Уни қаёққа қўл чўзса етадиган, нимани истаса, ўшани қила оладиган ҳокими мутлақ деб билардим. Ўзим раис бўлганимдан кейин билсам, артель раиси устидан тегирмон тошини юргизишга қодир бўлган аэроил ташкилот — райком экан. У ўзига сиғинмаган ҳар қандай амалдорни бир пуфлаб учуриб юбора олар экан.

Мен партия аъзоси эмасдим. Шу боисдан, дастлаб райкомнинг мен билан қанчалик иши бор, ишим яхши бўлса бўлди-да, деб ўйлардим. Чувварани хом сананган эканман. Бу идора бир тикчил-ганидан кейин фаришта бўлсангиз ҳам бирёқлик қилар экан.

Қисқаси, райком эшигига танда қўйганлар ҳар куни ҳар хил гап топиб кела бошладилар. Қува кичкина жой эмасми, чивиндай гап бир зумда филдай бўлиб кетарди. Охири шундай бўлдики, эски ва янги раҳбарлар ва раисликда даъвогарларнинг тарафдорлари гуруҳ-гуруҳга бўлиниб кетдилар.

Бундай вазиятни биринчи бор кўришим эди. Бунинг устига, менда раҳбарлик тажрибаси ҳам йўқ эди. Кўпчиликка бош бўлиб қолгач яна шу нарсани тушундимки, раҳбарликда ҳалол бўлиш, жонингни жабборга бериб ишлаш кифоя эмас экан. Сен ўз манфаатини ўйлаб ҳаракат қиладиган турлича тоифадаги, турлича дунёқарашдаги кишилар билан кўзга кўринмас иплар орқали боғланган бўлар экансан. Улар билан жамоа манфаатларига зиён етказмай, ўз нуфузингни пасайтирмай муомала қилиб ишлашнинг ўзи бўлмас экан.

Текшир-текшир бошланиб кетди. Саноат моллари дўконидаги камомадимни ҳам эсладилар. Ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ дейишди.

Райком ходимлари артелга папка қўлтиқлаб келишарди-да, нималарнидир қидирган бўлардилар. Баъзилари кўзимга қарамайди-ю, оғзимни поилади. Мен эса ўзимни вазимн тутиб, индамай юравердим. Кейин билсам, бу ишим нотўғри экан. Индамай юришим ўзимга айбнома бўлди. «Тили қисик бўлмаса, оғзига толқон солиб олмасди», дейишди. Райкомга чақириб, раисликдан озод этиш ҳақида арза ёзишни талаб этишди. Мансаб талашиб, жанжаллашиб юришни ўзимга эп кўрмай, шартта арза ёздим.

Шундан кейин анча вақт бекор юрдим. Эски дўстларим — кўзи ожизлар орасида қадрим бор экан, ўшалар талаби билан арқон цехига бошлиқ бўлдим. Лекин муҳолифларим мени бу ерда ҳам тинч қўйишмади.

Мусин деган бир бош ҳисобчи бор эди. Кўриниши Ходичга ўхшамаса ҳам ичлари бир экан, билмабман. Суйкалиб юриб менга қўшни бўлиб олган эди. Узингизга маълум, ўзбек узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнни аъло билади. Биз ҳам шундай қилдик. Аммо Мусин тузимни ичиб, тузлийгимга тупирмоқчи бўлди.

Унга уй-жойим ёқиб қолибди. «Уйингни менга сот», деди. Мен унга: «Нега сотаман, отадан қолган меросни сотиб бўладими?» деб рад жавоби бердим. Шундан кейин у мақсадга етишнинг бошқа йўлини ахтарибди. Камомад чиқарсам уй-жойи мусодара бўлади, арзонгаров сотиб оламан, деб режа тузибди, яшамагур.

Мусиннинг ташаббуси билан ёза-ёз, текшир-текшир авжига чиқди. Ишим билан прокуратура шуғуллана бошлади. Шу муносабат билан мени ишдан олишди. Аммо бекор юришим бўлмасди. Яна Қалинпўстинда чойхоначилик қила бошладим. Шукрки, прокурор одилона йўл тутди. Мусиннинг «ахлат челаги»дан мени қоралайдиган зигирча ҳам айб топилмади. Унинг ўзи «Мусин-туҳматчи» деган ном олди.

Яна кўзи ожиз дўстларим уйимга келишди. «Тўхматчи жазосини олиши керак,— дейишди улар.— Йўқ десанг бизга қўйиб бер». Шафқат қилдим, унинг ҳам бола-чақаси борлигини ўйладим.



ойхонада ишим юришгандан юришиб кетди. Қувада номи чиққан одам борки, менинг чойхонамга келиб ачиқ чой ичади. Мижозларимдан «кесиб олинадиган» чойни аямайман. Машшоқлар келиб саз чаладилар, обрўйим артель раисининг обрўйдан кам эмас. Энди умрим чойхоначиликда ўтади шекилли, бу ёмонлар дастидан, деб юрганимда 1952 йилда «1-Май» артелига яна эски қадрдоним Аминжон Отажонов раис бўлиб қолди. У олдимга келиб:

— Юр, бирга ишлаймиз, сен менга кераксан,— деди.

Бу одамни устозим деб билардим, сўзини қайтаргим келмади.

Сўзсиз, артелда Аминжон Отажонов раис бўлиб келганидан норози кишилар бор эди. Улар раис сайлаш учун «демократик сайлов» ўтказамиз, деб талаб қила бошлашди. Юқорида бу талабни инobatга оладиганлар ҳам топилди. Сайловга тараддуд вақтида чақимчилик кучайгандан кучайди. Мансаб талашаётганлар райкомга қатнаб, ўз номзодларини ёқлаб, ракибларини ёмонлаб чарчамасдилар.

Аминжон Отажоновнинг ўрнига кўз тикканлардан бири фарғоналик Хўжаев эди. Райком эса уни раис эмас, ўринбосар қилиб тайинлади. Хўжаев сайловда раис бўлиш учун ўзига тарафдорлар тўплади. У мени ҳузурига чақириб:

— Мабодо сени райкомга чақириб қолишса, айт, Отажоновни эмас, мени раис қилишин,— деди.

Лекин мен бу таклифга кўнмадим. Кейин у маккорлик йўлига ўтди. Кўй сўйиб, зиёфат ҳозирлаб, райком эътиборидаги кишиларни уйига чақирди. Бордик.

Одамлар икки-уч қадаҳдан ичиб, сал баданлари қизганидан кейин, Хўжаев Отажоновни ёмонлай бошлади:

— У ким бўлибди ўзи. Артелга раис мана мен бўлишим керак. Агар мени сайласаларингиз ҳаммангизнинг ошигингиз олчи бўлади,— деди навбатдаги қадаҳни кўтараётиб.

Кейин одамларга гап ўргата бошлади. Райкомга бориб ким нима дейди, умумий мажлисда Отажоновни кимлар танқид қилади, Хўжаевни кимлар мақтайди,— ҳаммаси, ҳатто луқма ташлаб турувчилар ҳам белгиланди.

Аммо сайловда Хўжаев энгилиб, Отажонов яна раис этиб сайланди. Хўжаев шундан кейин ҳам тинчимади. Сайлов нотўғри ўтди, бошқатдан ўтказилсин, деган мазмунда хат ёзиб, имзо тўплаб бошлади. Обкомга, вазирликка ёлғон-яшиқ шикоятлар ёза бошладилар. Оқибати шу бўлдики, обкомдан келган вакил сайлов натижасини бекор қилди. Қайта сайлов пайтида артелнинг илғор кишилари Отажоновни ҳимоя қилишди. Лекин уларнинг ҳаққоний гапларига ҳеч ким қулоқ солмади.

Ноҳақлик ёмон бўлар экан, юрагим ўртаниб кетди. Умримда ичкиликни оғзимга олманган одам бир стакан арақни сипқориб ёбордим. Бошим гир-гир айланиб, уйимга зўрға етиб келдим—да, ўзимни тўшакка ташладим. Шу ётганимча бир неча кун уйдан чиқмадим. Баъзи одамларнинг юзсизлиги, райком ходимларининг адолатни оёқости қилиши руҳиятимга ёмон таъсир кўрсатди.

Бутунлай кўринмай кетганлигимдан хавотирга тушган дўстларим — артелнинг илғор кишилари Уста Комил, Шарифжон, Холматжон уйимга келишди. «Ётаверасизми, артель хароб бўлаяпти, туринг ўрингиздан», дейишди.

Артелга келсам, бу ердагиларнинг кайфиятлари ҳам мақтагулик эмас. Арқон цехидаги ошналаримдан ҳол-аҳвол сўраб, балога қолдим. Кимдир мени «номард» деди.

— Нега ундай деясан?!— дедим бироз қизишиб.

— Чунки сен адолат учун охиригача курашмай, бизни ташлаб қочдинг.

— Қочганим йўқ, тобим бўлмай беш-олти кун уйда ётдим, холос.

— Ҳар қандай вазиятда ҳам ёнимизда бўлишинг керак эди.

— Ҳўш, нима қилай, мана келдим?

— Биз билан бирга ишлайсан.

— Жуда соз.

\* \* \*

Меҳнат — ғам-ташвишни унутишнинг энг яхши воситаси. Мен бунга ўз ҳаётимда бир неча марта ишонч ҳосил қилганман.

— Консерва заводи қурамиз!— дедим бир кун артелдагиларга.— Мева етарли, нархи арзон, фойдаси минг-минг бўлади!

— Маъқул!— дейишди улар мени бир оғиздан қувватлаб.

Консерва заводини қуриб битиргач, қишлоқлардан мева сотиб ола бошладик. Ишимиз юришиб, даромад орта бошлади.

Киши ишининг юришиб кетиши ёки барбод бўлиши тепада турган раҳбарга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини Мусажон Шербўтаев мисолида кўрдим.

лтмишинчи йилларнинг бошида Мусажон Шербўтаев Қува тумани фирқа кўмитасига биринчи котиб этиб сайланди. Аввалига уни танимаганлар назар-писанд қилишмади. «Шунчаки бир маҳалли кишини сайлаб қўйдилар-да», дедилар. Бундай фикрлашларига ҳам асос бор эди. Мусажон яқингинада ҳам оддий колхозчи эди, кейин ҳисобчи, жамоа ҳўжалиги партия ташкилотининг котиби бўлиб ишлади. «Коммунизм» жамоа ҳўжалигига раис бўлгач, элга танила бошлади.

Аммо жамоа ҳўжалигида ишлаб пишган эканми, тезда туманни қўлига олди. Ишни вайронларни битиришдан бошлади. Маълумки, Қува қадимги шаҳар, бир вақтлар уни Қайқуба дер эканлар. Ҳайр, мен у тарихдан беҳабарман, аммо Қува шаҳрининг яқин қўлтишини эс-эс биламан. Қува ўз ёғ-мой заводи, ун заводи ва бошқа корхоналарга, бир неча чақиримга чўзилган тимлар остидаги савдо расталарига эга эди. Яқшанба кунлари бу ерда катта бозор бўлар, унга Шаҳрихону Андижондан, Ушдан кишилар келишарди.

Менинг болалик йилларимда шу бозорни вайрон қилишди.

Қува билан Асака бирлашиб, Ленин номидаги туман бўлган йили тумандаги асосий раҳбарлик лавозимларини асакаликлар эгаллашди. Улар Қувани вайрон қилиш эвазига Асакани обод қилмоқчи бўлдилар. Аввало ёғ-мой заводини Асакага кўчирдилар, кейин қаердаки чиройли иморат бўлса, бой-қулоқларники, деб бузиб, ёғочини ташиб кетдилар. Қуванинг шарқона услубда қурилган тимлари ҳам ўшанда вайрон қилинди.

— Қувани янгитдан шаҳар қиламиз!— деди Шербўтаев.

Бу кўпчиликнинг дилидаги мақсад эди.



— Ҳўп!— дедик-да, Шербўтаевнинг қўлтиғига кирдик.

Ташкилотчи одам йўқни бор қила олади. Қисқа даврда Қувада ун заводи, мебель фабрикаси, бир қатор маданий-маиший бинолар йўқдан бор бўлди. Туман маркази водапроводлаштирилиб, йўллари асфальтланди.

Шу тумanning фарзанди сифатида мен ҳам қараб турмадим. Айниқса, «1-Май» артелига қайтадан раис қилиб сайлашганидан кейин фаолиятимни кучайтира бошладим.

— Япония билан иқтисодий муносабатни йўлга қўямиз, нима дейсизлар?— дедим дўстларимга.

— Осилсак ҳам баланд дорга осилганимиз маъқул,— дедилар улар мени қувватлаб.

Япониядан беқасам, атлас, крепдешин тўқийдиган элликта замонавий дастгоҳ сотиб олдик. Қувада атлас комбинати куриш учун дастлабки замин юзага келтирилди. Ҳадемай, янги дастгоҳларда маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаб юбордик. Қувадаги ота-буваси бўзчи ўтган кишилар янги дастгоҳларни ишлатишни тезда ўрганиб олдилар. Шойи, атлас, беқасамнинг энди бозори чақон бўлаётганда бирдан:

— Тўхтат бу юмушингни, йўқот дастгоҳларингни!— деб қолдилар.— Ўзларингизча капиталистик Япония билан иқтисодий алоқа қилишга ким рухсат берди?!

Дўқ-пўписаю дағдағалар калавамнинг учини чувалаштириб юборди. Ушанда баъзи одамларнинг юзсизлигини яна бир марта кўрдим. Фарғона вилоят маҳаллий sanoат бошқармасига Терешханов деган йигит бошчилик қиларди. Дастлаб менинг ташаббусимни маъқуллаган бу одам ишимни хавфсизлик кўмитаси текшираётганлигини кўргач, орқасига тисарилиб, менга тескари қараб олди. Унинг фикрича, Япония билан ўзимча алоқа боғлаган эмишман. Бу қип-қизил тўхмат эди.

Хуллас, пашшадан фил ясашиб, мени Япония жосуси деб эълон қилишларига бир баҳа қолди. Яна текшир-текшир бошланди.

— Кошона уй-жойини кимнинг пулига қурдинг? Курилиш материалларини қаердан олдинг?

Отамдан қолган ҳовлининг бир томонига олдинда айвонга бўлган уч хонали иморат қурганлигим рост: Лекин бу иморатни ўғирлик қилиб эмас, ҳалол меҳнат билан топган маблағимга қурганман, бунинг учун ҳужжатларим ҳам бор. Аммо ҳасадгўйларнинг гап-сўзлари бошқача эди:

«Давлатнинг чўнтагига қўл солмаса, шундай кошона чикора... Курилиш материаллари камёб бўлиб турганида шунча ёғоч-тахтани қаердан олади? Бирон-бир жойдан умармаганмикан?...»

«Япония билан алоқа қилишлари бежиз эмас экан-да...»

«Бу одамнинг яширган бойликлари ҳам бўлса керак.»

Мени Тошкентга чақиртирдилар. Уша пайтда жумҳурият маҳаллий sanoати бошида Барабаш турар эди. Мени ишдан бўшатиб қутулмоқчи бўлдилар. Мен бўш келмадим. «Тавба қилдим», десам тамом, тўхматга тан берган бўлардим.

— Яхшиликча бўшай қолинг,— деди Содиков деган амалдор.— Ариза берсангиз ёпиқли қозон ёпиқли бўлади.

— Мен мансаб курсисига ёпишиб оладиган одам эмасман, лекин ҳозирги вазиятда ариза ёзмайман.

— У ҳолда ишингиз прокуратурага оширилади.

— Марҳамат, пешонамдагини кўраман.



ундан кейин вазирликдагилар ўз тинчликларини йўлаб, бошқача йўл тутишди. Қувадаги ипак комбинати ва атлас фабрикасини ёпиб, дастгоҳларини Бухоро ва Намангандаги комбинатларга жўнатиш ҳақида буйруқ чиқаришди. Шундан кейин мен ўз-ўзидан ишсиз бўлиб қолдим.

Емон одамлар ниятларига етишди, Қувани атлас-шойидан маҳрум қилишди, мени бадном қилиб, ишсиз қолдиришди, энди тинчишсалар керак, десам, қаёқда, булар ҳолваси экан.

«Ишим»ни туман прокурорига ишонмай, вилоят прокурорига оширдилар. Аввалига Фарғонага қатнаб сўроқ бердим. Терговчилар ҳар сафар ҳар хил нағма чиқаришарди. Лекин уларнинг ҳар бир саволига ҳам оғзаки, ҳам ҳужжатлар билан лўнда-лўнда жавоб қилдим. Қувада мен билан ишлашган ҳалол кишилар мени ҳимоя қилиб гувоҳлик бердилар. Бегуноҳ эканлигим аниқ-равшан бўлса ҳам, терговчилар оқни оқ дегилари келмасди.

— Энди сени жумҳурият прокуратураси терговчиси сўроқ қилади,— деди бир куни вилоят терговчиси.

Бу гал мени Қуванинг ўзида, авахтадай биқик бир хонада сўроқ қилишди. Гувоҳлар шу ерлик, кўплари узоққа боролмайдиган ногирон ва кўзи ожиз кишилар бўлганликлари учун шундай қилишди.

Уша пайтларда «жиноятим»га мутлақо алоқадор бўлмасам-да, мендан кўра кўпроқ хотиним азоб тортди. У кечалари билан ухламай ҳужжатларимни қидириб топиб, тартибга солар, эртасига менга берилиши эҳтимол тутилган саволларга жавоб қидиришарди. Тонг отгунча яна уй юмушлари билан шуғулланар, яхши кўрадиган таомларини тайёрлаб, нонушта ҳозирларди.

Нонушта пайтида ҳам Турсунчахон юз-кўзимга термулиб ўтирарди. Юраги сиқилиб, томоғидан таом ўтмаса ҳам менга раҳм қилар, «озиб кетаяпти, бечора», деб баъзан менга билдирмай юм-юм йўглаб оларди. У шундай аёл эдики, уйдаги сирни мутлақо ташқарига чиқармас, ҳар қандай вазиятда ҳамма билан бирдай хушмомала бўла олар эди. У камбағалчилик, йўқчилик йилларимизда қандай тежамли рўзгор тутган бўлса, тўқчилик кунларимизда ҳам шундай қилди. Турсунчахон туфайли ишсиз, маошсиз юрган кунларимда ҳам уйимиздан қут-барака аримади. У рўзгорда бирон нарса етишмай қолса, ҳеч нолимасди, аксинча шукр қиларди. Болаларни ҳам шундай тарбиялади. Болаларим эътиқодли, бардошли, шу билан бирга меҳнаткаш, тадбиркор бўлиб ўсдилар.

Тўнғич ўғлим изимдан юриб кўзи пишиди. Усмирлигдаёқ оқ-қорани ажратадиган бўлиб қолди.

Комбинат директорлигидан тушган йилм қишда қор қалин ёғди. Уйимиз янги бўлгани билан печкаси йўқ, сандал қуриб олган эдик. Сандални иссиқ қилиб, ота-бола бир-биримизга тикилиб ўтирган эдик, бир гуруҳ кўзи ожиз, ногирон дўстларим кириб келишиб, кўрпачага ҳам ўтирмай гапир кетдилар.

— Белингни сандалга тоблаб ётаверасанми, ишга чиқ!

— Яна арқон тўқганими?  
— Йўқ, артелга раис бўласан. Ҳали хабаринг йўқми, кеча артель ишчиларининг умумий мажлисида сени сиртдан раис қилиб сайладик. Тўқсон фоиз ишчи сенга овоз берди.

— Уйлаб кўрай, мухлат беринглар.

— Уйлаб ўтиришга вақт йўқ, отлан, олдимишга туш!

Оёғим тортмай йўлга тушдим. Сабаби, сўроқ туғгани билан, Япония дастгоҳлари билан боғлиқ иш ҳали ростманга босилгани йўқ эди...

Кейинги пайтда ноғиронлар артели иши ҳам яхши эмасди. У ҳам «таркана» қилиниб, биттагина цехи қолган эди. Корхонани асл ҳолига келтириш учун Тошкентга, ижтимоий таъминот вазирлигига бордим. Василя Содиқова вазир экан, яхши одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Гапларимни тинглаб: «Бўпти, Қувада ноғиронлар артели қайта тиклансин», деб юборди. Қувонганимдан кўйлагимга сиғмай, Қувага қайтиб келиб, ишни қизитаётганимда яна ноҳушлик рўй берди. Кечқурун уйимга тўртта милиционер бостириб келиб:

— Олдимишга тушинг, сизни тегишли бир жойга қақришаяпти,— дейишди совуққина қилиб.

Турсунчахон янги сузилган паловни эндигина дастурхонга келтирганди. Болалар билан бир ошамдан ҳам олиб улгурмагандик. Ош-ошда қолди...

Мен билан қора костюм кийиб, қора галстук таққан, сочини боксчиларникига ўхшатиб тарашлаган Петряков деган рус йигит гаплашди. У олдиндан шундай деб огоҳлантирди:

— Саволларимга тўғри жавоб берсанг, қутулиб кетасан, ёлгон гапирсанг қамаб кўяман.

— Онадан туғилганимдан бери ёлгон сўзлаб, бировни алдамаганман, нимани гапирай?— дедим.

— Сендан кўп нарса сўрамайман, Япониядан келтирилган дастгоҳлар хусусидаги ҳақиқатни рўй-рост айтсанг бўлди.

— Бу иш бир неча марта элакдан ўтказилди-ку, прокурорнинг ажрими ҳам бор. Кўчирмасини келтириб берайми?

— Ҳеч қаёққа қимирламайсан!

— Уғлим келтириб берсинми?

— Бу ерга ҳеч ким киритилмайди.

— Ахир мен маҳбус эмасман-ку, терговчига сўроқ бераётган совет фуқаросиман.

— Бугун маҳбус бўлмасанг, эртага бўлишинг мумкин, бунинг нима фарқи бор.

— Сўроқ берган одам ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга-ку!

Терговчи сездикки, сувоғоз пўстли бодом эмас, балки тошбодомга иши тушди. Сўроқ беравери, қонунчи бўлиб кетганлигимни пайқади. Шунинг учун бўлса керак, сизлаб гапиришга ўтди.

— Япониядан элликта дастгоҳ олиб келганлигингиз ростми?

— Рост.

— Бунинг учун маҳаллий саноат вазирлиги амалдори Ориповга ўн минг сўм пора берганлигингизни тан оласизми?

— Нима?! Нималар деяпсиз ўзи!?

— Ориповга ўн минг сўм санаб берганлигингиз рост-ку, тан олинг, деяпман.

— Ростлигини билсангиз, нега мenden сўраб ўтирибсиз, ҳукм чиқариб юборавермайсизми?

— Уз оғзингиз билан гувоҳлик беришингизни истаймиз.

— Мenden бундай гувоҳликни ололмайсизлар. Улимдан хабарим бор, аммо бу ишдан хабарим йўқ!..

Уртамиздаги «жанг» ярим кечагача давом этди. Ҳеч нарсага келишолмадик. Негаки, мен бировга тўхмат қилмадим, терговчи мени ёлгонга юргизолмади.

— Сўроғимиз Тошкентда давом этади,— деди суҳбатимиз охирида Петряков.

Тонготарда уйимга келсам, хотиним арпа уннинг хамиридай кўпчиб турибди, болаларим ҳам мижжа қоқишмабди.

— Хайрият!— дейишди улар мени кўришиб.

Сўроқнинг давоми Тошкентда бўлиши ҳақида лом-лим демадим. Наинки, бу ҳақда тилхат олишганди.

Қамасалар ҳам бир йўла Тошкентда қаттиқроқ режимга қамасалар керак, деб ўйладим. Кўзимга темир панжаралар, тахта каравот қўйилган қопқоронғи ертўлалар кўринди.

арур, шошилинч ишлар кўпайиб, узоқ-яқиндаги қариндош-уруғ, ёр-биродарлар билан борди-келди камайиб кетган эди. Шуларни эсладим-да, ҳаммасини бир бошдан йўқладим. Соғинган қариндошлар бундай йўқловдан беҳад хурсанд бўлишиб: «Қаёқдан кун чиқди? Вой, қандай шамол учирди!..» дейишарди. Уларнинг хаёлига нималар келса келгандир, мен эса кўнгил овлаш ғамидаман, юрагимни ит тирнайди, бу жигаргўшаларимни яна қайтиб кўрармиканман ёки йўқми, деб ўйлайман. Аммо дардимни бировга айтолмайман.

23 декабрь куни Тошкентга борармишсиз, деган хабар келди. Олдиндан тайёрлаб қўйган қопчигимни елкамга олиб йўлга тушдим. Нега Тошкентга кетаётганлигимни уйдагиларга айтмаган бўлсам ҳам, улар ҳамма нарсани сезиб турардилар. Мени унсиз йўлга кузатдилар. Турсунчахон қиблага қараб: «Сафарингиз беҳатар бўлсин, илойим», деб худога илтижо қилди.

Маргилонда поездга чиққанимни, кейин тушганимни биламан, аммо Тошкентга қандай етиб келдим эслай олмайман. Йўл бўйи бир дақиқа ҳам мижжа қоқмай, хаёл суриб, туғилганимдан то шу кунгача бўлган ҳаётимни бир-бир кўз ўнгимдан ўтказдим. Сўраб қолишса айтишим керак бўлади, деб ўйладим...

Белгиланган жойда мени бутунлай нотаниш киши кутиб олди. Қувада сўроқ қилган Петряков узоқдан бир кўриндию ғойиб бўлди. Мени ҳарбий казарманинг гаупвахтига ўхшаш ярим ертўла, кўримсиз, совуқ бир хонага киритиб қўйдилар. Хона жимжит, пашша учса билинади. Ўзим билан ўзим хаёлан гаплашиб ўтирдим. Бир маҳал мени ваҳима боса бошлади, гўё ичимдаги гапларни кимдир кўзга кўринмас рентгенга солиб, магнитофон тасмасига ёзиб олаётгандай туюлди.

Хонага сап-сарик, бадбуруш одам кириб келди.

— Бир соат муддатинг бор, кўчага чиқиб овқатланиб кел,— деди у тўнғиллаб.

Кўчага чиқиб, бошим оққан томонга юрдим. Иштаха қаёқда дейсиз. «Тошкент» ресторани



ёнига бориб, орқамга қайтдим. Лекин ҳали вақтим бор эди. Театр майдонида ўтиб, фаввора атрофини айланиб юрдим. Фавворанинг семон супасига ўтириб, осмонга катта куч билан отилиб, атрофга инжудек сочилаётган сувни томоша қилдим. Аммо дилим безовта, мени кимдир кузатаётгандай эди. Бир соатни зўрға ўтказиб, бояги жойга бордим. Ичкарига таклиф қилдилар.

— Фамилиям Соколов, магаданликман,— деди мени хонада кутиб олган қотмадан келган, оқ-сарик киши.

— Иброҳим Каримовман...

— Сизни яхши биламан, ўтиринг: Нега овқатланмадингиз? Еки бир соат вақт озлик қилдимиз?

— Ундай эмас, иштахам йўқ.

Кўнглим сезган ҳодиса рўй берганлигини билиб таъсирландим.

Столда бир чойнак, иккита қиррали стакан турарди. Бир маҳал Соколов чойнақдан стаканларга чой қўйиб, бирини менга узатди.

— Ма, овқат емаган бўлсанг, чой ич,— деди у, худди мен ошнасидай сенсирашга ўтиб.

Биз бекорчи одамдай, уёқдан-буёқдан гаплашиб ўтирдик. Сўроқдан эса дарак йўқ. У менинг оғзимни пойладими, «иш»дан гап очмади, мен эса қачон сўроқ қиларкин, гапни нимадан бошларкин, деб сергак турар эдим. Кимнинг асаби кучлик-ку, кимники чидасиз, назаримда, шунинг синови бўлаётган эди. Орадан бир соатча ўтгач, ниҳоят, Соколов амалий ишга ўтди.

— Ертўлага тушгин-да, кассага ўн минг сўмни тўлаб чиқ.

Ҳайрон бўлдим.

— Қанақа ўн минг сўм? Нега тўлайман?

— Пора пули.

Еқамни ушладим, Петряковга айтган гапларимни такрорладим:

— Улимдан хабарим бор, бу ишдан хабарим йўқ.

Маҳаллий саноат вазирлиги амалдори Ориповга ўн минг сўм пора берганмишман. Яна ўн минг сўм бермоқчи бўлиб ҳозирлик кўраётганимда у киши қамалиб қолибди. Уша пулни ертўладаги кассага топширсам, қутулиб кетармишман, йўқса, юзлаб-минглаб маҳбуслар сингари умрим авахтада чирир эмиш.

Соколов бир маҳал дўқ-пўписига ўтиб, стакандаги совиб қолган чойни юзимга сепиб юборди. Менинг ҳам жиним тутди.

— Тўхматчилар!— дедим бор овозим билан қичқириб,— нега мени беҳуда таҳқирлайсизлар?!



ундан кейин мени йўлакка чиқаришди. Зум ўтмай беш-олти аскар ёнимга келди. «Булар мени роса калтаклашсалар керак», деган фикр хаёлимга келиб, баданим жимирлади. Кейин англасам, ҳарбийларнинг пайдо бўлиши менга нисбатан қилинган руҳий ҳужум экан. Улар менга тегишмади.

Бир маҳал олдимдан Ориповни ҳайдаб ўтиб кетишди. У озиб-тўзиган, ерга қараб келарди, олдимдан индамай ўтиб кетди.

Эртаси мени Орипов билан юзлаштиришди. Йўқ нарсани бор, деб бўлармиди? У ҳам, мен ҳам ҳақиқатдан тонмадик. Кейин эшитсам, Орипов ноҳақлик қурбони бўлибди. Гарданига йўқ айбларни қўйишиб, ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилиб юборишибди.

Шундан кейин мени Ислоом Акрамов деган амалдорнинг ишига ҳам илаштирмоқчи бўлишди. Ислоом Акрамов Қува маҳаллий саноатининг ривожига катта ҳисса қўшган раҳбар эди. Унинг ҳалол одам эканлигини ҳеч ким инкор қилмасди. Шунга қарамасдан уни ҳам порахўрликда айблаб, мени унинг ҳамтовоғига чиқармоқчи бўлдилар. Шукрки, мен бу «тегирмон»дан ҳам бутун чиқдим.

\* \* \*

Бу воқеа Хрушчев мамлакат бошида турган даврнинг сўнгги йилида бўлган.

— Нон ўрнига кепак еялмиз, маҳаллий аҳолини ёрдамга чақирайлик,— дейишди туман раҳбарлари.— Бери кел, Иброҳимжон, тажрибангни ишга сол.

«Бери кел» деганларидан кейин четда турмадим. Узим ҳам ишни соғиниб юрган эдим. Тайёрлов идорасига директор ўринбосари қилиб қўйдилар. Қува, Фарғона, Қувасой яхлит бир туманга уюшган эди. Менга Қува ўрами топширилди. Синоқта жой, таниш одамлар, қишлоқма-қишлоқ юриб, «мева сотинглар, нақд пулга оламан», деб эълон қилдим.

Гузарларда, чорраҳалардаги чойхоналарда, ҳатто қишлоқ дўконларида қабул бурчаклари очиб, тош-торози ўрнатиб, чакана савдо қилдик, қабул қилиб олинган тайёр маҳсулотга нақд пул санаб бера бошладик. Одамлар, айниқса ёшлар бунинг мазасига тушуниб қолдилар. Шундан кейин ишимиз юришиб кетди. Бир кун кўринмай қолсам орқамдан излашадиган, ва ҳатто уйимга келиб деразамни қоқадиган бўлиб қолдилар.

Бошлиғимиз Цой деган кореец эди. У ўзбеклар ҳаётини яхши билмайдиган, айниқса қишлоқ аҳолиси одатларидан беҳабар киши бўлгани учун дастлаб ишимиз бу қадар юришиб кетишига ишонмаганди. Пулдан, идишдан қисиб, от-арава бермай мени анча қийнади. Одамлар ширкат савдосига ўрганиб қолишгач, Қувага ўзлари от-аравада мева ташиб кела бошладилар.

Тайёрланган мевани Қува аҳолисига арзон нархда сотдик. Ортганини Фарғона, Марғилонга, ундан ҳам ортганини Москва, Ленинград шаҳарларига жўнатдик.

Қува мева тайёрлаш идорасининг обрўси ошиб, доврўқ таратди. «Иброҳимжон акамиз, ҳурматли Иброҳимжон акамиз» бўп қолдим. Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришдаги, айниқса сабзавот ва мева тайёрлашдаги катта хизматларим учун мени биринчи бор ҳукумат мукофотида тавсия этдилар.



астлабки ютқудан руҳланиб, янада серҳафсала бўлиб кетдим. Араваларда, юк машиналарида, ҳатто вагонларда мамлакатимизнинг марказий шаҳарларига минг-миг тонналаб арзон мева, сабзавот юбора бошладим. Қува тайёрлов идорасининг даромади кўпайиб, боиб борди. Айниқса, 1967 йилги тайёрловда рекорд кўрсаткичларга эришилди. Бироқ шу йили ишларимиз авжига чиқиб, қўл-қўлга тегмай мева қабул қилаётган пайтимизда 40 нафар ревизор, 40 нафар милиция ходими тайёрлов пунктларимизни босдилар, машиналарни тўхтади, вагонларни тинтув қилдилар. Ишимиз тўхтаб қолди. Тайёрлов пункт-



ларимиз атрофи мевага тўлиб кетди. Қабул ҳам, олди-сотди ҳам йўқ. Араваю машиналардаги, вагонлардаги ширин-шакар мевалар ириб, сув бўлиб оқа бошлади. Ачимсиқ ҳид атрофни тўтиб кетди. Ревизорлар бу ҳолни кўриб, кўрмаганга олдилар.

Вилоят милицияси бошлиғи Рустам Тоғбоевнинг қирқ кишилиқ отряди Қувадан ўтган пашшанинг ҳам қанотини қирқишга тайёр эдилар. Уларнинг дастидан баъзилар шифохонадаги беморга олиб бораётган бир ҳовуч мевасини ҳам ғарамга тўкиб, сўроқ беришга мажбур бўлишди. Кува йигирма кун «қамал» ҳолатида бўлди. Томорқасига мева экиб «айб» қилган дала меҳнаткашлари «комендантлик соати» шароитида яшадилар. Биз тайёрловчилар эса тергов бериб чарчадик.

Натижаси нима бўлди? Текширувчилар фаолиятимиздан игнадай жиноят тополмай, юзлари шувит бўлиб қолди. Бечора деҳқонларга қийин бўлди. Сотиш учун оқиб келган мевалари пунктда ётиб чириди. Тайёрлов ширкати ҳам юз минг сўмлаб зарар кўрди. Шаҳарларнинг аҳолиси ёзги мевадан бенасиб бўлишди.

«Ана қамалади, мана қамалади», деб ўрнимни мўлжаллаб юрганлар ҳеч кутмаган ҳодиса рўй берди, мен туман матлубот жамиятига раис бўлдим.

Янги масъулиятли вазифа қаттиққўлликни тақозо этишини тушунардим. Негаки, ўша кезларда савдо, айниқса қишлоқ шароитида тўла изга тушиб кетмаганди. Айниқса, Кува матлубот жамиятида аҳвол оғир эди. Буни сиртдан сезиб юрардим, ичига кирганимдан кейин тўла амин бўлдим.

Нимадан бошласам экан! Артедаги эски дўстларим билан маслаҳатлашганим, улар дўконларда маҳаллий миллат вакиллари камлигига, савдо ходимлари тез-тез алмашишга, олий маълумотли савдо ходимлари беиш юрганликларига, табиатан инсофли савдо ходимлари ҳам камомадга йўл қўётганликларига эътиборимни қаратишди. Беихтиёр ўзимнинг саноат моллари магазинида ишлаган вақтларим, ундаги «бер-бер», Ходичнинг найранглари ёдимга тушди.

Ходич ҳамон матлубот жамияти идорасида фаолият кўрсатиб, бечора сотувчиларни шилиб кун кўрар, ҳар ҳафтада почта орқали аллақерларга совға халтасию пул жўнатиб турар эди. Кува кичкина жой эмасми, туман шароитида буни ҳамма кўриб-билиб турса ҳам ҳеч ким лом-лим демасди. «Ўзбекчилик». Бу психологияни яхши ўрганиб олган Ходич сингари кишилар ўз манфаатлари йўлида усталик билан фойдаланар эдилар.

Менга қадар Кува матлубот жамияти раиси лавозимида мунтазам юқоридан юборилган кишилар ишлаган. Идора ишини юритувчилар эса аксарияти ўзбекча сўзлашни билмайдиган кишилардан иборат эди. Матлубот жамияти раиси лавозимини эгаллагандан кейин билдимки, маҳаллий миллат вакилларини дўконга йўлатмаётган, йўлатса ҳам, кўп ишлатмай камомад чиқариб, қаматиб юбораётганлар шулар экан. Туман бўйича ҳар йили ўртача 20—25 сотувчи қамалар эди. Иснод!



нги лавозимдаги фаолиятимни идорани ҳаромхўрлардан тозалашдан бошладим. Улар ёғлиқ жойларидан дилда алам, қўйинда тош билан хайрлаша бошладилар. Аммо астойдил иш билан банд бўлган киши унча-мунча гап-сўзларга қулоқ солмайди. Менда ҳам шундай бўлди.

Кува марказида тузикроқ озиқ-овқат магазини йўқ эди. Ун саккиз савдо ходими хизмат қиладиган магазин қуришга киришдик. Бундан ташқари, Тошкентдаги сингари «Болалар дунёси» универмагини тикладик. У очилганида Кувада байрам бўлиб кетди. Деҳқончиларнинг болалари кунда шунда бўлиб қолдилар.

Савдо ходимларининг муомала маданияти диққат-эътиборимиздаги масалага айланди. Магазинга кирган харидорни «келинг» деб кўтиб олиш, «марҳамат, сизга нима керак?» деб мурожаат қилиш, харид қилгани учун ташаккур айтиб, «хуш кўрдик, келиб туринг!» деб кузатиш расм бўлди.

Савдо ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш масалаларига ҳам эътиборини кучайтирдик. Қисқа даврда савдо тармоқларида ишлаётганларнинг мингдан ортиғи ўз соҳаси бўйича ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар бўлишди. Матлубот жамиятининг обрўйи ошиб, доврўғ тараптиб, водийда, жумҳуриятдагина эмас, балки Бутуниттифоқ миқёсида ҳам оғизга тушдик. 1969 йилда мени Бутуниттифоқ матлуботчилар қурултойига вакил қилиб юбордилар.

Бироқ Москвада қурултойда юрган вақтимида аламзадалар яна ғимирлашиб қолишибди. Ишингда иллат бўлмаганидан кейин аламзадалар нима қилаолар эди, бузоқнинг югургани сомонхонагача, дедим-да, яна астойдил ишга шўнғиб кетдим. Қўша-қўша дўконлар очдик, ўзга шаҳарлар, жумҳуриятлардаги матлуботчилар билан маҳсулот айрибошлашни кучайтирдик. Шу орада бир вақтлар камомад қилганиму «Япония атлас тўқиш дастгоҳлари можароси» яна қўзғалиб қолди. Ҳайриятки, бу гал яхши одамлар аралашиб, иш тез тинчиди.

1980 йилда Москвада очилган Бутуниттифоқ касабалар уюшмалари қурултойида вакил бўлиб иштирок этаётганимда Қувадан хабар борди: «Сиз орденга тавсия қилиндингиз». Бошим осмонга етди. Гўё эртагаёқ кўксимга орден тақиб қўйишаётгандай, Қувага, дўст-душманлар олдида кўкрагимни ловуллаб бораётгандай ҳис қилдим ўзимни. Афсуски, бу қувончим узоққа чўзилмади. Қувага қайтиб келганимдан кейин, кўп ўтмай менга вилоятдаги хўжайинлардан бири Баруллин деган шахснинг Россиядаги уйига «камёб мебель» юборишим кераклигини айтди. Мен бу топшириқни бажармадим. Нархи палон пул бўлса, йўлқираси ҳам арзон эмас. Энг ёмони, бу пора-ку, виждон чидамайди. Ахир, бермаган пора учун турли идораларда тергов беравериб тинкам қургани етмагандай, буниси бормиди.

Шундан кейин Баруллин тирноқ орасидан кир қидира бошлади. Баруллинга туман раҳбарлари уёқда турсин, вилоятдагилар ҳам индаёлмас эдилар. Сабоби, у марказдан келган, марказдагилар эса ўзлариникини жон-жаҳдлари билан қувватлайдилар. Овозинг уёққа етиб-етмай, акс садоси ўзингга қайтади. Асабларим таранг тортилиб, сал нарсага қизишадиган бўлиб қолдим.

\* \* \*



увонч ҳам эгиз, ташвиш ҳам эгиз, деганлари рост экан. Менда ҳам шундай бўлди. Уйимда хотиним билан суҳбатлашиб ўтирган эдим, тўсатдан телефон жиринглади. Гўшани кўтаришим ҳамона даҳшатли овоз эшитилди: — Енғин!.. «Болалар дунёси» ёнапти!

Шошилганимдан ҳассамни олишни ҳам унутиб, «Болалар дунёси»га югурдим. Қанча меҳнат билан бунёд этилган бино, қанча мол ёниб кетаверадими?! Ким ёндирди уни, қайси баттол ўт қўйди...

Аланга кўкка ўрлаётганди. Иморат эмас, менинг юрагим куяр, болалар буюмлари эмас жасадим кулга айланарди.

Одам кўплигидан ёнаётган бино ёнига бориб бўлмасди. Қувада шунча одам борлигини энди билгандайман. Ёнғинни кўрган, эшитган борки, қўлига илинган идишни олиб югураверибди. Хотиним, болаларим мендан олдин етиб келишди. Улар ҳам ўт ичидан мол олиб чиқишаётганди, ҳеч бирининг афти-ангорига қараб бўлмасди...

Хайриятки, оломон «Болалар дунёси» ёнидаги иморатларни ўтдан асраб қолди. Ёнаётган бинодан кўчага ташиб улгирилган моллар сепилган сувдан ивиб ётар эди.

Моддий зарар катта, лекин қурбонлар йўқ. Ёнғиннинг сабаби ҳали аниқланмай, тахминлар, мишишлар кўпайиб кетди.

«Қамомадни ёпиш учун «Болалар дунёси»ни ўзлари ёндиришди...»

«Бу ишда Каримовнинг қўли бор эмиш...»

«Матога қўшиб, пайчиларнинг ҳужжатлари ҳам куйдириб юборилган эмиш».

Миядан кириб, товондан чиқадиغان бу хил уйдирма гаплар ҳар қандай асаби пухта одамни ҳам эсанкиратиб қўйиши мумкин. Аммо мен ўзимни йўқотмадим. «Тепада худо бор, ўзи кўриб-билиб тургандир. Майли, текширишсин, аниқлашсин. Фақат ҳақиқат қилсалар кифоя».

Ҳадемай, ёнғиннинг сабаби ҳам аниқланди: «Болалар дунёси»нинг биқинида умумий овқатланиш ошхонаси бор эди. Биноси эски-ю, аммо жиҳозлари янги бўлиб, таомлар газда пишириларди. Ошпазлар ишдан кетишаётиб газни пухта бекитишмаган эканлар. Тўпланиб қолган газдан ўт чиқиб, ошхона ёнган, ўтнинг тили қўшни иморатлар орқали «Болалар дунёси» деразаларини ялаё бошлаганда ўт ўчирувчилар қизиб турган деразаларга сув пуркашган. Натижада ойналар иссиқ-совуққа дош беролмай чирсиллаб синиб, аланга ичкарига урган. Уйинчоқлар, кийимлар қоғоздай ловуллаб ёнган.

Айбдорни тополмадилар, «бахтсиз ҳодиса» бўлиб чиқди. Ёнғин натижасида кўрилган тўрт юз минг сўм зарарни давлат сугуртаси тўлади.

— «Болалар дунёси»ни уч ойда қайта тиклайман!— деб ваъда бердим юқори ташкилотларга.

Туман бош раҳбари Шербўтаевдан тортиб, кўча супурадиган фаррошларгача ёрдамга келишди. Айтганимдай, уч ойда «Болалар дунёси» биноси аввалгисидан зиёда қилиб таъмирланиб, ишга туширилди.

«Хайрият!» деб энди ёнғил нафас олганимда Баруллиннинг болтаси бошим устида ўйнаё бошлади. Бу одам мен орденга тавсия қилинган қоғозларни Москвага юборилган жойидан қайтартириб олибди. Вилоят прокурори Галкин, ОБХСС бошлиғи Поляков Қувага 15 ревизордан иборат «десант» туширдилар-да, матлубот жамияти биноларига кириб, ўн йиллик ҳужжатларни талаб қилдилар. Биз буйруқни бажардик. Текшир-текшир кеча-кундуз давом этди. Тафтишни ОБХСС билан прокуратура амалга ошираётган бўлса ҳам, Баруллин доимий назорат қилиб турди. Бу машаа нақ бир йил давом этди, лекин тафтишчилар ишимиздан зигирдай айб топа олмадилар. «Десант»чилар Қувадан қайтиб кетишди. Баруллиннинг эришгани шу бўлдики, менга бериладиган орден Фарғона вилоят кенгаши фахрий ёрлиғига алмаштирилди.


Кўп ўтмай Баруллиннинг ўзи балога гирифтор бўлди. Бошқа бир жойдан порага олган чет эл мебели билан қўлга тушиб, шармандаси чиқди...

\* \* \*

Биз шу пайтгача яшаб келган, байроғига ҳаммани бараварлаштиришни шиор қилиб ёзиб, ҳаммани баравар қашшоқлаштира бошлаган тузум кишиларни савдо аҳлига нисбатан «бурунни жийриб» қарашга одатланганди. Аслида эса улар ҳам ҳар хил. Масалан, чайқовчи билан ҳақиқий савдогар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Чайқовчи — бирни ўнга пуллайдиган қаллоб, савдогар эса ишлаб чиқарувчи билан харидор ўртасидаги воситачи, ўз ишига ижодий ёндошиши керак бўлган, турмуш фаровонлигимизда муҳим ўрин тутадиган инсон.

Афсуски, бизда кейинги етмиш йилда ишлаб чиқариш билан эҳтиёж ўртасида йиллар мобайнида давом этган доимий номутаносиблик натижасида юзага келган иллатлар баҳона бўлиб, савдо соҳасида ҳам ҳўлу қуруқ баравар ёнди. Бошқача айтадиган бўлсак, ҳаром йўл билан пул топадиганлар қаторида, ишбилармонлик, тадбиркорлик билан пул топадиганлар ҳам таъқибга учрадилар. Бундай кишиларнинг ташаббуслари бўғилиб, ҳуда-беҳудага тирноқлари орасидан кир қидириш ҳоллари кўп бўлдики, бунга қувалик ишбилармон Иброҳимжон Каримовнинг тақдири яхши мисол бўлади.





Ёр Муҳаммад

## ...БЎҒЗИМДА ПОРТЛАЙДИ ОҲИМ

### Юрак, сенга оғир...

Киприklar ясама, қошлар ясама,  
Тирноқлар ясама, сочлар ясама,  
Хаттоки туйғулар, бошлар ясама,  
Юрак, сенга оғир, яшамоқ оғир!

Хилватда лаззатхўр, қароқчилар кўп,  
Ҳақиқат ясовчи алдоқчилар кўп,  
Замонга мослашган байроқчилар кўп,  
Юрак, сенга оғир, яшамоқ оғир!

Нотиқлар вафодан гап сотиб толди,  
Кумушлар, Зухролар китобда қолди,  
Муҳаббат бозорнинг нархини олди,  
Юрак, сенга оғир, яшамоқ оғир!

Ҳали бу кўзларнинг қорачўғи оқ,  
Ҳали кўп сўзларнинг сирти ялтироқ,  
Бўйнингга осилган қанчалар гуноҳ,  
Юрак, сенга оғир, яшамоқ оғир!

Оғирлашиб борар замин у осмон,  
Етимлар асримга тақилган нишон,  
Либос алмаштириб турибди ёлғон,  
Юрак, сенга оғир, яшамоқ оғир!

Юрак, сенга оғир, аммо, бу оҳинг  
Залворли оқимда битта нафасдир.  
Фақат битта бўлсин сенинг байроғинг,  
Фақат юракликдан тонмасанг басдир!..

\* \* \*

Мен қўрқмайман, пок нигоҳингда  
Шубҳаларнинг янчилишидан.  
Мен қўрқмайман киприklarнинг  
Қалбга ўқдай санчилишидан.

Мен қўрқаман, ишқимни буюк —  
Шубҳаларинг кетмаса осиб.  
Мен қўрқаман, қалбимдаги юк —  
Бир кун сени қолмаса босиб.

### Болалар ўсяпти...

Кўксингда йиғлайди виждонинг,  
Бағрингни тиглайди виждонинг,  
Ёдлаб бизлар айтган ёлғонни —  
Болалар ўсяпти, болалар!

Ёлғондан чекамиз оҳ-воҳлар,  
Қуллуқ деб, қазиймиз сўнг чоҳлар,  
Узимиз сезмаган гуноҳлар —  
Болалар ўсяпти, болалар!

Кимнингдир бевафо аёли,  
Бировга тутмоқда ишқ болин,  
Кўз дарсда, экранда хаёли —  
Болалар ўсяпти, болалар!

Лаҳзалик лаззат, сўнг оҳу зор,  
Оҳ, тирик етимга дунё тор,  
Хатодан ясамоқ учун дор,  
Болалар ўсяпти, болалар!

Минбарга муштаймиз: бўл ҳалол,  
Сўнг кўнгул хушлаймиз, бу не ҳол?!  
Кимга ишонмоқни билмай лол —  
Болалар ўсяпти, болалар!

Пок бўлсин десанг гар юрагинг,  
Йўқдир ибодатнинг кераги,  
Пойига тиз чўккил гўдакнинг,  
Болалар ўсяпти, болалар!

Югурик лаҳзалар бешафқат,  
Катталар, тўхтанг бир дақиқа,  
Бизни суд қилгувчи Ҳақиқат —  
Болалар ўсяпти, болалар!..

\* \* \*

Оқ ювиб, оқ тараб улғайтинг мени,  
Уйқусиз тунлари ойдек парвона.  
Афсус, хизматингни қилмадим сенинг,  
Ёлғончи ўғлингни кечиргин, она!

Сени ўйлаганда танамда титроқ,  
Йиғлайман, бўғзимда портлайди оҳим.  
Белбоғи — шеъримнинг қўлида байроқ,  
Отажон, қарзим кўп, кечир гуноҳим!


Туркман қишлоғининг ҳар хасу тоши,  
Мен учун Тошкентдир, Мадина, Макка.  
Шу мўъжаз кулбамнинг оёи, кўёши —  
Севгилим, изн бер, узр сўрмакка!

Шу улуғ кўнларга етмоқ учун, оҳ,  
Гоҳ эгри йўлларда қолди-ку изим.  
Ҳислар қуршовида ожиз қолдим гоҳ,  
Гуноҳкор отангни кечиргил, қизим!

Баъзан орамизга солдилар нифоқ,  
Оқибат боғида ғийбатлар ўсди.  
Номингни ҳеч қачон сотмадим, бироқ,  
Бироқ айбим бўлса кечиргил, дўстим!

Майли, ўтган ўтди, бўронлар тинди,  
Оёғинг билиб бос, оч энди кўзинг.  
Ўттиз ёш ҳурмати адашма энди,  
Ёрмамат! Кечиргил ўзингни ўзинг!..

Жомбой



Адабиёт


Ассалому алайкум!

«Шарқ юлдузи» ойномасининг 1993-йил, 2-сонида босилган Айдер Осмоннинг «Яхши кўнлар умиди» қиссаси менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Бу асар менга онажонимнинг Қримдаги уруш йиллари ҳақидаги ҳикояларини эслатди. Қиссани ўқиб, ҳаммамиз эзилдик. «Яхши кўнлар умиди» — қримтатар халқининг қора кўнларини ҳаққоний ақс эттирган асар деб ўйлайман.

Ҳурматли ойнома ходимлари! Мен ойнома саҳифалари орқали ёзувчи Айдер Осмонга, ушбу асар таржимасига қўл уриб, Ўзбекистон аҳлига етказишда жонкуярлик қилган Машраб Бобоевга ҳамда Омон Мухторга самимий миннатдорчилик билдираман. Қасбим — ҳамшира. Элим хизматига доимо тайёрман, деб

Алия ТУРСУНОВА,

Самарқанд вилояти, Иштихон тумани



## «АСАРИНГНИ ЎҚИГАН КИТОБХОН УХЛОЛМАЙ ЧИҚСА...»

Уткир Ҳошимов билан Тоир Юнус сўхбати

Қисқача маълумот:

Уткир Ҳошимов. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти соҳиби. Уч роман, ўнга яқин қисса, ўнлаб ҳикоялар, қирққа яқин китоб муаллифи. «Шарқ юлдузи» ойнамасининг бош муҳаррири.

- Болалигим ҳамон тушларимга киради.
- Қаҳдор руҳи олдида таъзим қиламан.
- Бадий ижодни сидқидилдан севадиган халқимизга раҳмат!
- Изланувчи ёшларга ҳавасим келади.
- Асарда ички мусиқа бўлгани маъқул.

**Т. Юнус.**— Уткир ака! Сизни китобхонлар, радио тингловчилар 30 йилдан буён билишади, асарларингизни севиб ўқишади. Жуда кўп манбаларда асарларингиз ҳақида сўз юритилади. Аммо шахсий ҳаётингиз ҳақида жуда кам биламиз.

**У. Ҳошимов.**— Одамнинг болалиги баҳор тонгига ўхшайди. Баҳор бўлса, бунинг устига тонг палласи бўлса, ҳамма нарса тиниқ, гўзал ва афсонавий кўринади. Агар рухсат берсангиз, шажарамиз ҳақида бир оғиз тўхтаб ўтсам.

Биласиз, Тоиржон, Тошкентда машҳур Абулқосимхон мадрасаси бор. Бу мадрасада ўзбек адабиётининг йирик вакили, ҳаммамизнинг устозимиз Қодирий домла таҳсил кўрганлар. Мана шу мадрасани қурдирган одам — Абулқосимхонтўра менинг катта бобом бўлган эканлар. У кишининг Носирхонтўра, Ҳошимхонтўра ва бошқа фарзандлари бор экан. Ҳошимхонтўра — менинг бобом бўлганлар. У кишининг ўғилларини Атоуллохон ака дейишарди. Шу киши менинг отам бўлганлар. Биз отамизни Тошкент шевасида ада деб атардик. Адамиз янгичада ҳам, эскичада ҳам анча билимдон эдилар.

Тошкент биқинида Дўмбиробод қишлоғи бор эди. Шу қишлоқда Тошкент тўқимачилик комбинатининг пионер лагери бўларди. Адам шу ерда ишлардилар. Жиндай жаҳли тезроқ, лекин жуда адолатпарвар эдилар. Ойим (Пошша хола дейишарди) дадамнинг акси — жуда мулоим эдилар. Масалан, кўчада етти ёт бегона бола йиғлаб турган бўлса, бориб албатта тасалли берардилар. Адам деҳқончилик билан ҳам шуғулланардилар. Бўш вақтларида соат тузатардилар. Оиламизда бешта фарзанд эдик. Катта фарзанд — Озода опамлар, ундан ташқари иккита акам, укам бор эди. Улар ҳозир турли жойларда меҳнат қилишади. Яна битта опам бўлган эканлар. Пирзода опам. Бу киши адамнинг аввалги оиласидан эканлар. Ойимлар ўша опамни дадам билан топиштиргани эсимда бор. У пайтда мен ҳали мактабга бормасдим. Уқчи атрофидаги кўчаларни айланиб, опамни излаганимиз, ойимнинг саяҳатлари звазига опамнинг дадам билан топишганлари «Дунёнинг ишлари»да тасвирланган.

Мен 1941 йил 5 августда туғилган эканман. Ҳарқалай, ҳужжатда шу сана қайд этилган. Ойимлар ҳикоя қилардиларки, «сен туғилганда қиёмат қойим бошланган эди, лагердаги ўрис хотинлар уруш бўляпти деб йиғлаганида, мен ҳайрон бўлгандим, уруш бошқа жойда бўляпти-ку, деб. Лекин акам урушга кетгандан кейин...»

**Т. Юнус.**— Ўзбекона соддалик-да?

**У. Ҳошимов.**— Ўзбекона соддалик! Ойим уруш даҳшатини яхши тушунмаганлар. Яқин одамлари фронтга кетгандан кейин, фожиани ҳис этишган. Адамни эса, бетоблиги туйфайи фронтга олишмаган экан. Эсимни таниганимда уруш тугаган, аммо турмушимиз ниҳоятда оғир эди. Ўша пионер лагерининг бурчагида тепа ҳовлимиз бўларди. У ерда битта айвон, битта кичик ҳужра бўларди. Ёз пайтида айвонда тирикчилик қилардик. Қишда пионер лагерига ажратилган ошхонада яшардик. Ошхона синч билан ярим ғишт-

дан қурилгани учунми, ниҳоятда совуқ бўларди. Эсимда қолган: киш кунлари ҳатто деворнинг ички томонини ҳам қиров босиб, деразаларни бир энли муз қоплаб ётар эди...

Тошкентда «питрак» деган гап бор. Бир хил болалар шўх бўлса, «питрак» деб аташади. Мен ҳам болалигимда питрак бўлган эканман, шекилли. Олти ойлигимдаёқ сувга чўкиб кетган эканман. Катта акам мени кўтариб кета туриб сувга тушириб юборган эканлар. Тўхтавой ака деган қўшнимиз бўларди, шу одам мени анҳордан олиб чиққан экан...

Бундан ташқари, копток тепиб икки марта қўлим синган. Икки марта ток урган. Кейин яна бир марта Қонқусда, бир марта Чирчиққа пионерлар билан борганимизда дарёда оқиб кетганман. Хуллас, бундай ҳодисалар етарли даражада бўлган.

Билмадим, Тоиржон, бу гапни айтса бўладими-йўқми... Агар нокамтарлик бўлиб туюлса, олдиндан минг карра узр сўраб, болалигимда бўлган қизиқ бир ҳодисани айтаман.

Пионер лагери катта боғ ўртасида эди. Куз пайтлари эди. Адашмасам, 5 ёшларда бўлсам керак, кечкурун дарахт тагида ухлаб хушимдан кетиб қолибман. Дўмбирободда Самиғ домла деган нафаси ўткир одам бўларди. У киши ҳалиям барҳаётлар, деҳқончилик билан шуғулланадилар, умрлари узоқ бўлсин. Шу кишига ойим кўтариб олиб борган эканлар. Шунда Самиғ домла айтган эканлар: сиз хафа бўлманг, синглим, худо хоҳласа бу ўғлингиз эл назарига тушган одам бўлади, умри узоқ бўлсин, деб дуо қилган эканлар. Мен домлани зиёрат қилиб тураман.

Дўмбиробод марказида Уллубек номли 20-мактаб бўларди. Шу мактабда ўқиганман. Уша пайтларда бизга дарс берган устозларимиз Одил ака, Зухриддин ака, Абдусмон ака, Қўчқор ака, Абдували ака деган устозларимизни ҳурмат билан эслайман.

Дўмбиробод гўзал қишлоқ эди. Менимча, ижод аҳлининг кўпроқ қишлоқда туғилиб ўсишида бир ҳикмат бор. Қишлоқда катта бўлган одамнинг туйғулари қандайдир нозикроқ, табиатга яқинроқ бўлади. Масалан, апрель ойи дейлик... Кечаси жала қўйса, эрталаб чарақлаб қуёш чиқиб кетса, бир бедазорга қараб кўринг. Бедазорда миллионлаб марваридлар ёниб турганга ўхшайди. Ёки бўлмаса, болалигингизда мол боққан бўлсангиз, ўтлоқнинг бир чеккасида ётиб, томоша қилинг: шудрингдан эгилиб қолган майсанинг ёнига чумоли келиб, мўйловчасини томчиға теккизаётганини кўрасиз. Бунақа манзараларни кўриш керак. Кўрмасдан туриб ҳис этиб бўлмайди. Қисматимдан — қишлоқда туғилиб шаҳарда ўқиганимдан хурсанд бўлишим керак. Чунки шаҳар одамни амалий фикрлашга, конкрет тафаккурга ўргатади, қишлоқ эса туйғуларни бойитади. Асар ёзаётганда Қонқус бўйлари, жийдазорлар, чўмилган жойларимиз, нокзорлар, олмазор, узумзорлар хаёлимга келади. Рўҳан бойигандек бўламан. Бу манзаралар ҳамон тушларимга киради...

**Т. Юнус.**— Сиз ҳозир ҳикоя қилиб беряпсиз-у мен бир нарсага ҳайрон бўлиб ўтирибман. «Дунёнинг ишлари»ни ҳаммамиз ўқиганмиз. Сиз билан 15—20 йилдан бери кўришамиз, телефонлашамиз. Аммо бу тафсилотларни билмас эканман.

Энди... адабиётга қачон муҳаббат пайдо бўлган, дастлабки машқларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

**У. Ҳошимов.**— Агар адашмасам, Тоиржон, биринчи шеъримни учинчими-тўртинчи синфда ўқиб юрганимда ёзганман. Мактабдан келаётсам, нураб ётган пахса девор этагида битта қоқигул очилибди. Жуда ҳаяжонланиб кетиб, саккиз сатрмикан, шеър ёздим. Бу албатта шеър ҳам эмасди... Бундан ташқари 53-йил март ойида Сталин вафот этганда йиғлаб шеър ёзиб, эртасига мактабда ўқиб берганман. Уйлаб қарасам, бадиий ижодга меҳр уйғотган одам ҳарқалай ойим бўлсалар керак. У киши жуда кўп афсоналарни, эртакларни билардилар. Масалан, саҳобалар ҳақида. Шулардан биттаси болалигимдан онгимга ўрнашиб қолган. Кейинги романимда шу афсонани Қурбаноӣ ҳолигидан киритдим. Ҳикоянинг маъноси бундай:

Кунлардан бирида Маккадан карвон қайтиб келаётган экан. Карвонда ҳаммага яхшилик қилган, одамларнинг ҳожатини чиқарган, учинчи марта ҳаж қилиб қайтаётган нуруний чол бўлган экан. Карвон ҳориб-чарчаб шаҳар яқинига келганда булоқ бўйида тўхтабди. Салқинлаб дам олиб туришса, шаҳар томондан бир одам от чоптириб келибди. Отдан сакраб тушибди-да, ҳеч гапдан-ҳеч гап йўқ, бояги кексанинг юзига тарсаки тортиб юборибди. Одамларнинг ғазаби кўзибди. Ҳам ҳайрон бўлишибди. Уни жазоламоқчи бўлиб туришганида бояги кекса одам: «Теғманглар, бу менинг ўғлим бўлади», дебди. Одамлар баттар ҳайрон бўлишибди. «Одам ўзининг падарига ҳам қўл кўтарадими, бунинг устига сиздек табаррук, мўътабар одамга», дейишса, қария айтибдики... «Йўқ, гап бу болада эмас, гап менда ҳам эмас. Ёшлик чоғимда қулоғимга чалинган эди. Бир вақтлар отам шу ўғлимга ўхшаб ичиб, маст бўлиб, ўзининг отасини, яъники менинг бобомни урган экан. Ушанда бобом дуоибад қилган экан: «Ўзингдан қайтмаса, болаларингдан қайтсин, болаларингдан қайтмаса невараларингдан қайтсин», деган экан. Отамнинг жазоси менга қайтиб келди, шунинг учун бу болага теғманглар», дебди.

Бир қарашда бу гап шунчаки ақл ўргатишдай туюлади, лекин тагида жуда катта маъно бор. Мана шунақа ҳикоялар, ривоятлар одамни ҳаёт ҳақида ўйлашга ўргатади.

Бундан ташқари, катта акам — Эркин акам мактабда яхши ўқирдилар, кечалари еттинчи лампани сандал устига қўйиб, «Кунтуғмиш», «Гўрўғли» каби дostonларни ўқиб берардилар. Дадам, ойим, опам, ҳаммамиз ўтириб, эшитардик. Балки ўшанда шеърятга десакмикан, бадий ижодга десакмикан, меҳр пайдо бўлгандир. Лекин ростини айтадиган бўлсам, дастлабки нарсаларни ёзишга, журналистика билан шуғулланишга, мажбур қилган бошқа жиҳатлар ҳам бор.

Тўғриси, мени турмуш қийинчиликлари кўп ва тез ишлашга ўргатган. Мактабни битирган пайтларимда, отам вафот этдилар. Акам армияда эди. «Темриўлчи», «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газеталарида хат ташувчи дастёр бўлиб ишладим. Уша пайтларда ёзмаган нарсам қолмаган. «Ленин учқуни»га кроссворд ҳам чизиб топширганман. Хабарлар, репортажлар, очерклар ёзганман. Гарчи мактабни медаль билан битирган бўлсам ҳам ишлаш учун сиртқи бўлимда ўқиганман. Учинчи курсдан бошлаб, кундузги бўлимда ўқишни давом эттирдим. Лекин шунда ҳам ишлашга тўғри келган. «Тошкент ҳақиқати» рўзномасида адабиёт бўлимида ишладим...

**Т. Юнус.**— Сиз 50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошида адабиётга кириб келгансиз. Бу давр ўтган ўн йилликларга асло ўхшамасди. Шу пайтларда адабиётга кириб келган ёшлар наsrини аввалги йилларнинг адабиётига қиёслаб бўлмасди. Орадан шунча вақт ўтгандан кейин шу ҳақда бирон хулоса чиқардингизми?

**У. Ҳошимов.**— Албатта. Бунинг жиддий сабаблари бор. Бизда ғалати бир одат бор. Масалан, кимдир раҳбар бўлса, у амалда турган пайтда, ҳаёт пайтида иложи бўлса етти қават осмонга кўтариб мақтаймиз. Ишдан кетса, вафот этса, камситиш, ҳатто муслмончиликка хилоф равишда гўрдан гўрга кўчириш ҳолатлари ҳам бўлиш. Ҳолбуки, бошқа мамлакатларда бундай нарсалар қонун йўли билан тақиқланган. Масалан, АҚШда шундай бир одат бор экан. Президент бир сайлов ишлайдими, икки сайловми, қандай ишлашдан қатъи назар, амалдан тушгандан кейин албатта унинг ҳайкали қўйиларкан. Бундан ташқари, у ҳақда ёмон гап айтиш тақиқланаркан. Чунки уни халқ сайлаган. Ёки бўлмаса, бошқа мамлакатларда, дейлик, Туркияда Камол Отатуркни турк халқининг отаси деб ҳисоблашади. У кишининг Ленин мавзолейига нисбатан бир неча марта катта маҳобатли мақбараси бор. Зиёратчиларнинг кети узилмайди. Покистонда ҳам шу удум бор. Мен бу гапларни бежиз айтаётганим йўқ. 60-йилларнинг бошида ҳукумат тепасига Хрушчев келди. Баъзилар бу одамни аҳмоқ деб сўқади, жўхорипаз деб ҳақорат қилади. Тўғри, бу одамнинг ўзига яраша фожиалари, ўзига яраша камчиликлари бўлиши мумкин. Лекин, менимча, Хрушчев битта ниҳоятда улуғ иш қилган. Сталин шахсига сифинишни йўқотган. Бу нарса ўша пайтда бетон деворни боши билан уриб ёришдек қийин иш эди. Негаки, одамларнинг ҳуқуқини паймол қилишга асосланган, ҳаммани, Ленин ибораси билан айтганда, машинанинг кичик винтчасига айлантирган система ҳали тирик эди. Шунга қарамай, эркинлик шабадалари ижодкорларга ҳам таъсир қилди, ижодкор учун асосий объект одам эканлигини, ёзувчими, бастакорми, одамнинг туйғуларини, оламини тасвирлаши зарур эканлигини ҳис этди. Менимча, бадий ижодда жиддий ўзгаришлар рўй берганлигига мана шу нарса сабаб деб ўйлайман.

**Т. Юнус.**— Сиз А. Қаҳҳор назарига тушган ёзувчисиз. Эсимда, домланинг «Салом, Ўткиржон» деб бошланадиган хатлари бор эди. Буни ёдингизга тушираётганимнинг боиси бор. Нима учун Қаҳҳор сизга ва сизнинг тенгдошларингизга кўп эътибор берган?

**У. Ҳошимов.**— Мен бу хатни ёддан биламан. Хат матнини ўқиган заҳотим хаёлимга муҳрланиб қолган. Ҳозир ҳам айтиб беришим мумкин. «Ўткир!» «Чўл ҳавоси»ни ўқиб суюниб кетдим. Бирдан лов этиб, аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади. Қисса соф, самимий, табиий, илиқ, роҳат қилиб ўқилади. Асарнинг хат шаклида бўлиши сизни чекаб қўяди. Асар биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинганда ҳам шундай бўлур эди. Келажакда буни ҳисобга олинг. Шу аланга ҳеч қачон пасаймасин. Ижодингиз ҳеч қачон тутамасин». Хат мана шундай эди. Бу хатни олишнинг тарихиям қизиқ бўлган. Биз 63-йил октябрь ойида пахтада юрган эдик. Биласиз, талабалар ҳар йили пахтага олиб бориларди. Курсдошимиз Тўлқин Алимов (ҳозир у киши катта таржимон) янги уйланган эди. Домларимиз инсоф қилиб унга вақти-вақти билан уйга боришга руҳат беришарди. Бир куни Тўлқин ака келиб айтиб қолди, мен факультетга боргандим, сенга Абдулла Қаҳҳордан хат келибди, деди. Хат қани, десам уйга ташлаб келдим, деди. Мен жудаям қувониб кетдим. Мабодо А. Қаҳҳор менинг машқимни ўқиган бўлса, ҳатто койиган бўлсаям хурсандман. Чунки машқим у кишининг назарига тушибди, деб ўйлادим. Пахтадан Тошкентга қайтган заҳотимиз қопни орқалаб аввал Тўлқин аканинг уйига бордик. Хатни очиб ўқидик. Қаҳҳор домланинг хати, албатта, мени ҳаяжонлантириб юборди. Лекин домлага нима деб жавоб қилишни билмасдим. Олдига боришга юрагим дов бермасди. Телефон қилишни одобсизлик деб билардим. Бизнинг тенқурларда бир одат бор эди — жудаям тортинчоқ эдик.

**Т. Юнус.**— Эҳтимол, А. Қаҳҳордек, Ғ. Фулом, Ойбекдек адиблар яшаб ижод қилиб турган пайтда сизларда дадиллик етишмагандир.

**У. Ҳошимов.**— Эҳтимол, шундайдир. Биз уларни каттиқ ҳурмат қилар, ҳайқиби

турар эдик. Бир куни Йўлдош Шамшаров домла сени сўраптилар, бирор асар ёзаяптими деяптилар, дедилар-да, мени Қибрайга — ёзувчилар боғининг шундай кира-вершидаги Қаҳҳор домланинг дачасига олиб бордилар. (Ҳозир бу дачада Саид Аҳмад ака турадилар). Айвонда ўтириб анча гаплашишди. Мен бир оғиз ҳам суҳбатга қўшилмадим. Фақат қулоқ солиб ўтирдим. Кўпроқ Йўлдош ака гапирдилар. Абдулла ака табиатан жуда камгап эдилар. Лекин Қаҳҳор домла айтган ҳар бир сўз ҳаёлимга ўрнашиб қолган. Домла айтдиларки, «баъзилар асарни чиройли қилиш учун нукул пардоз беради. Чиройли сўзлар ишлатишга ҳаракат қилади. Мақол, маталларни тикиштириб ташлайди. Ҳолбуки пардоз дегани тегирмончининг маҳсисига ўхшайди. Асарда пардоз эмас, ҳусн бўлиши керак. Ҳусн дегани бу — ёзувчининг қалбидан отилиб чиқаётган туйғу бўлади». Яна бир гаплари ёдимда: «Қаҳҳорон иложи борича торроқ тешикдан ўтиши керак». Мен бу гапларни аввалига унча тушунмадим. Кейинчалик шуни англадимки, қаҳҳорон иложи борича торроқ тешикдан ўтиши дегани асар қаҳҳорони тирик одамга айланиши керак. У қанча кўп мушкул вазиятларга тушса, қисмати қанчалик чалкаш бўлса, қанча муаммоларни бошидан кечирса, ўқувчи кўз ўнгиде шунчалик жонли одамга айланаркан. Маҳси масаласига келсак... Тошкент атрофида тегирмон йўқ эди. Сўқоққа борганида атайлаб тегирмонга кириб, тегирмончини кузатдим. Ҳақиқатдан ҳам маҳси кийиб юраркан. Ташқарига чиқаётганда маҳсисини албатта қоқиб чиқади. Дўл айланаётганда ун сачраб, тегирмончининг маҳсисига кўнаркан. Оёқни бир марта қоқса уннинг кукунни тушиб кетади-да, буришган маҳси қолади. Домла айтмоқчи бўлган гап шундай эканки, ҳунук одам юзига уна суртган билан гўзал бўлиб қолмагандек, асарни чиройли безаклар билан ҳарчанд пардозламанг тағидеги маъно чуқур бўлмаса, камчилигини яшириб бўлмайди. Қаҳҳор домла фақат бизнинг авлодга эмас, С. Аҳмад акага, Шухрат домлага, П. Қодировга, О. Ёқубовга, машҳур олимларимиз О. Шарафиддинов, М. Қўшжоновга жуда кўп маслаҳатлар берганлар. Бизнинг авлод вакилларига ҳам домла кўп яхшилиқ қилганлар. У. Назаровнинг «Одамлар» деган биринчи ҳикоясига сўзбоши ёзганлар, Ш. Холмирзаевага хат ёзганлар. Э. Воҳидов, А. Ориповга турли хурражлар бўлган пайтда ҳимоя қилганлар. Д. Нурийнинг бир қанча қиссаларини кўриб маслаҳатлар берганлар. Улмас Умарбековнинг асарларини синчиклаб кузатиб борганлар. А. Қаҳҳорнинг ёшларга меҳри учун, шиддатли, шижоатли бўлишни, маҳорат билан ёзишни ўргатгани учун руҳлари олдида таъзим қиламан.

**Т. Юнус.**— Яна аввалги масалага қайтсак. Демак, ўша пайтда демократия шабадалари ела бошлаганди. Лекин нимагадир ўзбек адабиётида бу нарса бироз сустроқ бўлгандай туюлади.

**У. Ҳошимов.**— Москвада бошланган шабада то Ўзбекистонга етиб келгунча... Айтмайлик, Айтматов даражасида, Вознесенский ёки Евтушенко даражасида ҳақиқатни охиригача айтиш имкониёти бизда тор бўлган. Эсимда бор. Улмас аканинг «Севгим, севгилим» қиссаси 60-йилларда ёзилган. Бу ўзбек адабиётида шахсга сифинишни қораловчи биринчи асар эди. «Севгим, севгилим» қиссасини ҳалиям ҳаяжонланиб ўқийман. У пайтда студент эдим. 1-май кўчасида асарнинг муҳокамаси бўлди. Муҳокамада Улмас акани «талаб ташлашди». Уша олимларнинг исмини айтмай кўяқолай. Эътироз шу эдики, асар пессимистик руҳда ёзилган, қаҳҳорон ўлиб қолади, ёзувчи ўқувчини атайлаб йиғлатишга ҳаракат қилган, деган айбнома кўйилди.

**Т. Юнус.**— Гўё Советнинг одамлари ўлмайдигандек...

**У. Ҳошимов.**— Гўё ўлмайдигандек, ёки йиғламайдигандек. Ҳамма шодон, ҳамма бахтиёр, эртага коммунизм қуради. Эсимда бор, асарни энг қатъий ёқлаб чиққанлардан бири С. Аҳмад ака бўлди. Раҳматли Саида опа ҳам жуда кўйиниб гапиргандилар. Қиссани У. Норматов ҳимоя қилган. «Гоявийлик талабига тўлиқ жавоб бермайди» деган калтак ҳаммамизнинг бошимизда ҳам синган. Масалан, 70-йиллар бошида «Иккоронома» деган бир ҳикоя ёзганман. Ҳикоя, афсуски, бирорта тўпламга киргани йўқ. «Ўзбекистон маданияти» газетасида чиққан эди. Ҳикоя пахтага заҳарли дори сепиш туфайли одамларнинг қурбон бўлаётгани ҳақида эди. Табиийки, асарни ўзбек ҳаётидан деб эълон қилиш мумкин эмасди. Мен жиндай «шумлик» қилдимки-да, воқеани Туркияга «кўчирдим». Буни қарангки, ҳушёр «устозларимиз» буни пайқаб қолишибди. Ёзувчилар уюшмасидаги мажлисда совет воқелигини бузиб кўрсатишда айблашди. Воқеани Туркияга кўчиргани билан аслида бизни айтмоқчи, бу ёзувчи Ўзбекистоннинг пахтасига қарши, дори сепса, сепибди-да, деган гаплар бўлди. Бу-ку, 70-йиллардаги гаплар. 85-йилда «Икки эшик ораси» романи аввал «Шарқ юлдузи» журналинда босилди, кейин китоб бўлиб чиқди. Ушанда ҳам шундай бўлди. Журналда чиқаётганда романнинг бир жойини олиб ташлашни талаб қилдилар. Тасвирланган воқеа бундай эди. Робиянинг отасини кечаси қамоққа олиб кетишади. Қора плашч кийган, ранги заҳил, чап қулоғининг орқасида ёнғондай сўғали бор одам кириб, қоғозларни титкилай бошлади. Робиянинг дадаси болаларга Бобурни мактаган, «Ўтган кунлар»ни ўқитган, халқ душмани деган айб қўйилади. Мана шу жойини олиб ташлайсиз, деб тўқиб олишди. 37-йилларда бундан баттари ҳам бўлган-ку, десам барибир олиб ташлашни талаб қилишди. Уша манзарани «юмшатиш»га мажбур бўлдим. Кейинги нашрларда тузатдим-ку, лекин асар барибир лат еди. Тақдирнинг ғалати уйинлари бўлади. Орадан кўп ўтмай қайта қуриш, ошкоралик



деган гаплар бошланди. Бир куни романдаги ўша эпизоддан воз кечишни талаб қилган ўртоқ билан нашриётда кўришиб қолдик. У киши ғалати гаплар айтди. Романингизни русчага мен таржима қилсам, Москвада чиқарамиз, Тошкентда қайта нашр қилдирамиз деди. Бу гапни таъна маъносида айтаётганим йўқ. Начора, у киши ҳам топшириқни бажарса-бажаргандир..

**Т. Юнус.**— Илк тўпламингизни, шунингдек сиз, Ўлмас ака, Шукур акалар «бошқача» наср яратаётган пайтда бу асарларни турли «изм»ларга ёпишиб олган танқидчилар қандай қабул қилишгани тўғрисида гапириб берсангиз.

**У. Ҳошимов.**— Биринчи тўпламим дорилфунуннинг 3-курсда ўқиётганимда чиққан. Тўпламининг номи «Пўлат чавандоз» деб аталади. Ҳали айтган эдим, газетада ишлаб юрган пайтимда жуда кўп ёзишга тўғри келган. Очерклар, лавҳалар... Мана шуларни кичик бир китоб қилиб чиқаришди. Тўпламининг бадий қиймати катта эмас, албатта. Лекин биринчи китобчам сифатида мен уни жуда авайлаб сақлайман. Бевосита бадий машқим, «Тўрт мактуб» деган биринчи ҳикоям «Тошкент ҳақиқати» рўзномасида, 1963 йил 17 апрел кунини чиққан. «Чўл ҳавоси» деган биринчи қисса шу асосда ёзилди. «Изм»лар масаласига келсак. Мажлисларда ғалати гаплар бўларди. «Ёшлар майдалашиб кетди. Аллақандай муҳаббат ҳақида ёзадим-ей, катта қурилишларимиз қаерда қолиб кетяпти, чўллар ўзлаштириляпти, кўриқлар очилляпти, бунинг бунёдкорлари қаерда қолиб кетяпти, нега геологлар ҳақида ёзмайди, нега шахтёрлар ҳақида ёзмайди», деган таъналар кўп айтилар эди. Ахир асар касб ҳақида эмас, одам ҳақида бўлади-ку, деган гапни тушунтириш қийин эди. Масалан, «Нур борки, соя бор» романи чиққанида учрашувлардан бирида олимлар у деб кўришди, бу деб кўришди, хуллас битта камчилик топишди. Асар қаҳрамони Шерзод тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтмайди. Мен қулдим: «домлалар, демак сизнингча қаҳрамон асар бошида аҳмоқ бўлиши керак ва асар охирида коллективнинг, комсомолнинг ёрдами билан ақлли бўлиб қолиши керак, шуни талаб қилясизларми, агар тескариси бўлса-чи, қаҳрамон асар бошида эсли-хушли бўлиб, охирида телба бўлиб қолса-чи», деган эдим, «бизнинг замонда бунақа бўлиши мумкин эмас», деган хулосага келишди. Бу билан мазкур роман ҳар жиҳатдан мукамал демоқчи эмасман. Ўша дамдаги адабий қарашларни айтяпман.

**Т. Юнус.**— Қолипга тиқис...

**У. Ҳошимов.**— Ҳа. Схематизни қоралашарди. Лекин айни пайтда ҳаммага мўлжалланган «тоғора» ҳам бор эди.

**Т. Юнус.**— Сизнинг «Баҳор қайтмайди» деган қиссангизни ёшлар ҳамон севиб ўқишади. Асар ҳақида баъзи «миш-миш»ларни тарқатган одамларни биламан. Ўзингиз мана шу гап-сўзларнинг қай даражада тўғри-нотўғрилигини айтсангиз:

**У. Ҳошимов.**— Асар ҳақида ҳамма ўзининг шахсий фикрини билдириши мумкин. Бу гаплар бир чеккаси мениям қулоғимга чалинганди. Гўё «Баҳор қайтмайди» китоби ёшларни ёмон йўлга бошлар эмиш. Бундай майда гаплар билан шуғулланиб ёки жавоб қилиб ўтиришга вақтим ҳам, тоқатим ҳам йўқ. Майда иғволар бошқа асарлар ҳақида ҳам бўлган. Масалан, «Нур борки, соя бор» чиққанидан кейин, фалончи бу романи Думбадзенин «Абадият қонуни»дан кўчириб олган, деган гаплар айтилган. Бир жиҳатдан бу тўғрига ўхшайди. Эътибор берган бўлсангиз, «Абадият қонуни»нинг бош қаҳрамони ёзувчи, Шерзод ҳам ёзувчи. Ундаям, бундаям бош қаҳрамон юрак хасталиги билан шифохонага тушади. Икковиям коррупцияга қарши курашади. Худога минг қатла шукурки, «Нур борки, соя бор» «Абадият қонуни»дан бир йил олдин чиққан экан. Бундан нима хулоса чиқади? Демак, ўзбекчани билмайдиган Думбадзе ўз асарини мендан кўчирган бўладими? Бўлмағур гап! Бир жамиятда яшайдиган икки ёзувчи бир нарсадан қалби қаттиқ ларзага тушиб, бир хил мавзуда асар ёзиши жудаям мумкин.

**Т. Юнус.**— Утқир ака! Сизни омадли ёзувчи дейишади. Ростдан бу омадми ё меҳнатнинг самарасими?

**У. Ҳошимов.**— Устоз шоиримиз Ғ. Фуломнинг машҳур сатрлари бор. «Тақдирин қўл билан яратур одам, ғойибдан келажак бахт бир афсона». Ростини айтсам, бу гапга кўшилсаям бўлади, кўшилмасаям. Албатта, сендан ҳаракат, мендан баракат, деган гап бор. Одам меҳнатсиз ҳеч нарсага эришолмайди. Агар омад дейладиган бўлса, билмадим, умрим бино бўлиб лотереядан бир сўм ютмаганман. Қиморнинг яқинига йўлаган эмасман. Лекин ҳарқалай, менимча тақдири азал деган гап ҳам бор. Бундан ташқари, менимча, ижодкор одам бағри кенг бўлиши, ҳеч қачон ҳеч кимга ҳасад қилмаслиги керак. Шунда ўзига ҳам омад ёр бўлади, шекилли...

**Т. Юнус.**— Сиз 70-йиллардаёқ таниқли ёзувчи эдингиз. Лекин негадир роман жанрига узоқ вақт қўл урмадингиз.

**У. Ҳошимов.**— Олим дўстларимиз хафа бўлишмасин-ку, роман ёзиш назаримда, докторлик иши қилишдек гап. Роман ниҳоятда оғир меҳнатни талаб қилади. Гап унинг ҳажмидамас. Менимча, роман ёзадиган қаламкашда аввало роман тафаккури бўлиши керак. Қаламкаш ҳикоянинг кучи билан қисса, қиссанинг кучи билан роман ёзса адашади. Менимча, тескариси бўлиши зарур. Роман кучи билан қисса, қисса кучи билан ҳикоя ёзиш керак. Роман тафаккури деганида аввало адибнинг ўқувчига тўкиб солмоқчи бўлган дарди ниҳоятда катта бўлишини назарда тутаман. Бу биттаси. Иккинчидан, роман —

жуда мураккаб қурилма. Унинг пойдевори ҳам, ертўласи ҳам бир эмас, бир неча қавати ҳам бўлади. Бундай ҳинони «қуриш» учун тафаккурдан ташқари ижодий тажриба ҳам керак. Шунинг учун ҳам ўйлаб қарасам, ҳар бир романни ўн йилларда ёзарканман. «Нур борки, соя бор» 75-йилда, «Икки эшик ораси» 85-йилда чиқди. Ниҳоят 1992 йилда «Тушда кечган умрлар» деган янги роман ойномада чиқди. Бу билан ҳар йили битта роман ёзадиган ўртоқларни асло камситмоқчи эмасман. Бу ҳар кимнинг ўз иши. Қани энди адабиётимизда ҳар йили беш-олтита зўр роман пайдо бўлса!

**Т. Юнус.**— Уткир ака! Боя омад ҳақида гаплашдик. Шу ерда битта «лекин» бор. Сиз бир неча сахна асари ҳам яратгансиз... Лекин нимагадир бу асарларингиз назаримда кенг тарқалмагандек. Бунга сабаб нима?

**У. Ҳошимов.**— Бу гапингизга тўла қўшиламан. Мендан яхши драматург чиқмаслиги алақачон ишонганман. Биринчи драматик асар «Хазон бўлган баҳор» «Ёш гвардия» театрида сахналаштирилди. Бу «Баҳор қайтмайди» қиссасининг сахна варианты эди. Пьеса муваффақиятли чиқмади. Бир қадар дуруст чиққан «Тўйлар муборак» комедияси бир қанча театрларда қўйилди. Тожикча, туркманча, татарчага таржима қилиниб сахналаштирилди. «Инсон садоқати» деган телеспектакль телевидение учун махсус ёзилган асар. Менимча «Тўйлар муборак» билан «Инсон садоқати» бир қадар муваффақиятли чиққандек туюлади. Лекин, умуман айтганда, барибир драматургия соҳасидаги ишларим яхши бўлди деёлмайман. Бир қанча асарлар радиопостановка қилинди, радиога катта раҳмат. Телевидениедаги таниқли режиссёр М. Мирзааҳмедовдан миннатдорман. «Баҳор қайтмайди», «Нур борки, соя бор», «Дунёнинг ишлари», «Инсон садоқати»ни менимча томошабинга маъқул келадиган қилиб, айни пайтда муаллифни ранжитмай, унинг сўзига аралашмасдан экранлаштиргани учун дўстим Мираббосга раҳмат айтишим керак!

**Т. Юнус.**— «Дунёнинг ишлари» асарингизни ўқувчилар жуда яхши кутиб олишган. Айтишларича, кўплаб мухлислар шу китоб туфайли Сиз билан туғишгандек яқин бўлиб кетишган экан...

**У. Ҳошимов.**— Бир йили Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидан телеграмма келди. Ғанибод савхозидан Жаъфарали Пайғамов деган йигит пилла бригадасида ишларкан. Менинг номимдан бир қути пилла боқиб, тушган 828 сўм маблағни тинчлик фондига ўтказибди. Орада маълум муддат ўтгандан кейин, О. Шарафиддинов, А. Расуловлар билан шу йигитнинг уйига бордик. Бир пиёла чой ичдик. Жаъфаралининг туриш-турмуши эл қатори. Оддий деҳқон қандай яшаса, шундай яшаркан. Озод ака айтдилар, ўша 800 сўмга холодильникми, гиламми олишингиз мумкин эди-ку, деганларидан Жаъфарали, «Дунё ишлари»ни ўқигандан кейин онамиз Уткир акани жуда яхши кўриб қолдилар, деди. Ғаллаорол туманидан Маматқул ака Эгамов бир боғ барпо қилибдилар. Шу боғимни бориб кўрмасангиз бўлмайди, дедилар. Биз беш-олти дўстлар билан бордик. Маматқул ака қир тепасида, сув чиқмайдиган жойда артезиан қазиб тераклар, олма-лар, шафтолилар ўстирибдилар. Боғга «Оналар боғи» деб ном қўйдик. Шунда Маматқул ака қизиқ бир воқеани айтдилар. У киши урушдан кейинги йилларда налогчи бўлган эканлар. «Ўзим хоҳлаб-хоҳламай бировларни ранжитган бўлишим мумкин. Китобингиздаги налогчига оид гапларни ўқиганимдан кейин одамларга мендан бир ёдгорлик қолсин деб шу ишни қилдим», дедилар. Ёки учинчи мисол. Фарғона вилоятининг Қува туманига борганимизда дала шийпониде учрашув бўлди. Шунда Мушарраф ая деган аёл ўз қўллари билан тиккан дўппини бошимга кийгазиб айтдиларки, «менинг ўғлим бор эди, яқинда Афғонистонда ҳалок бўлди, сиз менга тутинган ўғил бўлинг» дедилар. «Ўғлим ўлгач, кўзимга дунё қоронғу бўлиб кетди, шунда «Дунёнинг ишлари» кўлимга тушиб қолди, шу китоб мени ҳаётга қайтаргандай бўлди» дедилар. Мени тўғри тушунинг, Тоиржон. Бу гапларни мақтаниб айтаётганим йўқ. Адабиётга, бадий ижодга шу қадар меҳр қўйган халқимиз борлиги учун фахрланиб гапиряпман.

**Т. Юнус.**— Кейинги романингиз — «Тушда кечган умрлар»да ҳаёт ҳақиқати бешафқат тасвирланган. Асарда шундай тасвирлар борки, бундан беш-олти йил аввал бунақа нарсаларни ёзиш тугул, гапириш ҳам амримаҳол эди. Ана шу янги романинг ёзилиши ҳақида икки оғиз....

**У. Ҳошимов.**— Қайта қуриш ва айниқса Ўзбекистон Истиқлоли ижодкорлар олдига янги уфқлар очди. Ҳақиқатни ёзиш имкони туғилди.

Асар катта даврни — мажбурий коллективлаштиришдан тортиб «ўзбек иши»гача ўз ичига олган. Коллективлаштириш ҳам, 30-йиллар қатағони ҳам, 50-йиллардаги қамақамалар ҳам, Афғонистон уруши ҳаммаси битта дарахтда унган мевалар. Аччиқ, захарли мевалар. Зулм системасининг мевалари. Сўнги 70 йил унбайнида бутун бошли авлодларнинг ҳаёти ваҳимали тушда кечгандай ўтиб кетди. Асарда даҳшатли образ бор. Бу — комиссар Соат Ғаниев образи. Бу одам зулм системасининг вакили. Асарни ўқиганлар шу одамнинг ўлишини хоҳлардик дейишди. Йўқ, у ўлмайди. Чунки бунақа қора кучларнинг ўлиши қийин. Бу романи ёзишда бизнинг қулоғимизга қуйиб, қарийб мажбур қилиб келинган қолиплардан чиқиб кетишга ҳаракат қилдим. Ёсингизда бўлса, бир вақтлар асар оптимистик руҳда тугаши талаб қилинар эди. Мабодо яхши одам

ўлсаям, бу ҳаётбахш ўлим бўлсин! Яхшилик учун курашган Рустам охир-оқибат ҳалокатга учрайди. Ҳеч нарсага эришолмайди. Социалистик реализм методада типик қаҳрамонларнинг типик шароитда ҳаракатланиши талаб қилинади. Ҳўш, агар «типик» бўлмасачи? Романда шундай бир лавҳа бор. Комиссар Ғаниев уруш пайтида махсус бўлимда ишлайди. Комиссарга бир аскар немислар билан картошка кавлаганини мақтаниб юрган эмиш, деган хабар келади. Борса, ёши элликлардан ошган оддий бир қозоқ солдат экан. Комиссарни кўриб хурсанд бўлиб кетади. (Комиссар, ҳарқалай ўзбек!) Бўлган воқеани оқизмай-томизмай гапириб беради. Олдинги маррадаги аскарларга бир ҳафтагача овқат келмайди. Аскарлар оч қолгач, бояги солдат билан Бондаренко деган йигитни нейтрал зонага картошка кавлаб келишга юбордилар. Туманда картошка кавлашаётса, бир вақт нариги томонда немисча гап-сўзлар эшитилади. Бондаренко отмоқчи бўлганида ўрಿಸчани чала-чулпа биладиган немислардан бири «не штрелляй» дейди. Сўнг улар гаплашиб қолишади. Немислар ҳам оч қолиб иккитасини картошка кавлашга юборган экан. Немис уруш жонига текканини, бола-чақасини соғинганини айтади. Қозоқ аскар ҳам ўзининг 8 боласи борлигини айтади. Кейин немислар ҳам, бизникилар ҳам яхшилик билан ўз йўлига кетадилар. Комиссар қозоқ аскарини ҳам, Бондаренконин ҳам хоин сифатида отиб ташлайди. Отиб ташлаши-ку, типик ҳодиса. Лекин совет аскарининг немис билан картошка кавлаши, тагин, душманини отмасдан (ёки душман ўқидан «қаҳрамонларча» ҳалок бўлмасдан) қайтиб келиши қайси «типиклик қолипига сиғади? Ҳаётда бундай бўлиши мумкинми? Албатта мумкин! Бу воқеани айнан ўз бошидан кечирган одам айтиб берган. Фақат бу киши содда қозоқ аскарига ўхшаб, оғзидан гулламаган ва омон қолган... Ажаб, ҳаётда бўлиши мумкин бўлган нарсани адабиётга олиб кириш нега мумкин эмас?

Адабиётимиздаги мавжуд қондаларга қарайдиган бўлсак, ғалати манзарани кўра-миз. Бизнинг аскарлар душманини тутдек тўкиб ташлайверади. Уқи ҳеч адо бўлмайди. Ҳеч нимадан кўрқмайди. Онасиниям ўйламайди, хотининиям. Фақат Ватан ҳимоясини ўйлайди. Қип-қизил ёлғон! Демокчиманки, шундай қолиплардан чиқиб кетмагунча асар сунъий бўлаверади... Романин ёзиш олдидан кўплаб «афғон» болалар билан гаплашди. Одатда урушга борган одам уруш ҳақида гапирмайди. Ўша фожиаларни эслаб юрагини сиққиси келмайди. Узоқ, самимий илтимослардан сўнг, Афғонистонга борган йигитларимиз бир-бирдан даҳшатли воқеаларни айтиб бердилар. Роман ёзаётганимда мен учун афғон ҳам, душман ҳам йўқ, мен учун тирик одам бор эди. Одам урушда қандай аҳволга тушади. Ниятим шуни кўрсатиш эди. Асарни ўқиган «афғон» йигитлар ўша манзаралар ҳаққоний тасвирланганини айтишди. Уруш шундай палакатки, одам ўзининг ваҳшийга айланиб кетганини билмай қолади. Яна бир нарса: одам урушда жуда кўп туш кўрар, художўй бўлиб қолар экан. Романда мана шуларга алоҳида эътибор берилган.

**Т. Юнус.**— Уткир ака, биласиз, Улуғ Ватан урушидан кейин бу мавзуда кўп асарлар пайдо бўлган. Уларнинг бадиий қийматини ҳар ким ўзича талқин қилар-у, мазмуни ўша йиллар маддоҳлигига оҳангдош, «қизил» асарлар эди. 60-70-йилларда уруш мавзусида янги асарлар ёзилди. Масалан, Ю. Бондарев, В. Биков, Распутин асарлари. Айтмоқчиманки, 30-40-йиллар ўтгандан кейин урушнинг том маънодаги фожиалари англаб етилгандек бўлди. Бу саволни беришдан мақсад шуки, биз бугунги кунимизни, масалан «ўзбеклар ишини» шошилиб асарга кўчирмаяпмизмикин? Озгина муддат сабр қилишимиз керакмасмикин?

**У. Ҳошимов.**— Бу фикрга бир жиҳатдан қўшилиш керак, иккинчи жиҳатдан мен унча қўшилмайман. Албатта, маълум вақт ўтиб, воқеалар тинганидан кейин, кўп нарса аён бўлиб қолади. Бу гап тўғри. Лекин масаланинг иккинчи жиҳати бор. Менимча, кўп нарса маҳоратга боғлиқ. Шу боисдан, бугунги кун ҳодисалари ҳақида дейлик, 20 йилдан кейин асар ёзиш керакмасмикан деган гап эришроқ туюлади. Ҳали сиз айтган, урушнинг изи совимасдан туриб ёзилган «қизил» асарларнинг шундай бўлиб қолишига мавжуд ғоялар сабабчи бўлган. Ҳатто Фадеевдек маҳоратли адиб ҳам «Ёш гвардия» романини «қизиллаштиришга» мажбур бўлган. Ҳозир ҳақиқатни ёзиш имкони бор. «Ўзбек иши»дан мақсад нима эди? «Ўзбек ишини» қўзғашдан мақсад, мамлакатдаги танг аҳволни ҳас-пўшлаш бўлган. Албатта, Ўзбекистонда қўшиб ёзишлар бўлган. Аммо бундай ишлар бутун Совет мамлакатада авж олган. Бунинг учун ўзбек айбдор эмас. Бу мавзуда ҳали кўп яхши асарлар ёзилади.

**Т. Юнус.**— Баъзи адиблар, айниқса бугунги ёшлар ижодида янги услуб, йўналишларни кўриш мумкин. Янги тажрибалар қилишга интилиш бор. Сиз бу масалага қандай қарайсиз?

**У. Ҳошимов.**— Асло қарши эмасман. Масалан, кўплаб ёшларнинг шеъриятида сўзнинг ички оҳанги, ички ҳаракатлари, товланишлари сезилади. Насрда ҳам изланишлар бўляпти. Янгича формалар топиш, янгича услублар, хаёлий йўналишлар излаш ёмон эмас. Лекин мени бир муаммо жиндай ташвишга солади. Янги форма дегани, А. Қаҳҳор айтгандай пардозга ўхшаб қолмаяптимикин?! Менимча, бу ерда иккита нарсага эътибор бериш керакдай туюлади. Биринчидан: ўқувчи оддий деҳқон бўладими ёки академикми, асарни ўқиганда ия бу киши янги форма топибдилар-ку, демаслиги керак. Уқувчи китоб-

да энг аввало одамни, ҳаётни кўриши керак. Иккинчидан, қаламкаш асарининг ночорлиги, саёзлиги, ёлғонлигини яшириш учун янги форма изласа барибир яхши натижага эриша олмайди. Бу менинг шахсий фикрим. Бироқ янги услубий изланишларни қўллаб-қувватлаш керак. Ахир ижод деганининг ўзи янгилик яратиш дегани-ку!

**Т. Юнус.**— Узингиз ҳам асар қурилмасини янгича қилишга уринасиз. Жумладан «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» романларининг композицияси мураккаб...

**У. Ҳошимов.**— Эҳтимол. Аммо китобхон асарни ўқиётганда бунисини ўйлаб ўтирмаса керак, деб ўйлайман.

**Т. Юнус.**— Ёзолмайдиган пайтларингиз ҳам бўладими?

**У. Ҳошимов.**— Кўп бўлади. Баъзан ойлаб бир сатр ҳам ёзолмайман. Асарнинг ўзи «қўлимдан судраб» столга ўтқазиб қўйганидан кейин иш юришиб кетади. Илҳом дегани шу бўлса керак. Кейин ғалати одатим бор. Асар чала ёзилиб уч-тўрт кун туриб қолса, уни ташлаб юбораман. Асар руҳига қайта кириш қийин кечади.

**Т. Юнус.**— Сир эмас, ёзувчи халқи сал ғалати роқ бўлади. Асар ёзаётган пайтда буткул ўзга оламга киради. Бунақа пайтда биров халақит бериб қолса, худо кўрсатмасин... Сизда ҳам шундай бўладими?

**У. Ҳошимов.**— Бу табиий ҳол, Тоиржон. Бунақа паллада жуда инжиқ бўлиб қоламан. Биров билан гаплашгим келмайди, газета ўқимайман. Журнал материалларини ўқишга мажбурман-ку, радио эшитмайман, телевизор ҳам кўрмайман. Баъзи кунлари 12 соатлаб ишлашга тўғри келади.

**Т. Юнус.**— Бу саволимнинг тагида Уткир Ҳошимов уйда қандай ота деган маъно ҳам бор эди.

**У. Ҳошимов.**— Тушунарли. Фарзандларимдан хурсандман. Уғлим бор, қизим бор. Худога шукур, неваралик бўлдик. Куёвим, келиним кўз тегмасин, яхши одамлар.

**Т. Юнус.**— Айтинг-чи, ёзувчи Уткир Ҳошимовнинг — оддий одам Уткир Ҳошимовга қандай эътирозлари бор?

**У. Ҳошимов.**— Ғалати савол... Майли, жавоб беришга уриниб кўраман. Тирик одам сифатида менинг ҳам камчилик ва хатоларим оз бўлмаса керак. Худо кечирсин-ку, башарти қайтадан умр ато этилса, ҳаётда ўзим йўл қўйган камчилик ва хатоларни такрорламасликка уринган бўлардим. Атрофимдаги одамларга иложи борича кўпроқ меҳр кўрғазिशга ҳаракат қилардим. Биласизми, Тоиржон, ғалати фалсафа бор. Ота-она фарзандига яхшилик қилиб, жавобини кутмаслиги керак, негаки ота-она фарзандига қилган яхшиликни фарзанди ўз фарзандига қайтаради, дейдилар. Бу гапда чуқур маъно бор. Ҳаётнинг давомийлиги, абадийлиги шунга қурилган бўлса, ажаб эмас. Бироқ, ота-онам ҳаёт бўлишганида эди, мен уларга ўз вақтида беролмаган меҳримни берган бўлар эдим. Башарти ёзувчи Ҳошимов оддий одам Ҳошимовдан «нега умрингни бекор ўтказ-япсан, кўпроқ ишласанг бўлмайдим», деб сўраса, «гапинг тўғри, биродар, мен танбал одамман, кўп вақтим беҳуда кетяпти», деган бўлардим.

**Т. Юнус.**— «Нотаниш орол» китобингизда бир орзуни ёзгансиз. «Асарингни ўқиган китобхон кечаси билан ухлолмай, тўлғаниб чиқса...» Эсингиздами, шу гап? Сизнинг кўп китобларингизни ўқиган одам шундай ҳолатни бошидан кечиришига ишонаман.

**У. Ҳошимов.**— Мен эса буни фақат орзу қиламан.

**Т. Юнус.**— Китобхонларингизга тилагингиз.

**У. Ҳошимов.**— Халқда бир удум бор. Бировни алқаса, «танисоғлик, хотиржамлик ато этсин», дейди. Танисоғлик-ку, тушунарли. Нима учун хотиржамликни соғ-саломатлик билан бир ўринга қўямиз? Менимча, гап шундаки, хом сут эмган ҳар бир банда учта нарсанинг қадрини йўқотгандан кейин билади. Бири — соғлик, бири — ёшлик, яна бири — тинчлик. Тилагим шуки, ҳар кимнинг танижони соғ бўлсин. Ҳар ким яхши ниятига етсин. Омад ёр бўлсин. Юртимиз тинч бўлиб, Ўзбекистон Истиқлоли тезроқ вояга етсин!





## КҮКСИМНИ ТИТРАТИБ СЌЗ КЕЛДИ

Ғулом Эгамшукур

\* \* \*

Сен вафо сўрайсан, мен ғариб бўлсам!  
Чўкиб борар дарахтлар тунга,  
Деразанинг қўллари очиқ.  
Йўқ, севмайман, ҳаммаси — бекор,  
Илтижо ҳам қилмагин тортиқ.

Бугун оқшом туйдим ногаҳон,  
Майдаланган аксинг шаклини.  
Қушлар тунда тутдилар пинҳон,  
Асради тунлардан ақлини.

Сен вафо сўрайсан, мен ғариб бўлсам!

Ишонч йўқдир, ҳатто ишончга,  
Сулув тунлар — бағридир юмшоқ.  
Сен хиёнат кўтарган қўлсан,  
Қорачиқнинг ватани — оппок.

Дунё надир? Дунё мен ўзим!  
Оёғим — ишора кулади кундуз.  
Юракнинг жабрини чизишга  
Етмай қолар гоҳида бир сўз.

Мен сўзман! Мен ўзим — баъзида  
Тошларнинг бошини силаган.  
Мен ўзим — вафومان, мен ўзим —  
Итлардан вафо ҳам сўраган.

Сен вафо сўрайсан, мен ғариб бўлсам!..

\* \* \*

Биламан, ул сокин кечалар ёди,  
Бир маёқ сингари руҳимга боғлиқ.  
Мен, ахир, забонсиз қолгум кечасиз,  
Сир бермайди, қўрқоқ сукунат — борлиқ.

Ёқарман кўзларнинг қора шамини,  
Балки қорачиқлар сўзсиз бир забон.  
Сени ёдлар умрим бахтли кунларда,  
Юрак унга сарбон, мен унга сарбон.

Тутайди заъфарон боғлар ўтмиши,  
Сенга қолдирурман қорачиқ умрин.  
Балки жуфт юлдузга айланар кўзим,  
Не тонг сочларингга илашар саррин.

Биз бирга ёнармиз ҳижрон тунлари,  
Ширин хотиралар бирла ҳўб азоб.  
Умидим илкени боғловчи занжир,  
Дардсиз сукутларда кечаётган хоб.

Яна сенсиз қолдим азобим — якка,  
Тунлар хотирамга суртилган — қора.  
Қачон сочларингни ўқир қўлларим,  
Ой ҳам тун кўксиде аламли яра?!

Ялонғоч дарахтлар гавдаси,  
Маъюс учаётган қушларнинг саси,  
Узоқ масофалар келтирган соғинч —  
Менман, сағир боғнинг эгаси!

Ҳориган далалар, кенгликлар,  
Болаликнинг ширин нафаси.  
Дарахтлар маъюсдир-маъюс,  
Қадамларнинг оғир шарпаси.

Хазонларга эрк берган куюн,  
Хира қилиб кўрсатар юзни.  
Ёлғиз чинор танасида — мен  
Ва исмсиз чизилган кўзни.

Баҳор? Баҳор йўқ! Баҳор йўқ... баҳ...  
Изғиринлар келтирар қорни.  
Ёлғиз дарахт — ёлғиз кўлида —  
Асраганди менга баҳорни!..

Косон



## Фарид Усмон

\* \* \*

Меҳру шафқат кўнглунгиз бозорида ноёблиғ,  
Зулми зўрлик қалбингиз дўконида сероблиғ.

Зориман лутфу карамнинг, ахтарурман бесабр,  
Балки бу майлим била қилдимми беодоблиғ?!

Бу нечук бозорки, ул зарур матони топмадим,  
Ҳийлаи найранг сероб, кўпдир жуда қаллоблиғ.

Шумлигин олиб сотиб югувчи туйғулар сероб,  
Ул бири жаллоблиғ айлар, ул бири қассоблиғ.

Ҳоридим, бир хаста ҳолатга тушиб қолдим бу кун,  
Найлай, ортар жисми-жонимда бу хил бетоблиғ.

Меҳри шафқатни сотиб олмоққа бир бозор қани,  
Эй Фарид, пайти келиб бўлса ажаб сероблиғ.

\* \* \*

Сизни ўйлаймиз ҳануз биз, бизни ўйлайсизму, сиз,  
Ҳаққингизда сўзладик биз, бизни сўйлайсизму, сиз?

Даврларда келдилар деб қолсалар бўй чўзаман,  
Кўрсатиб қўйсам баногоҳ бўйни бўйлайсизму, сиз?

Дейдиларки: ҳар кўнгулнинг истаги — ўз куйи бор,  
Сиз менинг кўнглум куйисиз, бизни куйлайсизму, сиз?

Сиртингиз ошкор этар — ташвишга ошносиз мудом,  
Бизни ҳам беғамгина юрмоққа қўймайсизму, сиз?

Қандайин аҳду қарор бу — бир ажойиб эркалик,  
Чин кўнгул берган кишини шунча қийнайсизму, сиз?

Йўқ, Фарид имкон унутмоққа, юракнинг амри шу,  
Сизни ўйлаймиз ҳануз биз, бизни ўйлайсизму, сиз?

Санинг бир бедилингман, айт, қачон бир диллиғ айларсан,  
Умр куз фаслига юз тутди-ку ҳосиллиғ айларсан?!

Умидим бор эди, сен ташриф айлар гул баҳоримдан,  
Биларман, қиш яна ёз мавсуми мушкуллиғ айларсан.

Манинг ҳам борлигимни англасанг бир бора на бўлғай,  
Нечук у нобакорларга бу хилда қуллуғ айларсан?!

Бунингдек товланишлар борлигини сир тутиб эрдинг,  
Қаердан бўлди пайдо мақсадинг хил-хиллиғ айларсан?!

Очилмай ёшурин қолдинг кўзим олдида, эй ғунча,  
Тароват боғи ичра сен мудом маҳфиллиғ айларсан.

Фарид, дардимни изҳор айламакка сўзда қувват йўқ,  
Санинг бир бедилингман, айт, қачон бир диллиғ айларсан?!

Андижон



## Ориф Ҳожи

### Ёруғ

Офтоб — ҳуснинг хаёлидин кўзумга тун ёруғ,  
Бўлмаса ҳуснинг менга, йўқдур бирор-бир кун ёруғ.

Толеимни кафтларингга иншо қилмишдур азал,  
Бул не хат деб сўрмагилким, ул эрур «олтин ёруғ».

Сени деб бошим маломат тошидин қонларга ғарқ,  
Арз қилсам жилмайиб дерсан: «оқувчи хун ёруғ».

Васлинга етсам қаро бир тунда, юлдуз отса кўк,  
Ғудранурман норизоким: «эй фалак, невчун ёруғ».

Сўрма дўст қоронғию ёруққа тимсол не дея,  
Бул менинг бахтим — қаро, ул чеҳраи гулгун — ёруғ.

### Хол

#### «Лисон ут-тайр»ни ўқиб

Ул малакнинг ол ёноғинда тарифдек холи бор,  
Тушди кўзим, энди мен, кўз сурмасам уволи бор.

Чун санамнинг ишқи сиймурғ ишқидек улкан эрур,  
Жон қушин ул ишқ қошинда синчалакдек холи бор.

Ишқ йўлинда неча минг-минг попишак тайрон эрур,  
Лек, аларнинг дейдилар мингдин бирин иқболи бор.

Ошиқ эрмас улки ҳиммат тожини киймас экан,  
Қарчиғай, сор бўлса ҳам, бойқуш каби аҳволи бор.

Давлатидин ажр умидин қилса арзир ким анинғ,  
Кўнглуда кибру ҳаво, нафсу ҳасад помоли бор.

Кўзларинг жонимга ўт ташлар ани куйдургали,  
Куйдириб жонимни жонимдин мани тўйдургали.

Фитнакор кўзларми бу ёки шоҳ жаллодидур,  
Ким ани султон тутар толибларин сўйдургали?!

Кипригин чўкич қилиб, боз сув қуяр чашм обидин,  
«Ишқ» сўзин у бул аламлик кўксумда ўйдургали.

Ғамза ўқин кўз учидин шундайин отгайки мен —  
Англамам ўлдургалими бизни ё, сўйдургали?!

Сен Ориф, танг бўлма кўп хор кўриб ишқ аҳлини,  
Барчага бирдай ситамдур бир назарда кўргали.

Чироқчи



## Абдулла Вахшиворий

\* \* \*

Вахшиворнинг дарасида тулпор кишнар,  
Яғринидан қон сизади, қаноти йўқ.  
Ем берай деб, сув берай деб паст кишилар —  
Қўш қанотин кесмиш, тулпор чайнар сувлиқ.  
Бойсунтоғлиқ Алпомишга мадад керак!

Тулпор кишнар, Вахшивортоғ даралари  
Бағри қонаб ларзон бўлар, тўлғонади.  
Тулпорининг туёғида қирқ газ гулмих —  
Вахшивортоғ, алпинг қачон уйғонади?..

\* \* \*

Гулларни соғиндим, муаттар бўйли,  
Эҳтиросли лобар гулғунчасини.  
Бир латиф гулниким, иболи, ўйли —  
Кўнгулнинг нақшбанд тугунчасини.

Ранглари униқиб, буғлиққан қорнинг,  
Тагидан ниш отсин мурғак гиёҳлар.  
Киприклари узун расо виқорнинг —  
Қаддини эгсинлар оппоқ гуноҳлар...

Лабимда гулласин ол дудоқларинг,  
Севги гуноҳ бўлса, гуноҳкор бўлай.  
Севгилим, имкон бер, оёқларингга —  
Толемдан хушбахт гулдай тўкилай...

\* \* \*

Маҳвашим, ҳажринг юракни  
қийма-қийма, поралар,  
Оҳ чекурман тунлари  
дардимға топмай чоралар.

Бу кўнгул бўстонини  
ҳажринг ўти доғ айлагач,  
Гул экай, деб тирноғин  
қон айлади гулноралар.

Бусубут қай бир юракнинг  
мақрига учдинг, гулим,



Мен бу ёну сен у ён,  
қаққақ кулар ағёралар.

Қонни қон ювмас-ку, оҳ —  
оби зилолим, қайдасан,  
Йўқ экан рўйи заминда  
сен каби фавворалар.

Чин ошиқлар аҳволингга  
кулмагай, Абдулла, ҳеч,  
Озгина қилгай мазах,  
номусбозор овворалар.

Олтинсой



## Мадамин Қўчқор

### Даъват

Дарёнинг сатҳига шуъла синггандек —  
баҳорни ёз билан бирлаштирар уфқ.  
Имолашар ойу юлдуз бир гўзал,  
япроқлар ҳилпирар гўё кумуш туғ.

Имолашар ойу юлдуз бир гўзал,  
сукут салтанатин ҳеч қачон йиғмас.  
Бунда ортиқчадир ҳар қандай жимлик,  
келгин, бу кенгликка ёлғизлик сиғмас.

### Тунги чирой

Ичайинми дейсан қақрок, ташналаб  
бир қошиқ сув билан тунги чиройни.  
Сим-сиёҳ тун билан бир бўлиб, бунда  
Қорамон бағрига босибди ойни.

Яқинроқ бордим мен жозиб лавҳага,  
Қорамон қошида қотиб қолдим донг —  
ой баландда борар бепарво елиб,  
армон-ла шовуллаб ётар Қорамон.

### Хотирадаги манзара

Оқ тут остида супа  
соя солган тут шохи.  
Шохлар ора ой боқар  
сояки мисл шоҳи.

Уй ичи бола-чақа  
ёз айвонда яшайди.  
Онам тонгда болишга  
бир зум бошин ташлайди.

Супа эмас, бу гўё  
супа бўйи хонатлас.  
Уйларга жим боқаман,  
уйқу келмас, ой ётмас.

Чарх тошининг атрофин  
ялтираб урар учкун.  
Шафак тийғини берар  
болтаю ўрок учун.

Сочар тун дарчасидан  
ипак шуъла ойналар.  
Қум этагин шамоли  
курагимда айланар.

Уйқу йўқ. Ой ҳам ботмас...

Шовот

\* \* \*

Ўртамизда ётар шаҳарлар,  
широқлари чақнаб, чарақлаб.  
Соғинаман сени шаҳарлар,  
соғинаман юрак-юракдан.

Япроқларни ўйнайди шамол,  
дарахтларнинг гўё йўқ ҳоли.  
Қизаради уфқлар ҳам лол —  
елқасига ташлаб рўмолин.

Осмонларда тўлишган ойнанинг  
нурларига бошим ураман.  
Толиблиқда севган чиройни  
тушларимда қайта кўраман...  
Олисларда шаҳарлар бўлса  
йўлларимга нурин тўшайди.  
Ой ботаркан ётсираб, мулзам,  
сенга жуда-жуда ўхшайди...  
Ўртамизда ётар шаҳарлар....

\* \* \*

Куз келди кўзида ёшлари —  
хўрсиниб боғларга ваъз айтади.  
Сарғайди толларнинг бошлари  
ҳали тугамасдан ёз пайти.

Япроқлар тўкилди-тўкилди,  
мисоли умримнинг дамлари.  
Ёнган уфқларга тикилдим —  
ўзгарди кўнглумнинг ранглари.

Турналар тизими тор мисол  
ҳайқириб ўтдилар тизилиб.  
Уларни кузатиб ҳол-беҳол  
булутлар ёш тўкди эзилиб.

Куз келди, оҳ, яна куз келди,  
шамоллар айланди дарахтни.  
Кўксимни титратиб сўз келди —  
мен қандай юпатай юракни?!

Деҳқонобод



Раҳим Каримов

### Дақиқа

Соат «чиқ-чиқ»лайди, ўтди бир минут,  
Қайтмайди, мангуга ўтди-кетди, у.  
Сезилмас туюлар, бўлади нунут...  
Дақиқа — мен сочиб бораётган уруғ.

Нима эксанг шуни ўрасан, дерлар,  
Нималарни экиб келдим экан, мен!  
Замин алдамайди, алдамас ерлар,  
Гул терасан ёхуд санчилгай тикан.

Уш



Алишер Поён

### Лайлат-ул қадрнинг эртаси

Бир кечада гуллаган олча,  
Хуш лаҳзалар сеҳридан сўйла.  
Хусну бўйдан сармаст турганча,  
Мен гулсизнинг ҳолин ҳам ўйла.

Қодир кеча қайда эдим, мен,  
Уйғотмади нечун садолар?  
Туйнугимнинг ёнгинасидан  
Ўйнаб-ўйнаб ўтган саболар.

Қутлуғ дамлар меҳридан ғофил,  
Қолганларга тасалли надир?  
Жисми-жоним, ахир, кўш соҳил,  
Ўзан узмиш нурдарё — қадр!..

Беҳис оқлик ястанган дала,  
Тунд кунларни дилдан ўчирсам.  
Бир гулдаста каби шу палла  
Юрагимга сени кўчирсам!

## Йўл қараган дераза

Беш кунга чўзилди ширин алдовинг,  
Беш кунлар бағримни куйдирди соғинч.  
Кўзларим ёйдилар нурли поёндоз,  
Сени олиб келар йўллар эса тинч.

Шу қадар сокинки, янгориб кетар,  
Бегона қадамлар садоси бунда.  
Кундуз мудрагандай бу шайтон йўллар,  
Ғужанак бўлишиб йиғлайди тунда.

Кўзим поёндозин шамол тўзғилар,  
Булутлар ҳар ёқдан қуршаб олади.  
Ёмғир ёға бошлар... кўча бошида  
Кўлмакка айланиб кўзим қолади...

## Етти кунлик мўъжиза

Олам бино бўлмиш шу етти кунда,  
Имкон чегараси, ахир, етти кун.  
Етти хил ранг аро кулди камалак,  
Етти кун ичида етилди очун.

Етти кун қайдадир қолди мўъжиза,  
Пойимдан йўлларим кетса ҳам айри.  
Урвоқ тош тоғ бўлиб кўзим тўсса ҳам,  
Қонимни ёқса ҳам соғинчлар сайри.

Бу не имкон экан сирли етти кун,  
Дил мулкига битта ғишт қўёлмадим.  
Кўнглумда роз айтган гул япроғини  
Суйдиму сийладим, лек, тўёлмадим.

Қодирам, зор этган мўъжизанг қани,  
Аросат мулкидан қайга кетди кун?  
Такомил истаган бир ғариб кўнгул  
Кўзёшдай осилиб қолди етти кун!..

Жарқўрғон



## Нурали Мисиров

\* \* \*

Ниҳолларга — ортда ёшларга  
эгилмоқни ўргатган мисол,  
оқ пўстинда, йиртиқ пўстинда,  
қишда ҳам бош эгар мажнунтол.

Тобора кун яқин келаркан,  
қулар экан боғлар ҳар наҳор,  
мажнунтолнинг эски жулдурин ечиб,  
кўм-кўк чопон кийгизар баҳор.


\* \* \*

Қудуқдаги бақа чуқур  
зулмат ичра сайрайди.  
Қопқоқда томчи порласа,  
юлдузлар деб қарайди...

\* \* \*

От, аравам йўлда. Эркин  
қўшлар кезар дарада.  
Юкни отим тортиб борар,  
инграб борар арава.

Сирдарё



# Ҳикмат, Боққедлар, ҳужжатлар

Заки Валиди Туғон

## ХОТИРАЛАР

Шерали ТУРДИЕВ таржимаси

**Губернатор социал-демократ Наливкиннинг алданиши.** Мен большевикларнинг интилишлари нимадан иборатлигини ўшанда сездим. Уларнинг ҳар раҳбарий ўринларга, ишчи ташкилотларига аралаштиришнинг, мусулмонлар орасида ўз фойдаларига қараб ҳаракат қилганликларининг маъноси тушунарли бўлди. Июннинг иккинчи ярмида Туркистон социал-демократ партиясининг конгресси бўлди. Мансуровнинг таклифига мувофиқ мен бу конгресснинг баъзи йиғилишларида қатнашдим. Туркистон генерал-губернатори ўрнини олган Наливкиннинг бу партиянинг сўл қанотида бўлиши «Туркестанские ведомости» газетасида бостирган мақолаларидан сезиларди. У ерли пролетариат ҳақида ёзди. Меншевиклар конгресси ва Давлат Думасининг социал-демократлар фракциясини табриклади. Ишчи-хизматчилар Советлари маркази номига табрик юборган большевик Тоболин бутун социал-демократларнинг, шу жумладан, большевикларнинг бирдамлигини ёқлаб, нутқ сўзлади. Мансуров большевиклар билан бирга ишлаб бўлмасликни, уларни социал-демократлар партиясидан чиқариш кераклигини тушунтирди. Шунга қарамасдан, конгресс большевиклар билан ҳамкорлик қилишни лозим топди.

Бу воқеадан кейин мен Наливкиннинг олдига бордим, сон жиҳатдан оз бўлган большевиклар аъзоликдан чиқарилмаса, бошқариш улар қўлига ўтади, улар билан ҳамкорлик эса бошқа партияларни четга суриб қўяди ва йўқ қилишга олиб келади, дедим. У эса Тоболиннинг сўл оқимдаги бир социал-демократ бўлишини, ундан кўрқмаслигини айтди. Мен Бройдо ва Фитерман кабиларнинг социалистдан кўра кўпроқ сионист бўлишларининг, шу орада Жунаидхон номли туркман идора қилган Хивада юз берган воқеаларни текшириш учун юборилган кўмитага Бройдонни сайлаш хато бўлганини сўйлаганимда, у узун соқолини силаб, индамай эшитиб турди. Наливкин барибир уни Хивага юборди. Ҳақиқий большевикларнинг асосий мақсадлари демократ Керенский ҳукуматини йиқитиш эди. Мен Наливкинга Туркистонда демократия оппортунистлар томонидан йўқ этилади, деб айтдим. Ва шундай бўлиб ҳам чиқди. Октябр ойида бошқариб большевиклар қўлига ўтди. Наливкин ўзи ишонган Тоболин билан Колесов тарафидан ўлдирилишидан кўрқиб, бироз вақт беркиниб яшади, сўнг рус қабристонига хотинининг қабри устида тўппонча билан ўзини ўзи отиб ўлдирди. Бу оппортунист социалист ва совет губернаторининг фожиаси бутун кишилик дунёси камолида аянчли бир воқеа эди. Кейинроқ ҳам кўрдикки, большевиклар бирор обрўли оппортунист шахсни учратсалар уни алдаб-сулдаб ўзларига томон ағдариб олар ва улардан фойдаланиб, кейин бошини ердилар.

**Инқилобнинг дастлабки ойларидаги гўзал хотиралар.** Россиядаги биринчи инқилобнинг дастлабки ойлари жуда яхши бир замон бўлди. Бир-биримизга чин кўнгилдан ишониб, самимий ва жонажон дўстлар орттирдик.

Кўп вақтларда сўзлаган фикрларим ўртоқларим томонидан мақола ва шеър бўлиб майдонга чиқа бошлади. Шоир Чўлпон сайлов қонуни масалаларимиз бўйича курашимизни жуда чиройли бир дoston қилиб ёзди. Қозоқларнинг ҳуқуқшуноси Серкабой Оқаев номли дўстим бор эди. У Сирдарё бўйининг қуйи оқимидаги қозоқ ва ўзбеклар аралаш яшаган ерларни Туркистоннинг маданий бошқармасига айлантириш мумкинлигига ишонган эди. Қадимги ва ҳозирги ўғизлар маданияти тўғрисида айтган фикрларимни «Бирлик байроғи» номли қозоқ газетаси менинг розилигимга кўра, ўз мақоласи сифатида босиб чиқарди. Бу мақола кейинроқ Қозоғистон марказининг «Қизил ўрда» номи билан Оқмачит — Перовский шаҳарига асос бўлганлигини билдим.

Кўқонда дўстим Ашурали Зоҳирий билан бирга «Юрт» номли бир журнал чиқара бошладик. Унда турк миллатининг руҳий (ички) маданияти мавзуларига бағишланган мақолалар эълон қилдим. Унинг таъсири қандай бўлганлигини 1920 йилда билдим. Бухоро жумҳурияти раиси бўлган Мирзо Абдулқодир Муҳитдинов бу мақолани дўстлари олдида ёддан айтиб берган. Қисқаси, ҳар бир ишимнинг оқибатида хайрли бир натижа кўринар эди. Инсон озод бўлиб, чин кўнгилдан бошқариладиган ишлар Туркистонда қандай вазифаларни бажариш мумкинлигини кўзга яққол кўрсатди... Дўстим Убайдулла Хўжа, бир ҳуқуқшунос сифатида менга: «Балки, сайлов тартибида сайланувчининг кўчмас мулки бўлиши шарт қилиб қўйилар, бир мулк олгин», деб маслаҳат берди. Ташкентнинг Оҳангарон дарёси бўйидаги Овлоқ деган жойнинг юқори томонидаги Чотқол тоғларига қараб турган бир еридан боғли ҳовли сотиб олдим. 1917 йилда уни бориб кўришга фурсатим бўлмади, аммо 1922 йилда босмачилик ҳаракатига қўшилгач, Бошқирдистондан келган йигитлар шу ерда яшаганлар; атрофи жуда гўзал, мевали ва хушхаво бўлган бу боққа мен ҳам бир

Давоми. Аввали ўтган сонда.

неча бор келиб кетдим. Муниципалитет сайловларига номзодларнинг номлари кўрсатилди, мен Тошкент шаҳар идораси аъзоллигига номзод қилиб кўрсатилдим. Кадетлар йўлбошчиси профессор Маллицкий археология билан қизиққан бир киши эди, сиёсий жабҳада бир-биримизга қарама-қарши, ҳатто душман саналса ҳам шахсий муносабатимиз яхши бўлди. Баъзи вақт аския қилишиб сўзлашардик. Бир йиғилишда бир ўзбек аёлининг сиёсий тарғибот олиб боришини кузатдик. Мен унга: «Қара, инқилобнинг бешинчигина оёи, сен сайловда қатнашиши билан маданиятни емиради, деб айтган ўзбек аёли ҳозир майдонга чиқиб муниципалитетгагина эмас, Россия таъсис мажлисига ҳам сени эмас, мени сайлаяжак», дедим. «Кўрамиз», деди у. Кулишдик. Бу инқилоб ойлари-нинг ҳар куни ўтган даврининг йилларига баробар бўлди...

**Оренбургда биринчи бошқирд курултойи.** Июлнинг йиғирма бирида Бошқирдистон 1 конгрессига қатнашиш учун Оренбургга келдим. Етиб келганимда конгресс очилган экан. Мен Бошқирдистон Марказий Шўросининг ташкилий бўлими мудирини қилиб тайинлансам-да, Тошкентда бўлганлигим учун конгрессни тўплаш ишига ўзим раҳбарлик қила олмадим. Аммо Туркистон Миллий Шўроси билан Бошқирдистон Марказий Шўросининг иш регламентларини мен ёздим, ҳар икки шўрода идора аъзолари яқин дўстларим бўлганлиги учун ўзим бўлмасам ҳам, ишлар жуда яхши ташкил қилинган эди... Қозоқларнинг биринчи конгресси ҳам бизники билан бир вақтда, Оренбургда қақрилишига қарор қилинган эди. Улар ҳам 20—25 июлда йиғилишди. Икки конгресс бир-бирини табриқлади, қабул қилинган қарорлари ҳам бир-бирларига яқин келарди. Туркистон конгрессидаги кун тартибда «Давлат идораси» ва «Ер масалалари» бўйича маърузачи мен бўлдим. Бунда ҳам Бошқирдистоннинг шарқ ва ғарб тарафларида яшовчи аҳолиси мухторият йўлига кирган кўп сонли туркий уруғлар билан бирлашиб, мухторият қозонишига қарор қилади, деган сўзларни йиғилганлар фикр бирлиги шарти билан олқишлаб қабул этишди. Мен Тошкентда ишлаганим сабабли Шўро раислигини ўз зиммамга олган, ташкилий ишлар билан машғул бўлмоқчи эдим...

Қозоғистон йўлбошчиси Алихон Бўкайхон Тўрғай вилоятининг губернатори эди. Кадет фирқасидан ҳали ажралмаган эди... Бошқирд конгресси бизга Озарбайжон ва Украина каби мухторият тарафдори бўлган миллатлар билан алоқа қилишга ҳуқуқ берди. Мени, Усмон Қиятов номли университет талабасини ва Элдорхон Мутин номли бир эълини бошқирд ер ҳуқуқи ҳам подшо замонидан йиғилиб келган бошқирд капиталини, Оренбургдаги бошқа аскарини биноларни, парк ва хиёбонларни, карвонсаройларни қайтариб олиш масалалари бўйича Керенский ҳукумати билан учрашиб, наслдан-наслга қолиб келган бу даъволарни ҳал қилиш учун Петербургга юбордилар...

**Тошкентда муниципалитет мажлисидаги баҳслар.** Убайдулла Ҳўжаев раислик қилган иккинчи умум Туркистон Конгрессининг раҳбарлигига ИКОМУСдаги маслаҳатлашувлар, Давлат Шўроси, Уфа конгресси ва қозоқларнинг конгресси ҳақида маълумот бердим. Шу вақтда таъсис мажлисига номзодлар кўрсатилди. Менга ҳам бир жойни тавсия этишди. Бошқирдистонда сайланганимга ишониб, бу ердан сайланишдан бош тортдим. Сайловларга тайёргарлик бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш учун мусулмон бойларидан иона йиғишга қарор қилинди. Июнда сайлов қонунини бўйича кадетларни хафа қилиб қўймай, деб Улка шўроси (Краевое совешание) мажлисига келмай қолгани учун Мустафо Чўқайдан хафа бўлган эдим... Икковимиз Андижонга бориб, Миркомил номли миллионердан иона сўрадик. Жуда совуқ кутиб олди. Юз лира бергач, «Ўзингизга бўлсин, тиланчиларга хайр қилиб берарсиз», дедим. Мен ҳам аччиқланиб: «Ҳали, большевиклар келгандан кейин пулингизни ҳаммасини берарсиз», дедим. Бу гапни тушунмади. Чунки, большевикларнинг келишини билмас, пул ва мулкнинг мусодара қилинишини тушунмас экан. Икки ойдан кейин Тошкентни босиб олган Советлар бойларнинг хазиналаридаги пулларини мусодара қилгач, бу Миркомил «Мусулмон шўроси қаерда экан?» деб одам юборибди. Тошкент ва Асака станцияларидаги вагонга юкланган пахталарини қўтқариб берсалар, молимнинг юздан ўнини уларга берар эдим, деб хабар қилди. Убайдулла хабарчига: юзининг юзи ҳам ўзига бўлсин, деб жавоб берди. Биз Мустафо билан Самарқандга ҳам бордик, у ерда ҳам хайрли хизматларни учратмадик. Катта бойларга қараганда ўртаҳол савдогарлардан кўпроқ пул йиғиди. Потеляхов номли бир жуҳуд миллионери ҳам анча пул берди...

**Наливкин ва Кравченко билан музокараларимиз.** Иш бошида ҳали ҳам Наливкин турарди. Кўришдик. У менга, уламолар бошқа ерларга қараганда Тошкентда кўп овоз олади, деган фикрингиз тўғри чиқди, лекин улар сизни Тошкентда ишчанлик кўрсатишингизга имкон бермаяжак, деди. Мен эса унга Таъсисчилар мажлисидан сўнг «Улка думаси» (яъни, Туркистон парламенти) тузилгач, сайловларни янгилаб, Тошкент муниципалитетини тарқатиб юборинлар, дедим. Наливкин Тошкент Шўросининг таъсирида эди. Уларга гапирмасликка ҳаракат қилди. Мен унга демократиянинг душмани бир уламо эмас, нуқул ўз фойдаларига ҳаракат қиладиган большевикларни Советлардан четлаштиришга ҳаракат қилсаларингиз яхши иш бўларди, дедим. Масалани, кейинроқ Туркистон мусулмон Марказий Шўросига тушунтирдим. Шўро Керенскийга, шаҳар совети билан ишчилар ташкилотини, уламоларга таяниб, диктатура ўрнатишни хоҳлайди, буни рўёбга чиқармаслик учун аскар юбориш зарур деб, телеграмма берди. Керенский телеграммани олгач, генерал (балки полковникдир) Кравченкони Оренбургдан Тошкентга юборди. Советлар уни бу ерга йўлатмаслик учун барча чораларни кўрдилар. Шунга қарамасдан, бу генерал 25 сентябрда аскарлари билан Тошкентга келган эди. Келиши билан мурасасизлик бошланди. Муҳожирликда учрашган вақтимизда Керенский менга Наливкин ҳақидаги фикрларим тўғри бўлиб чиқганини, шу одам тўғриси Туркистон большевиклар қўлига ўтиб кетганини айтди. Агар Тошкентдаги мусулмон шўроси Наливкинни вазифасидан бўшатиб тўғрисида телеграмма юборганида эди, буни Керенский тушуниб, ишни бажарган бўларди. Амалда хато фақат Наливкиннинггина эмас, бизда ҳам бўлди. Миллий аскар ташкил этмасдан туриб миллий давлат тузиб бўлмаслигини тушунганимдан, мени бу аҳвол ачинтирди.

**Оренбургдаги ташкилотчилик ишларимиз.** Оренбургга етиб келар-келмасданоқ давлат тузилиши билан шуғулландик. Бу иш билан ҳукумат раиси адвокат Юнус Бикбов ва профессор Кулаев шуғулланди. 1917 йилнинг декабрида-Учинчи умум Бошқирдистон курултойи йиғирма икки кишилик кичик шўро (предпарламент) сайлаганди. Уларни Оренбургга йиғиб олдик. Улар юридик ишлар билан шуғулланиб, қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик идоралари масалаларига

онд қонунлар қабул қилди. Мен ички ва ҳарбий ишлар билан шуғулландим...

Қўқонда тузилиб, февраль ойда (1918 йилда) Советлар томонидан тарқатиб юборилган Туркистон миллий ҳукумати аъзоларидан Убайдулла Хўжаев, шоир Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), кейинроқ Бухоронинг ҳарбий министри бўлган Абдулҳамид Орипов, Тошкент зиёлиларидан Мирмуҳсин, Хива ва Бухородан келган айрим кишилар биз тарафда эди. Абдулҳамид Орипов чет эл ишлари билан шуғулланди. Шоир Абдулҳамид Сулаймон менинг саркотибим бўлиб ишлади...

Миллий шоирларимиз Сайитғарай Мағоз, Шайхзода, Бабиҷ, ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон, қозоқларнинг ёш муҳаррири Беримжон ва бир зиёли қозоқ қизи бу ерларда яширин бўлимлар тузиб, Оренбургдаги марказ учун жуда қимматли маълумотлар тўплаб бериб турдилар. Бўкай Урда билан Уральск ва Гурьев орасида алоқа ўрнатган зиёли қозоқ қизининг ёрдамида Бухоро ва Хивадаги аҳволдан ҳам хабар топдик... Туркиянинг асир тушган офицери Умарбек билан бухоролик Абдулҳамид Орипов ва тагин бир кишини уч томонга: Тошкентга ва Фарғона босмачиларига, Алаш Урдага, Бухорога юбориб алоқани таъминладик.

**Бухоро ва Хива билан алоқалар.** Июлнинг охирларида бир воқеа бўлди. Кейинроқ, 1920 йилдаги Бухоро инқилобидан сўнг у ердаги инқилобий ҳукумат Марказий Шўросининг бўлғуси раиси Усмонхўжа билан шу ҳукуматнинг марказий қўмитасига бўлғуси раис Файзулла Хўжа Туркистондан Москвага бораётганда Дутовнинг шахсий хавфсизлигини таъминловчи офицерлар тарафидан қўлга олиниб, большевик агент сифатида айбланиб, Оренбург қамоқхонасига қамалганлар. Улар Дутов ҳукумати: «Валидов бизни яхши билади», деб хабар қилишган. Дутов ҳукумати бироз вақт ўтгач, бу аҳволни менга билдирди. Мен уларни қамоқдан чиқариб, карвонсароёга жойлаштирдим. Илгаридан Москвада савдо манзилларига эга бўлган бу икки киши бой савдогар ва Бухоронинг янги раҳномаларидан ҳисобланар эдилар. Улардан ҳам Бухородаги аҳвол ҳақида тўлиқ маълумот олдик. Икковлари ҳам Москвага етиб олиш умиди билан қизиллардан қўтқарилган Қозонга бордилар. Бу икки киши билан суҳбатимизнинг натижаси ўлароқ мен ўз қишлоғимга яқин Ҳайрондан Абдулла Илёсов билан тагин икки кишини Бухорога, амир ҳукумати вакил қилиб юбормоқчи бўлдим. Бухоро амирига Орол кўли (Қазали) билан Оқмачит (Перовский) орасидаги темирйўл станцияларини аскар билан таъминлашни тавсия қилдик, керак бўлса, Оқтепа ёғидан офицерлар юборишга рози бўлдик. Амир бизнинг вакилларни ўзи қабул қилмай, бош вазирига топширган. Москвага ким ҳоким қилиб тайинланса, шуни Россиянинг қонуний ҳукумати деб танишини, Россия билан аввалги аҳдномаларида содиқ қолишини, қўзғалиш ҳаракатларида қатнашмаслигини айтган. Абдулла Илёсов вазифасини жуда яхши бажариб, айланиб қайтди. Бухоро амири ўзининг сиёсий чекланганини ўзи кўрсатди. Шу вақтларда Маҳмудхўжа Бехбудийга ёзган бир хатимда, амирнинг чекланган одам эканлигига ишора қилиб, қайсидир бир форс шоирининг қуйидаги мазмундаги шетрини ёзиб юбордим: «Тақдирга тан бериб юрган бу одамлар нўхтаси йўқ хўкиз билан эшакка ўхшайдир...»

## СОВЕТЛАР БИЛАН УН БЕШ ОЙ БИРГА ИШЛАШ

(1919—1920)

**Советлар билан тинчлик ўрнатиш қарорлари ва урушнинг давоми.** Қозоғистон вакиллари билан махфий ўтиришларимизда Советлар билан аҳдлашув ҳақида батафсил гаплашиб, бир фикрга келдик. Оренбург қизиллар қўлига ўтган тақдирда ҳам қозоқ ҳукумати вакиллари шаҳарда қолиб, биз билан бирга Москвага боришлари керак, деб аҳдлашдик. Алаш Урдага Юрмати кантони (тумани) раиси Абдулла Илёсовни юбордик. Туркистон ташкилотларига хабарни етказиш учун Абдулҳамид Ориповни яширин вакил қилиб, Тошкентга жўнатдик. Бу одам кейинчалик Бухоро ҳукуматининг ҳарбий нозир бўлди. 15 декабрда ҳукумат аъзоси Муллажон Холиқов билан Ҳайридин Саидовни расмий қозғ билан Советларнинг Уфа шахридаги комитетига юбордик. Совет ҳарбий комиссияси бизнинг вакиллар билан сўзлашишга ҳеч шошилмади. 1 январда Уфа Совети билан гаплашишга Муллажон Холиқов тавсия этган (менинг имзом қўйилган) келишиш шартлари сўнги йилларда совет матбуотида босилиб чиқди. Бу шартларда Бошқирдистон «ички ҳам иқтисодий ишларда тамомила мустақил, жумҳуриятда коммунизм (қуриш) мажбурий эмасдир», деган мазмунда эди. Уфа Совети раиси мутассиб коммунист Эльчин бунга қўшилмади. Покровский (1918 йилнинг 10—12 декабри) ва Ахмар қишлоғи теварагида (1919 йилнинг 15 явари) қаттиқ жанг бўлди ва ҳар икки жангда ҳам биз енгдик. Лекин Оренбургда ҳам, чехлардан ҳам уруш яроғларини тамомила олиб бўлмаганлигидан жуда оғир аҳволда қолдик. Уша вақтда биз Оренбург билан Уфа орасидаги жанг майдонини ушлаб турардик...

Уша урушлар давом этган 1919 йилнинг февраль бошида Қолгана қишлоғида турганимда Қозоғистондан (ҳозир исмлари эсимда қолмаган) икки вакил келди. Уларнинг бири шоир Мағжон бўлган шекилли. Чунки, аввалроқ ҳам келган эди. У «Урол» номи асарига бошқирдларнинг Россия босқинчиларига қарши курашини тасвирлаган эди. Тўрғайдан Аҳмад Бойтурсуновдан хат олиб келган бу икки киши Советлар томонига ўтиш ҳақида аввал қабул қилинган қарорни ҳаётда амалга ошириш тўғрисида сўзлади. Уларнинг фикрича, бу сафар фақат ғарбий Қозоғистон ҳукуматининг Советлар томонига ўтиши ҳақида гап бўлиши керак. Шарқий Қозоғистон Колчак генерали Беловга бўйсунишга мажбур. Мен Аҳмад Бўкайхонга хабар ёздим. Мазмунини ўзим ҳам эсимдан чиқарган бу хатлар кейинчалик Алаш Урда архиви билан бирга Советлар қўлига тушиб, босилиб чиқди. Мен қуйидагиларни ёзган эканман: «Шу кунларда Советлар томонга ўтишга тайёрланаётирмиз. Вакиллар юбориб, талабларимизга жавоблар кутамиз. Фақат шуни билиб қўйишларингиз керакки, Советлар томонига ўтиш фақат бир иложсиз мажбурият оқибатиридир. Колчак бизга нисбатан ҳозир душман бўлгандан кейин бундан ўзга чора йўқ. Миллий даъволар бўйича қабул этилган қарорларда Алаш Урда ҳукумати билан келишилган шартномаларимизга содиқ қоламиз. Узингиз биласизки, Советлар билан сулҳ тузилган ҳолда ҳам уларга тўла ишонч йўқ. Сўзларига қаттиқ суяниб бўлмайди. Балки, бир куни келиб, улардан ажралиб, курашни янгидан давом эттириш

керак бўлар. Шу равишда Советлар томонига ўтишда Қозоғистон билан ҳамкорлик бир тартибга солинди».

Биз Советларга қўшилишдан бурунроқ ўзимизда сиёсий ташкилот тузиш учун коммунистлар партиясидан алоҳида бўлган социалистик партия ташкил қилиш масаласини ҳал этиш билан шуғулландик. Назария билан аввало Илёс Алкин шуғулланди. Мақсадимиз «Эрк» социалистик партиясини тузиш эди. Бу ҳақда қозоқ йўлбошчиларига билдирдик. Иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан социалистик бўлмаган «Алаш Ҳурда» ўрнига, қозоқ социалистик партиясини тузишни таклиф этдик. Программамиз тайёр эди. Унинг бир нухасини қозоқларга бердик. Кейинроқ (1926 й.) бу программа Прагада босилиб чиқди.

Мен ёзган қисқача лойиҳа қабул қилинди... Биз бу партия программаси масалалари билан машғул бўлган вақтда вакиллар ўзларидан ўзлари шошила бошладилар. Қазақлар 21 январда Оренбургдан чекинди, Орск ҳам қизиллар қўлига ўтди. Биз ҳар томонлама ўровда қолдик. Мен полк бошлиғи мингбоши Тағанга полкни тарқатиб, солдатларни қишлоқларига жўнатишга буйруқ бердим. Май охириларида Москвада бўлган вақтимда, ҳамма аскарларимизни Фрунзе қўл остида, Шарқий фронтда қолдиришни сўрадим. Ленин, Сталин, Стасова хоним, Троцкий ва Вацетис билан кўп марта кўришдим. Лекин бу интилишларим билан уларнинг шубҳаларини ҳам уйғотишим мумкинлигини сездим. Фрунзе бошиқрд аскарларини Туркистон fronti ихтиёрига беришни сўраб, 16 апрелда Ленинга телеграмма юборди. Лениннинг рози бўлиб, 23 апрелда аскарларимизни Шарқий фронтга топшириш ҳақидаги буйруғи кейинги вақтларда совет матбуотида босилиб чиқди. Шу орада чет эл ишлари комиссари Чичерин, маориф комиссари Луначарский ва иқтисодиёт ноизири (иқтисодиёт совети раиси) Риков билан яқиндан танишдим. Ленин билан Сталиннинг миллий масалаларга муносабатлари бизга яқин бўлса-да, миллий тушунчага қарашлари, миллатчиларга нисбатан ишончлари муайян шартлар билан боғлиқ бўлди. Троцкий, Вацетис, Каменев ва Бухарин кабиларни байналмиал коммунист деб билардик. Уч ой аралашиб юришим давомида, бу кишиларнинг кимлигини аён сездим. Сталин 1919 йилнинг 2 мартида нашр этган мақолада шарқий турк қавмлари орқада қолган, оралиқдаги халқ деб таништирди. Мусулмон қавмлари ҳақидаги фикри арман ва грузинлар орасида тарқалган фикрларидан фарқ қилмас эди. У ўзини Шарқ халқларини яхши биладиган одам деб ҳисобларди. Ленин Шарқни билмаслигини айтиб, бу тўғрида бошқаларнинг таъсирида бўлди. Биз билан муносабати ўзгариб, кундан-кун тобига келмай турарди.

**Лениннинг радио орқали Туркистонга фармони.** Бир куни Ленин мени телефонга қақирди. Аввалроқ Урта Осиё масаласи тўғрисида менга ўқишга берган бир матнни гаплашиш учун таклиф қилди. Мен бу ҳужжатлар бўйича фикрларимни ёзиб, тайёрлаб қўйган эдим. Уни эътибор билан овоз чиқариб ўқиди. Менга аввал берган ёзмаси Ҳиндистон либерали, номи у ерда тилга олинган Мавлоно Баракатullo билан Тошкентда яшаган Юсуфов номи татар коммунистларини биргаликда Урта Осиё масалалари ҳақида ёзган қайдлари эди. Улар Қуръоннинг коммунизмга ҳамоҳанг бўлишини, мусулмон қавмлари коммунизмга Қуръон таълимоти орқали яқинлашишининг фойдаси, Урта Осиёда қурилиши керак бўлган Ислоом давлатига Афғонистон, шарқий Эрон, шарқий Туркистон қўшилишининг қулай томонлари, бу давлатнинг Ҳиндистон билан яқин муносабатга киришиб, Урта Осиё қавмлари ёрдамида инглизларни Ҳиндистондан сиқиб чиқариш имконияти бўлиши ҳақида фикр юритган эди. Мен уларнинг фикрларини асоссиз ва бўш бир хаёл деб баҳоладим. Қуръон билан коммунизм орасида ҳеч қандай келишув бўлмаслигини, бу йўл билан мусулмон миллатларини жалб қилишга уриниш бошқача натижага олиб келишини, Ҳиндистонни озод қилиш бу икки киши тавсисси бўйича тузилажак аскарий куч билан ҳал этиладиган осон иш эмаслигини тушунтириб ёздим. Урта Осиёда подшо замонида семирган рус империализми сиёсатидан бош тортиб, унинг ўрнига кўпроқ миллат фикри илгари сурилгандагина ишлар натижаги бўлади, деган фикрни айтдим. Тошкент шаҳрида босқинчи аскарларнинг бошлиғи генерал Кауфман ҳайкалини, шунингдек, Еттисув бўйидаги Беловодский деган ердаги ҳайкаллارни бузиб ташлаш, 1916 йилги кўзғолондан кейин рус кўчирмалари (эмигрантлари) фойдасига тортиб олинган ерларни аввалги эгаларига қайтариб беришни... энг биринчи ишлар, деб ҳисобладим. Давлат вакиллари сайлаганда ерли халқ билан рус кўчирмачилари тенг ҳуқуқли бўлишини, (туб) ерлилардан аскарий қисмлар тузиш ишларини бошлаш зарурлигини жуда тиришиб тушунтирдим. Шунингдек, амалий тавсия сифатида уч мусулмон билан икки русдан иборат «Туркестанская чрезвычайная комиссия» тузиш, бу ишларни ўша комиссияларга юклатиш, маҳаллий аҳолини темирйўл, почта ва саноат ишларига жалб қилиш зарурлигини билдирдим. Езувим 11 бўлимдан иборат бутун бир талабнома шаклини олди. Булар менга ёқди. Ленин ўша эски тилга олинганларнинг фикрини ҳаёлий бир бўш нарсаси, менинг таклифимни эса амалий жиҳатдан фойдали, деб топди... Ленин диктатор, аммо тиран (мустабид) эмасди. Эски ҳайкалларни қулатиш керак, деган баъзи тавсияларимни ҳам ўз ичига олган айрим буйруқларини 12 июлда Тошкентдаги Совет раҳбарларига радио орқали етказди. Радио орқали берилган бу фармонларни Тошкент расмий газеталари босиб чиқарди, унда давлат вакиллари сайлаганда, маҳаллий аҳоли фикридан келиб чиқиб иш тутиш, ерли халқ билан яхши муомалада бўлиш ва бу чораларни турмушга тадбиқ этиш учун марказда (Москвада) «Турккомиссия» тузиш тўғрисида хабар бор эди. Туркистондаги рус коммунистларида асабийлашишни туғдирган бу радиофармонларни Тошкент Совети ҳокимияти аъзоси Тоболин (худди шу кунларда Москвада бўлган), бу партия Марказий Комитети фикрларидан-да, кўпроқ Заки Валидий билан Баракатуллонинг Ленинга таъсири туфайли келиб чиққан радиофармон, деб тушунтирган. Унинг бу ҳақдаги телеграммаси Тошкентдаги русча «Известия» ва туркча «Иштирокион» газеталарида чоп этилди. Буйруқларнинг бир қисми бажарилди. Масалан, Кауфман ҳайкали бузиб ташланди... Тилга олинган Турккомиссияга мусулмонлардан Турор Рисқулов, ўзбек Низомиддин Хўжаев ва татар Мирсад Султонғалиевни тайинлаш тавсия қилиниб, Ленин тарафидан маъқулланса-да, Тошкент коммунистлари бу қарорни йўққа чиқардилар. Иккинчи сафар кўришганимизда Ленин самимий равишда қуйидагиларни айтди: «Кўрганингиздек, радио орқали берилган фармонни амалга ошириш йўлида қаршиликлар туғилди. Бу фармон сизнинг таъсиригиз билан ёзилди, аммо ерли халқ орасида уларни амалга оширишдан ташқари мусулмон аскарларини русларнинг ўз қўли билан йўқ қилиш ва руслар ихтиёридан ташқари мусулмон аскарларига суяниб амалга оши-

риш қийин. Уртоқ Тоболин Туркистонда коммунизм ғоясини тарқатувчи дўстларимиз ҳисобида. Совет режимини мамлакатингиздаги рус мустамлакачиларига таянмай туриб, оёққа қўйишга уринишингизни Тоболин ҳам, бошқалар ҳам тушунмайдилар. Ҳозир Турккомиссияни тузармиз, ҳарҳолда бу иш ўйлаб йўлга қўйилиши керак». Ленин айтган сўзларнинг туб маъноси шундай: бизнинг мақсадимиз сизга мустақил давлат тузиб бериш эмас, совет режимини сақлаб қолишдир...

**Турк асирлари.** Старлитомоққа келганимдан кейин, турк асирлари масаласи келиб чиқди. Сибирь томондан келиб, Уфа билан Самар орасида тўпланган бу асирлар биздан ватанларига қайтишга фурсат топишимизни сўради. Мен Троцкийдан аскарлар учун фақат юз йигирма ўринлик вагонлар олиб, асирларнинг бир қисмини Астраханга, иккинчи қисмини Тошкентга юбордим. Лекин вагонлар учун локомотивларни мол ва аскар ташувчи составлардан жуда кўп қийинчилик билан ажратиб олдим. Бу ҳол Троцкий ва Ленин билан телеграф орқали бахшлашишга ҳам мажбур қилди. Улар мазкур ишимни яна бир авантюризм деб ҳисобладилар. Бунда Фрунзе менинг тарафимни олди... «Правда» газетасининг муҳаррири билан гаплашганимда Советларнинг бизга, Шарқ халқларига муносабатларида эришилган келишувларга содиқ қолишлари жуда муҳим, деб тушунтиргандим. Мана шу орада Бройдонинг қўлимизга тушган қандайдир рапортлари (уларнинг бир қисмини Советларнинг ўзлари ҳам нашр қилишди) Москвада ўтирган Сталин учун Фрунзенинг, унинг дўстларининг, Бошқирдистонга қўшни рус вилояти коммунист ташкилотларининг ҳаракатларига қараганда муҳимроқ эканлиги маълум бўлди. Бройдо бир рапортида: «Оренбург Шарқий Россия мусулмонлари орасида бирлашиш нуқтасига айланди. Валидовни бу ерга яқинлаштириш ярамайди. Муртазинни унга қарши қўйиш керак. Қозоқлар билан бошқирдларнинг ораларини бузиш йўлини мақсад қилиб қўйиш лозим. Неплюев шундай қилган, у ҳақиқатан ҳам улуг сиёсат арбобидир. Валидовни бошқа туркий қавмлардан ажратиш керак», деб ёзади. Бройдо эса олган Неплюев XVIII асрда буюк Пётр ҳамда унинг қизи Елизавета даврида Оренбургда туриб, шарқий Россияни идора қилган машҳур ҳоким ва Истамбулда мамлакати учун катта ишлар олиб борган рус дипломати эди.

**Яна Старлитомоқ ва яна Москва.** 15 ноябрда Петербургдан чиқиб, 17 ноябрда Старлитомоққа келдик... 17 ноябрда Бошқирдистон Мухторияти эълон қилинган кун...

Старлитомоқда узоқ туришга тўғри келмади. 5—6 декабрда Москвада тўпланадиган VII Советлар конгрессига жўнадик. Бу ерда бир неча кун олдин (8—11 ноябрь) Бошқирдистон коммунистлар партиясининг биринчи конгресси тўпланганди. Тепасида Юмағулов турган бошқирд коммунистлари билан руслар ўртасида қарама-қаршилик туғилган эди. Бошқирдистонда 700 га яқин коммунист бор эди. Улар ўзларини бу мамлакатнинг тўла ҳуқуқий ҳўжайини, бизни, яъни партиясиз миллатларни, вақтинча идора қилувчилар деб ҳисоблардилар. Москвадаги Совет конгрессига ҳўкуматимизнинг вакили сифатида ва шу вақтда ўтажак коммунистлар партияси конференциясига сайланганлар орасида муҳаррир дўстим Абдулқодир Инон ҳам бор эди. Москвага Қозоғистондан эски дўстларим Аҳмад Бойтурсун ва Букай Урдадан Туганчин келди. Партия конференциясида ҳам, Советлар конгрессига ҳам «Мазлум миллатлар ҳақида» қарор қабул этилганидан, бизни минбарга чиқиб гапиришга таклиф қилдилар. Қозоғистон делегацияси ўзларининг номидан менинг сўзлашимни Сталинга тушунтиришди. У Қозон татарлари номидан Сайитғалиев чиқиб гапирсин, деган экан. Биз (қозоқ, ўзбек ва бошқирд)лар бирга йиғилиб, ҳаммамизнинг номимиздан ўқилажак матнни таҳлил этдик. Сўзлаганларимни 1957 йилда Америкада Станфорд университетининг Гувей ҳарбий музейида сақланган «Бутун Россия Советлар VII съездининг стенографки протоколлари»да (17—18-бетлар) русча ўқидим. Маъноси шундай: «Жаҳон инқилоби ғоясига содиқмиз. Бошқирд, қозоқ (қирғиз) ва туркистонликлар мусулмон бўлишга-да, лекин фанатизмдан узоқдирлар. Макка билан Мадина бугун инглизлар тарафидан босиб олинди. Лекин Шарқий турк қавмларининг маданияти ислом ва Эрон маданияти билан бир бўлса-да, Макка ва Мадинадаги воқеалар бизни унчалик ташвишлантирмайди. Биз рус пролетариати билан бирга ўз ишларимиз билан шўғулланажакмиз...» Конгрессдан сўнг Элиава<sup>1</sup> мени ва Аҳмад Бойтурсунни чақириб, бекорчи гапни гапирмаганлигимиз ўзида яхши таассурот қолдирганини айтди. «Бу бир дипломатик нутқ бўлди», деди. Лекин Сталин биз ҳақимизда: «Ўзларнинг алоҳида сиёсатлари бўлса керак», деган, яъни ёқтирмаган. Буни бизга кейинчалик Султонғалиев айтиб берди...

**Ленин билан учрашувлар.** Конгрессдан кейин Ленин мени ҳўзурига чақирди. Ҳиндистон либерали Мухандер Партол деган бир кишининг ёзганлари ҳақида фикр алмашиш керак экан. Бу киши ҳам Шарқ ва Урта Осиё мусулмонлари (ҳаётини) мусулмон бўлмаган ҳиндлар манфаатидан келиб чиқиб текширган, Советларнинг бу соҳада нима ишлар қилишлари кераклигини билишга уринган. Бу ёзувлар ҳақида менга (аввалроқ) Троцкий ҳам айтган эди. Ҳинд ташкилотчилари, Мухандер Партол ва дўстлари инглизлар зулмидан қутулиш йўлида ҳиндлар билан мусулмонларнинг бирдамлик ҳаракатини таъминлаш учун жуда кўп куч сарфлади. Ленин билан кўришишдан икки ой аввал бу одам мени Москвадаги Бошқирдистон ваколатхонасидан қидириб топди ва у билан бир неча масалалар ҳусусида сўзлашдик. Мен ҳам унга Ҳиндистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши йўлида ҳиндлар билан мусулмонлар орасида бирдамлик бўлгани каби, ҳиндлар ҳам Советларга Урта Осиё мусулмонларининг сиёсий ҳуқуқларини тан олишга кўмаклашиши керак, деб тушунтирдим. Ҳиндистондаги озодлик ҳаракатлари манфаатидан келиб чиқиб, бунинг аҳамиятига диққат қилишни маслаҳат берган эдим. Мухандер Партол Туркистонда ҳинд маркази ташкил қилишни тавсия этганди. Қайдларида менинг ҳам номимни тилга олган эди. Лениннинг Урта ва Шарқий Осиё масалалари ҳақидаги бир-икки маърузасини менга ўқишга бериши сабабини тушунардим, у келажакда фикрларимдан фойдаланишга ҳаракат қиларди. Сўхбат давомида Ленинга: «Афғонлар Кветтадан Кандаҳор орқали Россия чегарасидаги Кушкага қадар темирйўл ўтказишни инглизларга концессияга бермоқчи. Бунда Россия манфаатига ҳавф йўқми? Ҳарҳолда, бу темирйўл ўтажак ўлкаларда инглиз ва ҳиндларнинг сиёсий ва маънавий таъсири кучайиб, дедим. Ленин иккиланиб ўтирмасдан: «Кучайса нима қилибди, улар у ерга капитализм олиб келадилар, демак Афғонистон темирйўли пролетариатни майдонга келтиражак. Пролетариат эса, кўп ўтмай бизники

<sup>1</sup> Ш. З. Элиава (1883—1937) — 1904 йилдан партия аъзоси. 1919 йилда Шарқ ва Туркистон фронтлари инқилобий-ҳарбий кенгаши аъзоси.



булажак, капиталистлар локомотивларга кўмирни ўзлари ташимасалар керак, ахир», деб жавоб берди...

**Бухоро масаласи.** Москвада бўлган вақтимда Троцкий ҳамда партия саркотиби Стасова хоним мен билан маслаҳатлашиб, Бухоро хонлигини йўқотишда бошқирд армиясининг ёрдам қилиши-қилмаслиги масаласи, унинг шартлари тўғрисида суриштирди. Мен уларга: «Амирнинг йиқилиши муқаррар, лекин Бухоро мухторияти ярим сиёсий аҳволда қолиб, миллий қўшинга суянган бир демократик ҳукумат тузиш вақтига эга бўлиши керак», дедим. Бу ҳақда, шу орада Москвада бўлган Бухоро либерали Мирзо Абдулқодир, унинг отаси Мирзо Муҳитдин билан бир неча марта учрашдим. Уларга ҳам Советларнинг таклифларини мен тавсия этган шартлар асосидagina қабул қилиш кераклигини тушунтирдим. Уша вақтда бу зотлар амирга қарши нафрат қайфиятидан келиб чиқиб иш тутдилар. Москвада бу кунларда юрагимда қандай ўт ёнгани ёлғиз ўзим, ёлғиз Оллоҳга маълум эди. Лекин ҳеч нарсани сездирмадим. Бир томондан, Бухоро масаласи бўйича Стасова билан самимий гаплашадиган одамга ўхшаб юришга ҳаракат қилсам, иккинчи томондан, Туркистонда Советларга қарши курашда қандай йўл тутиш керак, деб ўйлардим. Бундан бир ой аввалги ўзаро мулоқотда ширин гаплашган Ленин «Калинин комиссиеси» йиғилишларидан кейин менга икки хил қиёфага эга одамдай кўринди. Стасова менга Бухоро масаласи тўғрисида Ленин билан маслаҳатлашимиз зарурлигини айтди. Мен жуда яхши, деб жавоб бердим. Кўришдик. Учрашув қисқа бўлди. Бухоро тўғрисида Сиёсий Бюрода айтганларимни такрорлаш билан чекландим... Ленин билан уша вақтда холис гаплашмадик. Менда унга нисбатан аввалги ҳурмат ҳиссидан асар ҳам қолмади. Уқиб чиқишга берган ёзмаси тўғрисида: «Вақти билан гаплашармиз», деб хайрлашдим...

**Турклар билан алоқамиз.** Май ойи охирида Туркия давлат арбобларидан Жамол ва Халил пошолар, Ҳожи Соми, «Иттиҳод ва тараққий» партиясининг биринчи раҳбарлари келишди. Турклар билан бизнинг орамизда сирлашиб сўзлашиш жонлана бошлади. Бунга, энг аввало, Мустафо Камол пошонинг Арзирумдан бизга юборган бир телеграммаси сабаб бўлди. Телеграмма Оренбург ислом ҳукумати раиси номига Оренбургга, ундан Старлитамоққа, кейинчалик Москвага келди. Қардошлиқ ҳислари билдирилган телеграммада тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш таклиф қилинганди. Биз янги ҳаёт учун курашаётганларга Туркиядан тўғридан-тўғри келган энг биринчи хабар эди бу. «Оренбург ислом ҳукумати», яъни, Бошқирдистон номи ҳар тарафга тарқалса-да, лекин унинг мустақил бир мамлакат сифатидаги аҳволи танг эди. Шарқий Кавказдаги Озарбойжан миллий ҳукуматининг бошига ҳам шундай оғирлик тушганди. Халил пошо «Туркиянинг Россия билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиши Озарбайжоннинг мустақиллигини йўқотишга хизмат қилади», деди. Жамол пошо бир томондан Анатолиядаги ҳаракатда иштирок этиш, унга ёрдам қилиш, иккинчи томондан, Советлар ёрдамида Афғонистон йўлидан фойдаланиш, Ҳиндистонда инглизларга қарши кураш олиб бориш режаларини тушунтирди. Турк давлати арбобларининг фикрлари биз учун жуда қарама-қарши, Советларнинг кимлигини тушунмаган одамларнинг хаёлига ўхшаб кўринди... Ҳақиқатда эса Советлар Урта Осиё қавмларидан доктор Лежандр<sup>1</sup> уйлагани каби кўрқарди... Мен Жамол ҳам Халил пошоларга Урта Осиёда Советларга қарши кучларни ташкил қилиш учун у ерга бориш фикрини айтганимда, Жамол пошо: «Зинҳор ундай қилманглар, бизнинг ҳаммамиз ҳам Советлар билан бирга бўлайлик, ҳатто қизилларга қарши курашувчи туркистонликларни ҳам Советларнинг ёрдами билан тузиладиган аскарлар қисмига сафарбар этардим», деди. Бу ўй-фикрларнинг ҳаммаси алданиш экани ва жарликка олиб боришини айтдим.

**Лениннинг миллий ва бошқа масалалар бўйича тезислари ҳақида баҳс.** Шарқий фронтдан қайтганимдан сўнг бир неча кун ўтгач, Лениннинг саркотиби телефон орқали «Владимир Ильич сиз билан учрашмоқчи», деди. Белгиланган вақтда бордим. Лениннинг ёнида Стасова хоним ҳам ўтирарди. Ленин уша кунларда Москвада тўпланмақ Коминтерннинг II конгресси учун «Миллий ва мустамлака масалалари бўйича тезислар» тайёрлашини айтди, шулар ҳақида фикрларимни тез кунда ёзиб беришимни топширди. «Жавобларингизни ўқигандан кейин, яна учрашиб гаплашармиз», деди. Ленин асарлари тўплаларида нашр бўлган бу тезислар ўн икки банддан иборат. Биз бу тезисларни туркистонлик ўртоқлар билан бирга тайёрладик. Мен уларнинг баъзи ўринларини, айниқса, 5, 11 ва 12-бандларини ўзгартириб, бир-икки банд қўшдим... Икки кундан кейин фикрларимни мустақил тезислар сифатида ёзиб топширдим.

Ленин авалги учрашувимизда ҳам менга баъзи бир қоғозлар берган эди, миллат ва мустамлакачилик масалаларига боғлиқ бўлган бу ёзувларни ҳам текширдим. Ун икки бандли лойиҳага менга эътибор кўрсатиш мақсадида «қоралама» деб ёзиб қўйди. Шундан кейин таклифларимни бандма-банд ўқиб, фикр алмашди, лекин уларни қабул қилишга яқинлашмади. Собиқ мустамлакаларда рус пролетариати вакилларига таяжанаклари, биз эса уларнинг «раҳбарлиги»га қанчалик итлоат ва садоқат кўрсатсак, шу даражада ишонч қозонишимиз, бизга ишонмай қараш Россия четларида социализм тўла ғалаба қозонгандан кейин ҳам сақланиб қолиши социализм бутун дунёда ғалаба қилгандан кейин ҳам шарқий мустамлака мамлакатларда яшовчи миллатлар Европа (инглиз, француз, Бельгия ва бошқа) метрополь ишчилар «раҳбарлиги» остида бўлажаги, умуман, социализм қуриш йўлида мазлум шарқ ишчиларига ишонч йўқлигини (сўзининг тагидан англашларди) Лениннинг ўз оғзидан эшитдим.

Бу ҳам бизни Советларга қарши қилиб қўйди ва очик кураш бошлаш заруратини олға сурди. Уша кунлардаёқ Тошкентда Рисқулов, Низом Хўжаев ва бошқа ўртоқлар Турккомиссиядан ва Туркистон Марказий Ижроия Комитетидан чиқарилди. Уларнинг ўрнига «Байналмилал» деб юриладиган кишилар тайинланди. Аҳмад Бойтурсин билан 29 июнда Москвадан чиқиб кетишга қарор қилдик. Сталин бермаган рухсатни партия Марказий Комитети саркотиби Крестинский билан Преображенскийнинг ёрдамида қўлга олдим. Астрахань вилоятида дам олишим керак эди. Шу кунларда «Иттиҳод ва тараққий» партиясидан доктор Нозим бейми, Бадри бейми келди. Ўзаро гаплашадиган гаплар бор, деди. Бу киши менинг Туркистонга бориб,

<sup>1</sup> Лежандр — француз олими

Советларга қарши курашга қўшилишим масаласи бўйича Жамол пошодан бошқачароқ фикрда экан: «Балки сизнинг фикрингиз маъқулдир. Сиз ўз билганингиз ва дўстларингиз мақсадига қараб ҳаракат қилинг... Чет эл комиссариатидоғиларнинг бизга бугун айтган гаплари кеча гапирганларига тўғри келмайди», деди. Мен ҳам унга: «Менинг ёлгон гапиришга тоқатим йўқ. Агар бир кун келиб хайрли хизматлар бўлишини билдирадиган яқнаш далили бўлса, ҳатто ўша ёлгонга ҳам рози эдим, ўжарлигим орқасида аскарларимизнинг ҳалок бўлиши эҳтимоли учун масъулиятдан қўрқаман. Бир ўзим у бир бошим, дўстларим бўлса ниҳоятда фидокор. Қолинглар, вазам ҳам қолмайдилар», дедим.

**Денгиз йўли билан Бокуга.** 5—6 июлда Бокуга келдик. Бу ерда татар муҳаррирлари Ҳоди Атласий ва Абдулла Баттол билан учрашдик. Ҳоди Атласий Дума аъзоси бўлган бир муҳаррир ва тарихчидир. «Сибирь тарихи», «Қозон тарихи», «Суюмбека» исмли асарлар ёзди. Большевиклардан қочиб Бокуга келган, лекин большевиклар Боқуни ҳам босиб олган эди. Озарбайжоннинг менга яқин таниқли кишилари ҳам чет элларга кетганлар ёки қочиш арафасида эканлар. Мумтоз Сулаймон билан махфий учрашдим. Боқудалигимда турк Мустафо Субҳий уйда яшадим. Уни Москвада пайтимидаёқ билар эдим. Коммунист бўлса ҳам русларнинг шарқдаги сиёсати билан келиша олмади... Шу боис, у Сталин ва унинг ўртоқларидан узоқлашди. Боқуда бўлганимда ўзи уйда яшашини тақлиф қилди; озарбайжон Амин Афандизода ва қримлик Вали Иброҳимов билан учраштирди. Мустафо билан кўп гаплашдик. Туркистонда олиб бориладиган ишлар ҳақида ҳам бироз сўзладим, чунки унинг бу гапларни ғанимларга етказмаслигига ишонардим. Совет чекистларининг мени Озарбайжондан эмас, Қозоғистонда излашларини билганим боис Боқуда ўзимни эркин сездим. Бироз вақт ўтгандан кейин пароход билан Қизилсувга (Красноводск), у ердан июль охирларида Ашхободга келдик. Така уруғидан Берди Ҳожи ўғилларининг уйда тўхтадик...

**Ашхободда ўтказган кунлар.** Берди Ҳожининг ўғли адвокат Қақажон (эски дўстим) билан «Туркманистон» газетасини чиқардик. Унинг биринчи сонини бошдан-охир ўзим ёздим. Шу орада ФК (фавқулодда комиссия) ходимларининг ҳар тарафда мени қидираётганини билдик. Москва мени Букай Урдадан Урол томонга қочган, деб ўйлаган. Қозоқлар ушлаб бермасалар керак, деб у жойларни қидиришни тўхташиб, Тошкент, Самарқанд ва Ашхобод атрофларини излай бошлаганлар. Чет эл ишлари ходими Островский номли бир одамга Москва мени қидириб топш вазифасини юклаган. Қақажоннинг уйда бўлганимда ўша одам Қақажон билан гаплашди, мени ҳам суриштирди. Яъни, яқин-атрофда бўлсам, учрашиб Боқу конгресси тўғрисида маслаҳатлашиш нияти бор экан. Сталин Боқуга келган, Амин Расулзодани ёнига олган, мени ҳам шулар орасида кўрмоқчи экан...

Берди Ҳожи ва унинг ўғли Қақажон менга, хотинимга ва икки соқчимга тўрт туркман оти берди. Ашхобод четидаги бир армани хотиннинг уйда яшадик. Боқуга бора олмасам, тўрттовимиз ҳам шу йўл билан Хивага отда боришни ўйладик. Ноябрда Қўнғиротда бўлишимиз керак эди. Хивани идора этиш ёш хиваликлар ва руслар қўлига кўчса ҳам, бу ўлканинг ғарбий қисмида ва Қўнғиротда туркман хони Жунаид хўжайинлик қилар эди. Жунаидхон 1873 йили чоризм Хивани босиб олган вақтда, Хива хони армиясида хизмат қилган. У мустамлакачиларга ҳеч қачон бош эгмаган бир қаҳрамон. Мен ҳали Москвада бўлган вақтимда бир неча вақт Ашхободда қолиб, Туркистондаги миллий кучларни уюштириш ишлари билан шуғулланиш, кейин Боқудаги Шарқ халқлари конгрессига бориш, ундан Астрахань ва ғарбий Қозоғистон йўли билан Жунаидхон қўл остида бўлган ғарбий Хоразмга, ундан Хивага боришни ният қилган эдим...

Мен Туркистон ва Хоразмда бошқариладиган ишлар учун Ашхободда унчалик таниқли бўлмаган уч туркман зиёлисидан иборат бир комитет ташкил қилиб, унинг Самарқанд, Қўқон ва Тошкент билан алоқасини таъминладим.

**Боқу конгресси.** 1—5 сентябрда Боқуда ўтажак Шарқ халқлари конгрессини ташкил қилиш фикрини Москвада, Бошқирдистон вакилотиди Жамол ва Халил пошоларга биринчи марта мен айтган эдим, лекин бу ишни уюштириш вазифаси Сталиннинг Миллий ишлар комиссарлиги билан мусулмон коммунистлар марказига тушди. Ишбоши ва конгресс раҳбарлигига Зиновьев билан К. Радек тайинланди. Бу вақтда мен қочқин эдим. Шундай бўлса-да, Советлар бу конгрессга менинг махфий келишимни билиб, қўлга тушириш чораларини кўрди. 300 га яқин чекистга мени Боқу, Астрахань, Дарбанд, Красноводск ва бошқа ерлардан тутиб вазифа қилиб қўйилгани ҳақида маълумот олдик. Уларнинг аксарияти мени кўрган, танийдиган кишилар экан. Қозоғистон ва Ўзбекистон делегатларининг қимлар эканликлари ва уларнинг ҳаммаси махсус бир поездда келишлари ҳақида ҳам хабар олдик. Мен бу поездни 29 августда Ашхободнинг ғарбидаги Бами деган кичиккина станцияда кутиб олдим. Юк поездидан тушиб, уларнинг поездига илашдим. Биринчи қирган вагонининг ўзидаёқ Турор Рисқулов билан Иброҳим Жонзоқовни топдим. Боқуда қандай кўришаганимиз ва қандай ҳамкорлик қилишимиз ҳақида Красноводскдан кейинги Жебел станциясигача гаплашиб бордик. Шунда Турор жуда қизиқ бир хат кўрсатди. Мен Москвадан кетганимдан кейин тўпланган Коминтерн конгрессида, рус хорижий ишлар комиссарлиги ва Коминтернда Яқин Шарқ бўйича билимдон деб танилган Павлович Яқин Шарқ ва Урта Осиёда ишлайдиган ўртоқлар учун бир номани кўпайтириб тарқатибди, лекин уни мусулмон коммунистларига бермаган экан. Таниш поляк коммунист ундан бир нусхани бекитиб, Турорга узатган... Унда қуйидаги фикрлар бор эди: Яқин Шарқда араб, турк, эрон, афғон миллатларида капитализм ва синфий қарама-қаршилик ривожланиб етмаганлиги сабабли бошқа қарама-қаршиликларни — диний ва тарикат жанжалларини кучайтиришга, бу қарама-қаршиликлар Советлар Россиясида яшовчи мусулмонлар орасида йўқолган тақдирда ҳам, қўшни мусулмон ўлкаларида уларнинг давом эттирилиши ва келажақда кучайтирилиши кераклиги айtilган, шахсий иғво, савдогарлар ва шайхлар орасида баҳс ва келишмовчилик туйғуларини туғдириш тавсия қилинган. Шарқ халқларининг тили, ёзуви тамом шаклланмаганлигидан фойдаланиб, улар орасида қудратли адабий тиллар вужудга келишига халақит бериб, адабий тилнинг халқ тилига яқинлашувидан фойдаланиб, бу халқларнинг тилини парчалаб юбориш имконияти ва бунинг аҳамияти ҳақида айtilлади. Бу миллатларнинг маданий ходимлари ҳамда ақл эгалари саноқли бўлганликларидан уларни бузиш ва йўқотиш ҳам унча қийин эмаслиги тўшунтирилади. Турор дўстим Боқу конгрессида фойдаланиш

учун бошқа яна бир неча муҳим қоғозлар берди ва уларни кўпайтириб босишни тавсия қилди. Туркманистонда туркман қиёфасида юрганлигимдан Турорнинг бошқа ўртоқлари менга эътибор бермади. Жебел станциясида ҳеч кимга билдирмай поезддан тушиб қолдим. Биз кетадиган пароход ўша кунни йўлга чиқмаган экан, портга келиб бир ҳарбий пароходнинг йўлга чиқишга тайёрланаётганини кўрдим... Абилов ўртоқ билан унинг ёрдамчилари Тошкентдан Бокуга бораётган экан, бу эса шуларни олиб кетадиган пароход эканлиги маълум бўлди. Яқинлашиб, соқчи солдатлардан бирига мени ҳам ўзларингиз билан бирга олиб кетасизларми, дедим. Юринг, деб жавоб қилди. Палубага чиқдим... Яхши танимаган ўртоқ Абилов билан ёрдамчилари юқори палубада экан... Пароход кечга яқин йўлга чиқди... Пароход Бокуга етиб келганидан кейингина Абилов ўртоққа мендан бир хат берарсиз, деб ошпаз хотиннинг розилигини олдим. Бу қоғозда: «Хурматли ўртоқ Абилов! Пароходингизда меҳмон бўлдим. Кучли довул туфайли овқатланадиган столга яқинлашмасангиз ҳам, мен лаззатли таомлардан едим. Бундай меҳмондорчилигингиз учун раҳмат! Сизга катта омад тилайман. Бошқирдистон ҳукумати раиси ва БМИК аъзоси Заки Валидов». Пароход ҳарбий бандаргоҳга яқинлашди. Шу заҳоти қоғозни ошпаз хотинга бериб, пароходдан тушиб ғойиб бўлдим. Қоғозни ошпаз хотин ҳақиқатан ҳам Абиловга топширган экан, у бунни кейинчалик Туркистон вакили Турор Рисқуловга айтиб берган, билган тақдирда ҳам Советларга ушлаб бермас эдим, дебди.

Бокуда мен тўғри Турк коммунистлар партияси Марказий Комитетига бордим. Мустафо Субҳийни кўрдим, у менга партия Марказий биносида партия аъзоси бўлган Амин Афандизоданинг ва кейинроқ Крим Жумҳурияти раиси бўлган Вали Иброҳимовнинг меҳмони бўлишимни айтиб, сира кўрқма, деди. Амир Афандизода асли боқулик бўлиб, у билан 1917 йилда Мусовот партияси тарафидан Туркистонга юборилганида кўришган эдик. Кейинроқ у Туркияга келди. Бунда Туркистон вакилларидан бири, қирғиз Иброҳим Жонзоқов билан кунора учрашиб, конгресс йиғилишларида сўзланажак сўзлар ва қабул қилинажак қарорлар ҳақида гаплашардик. Менинг ёзган қарор-лоийҳаларим Жонзоқов ёки бошқирд вакили Холиқов томонидан тавсия қилинди. Рисқулов собиқ адъютантими Абдурашид Бикбаулов ва Аъзамов билан доимий учрашиб турдилар. Улар ёрдамитда Шарқ халқлари конгрессида ҳақиқий маънода, фаол қатнаша олдим. Бу конгрессда Москвага келган Анвар пошо, Боқир Сомий, Юсуф Камолбеклар ҳам иштирок этдилар. Улар мен бўлган жойга келмас эдилар. Чунки учрашсак қўлга олинардим. Шундай бўлса-да, Анвар пошо Бокуда эканлигимни билиб, киши орқали хабарлашди. У ҳам Жамол пошо каби менинг Советлардан йироқлашимни маъқулламади.

**РКП(б) Марказий Комитетига 1920 йилнинг 12 сентябрида ёзган хатим.** Петровский шаҳрида яшайдиган Зоҳид афанди билан билвосита таниш эдик. Унинг уйида тўхтаб, Ленин, Сталин, Троцкий ва Риков номига ёзилган тўртта хатимни жўнатдим. 1920 йилнинг 12 сентябрида ёзилган бу хат кейинроқ маълум бўлди. Хатни Боку конгрессида қатнашган ўртоқларим ҳам кенг тарқатишган. Унинг бир донасини Усмон Тўқомбатов номли дўстим 1923 йилда Берлинга олиб келган экан, кейинроқ менга берди. Ўша вақтда Ленин билан Сталинга тўғридан-тўғри айтишга ҳеч ким ботинолмаган жиддий фикрлар бўлган бу хатнинг қисқача мазмуни менинг «Туркистон тарихи» китобимда босилди. Хатда қуйидагиларни ёзган эдим: «РКП(б) Марказий Комитети бошлаган сиёсатдан маълум бўлишича, сиз ҳам, Артём билан унинг ўртоқлари сингари Шарқ халқларига нисбатан сиёсатингизда ҳақиқий рус шовинистларининг фикрларини асос қилиб олмоқчи бўлдингиз. Уртоқ Троцкий Уфада мазкур масалаларни текширганида бу кишининг (яъни, Артёмнинг) ишлари фитналар тизмасидан иборат бўлганлигини сезганди. Шубҳа йўқки, у бу масалани Марказий Комитетда ҳам шундай ташутирган, лекин янги рус империализми сиёсати ҳукмронлик қилаверди. Турк комиссияси бошида турган Фрунзе ва Куйбисhev ўртоқлар ҳам Троцкийга ўхшаб, МК уларга текширишни топширган сиёсатини иккиюзламачи ва алдоқчи бўлиши Рисқулов билан мени иш бошидан четлаштиргандан кейинги йиғилишларда очикдан-очик гапирганлар. Эски анъанавий рус империализмининг йўлини амалга ошириш иши партия аъзоси бўлган ўртоқларимиз қўли билан ҳал этилиши кераклиги, Туркистон халқлари ўртасидаги синфий қарама-қаршилик сунъий равишда кучайтирилажаги, Рисқулов, Валидов каби маҳаллий миллатчилар ерли ишчи синфнинг душмани сифатида фош қилинажаги, маҳаллий зиёлилар орасидан «октябристлар», деб аталмиш рус империализмизга садоқатли одамлар тайёрлиниши ва улар бунни бажариш ҳақида ўша Турккомиссия йиғилишларида очик айтилган. Фақат билмайсизки, биз маҳаллий деҳқонларнинг мутлақо синфий душмани эмасмиз ва умуман маскараланишга бош эгиб турмаймиз. Ўзларингизга керак бўлган қурбонларни топиб оларсизлар. Фақат ўша қурбонлар биз бўлмаяжакмиз. Туркистонликларнинг ҳуқуқларига чанг солиш фақат маҳаллий рус коммунистларининг иши эмаслигини, бу сиёсат Марказий Комитетнинг ўз сиёсати бўлишини Бокудаги Шарқ халқлари конгрессида қатнашган ўртоқлар очик-ойдин кўрсатди. Марказий Комитет Шарқ халқлари қишлоқларида сунъий равишда юзага келтирилажак сунъий қарама-қаршиликни фақат террор ёрдамидагина сақлаб туриши мумкин. Уртоқ Лениннинг Коминтерн конгрессида мустамлакачилик масалалари бўйича ўқиган тезислари ҳақида ёзган фикрларимда бу тўғрида айтганман. Шарқда, ижтимоий инқилоб сунъий синфий ажралиш (расслоение) орқалигина амалга ошадиган ҳол эмас. У, ахир жуда мураккаб бир масала. Шарқда европалик капиталист ва ишчи синфлари мустамлакани босиб олиш учун бирлашишга ҳаракат қилсалар, Шарқда деҳқон билан ишчи ўз бойлари билан бирлашишга мажбур бўладилар. Сиз маҳаллий халқда синфларга бўлиниш юзага келмаганини кўратуриб, зиёлиларни айбдор ҳисоблайсиз, уларнинг бир қисмини «синфий душман, майда буржуа миллатчиси», иккинчи қисмини «сўл октябрист» ҳисоблайсиз... Шундай қилиб, ниҳоят, ўқиш-ёзишни билмаган, фақат эшаги ва ҳўкизию кетмонкурагидан бошқа ҳеч нарсени кўрмаган деҳқон олдида юзма-юз қолажаксиз. Маҳаллий зиёлиларга шубҳа билан қарашингизни бутун Туркистон миқёсида ўзгартира олишингизга ишонмайман. Ҳеч бўлмаганда, маҳаллий ўринлардаги билимли одамларга, Амир қочгандан сўнг тузилган Совет Бухороси тасарруфда турмушни оёққа қўйиш билан шуғулланишга фурсат берад эдингиз». Шунингдек, Петровскийга, МК котиблари ва сиёсий бюро аъзолари Крестинский ҳамда Преображенскийга ўша кунидек ушбу хатни ёздим: «Гарчи социалистик ва миллий мезонларни ўзаро мувофиқлаштириш бўйича, социализмни буюк миллатларнинг (формасигина ўзгарган) ҳокимлиги ос-

тида амалга ошириш ҳақидаги фикрларимиз жуда фарқ қилса-да, виждонли бўлиб қолишга ҳаракат қилган бир инсон сифатида сиз икковингиз ва бошқа айрим коммунистлар билан муносабатим самимий эди. Советларга, коммунизмга қарши кураш йўлига ўтиб, мен ҳеч ҳам алданмадим. Алдаганларим — Сталин каби мени алдаган давлат арболаридир. Жоҳил, риёкор, диктатор инсонларнинг одамлар тақдири, шахси ва ихтиёри билан беномусларча ўйнашишни сезган айрим ўртоқлар партия орасида кўрқинчли террор бош кўтарилиши ҳақида очиқ сўзлайдилар. Бир кун келиб сизларнинг ҳам бошларингиз кетмасин, деб кўрқаман. Мен бошимни қачон кесар эканлар, деб кутиб турган эмасман, ўлсам ҳам очиқ жангда ўламан.»

Менинг бундай хатларим таъсирсиз қолмади. Сталин ҳар турли вазифалар бериб, мени Москвага қайтариш учун бир қанча чоралар ҳам кўрди. Шу жумладан, татар зъбиларидан Усмон Тўқомбатовни мени қидиргани Ашхобод, Бухоро ва Самарқандга юборди. Лекин мен у киши билан кўришишдан ўзимни тортдим. Турор Рисқуловнинг 1922 йилги гапига қараганда, Ленин ўша вақтда Туркистон ҳукумати раҳбари қилиб тайинланган Рудзутака «очиқ ишончсизлик кўрсатиб, Валидов Туркистон тоғларига қочмас эди», деган эмиш...

**Хивада турклар, тошкентликлар ва бошқирдлар.** Хивада кўп ишладим. 1917 йилдан буён бизнинг армия тузиш ишимизда энг яқин дўстим, баъзи вақт ёрдамчим бўлган Усмон Тереғуловнинг бу ерда Ҳарбий Нозир ёрдамчиси бўлиши жуда муҳим эди. Хивада бўлган вақтимда танишган туркман беги билан ҳам алоқа ўрнатдим. Хивада бўш қолдим дегунча қадимги ёдгорликларни, мадрасаларни, мечит ва харобаларни бориб кўрардим. Хивада туркиятлик бир неча ҳарбий асир офицерлар ҳам бор эди. Пахлавон Ниёз ҳукумати уларни Тошкентдан олиб келиб, бир ҳарбий мактаб ташкил қилди. Раҳбарлари — Ускудрли Ридвонбек билан Ҳасанбек. Улар мактабда бизнинг бошқирд аскарлардан Усмон Тереғулов ва Ҳусан Аликбаев билан бирга ишлади. Мактабларида юзга яқин ўзбек ўқиди. Аммо Хива раҳбарлари орасида ҳар хил иғво ҳукм сурди. Москва вакили бўлган Сафонов эса бу турк офицерларини четлаштириб, мактабни ёпишга ҳаракат қилди. Турк офицерлари Россиядан ватанларига қайтгач, Истамбулда менга жуда ҳурмат кўрсатдилар. Ўзбеклардан Миршаропов ва Фарғонадан Қирғизов деган офицерлар ҳам шу ерда эдилар. Бу кишилар ва Мулла Бекжон Хивада замонавий маданиятни ривожлантириш учун катта фидойилик кўрсатди. Халақат бермаганларида улар ёш Хива ҳукуматига катта хизмат қилган бўлур эдилар. Хива темирйўлдан четда, узокдаги бир ўлка бўлганликдан, мен уларга Туркистоннинг бошқа томонларида кенг ёйила бошлаган босмачилик ҳаракатига ҳозирча фаол қўшилмай, ими-жиммида иш олиб боришни маслаҳат бердим. Бухорога келишларини тавсия қилдим. Баъзи вақтларда Хива хонларидан қолган ёзма асарларни ўргандим. Шундай бўлса ҳам бу ҳазинада мен кутган қўлёзмалар топилмади. Муҳим тарихий манбалардан фақат Қўнғирот беклари, Хива хонлиги замонига оид архив ашёлари бор эди. Маориф вакили бўлган Мулла Бекжон Истамбулда ўқиб келган бир йигит. Ҳукумат ишларидан бўш вақтларида мадрасадаги ҳужрасига келар, ўз қўли билан палов пиширар, ўша вақт узок сўхбатлашар эдик. У бир қатор асарлар ёзди. Шулардан Хоразм ўзбекларининг музыкаси тарихига бағишланган ва бошқа айрим асарлари босилиб чиқди. Еш Хива ҳукумати тарқатилгач, Бухорога, олдимизга келди. Аммо расмий йўлдан чекинмади, коммунист бўлиб қолди, оқибат 1937 йилги қатли олда Тошкентда жазога тортилди.

**Хоразмдан кетиш.** Хивадалиқ вақтимда, баъзи ўртоқларим Тошкент ва Бухородан, Қозғистондан янги хабарлар юборди. 1921 йилнинг январь бошида Бухорода бўлғуси конгрессга кечикмасликни тақдир қилдилар. Йўлга ҳозирлик кўрдим. Чоржўй йўли қизил аскарлар қўлида, жуда кўрқинчли, атрофда туркман босмачилари хўжайинлик қилади. Соқчилар олсанг, босмачилар билан тўқнашувинг мумкин. Хивада бутун халқ ҳурмат қилган энг буюк авлиё — Пахлавон ота. Қабри ҳам жуда яхши қаралган ва тартибли. У шундай деган: «Йўловчи бўлсанг йўлда бўл, кўрқоқ бўлсанг, уйда ўтир». Мен ҳам унинг гапларига эргашиб, ҳеч бир соқчи олмай, йўлга чиқдим.

Ҳарбий назорат ёрдамида Хива аскарый қисмларининг биридан қизил армия қоғози, кийим ва милтиқ олдим. Чоржўй йўлидаги иккинчи станция бўлган Садвор деган туркман қишлоғида, Маҳмуд деган одамни Чоржўйга чиқариб қўйишга ёлладим. Хотиним, болам, соқчиларим — Харис Сасонбой билан Аҳмаджон Бухорога бориш имконияти туғилганга қадар, ёзгача бу ерда қолди. 19 декабрда Хивадан чиқиб кетдик. Бир кечаси Ҳазорасп шаҳрида, иккинчи кеча йўлбошловчи туркманнинг Шаҳвердаги уйда ухладик. Бундан кейин қизиллар қўлига тушмаслик учун Қорақум чўлига чиқиб, бироз айланма йўлдан ўтиб, 7 кунда Чоржўйга келишимиз керак эди. Туркман менга: «Қизил аскарсан, қўлингда милтиғинг бор, сени босмачилар ўлдиради, мени ҳам турки қўйишмайди, бормайман, бошқа бир йўлбошловчи ол», деди. Бироз рози қилгач, охири элтиб қўйишга кўнди. Сўл томондаги йўлни жуда яхши биларкан. Иккинчи кеча туркманларнинг увода бир тўшағида ухладик... Эртаси чойимизни ичиб йўлга тушдик. Ҳар доим кўчиб юрадиган қумлар орасидан ўтиб борардик, йўл охири кўринмасди. Иларимиз бир дақиқадаёқ йўқолиб кетарди. Қум уюмларидан ҳосил бўлган бир ерда кийик кўринди. Кўзойнагимни олиб қарадим, ора узок бўлганлигидан у қочмади. Мўлжаллаб отдим, теккан бўлса керак. Қум орасида орачора қор ёттиди. Кийик қочган томонга йўналдим. Йўлбошловчим Маҳмуд: «Ҳеч ҳам борма, йўлдан адашиб қоласан, отингдан ажралиб қоласан. Отиб йиқитдим, деган кийикнинг пари, у одамларга кийик бўлиб кўринади-да, йўл ичига қочиб, эргашган одамни ҳалок қилади», деб ёлворди. Сўзига қулоқ солмай кийик ортидан кетдим. Туркман мендан ҳам кўра отига ачинарди. Кийик ётган тепага келдим, яраланиб, қон излари қолган, олис кетолмай йиқилган. Туркманни чақирдим. Кийик мана бу ерда, ҳали ўлмабди, сўйиш керак, дедим. Туркман келиб, сўйди, икки оёғини кесиб, қопга солиб отга ортди. «Мерган экансан. Кечаси бирор ерда ўт ёқиб, қабоб қилиб ермиз», деди у. Йўлда давом этдик.

**Туркман босмачилариникида меҳмон бўлиш.** Қум ўртасида туркманларникига хос бўлган қатор ўтовлар кўринди. Маҳмуд: «Мол кутаётганлар ҳам, деҳқонлар ҳам эмас, улар босмачи бўлса керак. Рухсат берсангиз, ўтовларни четлаб ўтсак», деди. Кун кеч бўлган, мен унга: «Ўзимизни Оллоҳга топширдик, нима бўлса бўлар, ўтовга борайлик», дедим. Утов олдида иккита эгарланган от турибди. Салом берсанг-да, отларимиздан тушмадик. Ҳақиқатан ҳам булар босмачилар экан... Каттароғи нега келдингиз, қаёққа боряспизлар, деб суриштирди. Кимлигимни,

Жунаидхон ихтиёрида эканлигимни, Бухорога боришимни, босмачилар билан курашдош бўлишимни, ўзимни қизил солдат қилиб кўрсатиш учун шу кийимни кийганимни тушунтирдим. Аввал ишонмади. «Ишонмасангиз, сизларда меҳмон бўлмаймиз, йўлимизда давом этишга рухсат қилинлар», дедим. Менинг милтиғим эгар қошида эди. Йўлбошловчи Маҳмуд ҳам улар билан гаплашди. «Жуда яхши, бизникида меҳмон бўлинглар, ҳеч нарсамиз йўқ, лекин ўт-оловимиз бор», деди. Отдан тушдик. Ешроғининг кўзи менинг милтиғим билан белимдаги револьверга тикилган. Гурунглашаётганимиздаёқ бу икки босмачининг қарашлари ўзгара бошлади. Кўнғиротда ва Эски Урганчда Жунаидхон одамлари билан учрашишимиз тўғрисидаги гапларимизга ишондилар, ўт ёнида ўтириб, Россия ва дунё аҳолини суриштира бошлаганларидан сўнг ишончларининг кучая борганини сездим. Милтиғимни четроққа олиб қўйдим. Чой ичгандан кейин каттароғи ёшига: «Бор, ўғлим, ҳалигини олиб кел, меҳмонларга сўйиб едирайлик», деди. Бу ўтов атрофида ҳеч бир мол-жондор кўринмас эди. Бироздан кейин йигит катта бир ошқовоқ олиб келди. Катта босмачи қовоқни икки оёғи орасига қисиб, пичоқ билан кесди. У: Сиз мусофирларга олиб кел деганим мана шу нарса эди», деди. Кулишдик. Биз кийик гўштичи чиқариб, кабоб пиширдик, теварак-атрофдан саксовул ўтинлари териб келдик, йигитлар тинимсиз ўт ёқдилар, узоқ гаплашиб ўтирдик. Милтиқларимизни бошимиз остига қўйиб, бир-биримиздан қўрқмай ухладик.

Эртаси кўлда ёпилган қотган нон билан чой ичдик. Аннамурад деган бу босмачи бизга Жунаидхон ва бошқа туркман босмачилари билан алоқа боғлашга ёрдамлашишга рози бўлди. Ҳақиқатан ҳам, кейинчалик у алоқани боғлашимизда беминнат хизмат қилди. Ҳатто 8 ойдан кейин ҳам бу Аннамурад (1921 йилнинг августида) Туркиядан келган Шайх отани бир киши билан Тошхувоздан Қорақум чўли орқали Жунаидхон ҳузурига олиб борди.

**Чоржўйдаги можаро.** Биз кейинчалик ҳам Аннамурад ёрдами билан унинг одамлари бўлиш-ликка ҳаракат қилдик. Чоржўйга бориб етишимизга бир кун қолганида Денов деган ерда Маҳмуд деган туркман билан ҳисоб-китоб қилиб, бошқа йўлбошловчи олиб, Чоржўйга етиб бордим. Йўлимиз ўн кун давом этди. Қўлимдаги милтиқ билан қизиллар орасида ёлғиз ўзим қолдим. Отимни сотдим. Бухорога борадиган бирдан-бир йўл Амударё кўприги орқали ўтувчи темирйўл экан. Қизил аскар кийимида бўлса ҳам, бу йўлда пропуск (рухсатнома) керак экан. Шу туфайли бир можаро бошимдан ўтди.

Хива Ҳарбий назорат берган ҳужжатга яхшилаб эътибор қилмаган эдим. Бунгача унинг кераги ҳам бўлмаган эди. Исми Абдулҳамид, фамилиям Сулаймонов деб ёзилгани эсимда қолган. ФКга бу қоғозни кўрсатдим, рухсатнома сўрагач, комиссар русчалаб: «Исминг нима?» деб сўради. Жавоб бердим. Отангнинг исми нима, деган саволига «Сулаймонов», дедим. Йўқ, Сулаймонов фамилиянг, отангнинг исмини айт, деди. Яна «Сулаймонов» деб жавоб бердим. ФК комиссарлигида менда шубҳа туғилди. Бу ҳужжат сеники эмас, дедилар. Комиссар шу ерда турган бир одамга таржимон олиб келишни айтди. Таржимон олиб келдилар. Аҳволим жуда оғир бўлса-да, сиримни очмадим. Бироздан кейин узун бўйли бир озарбайжонни хонага таржимон сифатида қақирдилар. У кириб келганда стол устида турган қоғозга кўз солиб, отангнинг исми Холмурад эканини зўрға билиб олдим. Таржимон ёнида сўрай бошлади.

— Исминг нима?

— Абдулҳамид.

— Отангнинг исми ким?

— Холмурад.

— Фамилиянг?

— Сулаймонов.

— Ҳозир бундай жавоб қиялпсан, аввал нега отангнинг исмини айтмадинг? — деб сўрадилар.

— Тушунмадим, фамилиямни сўрадингиз, деб ўйладим, — дедим. Кейин бошқа саволлар

бердилар.

— Қаёқдан келяпсан?

— Хўжайлидан...

— Аскарга қачон кирдинг...

Бу сўроқларга мелодий йил ҳисоби билан эмас, ҳайвон йили ҳисоби билан жавоб бердим.

— Партия аъзосимсан?

Мен ғализроқ рус тилида:

— Йўқ, мен фақат сочувствующий, — дедим.

Комиссарлар кулишди. Бу нодоннинг партия билан қандай алоқаси бўлиши мумкин?

— Бухорога нима иш билан боряпсан?

— У ерда бир опам туради, ўшаникига бораман, — дедим.

Менга рухсатнома бердилар. Қўлимга тутқазаркан, комиссар менга: «Бу қоғозни олганингга ўн икки кун бўлибди, бундай қилиб юрсанг, рухсатноманинг кучи йўқолади», деб бир қоғозга қўб берди. Рухсатномани олгач, милтиғимни кўтариб Когон станциясига келдим. Ундан шаҳар атрофида қатнайдиغان поездга ўтирмасдан, яёв йўлга чиқиб, аравали от ёллаб, Бухорога гавжум Қарши дарвозасидан эмас, Мозор дарвозасидан кирдим.

**Бухородаги дастлабки кунлар.** Тўра Мирзо Абдулвоҳид номли бир танишимнинг уйига бордим. 1920 йилнинг 31 декабрь шанба кuni эди. Мирзо Абдулвоҳид Бухоронинг тожикча ҳам туркча асарлар ёзган икки тилли зиёли бир адиби ва шоиридир. Таржимаи ҳоли Садриддин Айнийнинг тожик адабиёти тарихида ёзилган. Жуда қўрқоқ бир киши чиқди. Ун йил ўтгандан сўнг ёш Бухоро ҳукуматининг Европага ўқитишга жўнатган талабаларига раҳбар бўлиб Германияга келди. Менинг Афғонистон, Ҳиндистон, Париж орқали бу ерга келганимни билганидан кейин, афсуски, сиз билан учраша олмасак керак, деган мазмунда менга бир хат ёзди... Бухорода нега бу одамга менинг адресимни берганларига тушунмадим. Фақат бу уйда узоқ қолмаслигим аниқ эди.

Фикримни унга сездирмадим, яшайдиган жойим катта кўчалардан узоқроқ, шаҳар четроғида бўлишини хоҳлайман, дедим. Шу орада Бухоро Марказий қўмондонлигида хизмат қилган офицерларимиз Султон ўғли, икки авлод бурунги қариндошим Бойишев ҳамда бу ерда Ҳарбий назир қилиб тайинланган Ориф, бироздан сўнг Файзулла Хўжаев келди. Ҳақим ўғли Муҳитдин

Махсум номли бир ўртоғимнинг уйига жойлаштирмоқчи бўлган экан, ўша ёққа бордик. Яшайдиган жойим, ҳовли ташқарисигади бир боғча ичидаги уй эди. Тамоман тожиклашган бу Ҳаким ўғлининг оиласи Шаҳрисабздаги кенагас уруғларидан экан.

Бухорога Абдулҳамид Орифийнинг миллий Мудофаа комиссарлигига Султонов номли бир бошқирд офицерининг ГПУ комиссари қилиб тайинланишдан ҳаракатларимиз ишончли бўлди. Миллий кутубхона мудирини қилиб, иккинчи бир дўстимиз Боишев тайинлангач, бу кутубхонадан кенг фойдаландим. Бу кутубхонада 30 мингга яқин қўлёзма асар бор эди. Бўш вақтларимда хоҳлаганларимни уйга олиб кетиб ўргандим.

Бухорода ҳукумат тузилаётган эди. Лекин у бир неча ойдан кейингина шаклланди. Инқилоб аъзолари дейилганларнинг бир қисми Марказий Комитет деб аталиб, унга Мирзо Абдулқодир раис эди. Иккинчи қисми Ижроия Комитети дейилиб, унинг раиси Файзулла Ҳўжа эди. Маориф вакили Ориф Йўлдош, молия вакили Усмон Ҳўжа, ҳарбий вакил Абдулҳамид Ориф, чет ишлар вакили Ҳошим Шойиқ, ички ишлар вакили Мўйинхон, адлия вакили Мирза Абдурахим, бироздан кейин Усмон Ҳўжа Марказий Комитет раиси бўлди. Чет эллар ишлари вакилоти Афғонистонга элчи қилиб Шариф Ҳўжа номли бир кишини тайинлаган эди. Бухорода Афғонистондан Абдулрасулхон элчи эди... Усмон Ҳўжа ўшлик ҳўжалар авлодидан чиққан бир савдогарнинг ўғли бўлиб, Бухорода мадрасада таҳсил олганидан кейин, 1910 йилда Истамбулга келиб, у ерда Бухоро ёшлари учун ўқув-тарбия юрти ташкил қилган, Туркиядан қайтгандан сўнг Бухорода Қримдаги Ғаспирали мактаби каби усули жадид мактаби очган, газета чиқарган бир одам. Мен Бухорога келган вақтимда у Шарқий Бухоро ҳукуматининг мустақил бир вакили эди.

Усмон Ҳўжа Файзулла Ҳўжа каби инқилоб орасида юрувчилардан эди. Бухоро амири шаҳар марказидан ҳайдалгач, энг муҳими молия ишлари, иккинчиси, амир одамлари масаласи бўлди. Бухоро хазинасини Совет ҳукумати эгаллаб, Москвага жўнатган вақтда бу хазинанинг бир қисмини ёш Бухоро ҳукумати ўша вақтларда жуда катта муҳтожликда яшаётган Туркия ҳукумати ихтиёрига берган, деган хабар чиққанди. Бу хабар Усмон Ҳўжа Истамбулга келгандан кейин тарқалган. Ҳақиқатан ҳам, ўша вақтда Бухоронинг бутун молиявий ишлари Усмон Ҳўжа билан ёрдамчиси Носир Махсум қўлида бўлди. Шаҳар марказидан қочган амир, биз Бухорога келган вақтда Бойсун томонда эди, уни тахтдан четлатган Комитетнинг раиси бўлароқ Усмон Ҳўжа Шарқий Бухоро мустақил комиссиясининг раиси қилиб тайинланган эди.

Файзулла Ҳўжа (Ҳўжаев) бухоролик ҳўжаларнинг авлодидан чиққан, миллионер бир оиладан эди. Мустақил русча ўрганган... Уз вақтида савдо ишлари билан Германияга ҳам борган, у ерда бироз немисча ҳам ўрганган. Мирзо Абдулқодир Муҳитдинов ишбилармонлар оиласидан чиққан. У ҳам миллионер. Абдулқодир ҳам русча ўқирди ва сўзлаша оларди. Эҳтимол, ораларида энг зиёлиси шу кишилар бўлгандир. Усмон Ҳўжа, Файзулла ва Абдулқодир Москвада ҳам савдо ишлари билан шугулланган. Шу сабабли руслар билан алоқа боғлаган. Шунинг учун фамилияларининг охирига «ов» қўшилган. Абдулҳамид Ориф эса Бухоронинг Кахиштувон қишлоғидан чиққан ўзбек йигити. Мадрасада ўқимаган, татарлар орасида бўлиб, бироз русча ўрганган. Оренбургда, Бошқирдистон ҳукуматида менинг котибим бўлиб ишлаган. Кейинроқ мен уни Тошкентга юборганман. Татар-бошқирларга жуда яқин бир йигит. Идора ишларини ташкил қилувчи ўша Ориф бўлди. Чет ишлар вакили бўлган Ҳошим Шойиқ Бухоро яҳудий муслмонларидан. Истамбулда муаллимлар тайёрлаш ўқув юртида ўқиган. Форсча шеърлар айтишни ёқтирарди. Бухоронинг сўнги замондаги шоирлари ҳақида асар ёзди. Кейинчалик Афғонистон элчилигига тайинланди. Туркияга мухлис. Русча ёки бошқа чет эл тилини билмасди. Маориф вакили Қори Йўлдош Карки шаҳрида ўтроқлашган кийинки туркманларидан. Вакилларнинг ҳаммаси форсча сўзлашарди. Фақат Орифнинг гаплашолмаслиги эсимда қолган...

Биз бу ерга келганда Тошкент туркларидан Мунаввар Қори, Саъдулла Ҳўжаев, Абдуқодир Қушбегиев, Самарқанддан Ақобир Шомансуров, Тошкент, Самарқанд, Фарғонадан бошқа айрим ўзбек зиёлилари йиғилиб, кўплари давлат идора муассасаларида ишлай бошладилар. Татаристондан ҳам бир неча киши келишган эди. Бухоро кишилари татар, бошқирд, қозоқлар билан туркийча сўзлашарди. Бу одамларнинг тожиги ҳам, турки ҳам Туркияга боғлиқ бўлди. Туркияни, асосан, озарбайжон адабиёти ва мактаблари орқали билишарди. Келиб чиқиши жиҳатдан эроний бўлган Мирза Абдулқодир билан Ақобир Шомансуров Берлинда босилган материалларни ўқишарди. Аммо сиёсий қарашлари ўша вақтларда туркчиликка асосланган эди.

Ораларида қарама-қаршилиқлар бўлди. Аввало Файзулла билан Абдулқодир орасидаги зиддият миллионерлар орасидаги эски ўзаро келишмовчилик асорати бўлса керак. Кейинроқ бу келишмовчилик кучайиб, кенгайиб кетди. Бундан қизиллар фойдаланди. Бухоро жадидчиларининг ҳаммаси ҳам Бухоро амирини йиқитиш йўлида улар билан ҳамкорликда бўлганлар. Лекин қизилларнинг қандайдир чексиз босқинчиликларига қарши бўлганлар. Бу ҳақдаги маслақдошлиқлар мақташга сазовор эди. Асосий ишимиз амирга қарши курашни давом эттириш, Бухоронинг миллий аскарини тузиш, Хивадан, Туркменистон, Қозоғистондан вакиллар қақриб, бир Туркистон Миллий Бирлиги тузиш эди. Ишга тайёргарлик тариқасида июнь ойи охирида Бошқирдистон, Қозоғистоннинг ҳаммаёғига, Ғулжадаги японларга, Фарғонадаги маълум босмачиларнинг бошлиқларига юборган одамларим, шунингдек, қозоқ зиёлилари бирин-кетин кела бошлашди. Қозоғистондан келган бошқирд зиёлилари орасида Сайитғарай Мағазов ҳам бўлди. Улар бутун Марказий Қозоғистонни кезиб чиқиб, дўстларимиз билан алоқа ўрнатганлар. Яна тағин Фарғона босмачиларидан Шермухаммад олдида бўлган Элдорхон Мутин ва Харис Иглиқов, Раҳмонқул кўрбоши олдида бўлган Мустафо Шаҳқули ҳам етиб келди. Мустафо Миллий Бирлиكنинг Тошкент Комитети раиси Садриддинхон билан бир неча вақт Раҳмонқул ёнида бўлгач, яширин равишда Тошкентга қайтиб, татар зиёлиси Ориф Каримий билан бирга Ғулжадаги Япония вакиллари ҳузурига бораётиб, қамоққа тушади. Ўзбек ва қозоқ миллатчилари ёрдамида қандайдир йўл билан қамоқхонадан қутулади. Мустафо Шаҳқули билан Ориф Каримий Бухорога келди. Улар рус университетларидан ўқиган йигитлар. Аввал Бошқирдистонда хизмат қилганлар. Қозоқларнинг Алаш-Урта Комитети билан туркман зиёлиларини ҳам Бухорога қақирган эдик. Биз уларни кутиб Бухоронинг ғарбий томонидан, шаҳар четидаги Харғуш қишлоғида амирга тарафқар бир бойдан ҳукумат ихтиёрига тортиб олинган ҳўжаликда қолдик. Бизнинг Бошқирдистон

аскари-дан Абхази Ишмурзин, ёрдамчиси Иброҳим Исоқов, бошқа бир неча офицерларимиз, полковник Ҳайбатулла Сунондиқов яқин офицерлари билан бирга келиб, ҳаммаси ҳам Бухоро аскарӣ қисмларида раҳбарий вазифалар олди. Қарши, Шаҳрисабз, Нурота, Ғузор, Кармана аскарӣ қисмлари (яъни, марказий қўмондонликлар) уларнинг ихтиёрида эди. Уларнинг ҳаммаси-ни Ориф тайинлади. Мақсадимиз қизиллар расмий ва қонуний йўллар билан миллий аскар тузишга имкон бермаса ёки тузила бошлаган аскарӣ қисмларни тарқатишга киришса, босмачилар билан бирлашиб, умумий кўтарилиш бошлаш эди. Бунга муваффақ бўлиш учун фақат босмачилар орасида миллий мақсадни кенг кўламда тушунтириш керак эди. Бу ишларни Тошкент ва Фарғонадаги ўртоқларимиз жуда муваффақиятли амалга оширдилар.

Орифов Туркиянинг Бухородаги асир офицерларидан бир аскарӣ мактаб ташкил этмоққа жазм этди. Уларнинг баъзилари Али Ризобек раҳбарлигида жандармерия ташкил қилиш билан шуғулланди. Лекин расмий хизматчи бўлганликдан, рус разведкачилари бутун ҳаракатлари ва алоқаларини билиб турди. Шунинг учун биз улар билан алоқаларни учинчи бир киши орқали олиб бордик. Февралда туркманлардан Қақажон Бердиев, қозоқлардан Алаш Урда вакили Хайриддин Болғинбоев, Мухтор Аvezов билан яна икки киши келди. Бухороликлар ва ўзбеклар билан иш юри-тиш осон эмасди. Чунки, бухороликлар ва тошкентликлар орасида тушунмовчиликлар бўлгани сингари, ўзбеклар орасида рус мактабларида ўқиган кишиларга, айниқса, қозоқларга нисбатан «миссионер» деб қараш каби баъзи нафратлар мавжуд эди. Биз Бухорода ўзбек, туркман ва қозоқ вакиллари билан Харғушдаги Марказимизга ва амирнинг Ситораи Моҳи Хосса саройининг бир ерида ййғилишиб, тузилаётган Миллий Бирликнинг программаси ҳақида сўзлашдик. Хивадаги Миллий ҳукумат руслар томонидан тарқатиб юборилгач, уларнинг айрим вакиллари яширин ра-вишда Бухорога келдилар. Улар билан ҳам сўзлашилди. Қозоқлар маслаҳатлашувларнинг узоққа чўзилишига, ёш Бухоро ҳукумати арбобларининг иккиланишларига нисбатан норози бўлдилар. Ниҳоят, сўзлашувлар оқибатида Ўзбекистонда социалист бўлмаган ва динга таянувчи жадиждлар фирқаси, иккинчиси, социалистик «Эрк» партияси, учинчиси, қозоқларнинг Алаш Урда фирқаси бирлашиб мен тайёрлаб берган етти банддан иборат «Умум платформа»ни қабул этдик.

1) Миллий мустақиллик; 2) Демократик жумҳурият; 3) Миллий аскар; 4) Иқтисодий идора, темирйўл қуриш, каналлар қазिश, Туркистоннинг асл мустақиллик асосларини юзага келтириш; 5) Маорифни тамоман бугунги кун камолотига кўтариш ҳам Европа маданияти билан... ошно қилиш чораларини қидириш; 6) Миллий мактаблар, мамлакатнинг табиий бойлигидан фойдаланиш маса-лаларини мамлакатда яшаётган миллатларнинг ҳисобига қараб ҳал қилиш; 7) Динга тўла ҳуррият бериб, дин билан дунё ишларини бир-бирига аралаштирмаслик.

Қозоқлар Диншени вакил қилиб қолдириб, юртларига қайтгандан кейин, «Жадид» ва «Эрк» партияларининг алоҳида-алоҳида бўлган йўналишлари кўриб чиқилди... Умуман, мамлакатда бири либерал, иккинчиси социалист бўлган икки партия тартиботи тузилиб, умумий программа асосида уларни бирлаштирувчи бошқарув мезони қабул қилинди. Бунга ҳаммаси ҳам қўшилди. Сайитғарай Мағазов 7 бандли бу умумий программани шеърӣ равишда ифодалади...

**Шоир Чўлпон ва профессор Самойлович.** Харғушда яшаган вақтимда, Бухорода менинг ихтиёримга бериб қўйилган ҳовлига ҳар икки кунда бориб турар эдим. Шоир Чўлпон доимо бу ерга келиб, мени кўришга ҳаракат қилди. Лекин, шоир зотининг оғзида гап турмайди, деган ўйда қабул қилмай, ўйда йўқ денглар, деб жўнатардим. Албатта, бундан унинг жаҳли чиқар-ди. Бир кун у «эх, шу шоирлигим мени оғзи бўш ва ишонмайдиган қилмаганида, мен сиз билан кўришар эдим», деган маънода бир шеър ёзиб қолдирибди. Кейинги гал келганида қабул қилдим. «Эски дўстинг, профессор Самойлович сени курмоқчи, бу унинг бир дўстлик туйғуси бўлса керак», деди. Мен эса унга: «Сендан қочшимнинг сабаби бирор сўз чиқмасин, деб кўрққа-нимдан. Самойлович менинг дўстим, ammo Советлар одамни қўлга олиш учун дўстидан ҳам, оиласидан ҳам фойдаланади. Самойлович бугунги кунда совет айғоқчисими ёки йўқми, қаёқдан биласан», дедим.

1925 йилда мен Германиядан Анқарага қайтдим, бирмунча вақт ўтганидан сўнг у ерга профес-сор Самойлович ҳам келди. Албатта, уни ҳукумат юборган. Юртага қайтинг, деди у. Мен унга Бухородаги воқеани тушунтириб, дедим: «Мен учун орқага қайтиш йўқ. Мен ҳозир Туркия гражданиман. Советларнинг усталиги шундаки, кишининг энг яқин дўстлари, ҳатто унинг оила аъзоларини ҳам ўзига қарши айғоқчи қилиб қўйишидадир. Улар қўлга тушириш учун ҳар қандай йўлдан қайтмайдилар. Сиз ҳам шундай вазифа бажарясиз, деяётганим йўқ... Туркистонда ҳеч бир совет айғоқчиси менга яқинлашма олмади. Агарда, ғарб давлатлари Советларнинг айғоқчилик системасини тушунса, нақадар яхши бўлар эди», дедим. Ҳақиқатан ҳам мен 1923 йилда Туркистондан Эронга чиқиб кетгунимга қадар ёнимга чет шубҳали кишилар яқин-лашмади... Самойлович Бухорода бир неча кун бўлди. Мени ҳар хил дўстларим орқали кўришга ҳаракат қилди. Унинг ҳукумат топшириғини бажаришга уринаётганига ҳеч бир шубҳа қолмади. Ammo жонбозлик кўрсатишига қарамай, у қизилларга ёқмади. Кейинроқ Советлар унинг ўзини ҳам йўқотди.

**Файзулла билан Бекжон мулла типидagi шахслар.** Хоразм ва Бухоро арбобларининг... халқ олдидаги обрўлари юқори бўлди, улардан одамларнинг умиди катта эди. Ҳар икки ҳукумат шойи матога босиб пул чиқардилар. Хонлар хазинасини руслар ташиб кетдилар, хазина бўшаб қол-ди. Шундай бўлса ҳам бу ипак пуллар Керенский билан Совет пулларига қараганда қадри-роқ бўлди. Лекин бу ерга ҳам, Туркиядаги каби сўл йўналишдаги сиёсатда озодлик йўлини топиш умиди яшарди. Қизилларнинг ҳар бир ҳаракатини маъқуллаб, шуларга дўст бўлиш, Советларга яқинлашиш, дунёга бошқачароқ қарайдиган доираларни йўқотишнинг жуда осон йўллари излаб топилди. Файзулла Ҳўжа ва унинг яқин кишилари шундай зотлардан бўлди, ўзлари жуда катта миссионер бойлар эдилар. Большевиклар Файзулла Ҳўжани унинг сингари бошқа миллионерларга қиёслаганда яқинроқ ва устунроқ қўйишларини сездиришга уриндилар. Алданганини кўриб виждон азобиға тушган Файзулла, бундан аввал бир қанча дўстларининг бошига етганидан кейин, ўзи ҳам қийналиб ўлди.

Хивадаги шу типдаги фаолларнинг бири Бекжон Мулла эди. Ўзи фақир бир идеалист муаллим эди. Ҳамма сўл фикрлардан хурсанд бўларди. Русча билмаганидан, РКПдаги рус сўлла-

рининг кирилгини, уларнинг фикрларини яшиш тушунмасди. 1918 йилда Оренбургга бизнинг ҳукумат билан гапиршига келган эди. Йўл топилса, Москвага бормоқчи бўлди. Узини бир байнал-милалчи қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди ва шунинг учун Москвада ҳам иши юришишига ишонди. Бутун мақсади Хива хонлигини йўқотиб, Советлар ёрдамида, ёш хиваликлар билан биргаликда Советларнинг бир шарқ ҳукуматини тузиш эди. Халқимизнинг Совет тузумини Бошқирдистонда ўрнатмаяжани тушунтирган биринчи фармонни Бекжон Муллага ҳам ўқитдим. Советлар билан бирга ишлаб, кейинроқ улардан юз ўғирган миллатчи бошқирд коммунисти Салоҳ Аснагулов билан учраштирдим. Сўнроқ: «Нима қилиш керак. Сиз бу режимга ишонмай-сиз. Хивада тажриба ўтказиб кўрмоқчи эдик. У ерда шартлар бошқачароқ. Мен ўзим адабиёт ва тарих муаллимиман. Совет режими даврида ҳам шу иш билан шуғулланмоқчиман», дедди у. Мен унга: «Советларнинг фикрича, миллий турк тарихи ва адабиёти йўқ. Улар бизнинг миллатимизнинг энг гўзал даври Россия босиб олгандан кейинги давр деб тушунтиражаклар. Бирдан-бир бахт йўлингиз Совет ҳоқимияти берган йўл, деб сизларни сиёсий минбарларда гапиршига мажбур қиладилар. Хива хони Афсандиёрни йиқитиб, ўрнига миллий ҳукумат тузсангиз жуда яхши. Лекин, буларни Советлар ёрдамида амалга ошириб бўлмайди», дедим. Унинг Москвага боришига ҳожат қолмади. Балки бизнинг сўзларимиз таъсир этгандир, орқага қайтиб кетди. 1920 йил охирида, Хивадан кетишимиздан уч кун олдин, жумҳурият уйининг ичкари хона-ларида учовимиз жуда очик гаплашдик. Хўжа Ниёз Советларнинг жумҳуриятни узоқ вақт яшатиб қўймаслигини тушунган эди.

Шўролар Хива ҳукуматини йўқотгандан кейин Бекжон Муллага: «Кел, сен сўл сиёсий арбоб эдинг, биргаликда ишлайлик», деб ўтирмадилар. Қамоққа тушди, кўп азоблар кўрди, кейинроқ жазога тортилди. Қримнинг машҳур ёзувчиси ва шоири Шафқи Бектўра Туркистон ва Сибирь авахталари ва лагерларини узоқ кезиб ўтгандан кейин, қутулиб, Истамбулга етиб келди. У бошқа бир дўсти билан Хива ёш сўл социалистларини, шу жумладан, Бекжон Муллани кўрган экан. Бекжон Мулла бизнинг Хивада учрашганлигимизни эслаб: «Чет мамлакатларга чиқиб, Туркистон озодлиги учун фойдаланиб бўла олмадим», деб йиғлаган экан. Буни менга Истамбулга келган Бектўра айтиб берди.

**«Эрк» партияси ва жадидларнинг программаси.** «Эрк» партиясининг аввалги 27 банддан иборат бўлиб турган программаси Бухородаги учрашувдан кейин 9 банд ҳолига туширилди.

1) Иқтисодий соҳалар: ерни, ҳудудни, ерости бойликлари, катта ариқларни давлат ихтиёрига бериб, қишлоқни умумлаштириш — социализмни амалга оширишнинг асоси қилиб олинажак.

2) Саноати юқори даражада тараққий этган мамлакатлардаги ишчи Гуруҳларидан Туркистондаги ташкилий ишларда режали равишда фойдаланилажак, Туркистондаги деҳқонларнинг уюшиши ҳуқуқлари ишчиларга тушунтирилажак.

3) Туркистон мустамлакачилар қўлидан қутқарилиб, мустақил идора этилажигига эришиш. Бу эса ўлкада синфий табақаланишнинг ўсиши ва деҳқонларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишига киришишнинг ўсишига энг муҳим шарт бўлажак.

4) Озод Туркистонда деҳқонлар синфининг ҳам янгилаш тарафдорларининг тўсиқсиз ишла-шини таъмин этувчи демократик тартибот ўрнатилмажак ва демократик бошқарув йўли бўлиб хизмат қилажак. Туркистон парламенти, вилоят ва шаҳар мажлиси идоралари тўлалигича халқ сайлови асосида қурилажак.

5) Мамлакат идораси ва унда социализмни қуришни таъмин этиш учун миллий аскар тузилажак.

6) Туркистонда миллат ва озчиликни ташкил этувчилар масаласи халқ хоҳишига кўра махсус бўлимларда ҳал этилажак.

7) Маориф ишлари маҳаллий халқларнинг жойлардаги идораси қўлида ййгилажак. Ҳо-зирги бутун давлат муассасалари, уларнинг алоқа тартиботи, темирйўл, почта ва телеграф, қишлоқ хўжалиги ҳам саноат корхоналари миллий ҳукумат қўлига топширилажак. Маданият соҳасида четдан келганларнинг таъсиридан қутулиб, кучли миллий маданиятни юзага келтиришни уюш-тириш иши бошланажак. Мактаблар, айниқса, малакали таълимга жалб этиш маърифатнинг асосини ташкил этажак.

8) Дин ишлари дунё ва давлат ишларидан тамоман айрилажак.

9) Келажақда Туркистон социалистлари эзилган синфлар қаторида, жабрланган мамлакатлар-нинг ҳам ҳуқуқлари учун курашишни асосий мезон қилиб олган байналмилаллар сафига қўшилажак.

Бу программа тўлалигича менинг «Турк халқи тарихи» китобимнинг 411—414 саҳифаларида босилган. Туркистонда социализмнинг мақсади ва амалга оширилиши ҳақидаги назарияларни тушунтирувчи асарим Россиядан кетганимдан сўнг Прагада русча нашр этилди.

Жадид тараққийпарварлари партиясининг программаси 19 банддан иборат эди. Қисқача маз-муни қуйидагича:

1) Миллий маданиятга эга бўлиб, мустақил миллат сифатида яшаш ҳаётнинг асоси бўлиши керак. Бу эса барча миллатларнинг орзуси. Мақсадимиз Туркистонни мустақил қилиб, ҳуку-матни миллийлаштириш. Миллат — тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одат бирлигига асосланади.

2) Озод Туркистонда давлат тузилиши ва идораси жумҳурият бўлиб, ҳоқимият асосини демократия йўли билан сайланган миллат мажлиси, ёки вилоят ва шаҳарларда, вилоят ҳам шаҳар мажлислари (земство) ташкил қилади.

3) Марказий ҳукумат аъзолари миллат мажлисининг розилигига кўра Жумҳурият раиси то-монидан, вилоятлардаги бошлиқлар эса марказий ҳукумат тарафидан тайинланажак. Вилоят ва шаҳар идора мажлисларининг раисларини шу мажлисининг ўзида сайланиб қўйилажак. Миллат маж-лиси, Жумҳурият раиси, вилоят мажлисларини сайлаш тартиби мустақил Туркистоннинг биринчи қурултойи томонидан белгиланажак.

4) Туркистонда турк бўлмаган озчилик ҳам маданий ҳуқуқлардан фойдаланажак. Туркий халқлар Туркистон маданиятини кучли равишда яшатиш учун яқдиллик билан фаоллик кўрса-тишлари керак.



5) Туркiston миллий ҳукумати Туркiston миллий аскарига таянажак; ҳарбий хизмат мажбури.

6) Ички сойишталанини сақлаш учун вилоят идоралари жойларда полиция ташкил қилади ва бу уюшма мамлакатнинг миллий ҳуқуқи уюшмаларига боғлиқ бўлажак.

7) Мамлакатда виждон эркинлиги тўла таъминланажак. Диний ибодат ва урф-одатни эркин равишда бошқариш давлат йўли билан таъминланажак. Мамлакатда бошқа дин айвоқчиларининг иш олиб боришларига рухсат берилмайди.

8) Матбуот ва нашриёт ҳуррияти ҳам шахс эркинлиги давлатнинг асосий қонунлари тарафидан таъмин этилажак.

9) Мамлакатнинг асосий солиғи киримга қараб олинажак. Меросдан ҳам солиқ олинажак. Туркistonда эски замонлардан қолган ҳар хил олиқ-солиқлар бекор қилинажак.

10) Ернинг, ероти ва ер юзи бойликлари, ўрмонлар, ҳавзалар давлат мулкига ўтажак. Ер деҳқонларга (қашшоқ деҳқонларга) хусусий мулк қилиб берилажак.

11) Алоҳида шахслар ўзаро келишиб, ер ва сув сотиш масаласини ҳал этмайди. Бундай иш давлат воситасида бошқарилажак. Ер бериш ҳуқуқи маҳаллий шароитларга кўра қонун асосида белгиланажак.

12) Туркistonнинг озодлиги иқтисодий мустақиллик асосидагина амалга оширилув. Шунинг учун Туркiston бошқа кўшни давлатлар билан иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги замон тузилиши асосида оёққа туриб, тобора ривожланиб боришини таъмин қилишга ҳаракат қилинажак.

13) Туркistonда ер масаласининг асоси — сувдир. Шунинг учун миллатнинг барча кучи халқни сув билан таъминлаб, турмушини яхшилашга сарфланажак. Сув идораси ишларини тартибга солишга катта аҳамият берилажак.

14) Туркistonда қозоқ, қирғиз, туркман халқларидаги энг муҳим масала — кўчманчи қавмларнинг ўтроқ ҳаётига ўтиши. Бу масала катта-катта, серсув воҳалар ёқаларида янги катта қурилишлар қилиш йўли билан ҳал этилажак. Туркistonда туркий халқлардан ҳам мусулмонлардан бошқа кўчиб келувчилар қабул қилинмаяжак.

15) Туркistonда ишчилар масаласи шу мамлакатдаги миллий саноатнинг ўсишига боғлиқ. Ишсизларнинг иш шартлари, иш соати, болаларнинг ва хотинларнинг иш шартлари, суғурта ва бошқа масалалар илғор мамлакатлардаги йўللар бўйича тартибга солинажак.

16) Адлия масаласида тўла мустақиллик ва ҳар ким учун тенг ҳуқуқлилиқ. Дини ва дунёқараши қандай бўлишидан қатъий назар ҳар бир киши ҳозирги замон қонунлари ҳимояси билан таъмин этилажак.

17) Маориф соҳасида тўлиқсиз, бошланғич таълим олиш имкониятлари яратилажак. Мамлакатнинг ўз граждандари, давлат манфаатларига қарши келмаган ҳолда, хусусий мактаблар очишга ҳуқуқли.

18) Туркistonда энг аввало профессионал мактаблар йўлга қўйилажак. Европага ўқувчилар юборишга аҳамият берилажак.

19) Қадимий маданият ўчоғи бўлган Туркistonда асрлар мобайнида юзага келган маданият ёдгорликлари ҳимоя остига олинажак. Улар миллий маданиятнинг ўсишига хизмат этажак.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Туркistonда келажақда биринчиси радикал миллий, иккинчиси социалистик бўлган икки тартибда партия (идораси) фикри чет таъсири билан тушунтирилмайди. 1921 йилда Туркistonдаги турли қавм ва қабилаларнинг бошлиқлари ва зиёлилари узоқ маслаҳатлашиб, турли жойлардаги кўп турли шартларни ҳисобга олгандан сўнг, бу икки партияди тузишга ва уставиға, Алаш Ҳўда партияси тузиш керак, деган фикрга келдилар. Англиядаги ёки Америкадаги икки партияди тартиботдан Туркiston раҳбарлари хабардор эмас эди.

**Туркiston миллий бирлиги тузилиши ва унинг биринчи конгресси.** Биз партия программаларини ва Умумплатформани белгиладик. Лекин Умумкомитетни бир қанча вақт тузолмай қийналдик. Бунинг сабаби — бухороликлар билан тошкентликлар орасидаги қабилавий зиддиятлар, бунинг устиға, ўзбекларнинг қозоқларға шубҳа билан қараши бўлди. Шу боис Умумкомитетнинг раислигига ким тавсия қилинган тақдирда ҳам қабул бўлмас эди. Бухороликлар ўз ўрталарида бу вазифани бажарадиган киши йўқлигини тушундилар. Бир томондан Абдулқодир Муҳитдинов, иккинчи томондан Файзулла Хўжа гуруҳлари бир-бири билан келишмай, ҳеч қили Умумкомитетга иккинчи гуруҳ одамидан раис бўлишға кўнмади. Биз бошқирдлар, тошкентлиқ Мунаввар Қорини тавсия қилдик. Лекин бухоролик вакиллар буни қабул қилмадилар. Иккинчи ёқдан, Комитет раиси агар зарур бўлса, очиқ яшашдан воз кечиб, яшириниб яшашға ҳам тайёр бўлиши керак. Мунаввар Қори шу шартларға ҳам рози эди. Тожиқларнинг таниқли кишиларида Садриддин Айнийини тавсия қилиб кўрдик. Лекин у яширин ҳолда яшашға ўтмаган тақдирдагина раислик қилишға рози бўлди. Уни сайламоқчи бўлганлар оз эди.

Июлда Анқарадан Буюк миллат мажлиси аъзоси Ислому Сўфи Сўйғалли ўғли Бухороға келди. У бу ерда расмий равишда коммунистлар тарафдори бўлган бир турк депутати сифатида саёҳат қиларди. Шу туфайли Туркistonнинг мустақил равишда кешиш имкониятиға эға бўлди. Ҳатто Хиваға ҳам бориб келди. Мустафо Камол пошо томонидан топшириқ олган экан. У киши Бухорода вақтимда мен билан бир неча марта учрашиб, розилигимни олғач, ўзаро рақобатчи ўзбек ва тожиқ доиралари билан учрашди. Умумкомитет ташкил қилишнинг тўсиққа учраганлигини сезиб, бир кеч у гуруҳларнинг ҳаммасини бир ерға тўплайшини тавсия қилди. 30 июль кечаси Мирза Абдулқодирнинг уйида йиғилдик. Сўфибек турли гуруҳлар билан гаплашғач, Умумкомитет раислигига мени сайлашни тавсия қилди. Унинг бу таклифини қабул этдилар. Мазкур йиғилишда у жуда яхши нутқ сузлади. Кейинроқ катта бир йиғилишда ўша тавсиясини яна бир бор такрорлади. Бу ерда ҳам қабул қилдилар. Марказий Комитетнинг бошқа аъзолари ҳам ўша йиғилишда сайландилар. Шундай қилиб, 2 августда мен Туркiston Миллий Бирлигининг, яъни, Умумкомитетнинг раиси сифатида иш бошладим. Мазкур синоу кунларида янги Туркиядан Мустафо Камол пошо тарафидан юборилган депутатнинг, қозоқ Алаш Ҳўда вакилларининг, айниқса, Диншеннинг, шунингдек, Афғон элчиси Абдурасулхоннинг Туркistonда бир Миллий Кураш Маркази тузишға қатъий ва жиддий таъсирлари бўлди. Буни юқори баҳолаган Мирзо Абдулқодир менға чиройли ёзуви ипак жойнамоз билан бирға олтин соат совға қилди.

Усмон Хўжа Шерободдан бир хат жўнатиб, мени комитетнинг раиси сифатида кўрганлигидан


жуда рози эканлигини ихзор қилди. 2—5 августда Миллий Бирлик Конгресси йиғилди. Бу эса Москва Конгрессидан кейин йиғилган бешинчи Конгресс бўлди. Комитетга Урта Осиё Миллий Му- сулмон Жамиятлари Федерацияси номи берилди. Жамият аъзоларидан бир тожик дўстимиз жамиятнинг марказий комитети учун муҳр ясаёттирди. Ҳали ҳам қўлимда бўлган бу муҳрга «ўрта» сўзи «ўтар» деб ёзилган. Кулишдик, лекин шу холда қолди. Жамият уставининг умумий фикрлари ҳам шу йиғилишда қабул қилинди. Сентябрь ойида Самарқандда янги бир Конгресс чақириб, босмачи гуруҳлар билан тез орада алоқа ўрнатиш, уларга сиёсий маслаҳатчилар жўнатишга қарор қилдик. Ҳали июндаёқ Шарқий Бухоро босмачилари олдига жўнатилган Мустафо Шохқул ёнига иккита ёрдамчи юбордик. Улар Кўлоб томондаги босмачилар раиси Давлатманд олдада қолиб, Жамият билан алоқа ўрнатди ва лақай уруғининг раҳбарлари билан алоқа боғлади.

**Жамол ва Халил пошолар.** Бизнинг биринчи ишимиз Туркиянинг таниқли арбоблари Жамол ва Халил пошоларнинг Туркистон масалалари билан жиддий шуғулланишларига эришув эди. Бу жиҳатдан, уларнинг Туркистон масалаларига эътибор қилишларини билдирганликларига асосла- ниб, айрим қарорлар қабул қилдик. Жамол пошо бундан бир йил аввал Тошкент ва Бухоро орқали Кобулга кетган эди. Халил пошо билан Сомибек ҳам Тошкентга келишди. Улар Қашқар томонга кетмоқчи эдилар. Улар Урта Осиё масалаларига фақат Туркия манфаати нуқтаи назаридангина ёндашдилар. Фикрлари Туркистон ишига Туркияга ёрдам нуқтаи назаридан қараш, Европада иттифоқчиларга қарши тўхтатилган курашни Урта Осиёда давом эттириш эди. Жамол пошо Афғонистон ёрдамида Ҳиндистонда инглизларга қарши кураш бошлаш, Туркистонда бош кўтарган туркларни Советлар ёрдамида ўзларининг Ислом лашкарларига қўшиш нияти билан жиддий равишда шуғулланди. Ўзининг яқинларидан Рағим бек номли офицерини Қори Камол номли бир фарғоналик билан бирга босмачилар раисларига бериладиган хатларни топшириб, Бухорога келди. Мен у киши билан кўришдим. Рағим бек Жамол пошо ниятларини тушунтирди. Тамомила асоссиз фикрлар эди. Биз Туркистон масаласини, табиий маҳаллий бир масала сифатида қарадик. Туркистон масаласини Туркиядаги ҳаракат ёки Ҳиндистонда инглиз ҳукмронлигини йиқитиш масаласи билан аралаштириш мумкин эмас, деб биз бунга қарши турдик. Мен Жамол пошонинг ўзига фикрлари бир хаёл эканини айтиб, кайфиятини бузишдан ўзимни тортдим. Рағим бек билан Қори Камол жўнаб кетгандан кейин бироз вақт ўтгач, Фарғона босмачилари билан алоқа ўрнатишни ташкил қилувчи бир киши (эсимдан чиқмаган бўлса, номи Сами Қори эди) Бухорога келди. Қори Камол билан гаплашганидан кейин босмачилар орасида Жамол пошо ҳақида тамомила бошқача фикр пайдо бўлган. Камол билан Тошкентда ҳам, Қўқонда ҳам гаплашган ўзбек ва қозоқ зиёлиларининг бир нечаси шу орада Бухорога келган эди. Улар ҳам: «Жамол пошо нима қилишини билмаган бир таваккалчи, қайси босмачи Ҳиндистонга бориб инглизлар билан уришиб юради?» дедилар.

Пшонинг обрўйини туширган бу воқеалар учун жуда сиқилдик. Боз устига Туркия арбоб- ларининг обрўларини кетказувчи воқеа келиб чиқишини ҳеч ҳам истамасдик. Биз: «Пошо Яқин ва Урта Осиё ишларини тубдан кўрган бир одам, биз эса маҳаллий вазифаларнигина биламиз», деб унинг гапларини яхшиликка йўйиб, пошони танқид қилувчиларни унинг ўзидан бекитишга уриндик.

**Самарқандга кўчиш.** Курашга кўтариладиганлар билан яқиндан алоқа ўрнатиш, сентябрда тўп- ланадиган Конгрессга тайёргарлик кўриш учун 5 августда, ёлғиз ўзим отга миниб, Кармана йўли билан Самарқандга жўнадим. Хотиним билан Харис Сасанбой номли соқчи солдатим темирийўл билан жўнадилар. Кўринишим қишлоқчи ўзбекларга ўхшайди. Шундай бўлса-да, солдатларга учраб қолмасликка ҳаракат қилдим. Кўрғон деган ердан ўтаётган вақтда, бу ерда ҳарбийлар тўдаси бўли- шини эшитиб, кечқурун Ойобод деган ердаги Кумушота қабрига келиб, бир бечора шайхнинг қулбасида тунни ўтказдим. Отим ва ўзимга егулик ҳозирлади. Овқати ночор талқон экан. Епи- ниб ётишга бирор тозароқ нарсa беролмаганидан хижолат чекди. Қабр дарчаси тагида авлиёлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинган бир китоб ётарди. Китобни қўлимга олиб, форсча бир шеър ёздим: «Маъноси: «Бунда заъфарон юз билан йиртиқ кийимгина бор. Ипак кийим билан ипак матонинг бозори бошқа ердадир». Шайх: «Китобга нима ёзинг?» деб сўради. У ўзига аввалдан маълум бўлган шеърни ўқигач, кўзларига ёш келди. У билан ярим кечагача гаплашиб ўтирдик. Дунё аҳволидан жуда яхши хабардор одам экан. Уша атрофда гуруҳи бўлган Қорақулбек билан ҳам таниш экан. Эрталаб азонда бирга намоз ўқидик. Сут олиб келди, чой ичирди. Дўстлашиб, хайрлашдик. Бир йил ўтгандан кейин бу қариянинг даргоҳига яна бир бор дуч келдик. У Қорақул- бекка мен ҳақимда гапирган экан; «Ким билсин, балки, Хизир Илёс эдимми?» дебди. Шайхни кўргандан кейин, Қорақулбек: «Хизрингизни олиб келдим», деб ҳазиллашди. Яна бир тун ўша шайхнинг олдига қолдим. Хотиним Нафиса жамиятнинг Қўзи Ҳайдар номли бир зиёли аъзосининг боғ ҳовлисида жойлашган эди, мен ҳам ўша ерга бордим.

Охири келгуси сонда



Муҳаммаджон Соипов

# ДЕВОР ОРТИДАГИ КИШИ

Диққатингизга ҳавола этилаётган мазкур қисса муаллифининг асл касби журналист. Милицияда хизмат қилувчи акаси ҳалок бўлгач, у ҳам шу соҳада ишлай бошлади. Аммо қалimini бутунлай қуролга алиштирмади. Республика матбуотида, радиода муҳим муаммоли мақолалари, ҳикоялари билан кўри-ниб турди. Кейинги йилларда турли жинойтларнинг фош этилишини ҳикоя қилувчи асарлар ёза бошлади. «Девор ортидаги киши» — унинг ҳужжатларга асосланган иккинчи қис-саси.

Ойномадаги янги рукн «Жинойят ва жазо» ни ёш адиб асари билан бошлашимиз бежиз эмас. Ўзбек адабиётида бу хилдаги асарлар энди-энди кўпайяпти. Қадимда ҳам оғзаки, ҳам ёзма адабиётимизда саргузашт қиссалар кўп бўлган. Бўзунги кунда бу анъана янгича кўриниш — тус олди. Бу янги тарзни детектив деб ҳам атаймиз. Бу тарзда ижод этган Худойберди Тўхтабоев, Исроиил Тўхтаев, Файзулла Қиличев каби адибларнинг асарлари сизга маълум. Ҳозирги кунда бу адиблар сафи ёш ижодкорлар ҳисобига тўляпти. Шундай экан, ўзбек детективи ҳам келажакда жаҳон адабиётида ўз ўрнига эга бўлади, деб ўйлаймиз. Янги рукнда сиз, азизларни ўзбек ва жаҳон адибларининг энг қизиқарли асарлари билан муттасил таништириб боришга ҳаракат қила-миз.

Ҳужжатли саргузашт қисса

Юз йилдан ошиқ умр кўриб, элга Қўқон эна номи билан танилган Қонибодомлик момом Иқлима буви хотирасига ба-ғишладим.

Муаллиф

Юсуф қассоб ҳовлига кириб келганида, қорни шишиб кетган сигир оғилхонада кўз-лари бежо олайиб ётарди.

Бошига яшил дурра боғлаб, роҳатибадалдан кўйлак кийиб олган озгин, юзларидан қон қочган аёл ҳар эҳтимолга қарши ушлаб турган ўтмас пичоғини жоди олдига ташлаб, қассобга пешвоз чикди.

— Келдингизми, почча? Кўрмайсизми, ташвиш устига ташвиш-а. Эрталаб Ойбек катта зовурнинг ёқасига арқонлаб келувди. Яшшамагур, арқонини узиб бедапояга ўтибди.

Қассоб аёлнинг гапига эътибор бермай, ола говмуш олдига келиб тўхтади. Қассобнинг авзойини кўрган аёлнинг юрагига ғул-ғула тушди.

Юсуф қассоб шошилмади. Хуржунини ерга қўйиб, ичидан пишиқ арқон, катта пичоқ ва ялтироқ дастали ойболтани олиб, аёлдан сўради:

— Келин, хўжайинингиз қаерда?

— У киши ҳали ишдалар. Нима қилмоқ-чисиз, почча? Ахир кунимизга шу сигир яраб турибди-ку.

— Сўйма, десангиз сўймай. Ҳаром ўлса, гуноҳи ўзингизга. «Келган бало шунга урсин», десангиз сўяй. Бу ҳам худонинг каромати.

Юсуф қассоб розилик кутиб ўтирмай, си-гирнинг оёқларини арқон билан маҳкам боғ-лади-да, этиги қўнжидан пичоқ чиқарди.

— Бисмил, Оллоҳу акбар!

Аёл юзини чапга бурди. Нафаси томоғига тикилгудай бўлиб йиғлаб юборди.

- Шарофат кампирнинг ўлими
- Сим қоққан киши ким эди?
- Эгасига вафо қилмаган зебигардон
- Қамокдан қочган куёв

— Пешонам шўр бўлмай ўла қолай. Одамларнинг боласига ўхшаб қачон пишиқ бўларкин-а бу ер ютмагур. Тўппак тегишдан бошқасини билмайди. Энди дадасига нима дейман?..

Супада яланг оёқларини осилтириб ўтирган ўн-ўн бир ёшлардаги бола онасининг авзойи бузилганини сезгач, кўчага чиқиб кетмоқчи бўлди. Бироқ улгурмади.

— Яна дайдимоқчимисан, касофат. Ҳаммаси ношудлигинг туфайли бўлди. Тур ўрнингдан. Бор қассоб амакингга қарашиб юбор. Ҳализамон даданг келса, терингга сомон тикади.

Қассобнинг иши кўп чўзилмади. Сигир гўштини нимталаб, дарахт шохларига илди. Эндигина қўлини юваётганда Қодир миробнинг товуши эшитилди.

Эрининг шошиб келаётганини кўрган аёл кўзига ёш олди:

— Қайларда юрипсиз? Сигиримиздан ажралиб қолдик.

Мироб сигирининг қорни шишиб кетганини кўчадан эшитиб келаётган эди. Хотинининг авзойини кўриб шошиб қолди.

— Ҳаром ўлдими?— деди хавотир билан. — Нима қилай, сиз уйда бўлмасангиз. Шошилганимдан қассоб поччани чақирдим. У киши сўймасак бўлмайди, дедилар. Бечора сигирнинг кўзлари олайиб кетувди. Ҳар бўкирганида жоним чиқай деди.

Қодир мироб уй ортидаги оғилхонага ўтди. Бу вақтда Юсуф қассоб пичоғини ариқ сувида чаяётган эди.

Мироб ерда ётган танасиз каллани кўргач, ўзини босолмай қолди. Оғилхона сўрсига суяни турган ўғлининг олдига келиб сўради:

— Касофат, сен қаерда эдинг?

Утакаси ёрилган боланинг тили аранг айланди:

— Билмай қолдим, дада! Арқони чириган экан, узиб кетибди.

Мироб ўғлининг юзига шапалоқ тортди:

— Билмай ўл, доводир!..

Юзига бехосдан тушган зарбнинг зўридан боланинг кўзларидан ўт чиқиб кетди. Бундай кезларда отасининг бир шапалоқ билан чекланиб қолмаслигини яхши билгани учун ҳам ўзини кўча эшигига урди. Отаси қувлагудай бўлса бирпасда етиб олишини биларди. Шу сабабли узоққа қочмай, йўлнинг нариги томонидаги қўшни ҳовлига кириб, оғилхонанинг беда босилган томига чиқиб олди.

Шундагина лаби қонаганини, иссиқ қон ияклари томон сизиб оқаётганини сезди. Илгарилари ҳам бундай воқеа бўлган, ҳар гал отасидан қотиб, то жаҳли тушгунча шу ерда беркиниб ётарди. Аммо бугунги гуноҳи олдинларига сира ўхшамайди. Шу говмиш бир кунларига яраб турувди. Онаси бечора айрон қайнатиб қурут эшарди. Икки бозорнинг бирида она-бола шаҳарга тушишарди. Қурутнинг пулига бир хуржун егулик олиб қайтишарди. Ола-була копток ҳам қурутнинг пулига олинган эди.

Шу топда боланинг бутун вужуди қулоққа айланиб пастга, нураб кетган пахса девор ортидаги ҳовлиларига тикилди.

Енгарини шимариб, пешонасини кўк қийиқ билан боғлаб олган отаси супа четига кўзига ёш олиб ўтирган онасига гоҳ бақириб, гоҳ зарда аралаш гапирарди:

— Шу касофатни туққунча балони туғсанг бўлмасмиди? Сен хотиннинг ақлинг паст. Биров сенга шаҳардан тўппак кўтариб келгин

деганмиди? Энди сут билан қатикни катта холангникидан олиб келасанми? Уйда тимирскиланиб юравермай сигирдан ўзинг хабар олсанг, ўлиб қолармидинг? Сен нон-кўрлар мени охир хароб қиладиган бўлдиларинг.

Елкасига хуржунини осиб олган қассоб унга далда бергандай бўлди:

— Бас, ука. Атрофда қўни-қўшилар бор. Эшитган қулоқ нима дейди. Ўғлингиз бор экан, шундай хатолик бўлибди. Шукр қилинг. Келган бало шунга урсин. Семиз мол экан. Гўшти маҳалладан ортмайди. Ана бозор. Бир айлини кўнглингизга ўтирган сигирни сотиб олавермайсизми. Мол топилади. Аммо, болани бекор урдингиз.

Қодир мироб ўзини оқлаган бўлди:

— Хафа бўлиб кетасиз-да, почча. Шу бир бош сигирни эплаб боқишолмас. Ахир одамларнинг бу тенги боласи бир пода молни боқиб юрибди. Беш-олти йил ишлаб орттирганим шу мол эди. Э... билмадим кимга тортди экан бу ландовур.

Отаси қассобнинг ҳурматини қилиб ортидан кўчага чиқди. Буни кўрган Ойбекнинг юраги алғов-далғов бўлиб кетди. Гўё отаси кўриб қоладигандай бўйинини пичан орасига тортди. Тиззаларини кучоқлаб, чўкиброқ ўтирди.

Шу алпозда кўрқиб ўтираверди. Шом кирди. Кўзи илинганини ўзи ҳам сезмай қолди...

\* \* \*

Телефон гўшагини навбатчи қиз кўтарди. Кимдир титроқ овозда тез-тез гапира кетди:

— Кампирнинг юраги чатоқ. Тез келмасаларинг бўлмайди.

— Қанақа кампир? Қаерда туради? Тушунтириброқ гапиринг.

— Хўжа маҳалладаги Шарофат дастурхончини айтяпман. Кампир ўляпти. Тез келмасаларинг, ўзларингдан кўринглар!

— Сиз кимсиз ўзи?

Гулнозанинг сўнгги саволи оғзида қолди. Нотаниш одам алоқани узиб қўйди. Қиз бир оз ажабланган ҳолда ўтирди. Сўнг навбатчи доктор ҳузурига кирди.

Шарофат кампирнинг дарвозасидан ичкарига кириб келган докторнинг кўзи пешайвонда сочлари тўзиб, чалқанча ётган кампирга тушди. Доктор шошиб кампирнинг чап билагини тутди. Кампирнинг қоқ суяк қўллари қотиб қолган, шолчани эса қон қоплаган эди...

\* \* \*

Паст бўйли, самиз, доимо бел оғриғидан нолиб юрадиган тергов бўлимининг бошлиғи Эгам Раҳимов ўрнидан турди. Дераза пардаларини эҳтиёткорлик билан бир четга суриб ташқарига тикилди.

Оппоқ паға-паға булутлар бир маромда сузиб юрибди. Пастдаги очиқ майдонда эса ёшгина мишшаб йигит искович итни югуртириш билан овора.

Ёши элликлардан ошган, эрта-индин истеъфога чиқиши керак бўлган бу кишининг хаёлини эшиқдан кириб келган узун бўй, билаларидан куч ёғилиб турган бақувват йигитнинг товуши бўлди:

— Чақиртирган экансиз, ўртоқ полковник?

Полковник Эгам Раҳимов унга ўгирилди. Жойига қайтиб ўтиришдан олдин дераза пар-

дасини яна беркитиб қўйишни унутмади. Юмшоқ, аммо устки чарми кўчиб кетган курсига чўкиброқ ўтираётиб, гап бошлади:

— ЧПдан хабаринг борми?

— Ҳозир эшитдим. Навбатчи айтди.

— Энди эшитдингми?

Игит бироз ўнғайсизланди. Шундай бўлса-да бошлиқнинг топшириғи билан банд эканини эслатиб ўтмоқчи бўлди:

— Кечирасиз, ўртоқ полковник. Мен Пировнинг 208-иши бўйича Марғилонга кетгандим. Тунда қайтдим. Айтганларингизни бажардим. Эрта-индин ишни судга оширсан ҳам бўлади.

Эгам Раҳимов қаршисида одоб сақлаб турган йигитга оғир гапирганидан хижолат бўлди. Ҳа, илгарилари билинмасди. Эртадан кечгача, баъзан тунлари ҳам бўлимда қолиб ишлайверарди. Лекин сира чарчамасди. Ёши қайтган сари соғлиғи ҳам, хотираси ҳам сусайиб борапти. Соғлиқни-ку бир амаллаб тикласан бўлар, аммо хотирани-чи? Уни тиклаб бўлармикан? Терговда хотирасиз ишлаш лангарчўписиз дорга чиқши деган гап-ку.

Полковник ён томондаги темир сандиқдан бир неча қоғозларни оларкан, ҳали ҳам эшик олдида тик турган Мухторга буюрди:

— Бу ёққа кел. Яқинроқ ўтир.

Эгам Раҳимович кўзойнагини тақиб, қўлидаги варақча тикилди. Сўнг мурданинг уч-тўрт қолда туширилган суратини қўлидаги қоғозларга қўшиб, унинг олдига ташлади.

— Ҳозирча бор «бисотимиз» шу. Яхшилаб танишиб чиқ.

Мухтор полковник берган «янги иш»ни олар экан, ботинолмай сўради:

— Кечирасиз, ўртоқ полковник. Пировнинг «иши» нима бўлади?

Бошлиқ мийғида кулди.

— Ҳаммасига улгурасан. Қийналсанг, мен ёрдам бераман. Пировнинг «иши»ни рўкач қилишинг уят. 208-моддани мен сира оғир «ишлар» сафига қўшмайман. Ахир жабрланувчи ҳам, жавобгар ҳам маълум. Ундан ташқари, Пиров ўз айбига тўла иқдор бўлиб турибди. Шундай экан буёғини ҳатто чала юрист ҳам эплаб кетади. Бироқ мана бу қотилликнинг турган-битгани жумбоқ. Хўжа маҳаллалик саксон яшар кампирни ўлдириб кетишган.

— Қотил ушланганими?— шошилиб сўради Мухтор.

— Бу энди сенинг ишинг. Ёлғиз яшаган. Биринчи эри урушдан олдин қулоқ сифатида Сибирга сургун қилинган-у қайтмаган. Иккинчи эри ҳам кўп яшамаган. Зилзилада том босиб ўлган. Иккинчи эридан битта қизи бор. Исми Нодира. Қўшни депарага турмушга чиққан. Хўжалик марказидаги боғчада ошпаз бўлиб ишлар экан. Нодиранинг эри қамоқда. Иккинчи бор ётиши. Иккиси ҳам ўғирлик учун. Бор гап шу.

Мухтор полковникнинг гапини диққат билан тингларкан, сўради:

— Тиббий-суд текшируви қандай хулосага келган?

— Хулоса бугун тайёр бўлиши керак эди, хабар ол.

Бошлиқ нимагадир жим қолди. Ҳали бундай оғир «иш»ни кўрмаган, аммо ҳар қандай топшириқни бажаришга шай турган ходимини оёғидан то бошигача кўз югуртириб чиқди. Унинг ўйчан, бургутникидек ўткир кўзларига тикилиб беғубор қалбидаги ҳисларни сезгандек бўлди. Шундагина, бу оғир воқеа-

ларни Мухторга ишониб топшираётганидан, энг муҳими шу тўхтамага келиб адашмаганидан кўнгли таскин толди.

— Қотиллик қишлоқда содир бўлгани бир томондан яхши. Яхшилиги, одамлари оқибатли. Сўрасанг, билган-кўрган нарсаларини яширишмайди. Емон томони шуки, ишни охиригача етказолмасанг, эл-улус олдида ёмон кўриниб қоласан. Чунки, қишлоқ — қишлоқ-да, болам. Ҳар бир қадамнинг юзлаб кўзлар кузатиб туради. Бунинг устига, вақт ўтяпти. Бор излар йўқолмасдан туриб аниқ йўлга чиқиб олишинг керак. Қийналсанг ёрдам сўра. Уйни биласан. Эртами-кечми бемалол эшикни тепиб боравер. Ярим тунгача оёқ оғриғидан азоб чекиб ухламай ётаман.

Мухтор чиқиб кетган Эгам Раҳимович яна ортига ўгирилди. Дераза олдига келиб ташқарига тикилди.

Пастдаги искович ит устига қалин пўстин кийган «қотил»ни икки оёғи билан кўкрагидан босиб ириллар, ёш миршаб эса «ўлжа»нинг қўлларини орқасига қайириб, чарм арқон билан боғлашга киришган эди...

\* \* \*

Шарофат кампирнинг дарвозаси очиб, аммо уйда ҳеч ким йўқ экан. Мухтор ҳовлини кузатган бўлди-да, бирор одамни бошлаб келиш мақсадида кўчага қайтди. Кўчада ҳам одам йўқ эди. Қўшнилardan бирини чақираман, деганда секин юриб келаётган машина унинг ёнида тўхтади.

Ёши элликларга яқинлашиб қолган ҳайдовчи шошилмасдан пастга тушди-да, Мухтор томон юрди. Унга етишга икки қадам қолганда узун қўлларини чўзиб саломлашди.

— Келинг, ука. Хизмат. Бировни қидириб юрибсизми?

— Шу ҳовлида ишим бор эди,— деди Мухтор.

— Сиз Шарофат холанинг кими бўласиз? Илгари ҳеч кўрмаган эдим сизни.

— Мен милицияданман. Терговчиман.

Қаршисидаги ёшгина йигитнинг бўйнидаги чиройли галстугига, қўлидаги тимсоҳ терисидан ишланган сумкасига диққат билан тикилди.

— Узингиз ким бўласиз? Шу қишлоқдан-мисиз?— сўради Мухтор ҳайрат билан тикилиб турган суҳбатдошидан.

— Менми... Ҳа, шу ерликман. Агрономман. Отим Туроб.

— Туроб ака, шошилмаётган бўлсангиз, менга қарашиб юборасизми?— деди Мухтор, сумкасини очиб.

— Қанақасига?— ажабланиб сўради Туроб.

— Агроном бўлсангиз, ҳаммани яхши танийсиз. Яна битта холис одам чақирайлик. Кампирнинг уйини кўриб чиқишимиз керак.

Терговчининг бу таклифидан сўнг агроном нима учундир довдираб қолди.

— Мен қатнашишим шартми, сал шоши-либроқ турувдим,— деди.

— Менга икита одам керак-да.

Туроб агроном зум ўтмай нарғи кўчадан икки йигитни бошлаб келди. Қийиқ дарвозанинг бир тавақасини кўтариб очар экан, Мухторга тайинлади:

— Хизмат бўлса бемалол, ука. Аммо мени ўша қоғозларингизга қўшмасангиз. Биласиз, кичик бўлса ҳам раҳбар одамман. Чақирганингизда боролмай қолишим мумкин. Кампирнинг ўлиб ёганини ўзим кўрмаганман.

Мана, икки одам сўраган эдингиз, топиб келдим. Айтганингизни қилишади. Энди менга рухсат, ука.

Туроб агроном ўзи бошлаб келган икки йигит билан Мухторни ҳовлига бошлаб кирди-да, ортга қайтди.

...Усти сомон сувоқ қилинган пешайвонли уйга олиб борувчи йўлакнинг икки томонига турли гуллар экилган. Пешайвоннинг офтоб тиғига чидамай ёрилиб, рангини йўқотган устунларига қалампир шодалари дид билан осиб қўйилган.

Соясى бутун ҳовлини эгаллаб турган ўрик дарахти остига эса қозон учун ерўчоқ қавланган.

Мухтор уйнинг ҳар бир бурчагини синчиклаб кўздан кечирди. Керакли нарсаларни ёзиб олди. Холисларга қўл қўйдириб кўчага чиққанида, Туроб сут ташийдиган машинанинг ҳайдовчиси билан гаплашиб турарди. У Мухторни кўриб олдинга юрди.

— Раҳматли жуда ориятли кампир эди,— тушунтирмоқчи бўлди у Мухторга.— Қўшнлар бир коса овқат киритса, олмас эди. Якка ўзи бир бошига қозон осарди. Озодалигини айтмайсизми. Чойхонада ким ошхўрлик қилса, қалампирни шу ердан олиб кетарди. Истаган хилдан топилади. Товба, шу кампирни ўлганига сира ишонгинг келмайди.

Мухтор пайдан фойдаланиб Туробдан гап олмоқчи бўлди:

— Кўшни қишлоқда қизлари бор экан. Жанозага келдимиз?

Туроб бош чайқади.

— Ҳали у бехабар. Маҳалла аҳли билдирмаслики лозим топди. Қизи бечора ярим жон. Ҳозир Тошкандаги катта касалхонада ётганмиш. Эрта-индин юрагини операция қилишармиш. Э... худонинг қаҳри намуноча қаттиқ бўлмаса. Ҳам онага, ҳам болага шунчалик жабр. Аммо маъракалари ёмон ўтмади. Хўжалик ҳамма харажатини бўйнига олди. Одам жуда кўп бўлди, ука. Ҳаммамиз бел боғлаб турдик. Бечоранинг халққа хизмати катта эди. Одам танламасди бечора. Келган дастурхонни боғланишига қараб қайси хотиники эканлигини айтиб берарди. Шу кампир бечорада кимнинг қасди бўлиши мумкин. Биров ўлдиргани ростми?

— Бу ҳали маълум эмас. Бехос йиқилиб жон берган бўлишлари ҳам мумкин.

Мухтор агроном билан хайрлашаётиб, унга тайинлади:

— Бирон янгилик бўлса, менга хабар беринг. Милицияга сим қоқсангиз бас, мени топиб беришади.

Туроб агроном икки қўлини кўксига қўйди.

— Бош устига, ука. Хизматдан қочмаймиз. Шукуржон сут олиб кетяпти. Сизни идорангизга ташлаб ўтади.

\* \* \*

Мухтор идорага қайтгач, тиббий-суд текширув хулосаси ҳам келди.

### «ТЕРГОВЧИГА»

Сизнинг сўроқномангизга биноан тиббий-суд биологик текширув хулосасини юборяман.

1. Шарофат Зокированынги ўлими тиббий текширув ўтказишдан камда тўрт соат олдин бошга қаттиқ жисм урилиши туфайли бош миянинг ҳаётга муҳим бўлимига қон қуйилиши натижасида содир бўлган. Шунинондек, кампир кейинги йиллар мобайнида атероскле-

роз билан касалланиб келган. Марҳуманинги қон группаси АБ-II.

Эксперт: Роҳат Мирзақулов.»

Хулоса билан танишгач, Мухтор ўйланиб қолди. Беозор кампирга ким қасд қилиши мумкин? Агрономнинг айтишига қараганда марҳуманинги жанозасига тумонат одам йиқилибди. Тўйу маъракасида дастурхонини тузайдиган аёлга қай бир инсон қўл кўтаради? Унинг устига, кампирнинг бойлиги бўлмаса. Эски, вайронадай уйда яшаган кампирда бойлик нима қилсин?

Хулосада айтилишича, кампирнинг юраги хаста бўлган. Балки, пешайвонга чиқаверишда қоқилиб, йиқилиб тушган бўлиши мумкин. Шу фикр унга отасини эслатади. Дорулфунуннинг сўнгги курсида ўқиётганида шошқич хабар келди: отаси отдан йиқилиб ўлибди. Тақдир экан, деб юришганида қишлоқда хунук гап тарқалди. Гўё отасини душманлари қасддан уриб ўлдиришганмиш. Еу дайди гап ўт устига мой сепгандек бўлди. Бир этак бола билан нима қиларини билмай қолган онаси Мухторни етаклаб милисахонага борди. Маҳалланинги ўрис дўхтири ўлимни юракдан деб билди. Ҳамиша уйларига келиб отасидан хабардор бўлиб турадиган бу ўрис дўхтирга ишонмаслиқнинг иложи йўқ эди. Отасининг бирдан-бир мададкори, ишонгани шу дўхтир эканини Мухтор биларди. Дўхтир ҳар икки гапининг орасида: «Сиз ётиб даволанишингиз керак. Юрак билан ҳазиллашиб бўлмайди», деб танбех берарди.

Ушанда Мухторни узун бўй, шопмўйлов, кўзлари кўм-кўк мишрабдан кўнгли қолганди. У онасини ҳам, ўзини ҳам милиция бошлиғи олдига киритмади.

— Нега лўилик қиласиз? Бу ер катта холангизнинг уйи эмас. Кўчадаги гапга қонун ишонмайди. Эрингизга суиқасд бўлмаган. Яна келсангиз қамаб қўяман.

Отасига суиқасд бўлмаганини Мухторнинг ўзи ҳам яхши биларди. Аммо ўша мишрабдан онаси кўнглига таскин берувчи бир оғиз ширин сўз кутганди.

Отасини-ку қариндош-уруғлари бор эди. Аммо, бечора Шарофат кампирнинг кими бор? На эри, на суянса оғирини энгил қиладиган ўғли бор. Елгиз қизи ҳам илжосиз. Ҳатто, онасидан айрилиб қолганини шу пайтгача эшитмаган. Уз тақдирининг нима билан туғашини билмай шифтга тикилиб ётгандир!?

Шу топа Мухторнинг юраги оғриқдан зирқираб кетди. Эсида бор, Эгам Раҳимов эндигина иш бошлаганида айтганди. Айрим терговчилар йўқловчиси йўқ ўликнинг «ишини чўзгандан-чўзиб, охир бекор қилишаркан. Яна бир тиббий текширувчилар эса куриқдан ўтказилаётган мурданинги қорнига хонасидаги ахлатними, ўлик туғилган чақалоқларними солиб тикиб ташлар экан.

— Э, Мухторжон, ҳалиям ўликлар индамайди. Бир оғиздан гапирсами?...— дерди Эгам Раҳимов шуларни эслар экан, ички бир дард билан.

Йўқ, Мухтор сира бу йўлдан юрмайди. У ишни қиладиган бошқа одамлар. Уларнинг сирти одамга ўхшайди. Аслида эса ваҳший ҳайвондан баттар. Бу аччиқ ҳақиқат унга таъсир қилгани сари, узоклардан, қуюқ туманлар орасидан Шарофат кампир кўзида ёш билан унга тикилиб тургандек туюларди.

Бироқ масаланинги бошқа бир томони борки, уни синчиклаб ўрганиши зарур. Шарофат кампирнинг бетоб ётганлиги, уни юрак хуру-

жи безовта қилаётгани ҳақида кимдир «тез ёрдам»га сим қоқиб, доктор чақирган. Хўш, ўша шахс ким бўлиши мумкин. Кампирнинг юрак оғриғи тўсатдан хуруж қилиб қолганини у қаердан била қолди? Е у шахс қўшнисими-кан? У ҳолда нима сабабдан навбатчи қизга ўзининг кимлигини айтғиси келмади?

Қизик, ахир қишлоқда марказ билан боғланиш учун телефон ҳам йўқ-ку. Е ўша шахс атайин марказга келиб сим қоқдимикан? Агар ўша шахс қотил бўлса нима учун доктор чақирди? Бу иш унга нима учун керак бўлиб қолди. Ахир ортиқча ҳар бир ҳаракати сирини фош қилиши мумкин эди-ку. Наҳот у шу оддий ҳақиқатга тушунмаса?

Йўқ, бу ерда қандайдир сир бор. Қотиллик содир бўлган жойни кўздан кечириш тафсилотномаси ҳам текис чиққан. Кампирнинг ўйини ҳеч ким титмаган. Ҳатто қулоғи сим билан боғланган сандиғи ҳам очилмаган. Унда бегона излар йўқ. Фақат дарвозадан чиқаришда қирқ иккинчи кирза этикнинг изи бор, холос. Қишлоқ одамларининг умри далада ўтади. Қирқ иккинчи этикни қишлоқнинг ярми кийса керак. Шундай экан, бу чигал жумбоқни ечишда биргина из наф берармикан? Хўш, уй титилмаган бўлса, жиноятчи у ердан нима олиши мумкин? Унга нима керак эди?

Балки кампирда қандайдир яширин сир бўлгандир? Биринчи эри вақтида балки бой бўлгандир? Бу ҳақда Нодира билан суҳбатлашиб кўриш керак. Ягона суянчиги бўлган қизидан қайси она сирини яширади. Аммо докторлар у билан учрашишга рухсат беришармикан? Энг қўрқинчлиси, онасининг ўлимини қай тил билан айтади. Қизи чидармикан?

Яхшиямки телефоннинг устма-уст жиринглаши уни хаёллар уммонидан олиб чиқди. Телефон гўшагидан доимо латифа айтиб, кулдираб юрадиган навбатчи миршабнинг товуши эшитилди.

— Ия, ҳали ҳам шу ердамисиз? Соат бир бўляпти-ку. Е терговчиларнинг уйдан илон чиққанми? Кўп ҳам қайғураверманг, ука. Сиз учун худонинг эртанги куни ҳам бор. Илтимос, чироқни ўчириб кетишни унутманг...

\* \* \*

Эрталаб Мухторни Эгам Раҳимов йўқлаб, одатига кўра буюрган ишларининг қандай бажарилаётгани билан қизикди.

— Уртоқ полковник, мени бир савол қийнапти. Менинча, қотил кампирнинг уйдан қуруқ қайтмаган. Нимадир олган.

— Масалан?

— Бунисини ўзим ҳам билмайман. Аммо калаванинг учи ўша нарсада бўлиши керак. Кампир биринчи эри билан ёмон яшамагандир? Ундан нимадир қолгандир?

— Нимага шаъма қиялсан, болам?— савол билан унинг гапини бўлди бошлиқ.— Ўша кезларда қанча одам сургун қилинганини биласанми? Уларнинг кўпи ўртаҳол бўлган. Бойларнинг молларини ўша қунарийёқ мусо-дара қилишган. Тўғри, сенинг фикрингда жон бор. Нимадир қолган бўлиши ҳам мумкин. Лекин аввал ўша «нимадир» топиш керак. Ҳеч бўлмаганда бирон нарсага асосланиш керак. Тахмин билан иш битмайди-да.

— Мен шу ҳақда Нодира билан гаплашмоқчи эдим. Балки у биз учун бирон-бир янглик айтар. Хўп десангиз, бугун Тошкентга бориб келардим.

Эгам Раҳимов ён чўнтагидан кўзойнагини олиб тақди.

— Овора бўлма. Нодира ҳозир кампирнинг уйда. Бугун тонгда олиб келишган.

Мухтор бу янгликдан ҳайратда тушди.

— Нега операцияси-чи?

— Операция қолдирилибди. Кимдир кампирнинг ўлимини унга билдирибди. Одамлар оёқлари қолиб, оғизлари билан юрадиган бўлиб қолишган. Шум хабардан ҳам суюнчи сўрайверишади. Сен Хўжамаҳаллага боравер.

Мухтор керакли қоғозларни сумкасига солиб, Хўжамаҳаллага шошилди.

Пешайвонда, офтоб нури етиб келмаган ерда Нодира шифтга тикилиб ётарди. Ҳовлида эса беш-олти аёл қандайдир юмушларни бажариб юришибди. Оёғига маҳси-ковуш кийган жувон Мухторнинг мўддаосини билгач, ичкарига бошлади.

Мухтор бетон зиналарни бир-бир босиб пешайвонга чиқди. Нодиранинг бош томонида ўтирган ўрта ёшли аёл ҳурмат юзасидан ўрнидан туриб қарши олди. Ҳатто, ичкаридан янгироқ кўрпача олиб чиқиб, нотаниш меҳмонни иззат қилишни ҳам унутмади. Фотиҳадан сўнг, Мухтор Нодирадан кўнгил сўраган бўлди.

Юзлари оқариб, бир жуфт қора кўзи ичичига ботиб кетган аёл дастлаб қуруқшаб бораётган лабини тили билан аста намлади. Сўнг қандайдир ҳадик, қандайдир дард билан «Оллоҳнинг иродаси» деб кўйди.

Нодиранинг сийрак киприклари орасидан ёш сизиб чиқди. Унинг ориқ қўлларида титроқ турди, сўнг заъфарон юзи учди. Мухтор аёлнинг дардини янгилашга янгиллаб кўйиб, унга бирон ёрдам беролмаслигидан ачинди. Унга яхши гап айтгиси, кўнглини кўтаргиси келди. Терговга, савол-жавобга ўрганиб қолган тилига бундай калима кела қолмади. Чой дамлаб келган аёл унинг жонига ора кирди.

— Тепада худо бор, Нодира. Ҳаммасини кўриб турибди. У жаллодга ҳам атагани бордир. Мелиса бугун ушламаса эртага ушлайди. Шу учун ойлик олиб, бола-чақасини боқаётгандан кейин топади-да, жаллодни. Сиз кўп ёш тўкканингиздан нима фойда. Ўзингизга эиён. Қолаверса, Шарофат энам ёшларини яшагандилар. Қани биз ҳам у кишидек саксондан ошсак. Қирққа етмай буйракни бири ишламай ётибди. Куйнаверманг. У киши жаннати бўлдилар, жаннати.

Мухтор тиззасига кўйиб ўтирган сумкасини дастурхоннинг бир четига кўйиб гап бошлади:

— Опам тўғри айтдилар. Сиз кўп куйнаверманг. Онангизнинг қотилини топадиганлар аллақачоноқ иш бошлашган. Мен милицияда терговчиман. Сиздан айрим нарсаларни сўраб оlishим керак эди. Қийнаб қўймасмиканми?

Аёл зарурат бўлмаса-да, нон олиб келишни баҳона қилиб ўрнидан турди. Шундагина Нодира сўрайверинг, дегандек нурсиз кўзларини Мухторга қадади.

— Опа, онангизнинг ҳеч кимдан қарзлари йўқмиди? Бирон зарурат юзасидан кимдандир қарз олган бўлишлари мумкинми?

Нодира хаста овозда жавоб қайтарди:

— Йўқ. Шу пайтгача ҳеч кимдан қарз олмаганлар. Худого шукр, устлари бут, қоринлари тўқ эди. Нафақа пулларидан орттириб менга элтиб берардилар.

— Тушунарли. У кишидан бошқа одамлар қарз олиб юрган бўлишлари мумкинми?

— Унисидан хабарим йўқ.

Мухтор қўлидаги оппоқ қоғозга алланималарни ёзиб оларкан, аёлга босиқлик билан тушунтирмоқчи бўлди.

— Опа, назаримизда онангизнинг ўлимида қандайдир сир бор. Беозор кампирнинг ўлими кимга керак бўлиб қолди экан? Биронтадан гумонингиз йўқми?

Нодира киртайгани кўзларини юмиб олди. Дастлаб бурни учида, сўнг эти суягига ёпишиб кетган яноқларида майда тер кўринди. Бундан ташвишланган Мухтор ўчоқ бошида шакароб қилаётган аёлни қақирди.

— Опажон, ичадиган дориларини беринг. Ичиб олсинлар. Юракларига далда бўлади. Аёл шошилиб келиб Нодиранинг бошини кўтарди. Бахмал камзулининг чўнтагидан тоза рўмолча олиб, юзидаги терни артди. Сўнг дастурхон четида турган дорилардан иккисини олиб ичирди.

Нодира анча пайтгача жим ётди. Буни кўрган аёл Мухторга юзланди.

— Ухлади шекилли. Жуда нозик бўлиб қолган. Тез чарчайди. Дўхтирлар жавоб бермаймиз, дейишганди.

Нодиранинг ҳолатини ҳисобга олиб, Мухтор кетмоқчи бўлди.

— Мени кециринглар, опа. Хизмат юзасидан келувдим. Чарчатиб кўйдим шекилли. Энди тинчларини бузмайлик. Вақт топиб касалхонага борарман. Уша ерда гаплашганимиз маъқул.

Мухтор сумкасини олиб ўрнадан турганда Нодира кўзларини очди. Паст, қандайдир титроқ товушда гапирди:

— Тўхтанг, ука, кетманг. Сизга айтадиганимни ҳозир айтиб қолай. Балки кейин сира айтолмасман. Унда сир-сирлигича қолади.

Нодира бир оз жим ётди. Гўё шу муддат ичида гапириш учун вужудида қандайдир куч тўплагандек бўлди. Сўнг нурсиз кўзларини Мухторга қадади:

— Мен сизга оиламиз сирини айтмоқчиман. Айтмаслиқнинг сира иложи йўқ.

— Менга бемалол ишонингиз мумкин, опа,— деб унга далда берди Мухтор. — Фақат ўзингизни қийнаб қўйманг. Чарчасангиз дам олинг.

Нодира чап қўлидаги сарғайиб кетган узугини ечиб, гап бошлади:

— Мен сизга бир ҳақиқатни айтаман, ука. Яхшилаб эшитиб олинг. Онамларда ҳеч қачон кўп пул бўлмаган. Аммо онам раҳматлида пулга ҳам топилаётган мана шу узугимга ўхшаган бир буюм бор эди.

— Қанақа буюм?— шошилиб сўради Мухтор.

— Олтин тақинчоқ. Хонлар замонида бойларнинг хотинлари тилла зебигардон тақиб юришаркан.

— Онангизда тилла тақинчоқ бормиди?

— Ҳа. Соф олтиндан ишланган зебигардонлари бор эди. Аммо у онамнинг ҳалол бисотлари эди. Уғирлик эмас, мерос эди.

— Кимдан?

— Биринчи эрларидан. У кишининг оталари Худоёрхон саройида хизмат қилган эканлар. Қайсиدير юртдан зебигардонни ўлжа қилиб олиб келишган экан. Аммо онамда бу тақинчоқнинг борлигини ҳеч ким билмасди. Ҳатто раҳматли отамга — иккинчи эрларига ҳам бу ҳақда айтмаган эканлар.

— Нега? Унда бу буюмни шу пайтгача қандай асраганлар?

— Унисини билмайман.

Мухтор Нодиранинг оғзидан чиққан ҳар бир

гапни сўзма-сўз ёзиб ола бошлади.

— Сиз онангизда бундай қимматбаҳо тақинчоқ борлигини қачон билдингиз? Онангизнинг ўзлари айтдиларми ё тасодифан кўриб қолдингизми?

Нодира яна сукутга берилди. Хира тортиб бораётган хотираларини бир ерга йиғмоқчи бўлди.

— Бундан уч йил олдин... Ҳайит арафасида тўсатдан мазам қолди. Юрагимда қаттиқ оғриқ туриб, ётиб қолдим. Онам мени уришдилар. Эрингга айт, шаҳардаги катта дўхтирларга қаратсин, дедилар. Мен унамадим. Чунки... эримга гапиришимнинг фойдаси йўқ. Поччангиз... сал шалоқ одатлари бор. Онамга қийин бўлмасин, деб билдирмасдим. Ҳамма хўрликларига чидардим. У ергина ютгур уйга бегона аёлларни ҳам бошлаб келаварарди. Мен гапиролмасдим, кўрқардим. Ушанда мен катта дўхтирларга кўриниш учун кўп пул кераклигини тушунтирмоқчи бўлдим.

— Онангиз нима дедилар?

— Кулоқ солмадилар. Тузалиб кетишим учун қанча пул кетишини сўрадилар. Мен тахминан айтдим. Шунда у киши уйдан ташқарига бир зумга чиқдилар-да, қўлларидан кичик тугун билан дарров қайтиб кирдилар. Тугунни авайлаб очдилар. Қат-қат ўралган латталар ичидан бениҳоя чиройли зебигардон чикди. Кўриб севиниб кетдим. Чунки тақинчоқ жуда чиройли эди. Менга пул зарур бўлса, шу буюмни сотиб беришларини айтдилар. Дастлаб мен кўнмадим.

— Нега?

— Негалигини ўзим ҳам билмайман. Чамамда чиройлилиги учун кўзим қиймади. Шу ёшга етиб қадимги усталар ишлаган тақинчоқни кўрмаган эдим. Мен унинг чиройлилигига ишқибоз бўлиб қолдим. Аммо соф тилладан ишланганлигини, бозорда жуда катта пул туришини билмасдим.

— Ҳўш, кейин зебигардонни нима қилдиларинг? Сотдиларингми?

— Йўқ.

— Нега? Унда пул масаласи нима бўлди?

— Дастлаб ўзимиздаги касалхонага ётдим. Анча яхши бўлиб қолдим. Қувонганимни кўрсангиз эди. Дарддан қутулганимга бир суянасам, онамнинг мероси ўз ёнида қолганидан бир суянаман. Аёл кишини биласиз. Дуру зебга ишқибоз бўлади. Уларга бу касал йўрғакда теккан. Энди билсам, ўша пайтларда олтинга ўз соғлигимдан устун қўйган эканман. Хонлар пайтида эгасига вафо қилмаган олтин менга ҳам вафо қилмаслигини тушунмаган эканман.

— Айтинг-чи, зебигардон ҳақида яна кимлар биларди? Балки яқин дугонангизга ё бўлмаса биронта қариндошларингизга айтган бўлсангиз керак. Ахир бундай қадимги тақинчоқ ҳаммада ҳам бўлавермайди-ку?

Энди Нодира узоқ жим қолди. Урик шохларида кукулаб юрган мусичага тикилди.

— Айтганман. Лекин бегонага эмас. Дастлаб бу ҳақда ҳеч кимга айтмоқчи эмасдим. Шайтон йўлдан урди. Оғзимдан қандай чиқиб кетганини ўзим ҳам билмай қолдим.

— Кимга айтдингиз?

— Эримга.

— Қачон?

— Онамда зебигардон борлигини билган кунимнинг эртасига.

— Ҳўжайингиз нима деди? Унга нима мақсадда айтганингиз?

— Айтганимни ўзим ҳам билмай қолдим.



Уша куни уйга анча кеч қайтдим. Эрим дарвоза олдида йўлимни пойлаб ўтирган экан. Онамникида бир кеча ётганим учун роса уришди. Мен унга пул учун ушланиб қолганимни айтдим. Аслида, ўшанда пулга бормовдим. Унинг зулмидан қўйиб, иккинчи қайтиб келмайман, деб кетгандим. Бироқ онамга бу ҳақда айтолмадим. Барибир рози бўлмасдилар. Хўжайиним ичиб олган экан. Келтирган пулингни кўрсат, деб туриб олди. Шунда шошилганимдан зебигардон оғзимдан чиқиб кетди.

— Хўш, кейин-чи? Тақинчоқни эшитган эрингиз нима деди?

— У ўз ишига жуда пишиқ одам. Илоннинг ёғини ялаган. Уша заҳотиёқ менга бўлган муносабати ўзгарди. Меҳрибонлигини айтмайсизми. Ҳатто куз ойларида денгиз бўйларига олиб боришга ваъда берди. Узимку тушунмайман, ўша томонларнинг суви юракка давомиш.

— Денгиз бўйларига олиб бордимиз?

— Йўқ. Икки кундан кейин Тршкентга тушиб чиқди. Катта бир дўхтир билан гаплашиб келибди. Эртагаёқ мени ўша дўхтирга олиб боришини, бунинг учун зебигардонни онамдан олиб келишини буюрди. Ҳатто, онамникига бориб келишим учун мошин ҳам гаплашиб қўйибди. Кўнглим бир нимани сезиб мен кўнмадим. Аввалига алдади. Сўнг дўқ урди.

— Эрингизга ишонмадингизми?

— Топдингиз. Ишонмасдим. У барибир эртами-кечми мени ташлаб кетарди. Унга менинг соғлигим эмас, ўша олтин буюм керак эди. Мен кўнмаганимдан кейин онамнинг олдига ўзи борди. Лекин қуруқ қайтиб, бор аламини мендан олди.

— Ойингиз тақинчоқни бермаптиларми?

— Бермаганлари аниқ. «Хотининг сени алдаган, ундай нарса менда нима қилади?», дебдилар.

— Тушунарли. Бу воқеадан сўнг эрингизни онангизга нисбатан муносабати ўзгармадимиз?

— Ичидан зил кетиб юрса-да, сиртига чиқармади. Онамдан тез-тез хабар олиб турадиган бўлди. Мени ҳам беҳудага урадиган одатини ташлади. Орадан кўп ўтмай, хўжалик фермасидан уч бош отни ўғирлаб сотаётганда Уратепада қўлга тушди.

— Демак, эрингиз зебигардонни онангиздан ололмаган. Шундайми?

— Бунга шубҳам йўқ. Бироқ қамоқхонадан кўп хат келди. Ҳар хатида зебигардонни қўлдан чиқарманглар, деб уқтирарди.

— Кечирасиз. У кишидан фарзандингиз борми?

— Бир ўғлим бор. Ун уч яшар. Махсус интернатда ўқийди. Ақли ожизроқ туғилган. Биринчиси ҳам, охиргиси ҳам шу.

Мухтор оз бўлса-да, аёлга дам бергиси келди. Тепадан қўешнинг нури юзига ураётганлиги учун томоғи қақраганини сездди. Дастурхон четида турган чойнақдан пиёлага чой қўйиб ичди. Бўшаган пиёлани жойига қайтариб қўяр экан, яна савол берди:

— Онангизни охирги марта қачон кўрган эдингиз?

— Улимларидан роппа-роса бир ҳафта олдин.

— Қаерда?

— Касалхонада. Қовоқ сомса ёпиб борган эканлар.

— Ушанда забигардон ҳақида сўрамадингизми?

— Сўрадим. Тақинчоқни уйда турганлигини, ишонарли одам топиб, сотиб юбормоқчи эканликларини айтдилар.

— Масалан, кимга? Ишончли одам ким бўлиши мумкин?

— Буни ўзлари ҳам билмасдилар. Ҳарҳолда бегоналардан эмас.

— Қўлимда уйни дастлабки кўздан кечирув тафсилотномаси бор. Унда зебигардон тилга олинмаган. Тақинчоқ ҳозир қаерда бўлиши мумкин?

Нодира шу саволни кутиб турган экан шеклилли, жавобни ҳаяллатмади:

— Зебигардон ўралган латта ўрик айрисиди осийғлиқ турибди. Биров пайқамабди ҳам.

— Онангиз балки тақинчоқни кимгадир сотиб юборишга улгурганлар?

— Йўқ. Сотмаганлар.

— Сиз анчадан бери касалхонада ётибсиз. Балки беҳабар қолгандирсиз?

— Йўқ, сотмаганлар,— деб таъкидлади Нодира. Биз онам билан келишган эдик. Харидор топилиши билан олдимга келмоқчи эдилар.

Кўнглим сезиб турибди. Ергина ютгур қотил зебигардонни олиб кетган.

Нодира кўзларини юмди. Шу тобда у охириги васиятини айтмай қолган онасини, эртаниндин қилиниши лозим бўлган операцияни ё шу пайтгача не-не авлодларни доғда қолдириб келаётган зебигардонни ўйладими? Унинг хаёллари Мухтор учун қоронғу эди.

Мухтор ҳам руҳ азоби, ҳам тан азоби исқанжасида қийналаётган аёлнинг хаёлларини бузгиси келмай ўрнидан турди. Уларнинг чойдан хабар олиб турган аёл уни кўча дарвозасига кузатиб қўйди.

Қоронғу тун чекиниб, ойдин уфқ кўрингандай бўлди. Кампирнинг жонига кимдир қасд қилгани аниқ. Қизининг айтишига қараганда, онаси тақинчоқни бегона одамга сотишни хоҳламаган. Ҳар томонни ҳисобга олган. Етти ёт бегона харидорнинг яхшилигига, кампирни алдамаслигига ким кафолат бера оларди? Ҳозир ўзларини милиционер, электр устаси қилиб кўрсатиб, одамларнинг бор будини шилиб кетаётган фирибгарлар қанча. Шундай бўлгач, не-не бойвуччаларнинг кўксини безаб келган соф олтинни бегона одамга кўрсатиб бўларканми? Харидор қишлоқдан чиқса беҳавотир. Қизиқ, Шарофат кампир қишлоқдан буюмига харидор қилиб кимни топган экан? Соф олтиндан ишланган зебигардоннинг нархи бозорда фалон пул. Шунча йиллардан бери тишининг қавагида асраб, бегонага даммини ҳам чиқармай сақлаб келган кампир буни яхши билган. Бу атрофда зебигардонни унча-мунча одам сотиб ололмаслигини, деҳқон одам қора қозонидан орттириб бунча пул йиғолмаслигини ҳам яхши билган бўлиши керак. Кампир ҳар томонни тарозига солиб ўзича ўлчаган. Бироқ унинг охири қандай қарорга келгани, ким билан алоқа қилгани, тақинчоғини қандай қўлдан бой бергани қоронғу. Агар харидор қишлоқдан бўлса, фишт қолипдан силлиқроқ кўчар. Мабодо кампир харидорни бегона жойдан топган бўлсачи? Унда иш янада чигаллашиб қолади. Мухторнинг назарида кампир нотаниш одам билан савдо қилмаган бўлиши керак. Мухтор бу тахминни ҳақиқатга яқин деб ишонар эди.

Мухтор идорасига етиб келгач, шошилмай хонасига чиқди. Ўриндиғига ўтириб бироз нафасини ростлади. Сўнг ёзув машинчасига тоза қоғоз қўйиб ёза бошлади. Уни Шарофат

кампирининг омонат кассада жамғармаси бор ё йўқлиги қизиқтирарди. Чунки, ҳаёт деганлари шунақа. Доим улгуришинг керак. Сал кечиксанг, оғзингни очиб қолаверасан. Нодиранинг аҳволи оғир. Эрта-индин умрида бирон марта Шарофат кампирининг ҳолидан хабар олмаган, ҳатто эшиги қаердалигини билмаган меросхўр қариндоши чиқиб қолиши мумкин.

#### «Депара омонат кассаси бошлиғига»

Ички ишлар бўлимининг тергов бўлини Сизга шуни маълум қиладики, Хўжа қишлоғидаги 5-ўйда истиқомат қилган Шарофат Зокированинг ўлими юзасидан айтилган пайтда 115-жиноий иш кўзга тутилган. Сиздан марҳуманинг жамғармасида қанча пули борлиги ҳақда ёзма маълумотнома беришингизни, жамғармаси бўлган ҳолда ушбу иш ниҳоясига етганига қадар ўзга шахсларга бермаслигингизни сўрайди.

Терговчи, милиция лейтенанти Мухтор Мўминов».

Мухтор хатни жўнатгач, катта анҳор соҳилида жойлашган «Тез ёрдам» станцияси томон юрди. Атрофи тахта девор билан тўсилган ҳовлида паст бўйли, сочларига оқ оралаган, ўрта ёшли киши қизил «Запорожец»нинг эшигига суюяиб ёшгина йигитга ниманидир тушунтирар эди.

— Бизда айб йўқ, ука, сиз бекорга хафа бўляпсиз. Бир кунга битта машинага борйўғи йигирма литр бензин беришади. Шунча ёқилғи билан иш қилиб бўладими. Етмайди, ука, етмайди.

Дўхтирнинг бу гапидан ҳалиги йигитнинг баттар жаҳли қиқди.

— Нега етмайди? Йигирма литр бензин билан мен икки марта Тошкентга бориб келаман. Сизларга баҳона бўлса бас.

— Сиз ўзингизнинг қарчингизни бизнинг қаричга солиштирманг, ука. Ахир бу «Раф»лар эски, бензинни кўп ейди. Алҳажар қишлоғига бориб келиш олтимш километрдан ошади. Энди шундай узок ерлардан бўладиган қақирувларнинг бир кунлик ҳисобини олиб кўрингчи? Бошингизни қайси деворга уришни билмай қоласиз.

Йигит машинасининг эшигини қарсиллатиб ёпди.

— Уёғи менинг ишим эмас. Мен сизга бензоклонканинг бошлиғи эмасман. Яна қанча кутишим керак? Агар хотинимга бир нима бўлса, билиб қўйинг...

Шу пайт уларнинг қаршисидаги эшик очилиб, ичкаридан аёл кишининг товуши эшитилди.

— Дўхтир 35-касалхонадан қайтаётган экан. Рация орқали тайнладим. Бу кишининг уйларига ўтадиган бўлди.

Анчадан бери қайсар йигитга гап уқтиролмаётган одамнинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Шошиб йигитга аёлниң гапини қайтарди:

— Машина уйингизга кетибди. Тез етиб боринг.

Йигит индамасдан, қандайдир норози қиёфада машинасига ўтириб моторни ўт олдирди.

Бундай кўнгилсиз воқеаларни бошидан кечиравериб ўрганиб қолган дўхтир орқасига ўгирилди-да, навбатчи аёл ўтирган хонага қараб юрди. Бироқ ўзи томон юриб келаётган бегона йигитга кўзи тушгач, остонада тўхтади. У Мухторни навбатдаги қақирувчилардан деб

ўйлади шекилли эшик тутқичидан қўлини олмай сўради:

— Сизники қаерда, ука? Касални нима бевозта қиляпти? Еш болами ё катта одамми?

Дўхтирнинг бу гапидан Мухтор кулди. Чарм сумкасини чап қўлига олиб салом берди.

— Касал ўз оёғи билан келяпти, дўхтир ака. Сизларнинг назарларингизда мен ёш боламанми ё катта одам?

Мухторнинг бу ҳазилидан дўхтир жилмайди. Мухтор ўзини таништиргач, максадга ўди:

— Менга Эшбой Уринов кераклар.

— Эшбойни бироз кутасиз. Қақирувга кетган.

Дўхтир очган эшигини қайтадан ёпди. Сўнг бўёқлари тарс-тарс ёрилиб, кўчиб тушган эшик томон юрди.

— Эшбой келгунча менинг хонамга кириб ўтиринг. Бу хона навбатчиларники. Телефон жиринглаб, рация чийиллаб безор қилиб юборади.

Улар орқама-орқа ичкарига киришди. Дўхтир устига оппоқ сурп тўшалган курсини меҳмон томонга суриб, бўйнидаги фонендоскопни олиб, стол устига қўйди.

— Мен бу бўлимининг бошлиғиман. Исми Сайд. Сир бўлмади нима юмуш билан келдингиз? Тинчликми ўзи?

— Тинчлик. Сиз хўжақишлоқлик Шарофат кампирининг ўлимини эшитгандирсиз? Мен шу иш билан шуғулланяпман. Навбатчилик қилган қиз билан гаплашим керак.

— Исми нима экан, билмайсизми?

— Билмайман. Сизларда телефон орқали бўладиган қақирувларни ким ёзиб олади? Менга ўша вазифани бажарувчи қиз керак.

— Ҳойнаҳой, сиз Гулнозани сўраяпсиз?

— У шу ердами?

— Шу ерда. Ҳозир қақириб юбораман.

Зум ўтмай хонага узун бўй, сочлари калта, тилла тишлари ўзига ярашиб турган қиз кириб келди. У остонада тўхтаб Мухторга юзланди.

— Мени сиз қақирувдингизми? — уялиб сўради у.

— Ҳа. Сиз 20-мартга ўтар кечаси қаерда эдингиз?

Қиз билмади, дегандай елкаларини қисди.

— Аниқ эсимда йўқ. Хонамизда қайднома бор. Ушандан билса бўлади. Олиб келайми?

— Иложи бўлса ўша кунги телефон орқали бўлган қақирувлар ёзилган қайдномани ҳам олиб келинг.

Гулноза қайтиб келгунча Мухтор милиция идорасига сим қоқиб, ўзининг «тез ёрдам»да эканлигини айтиб қўйишга ҳам улгурди.

Гулноза олиб келган қайдномаларини Мухторнинг қўлига тутди. Мухтор қайдномани шошилмай варақлай бошлади. Ҳар бир қақирув чиройли ёзувлар билан қайд қилинган эди. Бўлган қақирувнинг аниқ вақти, хабар берувчи кишининг исми, беморни қандай касаллик бевозта қилишидан тортиб, «тез ёрдам» машинаси қачон кетиб, қачон қайтганигача бор эди.

Унинг нигоҳи қизил қалам билан ёзилган «20» рақами устига келган, тўхтади. Қайдномадаги рақамларнинг гувоҳлик беришича, 20 мартдан 21 март кунини эрталабгача қирқ икки марта қақирув бўлган. Шундан энг сўнггиси Хўжақишлоққа, Шарофат кампирининг тонгги соат олтидан қирқ беш минут ўтганда бўлиб, у ерга дўхтир Эшбой Уринов борган.

Гулноза қайдномага қўшимча равишда эътиборга молик жиддий янгилик қўшмади. Фақат хабар берган одамнинг ўз исмини

айтмаганидан ажабланганини айтиди.

— Уша одамнинг овозини ҳозир таний ола-  
сизми?— деб сўради Мухтор.

— Танисам керак.

— Овози йўғонми, ингичками? Балки бирон  
ҳарфни нотўғри талаффуз қилгандир? Балки  
«р»ни «л», «с»ни «ш» дегандир.

Гулноза ўйланиб туриб, деди:

— Унисига аҳамият бермадим, Сал тез га-  
пириб, сал дудуқланганга ўхшади.

— Буни атай қилиши ҳам мумкин,— деди  
Мухтор.

— «Р»ни ҳам атай, «л» дейиши ҳам мум-  
кин,— деди Гулноза худди танбеҳ бергандай.

Мухтор унга қараб жилмайди.

— Тўғри айтасиз. Ҳаммаси бўлиши мумкин.

Гулноза чиқиб кетгач, Саид дўхтир кўк чой  
дамлаб кирди. Чойнакдаги чой яримлаганда  
Эшбой Уринов ҳам келди.

Паст бўйли, қорачадан келган, бурнининг  
учи қизариб кетган эллик беш ёшлардаги  
киши Мухторнинг рўпарасидаги курсига ўти-  
риб, унга савол назари билан қаради:

— Нима мақсадда келганимни сезган бўл-  
сангиз керак? Айтишларига қараганда, Шаро-  
фат Ботированинг уйига сиз борган экансиз.  
Шу масала бўйича айрим чигалликларга аниқ-  
лик киритсак, қарши эмасмисиз.

Дўхтир бу таклифга кўндди. Шундай бўл-  
са-да Мухторни огоҳлантириб қўймоқчи бўл-  
ди.

— Мен розиман, ука. Лекин ўша кун  
пешиндан сўнг бир полковник ҳам гаплашган  
эди. Биланларимни унга ҳам айтгандим.

— У киши бизнинг бошлигимиз бўладилар.  
Келинг, яна бир бор ўша кунга қайтайлик.  
Сабаби, ҳар бир суҳбатда янги гап туғилиши  
мумкин. Бу эса тергов учун муҳим.

—Бошлайверайми унда?— Мухторга ти-  
килди дўхтир.

— Бемалол. Фақат шўшилманг.

Дўхтир ўтирган курсини яқинроқ суриб гап  
бошлади.

— Гулнозадан хабарни эшитгач, Хўжа-  
қишлоққа жўнадим. Автобус бекатида бир  
аёлдан кампирнинг уйини сўрадик. Дарвоза-  
ни ўша аёл кўрсатиб юборди. Машинадан  
тушиб дарвозани тақиллатдим. Ичкаридан  
товуш бўлмади. Қўлимга дори-дармонлар  
солинган сумкани олиб, дарвозадан ичкарига  
кирдим. Бир-икки қадам юргач, тўхтаб яна ча-  
қирдим. Ҳовли жимжит эди. Шундан сўнг  
йўлакчадан уй томон юрдим. Пешайвон яқи-  
нида оёқ остида қандайдир қийиқ ётган экан.  
Симдан шайол учиргандир, деб ердан олиб,  
ўрикнинг айро шохига ташлаб қўйдим. Буни  
катталарингга айтиш ёдимдан кўтарилибди.  
— Демак, сизга ҳеч ким овоз бермади.  
Шундайми?

— Ҳа. Мен бемор уйда ётган бўлса керак,  
деб ўйладим. Аста зинадан пешайвонга кў-  
тарилдим. Беихтиёр пешайвонда, кўрпача  
устига чалқанча ётган кампирга кўзим тушди.  
Тиз чўкиб билагини ушладим. Қон томир-  
лари урмасди. Кампирнинг кўзи очик қолган  
экан. Юмиб қўйдим. Шундагина бош томони-  
даги шолча қонга беланганини сезиб қол-  
дим. Қонни кўргач, отилиб ташқарига чиқ-  
дим. Шоферимизга кўрган нарсаларимни айт-  
дим. Аммо у ичкарига кирмади. Қўрқди.  
Ҳали ёш бола-да. Утган йил хизматдан кел-  
ган. Умрида сира ўлик кўрмаган. Дарҳол  
рациyani ишга солиб, воқеадан Гулнозани ха-  
бардор қилдим. Милицияга хабар беришини  
тайинладим. Орадан кўп ўтмай сизларнинг

йигитларингиз етиб келишди. Мен у ерда  
узоқ қолмадим. Мурдани расмга олиб бўлиш-  
гач, машинага ортишди. Тиббий текширув  
бўлимига келтириб ташладим.

— Сиз борганингизда дарвоза ичкаридан  
қулфланмаганди?

— Йўқ. Дарвоза қия очик экан.

— Ҳовлида қийиқдан бошқа ҳеч нарса  
кўрмадингизми?

— Кўзим тушмади.

— Ҳовли атрофида ҳеч кимни кўрмадин-  
гизми?

— Назаримда, ҳеч ким йўқ эди. Бўлганда  
кўрардим.

Мухтор яна ўзини қизиқтирган айрим са-  
волларга жавоб олгач, Эшбой Уриновга руҳ-  
сат берди.

\* \* \*

Мухтор Эгам Раҳимовнинг ишда эканини  
ҳовлидаёқ сездди. Иккинчи қаватдаги дастлаб-  
ки деразининг пардалари бир томонга суриб  
қўйилганди. Эгам Раҳимовнинг одами шу-  
нақа. Кун тиккага келганда хонасини шамол-  
латиб олади. Бу унинг сира сиздан чиқмай-  
диган, доимо сўзсиз амал қиладиган одат-  
ларидан эди.

Бошлиқ Мухтор кирганини сезиб қоғоздан  
бошини кўтариб, кўзойнагини олди. Сўнг ун-  
дан қилаётган ишлари ҳақида сўради. Жа-  
вобдан қонмади шекилли, ручкаси билан  
столни бир-икки уриб танбеҳ берган бўлди:

— Жуда суст ишляяпсан, болам. Ақлли  
терговчи оёғидан кўра қулоғи билан кўпроқ  
юради. Ушандагина фойдаси бўлади. Чунки,  
ҳозирги сен бораётган йўлда оёқ босиб бўл-  
майдиган жойлари ҳам бор. Эсингда тут.  
Кимки кўп ўйласа, у кам юради. Иш унумли  
бўлади. Тушундингми?

— Тушунарли, ўртоқ полковник. Бугун пеш-  
индан сўнг Хўжақишлоққа бормоқчи эдим.

— Сабаб?

— Марҳуманинг кўшнилари билан гаплаш-  
моқчиман. Қишлоқ одамлари барвақт тури-  
шади. Кампирниқига кимдир келганини ёки у  
ерда содир бўлган ғала-ғовурни эшитмаслик-  
лари мумкин эмас.

Эгам Раҳимовга унинг таклифи маъқул  
бўлди.

Полковник ўрнидан турди. Қаршисидаги  
темир сандиқни очиб, ундан бир варақ қоғоз  
олди-да, Мухторга берди. Сўнг унга насихат  
қилди:

— Кеча тунда олдик. Жумбоқ устига жум-  
боқ. Қамокхоналарда ҳам тартиб қолмаяпти.  
Ҳеч бўлмаса ўз вақтида хабар беришганда  
бўларди. Хойнаҳой овоза қилишга ўзларидан  
кўрқишган. Бу «совға»лари учун бошқармада-  
гилар бошларини силашмаслигини яхши  
билишади. Энди ишингни тезлатишинг керак.  
Бунақа одамлардан ҳар нима кутса бўлади.  
Мен милиция бошлиғи билан маслаҳатлаш-  
дим. Алоҳида гуруҳ туздик. Улар кеча тун-  
даёқ иш бошлашган. Сенинг номингни гуруҳ-  
га киритмадик. Ҳар томонни ҳисобга олдик.  
Шу боис ўз режанг бўйича ишингни давом  
эттираверсан.

Мухтор ўз хонасига чиқиб, бошлиғи тут-  
ган варақдаги ёзувларга яна кўз югуртирди.

«БАРЧА ДЕПАРА ВА ШАҲАР  
МИЛИЦИЯСИ БОШЛИҚЛАРИГА  
ТЕЛЕФОНОГРАММА

...18 мартдан 19 мартга ўтар кечаси қамоқхонага қарашли касалхонадан 1945 йилда туғилган Бегим Исमतов деган маҳбус қочган. Қочқоннинг айрим белгилари: Бўйи бир метру саксон беш сантиметр. Қора юзли, сочлари қизғиш. Пешонаси кенг. Бурун катагининг чап томонида туғма қизил холи бор. Сал эгилиб юради. Унг билагида яланғоч сув парисининг сурати бор. Шу қўлининг бош бармоғида тирноғи йўқ. Шопмўйловли.

Чап қўлининг тирсагидан пастки қисмига катта ҳарфлар билан «Яшасин ўғрилар кироли!» деб ёзилган. Маҳбусни топишга ёрдамлашингизни сўраймиз...»

Бу хабардан сўнг Мухтор ўзини боши берк кўчага кириб қолгандек сездди.

Бегим Исमतов нега қамоқхонадан қочди? Уни бундай қалтис ишга нима мажбур этди экан? Хўш, у қочиб яна қанча юриши мумкин? Бир ойми, уч ойми, бир йилми? Барибир қўлга тушади-ку? Наҳот шу оддий ҳақиқатни у тушунмаса?

Асло. Уни бунчалик тентаклик деб бўлмайди. Қилаётган ишининг охири нима билан тугашини яхши билади. Ҳатто бу учун яна қанча қўшиб беришларига ҳам ақли етади. Унинг қочиб қандайдир мақсади бўлган. Беҳудага, қийналганидан ё қамоқхонанинг тартибига кўниқолмаганидан қочмаган. Унинг қамоқхонага иккинчи бор тушиши. Демак, у ердаги шарт-шароитни, ким билан қандай муомалада бўлишни яхши билади.

Тўхта... Тўхта... Зебигардон ишида қочган бўлса-чи? Шарофат кампир 20 мартдан 21 мартга ўтар кечаси тонг отар вақтида ўлдирилган. Бегим эса 19 мартга ўтар кечаси қочган. Орада қарийб икки кун вақт...

Аслида қамоқхона ҳам бир дунё. У ерда фирибгардан тортиб одам ўлдирган қотилгача бор. Ҳар бирининг қандай қўлга тушганини эшитавериб уста бўлиб кетасан. Бегим ҳойнаҳой автобусда келмаган. Биронта йўловчи энгил машинада етиб келган бўлиши керак. Қамоқдаги куёвининг кутилмаган ташрифи кампирни ваҳимага солган. Бироқ қарчилик. Охирини ўйлаган. Куёвидан кўрққан. Бари бир кучи етмаслигини, худудан кутган ажали шу безорининг қўлида эканлигига ишонган. Шундай бўлса-да, зебигардонни ўз қўли билан бермаган кўринади. Беркитган жойини ҳам айтмаган бўлиши мумкин. Бироқ Бегим қари кампирни куч ишлатиб, турли қийноқларга солиб зебигардон турган жойни билиб олган. Изини йўқотиш мақсадида қайнонасини ўлдирган бўлиши мумкин.

Эшик қия очилиб, Эгам Раҳимовнинг боши кўринди. Аммо у ичкарига кирмади.

— Мухтор, мени Бегим Исमतовнинг қамоқхонадан қочиши ташвишга соляпти. Шарофат кампирда тилла буюм борлигини билган ягона одам ўша. Назаримда у қамоқхонада ҳам тинч юрмаган. Кампирнинг зебигардонни сотиб юборишидан, шунча бойлик осёнликча қўлдан чиқишидан кўрққан. Иложи борича, масаланинг шу томонларига жиддийроқ ёндашининг керак.

— Хўп бўлади, ўртоқ полковник. Мен ҳам шуни ўйлаб ўтиргандим. Ҳойнаҳой калаванинг учи шунга бориб тақалса керак.

Эгам Раҳимов эшикни орқасидан беркитар экан, фақат шогирдига эшитарли қилиб паст овозда гапирди:

— Яхши. Бироқ бу фикрингни ичингга ют. Деворнинг ҳам қулоғи бор, тушундингми?

Қора чарм билан ниқобланган эшик беозор ёпилди...

\* \* \*

Ҳовлиси тор, томи тунука билан ёпилган уйда ёши саксон бешларни қоралаган, Толиб ота яшар экан. Уртадаги нураган деворгина уларни Шарофат кампирнинг уйдан ажратиб турарди.

Мухтор дарвоза очиб бўлса ҳам тақиллатди. Ҳадеганда овоз бўлавермагач, ичкарига кирди. Кираверишда бир уюм шифер ва бетартиб терилгани туфайли қийшайиб кетган турли ўлчовдаги тахталар сочилиб ётарди. Деворга тақаб босилган цемент қоплар устига бризент ёпиб қўйилган. Шохлари осмонга тик ўсган тут дарахти остида эса эгнига оқ яктак-иштон кийиб олган чол яланг оёқларини офтобга тоблаб ўтирарди. Чол нотаниш меҳмон билан қўл олиб сўрашар экан, ичкарига таклиф қилди. Аммо Мухтор кўнмагач, оғилхона томонга қараб бақирди.

— Келин, қаердасан, болам. Чой қўйиб юборинглар. Меҳмон келди. Бедани кейин майдалайсизлар.

Чол оёғига қовушини илиб ўрнидан турди. Супанинг у бошида тахланган кўрпалар орасига қўлини тиқиб, кўк муқовали дафтар олди. Сўнг изига қайтиб, дафтарни меҳмоннинг қўлига тутди.

— Қарганимда жуда сарсон бўлдим, болам. Бор гапни кеча ижроқўмнинг раисига ҳам айтдим. Ахир одамда инсоф деган нарса ҳам бўлиши керак-да. Икки келин билан шу каталакдек уйда яшаймиз. Бир эшикдан кириб, бир эшикдан чиқамиз. Э... мусулмончилик ҳам қолмади. Ҳаммага берган ерни бизга бермайди. Аранг биттасига уй солиш учун майдон олдим. Аммо куруқ ер менга нимага керак? Шу кунларда уй солишининг ўзи бўлмайди. Ёғоч керак, бийтон керак, шипр керак. Омборхоналар хувиллаб ётганмиш. Сотувчилар пишққ бўлиб қолган. Келган тахтани истансанинг ўзидаёқ энг учиди тинчитиб юборишаяпти. Биздақа тирговчи йўқлар буёқда икки қўлини бурнига тиқиб қолаверади. Ҳолинг нима, деб сўрайдиган одам йўқ. Ана, мошинани моксиликдек бир йил юғуриб олғақ шипирим. Ярни синиқ. Уй уёқда турсин, ҳожатхонанинг устига ёпишга ҳам арзимади. Бутунини бер, десам нақ ёқамдан олди. Беш куб деб берган тахтаси аранг уч ярим куб чиқди. Унинг ҳам тенг ярни берўза экан. Буларни кўриб куймай бўладими, болам. Ахир мен улардан текинга олаётганим йўқ. Нақд пулимга оляпман. Пулни ҳам ердан супуриб олмаймиз. Бола-чақанинг оғзини боғлаб қўйиб йўғамиз. Агар куним шу қаллобларга қолса яна минг йилда ҳам, иморат у ёқда турсин, бостирма ҳам қуролмайман. Кеча ижроқўмдагилар уйингизга одам юборамиз, ҳаммасини текширади, дейишганди. Келганингиз яхши бўлди. Ҳаммасини ўзингиз кўринг. Ана, омборхонадан олган нарсаларим турибди. Қўл теккизганим йўқ. Бу имонингга ўт тушгурлар мени гапга солиб сиймондан ҳам уч қоп кам ташлашибди. Оплоқ соқолим билан ёлғон гапирмайман. Биз тенгиларнинг тўридан гўри яқин, болам. Телада худо бор. Ким ҳақ, ким ноҳақ — кўриб турибди.

Мухтор сабр-қосаси тўлиб-тошган чолнинг гапини бўлмади. Аксинча, унга тушунтирмақчи бўлди:

— Ота, мен бошқа иш билан келганман. Ижроқўмдан эмас, милицияданман. Сиз билан

қўшнингиз Шарофат кампир ҳақида гаплашмоқчи эдим.

Чол индамади. Узича яна алланималарни тушунтирмоқчи бўлди. Ошхонадаги ёшгина келинчақ бу ҳолни кўриб, уларнинг олдига келди. Келинларга хос ибo билан меҳмонга салом берди.

— Отамнинг қулоқлари оғир. Қаттиқроқ гапирмасангиз, эшитмайдилар.

Келинчақ энкайиб чолнинг қулоғига баланд товушда гапириб тушунтирди. Шундагина мезбоннинг қиёфаси ўзгарди. Жаҳл отидан тушди шекили, бошини сарак-сарак қилиб нимадандир қаттиқ афсусланди.

— Э-э, Шарофат жаннати эди, болам. Қушга ҳам озор бермасди. Бир бева-бечорани ўз уйида ўлдириб кетишса-я! Бай, бай бу жувонмарглар худодан ҳам қўрқмайди шекилли.

Мухтор чол билан анча қийналиб гаплашди. Яхшиям келини бор экан, баҳоли қудрат ёрдамлашиб турди. Шу боис қайнотасининг номидан ҳам тушунтириш хатини унинг ўзи ёзди. Толиб чол варақ охирига имзо чекди, холос.

«...Мен Толиб Мирзаев берилган саволларга қуйидагича жавоб қайтараман.

Асли Уратепаданман. Бу қишлоққа очарчилик йили кузда кўчиб келганман. Ризқимиз бут экан, ўлмадик. Урушга ҳам шу ердан кетдим. Гермонни охиригача бордим. Уқ тешмаган соғ жойим қолмади. Худога шўкр, умрим бор экан. Шарофат кампирни ўша йиллардан бери биламан. Девор дармиён қўшни эдик. Эри зилзилада том босиб ўлди. Узим тортиб олганман. У билан улфат эдик. Шу-шу бошқа эрга чиқмади шўрлик. Кампирим бод билан ўлгач, йилини ўтказиб одам киритувдим. Кўнмади. Толиб акани туғишганимдек кўраман, яхшиси шу муносабатимиз ўзгармасин, дебди. Ориятли эди-да, бояқиш. Қари бўлса-да, шу маҳалланинг хизматини қилиб юрарди. Пешонасида ёлғиз қизи бор. У бечорани ҳам худо бахтдан қисган. Қандайдир бурди йўқ йигитга турмушга чиққан. Доим маст-аласт келади. Лекин гапга ўқиган. Бекорчи қулоқ бўлса, эрталабгача гапириб чиқади. Узим Шарофатнинг уйига жуда кам ўтардим. Мусулмончиликка тўғри келмайди. Эркаксиз ҳовли.

Савол:— Шарофат кампир ўлган кунининг ҳовлисидан биронта бегона товуш эшитмадингизми? Балки кимндир курганингиз бордир?

Жавоб:— Шу кун бомдод намозига барвақт турдим. Тун бўйи уйкум келмай чиқди. Нафас қисар қасалим безовта қилди. Оёғимга эски кавушимни илиб ҳовлига тушдим. Намоздан олдин таҳорат олмоқчи бўлдим. Қарасам, обдаста бўм-бўш. Кампирим ўлганидан буён шу ҳол. Келинлардан худо берган. Кеч бўлмай уй-уйларига кириб кетишади. Тилибузурга тикилишгани-тикилишгани. Биров чақириб келса ҳам эшитишмайди. Узимча келинларни койиб қўлимга обдастани олдимда, девор остидан ўтадиган ариқ бўйига келдим. Сабаби, қирдан келадиган тиниқ сув шу ердан оқади. Деворнинг нариги томони кўча. Чап тарафи эса Шарофатнинг ҳовлиси. Аниқ эсимда — обдастани сувга ботириб олаётганимда девор ортида кимдир қаттиқ акса урди. Узим эшитдим.

Савол:— Аксирган ким эди? Эркак кишими ё?..

Жавоб:— Ҳайнаҳой эркак киши эди. Чунки

менинг қулоғим оғир. Унча-мунча товушни эшитмайман. Ҳар қалай аёл киши бунчалик қаттиқ акса уролмайди. Бунга ҳам куч керак. Обдастани сувга тўлдириб биров туриб қолдим. Очиғи, жиндай қўрқдим. Сабаби ўтган йил баҳорда ўғрилар айни тонгтарда боқувдаги икки кўчоримни ўғирлаб кетишганди. Яна шулармикан, деб ўйладим. Нима қилишимни билмай, керак бўлмаса-да, томоғимни қириб йўталдим. Сўнг товуш чиқардим:

— Ҳой кимсан? Нима қилиб юрибсан?

Девор ортидан жавоб бўлмади. Мен эса келинлар ҳовли супуришга турмасидан таҳорат олиш учун оғилхона томонга ўтдим.

Савол:— Девор ортидан бошқа ҳеч қандай товуш келмадим? Балки у яна акса ургандир?

Жавоб:— Эшитмадим. Яна биров кутсам бўларди. Бироқ мачит томондан Абди мулланинг азон айтган товуши эшитилди. Намоз кечикса бўлмасди-да.

Савол:— Шарофат кампирни яқин кунлар ичда бегона одам йўқлаб келмаганмиди?

Жавоб:— Хабарим йўқ. Кўчага кам чиқаман. Илгарилари кираверишдаги устолчага чиқиб ўтирардим. Шунимам худо кўп кўрди. Маҳмуд тракторчи маст бўлиб уриб кетди. Тавба, ўзи булар қанақа шофир. Йўл қолиб чеккадан ҳайдайди. Яна сизга бир нарсани айтай, икки кун олдин қизи келганди. Ўтиб кўнгил сўрадим. Бугун эрталаб дўконга чиққан келинимга гап топиб келди. Бечорани дўхтирлар яна касалхонага олиб кетишганмиш. Икки орада бир мусулмоннинг ҳовлиси ҳувиллаб қолди...»

Мухтор чол билан хайрлашиб, ортига қайтар экан, унга тушунтирган бўлди:

— Ота, мен бугун омбор мудирини чақириб тайинлайман. Кам олган ёғочингизни келтириб беришади. Цементларингизни ҳам. Сиз овора бўлиб юрманг. Келишдикми? Е менга ишонмайсизми?

Чол титроқ қафтларини кенг очиб, юзига фотиҳа тортиди.

Мухтор бу хонадондан чиқиб кун ботиш томондаги қўшни билан суҳбатлашиш мақсадида ўша томонга юрди.

Пешонасини оқ қийиқ билан боғлаб олган киши дарвоза олдидаги ариқни балчиқдан тозалаётган экан. Ун-ўн бир ёшлардаги бола эса ранги унқикан дарвозани кўкка бўярди. Уй эгаси Мухторнинг нима мақсадда келаётганини сезди шекилли, ариқдан ҳатлаб ўтди-да, унга пешвоз чиқди. Қўлидаги белкурагини паҳса деворга суяб қўйди.

— Ҳорманг, амаки. Бу ҳаракатлар катта-ку, а?

— Тирикчилик-да, ука. Уй олдини сал эпачага келтирмасак бўлмай қолди. Ҳозирги одамлар қизиқ. Қўлига илинган нарсасини ариққа улоқтиради. Шунинг учун йилига уч марта ариқ тозалаймиз. Бўлмаса балчиқ ёмон, сасиб кетади. Тирик одамнинг эшиги олди шундай турса уят-да, ука. Келинг, хизмат?

Мухтор ўзларидан бир неча метр нарида қулф турган дарвозага ишора қилди.

— Қўшнингизни иши бўйича келдим. Сўрайдиган бир-икки оғиз гапим бор.

— Ундай бўлса, ичкарига кирайлик. Қаранг, меҳмоннинг ризқи ўзи билан-да. Келиннингиз хамир қориб тандирга ўт қалаётган эди. Қани, марҳамат. Тортинманг, ука.

Улар ҳовлига киришди. Супага кўрпачалар тўшаб қўйилганди. Мухтор мезбоннинг қистовига қарамасдан, супанинг бир четига келиб

оёқларини осилтириб ўтирди. Сўнг лойга қориган этигини ечиб, қаршисига ўтирган уй эгасига эвол берди:

— Шарофат кампир ўлган куни сиз қаерда эдингиз?

Уй эгаси шошилмай бир бошдан гапира бошлади:

— Камбағал одамнинг иши сира ўнгидан келмас экан. Эскилар ови юрсаям, дови юрмайди, деб бекорга айтишмаган. Уч йилдан бери уйимиз нотинч. Янгангизнинг ўпкаси чатоқ. Шамоллатиб қўйган шекилли. Ярим жон бўлиб қолган. Бормаган табибим, кўрсатмаган дўхтирим қолмади. Худого шукр. Дори-дармонни зўри билан бахтимизга қимирлаб турибди. Уша куни нимагадир ишда кўнглим хижил бўлаверди. Очил биргадга айтиб, уйга бориб келмоқчи бўлдим. Ушанда вақт пешиндан ошиб қолганди. Биргад тажанг одам. Шу учун сира семирмаса керак. Гижгандаги майдонга чигат экиб бўлганимиздан кейин рухсат берди. Уйга келсам, хотин йиғлаб ўтирибди. Ола говмишимни сўйиб қўйишибди. Сигирни ўғлим Ойбек боқарди. Тўп тепишга берилиб қарамаган. Жуда хафа бўлиб кетдим, ука. Ахир шу жонивор оғиримизни энгил қилиб турганди-да. Аччиғимдан уйдагиларни уришдим. Барибир бейойда. Уз ёғимга ўзим қовурилиб қолавердим. Шу куни ярим тунгача хотин билан ухламадик. Сигирнинг калласини қозонга солиб қайнатдик. Маҳалладаги уч-тўртта чолни чақириб Қуръон ўқитиб юбормоқчи бўлдик. Худони ҳам эсдан чиқариб юбормаслик керак-да.

— Қўшингизни ўлимадан қачон хабар топдингиз?

— Юсуф қассоб гўштни маҳалланинг одамларига сотинг, деб маслаҳат берувди. Аввал рози бўлгандим, аммо янгангиз кўнмади. Айнитди. Қишлоқчилик-да, ука. Бировда бор, бировда йўқ. Пули лўмбай қўлга тушмайди. Ҳар ким топганда беради. Шунинг учун янгангиз марказдаги биронта қассобхона билан гаплашиб кўринг деди. Менга ҳам бу таклиф маъқул тушди. Бечора охирини ўйлаб иш тутадиган доно хотин. Илоё бахтимга омон бўлсин. Азонлаб йўлга чиқдим. Ишимни худонинг ўзи ўнглади. Гузардаги Мамат сартарош машинасида марказга қатиқ олиб кетаётган экан. Бирга кетдик. Қассоб кўпни кўрган йигит экан. Сотганим учун эллик ҳўқон берасиз, деди. Начора, рози бўлдим. Унақалар ўзига қолмаса ёнига яқин йўламайди. Узининг орқаси очиқ пат-пати бор экан. Уйгача мингашиб келдик. Аввал эътибор бермаган эканман. Қарасам қўшнимизнинг уйи олдида тумонат одам. Бир тўп мелиса ҳам юрибди. Қўрқиб кетдим. Кампирнинг қизи касалхонада деб эшитувдим. Бечора бандаликни бажо келтирибди-да, деб ўйладим. Пат-патдан тушиб дарвоза томон юрдим. Бироқ бир мелиса йигит ҳовлига киргазмади.

— Қассоб ахтариб кетаётганингизда қўшингизнинг дарвозасига кўзингиз тушмади-ми? Балки шу атрофда биронта бегона одамни кўргандирсиз?

— Йўқ, ука. Шарофат холанинг уйи бизнинг чап томонимизда. Мен дарвозадан чиқибоқ ўнг томонга кетдим. Шу боис оркамга қараганим йўқ. Ҳатто Мамат сартарошнинг ўзи келиб тўхтади. Бўлмаса тўғри автобус бека-тига бориб турмоқчи эдим.

Мухтор энди ўйланиб қолди. Қўшнилари орасида ярим тунгача ухламаган одам шу. Тун бўйи мол аччиғига кўзига уйқу келмаган.

Товушини борича уйдагиларни сўйиб юрган. Азонлаб ташқарига биринчи бўлиб чиққан ҳам шу одам. Шундай бўлгач, ниманидир сезган, кимнидир кўрган бўлиши керак. Толиб чол алдамайди. Ахир девор ортида кимдир қаттиқ акса урган-ку?

— Сиз марказга кетгач, уйда янгам қолганлар, тўғримиз?

— Ҳа. У мендан вақтли туради. Ҳовли супуриш, нонушта тайёрлаш унинг бўйнида-да.

— Балки янгам бирон нарсагини сезгандирлар?

— Бундан хабарим йўқ. Яхшиси ўзидан сўранг. Нонни ҳам ёпиб бўлди шекилли. Чақирайми?

— Яхши бўларди.

Ўзидан қон қочган, узун бўйли аёл Мухторнинг мақсадини эшитиб, бироз ўйлади. Кейин босиқ оҳангда гап бошлади:

— Акангиз айтган бўлсалар керак. Уша куни тонггача уйқу бўлмади. Гўшт қайнатиб чиқдик. Азонлаб акангиз қассобга бормоқчи эдилар. Шунинг учун уйдан чиқмасларидан ҳовлини супуриб олмоқчи бўлдим. Бу ариқ зармонда ҳамманинг ҳовлисидан ўтган. Аммо бизга келганда девор ортидан, йўл бўйлаб оқади. Акангиз атай шундай қилган. Ёзда ҳовли балчиқ ҳидига тўлиб кетармиш. Челакни олиб кўчага чиқдим. Сув келтириб ҳовлига сепдим. Иккинчи бор чиққанимда тепасида шахмати бор «Волга» ўтди. Пақирни сувга тўлдириб олаётганимда кўзим мошинда ўтирган одамга тушди. Қўшнимиз Шарофат момонинг кўёвларига ўхшатдим. Кампирни кўриб кетаётган бўлса керак, деб ўйладим.

Кутилмаган бу янгиликдан ҳаяжонланиб кетган Мухтор ўрнидан сакраб туриб кетай деди:

— Адашмаяпсизми? Ким дедингиз?

Мухторнинг бу ҳолатидан аёл иккиланиб қолди. Бир ўзига ўткир нигоҳини қадаб турган терговчига, бир бошини куйи эгиб ўтирган эрига тикилди.

— Адашганим йўқ. Бегим куёв эди. Фақат мўйловини олиб ташлабди. Мошин олдимдан жуда секин ўтди. Чунки йўл ёмон-да. Дарвозамизнинг тўғрисида қишда сув тўпланавериб қард бўлиб қолган. Ҳатто катта мошинлар ҳам секин юриб ўтмаса бўлмайди.

— Яхшилаб ўйланг. Тонгги ғира-ширада адашаётган бўлишингиз мумкин. Сиз Бегимни олдинлари ҳам кўрганмисиз?

Аёл кулди. Шунда унинг бўш боғланган рўмоли бўйнига тушди. Бундан ўнғайсизланган уй бекаси рўмолини бошига кўтариб қаттиқроқ боғлаб олди.

— Нима менга ишонмаяпсизми, ука? Нега Бегим куёвни танимас эканман! Утган йил оғилхонани кураётганимизда ўтиб қарашиб юборганди. Аскияга уста. Кўзбойлогич ҳунарини кўрсатиб ҳашарчиларни роса кулдирган эди..

— Сиз сувга қайта чиққанингизда машина тўхтаб турганмиди ё келаётганмиди? «Волга» қайси тарафга кетди?

— Мошин Шарофат момонинг уйи томондан келаётган эди. Лекин қайтиб сувга чиқмадим. Ҳовлимизга икки пақир сув етади.

— Бу ҳақда ҳеч кимга айтмадингизми?

— Йўқ. Мен Шарофат момодан Нодира опани касал деб эшитувдим. Хотинини онасиникига ташлаб кетаётган бўлса керак, деб ўйлабман. Кейинроқ бориб кўчада қий-чув бошланиб кетди.

—Бегим сизни кўрдими?

— Кўрган бўлиши керак. Ахир мен унга бошимни силкитиб салом бердим-да. Наҳот кўрмаган бўлса?

— Бегим қайнонасиникига тез-тез келиб турармиди? Кўшнингизни куёвига муносабати қандай эди?

— Охирги бир йил ичида Бегимнинг бу ерга келганини сира кўрмаганман. Баъзан бекорчиликдан Шарофат момонинг олдига чиқиб ҳангомалашиб ўтирардим. Гапдан гап чиқиб куёвини сўрадим. Қаёққадир, узоқ шаҳарга ишхонаси орқали ишлаш учун кетганини айтди. Бир-икки йил ишлаб мошинсиз қайтмаслигини ҳам эслатиб ўтди. Сира куёвини ёмонламасди. Ҳеч эшитмаганман.

Мухтор уй эгалари билан суҳбатлашиб бўлгач, ўрнидан туриб, эшик томон юрди. Бу пайтга келиб, ҳалиги бола дарвозанинг олд томонини бўяб бўлганди. Бола меҳмоннинг келаётганини кўриб, оёқ остидаги бўёқ солинган челақни бир четга олганича, йўл бўшатди. Ўғлининг ишидан мамнун бўлган отаси унинг кўнглини кўтарди.

— Ойбегимиз шу бўлади, мелиса ука. Ҳали озроқ болалиги бор-да. Копток тепавериб сигирини ҳам эсидан чиқариб қўйган.

Майли, вақт-соати келиб буларнинг қўлидан ҳам иш келиб қолар. Уришганимиз билан биз ёмон бўл, демаймиз. Ургангани ўзига фойда. Бировга зор бўлмайди.

Мухтор остонада тўхтади. Бошидаги қоғоз қалпоғидан тортиб, кўйлагигача бўёқ суртиб кетган боладан сўради:

— Нечанчида ўқийсан, полвон? Нега ўқишда эмассан?

Боланинг ўрнига отаси жавоб қайтарди:


— Кеча ўқитувчиси энди сиёҳли ручкада ёзасизлар, дебди. Шу кунгача шарикли ручкада кунлари ўтаётган эди. Уйда йўқ экан. Шунга мактабга бормаё ўтирибди. Ручкасииз дарсга келманглар, деганмиш. Бугун эрталаб Тешавой носфурушга пул бериб юбордим. Бозор қайтишда келтириб беради.

Отасининг очиқ гапидан уялган бола ерга қаради. Йиртиқ калишининг учи билан ер чиза бошлади. Буни сезган Мухтор ён чўнтагидан янги сиёҳли ручкасини олиб унга узатди.

— Бу сенга, полвон. Менда бунақа сиёҳли ручка кўп. Яхши ўқисанг, яна келтириб берман.

Бола бўёқ чапланган қўлини чўзди...

Давоми келгуси сонда



Маданият

## ҲУРМАТЛИ «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ОЙНОМАСИ ХОДИМЛАРИ!

*Мен сизларга илк бор мактуб йўллаяпман. Бунга журналнинг 1993 йил 1-сонида босилган Зарбувиш Султонова қаламига мансуб «Нафрат» асари туртки бўлди.*

*Мен бу қиссани томоғимга бир нима текилиб, кўзёшларимни тиндиролмай ўқиб чиқдим. Зарбувиш опанинг ўша пайтларда тортган азоблари бирма-бир кўз олдидан ўтиб, ота-онамининг бизга гапириб берган хотиралари қанчалик тўғри эканлигига яна бир бор ишончим комил бўлди.*

*Ўйлайманки, ҳозир Зарбувиш опанинг азоблари унут бўлган. Чунки уларнинг суянган тоғлари, ишонган боғлари — тўққиз фарзандлари бор. Илоё улар инсоф-диёнатли бўлиб, азиз онажонларини бошларида кўтариб юришсин.*

*Менинг ёшим 26 да. Шундай бўлса ҳам уларни дуо қилмоқчиман. Ҳудо у кишига узоқ умр берган бўлиб, фарзандларининг орзу-ҳавасларини кўриб, табаррук она бўлиб юрсинлар. Менинг бу ниятларимни ойномангиз орқали у кишига етказсангиз...*

БОЙ НАЗОВА Ҳилола,  
Ангрен шаҳри

**НАСР**

Неъмат Арслон. Адам водийси. Қисса . . . . .	3
Дилфуза Қўзиева. Саждагоҳ. Ҳикоя . . . . .	62
Мирмуҳсин. Мовароуннаҳр. Романдан боблар . . . . .	103

**НАЗМ**

Қутлибека. Қаттиқ ушлар юракдаги куч . . . . .	60
Маъруф Жалил. Соҳибқирон. Амир Темур қиссаси . . . . .	70
Ғулوم Мирзо. Сени кутяпман . . . . .	133
Ёр Муҳаммад. Бўғзимда портлайди оҳим . . . . .	147

**МАҚОЛАНАВИСЛИК**

Иброҳим Раҳим. Ишбилармон қисмати . . . . .	136
---	-----

**СУҲБАТ**

Ўткир Ҳошимов, Тоир Юнус. «Асарингни ўқиган китобхон ухлолмай чиқса...» . . . . .	149
--	-----

**МУШОИРА**

Кўксимни титратиб сўз келди . . . . .	157
---------------------------------------	-----

**ИЙЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР**

Заки Валиди Тўғон. Хотиралар . . . . .	164
--	-----

**ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО**

Муҳаммадҷон Соипов. Девор ортидаги киши. Ҳужжатли сарғу- зашт қисса . . . . .	179
--	-----

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 7—8

Журнал писателей Узбекистана

Ташкент — 1993

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев

Мусаҳҳиҳ М. Насриддинова

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.

Таҳририятга келган бир босма тобоқчача бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П. Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 04.05 93 й. Босишга рухсат этилди 07.06.93 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 12. Шартли босма тобоғи 16,8.  
Шартли-рангли босма тобоғи 17,5. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 18,2. Адади 23.718 нусха.  
Буюртма № 1959. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. 700083, Тошкент шаҳри.  
Буюк Турон кўчаси, 41.



## «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» — ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ

- БИР ҚУТИ ЧЕТ ЭЛ СИГАРЕТИ — 300 СЎМ.
- БИР ШИША ЧЕТ ЭЛ АРОҒИ — 3000 СЎМ.
- ТҮРТ УЛФАТНИНГ РЕСТОРАНГА БИР КИРИШИ 60000 СЎМ.
- «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» — 25 СЎМ.

Биз муштарийларимизга йил бошидан бери ойномани шу нархда етказиб бермоқдамиз. Қолбуки, қоғоз, матбаа, йўлкара харажатлари кескин қимматлашгани боис журналнинг ҳар бир сони таннархи 200 сўмдан анча қимматга тушмоқда. Шу сабабдан айрим сонларни қўшиб чиқаришга мажбур бўлдик. Йилнинг биринчи ярмида чакана савдога бир дона ҳам «Шарқ юлдузи» чиқмади. Мухлислар таҳририятга хат ёзиб, қўнғироқ қилиб журнал чакана савдога чиқарилса, қанча баҳода бўлса ҳам олишга рози эканликларини билдирмоқдалар. Бунинг учун биз улардан миннатдормиз. Лекин, афсуски, ҳар кун 300 сўмлик сигарет чекадиган, бир шиша ароқни 3000 сўмга оладиган, ҳафтада бир улфатлари билан 15000 сўм сарфлашни табиий ҳол деб биладиганлар орасида битта журнални 200 сўмга олишга оғринадиганлар ҳам бор. Биз ҳеч кимга иддао қилмоқчи эмасмиз. Аммо оғриқли савол туғилади: наҳотки, халқимизнинг ўзини ўзига танитиш учун, маънавий хазинамизни бойитиш учун, борингики, Ўзбекистон истиқлоли учун хизмат қилувчи ойнома бир қути сигаретчалик қадрланмаса? Наҳотки, бундай одамлар ўз оиласининг қадриятларимиздан баҳраманд бўлишини хоҳламасалар?

Азиз ўқувчилар! Ўзбекистон президенти И. А. Каримов фармонида биноан бошқа нашрлар қатори «Шарқ юлдузи»га ҳам моддий ёрдам ажратилди. Бунинг учун меҳнат жамоамиз, жамоат кенгаши ҳамда муштарийларимиз номидан жумҳурият раҳбариятига миннатдорчилик билдирамиз.

Қадрли дўстлар! 1994 йил учун обуна бошланди. Биз эрта-индин харажатлар янада ошиши эҳтимолдан холи эмаслигини биламиз. Шунингдек, барча соҳадаги меҳнаткашларнинг маоши, нафақаси, талабаларнинг стипендияси ўтган йил шу пайтдагига нисбатан бир неча ҳисса ошганидан ҳам хабаримиз бор.

Шуларни инобатга олиб, 1994 йил учун «Шарқ юлдузи»нинг ҳар бир сонини МУШТАРИЙЛАР УЧУН 200 сўм деб белгиладик. Чакана савдога эса журнал чиқиш-чиқмаслигини ҳозирдан айта олмаймиз. Шу боисдан, яхшиси келаси йил учун ҳозирданоқ обуна бўлган маъқул.

Ишонинглар! Чет эл мамлакатларида «Шарқ юлдузи» ҳажми ва нуфузидаги ойноманинг битта сони 2 доллардан 5 долларгача — яъни 2000 сўмдан 5000 сўмгача туради. Биз бир томондан илжи борича кўпроқ ўқувчиларни маънавий хазинамиздан баҳраманд қилиш ниятида, иккинчи томондан Президентимиз ва ҳукумат раҳбариятининг келаси йилда ҳам «Шарқ юлдузи»га кўмаклашишига умид боғлаб, шу арзимас нарх — 200 сўм устида бир тўхтама келдик. Умид қиламизки, «Шарқ юлдузи»нинг мухлислари, уни ўзининг доимий ҳамроҳи деб билувчи ўқувчилари жумҳуриятимизда минглаб топилади.

Шундай қилиб, 1994 йил учун обуна бошланди.

«Шарқ юлдузи»нинг обуна баҳоси  
БИР ЙИЛГА — 2400 сўм.  
ОЛТИ ОЙГА — 1200 сўм.  
Журнал индекси — 75458.